


АКАДЕМИЯ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР  
ИНСТИТУТ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ ИМ. АБУ РЕЙХАНА БИРУНИ

---



АБУ РЕЙХАН  
БИРУНИ

α 973 ~ 1048 κ.



ИЗБРАННЫЕ  
ПРОИЗВЕДЕНИЯ


II



---

ИЗДАТЕЛЬСТВО „НАУКА“ УЗБЕКСКОЙ ССР  
ТАШКЕНТ-1965

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ



АБУ РАЙҲОН  
БЕРУНИЙ

α 973 - 1048 ю



ТАНЛАНГАН  
АСАРЛАР

II



ЎЗБЕКИСТОН ССР „ФАН“ НАШРИЁТИ  
ТОШКЕНТ-1965

Берунийнинг ушбу китоби қадим ва ўрта асрдаги ҳинд фани ва маданияти ҳақида тенги йўқ қимматбаҳо асардир. Бунда автор ҳиндларнинг тарихи, фан ва маданияти, дин ва урф-одати ҳамда фалсафий системаларини чуқур ўрганиб, улар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилади. Беруний келтирган фактик материаллар ва унинг барча соҳаларга оид объектив баҳолари то шу вақтгача ўз қийматини йўқотган эмас. Ушбу асарни мутолаа қилувчилар ўрта аср Ҳиндистони ҳақида муфассал маълумот олиш билан бирга, авторнинг фикр доираси нақадар кенглиги, нақадар чуқур ва нақадар ўткирлигини билиб олиши шак-шубҳасиз. Шۇ билан бирга асар ўрта асрда Ўрта Осиёдаги фан ва маданият ҳамда маърифатнинг қий аҳволда бўлганлиги ҳақида ҳам тасаввур бериши мумкин.

Китоб шарқишунос, тарихчи, этнограф, географ, фан тарихи мутахассислари, олий ўқув юртларининг ижтимоий факультет ўқитувчилари, студент ва аспирантлари, умуман, ҳинд фани ва маданияти билан қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланади.

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ  
ИЛМИЙ МЕРОСИНИ УРГАНИШ ВА ОММАЛАШТИРИШ КОМИТЕТИНИНГ  
ҚАРОРИГА АСОСАН БОСИЛМОҚДА**



Арабчадан  
А. РАСУЛЕВ, Ю. ҲАКИМЖОНОВ,  
Ғ. ЖАЛОЛОВ  
таржимаси

МАСЪУЛ МУҲАРРИРЛАР:  
Ғ. ЖАЛОЛОВ  
<sup>ва</sup>  
А. ИРИСОВ

Сўз боши ва изоҳлар  
А. ИРИСОВНИКИ

## СЎЗ БОШИ

### АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ «ҲИНДИСТОН» АСАРИ

Буюк мутафаккир Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Берунийнинг йирик асарларидан бири «Ҳиндистон» китобидир. Бу асарнинг тўлиқ номи «Китобу фи таҳқиқи мо лил ҳинд мин маъқулатин мақбулатин фил ақли ав марзулатин»<sup>1</sup> («Ҳиндларнинг ақлга синадиган ва синамайдиган таълимотларини аниқлаш китоби») бўлиб, бу ном анча узун ва айтишга ноқулай бўлганлиги сабабли қисқача «Таҳқиқу мо лил Ҳинд» («Ҳиндистонга онд таҳқиқлар») ёки «Ҳиндистон» деб қўя қолинади.

Берунийнинг бу асари устида йигирма йил илмий текшириш ишлари олиб борган Эдуард Захау унинг арабча танқидий тексти билан инглизча таржимасини 1888 йил Лондонда нашр этди<sup>2</sup>. Шундан сўнг Берунийнинг бу соҳадаги ажойиб иши кўпчилик олимларга маълум бўлиб кетди. Захаунинг арабча тексти Тошкентда рус ва ўзбек тилига қилинган таржимага асос бўлди. Бу асарнинг арабча нусхаси иккинчи бор 1958 йили Ҳайдарободда нашр этилди<sup>3</sup>.

Берунийнинг «Ҳиндистон»и илк ҳинд маданиятини ўрганиш борасида тенги йўқ дурдона, бебаҳо хазина ҳисобланади.

Захау ҳиндшуносликда Берунийга тенг келадиган бирор олимнинг на ундан олдин ва на ундан кейин бўлганлигини билмаймиз, деган эди.

<sup>1</sup> Асарнинг бошқача номи шундай:

تحرير ما للهند من مقالة مقبولة في العقل أو مرزولة  
қаранг: И. Ю. Крачковский, Избранные соч. том IV, М.—Л., 1957, стр. 259.

<sup>2</sup> Albiruni's India. An account of the religion, philosophy, literature, chronology, astronomy, customs, laws and astrology of India about A. D. 1030. Edited in Arabic original by Dr. Edward Sachau, professor in the Royal university of Berlin, London, 1887.

<sup>3</sup> كتاب ابو ریحان محمد البيروني في تحقيق ما للهند من مقولة مقبولة في العقل أو مرزولة. صحح عن النسخة القديمة المحفوظة في المكتبة الاهلية بباريس. طبع بمطبعة مجلس دائرة المعارف العثمانية بحيدر آباد ١٣٧٧هـ-١٩٥٨م

Йирик арабшунос В. Р. Розен эса олимнинг «Ҳиндистон» асарини қадимги ва ўрта аср Гарб ва Шарқ адабиётида исми кўрилмаган ёлгорлик<sup>4</sup>, деб баҳолайди. Фан тарихи билан шуғулланувчи йирик мутахассис Жорж Сартон эса XI аср биринчи ярмини Беруний даври<sup>5</sup>, деб атади. Сартон фикрича, Беруний замонасининг улуғ олими бўлибгина қолмай, балки ҳамма замонларнинг ҳам энг улуғ сиймосидир<sup>6</sup>. Ҳинд олимларидан Ҳамид Ризо эса «Ўрта аср ва янги замон авторларидан ҳеч бири ҳам ҳинд маданиятининг чингал масалаларини чуқур илмий руҳда тушунишда ўлмас Абу Райҳон Муҳаммад Беруний эринган ютуқларга эриша олмади, Берунийнинг «Ҳиндистон»ни классик намуна бўлиб қолиши билан бирга, ўз авторининг қадимги ҳинд маданияти ва фанига қилган тортиғидан иборатдир»<sup>7</sup>, деган эди.

Калькутта университетининг профессори С. К. Чаттержи фикрига қараганда, Беруний ҳинд авторининг тилига хос оригиналликни шундай яхши билардики, ҳатто, бундай кишиларнинг ўша тил эгаси бўлмиш ҳинд халқи ичидан чиқиши ҳам камдан-кам учрайдиган воқеа эди. Эрамининг 1040 йилларида, бизга маълум бўлишича, маданият оламида ҳинд, мусулмон ва элли маданий меросини бир хилда чуқур, ҳар томонлама билган фақатгина бир киши бўлган, у ҳам бўлса, Беруний эди<sup>8</sup>.

«Беруний,— дейди Чаттержи,— биринчи ҳиндшунос олим бўлиши билан бирга, барча давр ҳиндшуносларининг ҳам энг йиригидир. Бир томондан, ўзининг ҳар томонлама ва аниқ маълумотлари туфайли, иккинчи томондан эса жуда ҳам сабр-тоқати ва объективлиги туфайли Беруний инсониятнинг энг буюк мутафаккирларидан бири ҳисобланиши керак»<sup>9</sup>.

Асарнинг қадри бўлиши, унинг бунчалик шуҳрат топгани ва авторига кўплаб таҳсину офаринлар келтиришининг асл сабаби Берунийнинг илм-фан, маърифат соҳасига қаттиқ киришгани бўлса, қолаверса, бу асар олимнинг илм йўлида анча етилган, дунёқараши маълум даражада камолотга етган пайтларида ёзилганидир.

Берунийнинг Ҳиндистон билан шуғулланиши бежиз эмас эди. Шарқдаги кўп мутафаккирлар — хоҳ у математик, хоҳ астроном ва хоҳ

<sup>4</sup> Записки Восточного Отделения имп. Русского Археологического общества, III. СПб., 1889, стр. 147.

<sup>5</sup> Introduction to the history of science. Volume I, from Homer to Omar Chayyam by George Sarton, Baltimore, 1927, p. 693.

<sup>6</sup> Sarton, Introduction, p. 707.

<sup>7</sup> «Беруний — ўрта асрнинг буюк олими», Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1950, 21-бет.

<sup>8</sup> Al-Biruni and Sanskrit by Sunil Kumar Chatterji. Шу тўпламга қаранг: Al-Biruni — Commemoration Volume, Calcutta, 1951, p. 85.

<sup>9</sup> Chatterji, ўша асар, 83-бет.

географ бўлсин — албатта, ҳинд фани, маданияти ва тарихи билан қизиққан. Чунки қадим замонларда ҳиндларда илм-фан бирмунча тараққий этган эди.

Масалан, йирик математик Муҳаммад Мусо Хоразмий (вафоти 847 йил) илм-маърифатда маълум ноғонага эришгач, ҳиндларнинг ҳам математика ва география илмлари билан қизиққан, имкони борича ундан фойдаланишига ва ўрганганларини бошқаларга етказишига ҳаракат қилган.



Беруний Ҳиндистонга бормасдан олдин, бу ўлка ҳақида гира-шира бўлса ҳам тасаввурни бор эди, аммо ҳинд фани ва маданияти билан чинакамга танишиш бу дийрга келишидан сўнг бўлгани табиий.

Беруний Ҳиндистон ҳақида маълумотлар тўплани учун, уни чуқур ўрганди ва барча мулоҳазаларини йиғиб, бир асар ҳолига келтирди. Унинг фикр-мулоҳазаси, ўткир мантиқий хулосалари киши ақлини ҳайрон қолдирар даражада диққатга сазовор эди, ўн аср париди яшаганлигига қарамай, ислом фалсафаси қўриқчилари дурбинидан, мутаассиб ҳоким доиралар жаҳолатидан омон қутула олди; ҳайратомиз илм дарёсига шўнғиб, маърифат жавҳарига етишти; билим-дошишга бўлган матонатини намойиш қилиб, ҳақиқатга садоқатини баён этди. У ҳаққониятни гапирадиган шундай ростгўй эдики, унинг исботи, фикрига қарши чиқишининг ўзи ҳам амри маҳол эди.

Беруний ўз заҳматларини фан учун, маърифат учунлигини билса ҳам, олимлар аҳволига гоҳ ачинади, гоҳ куйинади. Шу сабабдан бўлса керак, буюк мутафаккир алам билан ўз замонидан шикоят қилиб, илмий билим ва янги кашфиётларга йўл, шароит йўқлигини таассуф билан ёзган эди:

«...Лекин замонимиз айтиб ўтилгандай замон эмас, балки унинг тескарисичадир. Шундай замон ва шароитда яшаш мажбурий бўлгандан кейин, қачон илм юзага чиқади ёки юзага чиққани қачон ривож топади. Бизнинг замонимизда мавжуд бўлган барча илм, ўша тасвирланган даврлардагина бўлган қадимги замон билимларининг қолдиқлари ва оқоваларидир»<sup>10</sup>.

Берунийнинг Ҳиндистон ҳақида барча ёзганлари ҳинд манбаларини чуқур ўрганиши ва ўзининг шахсий кузатишларининг натижасидир. Олим ўз асарига киритган ҳар бир лавҳани жуда эҳтиёткорона, олган манбаани, эшитган кишисини, унинг ишончли ё ишончсиз шахс эканлигини айтиб, ўзининг холис фикр-мулоҳазаларини бериб кетади.

<sup>10</sup> Беруний, Ҳиндистон, 125-бет.

Беруний ўзининг Ҳиндистонда қанча йил бўлганлиги, қайси вилоятларда қанча туриб, илмий ишлардан ташқари, у ерда нималар билан шуғуллангани ҳақида бу асарида ҳеч нарса демайди. Аммо у Ҳиндистоннинг шимолий қисмидаги бир қанча жойларда бўлганлигини ёзиб кетган. Лекин у бу ерларга саёҳат қилибми ёки босиб олинган жойларга аскарлар кетидан кириб борганми — масаланинг бу томони ҳозирча бизга қоронғу.

Аммо «Ҳиндистон»нинг ўттиз биринчи бобида шаҳарлар кенгламаларини баён қилганида баъзи шаҳар ва қалъалар кенгламаларини ўзи кузатиб аниқлаганларини ёзади. Олим «Мен ўзим Лавҳўр (Лахўр) қалъаси кенгламасининг 30° 10′ эканини топдим. Бундан то Кашмир қасабаси—пойтахтигача 56 милядир. Унинг ярми тепаликлар ва ярми текис даладан иборатдир»<sup>11</sup>, дейди.

«Кузатишларим воситасида бир қанча жойлар кенгламасини топдим»,— дейди у. Ундан сўнг Беруний Ғазна, Кобул, Ламгон, Пуршовар, Вайҳанд, Жайлам, Нандна, Силкот, Мандаккакўр, Қанде — Работу амир (буни Э. Захау Гандамак ёки унинг ён-верисидagi жой бўлса керак, деб тахмин қилади<sup>12</sup>), Дунпур (буни Захау Жалолобод<sup>13</sup> деб тахмин қилади) каби ўзи аниқлаган жойлар кенгламасини келтиради. Ниҳоят, Беруний Ҳиндларнинг мазкур ерлардан бошқа жойларида бўлмаганини ёзади<sup>14</sup>.

Демак, Беруний бу ерлардан бошқа шаҳар ва ўлкалар ҳақида ёзганида у Ҳинд олимлари ёзган асарларни мутолаа қилиб ёки ишончли кишилардан суриштириб билиб ёзган.

Берунийнинг бу асарини инглизча таржимаси билан арабча текстини нашр қилган шарқшунос Э. Захаунинг фикрича, олим бу асарини 1030 йилнинг 30 апрелидан то 1031 йилнинг 19 декабригача ёзган<sup>15</sup>. Аммо Берунийнинг Хоразмдан Ғазнага келган вақти — 1017 йилни бу асар ёзилишига тайёргарлик йилининг бошланиши деб олсак, унда Беруний бу китоби устида 13 йил давомида ишлаган ва ниҳоят «Ҳиндистон» асари юзага келган, дейиш мумкин. Бу ҳақда Э. Захау шундай дейди:

«Шундай қисқа бир вақт ичида Берунийнинг бунчалик салмоқли, жуда ҳам аниқ таҳқиқли ва жумлалари ўта шишқ бир улугвор асар ёзганига таажжубда қоласан. Эҳтимол, олим бу асарнинг баъзи бобларини олдин ёзиб қўйган бўлиши ва китоб ёзилаётганда ўша жойларини

<sup>11</sup> Беруний, ушбу асар, 244-бет.

<sup>12</sup> Edward Sachau, *Albtruni's India*, London, 1887, preface, p. XII—XIII.

<sup>13</sup> Sachau, preface, p. XIII.

<sup>14</sup> Беруний, Ҳиндистон, 244-бет.

<sup>15</sup> Sachau, preface, p. IX.

кўчириб қўйган бўлиши ҳам мумкин. Ҳар қалай, ўзининг илгаритдан бери олиб борган илмий текшириш ва кузатишлари натижасида бирмунча астрономик ва бошқа хил асарлар, айниқса, ўзига зарур зижлар унинг қўл остида бўлган бўлиши керак ва, ниҳоят, Беруний илмдан дуруст хабардор бўлган шахсий котиблар ёрдамидан фойдаланган бўлиши керак, деб тахмин қилиш мумкин.

Беруний бу асарини жуда оғир даврда ёзди. Бу вақтда Эрон, Урта Осиёнинг гарбий қисми, Афғонистон ва Ҳиндистоннинг бир бўлагини бирлаштирган Ғазнавийларнинг улкан империясининг қулаш хавфи бор эди. Бундай нотинч пайтларда Беруний ўз илмий кузатиш ишларига шўнгиб кетган бўлса, бу галаёнлар авжига минганда у ўз асарини тугатишга уринди. Бу ҳол ўша давр сиёсий воқеаларига боғлиқ эканлиги борган сари аёироқ бўлиб кўриняпти»<sup>16</sup>.

Ҳиндистонда Беруний жуда кўп дўст орттирди. Олимнинг ажойиб инсон, ақл-заковатига қойил қолган ҳинд олимлар, алиблар, дин арбоблари ва оддий халқ намоёндалари унга ёрдам қўлини чўздилар; қийинини осонлаштирдилар, дўст-ақилларча муносабатда бўлдилар. Бу эса Берунийнинг буюк инсон сифатида қозонган галабаси эди.

Берунийнинг ўзи ҳам ҳиндларга ҳурмат ва эҳтиром билан қарайди. Шунинг учун ҳам у Ғазнага бориши билан ҳинд тилини ўрганишга аҳд қилади. Чаттержи фикрича, Беруний дастлаб Ғарбий Панжоб ва афғон ҳиндиларининг тилини билган<sup>17</sup>. Бу вақтда Ғазнада Ҳиндистондан келтирилган жуда кўп асирлар бўлган; ҳатто шаҳарнинг бирмунча аҳолисини ҳиндлар ташкил қилган. Беруний ҳинд тилини ўрганишни дастлаб Ғазнада яшаган ҳиндлардан бошлаб, сўнгра Ҳиндистон ерларига сафар қилганида камолотига етказган. Шу билан у қадимги ҳинд тили — санскритни<sup>18</sup> ҳам эгаллайди ва унда ёзилган илмий-тарихий обидалар бу мутафаккирнинг диққат назаридан ўтабошлайди ва охир келажакда, замонасининг ҳеч қайси олимга муяссар бўлмаган ютуқларга эришишга муваффақ бўлади.

Шуниси қизиқки, Беруний асарининг ҳеч бир ерида ўзи ўрганган тилни санскрит деб атамайди. Балки у ҳинд тилини ўрганганини ёзиш билан бирга, унинг икки хил — халқ тили ва хос тилига ажралишини таъкидлаб ўтади. Аммо у улуғ қитъада мавжуд бўлган бирмунча шеваларни, ҳар бирига хос бўлган талаффузларни фарқ қилмайди; буларнинг ҳаммасини у ўқимишли табақалар ва омма тилига ажратиб фикр юритади.

<sup>16</sup> Edward Sachau, *Albiruni's India*, London, 1887, preface, p. X.

<sup>17</sup> Chatterji, *Biruni and Sanskrit*, юқоридаги тўплам, 93-бет.

<sup>18</sup> Санскрит — маданият дегани бўлиб, бу ерда маданий (бизда адабий), тозаланган, ибораторо, классик тил маъносига. Бунинг ўзгачаси пракрит тил бўлиб, бу қўпол тил, яъни халқ тили дейилган.

Беруний Ҳиндистон ҳақида гапирар экан, ҳар бир нарсани зикр қилишда жуда ҳам эҳтиёткорона, объектив фикр юритди. У дуч келган ҳар бир нарсасига ақлий, илмий ёндашди, ҳиндларга хос бўлиб, бошқа халқларга ғайри одатий нарса бўлса, уларга бетарафона қараб, ундай одатларнинг келиб чиқиш сабабларини ахтаради ва унинг тубига етиб шарҳлайди. Шу сабабдан ҳам у таъкидлаб, бу китоб тортишни учун ёзилган китоб эмас, бу китоб ҳиндлар сўзини ўзгартирмай, рўйи рост ҳикоя қилиш китобидир, деб ёзади.

Беруний ўз китобида бор ҳақиқатни ёзганини уқтириб ўтади. «Мен бу китобда ҳиндлар сўзини ўзича ёзаман, уларнинг юнонлар билан яқинликлари борлигини билдириш учун унга юнонларнинг шу хилдаги сўзларини қўшаман. Чунки юнон файласуфлари ҳақиқатни баён қилишга уринсалар ҳам, авом халққа тегишли тушунчаларда уларнинг эътиқодлари ва шариятларидаги ишоратларидан четга чиқа олмайдилар. Юнонларнинг сўзлари билан биргаликда бошқаларнинг сўзларини баён қилмайман; фақатгина сўфийянинг ёки насоро тоифаларидан бирортасининг сўзини қўшиб баён қиламан... ва шу икки хил эътиқоднинг иттифоқи бир-бирига яқинлиги сабабли бирларининг сўзини бошқа бирлари билан солиштираман»<sup>19</sup>.

Берунийнинг «Ҳиндистон» асарини муқаддима ва саксон бобдан иборат.

Олим ўз асарида ҳиндлар ҳаётининг турли-туман томонларини, урф-одати, тарихи, фани, диний эътиқодлари, тангри, ақлий ва ҳиссий мавжуд нарсалар ҳақидаги тушунчалари, жон ва унинг моддага мунособати, руҳнинг бир бадандан бошқасига ўтиши хусусидаги ақидалари, бутларга сиғиши ва уларнинг шакл ва турлари, ҳиндларнинг диний китоблари ва ўша даврда уларни қизиқтирган масалалар ҳақида батафсил тўхталади. Бунда автор ҳинд тили ва ёзуви, грамматика ва фольклори, ёзма ёдгорликлари ва шеърини, фалсафаси ва тарихи каби турли-туман соҳаларга оид қимматли маълумотларни баён қилади.

Беруний Ҳиндистонни ўрганар экан, ундаги аниқ фанларга катта эътибор беради. Айниқса, ҳинд астрономияси, географияси, келинот ҳақидаги тушунчалари, сайёралар ҳақида қадимги ҳинд ақидалари Беруний диққатини ўзига тортади. Олим бу асарида ер ва осмон тузулиши ҳақида ҳиндларнинг эътиқодини баён қилар экан, улар билан бирга, ёриткичлар, уларнинг ҳаракати, ой манзиллари, қутб ва у тўғрида топган хабарлари ва, ниҳоят, шулар ҳақида ўз мулоҳазаларини ёзади.

Китобнинг бир боби планеталарнинг ўртача ўринларини ҳисоб-

<sup>19</sup> Беруний, Ҳиндистон, Муқаддима, 28-бет.

лашга ажратилган бўлса, бошқа бир боби Қуёш ва Ойнинг ерга нисбатан тутган ўрни, планеталарнинг бир-биридан узоқлиги, ҳажмларига бағишланади.

Беруний ҳиндларнинг ёритгичлар ҳақидаги фикрини келтирар экан. уларга онд ҳар хил эътиқодлари, расм-русум одатларини баён этади. Ҳатто у Қуёш ва Ой тутилиши, денгиз сувларининг кўтарилиши ва пасайиши, дунёнинг одамлар яшайдиган — маъмур қисми ҳақидаги тушунчаларга, ҳамда ҳинд астроном ва астрологларнинг фикр-мулоҳазаларига ҳам тўхтаб ўтади.

«Ҳиндистон» асарининг бир неча боби замон ва вақт, оламнинг пайдо ва йўқ бўлиш муддатлари, сутка ва кун, ой ва йилларнинг бўлаклари ва уларнинг турлари ҳақидаги ҳиндлар тушунчаларига бағишланган. Бу тўғрида келтирилган фикрлар фан тарихи билан шуғулланувчи ҳозирги мутахассислар учун ҳам яхшигина манба хизматини ўтайди.

Шу билан бирга Беруний ўз асарининг сўнгги бир неча бобларида ҳиндларнинг ўша даврдаги диний маросимлари, муқаддас жойларни зиёрат қилиш, бериладиган садақалар ва қурбонликлар, ҳалол ва ҳаром ҳисобланадиган овқат ва ичимликлар, ўзаро никоҳ, мерос бўлиш қонун-қоидалари, даъволарни ҳал қилиш йўллари, рўза ва унинг турлари, ҳайитлар, улуғ айёмлар, бахтли ва бахтсиз кунлар, хуллас XI аср ҳинд халқининг тушунчаларига, дунёқарашларига онд масалаларга тўхтаб ўтади.

Асар ҳиндларнинг астрология санъатида тутган йўл-йўриқлари, усул-қоидаларини баён этган саксонинчи боб билан тугалланади.

Бу айтиб ўтилган ҳар бир масаланинг атрофлича баён этилиши, албатта, Берунийнинг катта заковатидан дарак беради.

Дарҳақиқат, Беруний ўзини қизиқтирган масалаларни синчиклаб ўрганишда ҳеч эринмаган, уларни чуқур эгаллашга ҳафсаласи зўр бўлган. Зотан ўзи ҳам бор вақтларини ҳеч бекор кетказмай фақат илм учун сарф қилишда кўпчиликка намуна бўладиган сиймодир. Шунинг учун Шарқда Беруний типчиликни машаққатдан ва кундузини кечадан ажратмади; илмга қаттиқ киришганидан қўли қаламдан истироҳат, тили баёндан фароғат топмади; ўз таҳсили ва камолоти учун йилнинг ҳамма кунларини баробар деб билар эди, у йилнинг икки кунидагина (наврўз — янги йил ва меҳржон — ҳосил байрами) кўчага чиқиб, ўзига керакли нарсаларни жамғариб олар эди қолган кунлари доимо у илм билан банд бўлар эди<sup>20</sup>, деган гап тарқалган эди.

20

نامه دانشوران، مجلد اول، طهران ۱۲۹۶ھ-۱۸۷۹م ص ۳۷.



Бу, албатта, Берунийдек йирик талант эгасига юксак мақтовдир, зероки унинг ўзи бундай мақтов ва сифатлардан юқоридир.

Беруний ҳинд. маданий ёдгорликларини ўрганар экан, улардан ўзгаларнинг ҳам баҳра олиши, бошқалар ҳам мутолаа қилишга муяссар бўлиши учун бир қанча ҳиндча асарларни арабчага таржима қилган. Бу ҳақда олимнинг ўзи шундай дейди:

«Мен ҳиндларнинг икки китобини араб тилига таржима қилган эдим. Уларнинг бири (қоинотнинг) Бошланғичи ва мавжудот тавсифи ҳақида бўлиб, «Санкхъя» деб аталади. Иккинчиси, жонни бадан қафасидан қутқазиб тўғрисида битилган, у «Патаижали» номи билан машҳурдир. Бу икки китобда ҳиндларнинг шарият ҳукмлари эмас, балки эътиқодлари асосларининг кўпчилиги баён қилинган. Худо хоҳласа, шу китобим<sup>21</sup> ҳиндларнинг эътиқод ва шариятларини баён қилишда ҳалиги икки китобнинг ва улардан бошқа китобларнинг ўрнига ўтар ва талабга тўла жавоб берар, деган умиддаман»<sup>22</sup>.

Беруний араб тилидан санскрит тилига ҳам бир неча асарларни таржима қилган. Чунончи, у Эвклиднинг «Элементлар» («Аносир»), Птоломейнинг «Альмагест» ва бошқа асарларни таржима қилган.

Беруний ҳиндларнинг мавжудотга бағишланган китобларини ўрганади ва оқибатда у асарлардан дурусти бўлмиш Бароҳамиҳиранинг «Жотака» деган китобини санскрит тилидан арабчага таржима қилганини ёзади.

Бундан ташқари Беруний ҳиндларнинг медицинага оид асарларини ҳам ўрганади. У «Чорака» («Оқил») деган китобни жуда мақтаб ёзади. Бу китоб уни ёзган автори номи билан машҳур бўлган. Ҳиндлар «уни табиблик тўғрисидаги ҳамма китобларидан устун қўядилар», — деб ёзади Беруний.

Беруний аслида ҳиндчадан таржима қилиниб, кейин анча ўзгариб кетган «Панчатантра» (бизда у «Қалила ва Димна» номи билан машҳур) китобини таржима қилиш орзусида бўлганини ёзади. Лекин уни Беруний таржима қилганми-йўқми, ҳозирча номаълум. Аммо у арабчага Абдуллоҳ ибн Муқаффа (724—759 йиллар) таржимаси билан машҳур бўлган бу китобни ўқиб, унга қаноатлана олмаган, ҳатто, Муқаффани қаттиқ танқид қилган. Беруний бу ҳақда шундай дейди:

«Бизча, «Қалила ва Димна китоби» деб машҳур бўлган «Панча-

<sup>21</sup> Беруний «Ҳиндистон» асарини назарда тутаяпти.

<sup>22</sup> Беруний й, Ҳиндистон, 28-бет.

тантра»<sup>23</sup> деган китобни имконият топиб таржима қилсам деган орзу-йим бор. Чунки у китоб Абдуллоҳ ибн ал Муқаффа каби ўзгартириб юбормасликларига инониб бўлмайдиган бир гуруҳ кишилар тили билан ҳиндчадан форсчага, сўнгра форсчадан арабчага таржима қилиниб келди. Абдуллоҳ ибн ал Муқаффа «Қалила» китобига ўздан Барзовайҳ бобини қўшди; бундан мақсади динга эътиқодлари кучсиз кишиларни шакку-шубҳада қолдириш ва уларни Маннония мазҳабига чақираётганларга зарба бериш эди. Боб орттириб, ишончсиз бўлган киши таржимада ҳам орттириб, ишончсиз бўлишидан четда қололмайди»<sup>24</sup>.

Беруний ҳиндлардаги нозик тил билан бирга нозик шеър санъатига ҳам эътибор беради. Чунки ҳинд китобларининг деярли ҳаммаси назм билан ёзилган бўлади. Асарларни назм билан ёзишдан мақсад ўша ёзилган асарни ёдлаш осон бўлиши учундир. Ҳиндлар сочма асарга нафрат билан қараганлар. «Чунки,— дейди Беруний,— кишининг кўнгли келишган ва тартибли ҳар бир нарсага қизиқади, тартибсиз нарсадан нафратланади. Шунинг учун, ҳиндларнинг кўплари бу китобларнинг маъносини билмасалар ҳам, манзум асарларни берилиб ва қизиқиб ўқийдилар, хурсанд бўлиб ўйнаб, бармоқларини шақиллатадилар. Урганиш осон бўлса ҳам, сочма асарларни ўқишга рағбат қилмайдилар». Беруний Эвклид ва Птоломейнинг асарларини санскрит тилига таржима қилганида шу жиҳатдан қийналганини ёзади.

Ундан ташқари, Беруний бу китобида ўзи ёзмоқчи бўлган баъзи бир асари ҳақида ҳам гапирди. «Агар худо менга узоқ умр берса,— дейди у,— Нишопур узунламаси ҳақида баҳс қиладиган махсус мақола ёзаман»<sup>25</sup>.

Кейин у: «Ҳиндлар (ҳисобда) араблар сингари минглар хонасидан қайтар эканлар. Бу энг тўғри ва табиидир. Шу даражалар тўғрисида бир мақола ёздим»<sup>26</sup>, дейди. Сўнгра олим ҳинд ҳисоби системаси билан шуғулланиб, ниҳоят, «уларнинг сонларни ёзиш (системасининг биздагидан) ортиқчалиги ҳақида бир мақола ёздим»<sup>27</sup>, дейди.

<sup>23</sup> Ҳиндча «Панчатантра» асарининг «Қалила ва Димна»га айланиб қолишига асарнинг бош қисмидаги икки чиябўрининг исми — Каратака ва Даманака сабаб бўлган. «Панчатантра» (унинг маъноси «беш ҳикмат китоб»дир) паҳлавий тилига таржима қилинганда бу исмлар бузиб олинган, шу билан кўп тилларга шундай ном билан таржима бўлиб кетган.

<sup>24</sup> Беруний, Ҳиндистон, 130-бет.

<sup>25</sup> Беруний, ушбу асар, 236-бет.

<sup>26</sup> Беруний, ушбу асар, 141-бет.

<sup>27</sup> Беруний, ушбу асар, 143-бет.

«Ҳиндистон»нинг ўндан ортиқ боби ҳиндларнинг диний эътиқодлари ва урф-одатларини баён қилади. Беруний таъкидлашича, ҳар бир халқда ҳам юқори табақа билан авом халқнинг эътиқоди бир-биридан фарқ қилади; юқори табақа ақлий нарсалар устида мушоҳада юритса, авом халқ табиати аслдан келиб чиққан шохобчалар билан қаноат қилади, улар асл-асосни текширилишини истамайди.

Беруний айтишича, ҳиндлар таносухга эътиқод қиладилар. Уларча жон бир баданда ўз ишини битиргач, бошқасига кўчади. Улар ичида бунга ишонмагани бўлмайди; бундайлар бўлса, у диндан чиққан ҳисобланади.

Беруний ҳиндлардаги солиқ тўлаш ва садақа бериш билан ҳам кизиқсинади. Шунда улардаги ердан олинган ҳосил учун, чорва моллари ва ўтлоқ жой учун бериладиган солиқлар, шунингдек, кишиларнинг ўзини ва уларнинг мол-мулкани ҳамда оиласини қўриқлаётгани учун хизмат ҳақи сифатида ҳокимга маълум миқдорда ҳақ тўлаш каби бирмунча солиқларга тўхталади.

Берунийнинг келтиришича, у маҳалдаги ҳиндлар ҳар куни мумкин қадар садақа бериши лозим экан. Унинг бу келтирганлари ўша давр ҳинд халқининг нақадар аянч аҳволда яшаганлиги, барча топган-тутганларини солиқ ва хайр-садақа қилиб, ўзи эса фақирона ҳаёт кечирганини кўрсатадиган маълумотлардир. Беруний ҳиндлардаги қорамолни муқаддас деб билиш, уни сўйиш тамоман таъқиқланганлигига тўхталади. Баъзи ҳиндларнинг айтишича, дейди Беруний, Бҳарата урушидан илгари қорамолни истеъмол қилганлар ва уларни ҳатто қурбонлик ҳам қилганлар. Кейинчалик қорамолни сўйиш ман қилинган. Беруний, бу ҳол молларнинг нобуд бўлишининг олдини олиш учун атайлаб шундай қилинган, дейди.

Менимча, дейди давом этиб Беруний, ҳиндларда қорамол сафарларда узоқни яқин қилиши, оғир юкларни элтишга хизмат қилиши, шунингдек, деҳқончиликда ер ҳайдаш ва хирмон кўтариш вақтларида ишлатилиши ёки оилада унинг сути, мойи, тезаги ва қиш кунларда эса нафасидан<sup>28</sup> баҳраманд бўлишидан уни муқаддас деб санашса керак. Шунинг учун қорамолни сўйиш ман этилган. Бу тўғрида Беруний ажойиб фикр айтади: «Нодонлик истило қилган кишиларнинг бундай нарсаларга эҳтиёжи бўлганлиги учун уларга баъзи нарсалар қалол ва баъзи нарсалар ҳаром қилиниб, ўртага чек қўйилгандир»<sup>29</sup>.

Берунийнинг бу асари географик маълумотларга ҳам бойдир. Бу соҳага унинг ўндан ортиқ боби бағишланган. Агар «Ҳиндистон»нинг ўн саккизинчи бобида ҳиндларнинг шаҳарлари, дарёлари, денгизлари

<sup>28</sup> Бунда одамлар ўз молларини уй этагига бойлашганида унинг нафаси уйни иситишини назарда тутмоқчи.

<sup>29</sup> Беруний, Ҳиндистон, 406-бет.

ҳақида фикр юритилиб, мамлакат чегаралари, улар орасидаги масофалар тўғрисида маълумот берилса, йигирма иккинчи боби қутб ва унга оид хабарларга бағишланган. Бунда Беруний ҳиндларнинг афсона ва ривоятларини яхшилаб ўрганadi, чунки ҳиндларнинг асрлар оша келатган қадимги илм-фан ақидаларини фольклор воситаси билан билиш имконияти кенг эди. Шунинг учун ҳам у ҳар бир нарсани зикр қилишда бундай афсоналарни келтириб, улар орқали тарихий воқеаларни, илмий масалаларни аниқлашга ҳаракат қилади. Олим географик номларнинг ўзгариши ҳақида қизиқ бир фикрни ўртага ташлайди. «Тили бошқа бўлган халқларнинг,— дейди Беруний,— ерли халққа ҳукмронлик қила бошлаши билан номлар тезроқ ўзгаради. Кўпинча тиллари (бошқа халқ) у сўзларни келиштириб айта олмай, қабул қилади (натихада ўша), исмларнинг маънолари ўзгариб, шу кўйича, юнонлар одати сингари, ўз тилларига киради»<sup>30</sup>.

Беруний бу фикрига далил сифатида Тошкент исмини араблар ўзгартириб юборганини келтиради. «Тош сўзи,— дейди Беруний,— (асли) туркча исм бўлиб, Шош кўринишини олган. Тошкент — тошли қишлоқ демакдир. Жуғрофия китобида у «Бурж ал Ҳижора» («Тош қалъа») деб номланган»<sup>31</sup>.



Беруний ҳиндларнинг қадимги эра санашлари, тарих ва календарлари билан анча шуғулланади. У «Ҳиндистон» китобининг қирқ тўққизинчи бобда бу ҳақда қисқача бўлса ҳам, маълумот бериб кетади. Беруний ҳиндларда календарнинг кўплигига, рақамлари жуда чўзилганлиги — узунлигига ва уларнинг турларига тўхтайдди.

Ҳиндлар, дейди Беруний, йилларни юз-юзлаб санайдди, улар бундай санашни санватсара деб атайдилар. Ҳар бир юз йил ўтгач, ундан сўнг янги юз йил бошланади.

«Ҳиндларнинг бу эра ҳақида берган хабарларида,— деб ёзади Беруний,— кўп ихтилоф бўлганидан, уни аниқлашга менда имконият бўлмади. Йил бошланишига нисбатан ҳам эрага бўлган қарашларига ўхшаб, фикрлари ҳар хил. Иш қонун йўли билан аниқлангунча қараб турмасдан мен бу тўғрида эшитганларимнинг худди ўзини келтираман»<sup>32</sup>.

Бундан кейин олим қайси календарни қайси табақа, ўлка ва халқ ишлатиши ҳақида гапирadi. Лекин Беруний тарихий воқеаларнинг

<sup>30</sup> Беруний, ушбу асар, 232-бет.

<sup>31</sup> Беруний, ушбу асар, ўша бет.

<sup>32</sup> Беруний, ушбу асар, 310-бет.

чалкашлиги, бу ҳақда битилган баъзи асарларнинг нотўғрилигидан нолийди, кўп асарлар бетартиб ёзилганини афсус билан қайд қилиб ўтади.

«Агар ҳиндлар,— дейди Беруний,— тарихий ҳодисалар жараёнида тартиб билан иш олиб боришда бепарво бўлмасалар эди, подшоҳларнинг кетма-кет келиши тарихида гофил бўлиб, зарурат вақтларида ҳайратда қолиб, тахмин билан (бўлмағур нарсаларни) ҳисобламаганларида эди, биз улар тарихчиларининг баён қилган сўзларини келтирган бўлар эдик»<sup>33</sup>.



Беруний ҳиндлардаги астрономия ва астрологияга оид билимларни ҳам ўрганади; ҳиндларда астрологиянинг жуда кенг тарқалгани, уларнинг диний ишлари шу билимга кўра олиб борилишини кўрсатиб ўтади.

У вақтларда бирор киши астролог бўлса, шу билан бирга у астрономияни ҳам яхши билган. Шу сабабдан Беруний ўз асарида ҳиндларнинг бу соҳадаги қарашларига ҳам тўхтайтиди.

Беруний «Ҳиндистон» асарининг ўн тўққизинчи бобини планета ва буржларнинг исмларига бағишлайди. Ҳиндлар ҳар бир нарсани бир неча исм билан атар эканлар. Беруний таъкидлашича, ҳиндларда битта Қуёшнинг ўзини мингта исми бор, ҳатто, ҳар бир планетанинг ҳам шунча ёки шунга яқин исми бўлиши керак.

Беруний Ер шарни ва унинг ҳаракатлари ҳақида ҳам қизиқ-қизиқ мулоҳазаларини ўртага ташлайди. Чунончи, бир жойда у шундай дейди:

«Ернинг айланиш ҳаракати (назарияси) астрономия фанига ҳеч бир зарар келтирмайди, балки Ерда юз берадиган ҳодисалар, унинг ҳаракати билан бирга бир текисда давом этаберади. Аммо бошқа жиҳатлардан имкониятсизлик келиб чиқади. Шунинг учун Ер ҳаракати проблемаси ҳал қилиниши энг қийин масалалардан ҳисобланади. Қадимги олимлар ва улардан кейин етишган фозиллар, унинг ҳаракат қилиш ва қилмаслиги ҳақида кўп чуқур гапирдилар. «Биз «Астрономия қалиди» («...Мифтоху илм ал Ҳайъат») деган китобда, сўзда эмас, мазмунда улардан кўпроқ гапирдик, деб гумон қиламиз»<sup>34</sup>.

Беруний «Ҳиндистон»нинг қирқ саккизинчи бобида шахмат ҳақида маълумот бериб кетади. Унинг бу хусусда фикр юритиши ва шах-

<sup>33</sup> Беруний, ушбу асар, 311-бет.

<sup>34</sup> Беруний, ушбу асар, 217-бет.

мат техникаси ҳақида усталик билан нақл қилиши олимнинг анчагина уста шахматчи бўлганлигидан дарак беради.

Юнонлар шатранж — шахматни уруш араваси деб атайдилар, дейди Беруний, улар шахматни дастлаб Афина шаҳрида Манколус ижод қилди, дейдилар. Ваҳоланки, у бундан анча илгари Мисрда ижод қилинган эди. Лекин бу шахмат икки от билан юрар эди. Шундай бўлса ҳам афиналиклар, уни биз тузиб, шу ҳолга келтирган эдик<sup>35</sup>. дейдилар.

Беруний китобида келтирган шахмат турини тўрт киши тўрт томонига ўтириб, навбат билан иккала хонадаги доналар юргизилар экан. У бу хил шахмат ўйини ҳақида қонун-қоидалар ёзиб, унинг ҳақида маълумот келтиради.

Беруний ҳинд фани ва фалсафаси, тарихи ва урф-одатларини чуқур ўрганар экан, уларни юнон фалсафаси ва мифологияси билан солиштиради. У Ҳиндистонни ўрганиш учун қадимги ҳинд тили — санскритни ўрганган бўлса, икки халқ орасидаги қарашларнинг яқинлигини яна ҳам чуқурроқ билиш учун ўзига керакли юнон манбаларини ўрганади. У биргина шу Ҳиндистон ҳақида ёзган асариди йигирма бешдан ортиқ юнонча асарлардан нақл қилади. Бу соҳани ўрганган мутахассисларнинг айтишича, Беруний юнон тили — грекчани ўрганган ва уни яхши билган.

Академик И. Ю. Крачковский улуғ олимнинг «Ҳиндистон» асарини мутолаа қилар экан, унинг юнон тилини билганлиги шубҳасизлигини, кейинги йиллардаги текширишлар бунини ижобий ҳал қилишга асослар берганлигини кўрсатиб ўтган эди<sup>36</sup>.

Крачковский М. Мейерхофга ҳавола қилиб, унинг Беруний «Санскрит, грек, иброний, сурёний тилларда ўқиб, ўзига керакли нарсаларни араб ҳарфи билан ёза олганини» қайд қилган эди.

«Менимча, дейди Крачковский, «Ҳиндистон»да юнон манбаларидан келтирилган цитаталар бу фикрнинг тўғрилигини кўрсатади»<sup>37</sup>.

Беруний даврида кишилар маълум табақа, дин, мазҳаб билан ажралган бўлиб, кўпинча халқ бир-биридан мана шулар билан фарқ қилар эди. Беруний ҳам ўз замонасининг фарзанди сифатида шу қарашдан нари ўтолмайди, албатта. У кўп масалалар юзасидан ўзининг объектив фикрини билдирса ҳам, лекин у бу ўринда халқларнинг

<sup>35</sup> Беруний, ушбу асар. 304-бет.

<sup>36</sup> И. Ю. Крачковский, *Избранные сочинения*, том II, стр. 586

<sup>37</sup> И. Ю. Крачковский, *Уша асар*, 587-бет.

бир-биридан узоқлигига сабаб деб диний тафовутни билади. Аммо йирик мутафаккир, улкан файласуф сифатида барча дин ҳақида ўзининг холис фикрини билдиради. Беруний ҳиндлар динини танқид қилар экан, унда мавжуд бўлган иллатлардан ислом дини ҳам четда қолмаслигини эикр қилади, ҳиндларнинг ёмон феъл-атворларини ёзар экан; арабу форслар, юнону туркларда ҳам бундай нуқсон мавжуд эканлигини кўрсатиб ўтади; у ҳар бир халқдаги ҳам ютуқ, ҳам камчиликларни кўра олар эди.

Гарчи Беруний ислом динини ўз дини — ҳақ дин деб билса ҳам, лекин у бирор масалага муносабати ва қарашларини билдирса, унинг мулоҳазалари диний нуқтаи назардан бўлмас эди; у ҳар бир масалага ақлий ёндашар, мантиқий фикр юритар эди. У миллий, диний, ирқий чекланиш — маҳдудликдан холи эди. Ҳар бир халқ ҳақида оҳиста, эҳтиёткорона, ақл далили билан фикр юргизар эди. Унинг ҳар бир соҳадаги фикр доирасининг кенглиги, хулосаларининг зўрлиги ўқувчи диққатини тезда ўзига тортади. Ҳар бир сатрида ростлик, ҳаққонийлик, бетарафлик ҳоким эди. Ана шунинг учун ҳам улуғ мутафаккирнинг ҳар бир асари, жумладан, унинг «Ҳиндистон»и бу соҳага қизиқувчилар учун ўлмас бир обида, гавҳарлар тўла дарёдир. Беруний ўзининг бу бебаҳо асари билан ўз давридан жуда кўп замонлар ўзиб кетди, ҳатто ўз илмий мулоҳазалари билан давримизга яқин келади.

«Ҳиндистон» асарини арабчадан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, филология фанлари кандидати Абдуфаттоҳ Расулев (муқаддима, 1—26, 28, 30, 32 ва 80-бобнинг бош қисми), катта илмий ходим Юнусхон Ҳакимжонов (38—43, 46—49, 57—59, 61, 70-боблар) ва Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти, астроном Ғиёс Жалолов (27, 29, 31, 33—37, 44—45, 50—56, 60, 80-боблар)лар таржима қилишган. А. Расулев ва Ю. Ҳакимжонов таржималарини аниқ фан мутахассиси сифатида Ғ. Жалолов таҳрир қилиб чиққан, кўрсаткичларни эса Шарқшунослик институтининг илмий ходими Турғун Файзиев тузган.

Китобга изоҳ тузишда бу соҳага оид мавжуд адабиётлар қатори «Ҳиндистон»нинг русча таржимасига ёзилган изоҳлардан ҳам қисман фойдаланилди.

Асардаги ҳиндча ном ва исмларнинг ёзилишида, деярли, Э. Заҳаунинг инглизча таржимасида берилган транскрипцияга суянилди. Чунки у ўз вақтида кўп ҳинд олимлари ва ҳиндшунослар билан бамаслаҳат

иш олиб борган эди. Аммо баъзи ҳолларда сўзларни Захау қабул қилган йўсинда олмай, Берунийча олишга ҳам тўғри келади. Чунончи, Берунийда «Бароҳим» келса, Захау уни «Браҳма» деб олган, Берунийда «Санкҳъя» келса, Захау «Самкҳъя» деб элади, Беруний «Жава» (арпа) деб келтирса, Захау «Ява» деб олади. Бундай ҳолларда биз Беруний ёзганича олдик.

Беруний ўз асарида ҳинд терминларига ва бошқа нотаниш ибораларга қисқа бўлса-да, изоҳ бериб кетади. Шунинг учун китобда учраган барча сўзлар изоҳланмади, зарур бўлганларигина изоҳга олинди, холос, қолганлари учун Беруний берган шарҳ кифоя қиларлидир. Шу сабабли барча ҳинд сўзлари изоҳини кўрсаткичдаги бетлар билан Берунийнинг ўзидан қараб олиш мумкин.

**А. ИРИСОВ,**  
Филология фанлари  
кандидати.







# ҲИНДИСТОН







## РАҲМЛИ ВА МЕҲРИБОН ТАНГРИ НОМИ БИЛАН

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Берунийнинг ҳиндларнинг ақлга сиғадиган ва сиғмайдиган таълимотларини аниқлаш китоби



абар кўз билан кўргандек бўлмайди<sup>1</sup>, деган кишининг сўзи жуда тўғридир. Чунки кўриш кўринган нарсанинг ўзи бор пайтида ва ўз жойида турганида қаровчи кўзининг уни учратишидан иборатдир. Хабарга ёлғон-яшиқлар қўшилмаганда, у кўришга нисбатан ортиқроқ ўринда турган бўлар эди. Чунки кўриш ва қараш пайти нарса бор вақтнинг бир бўлаги билан чекланади. Хабар эса нарсанинг [қаровчига] кўринган вақтдан илгари ўтган ва кейин келадиган ҳолларидан дарак беради; ана шунинг учун хабар бор нарсалардан ҳам, йўқ нарсалардан ҳам дарак бераверади. Езиш хабар турларининг бири бўлиб, уни бошқа турлардан кўра шарафлироқ санаш мумкин; қаламнинг абадий излари бўлмаганда, халқларнинг хабарларини қайдан билар эдик?!

Сўнгра, одатда бўлиши мумкин бўлган нарса ҳақида берилган хабар бир хилда [фарқсиз] рост ва ёлғон бўлаверади; хабар хабар берувчилар сабабли ростлик ва ёлғонлик тусини олади. Чунки одамларнинг мақсадлари хилма-хил; халқлар ўртасида тортишиш ва талашиш кўп.

[Масалан] бир киши ўз жинсини улуғлаб ёлғон хабар тарқатади, бундан мақсади ўзини кўрсатиш бўлади, чунки унинг ўзи ўша жинсдан келиб чиққан бўлади; ёки ўзини кўрсатиш мақсадида бошқа зид бир жинсни айблаб, ёлғон гап ёяди, чунки у шу билан [зид жинс устидан] ғалаба қозонган ва ўз истагига эришган бўлади.

Бу икки хил хабарнинг ёмон истак ва ғазаб тақозосидан келиб чиқишлиги маълум.

[Иккинчи бир киши эса] ўзи севадиган бир табақага миннатдорчилик билдирмоқчи бўлиб ёки ёмон кўрадиган бир синфни хафа қилмоқчи бўлиб, улар ўртасида ёлғон хабар тарқатади. Бу хил [xabар тарқатувчи] аввалги хабар берувчи мухбирга яқин бўлади. Чунки у

бу хабарни дўстлик ёки душманлик натижасида тарқатган бўлади.

[Шунингдек] учинчи бир киши ўзининг паст табиатлиги сабабли бирон яхшиликка эришиш ёки ўзининг юраксиз ва қўрқоқлиги сабабли ёмонликдан қутулиб қолиш учун ёлғон хабар тарқатади.

Шундай кишилар ҳам бўладик, уларнинг табиатига ёлғон хабар тарқатиш ўрнашиб қолиб, гўё унга шу вазифа юклангандек бўлади ва ёлғон хабар тарқатмасдан тинчиёлмайди. Бу, ёмон хоҳишлардан ва табиатига бузуқ фикрларнинг жойлашганидан келиб чиқади.

Баъзи киши [ёлғон хабар тарқатувчига] тақлид қилиб, билмасдан ёлғон хабар тарқатади. Гарчи улар кўп бўлса ҳам ёки бир гуруҳ кетидан бир гуруҳ [шу тахлитда] кетаверса ҳам бу хабарчилар биринчи марта атайлаб ёлғон хабар тарқатган киши билан энг кейин бу ёлғон хабарни эшитувчи оралигида воситачи бўладилар; орадан тақлидчиларни тушириб юборилса, биз санаб ўтган ёлғончиларнинг ўша аввалги биттаеи қолади, холос.

Ёлғончиликдан четланиб, ростгўйликка ёпишган кишини бошқа одам у ёқда турсин, ёлғончининг ўзи ҳам севиб мақтайди. Ахир «ўз зарарингизга бўлса ҳам рост гапиринг» дейилган-ку. Исо пайғамбар— 3 унга тангрининг саломи бўлсин — инжилда мана шу мазмунда сўз айтган:

«Подшоҳлар олдида рост гапни гапиришда уларнинг савлатларидан қўрқманг, улар гавдангизга ҳукмронлик қила оладилар, аммо нафсингизга теголмайдилар». Исо пайғамбарнинг бу сўзи одамларнинг чинакам шижоатли бўлишга буюришдан иборатдир. Кўпчилик томонидан ботирлик деб танилган хулқ, яъни уруш майдонларида баҳодирлик ва турли ҳалокатларга учрашни писанд қилмаслик ўша шижоатнинг бир туридир. Аммо унинг ҳамма турлари ичида энг юқори даражали бир хили — тўғри сўзни сўзлаш ёки тўғри ишни қилишда ўлимни писанд қилмасликдир. Ҳамманинг табиатида, адолат бевосита севикли ва ҳамма унинг яхшилигига қизиқадиган бўлгани каби, ростгўйлик ҳам шундай; лекин ростгўйликнинг ширинлигини тотмаган ёки ширинлигини билса ҳам тотишни истамайдиган киши уни севмайди. Масалан, ёлғончилик билан машҳур кишиларнинг биридан, «ҳеч рост гапирганмисан», деб сўралганида «рост гапириб қўйишдан қўрқмасам, йўқ дер эдим», деб жавоб берган.

Демак, ёлғончилик кишини адолатдан юз ўгиртиради; зулм, ёлғон гувоҳлик, омонатга хиёнат қилиш, бошқалар мулкларини ҳийла билан босиб олиш, ўғрилик, дунё ва халқнинг бузилишига сабаб бўладиган бошқа ёмон хулқларни кишига яхши қилиб кўрсатади.

Устоз Абу Саҳл Абул Мунъим ибн Али ибн Нуҳ Тифлисий<sup>3</sup>—тангри у кишини қўлласин — билан [суҳбатлашганларимда] устоз муътазила-

лар<sup>4</sup> ҳақида асар ёзган бир кишининг китобини [ўқиб, унда] муътазилаларнинг: «албатта, тангри таоло зотан олимдир», деган сўзларидан айб топиб таҳқирлашини ёқтирмаганлигини сезиб юрардим. [Муътазилаларни таҳқирлаб ёзган] ўша кишининг [асл] иборати: «Муътазилалар, тангрининг илми йўқ, дейдилар», деган жумла эди. [Устод у кишини танқид қилиб, унинг] «бу ҳикоядан мақсади ўз гуруҳининг авом қисмига муътазилаларни «улар тангрини билимсиз дедилар», деб ёмонлаб кўрсатиш эди», дер эди.

Улуғ тангри билимсизликдан ва шаънига лойиқ бўлмайдиган сифатлардан покдир. Шунда мен устозга: «Ўз мазҳабига рақиб бўлган ва қарши кишилар йўлини ҳикоя қилишда шундай йўл тутмайдиган киши кам учрайди», дедим. Бундай йўл тутиш турли мазҳаблардан бир динда тўпланган кишиларда равшанроқ кўринади, чунки у мазҳаблар бир динда тўпланганидан бир-бирига яқин ва аралаш бўлади. Аммо турли халқлардан, айниқса, асос ва шохобчаларида бир-бирига ҳамкорлиги бўлмаган динлардан келиб чиққан мазҳабларда бундай йўл тутилганлиги билинмайди ва махфийроқ кўринади. Чунки ундай мазҳаблар бир-биридан узоқ ва уларни ўрганиш йўли бекикдир. Бизда мавжуд турли мақолалар китоблари [яъни тўпламлари], ҳар хил эътиқод ва динлар ҳақида ишланган асарлар фақатгина шундай нарсаларни ўз ичига олади. У асарлардаги аҳвол ҳақиқатини билмаган киши, агар фазилат арбоби бўлса, уларни ўқиганида бундай эътиқод аҳли ва у эътиқодлардан воқиф кишилар олдида уялишдан бошқа фойда ҳосил қилолмайди; агар паст табиатли киши бўлса, у мазҳабдагиларга ёпишиб олиб, оёқ тирашнигинга ҳосил қилади. Аҳвол ҳақиқатини билган киши, у китобларни ишониб ва эътиқод қилиб эмас, балки вақт ўтказиш ва лаззатланиш учун эшитиладиган тегсиз қисса ва афсоналар [ичи]дан чиқариб олишга ҳаракат қилади. [Устоз билан орамиздаги] шу сўзда ҳиндларнинг дин ва мазҳаблари мисолга олинди. || Шунда мен дедим: «Уларнинг кўпчилиги [биздаги] китобларда 4 ёзилиб, тушунтирилган; ёзилганларнинг баъзиси баъзисидан кўчирилган, териб олиб аралаштириб тўплангану, лекин ҳиндларнинг тушунчасига мослаб кераксиз тозаланмаган ва олиб ташланмаган. Шундай мақолалар тўпламларининг эгаларидан Абул Аббос Эроншаҳридан<sup>5</sup> бошқа оғишмай ва икки юзламачилик қилмай, тўғри ҳикоя қилган бирон кишини билмайман. Чунки у киши ўз китобида бирорта ҳам динга тарафдорлик ёки қаршилиқ қилмаган. Балки динлар ҳақида асар ёзишда ўзича бир йўл ихтиро қилган ва бундай асар ёзмоқчи бўлган бошқа кишиларни ҳам шу йўлни тутишга чақирган. У яҳуд ва насороларнинг динларини, таврот ва инжилнинг мазмунини яхши ҳикоя қилган; монавияларни<sup>6</sup>, уларнинг китобларида кўрсатилиб, ҳозир йўқ бўлиб кетган дин ва халқлар хабарини тўлиқ берган; лекин ҳиндлар ва ша-

манийларга<sup>7</sup> келганда, Абул Аббоснинг ўқи нишондан четга кетиб, охир бориб Зурқон<sup>8</sup> номли китобга теккан; ундаги сўзларнинг барчасини ўз китобига кўчирган; кўчирмаганларини, гумонимча, ҳиндлар ва шаманийларнинг авом халқидан эшитиб ёзган».

Устоз Абу Саҳл — тангри уни қўлласин — дин ва миллатлар ҳақидаги китобларни қайтадан мутолаа қилиб, улардаги аҳволни айтиб ўтилган суратда топгач, ҳиндлар билан қарши турмоқчи бўлган кишига ёрдам ва уларга аралашиб юрадиган кишиларга ҳужжат ва захира бўлиши учун ҳиндлардан аниқлаб ўрганган нарсаларимни ёзишга қизиқтириб илтимос қилди. Китобни, душманга бўҳтон қилмай ва сўзини [айнан] ҳикоя қилишни оғирсинмай [устоз айтганидек] ёздим. Агар ёзилганлар ҳақиқатга хилоф бўлиб, ҳақиқат аҳлларига ёмон эшитилса, у, ҳасмнинг тушунчасидир. [Чунки] ҳасм буни яхшироқ билади.

Бу китоб баҳслашиш ва тортишиш китоби эмас, шунинг учун бу китобда душманлар исботини келтирмайман ва ҳақиқатдан четга чиққанларга қаршилиқ кўрсатмайман. Бу фақатгина баён қилиш китобидир, холос.

Мен бунда ҳиндлар сўзини ўзича ёзаман; уларнинг юнонлар билан яқинликлари борлигини билдириш учун унга юнонларнинг шу хилдаги сўзларидан қўшаман. Чунки юнон файласуфлари ҳақиқатни баён қилишга уринсалар ҳам, авом халққа тегишли тушунчаларда уларнинг эътиқодлари ва шариатларидаги ишоратларидан четга чиқа олмайдилар. Юнонларнинг сўзлари билан биргаликда бошқаларнинг сўзларини баён қилмайман, фақатгина сўфиянинг ёки насора тоифаларидан биронтасининг сўзини қўшиб баён қиламан. Чунки ҳаммаларининг ҳулул ва иттиҳод<sup>9</sup> хусусидаги тушунчалари бир-бирига яқиндир.

[Ҳиндларнинг] икки китобини араб тилига таржима қилган эдим. Уларнинг бири бошланиш ва мавжудот тавсифи ҳақида бўлиб, «Санкҳъя»<sup>10</sup> деб аталади. Иккинчиси, жонни бадан қафасидан қутқазиш тўғрисида битилган, у «Патанжали»<sup>11</sup> номи билан машҳурдир. Бу икки китобда ҳиндларнинг шариат ҳукмлари эмас, балки эътиқодлари асосларининг кўпчилиги баён қилинган. Худо хоҳласа, шу китобим [бу мавзунини] баён қилишда ҳалиги икки китобнинг ва улардан бошқа китобларнинг ўрнига ўтар ва талабга тўла жавоб берар, деб умид қиламан.

Китобдаги бобларнинг кўрсаткичи мана шу:

5 1-боб. Ҳиндлар ҳақида айтмоқчи бўлган нарсаларимизни ҳикоя қилишдан олдин улар аҳволининг баёни.

2-боб. Ҳиндларнинг пок тангри хусусидаги тушунчаларининг баёни.

3-боб. Ҳиндларнинг ақлий ва ҳиссий мавжуд нарсалар ҳақидаги тушунчалари.

4-боб. Фезълнинг бўлишлик сабаби ва жоннинг моддага алоқаси ҳақида.

5-боб. Рухларнинг аҳволи ва уларнинг оламда таносух йўли билан бир бадандан бошқа баданга кўчиб юришлари ҳақида.

6-боб. Маҳшар, жаннатдан иборат мукофот ва дўзахдан иборат жазо ўринлари ҳақида.

7-боб. Дунёдан халос бўлишнинг кайфияти ва шунга олиб борадиган йўлнинг сифати ҳақида.

8-боб. Махлуқотнинг жинслари ва исмлари ҳақида.

9-боб. Ҳиндларнинг турли ранглар деб атайдиган табақалари ва улардан ҳам қуйи табақалар ҳақида. ✓

10-боб. Ҳиндлардаги диний йўл-йўриқ, қонун-қоидалар манбаи, пайгамбарлар ва шариатлар ҳукмларининг бекор қилиниши ҳақида. ✓

11-боб. Бут — санамларга ибодат қилишнинг бошланиши ва уларнинг тасвирланиши ҳақида.

12-боб. Ҳиндларнинг «Веда», «Пурона» каби диний китоблари ҳақида.

13-боб. Ҳиндларнинг грамматика ва шеър ҳақидаги китоблари баёни.

14-боб. Ҳиндларнинг бошқа илмларга оид китоблари ҳақида.

15-боб. Сўз орасида ишлатишни осонлаштириш учун Ҳиндларнинг машҳур ўлчовлари баёни.

16-боб. Ҳиндларнинг хатлари, ҳисоб ва бошқа нарсаларидан бир қанча маълумотлар ҳамда уларнинг қизиқ урф ва одатлари баёни. ✓

17-боб. Ҳиндларнинг жаҳолат уфқида қанот йиғиб [ўша жаҳолат заминига] қўнган илмлари ҳақида.

18-боб. Ҳиндларнинг шаҳарлари, дарёлари, денгизларининг танитилиши, мамлакатлари ва чегаралари ўртасидаги айрим масофаларнинг билдирилиши ҳақида.

19-боб. Планеталар ва буржларнинг исмлари, Ой манзиллари ва шуларга ўхшашлар ҳақида. ✓

20-боб. Брахманда ҳақида.

21-боб. Диний назарияларга мувофиқ хабар ва эшитилган ривоятлар б асосида ер ва осмон шакллари баёни.

22-боб. Қутб ва унга оид хабарлар ҳақида.

23-боб. Пуроналар авторлари ва бошқаларнинг тушунчасига кўра Меру тоғи баёни.

24-боб. Пурона китоблари юзасидан еттита двипа баёни.

25-боб. Ҳинд дарёлари, уларнинг бошланадиган жойлари ва турли жамоалар устидан ўтадиган йўллари ҳақида.

26-боб. Ҳинд астрономларининг фикрича, Осмон ва Ер шакллари.

27-боб. Ҳинд астрономлари ва пурона эгаларининг бошлангич икки ҳаракат ҳақидаги фикрлари.



- 28-боб. Ўнта асосий йўналишнинг белгиланиши ҳақида.
- 29-боб. Ҳиндлар фикрича, Ернинг одамлар яшайдиган қисмининг чегараланиши.
- 30-боб. «Ер қуббаси» деб машҳур бўлган Ланка ҳақида.
- 31-боб. Биз «икки узунламалар айирмаси» деб атаган турли мамлакатлар оралиғи ҳақида.
- 32-боб. Муддат, умуман, вақт ва оламнинг яратилиши ва йўқ бўлиши ҳақида.
- 33-боб. Куннинг бўлаклари — кундуз ва кеча ҳақида.
- 34-боб. Куннинг кичик бўлақларга бўлиниши.
- 35-боб. Ойлар ва йилларнинг турлари ҳақида.
- 36-боб. Мона деб аталадиган тўрт хил миқдор.
- 37-боб. Ой ва йил бўлаклари.
- 38-боб. Бароҳим умрининг охиригача бўлган кунлар таркиби.
- 39-боб. Бароҳим умридан ҳам ортиқ муддатлар ҳақида.
- 40-боб. Сандҳи — икки вақт оралиғи ҳақида.
- 41-боб. Қалпа ва чатуржуга таърифи ва бирини иккинчиси билан аниқлаш ҳақида.
- 42-боб. Чатуржуганинг тўрт жугага бўлиниши ва улардаги ихтилоф 7 ҳақида.
- 43-боб. Тўрт жуга хоссалари ва тўртинчисининг охирида келадиган барча кутилган нарсалар ҳақида.
- 44-боб. Манвантаралар ҳақида.
- 45-боб. Етти Қароқчи юлдузлари ҳақида.
- 46-боб. Норояна, унинг келадиган вақтлари ва номлари ҳақида.
- 47-боб. Васудева тўғрисида ва Бҳарата урушлари баёни.
- 48-боб. Акшавҳини миқдорининг шарҳи.
- 49-боб. Тарихлар ҳақида қисқача маълумот.
- 50-боб. Ҳар бир калпа ва чатуржугада ёритгичларнинг даврлари.
- 51-боб. Ҳар турли кунларни — адҳимоса, ўнаротра ва аҳарганани — таърифлаш ҳақида.
- 52-боб. Аҳарганани умумий ҳисоблаш, яъни йиллар ва ойларни кунларга айлантириш ва бунинг акси — уларни йилларга айлантириш ҳақида.
- 53-боб. Берилган вақт учун йилларни жузъий амаллар билан [ойларга ва кунларга] таҳлил этиш.
- 54-боб. Планеталарнинг ўртача ўринларини ҳисоблаш.
- 55-боб. Ёритгичларнинг тартиби, уларнинг узоқлиги ва катталиги ҳақида.
- 56-боб. Ой манзиллари ҳақида.
- 57-боб. Ёритгичларнинг қуёш ёруғлиги ташқарисига чиқиб кўриниши ва Ҳиндларнинг шу пайтда ўтказадиган қурбонлик ва расм-русмлари.

- 58-боб. Денгиз сувларининг кетма-кет кўтарилиши ва пасайиши.
- 59-боб. Қуёш ва Ой тутилишлари.
- 60-боб. Парва ҳақида.
- 61-боб. Шариат ва астрономияга онд вақтнинг турли соҳиблари ва уларга тегишлилар ҳақида.
- 62-боб. Олтмиш [йилли] санватсара ҳақида, уни шаштиябда ҳам 8 деб аталади.
- 63-боб. Браҳманнинг умр бўйи бажариши зарур бўлган махсус ишлари ҳақида.
- 64-боб. Браҳмандан ўзгаларга умр бўйича бажариши лозим бўлган расм ва одатлар тўғрисида.
- 65-боб. Қурбонликлар ҳақида.
- 66-боб. Ҳаж қилиш ва муқаддас жойларни зиёрат қилиш тўғрисида.
- 67-боб. Садақа ва касбдан ҳосил бўладиган маҳсулот тўғрисида.
- 68-боб. Ҳалол ва ҳаром ҳисобланган овқат ва ичимликлар ҳақида.
- 69-боб. Ҳиндларда никоҳ, ҳайз кўриш, бачадондаги бола ва нифос масаласи.
- 70-боб. Даъволар ҳақида.
- 71-боб. Жазолаш ва гуноҳларни ювиш — кафорат ҳақида.
- 72-боб. Мерослар ва ўликнинг мерослардаги ҳақи.
- 73-боб. Ўлганнинг ўз жасадига нисбатан ҳақи ва тирикларнинг ҳам ўз баданларига нисбатан ҳақлари.
- 74-боб. Рўза ва унинг турлари ҳақида.
- 75-боб. Рўза кунларини тайинлаш ҳақида.
- 76-боб. Байрамлар ва тантаналар ҳақида.
- 77-боб. Улуғ кунлар ва савоб олишга белгиланган бахтли ва наҳсли кунлар ҳақида.
- 78-боб. Қараналар ҳақида.
- 79-боб. Жугалар ҳақида.
- 80-боб. Ҳинд астрологиясининг бошланғич асослари ва ундаги усулларга бўлган ишорат ҳақида.
- Демак, ҳаммаси саксон бобдан иборат.

## Биринчи боб

### ҲИНДЛАР ҲАҚИДА АЙТМОҚЧИ БЎЛГАН НАРСАЛАРИМИЗНИ ҲИКОЯ ҚИЛИШДАН ОЛДИН УЛАР АҲВОЛИНИНГ БАЕНИ

9 Ҳикояга киришишдан олдин ҳиндларга оид нарсаларни аниқлаб ўрганишни қийинлаштирадиган аҳвол ҳақида сўзлашимиз керак; у аҳвол билан танишиш ё ишимизни осонлаштиради ёки узр айтишга сабаб бўлади. Чунки ҳиндлар билан муносабатда бўлмаслигимиз муносабатда бўлганимизда очиладиган нарсаларни бекитиб туради.

1 Ҳиндлар билан орамизнинг узилиб туришига бирмунча сабаблар бор. У сабабларнинг бири: ҳиндларнинг ҳамма нарсалари бошқа халқларники сингари биздагидан ўзгарақдир. Бошқа халқлардаги каби, аввало луғат — тилда ўзгалик бор. Бу ўзгаликни ҳеч бир киши осонлик билан кеткизолмайди. Чунки уларнинг тили [сўзга] бой ва кенг; араб тили каби, маълум бир нарса бирон ўзакдан олиниб, ўзига хос қилиб белгиланган бирмунча исмлар билан аталади; мақсадни ифода қилишда сифатларни кўпроқ айтишга эҳтиёж туғиладиган кўпгина нарсаларга битта исм берилади. Чунки [сифатлар айтилмаганда] бир жумла маъносини фақатгина уни, ундан кейинги ва олдинги жумлаларга солиштира олган фаросат эгаси билади, холос. Ҳиндлар тил ва луғатларидаги шу хусусият билан бошқаларга фахрланадилар; ҳақиқатда эса бу, тил ва луғат учун айб саналади.

2 Кейин тиллари оддий халқ ишлатадиган тилга ва фозиллар ишлатадиган сарф [морфология], иштиқоқ [этимология], наҳв [синтаксис] ва балоғатнинг нозик қоидаларига асосланган соф тилга бўлинган.

Яна уларнинг тилидаги баъзи ҳарфлар араб ва форс ҳарфларига тегишли товушларга тўғри келмайдиган ва ўхшамайдиган ҳарфлардан таркиб топган; ҳатто, тил ва оғзимиз у ҳарфларни ўз жойидан чиқариб айтолмайди; қулоқларимиз уларнинг ўхшаш ва тенгдошларидан ажратиб эшитолмайди ва қўлларимиз у ҳарфларни худди ўзидек қилиб ёзолмайди; натижада, уларнинг айрим сўзларини бизнинг хатимиз билан кўрсатиш қийинлашади. Шунинг учун уни кўрса-

тишда нуқта ва белгиларни ўзгартириб, машҳур ёки сунъий белгиларни қўйиб, ўша луғатни аниқлашга мажбур бўламиз. Шундай қилиб, агар нусха кўчирувчилар тилларга эътибор беришмаса, тузатиш ва солиштиришда бепарволик қилишса, сўнг қилинган меҳнат бекор бўлиб, китоб бир-икки марта кўчириб ёзишда бузилади ва у икки халқ [ҳинд ва мусулмон] орасига кирган ёки улар орасидан чиққан киши билолмайдиган янги бир тилга айланиб кетади.

Бу ҳақда сенга шуни далил келтириш кифоя қилади: кўпинча уларнинг оғзидан бир исмни эшитиб, уни яхшилаб талаффуз қилишни ўрганиб оламиз, кейин шу исмни уларга қайтариб айтсак, англамайдилар ёки қийинлик билан англайдилар.

Ҳиндларнинг тилларида, бошқа халқлар тилларида қатор келгани сингари икки ва уч ундош ҳарф кетма-кет келади. Суҳбатдошларимиз у ҳарфларни «унлиси яширин ҳарфлар» деб атайдилар. Кўпгина сўз ва исмлар сукун [ундош ҳарф] билан бошланганидан, уларни талаффуз қилиш бизга қийин бўлади.

Шу билан бирга, ҳиндларнинг ҳар хил илмлар ҳақидаги китоблари ўз завқларига мос, турли вазнларда тизма шеър қилиб тузилган. Тизма бўлишидан мақсадлари ўша китобларнинг ўз ҳоли ва миқдорича сақланиб қолишидир. Чунки китоб тизма равишда ёзилса, 10 у тизма ичига бир сўз [ёки ҳарф] қўшилса ёки камайтирилса, тизма вазни бузилиб, уни ўзгартирилганлиги дарров сезилади ва иккинчидан тизмани ёдлаш осон бўлади. Улар ёзишга эмас, балки ёдлашга аҳамият берадилар. Маълумки, тизма равишда ёзиш, вазнларни текислаш ва бу текислашда етишмаган жойни тўлдириш учун [сўз] қидириш каби қийинликлардан холи бўлмайди ва иборатни кўпайтиришга эҳтиёж сезади. Нарсалар исмларининг турлича айтилиш сабабларининг биттаси шу. Бу ҳол улардаги асарларни ўрганишни қийинлаштирадиган сабаблардандир.

3 Ҳиндлар билан ора узилиб туришининг яна бир сабаби — диндаги, эътиқоддаги умумий қарама-қаршилиқдир; биз улардаги тушунчаларнинг ҳеч бирини тан олмаймиз; улар ҳам бизникини тан олмайдилар. Улар ўз ўрталаридаги мазҳаблар талашида жон, бадақ, молни орага қўшмай, сўз жанжали билан бир оз тортишсалар ҳам, лекин диний душманларига қарши бундай вазиятда бўлмайдилар. Душманларини мличҳа<sup>1</sup>, яъни нопок — ифлос деб атайдилар. Шу жиҳатдан улар билан қиз олиб, қиз бериб аралashiш ва яқинлашишга, бирга ўтириб ейиш ва ичишга руҳсат бермайдилар. Тирикчиликда энг керакли нарса бўлса ҳам, ҳалиги душманнинг ишлатадиган сув ва оловини нопок деб биладилар. Сўнгра, уларча, нопок нарсани покиза қилиб бўладую, аммо диний душманни покиза қилишга ҳеч бир йўл йўқ. Шундай бўлгач, ораларига киришни ва динларини қабул қи-

лишни истаган кишини мутлақо қабул қилмайдилар. Бу ҳам орани яқинлаштиришни бузадиган ва жуда ҳам узилиб кетишни келтириб чиқарадиган сабаблардандир.

Ора узуклигининг сабабларидан яна бири шуки, ҳиндлар урф ва одатларда бизга қарама-қаршилар; ҳатто, бизнинг кийим-кечакларимизни, шаклимизни болаларига кўрсатиб, уларни кўрқитишгача ҳам борадилар; бизни шайтонга, шайтонни эса вожиб [худо]нинг аксига нисбат берадилар. [Аслда] бу нисбатни ҳиндлар бизга қарата айтган бўлсалар ҳам, бошқа халқларга ҳам ишлатаверадилар. Шу яқин фурсатларда уларнинг биттаси бизга адоват қилиб юргани менга маълум; шундайки, уларнинг подшоҳларидан бири биз яшаётган ердан [суғи] қасд қилиб борган бир душман қўлида ҳалок бўлган; подшоҳ хотинининг қорнида унинг ўрнига подшоҳ бўладиган бола қолган. У бола туғилгач, унга Сагара<sup>2</sup> деб ном берилган. Бола улғайгач, онасидан отасининг аҳволини сўраган; онаси воқеани айтганда, у, ғазабланиб жанг қилиш учун ўз мамлакатидан душман ерига чиқиб, то чарчаб ҳоригунигача у ердаги халқларни қирган. Қирғиндан қолган кишиларни хўрлаш ва камситиш учун бизнинг кийимимизда юришга мажбур қилган. Мен бунни эшитгач, унинг қилган ишидан ва ҳиндлашишни, ҳинд одатларига кўчишни бизга улуғлаб кўрсатмаганига хурсанд бўлдим.

Бир-бирдан нафратланишни ва узоқлашишни кўпайтирадиган нарсаларнинг яна бири шу: Шамания деб машҳур бўлган диндагилар ҳиндларнинг браҳманларига қаттиқ душманлик қилсалар ҳам, ўзларини бошқалардан кўра ҳиндларга яқинроқ тутадилар. Қадим вақтларда Хуросон, Форс, Ироқ, Мўсылдан тортиб, Шомгача бўлган мамлакатдагилар то Зардушт<sup>3</sup> Озарбайжондан чиқиб Балхда мажусий динига<sup>4</sup> даъват қилганигача, шамания динида эди; бунинг даъвати Куштасб<sup>5</sup> даврида ривожланди. Куштасбнинг ўғли Исфандиёд<sup>6</sup> Шарқ ва Ғарб мамлакатларида мажусий динини мажбурий ва сулҳ йўли билан тарқатди; Хитойдан то Румогача || оташ [параст]лар [ибодатхонлари] қурдирди. Сўнгра Исфандиёддан кейинги подшоҳлар Форс ва Ироқни ўз фуқаролари учун [шаманийлардан] тозаладилар. Шаманийлар у жойлардан чиқиб, Балхнинг шарқ томонларига бордилар. Қолган мажусийлар эса ҳозиргача ҳинд ерида яшайдилар ва улар мага<sup>7</sup> деб аталадилар. Ана шу воқеа, уларнинг то ислом дини келиб, Форс давлати йиқилгунича Хуросон томонларидан нафратланишларига сабаб бўлган эди.

Муҳаммад ибн ал Қосим ибн ал Мунаббих<sup>8</sup> Сижистон<sup>9</sup> вилоятларидан бўлган Синд<sup>10</sup> ерига [босиб] кирганида ҳиндлар яна четга қочиб узоқлашдилар. Муҳаммад ибн ал Қосим Баҳманва<sup>11</sup> шаҳрини олиб Мансура деб атади; Муластҳана<sup>12</sup> шаҳрини олиб, Маъмура деб от қўйди. У ҳинд мамлакатларининг ичкарасига кириб Канавж<sup>13</sup> шаҳригача

борди, қайтишда у Қандаҳор ерларини<sup>14</sup> ва Қашмир чегараларини топтади: гоҳ уруш қилиб, гоҳ сулҳ тузиб ўз динидан чиқиб [ислом динига] ўтишга рози бўлганлардан бошқа [барча] ерли халқни ўз динида қолдирди. Муҳаммад ибн ал Қосимдан кейин [араб] фозилларидан ҳеч бир киши то турклар давригача Кобул чегараси ва Синд сувидан ўтмаса ҳам, ҳалиги ҳодисалар ҳиндларнинг қалбларига турли душманликни ўрнатиб келди; турклар Сомония даврида Ғазна шаҳрини эгалладилар, давлат Носируддин Сабуктагин<sup>15</sup> қўлига ўтди. Сабуктагин [ҳиндлар билан] урушишни ихтиёр қилди; Носируддин, яъни динни ҳимоя қилувчи лақабини у шундан олди ва ҳинд томондагиларнинг кучини синдириб туриш ниятида ўзидан кейингилар учун шундай йўл очиб берди. Ямин ад Давла Маҳмуд<sup>16</sup> [худо уларнинг икковини ҳам раҳмат қилсин] ўттиз неччи йил ўша йўллардан Ҳиндистонга юриш қилиб, кўпгина кишиларни ҳалок қилди. Ҳинд мамлакатларида қирғинлар қилиб, машҳур афсоналардаги сингари уларнинг кулларини кўкка совурди; ниҳоят улар ҳамма ёққа сочилиб кетиб, қолганлари эса жуда ҳам нафратланиб, мусулмонлардан узоқлашишга тушдилар.

Балки шу ҳодисалар босиб олинган мамлакатлардан улардаги илмларнинг йўқолишига, Қашмир, Банорас ва буларга ўхшаш ҳалигача қўлимиз етмайдиган жойларга қочиб кетишларига сабаб бўлгандир. Шу билан бирга у томонларда сиёсат ва диёнат сабабли чет кишиларнинг барчаси билан алоқа жуда ҳам узилган.

Ундан кейин, айтиб ўтилган сабаблардан бошқа яна бир қанча сабаблар бор, уларни эслаш ҳиндларга таъна қилгандек бўлади; лекин уларнинг ҳиндлар ахлоқига сингиб кетганлиги кўриниб турибди.

Аҳмоқлик, давоси йўқ бир касалликдир; шундайки, уларнинг эътиқодича, дунёда ўз ерларидан бошқа ер йўқ, ўз жинсларидан бошқа халқ йўқ, ўз бошлиқларидан бошқа подшоҳлар йўқ, ўзларидан бошқа илм йўқ ва динларидан бошқа дин йўқдир. Ўзларини юқори тутиб, бемаъни ҳаракат қиладилар ва кибрланиб билимсиз қоладилар. Урганган нарсаларига бахиллик қилиб, ўз жинсларидан бўлса ҳам, ноаҳл кишига ўргатмайдилар. Шундай бўлгандан кейин бошқаларга қандай ўргатсинлар!

Чунки улар мамлакатларидан башқа мамлакат борлигига, у мамлакатларда ҳам халқнинг яшашлигига ва ўзларидан бошқа халқларда ҳам илм борлигига ишонмайдилар. Ҳатто, уларга Хуросон ва Форсдаги бирон илм ёки олим ҳақида сўзланса, сўзловчини жоҳилга чиқариб, аҳмоқлик касаллиги сабабли унга ҳам ишонмайдилар. Агар улар сафарга чиқиб, бошқаларга аралашсалар, ўз фикрларидан қайтар эдилар. Ҳолбуки, бурунги ҳиндлар бу даражада хабарсиз эмас эдилар. Уларнинг фозилларидан бўлган [яқин вақтдаги] Бароҳамиҳира<sup>17</sup> браҳманларни улуғлашга қаратилган даъватида шундай деган: «Юнонлар бул-

гонч бўлсалар ҳам, илмни юзага чиқариб, бошқалардан юқори кўтарила олганликлари учун, уларни улуғлаш лозим. Браҳманни илм шарафи 12 покласа, унинг ҳақида биз ҳам шундай дея оламиз». || Ҳиндлар юнонларнинг илмдан насибалари бизникидан кўпроқ, деб уларга қойил бўлар эдилар. Сенга раҳмат, деб туриб, ўзини мақтайдиган киши бунга етарли далил бўлади.

Мен ҳиндларнинг астрономлари қошида, устози олдида турган шо-гирддек эдим, чунки улардаги нарсаларга ошно эмас эдим ва вазият аҳволларини билмас эдим. Улар билан танишишга бир оз йўл топил-гач, улар фанидаги қолоқликни ва бунинг учун браҳманларникидан баъзи далилларни келтирадиган ва ҳисоблардаги тўғри усулларни кўр-сатадиган бўлдим. Шунда, улар менга ҳайрон қолиб ажабланар ва мен-дан фойдаланишга интилар эдилар, улар қайси ҳинд олимлари билан учрашганимни, ҳатто [бу илмларимни] уларнинг қайси бирисидан ўр-ганганимни сўрар эдилар. Мен эса уларга ўз даражаларимни кўрсатар ва улардан жуда устун келар эдим. Ҳатто, мени сеҳргар деб ва улуг кишилари олдида эса [илм] денгизи ё сув деб мақтар эдилар. Бу ҳол эса «сув ачиб [бузилса, уни тузатиш учун] сирка зарур ва азиз бўла-ди»<sup>18</sup> [дейилган мақолни эсга келтиради]. [Ҳиндистонда] аҳволим мана шундай эди. Бу соҳага киравериш мени чарчатди. Шу билан бирга ўша кунларда уларнинг китобларини бор деб гумон қилинган жойлардан тўп-лашга, ҳеч ким тенглашолмайдиган даражада қизиқардим, китобларни бекитиб қўйилган жойлардан топиб олишга йўл кўрсатувчи кишини олдимга чақириб, бахиллик қилмасдан, мумкин бўлганича, унга эҳсон қилар эдим. Шундай китоб вужудга келтириш иши мендан бошқа ким-га муяссар бўлди? Лекин тангри муваффақият бериб, мен маҳрум бўл-ган ҳаракатларга қодир бўлган кишигагина муяссар бўлиши мумкин. Мен у ҳаракатлар — буюриш ва қайтариш ишларида «тут-қўй» деб ҳукмронлик қилишдан ожизлик қилардим. Аммо кифоя қиларли миқ-дордаги ҳаракатга муваффақ бўлдим; бунинг учун тангрига шукурлар бўлсин.

Шуни айтишим керакки, насроний дини юзага чиқишидан олдин подонлик даврида юнонийлар эътиқоди ҳиндларникидек бўлган; яъни юқори табақаларнинг назарий ва илмий нарсалардаги эътиқодлари ҳиндларнинг юқори табақалари сингари ва авом халқнинг санамларга чўқиниши эса ҳиндларнинг авом халқи сингари эди. Шунинг учун шу нкки хил эътиқоднинг иттифоқо бир-бирига яқинлиги сабабли бирлари-нинг сўзини бошқа бирлари билан солиштираман. Мен хатони тузатмоқ-чи эмасман. Чунки ҳақ ва тўғри тушунчадан бошқа эътиқодлар ҳақи-қатдан четдадир. Ҳақиқатдан четга чиққани сабабли кофирлик ҳам бир дин ҳисобланади. Лекин юнонлар, ўз томонларидаги файласуфлари сабабли ҳиндлардан устунлик қиладилар. Ҳатто, уларнинг файласуфла-

ри авом халқи учун эмас, балки юқори табақалари учун усул ва қондалар ишлаб чиққанлар. Чунки юқори табақалар хавф-хатардан тинчиса, текшириш ва фикр юритиш [иши] билан, авом халқи эса беандишалик ва ўжарлик билан машғул бўлар эдилар. Ушандай файласуфларнинг бири Суқрот<sup>9</sup> эди. Суқрот ўз халқи оммасининг санамларга ибодат қилишига қаршилиқ кўрсатиб, тилда бўлса ҳам, планеталарни худо деб аташдан бош тортди. Шунинг учун Афинанинг ўн иккилик қозисидан ўн биттаси бир овоздан унинг ўлдирилишига фатво бердилар. Суқрот эса ҳақ йўлдан қайтмаганича ўлиб кетди.

Ҳиндларнинг илмларини бекорчи нарсалардан тозалайдиган бундай кишилари йўқ ва шу мақсадга дастак бўладиган биронта ҳам маҳсус сўз тополмайсан; топилганда ҳам у асоссиз, бетартиб, сонларни кўпайтириш, муддатларни узайтиришдан иборат; бировнинг қарши бўлишини аҳли истамайдиган тегсиз эътиқод мавзуларидан иборат бўлган ва авом халқ хурофотлари қўшилган сўзлари топилади. Шунинг учун уларда тақлидчилик кучли ва шу сабабли улар ҳақида мана шуларни айтаман: уларнинг китобларидаги ҳисоб ва турли таълимотларни || сополга 13 аралаштирилган садафга ёки тезакка қўшилган дурга ёки майда тошларга қориштирилган биллурга ўхшатаман. Уларнинг олдида иккала жинс баробар; чунки улар юқори даражали далиллар билан асосланмайдилар.

Мен улар томонидан сўзлаганимда кўпроқ ҳикоя тариқасида сўзлайман, уларни танқид қилмайман, лекин очиқ-ойдин зарурат юз берса, танқид қиламан. Тилларидаги исм ва терминларни таърифлаш зарур бўлса, бир мартагина [ҳиндчасини] айтиб ўтаман. Агар исм бирон ўзакдан олинган бўлиб, араб сўзи билан уларнинг маъносини бериш мумкин бўлса, бундан бошқа йўлга юрмайман; лекин ҳиндчасини ишлатиш энгилроқ бўлса, унинг ёзилиш шакли жуда аниқлангандан кейин, ўша ҳиндчани ишлатаман. Ёки сўз четдан кирган бўлиб, ўзи жуда машҳур бўлса, унинг маъносини айтгандан кейин ўзини ишлатаман. Агар у исм-термин ўрнида бизда ҳам машҳур исм бор бўлса, бунда иш осон. Биз мўлжаллаган мақсадда геометрик усулни қўллаб сўзни ўтган бобга ҳавола қилиб тушунтириш қийинроқ [ўша ернинг ўзида], қайтариб баён қилиш қийин эмас. Шунинг учун айрим бобларда баъзи номаълум бир нарса зикр қилинади ва унинг изоҳи эса келгуси бобда келтирилади. Тангри муваффақият берувчидир.



## Иккинчи боб

### ҲИНДЛАРНИНГ ПОҚ ТАНГРИ ХУСУСИДАГИ ТУШУНЧАЛАРИНИНГ БАЕНИ

Ҳар бир халқдаги юқори табақа билан авом халқнинг эътиқоди бир-биридан бошқачароқ бўлади; чунки юқори табақанинг табиати ақлий нарсалар устида тортишиб, асл ва асосни аниқлашни мўлжаллайди. Авом халқнинг табиати эса сезадиган нарсалари билан чекланиб, аслдан келиб чиққан шахобчаларга қаноат қилади, [асоснинг] текширилишини истамайди. Айниқса, у табақаларнинг фикр ва иродалари турлича бўлиб, бир-бирига мувофиқлашмайдиган нарсалар устида бир-биридан бошқароқ бўлади.

Ҳиндларнинг пок тангри ҳақида тушунчалари [мана шундай]: тангри якка, азалдан бор — борлигининг бошланиши ва охири йўқ, истаганини қилади, қудратли ва ҳукм эгаси, тирик, тиргизувчи, [билиб ишини қилувчи] тадбирли, ишини давом эттирувчи, подшоҳликда ягона, унга зидлашадиган ва тенглашадиган нарса [ва зот] йўқ; у бирор нарсага ўхшамайди, бирор нарса унга ўхшамайди.

Ҳикоямиз фақатгина эшитилган нарсага ўхшаб қолмаслиги учун уларнинг китобларидан бир оз сўз кўчираемиз. «Патанжали» китобида сўровчи дейди<sup>1</sup>: «[Бўй эгиб] ибодатига машғул бўлинганда муваффақият берувчи тангри ким?» Жавоб берувчи дейди: «У азалдан бор ва ягона бўлиб, унинг ҳеч бир нарсага муҳтожлиги йўқ, қиладиган ишида бирон роҳат билан мукофотланишни орзу ва умид қилмайди ёки бирон қаттиқчиликдан қўрқиб ва эҳтиётланиб турмайди; яратувчи ўзи турли фикрлардан пок, чунки унинг ёмон кўрадиган қаршилари ва яхши кўрадиган тенглари йўқ, зотан, ўз-ўзидан доимо билимдон, шундай экан у, ўрганилган илм, билинмаган нарсаларнигина билдиради; ҳолбуки, у ҳеч бир вақт ёки ҳеч бир ҳолда билимсиз бўлган эмас».

Кейин, сўровчи дейди: «Айтиб ўтганларингдан бошқа яна унинг сифатлари борми?»

Жавоб берувчи дейди: «Унинг қадр ва мартабаси жуда баланд.

макони йўқ, чунки у, макон тутишдан юқори — маконга эҳтиёжи йўқ; у тамоми яхшиликка хос, уни ҳар бир мавжуд нарса орзу қилади; унинг билими янглишиш ва нодонлик киридан покдир».

Сўровчи дейди: «Уни сўзловчи деб тавсифлайсанми ё йўқми?»

Жавоб берувчи дейди: «У олим бўлгани учун, албатта, сўзловчидир».

Сўровчи дейди: «Илми сабабли у сўзловчи бўлса, илмлари сабабли сўзловчи ҳаким олимлар билан унинг ўртасидаги фарқ нима?»

Жавоб берувчи дейди: «Уларнинг ўртасида фарқ вақт жиҳатидандир, || чунки у олимлар илми белгили вақт ичида ўрганганлар; аввал- 14 да, олим ва сўзловчи бўлмаганлар; кейин сўзловчи бўлганлар, [ва шунинг натижасида] илмларини сўз орқали бошқаларга ўргатганлар; демак, уларнинг сўзлари ва илм ўргатишлари [чегараланган маълум бир] вақт ичида бўлган. Тангрига тегишли аҳвол ва сифатларнинг вақтга алоқаси йўқ. Пок тангри азалдан олим ва сўзловчидир. [Тангри] шундай зотки, у аввалгилардан Бароҳимга ва ундан бошқага турли йўллар билан сўзлаган; баъзисига китоб туширган, баъзиларига ўзи билан банда орасидаги воситачиликлари учун эшик очган, баъзиларига ваҳий юборган. Улар фикр юритиб тангрининг берган файзига эришганлар».

Сўровчи дейди: «Бу илм унга қайдан келган?»

Жавоб берувчи дейди: «Азалдан унда олимлик бор. Ҳеч бир вақт билимсиз бўлган эмас. Унинг зоти — олим. У, аввал илмсиз бўлиб, кейин илм ўрганган зот эмас. Масалан, у Бароҳимга туширган «Веда»<sup>2</sup> китобида «Веда» орқали сўзлаган ва «Веда»дан илгари ҳам бор бўлган зотни мақтангиз ва мадҳ қилингиз», деган.

Сўровчи дейди: «Сезги аъзо билан билиб бўлмайдиган зотга қандай ибодат қиласан?»

Жавоб берувчи дейди: «Уни исм билан аташ борлигини исбот қилади, чунки бор нарсадангина хабар берилади ва бор зотнигина от билан аталади. У зот борлиги сезгилар билан билинмаса ҳам, [кишининг] нафси уни ақл билан танийди ва сифатларини фикрлаш билан ўрганади. Унга қилинадиган холис ибодат ана шу. Бу ибодат давом эттирилса, бахтга эришилади». Машҳур «Патанжали» китобидаги ёзиғлиқ сўз ва тушунчалари ана шулардан иборат.

«Бҳарата»<sup>3</sup> номли китобнинг бир қисми бўлган «Гита»<sup>4</sup> исмли китобида Васудева<sup>5</sup> билан Аржуна<sup>6</sup> ўртасидаги воқеалар бобида [тангри тилидан] мана шундай сўз бор: «Мен ҳамма нарсадан, мен [бошқалардек] туғилиб, яшаб, кейин ўлувчи эмасман. Ишим учун мукофот олишни мўлжалламайман ҳам. Дўстлик ёки душманлик сабабли бир табақани қўйиб, бошқа табақага тегишли ҳам бўлмайман. Яратганимнинг ҳаммасига қиладиган ишидаги зарур нарсаларни бердим. Мана шу сифатла-

рим билан мени таниган, ўз ишларини бажаришда менга ўхшаб тамадан узоқ турган кишининг бандининг ечилиши, [яъни руҳининг бадан қафасидан] халос топиши ва озод бўлиши осонлашади».

Бу ўхшатиш фалсафа таърифида айтилгандай: «Фалсафа — мумкин бўлганича тангрига эргashiш ва қойил бўлишдан иборат»дир.

Яна шу китобда дейилган: «Муҳтож бўлинган нарсаларга етишиш учун бўладиган тама кўп кишиларни тангрига ёлбортиради. Агар ҳиндларнинг тушунчаларини текширсанг, тангрини танишдан узоқда қолганларини биласан. Чунки тангри ҳар бир киши сезгилар орқали уни топа оладиган даражада зоҳир эмас. Ана шунинг учун улар тангрини таний олмаганлар; баъзилари сезиладиган нарсалардан нарига ўтмайдилар, баъзилари ўтсалар ҳам табиий нарсаларга бориб тўхтаб қоладилар ва у нарсалардан юқори, туғдирмаган ва туғилмаганнинг борлигини, лекин бирорта ҳам кишининг илми унинг айна моҳиятини қамраб ололмаслигини, аммо унинг ўзи барча нарсани атрофлича билувчи эканини билмайдилар».

Феъл [иш] масаласида ҳиндларнинг сўзлари турлича: баъзилари тангрини энг умумий сабабчи деб феълни унга нисбат бериб шундай дейдилар: «Чунки фоил [ишловчи]ларнинг ишлари тангри туфайли бўлгач, тангри уларнинг ишларига сабабчи бўлади; демак, тангри иши — ҳаракати, улар воситаси билан амалга ошади». Баъзилари фоилнинг ўз феълига энг яқинлиги жиҳатидан феълни тангридан бошқага нисбат беради.

«Санкхья» китобида, зоҳид: «Феъл [иш] ва фоил [ишловчи] масаласида ихтилоф бўлганми ё бўлмаганми?» деб сўрайди. Ҳаким мана шундай жавоб беради: «Бир гуруҳ одамлар фикрича: «руҳ ҳаракатсиз бўлади, модда тирик бўлмайди. Ҳеч бир нарсага муҳтожлиги йўқ бўлган тангри руҳ ва моддани бир-бирига қўшади ва ажратади; || демак, тангри [барчани ҳаракатга келтирувчи] фоилдир, доимо тирик ва қудратли зот жонсиз ожизга ҳаракат бергани каби, у, руҳ ва моддага ҳаракат бериб, ишни вужудга келтиради».

Бошқа бир гуруҳ фикрича: «руҳ ва модданинг бир-бирига қўшилиши табиий, вужудга келадиган ва йўқ бўладиган ҳар бир нарсада ана шундай қўшилиш давом этиб туради».

Яна бошқа кишиларча: «фоил руҳдир, чунки «Веда»да дейилганига қараганда ҳар бир мавжуд нарса Пуруша<sup>1</sup> туфайли бўлади».

Яна баъзиларнинг айтишича: «фоил — бу замондир, чунки олам, қаттиқ арқоннинг тортилиши ва бўшатилишига қараб ҳаракат қиладиган бойлоқ қўй каби, замон билан боғланган».

Яна бир гуруҳнинг дейишича: «феъл олдин қилинган ишга берилган мукофотдан бошқа нарса эмас».

Бу фикрларнинг ҳаммаси тўғрилиқдан четга чиқиб кетган. Бундаги ҳақиқат шуки, феъл [ҳаракат] бутунлай моддага тегишли, чунки у, моддани банд қилиб турли шаклга киргизувчи ва шаклдан бўшатувчидир. Демак, модда фонл [ишловчи] ва унинг қўл остидаги ҳамма нарсалар феълни камолга етказишда моддага ёрдамчидирлар. Руҳ турли қувватларга эга бўлмаганлигидан ишловчи — фонл эмас».

Олий тангри хусусида ҳиндларнинг юқори табақаларининг сўзи ана шу. Улар тангрини Ишвара<sup>8</sup>, яъни ҳеч нарсага эҳтиёжи йўқ деб атайдилар; у шундай сахийки, ато қиладию, ўзи ато олмайди; чунки, уларнинг фикрича, тангрининг яккалиги [кўпликка айланмайдиган] холис яккаликдир; [ундан] бошқанинг яккалиги эса бирон йўл билан кўпликка айланадигандир. Улар фикрича, «тангрининг борлиги ҳақиқий борликдир; чунки мавжудот у билан барқарор, уни бор деб туриб мавжудотни йўқ деб фикр қилиш мумкин; аммо уни йўқ деб, мавжудотни бор деб фикр қилиш мумкин эмас».

Сўнгра ҳиндларнинг юқори табақаларидан оддий табақаларига ўтсак, уларнинг тангри ҳақидаги тушунчалари хилма-хил; баъзан бемазалашиб кетган; шундай тушунчалар бошқа халқларда, ҳатто, мусулмонларда ҳам бор. Масалан, тангрини бир нарсага ўхшатиш, тангри бандаларни мажбур қилувчи дейиш, тангри ҳақида бирон фикр юриштишни ҳаром деб айтиш ва шунга ўхшашлар учрайди<sup>9</sup>, тангрининг бу хил сифатлардан пок бўлиши лозим. Чунончи, ҳиндларнинг юқори табақаларининг баъзилари, олий тангрини жисмлардаги сифатлардан тозалаш учун нуқта деб атаса, авом табақалари буни изоҳламоқчи бўлиб, «тангрининг улуғлиги кичиклик билан» деб гумон қилади ва нуқтанинг ҳақиқатини билишга фаҳми етмайди. Натижада, тангрини бир нарсага ўхшатиш, уни улуғламоқчи бўлиб чегаралаб қўйишдаги беҳудалик «тангрининг узунлиги ўн икки бармоқ, кенглиги ўн бармоқ» дейишгача боради. Тангри чегараланиш ва саналишдан четдадир.

Яна бир мисол. Биз юқорида ҳиндларнинг «тангри ҳамма нарсани атрофлича билади, ҳатто, унга ҳеч бир нарса махфий қолмайди», дейилган тушунчасини ҳикоя қилдик. Ана шунини, уларнинг авом табақалари «ҳамма нарсани атрофлича билиш — кўриш билан, кўриш эса кўз билан бўлади; икки кўзлилик бир кўзлиликдан афзалроқ», деб гумон қилади ва тангрини комил илм эгаси демоқчи бўлиб, уни минг кўзли деб тавсифлайди. Мана шунга ўхшаш ҳаддан ташқари бемаза хурофотлар уларда, айниқса, илм билан алоқалари бўлмаган табақаларида учратилади, у табақалар ҳақида келгусида — ўз бобида баён қилинади.

## Учинчи боб

### ҲИНДЛАРНИНГ АҚЛИЙ ВА ҲИССИЙ МАВЖУД НАРСАЛАР ҲАҚИДАГИ ТУШУНЧАЛАРИ

[Бу масалада] қадимги юнонлар [фикри], уларда ҳикмат илми ёйилишидан ва фалсафа илми тозаланиб тарқалишидан илгари ҳиндлар айтганидек эди. Уларга ҳикмат илмини ҳикмат устунлари деб аталган мана шу етти [олим] ёйган: 1. Солон Афиналик, 2. Биас Приенлик, 3. Периандер Коринфлик, 4. Салис Милетлик, 5. Хилон Лакодемон, 6. Питтакус Лесбос, 7. Клеобулус Линдос<sup>1</sup>. Фалсафани эса, улардан 16 кейин етишган кишилар тозалаб || тарқатганлар. Қадимги юнонлиларда ҳамма нарсалар биргина нарса деб тушунувчилар бор эди. Кейин баъзилари у нарсанинг махфий ва баъзилари эса маълум бир қувват эканини айтдилар. Масалан, инсон мартабада биринчи сабабчига яқинлашмаса, тош ва жонсиз дунёдан ортиқчалиги бўлмай, худди тош сингари бўлиб қолар эди, дедилар.

Баъзилари [нинг фикрича]: фақатгина ҳақиқий борлиққина биринчи сабабчидир. Чунки у борлиқнинг ҳеч нарсага зотан эҳтиёжи йўқ; бошқалар биринчи сабабчига муҳтожлар. Вужудда бошқага муҳтож бўладиган нарсанинг вужуди хаёлга ўхшаш бўлиб, ҳақиқий вужуд бўлолмайди: ҳақиқий вужуд фақатгина [ўша] аввалги ягонанинг ўзи дедилар. Сўфиялар<sup>2</sup>, яъни ҳақимларнинг тушунчалари ана шундайди. Чунки [араб ҳарфида «син» билан ёзилган] юнонча суф<sup>3</sup> сўзи бизча ҳикмат демакдир. Шунинг учун файласуфга, пилосупо<sup>4</sup>, яъни «ҳикматни суювчи» деб исм берилган.

Мусулмонлардан бир гуруҳи сўфияларнинг ўша тушунчаларига яқин фикрга борганидан улар ҳам сўффия деб аталдилар. Мусулмонларнинг баъзилари сўффия сўзининг термин эканини билмасдан таваккал қилиб, сўффия сўзини [арабча «сод» ҳарфи билан] — суффа сўзига нисбат бериб, «сўффияларни пайғамбар — унга тангрининг раҳмат ва саломи бўлсин — давридаги суффа суҳбатдошлари — асҳоби суффадан

иборат кишилардир», дедилар<sup>5</sup>. Ундан кейин [бу сўзни] суф аттуюс — така жуни<sup>6</sup> сўзидан қисқартирилган деб тушунишди.

Абул Фатҳ Бустий<sup>7</sup> [юнонча суф сўзини тушунишдан] яхшигина четга чиқиб, мана шундай деган эди:

«Одамлар сўфий сўзида тортишишиб, қадимдан турли фикрда бўлишиб, уни суф, яъни жун сўзидан олинган деб гумон қилдилар.

Мен сўфий сўзини софий [яъни соф, содда] йигитдан бошқа нарса деб билмайман.

Шундай қилиб, ўша «софий» лафзи хато ёзилиб «сўфий» лафзига айланиб кетган, ниҳоят [бу сўз] бизга маълум сўфийларга лақаб бўлган».

Шунингдек, қадимги юнонларча: «борлиқ биргина нарса; биринчи сабабчи эса шу борлиқда турли-туман шаклда кўринади; унинг кучи борлиқнинг бўлакларида ҳам бирлик, ҳам ўзгаликни келтириб чиқарадиган қарама-қарши ҳолатлар орқали жойлашади», деган фикрга борганлар. Уларнинг ораларида «ўзини мумкин қадар биринчи сабабчига ўхшатиб, орадаги воситаларни тарк қилиб ва монеларни олиб ташлаб, бутунлай биринчи сабабчига ўзини топширган киши у билан бирлашади», деювчи кишилар ҳам бор. Сўфия маслагидагилар ҳам шундай эътиқод қиладилар, чунки [иккаловининг ҳам бу масалага] қараши бир-бирига ўхшайди.

Қадимги юнонларча, жон ва руҳлар баданларга киришдан бурун ҳам ўзича, бевосита, бор бўлиб саналган ва уюшган, бир-бирларини танийдиган ва танимайдиган зотлар бўлганлар; улар жасадларда яхшиликларга эришганлар, баданлардан ажралганларидан кейин, ҳалиги эришган яхшиликлар сабабли, оламни тасарруф қилишга қудрат пайдо қиладилар. Шунинг учун руҳларни худолар деб ўйлаб, уларга атаб, улар исмига ҳайкаллар<sup>8</sup> қуришган ва қурбонликлар қилганлар. Масалан, Жолинус<sup>9</sup>, «Турли санъатларни ўрганишга қизиқтирадиган китоб»<sup>10</sup>ида мана шундай дейди: «Халқнинг фазилатли арбоби, иззатли ва шарафли бўлишга эришганлар, ҳатто, улар, бунга ҳар бир нарсадан тийилиш чегараланиш, кураш тушиш ва копток отиш билан эмас, балки ўз санъатларини яхши ишлата билишлари сабабли илоҳлантирилган зотларга етишдилар. Шулар жумласидан, Асклепиус<sup>11</sup> ва Диёнисий<sup>12</sup> илгариги вақтда иккита инсон бўлсалар ҳам ё кейинчалик илоҳлантирилганлар, ёки ўша даврнинг ўзидаёқ илоҳ деб танилганлар. Чунки иккалалари ҳам энг улуғ шарафга эга бўлганлар. Бунинг сабаби шуки, уларнинг бири одамларга табиблик санъатини, || бошқаси эса токчилик- 17 ни ўргатган».

Яна Жолинус, Буқрот<sup>13</sup> васиятига ёзган шарҳида шундай деган: «Асклепиус номига атаб сўйилган қурбонликларга келсак, ҳеч бир кишининг унга атаб эчки қурбонлик қилганини эшитмадик, чунки унинг

юнгини йигириш қийин; гўшти, каймуси<sup>14</sup> ёмонлиги жиҳатидан кўп ейилса, тутқаноқ касалига учратади. Унга атаб хўрозни қурбон қиладилар. Букрот ҳам хўрозни қурбон қилган. Чунки илоҳийлашган бу киши одамлар учун табиблик санъатини ўргангандир. Бу санъат Дионисиус юзага чиқарган нарса, яъни узум шаробидан ва Деметра юзага чиқарган нарса, яъни нон ясаладиган донлардан яхшироқдир. Шунинг учун донлар Деметра<sup>15</sup> номи билан, ток дарахти эса Дионисиус номи билан аталади».

Афлотун<sup>16</sup> «Тимовусда айтган: «ўлмасликлари сабабли ҳақ йўлдаги кишилар илоҳ деб атайдиган Тее фаришталардир. Тангрини эса дастлабки илоҳ — худо дейдилар». Яна Афлотун шундай деган: «Тангри илоҳларга айтди: сиз, зотан, бутунлай бузилиб ва йўқ бўлиб кетмайдиган эмассиз; фақатгина ўлим сабаблигина бузилмайсиз, холос, чунки яратган пайғимда иродамга кўра жуда пишиқ аҳдга эришгансиз».

Яна Афлотун «Тимовус»нинг бошқа бир жойида «тангри якка сон билан айтилади, аммо тангрилар деб кўп сон билан айтилмайди», деган. Демак, қадимги юнонларнинг сўзларидан маълум бўлишича, тангри — илоҳ сўзи умумий бўлиб, ҳар қандай улуғ ва шарафли нарсага ишлатила беради. Шундай ишлатиш [бошқа] кўп халқларда ҳам учрайди: ҳатто, илоҳ сўзини умумий қилиб, тоғ, денгиз ва шунга ўхшашларга ҳам ишлатадилар. [Улар илоҳ сўзини] кўпинча биринчи сабабчига, фаришталарга, [ўз] руҳларига ва Афлотуннинг «Ассокинот»<sup>17</sup> деб атайдиган бошқа бир турдаги нарсаларига ишлатадилар.

Ҳиндчадан таржима қилувчиларнинг иборатлари [илоҳлар сўзини] тўла таъриф қилишга кифоя қилмади. Шунинг учун исмнинг ўзини ишлатиб, маъносига тегмадик. Яхъё ан Наҳвий<sup>18</sup> ўзининг Проклусга<sup>19</sup> қаратиб ёзган раддиясида: «Юнонлар тангрилар исмини бошқа халқларнинг кўпчилиги сингари осмондаги ҳис қилинадиган жисмларга ишлатадиган бўлганлар; кейин ақлий жавҳарлар ҳақида ўйлай бошлагач, шу исмни уларга ишлатганлар», деган. Ана бундан зарурий суратда маълум бўлишича, илоҳланиш дейилганда фариштага айланди, деган маъно тушунилади. Чунки Жолинуслик санъатларни ўрганишга кизиқтириб ёзган ҳалиги китобида очиқ иборат билан: «Агар Асклепиуснинг илгари инсон бўлиб, кейин тангри уни фаришталарнинг бири қилиб юборганлиги рост бўлса, бундан бошқа гап беҳуда бўлиб қолади», деб ёзган. Уша китобнинг бошқа бир жойида у шундай ёзган: «Тангри Ликуртусга<sup>20</sup>, мен сенинг тўғрингда ўйлаб, сени инсон деб атасаммикин ё фаришта деб атасаммикин, деб иккиланиб турдим, кейин фаришта деб аташга мойилроқ бўлдим», деган.

Лекин баъзи бир лафз [сўз] лар борки, у [ни қўллаш] бир дин ва бир тилда бемаъни бўлса ҳам, бошқа бир дин ва бошқа бир тилда бемаъни бўлмайди. Ислом динидаги тааллуҳ сўзи ўшандай сўзлар жум-

18 ласидандир. Чунки биз ўшандай сўзларни араб тили билан эътиборга олсак, «оллоҳ» исмидан || бошқа соф ҳақиқат [яъни худо]нинг ўзига ишлатиладиган ҳамма исмларининг бирон сабаб билан ҳақдан бошқаларга ҳам ишлатилганини учратамиз. Оллоҳ исми эса фақат худонинг ўзигагина ишлатилади, холос. Айтилишича, оллоҳ тангрининг энг улуг исми эмиш. Агар оллоҳ исмига, қуръондан илгари китоб назил бўлган иброний ва сурёний тиллари билан эътиборга олсак, «рабб»нинг тавротда, ундан кейин, пайғамбарларга деб юборилган китобларда, арабчадаги оллоҳ сўзи ўрнида ишлатилганини кўраемиз; аммо раббулбайт [уй эгаси], раббулмол [мол эгаси] каби [худодан бошқа] бирон кишига нисбат бериб ишлатилганини учратмаймиз. Шунга ўхшаш, илоҳ сўзи ҳалиги тилларда арабчадаги рабб сўзи сингари [тангрдан бошқага ҳам] ишлатилади. Қуръондан илгариги китобларда: «Элоҳим ўғиллари<sup>21</sup> тўфондан бурун одамларнинг қизлари олдига тушиб, уларга қўшилишдилар», дейилган. Ростгўй Аюбга юборилган китобда: «Шайтон Элоҳим ўғиллари билан бирга одамларнинг йиғилган жойларига кирди»<sup>22</sup> дейилган; рабб, тавротда Мусога қарата «сени Фиръавнга илоҳ қилдим»<sup>23</sup>, деган. Довуд забурининг саксон иккинчи бобида «тангри илоҳлар қаторида турди»<sup>24</sup>, дейилган жойида фаришталарни илоҳлар деб айтмоқчи бўлади.

Тавротда, санамлар — бегона илоҳлар деб аталганлар. Агар таврот, тангрдан бошқа ҳар бир нарсага топинишдан, санамларга сажда қилишдан ва, ҳатто, уларни эслаш ва хотирга келтиришдан тиймаган бўлса эди, ўша иборатга қараб, таврот ибрий халқига мансуб илоҳларга эмас, балки бегона илоҳларга ибодат қилишдан тийган деб тушунилар эди. Ҳолбуки, Фаластин атрофидаги омма, санамларга ибодат қилишда юнонларнинг динида эдилар. Исроил авлоди, санамлардан Баало<sup>25</sup> ва Ашторосга, яъни Зухрага ибодат қилиб, ҳаминша тангрига исён қилганлар.

Демак, уларча «таоллуҳ» — илоҳга айланиш, деган сўз «тамаллук» — малаклашиш [фариштага айланиш] маъносида бўлиб, [ҳақиқатда] изоҳлар сўзи фаришталарга ва қудратли руҳларга, орият тариқасида фаришталарнинг номларига атаб ишланган ҳайкалларга, мажоз тариқасида эса подшоҳлар ва улуг кишиларга ишлатила беради.

Ота ва ўғил сўзлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Ислом дини, ота ва ўғил сўзларини тангрига нисбатан ишлатишга йўл бермайди. Чунки арабчада валад [бола] ва ибн [ўғил]ларнинг маъноси бирига яқин бўлса ҳам, лекин валад [бола] сўзидан келиб чиқадиган волидани [ота ва она] ва вилодат [туғилиш] сўзини тангрига қарата ишлатиш ман қилинган. Араб тилидан бошқа тиллар буни ишлатишга жуда кенгчилик беради. Ҳатто, уларда ота дейиш жаноб дейишга яқин тушунилади.



Насроний динидагиларнинг эътиқодларидан маълум бўлишича, улар [тангрига нисбатан] ота ва ўғил сўзларини ишлатмайдиган кишини насроний динидан чиққан деб ҳисоб қиладилар. Ўғил [ибн] сўзи тангрининг махсус сайлаб олган кишиси маъносида Исога ишлатилса ҳам, унга махсус бўлиб қолмайди, балки бошқаларга ҳам ишлатилади. Шу Исонинг ўзи шогирдларини дуо қилишга ўргатганида «э осмондаги отамиз»<sup>26</sup> деб сифинишга буюради. Ўзининг ўлишидан хабар беришда ўз отаси, уларнинг ҳам оталари ҳузурига қайтиб боришини билдиради<sup>27</sup>. Исонинг шу иборати, ўзидан ҳикоя қилганда, кўпинча, «у одам ўғли»<sup>28</sup>, деган маънода изоҳ қилинади.

Бу ҳақда насронийлар ҳам ёлғиз эмаслар. Ҳатто [бу масалада] 19 яҳудлар ҳам уларга ўхшайдилар. Чунки «Сифр ул мулук»<sup>29</sup>да || мана шундай дейилган: «Олий тангри, Довуднинг Уръё номли хотинидан туғилган ўғли вафот қилгани учун Довудга таъзия билдириб, шу хотиндан яна бир ўғил туғилишини, уни ўзи ҳам ўғлим деб аташини ваъда қилди»<sup>30</sup>. Агар ибрий тилида Сулаймонни тангрининг тутинган ўғли дейиш мумкин бўлса, уни ўғил қилган зотни [яъни тангрини] ота дейиш ҳам мумкин бўлади.

Маннониялар<sup>31</sup> ҳам китоб аҳлининг бири бўлган насронийларга ўхшайдилар. Уларнинг бошлиқлари Моний<sup>32</sup>, «Қанз ул аҳъё»<sup>33</sup> номли китобида ўша маъно ҳақида мана шундай дейди: «Нуроний қўшинлар: балоғатга етган ва етмаган қизлар, оталар, оналар, ўғиллар, биродарлар, опа-сингиллар деб аталадилар; чунки пайғамбарларнинг китобларида шундай ёзилган. «Шодлик мамлақати»да эрлик, хотинлик ва насл органлари йўқ; нуроний қўшинларнинг ҳаммалари тирик жасадларга ва илоҳий баданларга эгалар. Уларнинг кучсизлик, кучлилиқ, узунлик, қисқалиқ ва кўриниш жиҳатидан бир-бировларидан ўзгаликлари йўқ, улар худди бир чироқдан ёқиладиган ва озуқа моддалари ҳам бир хил бўлган бир-бирига ўхшаш чироқлар сингаридир. Уларнинг ўша исмлар билан аталишларининг сабаби иккала мамлакатнинг бир-бирига ўчакишуви, холос. Қуйи ва қоронғу мамлакат [аҳли]нинг чуқурликдан қўзғолиб оёққа турганини, эр ва хотиндан иборат жуфт-жуфт бўлишганини юқори мамлакатдаги нуроний подшоҳ кўргач, урушга интилувчи ўз ўғилларининг юзаки кўринишларини қуйи мамлакатдагилариники сингари қилиб тасвирлади ва шундай қилиб ҳар жинсни ўз жинси қаршисига турғизиб қўйди».

Ҳиндларнинг билимдон табақалари фаришталарга бундай сифатларни бермайдилар. Авом халқи ва ҳинд динининг бошқа барча шохобчаларига ўралиб қолган кишилар у сифатларни ишлатишда чегарадан ошиб кетдилар ва айтиб ўтилган миқдордан ҳам ўтиб, худога эр ва хотинлик, ўғил ва қизлик, ҳомиладор бўлиш, туғдириш сифатларини ва [инсонга хос бўлган] бошқа табиий ҳолатларни берадилар; шундай си-

фатлар ҳақида ўлчовсиз гапиришдан уялмайдилар. Гарчи мазҳаб ва тушунчалари кўп бўлса ҳам, улар эътиборсиз, чунки асл тушунча браҳманларникидир. Браҳманлар асл тушунчани сақлаш ва тиклаш учун тарбия қилинганлар. Асл тушунча эса мана шу биз ҳикоя қиладигандан иборатдир: «Ҳиндларнинг ўқимишли табақалари юқорида айтилганидек, «борлиқ биргина нарса» деган фикрга борадилар. Чунки Васудева «Гита» номли машҳур китобда айтганидек, ҳақиқатини олганда ҳамма нарса тангриники, чунки Вишну<sup>34</sup> жонли нарсалар туриши учун ўзини Ер қилди, уларни овқатлантириш учун ўзини сув, уларни ундириб ўстириш учун олов, шамол қилди ва ҳар бири учун ўзини қалб қилди; «Веда»да ҳам айтилганидек, уларга эс ва билимни ҳамда буларнинг тескарисини берди», деди. Бу Блинос<sup>35</sup> — Апполониуснинг «Нарсаларнинг вужудга келиш сабаблари ҳақида» деган китобида айтганларига жуда ҳам ўхшаб кетади, худди ўшандан олингандек-а! Қаранг: «Ҳамма одамда илоҳий бир қувват бор. Моддий бўлган ва бўлмаган нарсалар шу қувват орқали фикр қилиниб билинади». Худди шундай моддий бўлмаган [тангри] форсларда худо деб аталади; инсонга ҳам шу сўз аралашган исм берилади.

[Ҳиндларнинг] имо-ишоратларни ишлатмай, аниқлаб гапирадиган кишиларига келсак, улар жонни пуруш деб атайдилар — бунинг маъноси эр киши демакдир. Бундай аташларига сабаб шуки, мавжудотдаги тирик нарса [яъни модда] жондир. Улар жонни ҳаётдан бошқа нарса деб билмайдилар. «Унга билим ва билимсизлик бирин-кетин келиб туради, у билфезъл — билимсиз, билқувва<sup>36</sup> — билимли; билимни эса ўрганиш йўли билан қабул қилади; билимсизлиги билим ўрганиш фезълининг унда юз бериши, билимли бўлиши эса ўрганиш фезълининг ундан кетишига || сабаб бўлади», деб тавсифлайдилар. 20

Руҳга мутлақ модда — мутлақо шаклдан холи туб модда эргашади. Буни авакта<sup>37</sup>, яъни шаклсиз нарса деб атайдилар. Бу модда билфезъл бўлмаса ҳам, билқувва уч хил кучга эга ўлик [модда]дир. У кучларнинг исмлари саттва, ражас ва тамасдир<sup>38</sup>. Бу иборатларни Буддҳодана ўз аҳли — шаманийларга айтиб беришида эшитдимки, [шаманийларча] буддҳа<sup>39</sup>, дҳарта ва сангҳа маъноси ақл, дин ва билимсизликдан иборатдир. Демак, биринчи қувват — роҳат ва поклик бўлиб, униб ўсиш шу қувватдан келиб чиқади. Иккинчиси, меҳнат ва машаққат бўлиб, сабот ва доимийлик шундан пайдо бўлади. Учтинчиси, кучсизлик ва ҳайронликдан иборат бўлиб, бузилиш ва йўқ бўлиш шундан вужудга келади. Шунинг учун биринчи куч фаришталарга, иккинчиси одамларга, учтинчиси эса ҳайвонларга нисбат берилади.

Уша илгари саттва, кейин ражас ва кейинроқ тама сўзларини замон жиҳатидан бўлмаса ҳам, тартиб ва иборат танглиги жиҳатидан арабча қабл, баъд, сумма, яъни олдин, кейин, сўнг деб таржима қилиш

мос келади. Лекин модда эса турли шакллар ва ҳалиги биринчи уч куч орқали ҳаракатга келади. Улар моддани биакта<sup>40</sup>, яъни шаклни қабул қилувчи деб, асл жавҳар билан шаклни қабул қилувчи модда йиғиндисини эса пракрити<sup>41</sup> деб атайдилар. Бу исмни қўллашда фойда йўқ, чунки мутлақ модда деганимиздан кейин уни қўллашга эҳтиёжимиз қолмайди, модда сўзи кифоя қилаверади, чунки уларнинг бири иккинчисисиз вужудга келмайди. У моддага табиат эргашади. Ҳиндлар табиатни аҳанкора<sup>42</sup> деб атайдилар. Бу сўз ғалаба, кўпайиш ва улуғланишдан олинган. Аҳанкора дейишга сабаб шуки, модда шаклга киргач, табиат ундан коинотни ундиришга киришади. Униш эса бошқанинг ўзгартиши ва унувчига ўхшатиши билангина бўлади, холос. Демак, гўё табиат модда устидан ғалаба қозониб, уни ўзига бўйсундириб ўзгартиради.

Маълумки, ҳар бир мураккаб нарсанинг содда бўлаклари бор, мураккаблик шулар йиғиндисидан келиб чиқади. Мураккаб шу [бўлак]га ажралиб тарқалади. Оламдаги ҳамма мавжудот беш унсурдан иборатдир. Ҳиндлар фикрича, улар осмон, шамол, олов, сув ва тупроқдир. [Улар бир сўз билан] маҳобихута<sup>43</sup>, яъни улуғ табиатлар деб аталади. Олов дейилганда улар эфир ичида кўринадиган қуруқ жисмнинг ёнишидан пайдо бўладиган оловни тушунмай, балки ер юзида учратиладиган тутун билан бирликда ёлқинланувчи оловни тушунадилар.

«Божу-пурона»да<sup>44</sup> мана шундай дейилган: «Қадим вақтларда тупроқ, сув, шамол ва осмон бор эди. Бароҳим<sup>45</sup> тупроқ тагидаги олов учқунини кўриб қолиб, уни юзага чиқариб, учга бўлди: биринчиси — портҳива, яъни ўтин ёндиришда керак бўладиган ва сув билан ўчадиган маълум олов; иккинчиси — дивья, яъни қуёш; учинчиси — бидуд, яъни чақмоқ. Натижа шуки, қуёш сувни тортади, чақмоқ сув оралигида ярқирайди. Жонли нарсалардаги намликлар орасида олов бор, бу олов намлик билан озиқланади ва намлик уни ўчирмайди».

Бу унсурларнинг барчаси ҳам мураккабдир, яъни уларнинг ўзларидан олдин [вужудга] келадиган содда бўлаклари бор. Уларни || панча мотари<sup>46</sup>, яъни беш она деб атайдилар ва сезиш орқали билинадиган бешта нарсалар деб тавсифлайдилар. Содда унсур бўлган осмон — шабада, яъни эшитилиб билинадиган; шамол — спарша, яъни тегиб билинадиган; олов — рўпа, яъни кўрилиб билинадиган; сув — раса, яъни татилиб билинадиган; тупроқ — гандҳа, яъни ҳидланиб билинадиган нарсалардир.

Шу содда унсурлардан ҳар бирининг ўзига хос кайфияти ҳамда ундан юқори турган унсурга нисбат бериладиган кайфият бор. Демак, тупроққа беш кайфиятнинг ҳаммаси нисбат берилади. Сувда улардан ҳид кайфияти етишмайди, оловда ҳид ва татиб билиниш кайфияти, шамолда [ҳид, татиш] — иккаласининг ҳамда ранг кайфияти, осмонда эса

[ҳид, татиш, ранг]лар билан бирга, тегилиб билинадиган кайфиятлар, тупроққа нисбатан буларда етишмайди. Товушни осмонга нисбат беришдан мақсадлари нима эканини билмайман. Бу, гумонимча, юнон шоири Ҳомернинг<sup>47</sup> «Турли куйлар эгаси бўлган етти зот бир-бирларига чиройли товуш билан гапириб, жавоб берадилар», деганига ўхшайди; шоир етти зот деб етти юлдузни айтмоқчи бўлади. Шунингдек, Ҳомердан бошқа шоирларнинг бири «турли куйларда жарангловчи фалаклар еттита бўлиб, улар ҳаракат қилиб турадилар ва яратувчига сажда қиладилар. Чунки яратувчи, юлдузлар макони бўлмаган энг узоқдаги фалак чеккасигача уларни қамраб, тутиб туради» деган. Парфириус<sup>48</sup> «Фозил файласуфларнинг фалак табиати ҳақидаги қарашлари»<sup>49</sup> номли китобида шундай деган: «Осмон жисмлари Пифагорос ва Дивжонос [Диоген] айтганидек, ўзларининг мавжуд шакллари, кўринишлари билан, ёқимли товушларда тараннум қилишлари билан ҳаракат қилганларида мислсиз ва шаклсиз яратувчиларининг борлигига далолат қиладилар». Айтилишича, Дивжонос ўз сезгисининг нозиклиги билан фалакдаги ҳаракат товушини эшита оладиган бўлган. Буларнинг ҳаммаси тўғри қонун-қоидага мувофиқ изоҳланадиган умумий ишоратлардир.

Ҳақиқатдан четда қолган кишиларнинг баъзиси ҳиндларга эргашиб: «Кўриш сув билан, эшитиш ҳаво билан, ҳидлаш олов билан, татиш тупроқ билан, тегиб билиш эса руҳнинг гавдага туташиб билдиришига кўра, бутун бадан билан боғлиқдир», деган. Гумонимча, у киши кўз рутубатлари ва қатламлари ҳақида эшитиб кўриш сувга боғлиқ, буғ ва тутун сабабли ҳид оловга боғлиқ, овқат етказиб бериши сабабли маза тупроққа боғлиқ, деган, холос<sup>50</sup>. Шу билан тўрт унсур тугалиб, у киши тегиб билиш сезгисини руҳга боғлиқ, дейди.

Сўнгра айтсак, гап шуки, бу ергача санаб ўтилган унсурларнинг ҳосили ҳайвонот оламидир. Чунки ҳиндлар фикрича, ўсимликлар ҳам ҳайвонот оламининг бир туридир. Бу Афлотуннинг «кўчат ва экинларда сезги бор, чунки ўсимликлар ўзларига ёқадиغان ва ёқмайдиган нарсани ажратадиган хоссага эгадирлар», деган фикрига тўғри келади. Ҳайвон, сезгиси сабабли ҳайвон бўлади.

Сезгилар бешта бўлиб, индрияни деб аталади. Улар: қулоқ билан эшитиш, кўз билан кўриш, бурун билан ҳидлаш, тил билан татиш ва тери билан тегиб билишдан иборатдир.

Ундан кейин у сезгиларни турли ўринларда ишлатиш иродаси ҳайвоннинг қалбида бўлади, бу иродани манас деб атайдилар.

Ҳайвонот олами бешта зарур иши билан такомиллашади. У ишларни кармендриёни, яъни билфеъл сезиш деб атайдилар. Ҳ Комил бўлишнинг сабаби шуки, биринчисидан илм ва маърифат, бошқаларидан амал ва санъат ҳосил бўлади. Уларни зарур ишлар деб атайлик; чунки

улар турли эҳтиёж ва ирода сабабли товуш чиқариш, олиб келтириш ва сақлаб қолишда қўл билан қаттиқ тутиш, ахтариш ва қочишда оёқ билан юриш, овқатларнинг чиқиндиларини белгиланган икки йўл билан чиқариш ишларидан иборатдир.

Айтиб ўтилган йигирма беш содда унсурлар мана шулардан иборат: нафси куллий, шаклга кирмайдиган туб модда, шаклга кирган модда, кучли табиат, содда она унсурлар, бош унсурлар, билдирувчи сезгилар, ишлатувчи ирода ва қурол органларининг зарурий ишлари.

Буларнинг ҳаммасига битта исм бериб, татва дейишади. Илм ва маърифат фақатгина ўшалар орқали ҳосил бўлади. Шунинг учун Парошар ўғли Вьёса<sup>51</sup>: «Йигирма бештани оғиздагина эмас, балки тафсили, таърифи ва бўлимлари билан аниқлаб ўрганиб ол, сўнгра қайси динни истасанг, ўша динга кирабер, чунки охирда нажот топасан», деган.

## Тўртинчи боб

### ФЕЪЛНИНГ БЎЛИШЛИҚ САБАБИ, ЖОННИНГ МОДДАГА АЛОҚАСИ ҲАҚИДА

Жонли нарсалар баданида бўладиган ихтиёрий ишлар, баданга жон кириб, ҳаёт вужудга келгандан кейингина содир бўлади. Ҳиндларнинг айтишларича, ишловчи жон ўзича ўз зотини ва ўзини қамраб олган моддани билмайди, ўзининг барпо бўлишини фақатгина модда билан бўлади деб гумон қилиб, танимаган нарсасини ўраб олишга интилади ва абадий қолишдан иборат яхшиликка қизиқади ҳамда ўзига маълум бўлмаган нарсани билишга уришиб, у билан бирлашишга ҳаракат қилади. Лекин бу ғализ [модда] ва латиф [жон]ларнинг ҳар иккаласи ўз сифатларининг энг юқори даражасида бўлган пайтларида бир-бирларига яқинлашишлари ва қўшилишлари мумкин бўлмайди; фақатгина бирини бирига боғлайдиган воситалар билан мумкин бўлади, холос. Бу ҳол икки хил кайфият билан: бир-бирига зид бўлган олов билан сув ўртасида ҳавонинг восита бўлганига ўхшайди. Чунки ҳаво улардан ҳар бирини икки кайфиятнинг бири орқали бир-бири билан муносабатли қилиб, қўшишга имконият топади. Жисм бўлган нарса билан жисм бўлмаган нарса ўртасидаги узоқликдан кўра кучлироқ узоқлик бўлмайди; шунинг учун жон ўзича мақсадига етишолмайди; фақатгина ана шундай воситалар ёрдамида етишади. У воситалар Бҳурлока, Бҳуварлока ва Сварлока<sup>1</sup> дунёларида она унсурлардан келиб чиқадиган руҳлардир. Ҳиндлар руҳларни унсурлардан пайдо бўлган ғализ баданларга қарши қўйиб, «латиф баданлар» деб атайдилар. Жон ўша латиф баданларга қўнади. Шу бирлашиш натижасида латиф баданлар жонга улов, яъни ташувчи бўлиб қоладилар. Бу ҳол Қуёш битта бўла туриб, унинг рўпарасига қўйилган бир неча ойна ё индишлардаги сувларда аксининг кўринишига ўхшайди. Шундай ойна ва сувларнинг ҳар бирида Қуёш бир хил кўринади, лекин ҳар бирида Қуёшнинг иссиқлик ва ёруғлик таъсири бўлади.

Турли моддалар қўшилиб бадавлар ҳосил бўлганда, эркак бадани-

дан суяклар, томирлар ва эрлик суви; хотин баданидан эса гўшт, 23 қон ва соч қўшилиб || ҳаётни қабул қилишга тайёр бўлганда, ҳалиги руҳлар баданларга яқинлашадилар ва баданлар руҳлар учун подшоҳларнинг турли маслаҳатлари учун тайёрланган қасрларга ўхшайди. У баданларга беш [бўлак] ел ҳам киради. Уларнинг иккитаси билан нафас олинади ва чиқарилади; учинчиси билан меъдадаги овқатлар қориштирилади; тўртинчиси орқали бадандаги ҳаракат бир жойдан бошқа бир жойга ўтади; бешинчиси воситасида сезги баданнинг бир томонидан бошқа бир томонига кўчади.

Ҳиндлар фикрича, руҳларнинг жавҳарлари турлича бўлмай, бир хил табиатда бўлади. Аммо улар яқинлашган жасадларнинг турличалигига кўра, уларнинг ахлоқ ва таъсирлари турлича бўлади; бунга, руҳларда кўпаядиган ва уларни кўролмаслик, уларга ғазабланиш ахлоқини бериб бузадиган учта куч [тамас, ражас, саттва] сабаб бўлади. Ана шу сабаб, феълнинг юзага чиқишига [асос бўладиган] юқори [асосий] сабабдир.

Аммо модда томонидан бўладиган қуйи сабаб модданинг такомиллашишини талаб қилиши ва кучдан феълга ўтишидан иборат бўлган яхши нарсани исташидир. [Ҳар бир] табиатнинг асосида бўладиган фахрланиш ва устунликни севиш сабабли моддада, илм ўрганган кишида юз бериши мумкин бўлган турли ахлоқ юз беради ва жон ўсимлик хилларига, ҳайвонот турларига ўтиб юради.

Ҳиндлар жонни, ўз санъатини жуда ҳам эгаллаган, уста, рақснинг таъсир қиладиган ҳар бир услуб ва мақомини биладиган раққосага ўхшатадилар. У ўзида борини рақсни кўришга жуда ишқибоз бой олдига келиб ижро этади. Раққоса ўз санъатининг ҳамма турларини бирин-кетин кўрсатса, бой уларни кўрса, ниҳоят, раққосанинг санъати тугалиб, қараб турган бойнинг ҳафсаласи пир бўлса, шу пайтда раққоса ҳайрон бўлиб қолиб, рақсдан тўхтайдди. Чунки энди унга, ҳалиги ўйнаган рақсларини қайтариб ўйнашдан бошқа иш қолмайди; шунда бой раққосани жўнатиб юборади.

Феълнинг юз бериши ҳалокатли жойдаги йўлдошлар аҳволига ўхшайди. Масалан, ҳамма томондан алоқа узилиб, ҳалокатли бўлиб қолган бир чўлда яшовчилар қочиб кетиб, фақатгина бир кўр ва бир шол киши қочолмаса ва иккаласи қутулишдан умидини узиб очликда қолса, иккаласи бир-бирига йўлиқиб танишгач, қимирлай олмайдиган киши кўрга: «Мен юришдан ожизман, лекин тўғри йўл кўрсатишга қодирман. Сен эса менинг аксимча, йўл кўрсатишга ожизсан, аммо юришга қодирсан. Мумкин бўлса мени орқанга опичиб ол, мен йўл кўрсатайин, иккаламиз биргаликда ҳалокатдан қутулайлик» деса, шунда кўр унинг айтганини қилиб, бир-бирига ёрдам бериши сабабли ихтиёрий иш тугал

вужудга келади ва ҳалокатдан қутулгач, бир-биридан ажрашади. [Феълнинг юз бериши ана шунга ўхшайди].

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳиндларнинг фоил ҳақида сўзлари турлича. «Вишну-шурона»да<sup>2</sup> айтилишича, «модда оламнинг аслидир. Ўзида ҳеч бир қасд ва ихтиёр бўлмай, уруғ ўсимликни вужудга келтиргани сингари, қасд ва ихтиёри бўлмай, шамол сувни совутгани сингари модда оламни пайдо қилиши табиийдир. Аммо бундай ихтиёрий феъл [ирода] Вишнуда бўлади». Буни айтувчи шу сўз билан моддадан устун бўлган [абადий] тирикка ишорат қилмоқчи бўлади. Дўст дўсти учун ҳеч бир нарса тама қилмай, ҳаракат қилганидек, модда ҳам шу тирик сабабли ҳаракатга келади.

Монийнинг мана шу гапи ҳам ўша сўзга асосланган: «Унинг айтишича, Исо алайҳиссаломдан [дўстлари] хаворийлар, ўликнинг тирилиши ҳақида сўраганларида, у шундай деган: «ўлувчи ўзига аралашган тирикдан ажраб, ўзи ёлғиз бўлгач, тирилмайдиган ўлик бўлиб қолади, || 24 ундан ажрашган тирик эса тириклигича қолади ва [ҳеч] ўлмайди».

Аммо «Санкҳъя» китобида феълни моддага нисбат беради, чунки у, аввалги учта куч — фаришталик, инсонлик, ҳайвонлик кучлари сабабли, уларнинг якка-якка ва биргалашиб ғалаба қилишлари натижасида модданинг турланишига қараб шакллар ҳам турлича бўлади. Шу кучлар моддада бўлиб, жонда бўлмайди. Жон эса шу моддадаги ҳаракатларни билмоқчи бўлган қишлоқда дам олиб ўтирган йўловчиларнинг бири каби назоратчига ўхшайди, қишлоқдагиларнинг ишлари ҳар хил, бири бир иш билан, иккинчиси бошқа иш билан машғулдир. Йўловчи уларга қараб туриб, улар аҳволини эътиборга олади; баъзилар аҳволини ёқтирмайди, баъзилариникини ёқтиради; ўзига алоқаси ва ёқтиришининг сабаби бўлмаса ҳам, ўша аҳволга эътибор бериш билан овора бўлади. Жоннинг феълга алоқаси бўлмаса ҳам, феълнинг унга нисбат берилиши қуйидаги киши ҳолига ўхшайди: бир киши, иттифоқо, ўзи танимаган бир гуруҳ билан ҳамроҳ бўлган. Улар қароқчилар бўлиб, бир қишлоқни босиб хароб қилиб қайтаётган эканлар. У киши ўғрилар билан бирга озгина юрганидаёқ уларнинг кетидан қидирувчилар етиб келиб, бутун гуруҳ қўлга олинган; шулар ичида ҳалиги гуноҳсиз киши ҳам қўлга тушган. Бу кишининг улар ишига шерикчилиги бўлмаса ҳам, уларга етишган қийинчилик бу кишига ҳам етган.

Ҳиндларнинг айтишича, жон осмондан бир хил ҳолат ва кайфиятда тушадиган ёмғир сувига ўхшайди. Асл моддаси турлича бўлиб, ёмғирга қўйилган тилла, кумуш, шиша, чинни, сопол ва шўр тупроқдан ясалган идишларга ёмғир суви йиғилса, сувнинг кўриниши, мазаси ва ҳиди ўзгаради. Шунга ўхшаш жон моддага қўшни бўлганда унга ҳаёт беришдан бошқа таъсир кўрсатмайди. Модда иш қилишга тутинганда, учта кучдан бирининг устунлиги, иккита махфийсининг унга ёрдам бериши са-



бабли, ҳар хил мақсадларга мувофиқ моддадан турли феъллар юз беради. Учта кучнинг ишга ёрдам бериши суюқ ёғ, қуруқ пилик ва тутатувчи олов [қўшилиб], чироқнинг ёритишига ёрдам берганига ўхшайди.

Демак, моддадаги жон арава минган кишига ўхшайди. Жон ўз истагига мувофиқ моддани ишга солади, бу ишда сезгилар унга хизмат қилади. Пок тангри томонидан унга берилган расо ақл уни тўғри йўлга бошлайди. Ҳиндлар ақлни «нарсалар ҳақиқатларини кўришга восита, олий тангрини танитувчи, кишини ҳаммага дўст ва халқ қошида мақтовли бўлишига етказувчи», деб тавсиф қиладилар.

---

## Бешинчи боб

### РУҲЛАРНИНГ АҲВОЛИ ВА УЛАРНИНГ ОЛАМДА ТАНОСУХ ИУЛИ БИЛАН БИР БАДАНДАН БОШҚА БАДАНГА КУЧИБ ЮРИШЛАРИ ҲАҚИДА

Шаҳодат калимаси мусулмонлар динининг шиори, тангрини уч зот [Жабраил, Марьям ва Исо]дан иборат дейиш насроний динининг аломати, шанба куни [байрам қилиб] тирикчиликка қарамаслик, яҳудийликнинг белгиси бўлганидек, таносух<sup>1</sup> ҳиндлар динининг нишонидир. Ҳиндларда таносухга ишонмаган киши бўлмайди ва унга ишонмаганлар улар динидаги кишилардан саналмайди. Чунки уларнинг айтишларича, нафс — жон, ақл эгаси бўлмаса эди, излаган нарсасини, дафъатан, дам ўтмай, бир онда, атрофлича || тугал билмас эди ва у нарсанинг бўлак-ларини қидиришга ва мумкин бўлган қисмларини ўрганишга муҳтож бўлар эди; мумкин бўлган қисмларининг чегараси бўлса ҳам сони кўп бўлади; сони кўп нарсага етишиш жуда узоқ вақт излашга мажбур қилади. Шунинг учун жон, шахсларни ва турларни, уларда юз берадиган феъл ва ҳолатларни кўриш билангина илм ҳосил қилади. Ҳатто, жон шахс ва турларнинг ҳар бири ҳақида тажриба ҳосил қилиб, бу билан янгидан-янги билимга эга бўлади. Лекин кучлар туфайли феъллар турлича бўлади. Олам ишдан бекор қолдирилмайди, албатта, у ўзидаги бирон мақсадга чақирилиб, унда банд қилиб турилади. Демак, [абადий] қолувчи руҳлар феълларнинг яхши ва ёмонга бўлинишига қараб, эскирувчи баданларга келиб ва улардан кетиб юрадилар. [Жон киргандан кейин] баданнинг савобли иш қилиши яхшиликдан дарак беради; жон савобли ишни кўпроқ қилишга қизиқади; азобга лойиқ иш қилиши ёмонлик ва кўнгилсизликдан хабар беради. Жон ундан узоқлашишга қаттиқ киришади. Жоннинг келишида ёмондан яхшига ва яхшидан ёмонга ўтиш эҳтимоли бор бўлса ҳам, у ёмондан яхшига ўтиш учунгина келади, лекин унинг аксича бўлмайди. Шу икки [яхшилик ва ёмонлик] ҳолатининг турли мартабаларда бўлиши ишларнинг ҳам турлича бўлишини тақозо қилади, чунки мизожлар ва таркибларнинг миқдор ва кайфияти бир-бирдан фарқли бўлади. Жон ва модданинг икка-

ласи томонидан [кутилган] истак тўла ҳосил бўлгунича, жоннинг ана шу хилда бир бадандан кетиб, бошқасига кўчишига таносух дейилади. Аммо қуйи [яъни модда] томонидан истакнинг тўла ҳосил бўлиши моддада бор шаклнинг кетиши ва жон истамайдиган [яна бир шакл]нинг келишидан иборатдир. Юқори [яъни жон] томонидан истакнинг тўла ҳосил бўлиши эса жоннинг билмаган нарсани билиб, ўз зотининг шарафли эканини, моддасиз тура олишини ва моддага эҳтиёжи йўқлигини аниқлаб, энди моддага қизиқиши қолмаганлигидан иборатдир. Лекин модданинг пастлигини, унинг шакллариининг ва сезилишидан ҳосил бўладиган нарсанинг давомли эмаслигини жон тамом бўлганидан кейин ва унинг лаззат ва роҳатларидан хабардор бўлганидан сўнг истак тўла ҳосил бўлиб, жон моддадан юз ўгиради, алоқа узилади, ора ажралиб, жудолик ва узоқлик тушади; жон илм саодатини қозониб, чиқиб келган жойига қайтади. Бу худди кунжут ўсимлиги гуллаб, уруғ бойлаганидан кейин ёғдан ажралмагани сингари оқил ва ақл билан билиб олинандиган — маъқул нарсалар бирлашиб, битта бўлиб кетади.

Ҳиндларнинг китобларидаги шу бобга тегишли очиқ сўзларини ва шунга ўхшаш бошқаларнинг ҳам сўзларини [шу ерда] айтиб ўтишимиз керак.

Васудева билан Аржуна иккаласи икки саф [қўшинлар] ўртасида турганида Васудева Аржунани [душман билан] урушишга қизиқтириб мана шундай деган: «Агар илгариде бўлган ҳукм [тақдир]га ишонсанг, улар [яъни душманлар] ва бизлар ҳам ўлмаймиз ва қайтмайдиган бўлиб кетмаймиз. Чунки руҳлар ўлмайдилар ва ўзгармайдилар. Шунчаки жон одамларнинг болалик, йигитлик, кексалик, сўнгра натижаси ўлиш бўладиган чолликдан иборат баданларида келиб-кетиб юрадилар, кейин [келган жойларига] қайтадилар». У яна шундай дейди: «Жон абадий бор, у туғилмайди, ҳалок ва йўқ бўлмайди, || балки барқарор туради; уни қилич кесмайди, олов куйдирмайди, сув ғарқ қилмайди, шамол қуритмайди; лекин киши эскирган кийимни янгига алмаштиргани сингари, жон эскирган бадандан бошқа баданга кўчади, деб тушунадиган киши ўзини қандай қилиб ўлиш ва ўлдирилишини эсига олади? Шундай экан, ҳалок бўлмайдиган жон учун ғамгин бўлиб туришингни нима кераги бор? Агар жон ҳалок бўладиган бўлса эди, йўқолиб кетадиган, қайтадан учратилмайдиган нарса учун ғамгин бўлмаслигинг яна ҳам муносиброқ бўлар эди. Агар жонсиз қолган баданга қараб унинг бузилганига ачинсанг, [шуни билиб олгинки] ҳар бир туғилувчи ўлажак ва ҳар бир ўлик қайтадан тирилажак. Бу иккаласи сенинг ишинг эмас, фақатгина тангриники, ҳамма нарса тангридан ва ҳамма нарса унга қайтиб боради».

Васудеванинг сўзи орасида Аржуна унга шундай дейди: «Бароҳим билан қандай қилиб урушасан? У, оламдан олдин, башариятдан илгари

пайдо бўлган-ку! Сен бўлсанг, туғилган вақти ва ёши маълум, орамиздаги бир инсонсан».

Шунда, Васудева унга жавоб бериб шундай деди: «Аммо вақтнинг энг қадимлиги сенга ҳам, менга ҳам, Бароҳимга ҳам баробар — умумийдир; ҳаммамиз неча мартадан тирилганмиз. Уша вақтларимни аниқ билганман [лекин] улар сенга яширин. Қачон мен яхшилик қилишни қасд қилсам, ўзимга бирон баданни кийганман; чунки инсон тусини олмай туриб, инсонлар билан бирлашиб бўлмайди».

Исмини мен унутган бир подшоҳ ҳақида шундай ҳикоя қилишади: шу подшоҳ ўлганидан кейин, ўз халқига, танасини ҳеч бир ўлик куйдирилмаган жойда куйдиришларини буюрган. Халқ шундай жойни қидиравериб чарчаган, охир денгиз сувидан кўтарилиб турган бир тошни топиб, энди қидирган жойимизни топдик деганларида, Васудева уларга: «Шу подшо мана шу тош устида бир неча мартадан куйдирилган, энди хоҳлаган ишингизни қила беринг; чунки, подшоҳнинг мақсади сизларга шуни билдириш эди, унинг тилаги амалга ошди», деган.

Яна Васудева дейди: «Қиши халос бўлишини истаб, дунёни ташлаб кетишга уринсаю, аммо дили унга бўйсунмаса, савоб олувчилар қаторида қилган амалига яраша савоб олади, камчилиги сабабли мақсадига эришолмайди. Лекин у киши дунёга қайтиб келади, кейин зоҳидликка махсус жинс қилиб [баданига лойиқ кўрилиб] киргазилади; муқаддас илҳом унга бошқа бир баданда муваффақият бериб, ниҳоят, у аста-секин аввалги баданда тилаган мақсадига эришади; дили ҳам унга бўйсунди ва кетма-кет туғилиш натижасида кўп баданларда тозаланиб, охир халос бўлишга эришади».

Васудева яна шундай дейди: «Жон моддадан ажралса, илмли бўлади; моддага кирса, булғониб илмсиз бўлиб қолади; ўзини фоила [яъни ишловчи] ва дунё ишлари ўзи учун белгилаб қўйилган деб гумон қилиб дунё ишларига тутинади; сезилувчи нарсалар унда нақш олади, бадандан ажраганида унда сезилувчиларнинг излари қолади, ундан тамом ажралиб кетмайди; жон моддага муштоқ бўлиб, унга яна қайтади. Жоннинг шу аҳволда бир-бирига зид ўзгаришларни қабул қилиши унга дастлабки учта кучни ҳамиша бирлаштириб қўяди; бу қаноти қирқилган жон ишга яроқсиз бўлса, энди нима ҳам қилар эди?»

Васудева яна шундай дейди: «Расо олим || бўлган киши инсонларнинг энг фазилатлисидир; чунки у тангрини, тангри эса уни дўст тутарди; у, қайта-қайта ўлиб тирилган; у бутун умрида камолотни талаб қилиб, ниҳоят унга етишган».

Маркандева<sup>2</sup>, «Вишну-дҳарма»да<sup>3</sup> руҳонийларни баён қилганида: «Брахма Маҳодева ўгли Корттике<sup>4</sup> ва [ёқимли нарсаларни] денгиздан [юзаса] чиқарувчи Лакшми<sup>5</sup>, Маҳодева урган Дакша,<sup>6</sup> Маҳодева хоти-

ни — Умодеви — булар ҳаммаси шу калпапинг<sup>7</sup> ўртасида яшаганлар; улар кўп марта шу ерда бўлганлар», деди.

Бароҳамиҳира комета [думли юлдуз]ларнинг ҳукмлари ва улар кўринганида одамларга турли қийинчиликлар етишиб ватанларидан чиқиб кетишга мажбур бўлишлари тўғрисида шундай деган: «Одамлар касалликдан озиб, бало ва офатдан доду фарёд қилиб, ватанларидан чиқиб кетадилар; ёш болаларини етаклаб бораётганларида: «Биз, подшоҳларимизнинг гуноҳлари сабабли балога қолдик; балки бу, ана шу баданлардан илгари дастлабки уйда [яъни аввалги баданда] қилган ишларимизнинг жазоси бўлса керак», деб бир-бировлари билан савол ва жавоб қиладилар».

Моний Эроншаҳрдан<sup>8</sup> ҳайдалганида Ҳиндистонга кирди ва ҳиндлардаги таносухни ўз динига киргизди. Моний, «Сирлар китоби»<sup>9</sup> номли китобида «Исо пайгамбарнинг хаворийлари<sup>10</sup> — дўстлари жонларнинг ўлмаслигини ҳамма шаклга мос бўлиб, уларга киришиб, ўрнашиб табиий бўлиб кетишини ва ҳамма шакл кўринишида бўлиб, уларнинг бўшлиқларига ҳам қўйилишни билгач, ҳақни қабул қилмаган, ўзининг аслини танимаган жонларнинг оқибати нима бўлишини Исодан сўраганларида, Исо Масиҳ шундай деган: «Ҳақнинг томонидаги ҳужжатларни қайси жон қабул қилмаса, у ҳалок бўлади, унга роҳат йўқ».

Монийнинг ҳалок бўлади дейишидан мақсади, йўқ бўлади дейиш эмас, балки азоб чекади дейишдир. Чунки Моний яна шундай деган: «Вардесанлар<sup>11</sup> гумонича, руҳнинг кўтарилиши ва тозаланиши одамнинг ифлос ва бадбўй бадани орқали бўлади. Ифлосликнинг жонга душман эканини, жоннинг кўтарилишига унинг тўсқинлик қилишини билмадилар. Ҳолбуки, одам бадани жон учун қамоқ ва аламли азобдир. Одамнинг шу шакли ҳақ бўлса эди, яратувчиси уни эскириб зарарланишга қўймас ва уни, бачадонлардаги эрлик уруги орқали наслланишга муҳтож қилмас эди».

Аммо «Патанжали» китобида айтилишича, жоннинг бўғовланишидан иборат бўлган билимсизлик ўровлари орасида қолиши гуручнинг ўз пўсти ичида туришига ўхшайди; чунки гуруч, пўсти билан бирга турганида униб ўсишга ва ўриб олишга қобилиятли бўлади, туғилиш ва туғдириш орасида кетиб-келиб туради; қачон пўсти кеткизилса, туғилиш ва туғдириш хусусиятлари унда қолмайди, гуручлигича қолаберади. Қилинган иш учун бериладиган мукофотга келсак, у, жон келиб-кетиб турадиган мавжудот жинсларида умрнинг узун ва қисқалиги, неъмат ва майшатнинг тор ва кенглигидан иборатдир.

[Яна «Патанжали» китобида айтилишича] сўровчи: «Руҳ савоб ва гуноҳлар орасида [бир баданга] келиб, кейин туғилган болалар жинсига қараб, неъматга ёки ўч олинишга дуч келиб қолса, унинг ҳоли 28 қандай бўлади?» деди. Жавоб берувчи: «Илгари || қилган ишига ва

касбига яраша роҳат ва қийинчилик орасида келиб кетади, алам ва лаззат ўртасида бундан унга ўтиб юради», деди.

Сўровчи: «Инсон [руҳи] мукофотга сазовор амални бир баданда қилса, у баданда эса шундай амал қилингани билан мукофот берилмайдиган бўлса, шунда икки ҳолат орасидаги замон узоқлашиб, мукофотни келтирадиган амални қилиш унутилади-ку», деди.

Жавоб берувчи деди: «Амал ҳамиша руҳ билан бирга; чунки уни руҳ ишлайди, бадан эса руҳ учун қурол ва воситадир. Рухга тегишли нарсаларда унутилиш бўлмайди, чунки руҳ муддат яқинлигини ва узоқлигини тақозо қиладиган замондан сиртда. Амал ҳамиша руҳ билан бирга бўлганидан руҳнинг хулқи ва табиати бўлиб қолади ва руҳ шу табиати билан биргалликда [мукофотни келтирадиган] ҳолатга кўчиб ўтади. Демак, жон шундай софлиги сабабли ўша ҳолатни билади, эсида тутуди ва уни унутмайди. Лекин бадан билан бирлашганда унинг хиралиги сабабли нури бекилиб қолади. Шу руҳ, бир нарсани таниб ва билиб, эсида тутган, кейин унга жиннилик ёки бирон касаллик ёки дилини қорайтирган мастлик етишиб, ҳалиги нарсани унутган одамга ўхшайди. Кўрмайсанми, болалар ва ёшларга узун умр тилаб, дуо қилинса, улар шодланадилар; умринг қисқа бўлсин, деб қарғалса, хафа бўладилар. Улар, мукофот учун ўтмиш замонларда, бир бадандан бир баланга кўчиб ҳаётнинг ширинлигини тотмаган, ўлимнинг аччиқлигини билмаган бўлсалар, шу олқиш ва қарғишнинг улар учун яхши ва ёмон таъсири бўлмас эди».

Юнонлар, шу эътиқодда ҳиндларга мувофиқ эдилар. Суқрот «Пасодо»<sup>12</sup> [«Федон»] номли китобида шундай деган: «Қадимгилар мақолаларида бизга баён қилинишича, жонлар шу ердан Ҳадесга<sup>13</sup> борадилар, кейин яна шу ерга қайтиб келадилар. Тириклар ўликлардан пайдо бўладилар. Нарсалар зидларидан вужудга келадилар. Демак, ўлган кишилар тирикларда бўладилар. Шундай қилиб, жонларимиз Ҳадесда туради. Ҳар бир инсоннинг жони маълум бир нарсдан хурсанд бўлади ва хафа бўлади; ўша нарсани ўзи учун деб билади. Шодлик ва хафалиқдан шундай таъсирланиш жонни баданга боғлайди ва бириктириб, бадан сувратига киргизади. Тоза бўлмаган жоннинг Ҳадесга бориши мумкин бўлмайди. Балки жон ўзи тўлғазиб турган бадандан чиқади. Ҳатто у дарров бошқа баданга киради, гуё шу баданга омонат қилиб жойлаштирилади. Шунинг учун бу нопок жонга ягона пок илоҳий жавҳар билан бирга бўлиш насиб бўлмайди».

Суқрот яна шундай деган: «Жон [баданда] бўлиб турганида бизнинг илм ўрганишимиз ўтган замонда ўрганганимизни [қайтадан] эслашдан бошқа нарса бўлмайди. Чунки жонларимиз шу инсонлик сувратига айланишдан илгари бирон жойда бўлганлар. Агар одамлар болалик чоғларида ишлатиб, одатланган нарсаларини бировда кўриб

қолсалар, бундан таъсирланиб, ёшликдаги ишларини эсга келтирадилар. Масалан, чанг созини кўрганларида, [болалик чоғларида] уни чаладиган ва улар унутган йигитлик чоғлари эсларига тушади. Демак, унутиш билимнинг кетишидан, илм эса, жоннинг баданга киришидан илгари ўрганганни эслашдан иборатдир».

Проклус «эслаш ва унутиш сўзлагувчи жонга хос ишлардир. Сўзлагувчи жоннинг ҳамиша мавжудлиги аниқ. Шундай бўлгач, унинг 29 ҳамиша ҳам илмли, ҳам унутувчи бўлиши лозим бўлади; || яъни у, бадандан ажраганида илмли бўлиб, баданга кирганида илмни унутади. Чунки сўзлагувчи жон бадандан ажраганида ақл макони бўлиб қолаверади. Жон баданга кирганида [бадан] унинг устидан куч билан бир қадар ғалаба қозониб, уни ақлга маконлик мартабасидан пастга туширади».

Сўфия маслакидагилардан «дунё ухлоқ жон, охират уйғоқ жон», деювчилар ана шу Проклус айтган маънога яқин борадилар. Улар, худонинг осмон, арш, курси каби маконларда бўлишини мумкин дейдилар. Сўфиянинг баъзилари худонинг ҳамма оламда — ҳайвон, ўсимлик ва жонсиз мавжудотларда бўлишини мумкин дейдилар. Буни худонинг «ҳамма нарсада кўриниб туриши» [зуҳури куллий] деб атайдилар. Буни мумкин дейишлари сабабли, уларнинг фикрича, жонларнинг кетиб-келиб баданларга жойлашишлари [яъни таносух]да хавф-хатар бўлмай қолади.

## МАҲШАР, ЖАННАТДАН ИБОРАТ МУҚОФОТ ВА ДУЗАХДАН ИБОРАТ ЖАЗО УРИНЛАРИ ҲАҚИДА

[Ҳиндлар] йиғиладиган жойни лока<sup>1</sup> деб атайдилар. Олам дастлаб юқори, қуйи ва ўртага бўлинади. Юқори олам — Сварлока дейилиб, бу жаннатдир. Қуйи олам — Нағалока дейилади, яъни илонлар йиғиладиган жой, бу дўзахдир; буни Наралока ҳам дейилади. Баъзан Потола<sup>2</sup>, яъни ернинг энг қуйиси деб аталади. Аммо биз турган ўрта оламни Мадҳиалока ва Манушиалока<sup>3</sup>, яъни инсонларнинг йиғилган жойи деб аталади. Бу, ўрта олам бирон нарсага эришиш учун, юқори олам савоб топиш учун ва қуйи олам азоб бериш учун хосдир. Савоб ёки азобга лойиқ бўлган киши қилган амалининг муддатига кўра белгиланган муддатда ўша амалига яраша юқори ёки қуйи оламда муқофот ёки жазо олади. У икки оламнинг ҳар бирида бўлиш бадандан ажратилган руҳга хосдир.

Жаннатга кўтарилишга ёки дўзахга тушишга лойиқ кўрилмаганлар учун ҳам йиғиладиган бошқа махсус лока бор. Уни Тиражаклока<sup>4</sup> дейилади. Лойиқ кўрилмаганлар ўсимликлар ва сўзламайдиган ҳайвонлар бўлиб, жон таносух йўли билан уларнинг баданларида юради, охирда энг паст ҳисобланадиган ўсимлик мартабасидан аста-секин сезувчиликнинг энг олий мартабаси ҳисобланадиган инсон баданига ўтади. Улар икки сабабдан: ё савоб ва азоб бериладиган жойдан олган муқофотлари миқдорининг камлигидан ёки дўзахдан қайтиб келганликларидан Тиражаклокада бўладилар.

Демак, ҳиндлар тушунчасича, дунёга қайтган руҳ биринчи мартаёқ инсон баданига киради, аммо дўзахдан дунёга қайтган руҳ инсон мартабасига етишгунича ўсимликлар ва ҳайвонлар баданида келиб-кейтиб юради.

Ҳиндлар ўзларига етиб келган хабарлар юзасидан дўзахлар саноғини, сифатларини ва исмларини кўпайтирадилар; гуноҳнинг ҳар бир хили учун дўзахлардан махсус жой белгилайдилар. «Вишну-пурана»да дўзахлар саксон саккиз мингта<sup>5</sup> дейилган. Унда айтилганлардан ушбунни ҳикоя қиламиз:



✓ «Елғон даъво қилувчи, ёлғон гувоҳлик берувчи, уларнинг иккови-га ёрдамлашувчи, одамларни масхара қилувчилар Раурава номли дўзахга борадилар.

Ноҳақ қон тўккан, одамларнинг ҳақларини зўрлик билан олган, уларни талон-торож қилган ва қора молни ўлдирганлар дўзахлардан Родҳа исмлисига борадилар; [бировга] гина ва душманлик қилувчи ҳам Родҳага боради.

30 Браҳманни ўлдирган, олтин ўғирлаган, [ёки] шуларга ҳамкор бўлган, || фуқароларига қарамайдиган амирлар, устозининг оиласини зино қилувчи, қайин синглиси билан ётувчилар дўзахлардан Тап-такумбҳа дейилганига борадилар.

[Бойлик ҳосил қилиш] тамаида хотинининг бузуқлигидан кўз юмувчи, ўз қизини ва ўз ўглининг хотинини зино қилувчи ёки бола-сини сотувчи, ёки молини ўзига сарфлашга кўзи қиймай, бахиллик қилган киши — Маҳожволага; устозига гап қайтарувчи, ундан рози бўлмаган, одамларга ҳақорат назари билан қаровчи, тўрт оёқли ҳайвонларга жинсий алоқада бўлувчи, «Веда» ва «Пурона»ларни ҳақорат қилувчи ёки уларни бозорларда олиб сотиб фойдаланувчилар Шавалага борадилар.

Ўғри, товламачи, одамлар юрган тўғри йўлга қарши киши, ўз отасини ёмон кўрувчи, тангрини ва инсонларни дўст тутмайдиган, тангри азиз қилган қийматбаҳо тошларни ҳурмат қилмай, уларни бошқа тошлар билан баробар кўрувчилар Кримишага борадилар.

Ота-боболарининг ҳуқуқларини улуғламайдиган, фаришталарни керагича ҳурмат қилмайдиган, ўқлар ва найзалар ишлаб чиқарадиганлар Лолобҳакшага борадилар.

Қилч ва пичоқ ишловчи Вишосанага боради.

Ҳукмдорларнинг эҳсонларини тама қилиб, бойлигини бекитувчи ва гўшт, ўсимлик ёғи, мол ёғи, нон хўриш ёки узум шаробини сотган браҳман — булар Адамукҳага борадилар.

Товуқлар, мушуклар, қўйлар, чўчқалар ва қушларни боқиб семиртирувчи Рудҳирондҳага боради.

Турли ўйин қуролларини ишлатувчилар, бозорларда баланд товуш билан шеър ўқиб юрувчилар, қудуқ қазиб сув олувчилар, улуғ айёмларда хотинига яқинлик қилувчи, одамларнинг уйларига ўт қўювчи, дўстини алдаб, унинг молини қўлга олиш умидида кафил турувчилар Рудҳирага борадилар.

Ари уясидан асал йиғувчи Вайтаранага боради.

Ешлик мастлиги билан кишилар қўлидан молларни ва хотинларни зўрлик билан олувчи Кришнага боради.

Дарахтларни кесувчи Асипатраванага боради. Овчи, қопқон ва тузоқлар ишловчи Ваҳнижволага боради. Урф-одатларга эътибор қил-

мовчи, шариат [қонун]ларни бекор қилувчи гуноҳкорларнинг энг ёмони бўлиб, Сандамшакага боради».

Ҳиндлар эътиқодича, ёмон феъллардан бўлган баъзи гуноҳларни билдириш учун ана шуларни санаб ўтдик.

Ҳиндларнинг баъзилари инсонлар дунёсининг бирон нарсага эришиш учун махсус ўрта дунё эканига ва бунда [руҳнинг] савобга ҳам, азобга ҳам етишолмай, жасаддан жасадга ўтиб юришига эътиқод қилади; кейин қилинган яхши амалга яраша бир муддат учратилган неъматни жаннат деб, буни ўрта дунёдан юқорида деб эътиқод қилади; ўсимликлар ва ҳайвонларда руҳнинг келиб-кейтиб юришини, ёмон амалга яраша бир муддат учратилган азоб ва уқубат деб, буни ўрта дунёдан қуйида деб эътиқод қилади ва башарият даражасидан мана шундай қуйига тушиб кетишни дўзах деб тушунади. Шуларнинг || 31 ҳаммаси банддан қутулиш учун бўлиб, қутулишнинг талаби баъзан аниқ илмга олиб борадиган йўлда бўлмай, балки гумон, тақлид йўлларида бўлади. Охири қутулишдан иборат бўлган ҳеч бир руҳнинг амали [мукофотсиз] бекор қолмайди — яхши ва ёмон икки турли касбга ўлчаниб мукофот берилади. Лекин жазо ва мукофот мақсадга яраша бўлиб, руҳ унга бир неча мартабада эришади: ё ўзи турган баданда, ё кўчиб ўтадиган баданда ёки турган баданидан кейин бошқа баданга киришидан илгари [эришади], деб ҳиндларнинг баъзилари эътиқод қилади.

Ана шу эътиқод уларнинг назарий баҳсдан миллий<sup>6</sup> хабарга қараб юз ўгирган жойларидир; диний хабар: савоб ва азоб бериладиган иккита жойнинг борлиги, руҳнинг бадансиз у жойларда бўлиши, амалининг мукофотини тамом олгандан кейин, ўзига белгиланган нарсага қобилиятли бўлиш учун жасадга ва инсон баданига қайтишидан иборатдир. Шунинг учун «Санхъя» китоби автори жаннат савобини яхши деб санамаган ва бунга қуйидаги сабабларни кўрсатган: «Жаннат савоби абадий қолмайди, ўтиб кетади. Жаннатда ҳам дунёдаги сингари бир-бири билан фахр талашиш, бир-бирини кўролмаслик бўлиб туради, чунки даража ва мартабалар бир-биридан ортиқ-кам бўлади; душманлик ва ҳасрат чекиш ҳамма бир текис бўлгандагина йўқ бўлади».

Аммо сўфия маслагидагилар бошқа жиҳатдан, [яъни жаннатда] ҳақдан бошқа нарса билан овиниш, холис яхшиликни қўйиб, бошқа нарса билан машғул бўлиш жиҳатидан жаннат мукофотини яхши деб санамайдилар.

Ҳиндлар фикрича, руҳнинг мана шу икки жойда [савобли ва азобли, яъни жаннат ва дўзахда] жисмийликдан холи эканини айтиб ўтдик; лекин бу эса юқори табақаларининг фикри бўлиб, улар руҳни ўзича тура олади, деб тасаввур қиладилар. Аммо мартабалари қуйи

кишилар руҳни жасадсиз тура олади, деб тасаввур қилмасликка яқин фикрдалар; чунки бу тўғрида уларнинг тушунчалари турличадир.

Булардан баъзиларининг фикрича, руҳнинг ўзи учун тайёрланадиган бадан [қолип]ни кутиб туриши бадандан чиқарилишига сабаб бўлади. Шунда руҳ, ўзи турган бадандан ажралмайди, лекин феъли ва касби ўша баданникига ўхшаш алоқа ўрни вужудга келгандан кейин ажралади. Бу алоқа ўрни табиат томонидан бачадонда тайёрланадиган боладан ёки тупроқ орасидан ўсиб чиқадиган уруғдан иборат бўлади; ана шу пайтда руҳ ўзи турган бадандан ажралади.

Баъзилари, ўзларига етиб келган хабарларга қараб шундай дейди: «Руҳ, ўзи учун тайёрланадиган баданни кутмайди, унсурлар таркибидан бадан тайёрланиши биланоқ ўзининг латифлиги сабабли турган баданидан ажралади, шу тайёрланган бадан ативоҳика<sup>7</sup>, яъни тез пайдо бўлувчи деб аталади. Чунки бу бадан туғилиш тариқасида вужудга келмайди. Бу баданда — хоҳ унга мукофот бериладиган, хоҳ унга азоб бериладиган руҳ бадани бўлса, бари бир, бир йил энг қаттиқ ҳосилсизлик бўлади. Шу бадан [дунёдаги] касб [яъни машғулот] билан [охиратдаги] мукофотга эришиш ўртасида барзах<sup>8</sup> каби бўлиб туради. Шунинг учун ўлган кишининг меросхўри у кишига атаб бир йиллик таъзия, расму русумини адо этади; йил тугаши билан расму русум ҳам тугайди. Чунки руҳ энди шу пайтда ўзи учун тайёрланган жойга кетади.

Биз ҳам шу ерда уларнинг китобларидан ўшандай тушунчаларни очиқ-ойдин билдирадиган сўзларни баён қиламиз. «Вишну-пурона»да шундай деб ёзилган: «Майтрея Парошарадан, дўзахдан ва ундаги азобу уқубатдан ғараз нима?» деб сўраганида, Парошара жавоб бериб деди: «Яхшини ёмондан, билимдонни билимсиздан || ажратиш ва адолатни кўрсатиш учун дўзах азоби барпо қилинган; ҳар бир гуноҳкор ҳам дўзахга кира бермайди, чунки баъзи гуноҳкорлар ўлишидан бурун тавба қилиб ва каффоратлар бериб дўзахга кирмай қолади. Ҳар бир ишда ҳамиша Вишну номини айтиш каффоратларнинг энг улуғидир. Баъзи гуноҳкорлар [нинг руҳлари] то [мукофотга] ҳақли бўлгунича ўсимликлар, анқо қушлар таналарида битлар ва қуртлардан иборат хор ва ифлос ҳашаротлар тапаларида келиб-кетиб юрадилар, деб жавоб берди».

«Санкхъя» китобида шундай ёзилган: «Аммо юқори оламга кўтарилишга ва мукофотга ҳақли бўлган киши [нинг руҳи] фаришталарнинг биттасидек бўлиб, руҳоний [фаришталар бўлмиш] — осмон аҳли билан бирлашади. Ёки саккизта руҳоний жинсларининг биридек бўлиб кетади. Гуноҳ юкларининг оғирлиги сабабли қўйи оламга тушишга лойиқ кишининг руҳи ҳайвон ёки ўсимлик жасадига киради ва савобга ҳақли бўлгунича бундан унга ўтиб юради; шундай қилиб, қийинчилик-

дан қутулади, ёки ўша руҳнинг ўзи ақлга эга бўлади ва минган нарсасини [яъни жасадни] бўшатиб, халос топади.

Қалом илми олимларидан таносухга мойил бўлганларнинг бири шундай дейди: «Таносух тўрт даражага бўлинади:

1) Насх [кўчирилиш], яъни биридан бири тугилишга, чунки тугилиш бир бадан нусхасини бошқасига кўчиради.

2) Насхнинг зидди масх, яъни қиёфа ўзгартирилишидир; масх инсонлар учун хос бўлиб, улар маймун, чўчқа ва фил сувратига киргизиладилар.

3) Расх ўсимлик каби бўлиб, у бир жойда собит ва барқарор бўлади. Расх насхдан кўра пишиқроқ бўлади. Чунки ўсимлик узоқ вақт тоғ сингари бир жойда ўрнашиб туради.

4) Расхнинг зидди фасх, яъни бузилишидир. Фасх узиб олинган ўсимлик ва сўйилган ҳайвонгагина хос бўлади. Чунки улар таралиб кетиб, ўзидан кейин бирон нарса қолдирмайди.

...Лақабли<sup>9</sup> Абу Яъқуб Сижизий «Қашф ал маҳжуб»<sup>10</sup> деган китобида: «Тур [нав] лар [ўзгармай] сақланиб қолади; навларнинг ҳар бирида таносух вужудга келади; аммо бир навдан бошқа навга ўтмайди», деган фикрга борган. Юнонлар ҳам шу фикрда эдилар. Чунки Яҳёе Наҳвийнинг Афлотундан ҳикоя қилишича, «Афлотун сўзловчи нафслар [нафси нотиқа] тўрт оёқли ҳайвонларнинг жасадларига киради», деб Фисоғурс<sup>11</sup> хурофотига эргашган экан.

Сукрот «Федон» номли китобида шундай деган: «Жасад, ерга тегишли бўлиб, оғир ва қурчдир; жасадни севадиган руҳ сувратсиз нарсадан ва нарсалар йиғиладиган жой — Айзис [Аид]дан қўрқиши сабабли тикилиб қараб турган жой [яъни жасад]га тортилиб кўчирилади; шунда булғониб қабристон ва ўлик кўмиладиган жойлар теварагида айланиб юради; ўзига манзур бўлган жасаддан тозаланиб ажралмаган. Балки унинг айрим бўлаги ўзида қолган соя ва хаёл сувратидаги бирмунча руҳлар ўша теварақда унга кўринадилар». Сукрот яна шундай деган: «Булар яхши жасадларнинг руҳлари бўлмай, балки ёмон жасадларники бўлса керак, аввалги физоларининг ёмонлиги сабабли иштиқомга учраб, шу соя ва хаёл сувратида ҳайронликда қоладилар, ўзлари эргашган жисмнинг суврати сингари бир сувратни яна ёқтириб, унга бойлангунларича доимо шундай аҳволда бўладилар ва ахлоқи оламдаги баданлар ахлоқига ўхшаган баданларга бойланадилар. Масалан, ейиш ва ичишдан бошқани билмаган киши эшаклар ва йиртқич ҳайвонлар жинсига киради; оламда зулм ва жавр қилган киши бўрилар, лочинлар ва калхатлар жинсига киради».

Сукрот ҳамма йиғиладиган жойлар тўғрисида шундай дейди: «[Ўлганимда] аввало, || доно, ҳурматли ва яхши худолар ҳузурига, ундан кейин, ўлиб кетган ва бу дунёдаги кишилардан кўра яхшироқ ин-

сонлар ҳузурига боришимни билмаганимда, ўлимга хафа бўлмаслигим адолатсизлик бўлар эди».

Яхши мукофот ва ёмон жазо бериладиган икки жой хусусида яна Суқрот шундай дейди: «Инсон ўлганида Демон, яъни азоб фариштаси унинг руҳини ҳаммани йиғиб ҳукм қилинадиган жойга олиб боради; у ерда йиғилган руҳлар билан бирга йўл бошловчи маъмур Ҳадесга олиб боради. Ниҳоят, шундан кейин руҳ керагича кўп замон ва узоқ даврлар бўйи шу жойда туради. Телеф ҳам «Ҳадеснинг йўли тўғри» деган. Менимча, дейди Суқрот, йўл теп-текис ёки битта бўлса, йўл бошловчига эҳтиёж қолмайди-ку! Жасадни севадиган ёки ўлдирувчи нафслар сингари ёмон ва адолатсиз иш қилган жон эса, у ердан қочиб кўп замонлар ўтгунича, ҳар бир навда жойлашиб юради, сўнгра зарурат юзасидан [уни тутиб] ўзига мос келадиган бир жойга келтирилади. Покиза жонга келсак, у худоларга айланган ҳамроҳлар ва йўлбошчиларга дуч келиб, ўзига муносиб ўринга жойлашади».

Суқрот яна шундай дейди: «Ахлоқи ўртача бўлган ўликлар Ахе-ронда<sup>12</sup> ўзлари учун тайёрланган кемага минадилар; улардан ўч олиниб тозалангач, ювиниб, қилган яхши ишларининг ўзларига яраша иззат ва шарафини қабул қиладилар. Аммо худоларга аталган қурбонликлардан ўғирлаш ёки ҳурматли мол-мулкларни босиб олиш, ёки қонун-қоидаларга хилоф равишда зулм қилиб, қасддан бир неча марта одам ўлдириш каби катта гуноҳ қилганлар Тартарусга ташланиб, абадий ундан чиқарилмайдилар. Аммо ота-онага ғазаб қилиб, гуноҳкор бўлиш ва хато қилиб одам ўлдириш каби гуноҳларига умр бўйи пушаймон қилган, охир натижада, гуноҳлари ўша катталик даражасидан кичрайган кишилар Тартарусга ташланиб, тўла бир йил шунда азоб чекадилар. Кейин тўлқин уларни бир жойга ташлайди; улар шу ердан хусуматчиларини чақириб, азоблардан қутулишлари учун шу олинган ўч билан чеқлапишларини илтимос қиладилар; хусуматчилари рози бўлсалар, жуда яхши, бўлмаса яна Тартарусга қайтариладилар; хусуматчилари улардан рози бўлгунича, ҳамиша шундай ранж ва азоб чекадилар. Яхши ахлоқлилар шу ернинг ҳалиги азобли жойларидан қутуладилар, тутқунликлардан озод ва роҳатда бўлиб, покиза ерга жойлашадилар».

Тартарус — катта ёриқ ва анҳорлар оқиб тушадиган жуда чуқур қудуқ. Ҳар бир киши охираат азобини ўз халқи ўртасида машҳур бўлган энг қўрқинчли сўзлар билан ифодалайди. Фарб томонда Ой тутилиши ва турли тўфон офатлари бўлиб туради. Шу билан бирга, Суқрот Фарбга олов алангаланишига далолат қиладиган сифатни беради; гўё Суқрот бу сифатдан денгиз ёки гирдобли чуқур дарёни айтмоқчи бўлади. Ана шу сўзлар, ҳеч шубҳасиз, ўша замон кишиларининг ўз тушунчаларини ифодалашда ишлатган иборатларидир.

Еттинчи боб

ДУНЕДАН ХАЛОС БЎЛИШНИНГ КАЙФИЯТИ  
ВА ШУНГА ОЛИБ БОРАДИГАН ИЎЛНИНГ  
СИФАТИ ҲАҚИДА

Жон бирон сабаб билан оламда банд бўлганида, албатта, ўша сабабнинг зидди билан банддан қутулади. Лекин ҳиндлар мазҳаби || ҳа- 34  
қида ҳикоя қилганимизга кўра, улар, бандликнинг сабаби билимсиз-  
лик, деб тушунадилар. Демак, жон нарсаларни атрофлича билиб,  
биридан-бирини ажратадиган бўлганида, шак-шубҳаси кетиб, текши-  
ришга эҳтиёжи қолмаганда банддан халос бўлади. Чунки у, мавжудот-  
ни бир-бирдан ажратиб билгач, ўз зотини, ўзининг донмий шарафга  
эга ва модданинг ўзгариб йўқ бўлувчи, паст нарса эканини билгач,  
моддага эҳтиёжи қолмайди, яхши ва лаззатли деб гумон қилган нар-  
санинг ёмон ва машаққатли эканини аниқ билди ва ҳақиқий билимга  
эга бўлиб, модддан чиқади. Натижада, жоннинг модда орқали қилаёт-  
ган иши тўхтаб, иккаласи бир-бирдан халос бўлади.

«Патанжали» китобининг муаллифи шундай деган: «Фикрни  
фақатгина тангрининг якка ва ягоналигига юргизиш кишининг машғул  
бўлмаган нарсасини билишга уринтиради. Тангрини истаган киши  
ҳамма махлуқотга яхшиликни истайди, бирон сабаб билан ҳеч бир  
кишини истисно қилмайди. Бошқани унутиб, ўз нафси билан машғул  
бўлган киши ўзи учун тортилиб ва чиқарилиб турадиган нафас яратол-  
майди. Ҳаммага яхшиликни исташ даражасига етган кишининг нафсо-  
ний қуввати бадан қуввати устидан ғалаба қилса, у кишининг саккиз  
наргага кучи етади ва у нарсалар сабабли [унинг руҳи] моддага эҳти-  
ёжсиз бўлиб қолади, кишининг билолмаган нарсани билишга муҳтож  
бўлмаслиги мумкин эмас.

У саккиз нарсанинг бири — баланин кўзларга кўринмайдиган да-  
ражада нозиклаштириш имконияти;

иккинчиси, тикан, лой ва тупроқни фарқ қилмай, босиб юра бера-  
диган даражада баданин енгиллатиш;

учинчиси, баданни қўрқинчли ажойиб сувратда кўринарли қилиб улғайтира олиш;

тўртинчиси, турли хоҳишларни амалга ошира билиш;

бешинчиси, истаган нарсани била олиш;

олтинчиси, истаган тоифаларга бошлиқ бўла олиш имконияти;

еттинчиси, қўл остидагиларнинг унга бўйсуниб итоат қилишлари;

саккизинчиси, у киши билан узоқ мақсадлар ўртасидаги олисликнинг йўқолишидир».

Тасаввуфчилар [тангрини] таниш даражасига етган ориф ҳақида ҳам шундай аломатларни баён қиладилар. Чунки уларнинг даъволарича, шундай орифда иккита руҳ ҳосил бўлади. Бири, қадим ва азалдан мавжуд руҳ бўлиб, ўзгармайди ҳам, турланмайди ҳам, [ориф шу руҳ орқали] гайбни билади, мўъжиза яратади; иккинчиси эса башарият руҳи бўлиб, ўзгарадиган ва кейин пайдо бўлган руҳдир. Насронийларнинг сўзлари ҳам шундан узоқ эмас.

Ҳиндларнинг айтишларича, киши шундай имкониятларга эга бўлганда билолмаган нарсага эҳтиёжсиз бўлиб, аста-секин [тўрт] босқични ўтиб, ахтарганини топади.

Тўрт босқичнинг биринчисида, нарсаларнинг чегаралари маълум бўлмаса ҳам, исм-сифатлари ва тафсилотлари маълум бўлади.

Иккинчисида бундан ўтиб, нарсаларнинг бўлакларини умумийлаштирувчи чегараларгача маълум бўлади, лекин бунда ҳам тафсилотдан холи бўлмайди.

Учинчисида, ўша тафсил йўқолади, нарсалар атрофлича билиниб, билувчи ва билинувчи бирлашади, лекин бу ҳолат замон ичида бўлиб туради.

Тўртинчисида, атрофлича билиш ҳолати замон ичида бўлмайди; кишининг бу ҳолатда, нарсаларни танишда зарур восита бўлган исм ва лақабларга эҳтиёжи қолмайди. Шу ҳолатда ақл оқил [яъни нафс] ақлга олинадиган — маъқул нарсада бирлашиб [ҳаммаси] битта нарса бўлиб қолади. Жонни [бадандан] қутқазувчи илм ҳақида «Патанжали» нинг айтганлари ана шулардан иборат. Жоннинг халос бўлишини ҳинд тилида мўкша деб атайдилар; бу оқибат демакдир. Қуёш ва Ой тутилгандан кейин тамом очилиб кўринганини ҳам мўкша дейдилар, чунки бу очилишда тутилиш тамом бўлиб, бир-бирига ёпишган икки нарса 35 ўртасида || жудолик юз беради.

Ҳиндлар фикрича, билиш ва сезиш органлари маърифат ва таниш учун яратилганлар. Баҳс ва суриштиришни қўзғотиши учун у сезгиларда лаззат олиш хоссаси яратилган. Масалан, ейиш ва ичиш лаззати тотиш сезгисига берилган; чунки шахс жасади овқат билан яшайди; тугдириш орқали навни вужудга келтириш учун жинсий алоқа лаззати яратилган. Шаҳват бўлмаганда ҳайвон ёки инсон навни мангу қол-

дириш учун бу икки ишни қилмас, [яъни] овқатланмас ва жинсий алоқа қилмас эди.

«Гита» номли китобда шундай дейилган: «Инсон билиш учун яратилган. Илм ўрганиш ҳаммага баробар бўлганидан инсонга қурол-органлар ҳам текис ҳаммага берилган. Агар инсон ишлаш учун яратилган бўлса, дастлабки уч қувватнинг хилма-хиллиги сабабли ишлар ҳам хилма-хил бўлганидек, қурол-органлар тафовутли қилиб берилар эди. Лекин жасад табиати ишлашга шошилади, чунки жасад табиатида илмга қаршилиқ бор; жасад ҳақиқатда ранж ва аламлардан иборат лаззатларга берилиб, илмни бекитишга [ва ундан маҳрум қилишга] уринади. Илм эса жасад табиатини ўз ҳолига қўйиб, қуёш тутқиндан ёки булутдан тозаланганидек, нафс [жон]ни қоронғиликдан тозалайди».

Булар Суқротнинг қуйидаги сўзига ўхшайди: «Нафс жасад билан биргаликда бир нарсани текшириб билмоқчи бўлса, шу пайтда жасад томонидан алдаёди; лекин фикрлашиш натижасида айрим ҳақиқатлар унга равшан ва маълум бўлади; нафс эшитиш ёки кўриш, ёки оғриқ, ёки бир қадар лаззат ё азият чекмай турган вақтида нарсаларни фикрлай олади. Ана энди ўзини таниб, кучи етганича жасадни ва у билан ҳамкорликни ташлайди. Демак, айниқса, файласуфнинг нафси баданга ҳақорат назари билан қарайди ва ундан ажралишини истайди. Агар биз шу ҳаётимизда заруратдан бошқада баданни ишлатмасак, унга ҳамкорлик қилмасак ва ундан фойдаланмасак, аксинча ўзимизни ундан тозаласак, илмсизликдан бўшаб, маърифатга яқинлашган пок зотлар бўлар эдик. Чунки тангри бизни банддан бўшатганича, биз ўзимизни таниган бўламиз. Ана шу тушунча тўғри ва ҳақиқат бўлишга лойиқдир».

Энди биз яна [ҳинд] фикрларини баён қилишга қайтамиз. «Шунингдек, [тотиш сезгисидан] бошқа сезгилар ҳам маърифат учун яратилганлар, ориф сезгиларни турли маърифатларда ишлатиб лаззатланади. Ҳатто сезгилар орифнинг жосус ва хабарчилари бўлиб, у ўша жосуслар орқали ҳар хил вақтларда нарсаларни билиб туради.

Энди қалбга хизмат қиладиган сезгилар фақатгина ҳозирда бор нарсани билади; қалб эса ҳозирги нарсани фикрга олади, ўтиб кетгани эслайди. Табиат ҳозирги нарсани эгаллайди, ўтмишда ҳам шундай эгалик қилганини даъво қилади; келгусида ҳам ғалаба қозонишга тайёрланади. Ақл эса, ҳеч қачон вақт ва замонга бойланмай, нарсаларнинг ҳақиқатини била олади; ўтмиш ва келажакдаги нарсалар ҳам унга баробардир. Ақлнинг энг яқин ёрдамчиси фикр ва табиат, энг узоқ ёрдамчиси бешта сезгидир. Сезгилар билинганлардан бир бўлагини фикрга етказса, фикр уни сезги янглишларидан тозалаб, ақлга топширади. Ақл уни умумий [илм]га айлантиради ва буни нафсга билдиради, нафс шу билан олимликка айланади».



[Ҳиндларча] илм уч йўлнинг бири билан ҳосил бўлади. У йўлларнинг бири шуки, илм илҳом билан замонсиз ва фурсат ўтмай, балки тугилиб, бешикка беланиши биланоқ ҳосил бўлади. Масалан, ҳикматшунос Капила туғилишдаёқ илм ва ҳикмат эгаси бўлиб туғилган. Иккинчи йўл шуки, илм бир озгина вақтдан кейин илҳом билан ҳосил бўлади. Масалан, Бароҳим болалари балоғатга етгач, илм уларга илҳом тариқасида берилган эди. Учинчи йўл шуки, илм ўрганиш орқали бир қанча вақтдан кейин ҳосил бўлади. Бу худди бошқа ҳамма одамлар балоғатга етганларида таълим олиб, илмга эга бўлганларига ўхшайди.

36 Илм орқали || халосга етишиш фақатгина ёмонликдан тийилиш билангина вужудга келади. Ёмонликнинг шохобчалари кўп бўлса ҳам, уларнинг асоси тама, ғазаб ва илмсизликдир. Шу асослар қирқилса, шохобчалар сўлади; у асослар иштаҳа ва ғазаб қувватларининг йўлбошчилигидан келиб чиқади. Бу икки қувват инсонга энг кучли ва энг ҳалокатли душман бўлиб, улар инсонни овқатлардаги лаззат ва ўч олишдаги роҳат билан алдайдилар. Лаззат ва роҳат эса ранж ва гуноҳларга олиб боришга яқинроқдирлар. Уларга берилган инсон, йиртқич ва тўрт оёқли ҳайвонларга, ҳатто шайтон ва иблисларга ўхшаб қолади.

Яна, бошқа қувватларни қўйиб ақлга мос келадиган нутқ қувватини эгаллаш билан ҳам илм ҳосил бўлади. Бу қувватга эга бўлган инсон тангри даргоҳига яқин турувчи фаришталарга ўхшайди.

Яна, дунё ишларидан юз ўгириш натижасида илм ҳосил бўлади. Лекин инсон, харислик ва зўрдикдан иборат дунё ишларининг сабабларини ўзидан кетқизгандагина унинг ишларидан юз ўгира олади. Шу билан дастлабки уч қувватнинг иккинчиси хўрликка учрайди.

Аммо дунё ишини тарк қилиш икки хил: бири, дангасалик натижасида кейинга ташлаб, учинчи қувватнинг талабига кўра, билимсизлик қилиб тарк қилинади. Буниси керак эмас, чунки бунинг оқибати ёмондир. Иккинчиси, танлаб, кўринарли қилиб, яхши ишдан кўра ортиғига эътибор қилинади, бунинг оқибати яхши бўлади.

Дунё ишларини тарк этиш фақатгина узлатга чўкиш ва машғул қиладиган нарсалардан четда туриш билан тўла-тўқис бўлади. Шунда инсон сиртдан таъсир қилувчи нарсалардан сезгиларини тия олади. Ҳатто у орқасида бор нарсани ҳам билмайди; ҳаракатлари ва нафас олишини тўхтата олади. Шунга қараганда, хариснинг югуриши, югурганнинг чарчаши, чарчаганнинг ҳарсиллаши маълум. Демак, харисликнинг натижаси ҳарсиллаш бўлади. Харисликни ташлаган кишининг нафас олиши сув тагида қолиб, ҳавога эҳтиёжи қолмаган кишининг нафас олишига ўхшайди; ана шу пайтда қалб бир нарса устида қарор топади ва холис бирликка олиб борадиган қутулишигина талаб қилади.

«Гита» китобида шундай дейилган: «Дилини фақатгина тангрига тикмай, турли нарсаларга паришон қилган, худо учун холис амал қилмаган киши қандай қутула олади? Ҳамма нарсадан фикрнини қайтариб, ёлғиз тангрини ўйлаган киши қалбининг нури, атрофи бекик жойда бўлиб, шамол қўзғотмаётган тиниқ ёғ чироғи нурининг тинч барқарорлиги сингари турғун бўлади. Дилини тангрига берган киши иссиқ ёки совуқнинг аламини сезмайди. Чунки у, ягона ҳақдан бошқани бекорчи ҳаёл деб билади».

Унда яна бундай дейилган: «Дарёларнинг доимо денгизга қуйилиши унинг сувига таъсир кўрсатмаганидек, алам ва лаззат ҳақиқий олимга\* таъсир кўрсата олмайди. Ана шу чўққига ҳеч ким кўтарилли олмайди. Лекин иштаҳа ва ғазабинини енгган, уларни бекор қолдирган киши кўтарила олади».

Ана шу айтиб ўтилган нарса [яъни иштаҳа ва ғазабни енгилш] учун тангрини доимо, узлуксиз ва саноқсиз ўйлаш керак бўлади. Чунки саноқ бир неча марта ўйлаганда пайдо бўлади, бир неча мартага бўлинган фикрлашнинг ораларида янглишиш ва хато қилиш юз беради. Натижада, у, марталар орасини ажратиб қўяди ва фикр қилаётганининг фикр қилинаётган зот билан бирлашиб кетишга тўсқинлик қилади. Бу хил фикрлаш гоят даражадаги матлуб нарса эмас. Гоят даражадаги матлуб нарса узлуксиз фикр қилишдир. Доимо яхши ахлоқли бўлиб, нафсини шунга одатлантирган, ҳатто нафсига шундай хулқ табиийлашиб, зотий бир сифатга айланган киши бир баданда ёки бир неча баданда аста-секин ўшандай матлубга эришади.

Яхши хулқ, дин талаб этадиган хулқлар бўлиб, шохобчалари кўп бўлса ҳам, уларнинг фикрича, асл ва асоси кўп маъноларни ўз ичига олган бирмунча ишлардан иборатдир. Улар: [1] ўлдирмаслик, [2] ёлғон гапирмаслик, [3] ўғирлик қилмаслик, [4] зино қилмаслик, || [5] мол йиғмаслик, [6] кейин доимо пок ва тоза бўлиш, [7] ҳамиша рўза тутиб, ўзини қийнаш, [8] тангрини поклаб ва улуғлаб, унинг ибодатига ёпишиш, [9] бор қилувчи ва яратувчи сўзидан иборат ўм [авм] сўзини тилга эмас, доимо дилга олишдир.

Ана шу ишларнинг кўп маъноларни ичига олишига сабаб шуки, ҳайвонни ўлдирмаслик бир нав бўлса, унга озор бериш ва зарар етказмаслик шундай кўп турни ўз ичига олган жинсдир; бунга бошқанинг нарсасини босиб олиш, зимнида ёмонлик ва пастлик бўлганидан ёлғончилик ҳам шу жинсга киради.

Мол йиғмасликда чарчаш ва ортиқча нарсани талаб қилиш бўлмайди, қуллик хўрлигидан қутулиб, озодлик шарафига эришилади. Доимо пок бўлган киши баданнинг ифлослигини пайқаб, уни ёмон кў-

\* Русча нашрида бу сўз «олам» деб олинган, лекин жумла маъносига «олим» тўғри келади — тарж.

ради: пок нафси севади. Озиб ўзни қийнашда бадан нозикланади; унинг ёмон ишлари тўхтатилади ва сезгилари тозаланади. Масалан, Фисоғурс баданини бўяб, унинг шаҳвоний хоҳишларини амалга ошириб юрган бир кишига: «Сен ўз қамоқхонангни маҳкам қилишда, банд ва боғичингни кучайтиришда камчилик қилаётганинг йўқ», деган.

Ҳамиша тангри ва фаришталар эса тутилса, улар билан дўстлик вужудга келади. «Санкхъя» китобида шундай дейилган: «Инсон, ғоят ва бориб тақалган истак деб гумон қилган нарсасидан нарига ўтолмайди». «Гита» китобида шундай дейилган: «Инсон бир нарсани ҳамиша ўйлаб эслай берса, у ўша инсон табиатига ўрнашиб қолади, ҳатто ўйлашни мақсад қилмаса ҳам, ўша нарсани эслай беради. Инсоннинг ўлиш вақти албатта севганини эслаш вақтидан иборат бўлгани учун руҳ бадандан жудо бўлганда севгани билан бирлашади ва ўшанинг ўзи бўлиб кетади». Кетиб яна қайтиб келадиган нарсанинг севгани билан бирлашуви холис ва тугал халос топиш орқали бўлмайди, шунга кўра, ўша китобда: «Ўлиш олдида, тангри ҳар бир нарсада мавжуд ва ҳар бир нарса тангридан, деб билган киши, мартабаси чин дўстлар мартабасидан кам бўлса ҳам, албатта, халос топади», дейилган.

Яна ўша китобда шундай дейилган: «Дунёдан қутулишни иста, ундаги жаҳолатлар билан алоқа қилма, олов қурбонликларини қилганда жазо ва мукофотни тама қилмай, холис тангри учун қил, одамлардан узлат қилиб четга чиқ, чинакам узлат дўст тутган кишини душман кишидан, дўстнинг дўстлиги ва душманнинг душманлиги сабабли ортиқ кўрмаслик, одамлар уйғоқ вақтида ухлаб ғафлатда қолмаслик, улар ухлаган пайтда уйғоқ бўлишдан иборатдир; ана шу ҳолат эса, одамлар билан бирга бўла туриб, улардан узлат қилиш бўлади. Сўнгра, киши ўз нафсини сақлаши керак; чунки, нафс ҳар нарсани тилай берса, у [кишига] душман бўлади, ўзини тийса, жуда яхши дўст бўлади».

Сукрот, ўзининг ўлдирилишига унча хафа бўлмай, раббига етишишга шодланганида шундай деган эди: «[Эҳтимол] биронтангиз назаарида менинг мартабам Қуёш Аппалонининг қўқнус<sup>1</sup> деб аталадиган қуши мартабасидан қуйи бўлмаса керак. У қуш ўзининг ўлишини ва ўз эгасига айланиб кетишини пайқаганида шод ва хурсанд бўлиб кўпроқ сайрайди. Маъбудимга етишишни ўйлаб, менинг севинчим ҳам ўша қушнинг севинчидан кам эмас». Шунинг учун сўфия мазҳабидагилар ишқни таъриф қилишда «ишқ халқдан кечиб, ҳаққа машғул бўлишдир», деганлар.

«Патанжали» китобида шундай дейилган: «Қутулиш йўлини уч қисмга бўламиз: бири амалий бўлиб, сезгиларни сиртдан ичга қараб тортилишга одатлантириш ва мойил қилиш билан вужудга келади. Шунда сезгиларинг ўзингдан бошқа нарса билан машғул бўлмайди. Ана шу || йўлни излаган киши, албатта, банддан бўшатилади».

«Вишну-дҳарма» китобида шундай ёзилган: «Бҳригу наслидан бўлган Парикша исмли подшоҳ, ўз ҳузурига келган бир гуруҳ ҳикматшуносларнинг раиси Шатоникадан илоҳият маъноларидан бирининг маъносини сўради. Шунда у фақатгина Шавнакадан эшитган нарсалари билан жавоб берди. Шавнака эса, Ушанасадан ва Ушанаса Бароҳимдан эшитган экан. Бароҳим сўзи мана шундай эди: «Тангри шундай зотки, унинг вужудининг аввали ҳам, охири ҳам йўқ; у бир нарсадан туғилган эмас, бирон нарсани туғдирмайди, лекин тангрининг ўзини «Ана у» деб ҳам айтиб бўлмайди, «У эмас» деб ҳам бўлмайди. Уни, рози бўлганида, холис яхшилик, газабланганида, холис ёмонлик, деб ёдлашга менда тоқат ва қудрат қайда? Уни ўзига муносиб ибодат қилиш даражасида таниб олиш мумкинми? Лекин дунёдан бутунлай кечиб, у билан машғул бўлинса ва доимо у ҳақда фикр қилинса, шундагина [уни таниш] мумкин бўлади». Шунда Бароҳимга шундай дейилса: «Албатта, инсон кучсиз, умри қисқа, тирикчилигига зарур нарсаларни тарк қилишига нафси бўйсунмаган, булар халос топишига тўсқинлик қилади. Агар шу инсонлар аввалги замонда, яъни умрлар мингларча йилларга чўзиладиган пайтларда яшаб, дунёда ёмонликлар бўлмай, пок дунё бўлганда эди, инсоннинг лозим бўлган ишни амалга оширишига умид қилинарди. Аммо сўнгги замонда инсонга бу чархпалак дунёда амал қилиб денгиздан фарқ бўлмай ўтиши учун нимани лозим деб биласан?».

Бунга Бароҳим шундай жавоб беради: «Инсонга овқат, жой ва кийим-кечак зарур, шуларни талаб қилса, зарари йўқ. Лекин роҳат шулардан бошқа ортиқча нарсаларни ва қийин ишларни тарк қилишдадир. Холис тангрига ибодат қилиб, унга сажда қилингиз, хушбўйликлар ва гуллар тортиқ қилиб, ибодат жойларида унга яқинлашингиз, тасбеҳ айтиб уни поклангиз, доимо уни қалбингизда тутингиз, у қалбингиздан кетмасин, браҳманларга ва бошқаларга садақа берингиз, тангри учун хос назрлар қилингиз. Масалан, гўшт ейишни тарк этингиз, рўза тутиш каби умумий одатларни ҳам бажарингиз. Ҳайвонлар уники, ҳайвонларни ўзингиздан фарқ қилманг; фарқ қилсангиз, уларни ўлдира берасиз. Тангрини ҳар бир нарса деб билингиз, ҳар бир амалингиз унинг учун бўлсин. Дунёнинг қалбаки безакларига эришиб бойсангиз, тангрини дилингиздан унутманг; агар бойишдан тақводорлик ва унинг ибодатига қудратли бўлишни назарда тутсангиз, майли, [чунки] шу билан халосга эришасиз, бошқа йўл билан эришолмайсиз».

«Гита» китобида «шаҳват ва хоҳишини ўлдирган киши жуда керакли нарсалардан нарига ўтмайди, [ўзига] керакли миқдор билан чекланган киши хўрланмайди ва ҳақоратланмайди», дейилади.

Яна шу китобда шундай дейилган: «Агар инсон, очлик оловини сўндирадиган овқатга, чарчатувчи ҳаракатлар зарарини кеткизадиган

уйқуга ва дам олиб ўтириладиган жойга табиат мажбур этиб, муҳтож бўлса, шунда жойнинг пок, юмшоқ бўлиши, ер юзасидан ўртача кўтарилиб туриши ва устида баданнинг ёйилишига кифоя қиларли жой бўлиши, ўша жойнинг мўътадил мизож ва ҳавоси совиб ёки қаттиқ исиб азият бермайдиган, ҳашаротлар яқинлашувидан тинч бўлиши шартдир. Албатта шулар қалбни доимо яккаю ягонани ўйлаш билан чегаралашга ёрдам беради, чунки зарур миқдорда ёйиладиган ва кийиладиган бошқа ҳамма нарса лаззат ҳисобланади, бу эса пардаланиб турган қийинчиликлардир. Улардан келадиган роҳат [бир куни] тўхтаб, энг қийин машаққатга айланади. Тоқат қилиб бўлмайдиган икки душман, 39 яъни иштаҳа ва ғазабни || ўлганидан [кейингина] енгилишига қолдирмай тириклигида енгиб, бадан сиртида эмас, ичида роҳатга эришган, натижада, сезгиларига эҳтиёжи қолмаган кишигагина лаззат муяссар бўлади».

Васудева Аржунага шундай деган: «Агар холис яхшиликни истаганг, баданингдаги тўққиз эшикни қўриқлаб, улардан кирувчи ва чиқувчини таниб киргиз ва таниб чиқар, қалбингни ўз фикрларини ёйишга қўйма; мия чуқурчасини эслаб, нафсингни хоҳишлардан тўхтат; суюқ мия қатиғи мия чуқурчасини тўлғазиб қотгандан кейин, энди чуқурчага эҳтиёж қолмаганини эсла. Сезиш ишларини сезувчи органларнинг табиатларидан бошқа нарса деб билма, шунда сезгига эргашмайсан».

Қутулишнинг иккинчи йўли [ҳақдан бошқадан] рафлатда қолиш бўлиб, ўзгарувчи мавжудотнинг ва йўқ шакл—бўлувчи сувратларнинг ёмонлигини билиб, улардан ғофил бўлиш орқали халос ва қутулишга эришилади. Шунда қалб мавжудот ва сувратлардан нафратланади; уларни тама ва орзу қилмайди, амалларнинг ва уларнинг турлича бўлишининг сабаби бўлган дастлаб уч қуввадан устун келади ва уларни енгади, чунки дунё аҳволини атрофлича таниган [киши] дунёнинг яхши нарсасининг ёмон эканини, унинг роҳатига қаттиқчиликни мукофот қилиб берилишини билади; натижада, ожизликни кучайтирадиган ва дунёда туришни келтириб чиқарадиган нарсадан юз ўгиради.

«Гита» китобида: «Одамлар буюрилган ва қайтарилган нарсалар тўғрисида адашдилар, яхши амални ёмондан ажратишга йўл топмадилар; амалларни тарк қилиш ва уларни қилмай қўйиш ҳам амал ҳисобланади», дейилган.

Шу китобда яна шундай дейилган: «Илм поклиги бошқа ҳамма нарсанинг поклигидан юқори туради; чунки, билимсизлик илм орқали қўпорилади, азоб ва уқубат моддаси бўлган шак-шубҳа ўрнига илм натижасида аниқлик келади. Шак-шубҳада қолганга роҳат йўқ. Шундан маълум бўлишича, халос бўлишнинг биринчи қисми иккинчи қисмига қурол ва восита бўлади.

Сўнгра учинчи қисм халоснинг биринчи ва иккинчи қисмларига қурол бўлиши керак. Учинчи қисм тангри халос бўлишга муваффақият бериши, секин-аста бахту саодатга эришишга восита бўладиган қолип ва баданга киришга қобилиятли бўлиши учун унга ибодат қилишдан иборатдир».

«Гита» китоби эгаси [автори] ибодатни баданга, товушга ва қалбга тақсим қилган. Демак, рўза, намоз, шариат лозим қилган ишлар: фаришталарга ва браҳман олимларга хизмат қилиш, баданни поклаш ҳеч бир жонли нарсани ўлдирмаслик, бировларнинг хотинларига ва бошқа нарсаларига кўз қириин ташламаслик баданнинг иши; ўқиш, тасбеҳ айтиш, доимо ростгўйлик, одамларга юмшоқ муомила қилиш, уларга тўғри йўл кўрсатиб, яхши амалга буюриш товушнинг иши; ниятни тўғри қилиш, ўзини катта олмаслик, ҳеч бир нарсада шошмаслик, салгина таъсирланмай, сезгиларни йиғиштириш ва очиқ кўнгиллик қалбнинг иши бўлади.

Сўнгра ўша уч хил халосдан кейин расояна<sup>2</sup> деб аталадиган, хурофотга тегишли тўртинчи хил қутулиш эргашиб келади, у эса дориларни ишлатиш тадбирларидир. Бу тадбирлар мумкин бўлмаган нарсаларни ҳосил қилишда кимёгарлик тадбирига ўхшайди. У тадбирлар келгусида баён қилинади<sup>3</sup>. Уларнинг бу фан ва бобга алоқаси йўқ. лекин қасд жиҳатидан ва уларга инониб мумкин бўлмаган нарсаларни ҳосил этишда ниятни дуруст қилиш жиҳатидан алоқаси бор.

Ҳиндлар нима учун халос ва қутулишда тангри билан бирлашиш — иттиҳод бўлади, дейдилар; чунки тангри мукофотни орзу қилмайди, душманидан қўрқмайди, у, ёқимсиз зидлардан, севимли тенгдошлардан юқори туриши сабабли турли фикрлардан пок, ўз-ўзидан олим, ҳеч бир нарса бирон ҳолатда унга маълум бўлмай қолган эмас; ҳиндларнинг фикрича, халос бўлган зот ҳам шу сифатда бўлади ва шу сифатда тангридан жудо бўлмайди; лекин бошланишидагина ундан жудо бўлиши мумкин. Чунки халос бўлувчи қадим ва азалда бўлмаган. Шунингдек, у халос бўлишдан илгари қийин аҳволда бўлганидан ўзига маълум нарсаларга олим бўлса ҳам, илми хаёл сингари бўлиб, уриниб ўрганиш натижасида ҳосил қилинган. Билган нарсаси эса [илгари] парда ичида бўлган. Аммо халос бўлганда пардалар кўтарилган, қопқоқлар очилган, тўсиқлар кетган, ўша зот эса илмли бўлиб, махфий нарсани билишга қизиқмайди, сезилувчи бекик нарсалардан ажралади, ақлга доимо олинадиган—маъқулот билан бирлашади. Шунинг учун «Патанжали» китобининг хотимасида бир сўровчи халоснинг кайфиятидан сўраганда, жавоб берувчи эса «Хоҳласанг, халос — уч қувватнинг бе-кор қолиб, келиб чиққан жойига қайтиши деб айт, хоҳласанг бу — нафснинг олим бўлиб, ўз табиатида ва бошланган жойи, яъни мабдаига

қайтиши деяқол», деган. Кипига халослик мартабаси ҳосил бўлиши тўғрисида икки кишининг сўзи бир-бирига мухолифдир.

«Санкхъя» китобида ёзилишича, обид: «Нима учун феъл тўхтаганда, ўлим вужудга келмайди?» деб сўраганида ҳикматшунос шундай жавоб берган: «Чунки руҳ баданда бўла туриб, бирон нафсоний ҳолат феълни тўхтата беради. Руҳ билан бадан орасини эса, бириккани ажратадиган бирон табиий ҳолатдан бошқа нарса ажратмайди; таъсир кўрсатувчи кетиб қолса ҳам, кўпинча таъсири қолади, кучсизланиб баданда билиниб туради ва ниҳоят йўқ бўлади.

Масалан, чўп билан чархакни айлантирувчи пиллакаш уни йиғираётганда то унинг айланиши тезлашгунча айлантириб, кейин чархакни ўз ҳолига қўйса, айлантириб турган чўпни чархакдан олиш билан дарҳол чархак тўхтамайди, фақатгина ҳаракати оз-оз кучсизланиб, охир йўқ бўлади. Шунга ўхшаш бадандан феъл кетгандан кейин унинг кўрсатган асари баданда қолади, то табиий куч тўхтаб, бурунги асар йўқ бўлгунча баданнинг қийналаётгани ва роҳатланаётгани билиниб туради, натижада, бадан ташландиқ бўлиб, тўла халос вужудга келади.

Аmmo «Патанжали» китобида эса бундай дейилган: «Илгари айтилганга гувоҳ бўлганига ўхшаш одамнинг сезгилари ва билиш органлари тошбақа кўрққан пайтда аъзолари [тоши] ичига йиғиштирилгани сингари йиғилади, деювчи киши, феъл тўхтаганда руҳ баданга бойланган бўлмайди, чунки боғичи ешилган бўлади, бадандан қутулган ҳам бўлмайди, чунки у кишининг бадани руҳ билан бирга бўлади, дейди. Бу кишига қарши гапирувчи киши эса: «Руҳлар мукофотни тамом олишлари учун баданлар уларга тузоқдирлар; халос бўлиш даражасига етган руҳ ўзи турган баданда ўтмишдаги феълга яраша тугал мукофот олади; сўнгра ҳозирги касб ва феъли тўхтади, шунда руҳ бадан тузоғидан қутулади, бадан қолипига эҳтиёжи қолмайди, тузоқда бўлмаса ҳам, баданда қарорсиз бўлиб туради, хоҳлаган жойга боришга қудрати етади ва истаган пайтда ўлимдан ҳам юқорига кўтарилади. Чунки қалин ва қўпол жисмлар ўз қолипига қаршилиқ қилмайди. Феъли тўхтаган кишининг жасади [латиф] руҳига қандай тўсқинлик қилсин?»

Сўфийлар ҳам шунга яқин фикрга борадилар. Уларнинг китобларида баъзи бирлари ҳақида мана шундай ҳикоя қилинади: «Бизга бир гуруҳ сўфиялар келиб тушиб, биздан узоқроққа ўтиришди, кейин уларнинг бири намоз ўқишга турди, намоздан бўшагач, мендан: «Эй шайх, шу ерда бизнинг ўлишимиз учун ярадли бирон жой борми? — деб сўради. Мен, ухламоқчи бўлса керак деб бир жойни кўрсатиб, ишорат қилдим. Ҳалиги сўфи ўша жойга бориб, ўзини чалқамча таш-

лаб, ҳаракатсиз бўлиб қолди. Бориб қимирлатиб қарасам, бадани со-  
виган эди».

Сўфиялар баланд даражали таъғрининг қуръондаги «Инно мак-  
канно лаху || фил арзи»<sup>4</sup>, яъни Зулқарнайнга ерда подшоҳлик ва қудрат  
бердик, деган оятини, Зулқарнайн истаса, ер унинг оёғи остида ай-  
лана беради, истаса сувда ва ҳавода юради — бу иккаласи унинг қа-  
дамига қаршилиқ кўрсатади [яъни оёғи ботмайди], тоғлар унинг мақса-  
дига қаршилиқ қилмайди [яъни тоғларни тешиб ўта беради], деб тафсир  
қиладилар.

Халос бўлишга уринсалар ҳам, халос бўлиш мартабасидан орқала  
қолган кишиларнинг даражалари турлича бўлади. «Санкхъя»да айтил-  
лишича, «Яхши ахлоқли бўлиш билан бирга, дунё топишга юз ўғирган  
киши топган нарсасини хайру эҳсон қилади, бу дунёдаёқ [хайрига  
ярашур] мукофот олади, мақсад ва истагига эришади, дунёда бахтли  
бўлиб юради; бадани, ўзи ва ҳоли одамлар орзу қиладиган бўлади,  
чунки ҳақиқий давлат шу баданда ёки бошқасида илгари қилинган  
амалларга яраша олинадиган мукофотдан иборатдир.

Дунёдан юз ўғирган илмсиз зоҳид баланд даража ва савобга эри-  
шади-ю, қурол ва воситанинг камчилиги сабабли халос топа олмайди.

Қаноатли ва эҳтиёжсиз киши айтилиб ўтилган саккиз хислатни  
эгаллаб, шулар билан мағрур бўлса ва мақсадга эришган бўлиб, ўша  
хислатлар билан халос топаман, деб хаёл қилса, шу хислатлар билан  
қолиб кетади».

Маърифатдаги даражаларини бири-биридан ортиқ қўймоқчи бўл-  
ган кишилар учун мана шундай масал тўқилган: Бир киши шогирд-  
лари билан бирга тим қоронғи кечада бир зарурат учун йўлга чиққан,  
йўл устида тик турган бир қоролтига кўзлари тушган, унинг ҳақиқати-  
ни билишга кеча қоронғуси тўқинлик қилган, шунда ҳалиги киши шо-  
гирдларига қараб бирин-кетин улардан у қоролтининг нима эканини  
сўраганда, биринчиси, нима эканини билолмайман, деган; иккинчиси,  
нима эканини билолмайман ва билишга қудратим ҳам етмайди, деган.  
Учинчиси эса, билишнинг фойдаси йўқ, чунки тонг бўрса, у нарса маъ-  
лум бўлади қўяди, агар қўрқинчли нарса бўлса, тонг отиши билан йўқ  
бўлади, агар қўрқинчли нарса бўлмаса, унинг аҳволи бизга равшан  
бўлади қўяди, деган.

Демак, уч шогирдининг маърифати қисқалиқ қилди. Биринчиси,  
илмсизлиги сабабли, иккинчиси, ожизлиги ва қурол-органига офат  
етгани сабабли, учинчиси, ишни кейинга қўйиши ва илмсизликка рози  
бўлиб туриши сабабли маърифатда қисқалиқ кўрсатди. Аммо тўртин-  
чиси аниқ билмасдан туриб жавоб бермайди, ўша қоролтинни мўлжал-  
лаб яқин борганида бир-бирига чирмашиб ўралашиб кетган қовоқ па-  
лагини кўрди. Шунда у шогирд тирик ва ихтиёри ўзида бўлган инсон-



нинг ўша чирмашган нарса маълум бўлгунича турган жойида қолмаслигини тушунди ва у қоролтининг жонсиз нарса эканини аниқлади. Сўнгра унинг бирон ахлатхона учун тикланган иҳота эканига инонмай шубҳаланди ва яқинига бориб тегиб юборган эди, иҳота йиқилиб тушди, унинг иҳота эканида шогирднинг шубҳаси қолмади; бу шогирд устозига аниқ хабар келтирган эди, устози ҳузурида маърифат қозонди.

Юнонларнинг шу мазмунларга мос келадиган сўзларига келсак, Аммониуснинг<sup>5</sup> Пифағуредан ҳикоя қилишича, «у сабабчингизнинг сабабчиси бўлган биринчи сабабчига туташиб ва бирикишга қизиқиб, шу оламга қизиқингиз ва [дунё топишга] ҳаракат қилингиз, шунда йўқ бўлмайсиз, абадий бўлиб қоласиз, бузилиб бенишон бўлиб кетишдан қутуласиз, ҳақиқий сезиш, ҳақиқий шодлик ва ҳақиқий иззат оламга бориб, абадий хурсандлик ва лаззатларда бўласиз!» деган.

Пифағур: «Бадан кийимида туриб эҳтиёжсиз бўлишни қандай умид қиласиз ва баданда қамалиб туриб бадандан озодликка қандай қилиб эришасиз?» деган.

Аммониус эса шундай деган: «Аммо Эмпедоклис ва ундан олдин то Ҳераклгача<sup>6</sup> ўтган кишилар кирчил ва ифлос нафслар оламга ёпишиб қоладилар [яъни кетмайди], охир нафси куллийга<sup>7</sup> || [оламда қолганликларидан] шикоят қиладилар, у, ақлга ялинади, ақл яратувчига ёлборади, яратувчи ақлга ўз нурини тўқади, ақл ўша нурдан нафси куллийга беради, бу пайтда нафси куллий шу оламда бўлади, шунда нафси куллий ҳалиги нур билан ёришиб кетади, ҳатто куллий [нафсининг бир] бўлагини — жузъият [яъни кирчил нафс ўша ёришган] нафси куллийни кўриб унга туташади. Натижада, жузъият ўз оламга етишади; лекин бу [ҳол] кўп замонлар ўтгандан кейин вужудга келади. Сўнгра ўша кирчил нафс, макон, замон ва шу оламдаги қийинчилик ёки тўхталиб қоладиган шодликнинг ҳеч бири бўлмайдиган жойга боради».

Суқрот айтган: «Нафсининг ўзи, ҳаёти давомли ва абадий турғун покликка боради, чунки нафс маконини тарқ қилганда, покликка ҳамжинс бўлиб, доимий ҳаётда унга ўхшаш бўлади; чунки у покликка тутингандай бўлиб, ундан таъсирланади. Мана шу таъсирланиши ақл деб аталади».

Суқрот яна шундай деган: «Нафс ўлмайдиган ва тарқалмайдиган илоҳий жавҳарга, азалдан турғун ва бор бўлган ягона маъқулга жуда ўхшайди, жасад эса унинг аксичадир. Нафс ва жасад иккаласи бирлашса, табиат баданни хизматчи бўлишга ва нафсни раислик қилишга буюради; улар бир-биридан ажралганда нафс жасад маконидан бошқа жойга боради, ўзига мос келадиган яхшиликларга эришади; макон туттидан, аҳмоқлик, [ўз ҳолидан] шикоят қилиш, [ба-

данга] ошиқлик, ваҳшийлик ва инсонда бўладиган бошқа ёмонликлардан тинчийди. Чунки нафс бадандан ажраганида пок бўлса, баданни ёмон кўриб қолади. Аммо у бадан билан биргалашиб, унга ва унинг ишқига хизмат қилиб булгонганида, ҳатто бадан уни эгаллаб, ўз шахватлари ва лаззатларига ишлатганида, албатта, нафс ўзи турган навнинг баданидан кўра ва у баданда туришдан кўра ўзига лойиқроқ бир нарса бор деб билмайди.

Проклус шундай деган: «Нотиқа нафс жойлашган жисм, эфир ва ундан вужудга келадиган нарсалар сингари ўзига шар шаклини қабул қилган. Агар жисмга нотиқа ва нотиқа бўлмаган нафс жойлашган бўлса, у инсонга ўхшаб тик ва тўғри шаклни қабул қилган. Фақатгина нотиқа бўлмаган нафс жойлашган жисмгина сўзлаблмайдиган ҳайвонлар сингари эгилган тик шаклни қабул қилган. Нотиқа нафс ҳам, нотиқа бўлмаган нафс ҳам жойлашмаган ҳамда озуқа қабул қилувчи қувватдан бошқа нарсаси бўлмаган жисм [фақат] тик шаклини қабул қилган. Бунинг эгилиши бошини ерга тўнкариш билан тугал бўлади ва ўсимликлар аҳволига ўхшаб боши ерга санчилади. Гарчи бу ҳол инсон аҳволининг аксича бўлса, демак, инсон самовий бир дарахт бўлиб, ўсимликнинг илдизи ўзининг бошланган жойида, яъни ерда бўлганидек, инсон дарахтининг илдизи ўзининг бошланган жойида, яъни осмондадир».

Ҳиндлар табиат ҳақида ўшанга ўхшаш фикрдалар. Аржуна айтган: «Бароҳимни оламдаги қандай нарсага ўхшатиб бўлади?— деб сўраганда, Васудева шундай деган: «Бароҳимни ашваттха дарахти деб ўйла». Бу дарахт ҳиндларда машҳур бўлиб, катта ва эркин ўсадиган дарахтлардандир. Унинг вазияти бошқа дарахтларнинг аксича бўлиб, томирлари юқорида ва шохлари қуйидадир. У дарахт озуқани кўп олиб, ниҳоят йўғон бўлиб кетади, шохлари кенг ёйилиб, ерга ёпишиб ерни тишлайди, икки томонидан чиққан шохлари ва томирлари бир-бирига киришиб, бир-бирига ўхшаш бўлиб кетади. Шундай қилиб, Бароҳим ўша дарахтнинг юқори томонидаги томирларидир, «Веда» эса ўша дарахтнинг поя ва танасидир, турли фикрлар ва мазҳаблар эса унинг шохлари, йўл-йўриқлар ва турли тафсирлар унинг барглари; унинг озуқаси уч қувват билан, йўғонлашуви ва ерга тутиниши сезгилари билан бўлади. || Оқил учун ўша дарахтни кесишдан бошқа 43 ўрнига тушадиган қизиқарли матлуб нарса йўқ. Уни кесиш дунёдан ва дунё молларидан юз ўгиришдан иборатдир. Бордию, оқил ўша дарахтни тамом кесса, дарахт ўсадиган ердан қарор топиб оладиган ва сира қайтиб кетмайдиган бир жой талаб қилади. Талабига эришгач, нессиқ ва совуқнинг азияти унга таъсир қилмайди. У қуёш, ой ва оловлардан ёруғлик олиб илоҳий нурларга эришади.

Сўфия мазҳабидагилар ҳақ билан машғул бўлишда «Патанжа-

ли» йўлига юриб, «модомики [ўзингни кўрсатиб] ишорат қилар экансан, то ҳақ ишоратингни эгаллаб, сендан уни тамом кетказмагунича ҳамда ишорат қилувчи ва унинг ишорати қолмайдиган бўлгунича, муваҳҳид — тангрини бир деб билувчи ҳисобланолмайсан», деганлар.

Сўфияларнинг сўзлари орасида бирлик тарафдори бўлишга далолат қиладиган жумлалар бор. Масалан, битталаридан, ҳақ зот ким, деб сўралганда: «Инният [яъни ҳақиқатни эътиборга олганда] менинг худди ўзим ва айният [яъни маконни эътиборга олганда] менинг ўзим бўлмаган зотни ҳақ деб қандай аниқ айта оламан! Агар [дунёга] қайтсам, қайтишим билан ундан ажралган бўламан. Агар бепарво бўлиб [қайтадан дунёга келмасам] енгил бўламан [жасад оғирлигидан қутуламан], ҳақ билан бирлашишга кўникаман», деб жавоб берган.

Шунингдек, Абу Бақр аш Шиблий<sup>8</sup> «Ҳамма нарсани ташла, бутунлай бизга етишиб мавжуд бўласан, феълинг бизнинг феълимиз [билан бирлашиб], биз тўғримиздан хабар берувчи бўлмайсан», деган.

Шунга ўхшаш Абу Язид ал Бастомийдан<sup>9</sup> «Эришган даражанга нима билан эришдинг?»— деб сўралганда, у: «Илон ўз пўстидан шиллингандек, мен ҳам ўз нафсимдан ажралганман; сўнгра зотимга бундай қарасам, мен унинг [яъни ҳақнинг] ўзи бўлиб қолибман», деб жавоб берган.

Тангри таолонинг «Биз айтдик: ўликни сўйилган молнинг бирон бўлаги билан урингиз»<sup>10</sup> [шунда у тирилиб, ўзини ўлдирган кишиларни айтиб беради] деган ояти ҳақида сўфия мазҳабидагилар шундай деганлар: «Ўликни тиргизиш учун уни уриб ўлдиришга буюриш қалбнинг маърифат нурлари билан тирилмаслигидан, фақатгина баданни ўлдиришга уриниш билан тирилишидан хабар беради. Ҳатто бадан ўлдирилганда, унинг расми ва кўриниши қоладию, лекин унинг ҳақиқати қолмайди, қалбинг ҳақиқат экан, унга шаклга кирган ҳақиқатсиз нарсалар таъсир кўрсатолмайди».

Улар яна шундай деганлар: «Банда билан тангри ўртасида нуру зулматдан иборат минглаб босқичлар бор. Сўфийлар зулматдан нурга ўтишга уринадилар, нур босқичларига етишсалар, у босқичлардан қайтиб кетмайдилар».

МАХЛУҚОТНИНГ ЖИНСЛАРИ ВА ИСМЛАРИ ҲАҚИДА

Бу бобни аниқлаб хулосалаш қийин. Чунки бу бобни ҳиндлардан сиртда туриб, мутолаа қиламиз [негаки биз ҳинд эмасмиз], улар эса, бу бобни тозалаб, илмий даражага етказиб баён қилолмайдилар. Келгусида шу бобга эҳтиёжимиз борлиги сабабли, то шу сўзларни таҳрир қилиш вақтигача ҳамма эшитганларимизни баён қиламиз. Аввало, «Санкхъя» китобида у ҳақда нима дейилган бўлса, шу сўзни ҳикоя қиламиз: «Ибодат қилувчи, тирик баданларнинг жинслари ва турлари қанча?» деб сўраганида, ҳикматшунос унга шундай деган: «Уларнинг жинслари учта бўлиб, юқорида — руҳонийлар [фаришта ва жинлар], ўрта оламда — одамлар ва қуйида — ҳайвонлардир. Турлари эса — ўн тўртта. Бунинг саккизтаси руҳонийлар бўлиб, улар Бароҳим, Индра, Пражопати, Сома, Гандҳарва, Жакша, Рокшаса ва Пишоча; бештаси ҳайвонлар бўлиб, улар тўртоққилилар [чорва ҳайвонлари], ёввойи ҳайвонлар, қушлар, судралувчи жониворлар ва ўсимликлар, яъни дарахтлардир. Уша турнинг биттаси инсондир».

Шу китобнинг эгаси китобнинг бошқа бир жойида [навларни] ўзгача исмлар билан мана шундай санаган: «Бароҳим, Индра, Пражопати, Гандҳарва, Жакша, Рокшаса, Питара, Пишоча».

Ҳиндлар тартибга кам риоя қиладилар, турлар саногини кўпайтирадилар. Шундай қилиб уларнинг айтишларича, турларнинг исмлари кўп ва [кўпайтирмоқчи бўлганлар учун] майдон кенгдир.

«Гита» китобида Васудева шундай деган: «Учта аввалги қувватнинг биринчиси ғалаба қилганда ақлни ўстиради, || сезгиларни тозалашга ва фаришталар учун қилинадиган амалга тутинади. Шунинг учун, роҳат у қувватнинг тобеларидан ва халос бўлиш унинг натижаларидан саналади. Иккинчиси, ғалаба қилганда ҳирс ва шаҳватни ўстириб, қийинчилик ва меҳнатга олиб боради; Жакша ва Рокшаса учун амал қилишни юклайди ва бундан амалга яраша жазо кўрилади.

Учинчи қувват ғалаба қилганда эса билимсизлик ўсиб, турли орзулар билан алданишга тутинади. Ҳатто бу уйқусизлик, ғофиллик, ялқовлик, кераклини вақтидан кейинга қўйиш ва доимий мудрашни келтириб чиқаради; амал қилинса, бҳута ва пишоча иблислар учун жаннатда ҳам, жаҳаннамда ҳам бўлмай, руҳларни кўтариб ҳавода юривчилар — Прета<sup>1</sup> учун амал қилинади. Бу қувват ғалабасининг охири азоб ва уқубат, инсонлик мартабасидан ҳайвонлик ва ўсимликка тушиш бўлади».

Уша китобнинг бошқа жойида у шундай деган: «Имон ва фазилат руҳонийлардан Девада бўлади. Шунинг учун уларга кимки жинсдош бўламан деса, ўша инсон тангрига инонган, унга ёпишган ва унга муштоқ бўлади. Асура ва Ракшаса деб аталадиган шайтонларда куфр ва разиллик бўлади. Уларга ўхшаш бўлган инсон тангрини инкор қилади, унинг буйруқларига эътибор бермайди, тангрининг оламга кераклиги йўқ ва олам худосиздир, дейди. Икки дунёда ҳам зарари етадиган, фойдаси тегмайдиган нарса билан машғул бўлади».

Ана шу сўзлар йиғилса, улардан жинсларнинг исмларига ва уларнинг қўйилиш тартибига халал етади.

Аммо кўпчилик халқ ўртасидаги руҳонийлар жинсларининг машҳурлари саккизта:

[1] Аввал, Дева — булар фаришталардир, уларга шимол томони берилган бўлиб, ҳиндларга хосдирлар.

Айтишларича, Зардушт шаманияларни ёмонлаб, улар шайтонларнинг ўзларидаги энг шарафли синф исми билан атайди, деб айблайди. Форслардаги шундай аташ мажусийлардан қолган.

[2] Сўнгра Дайтъя-донава — булар жануб томондаги жинлар бўлиб, ҳинд эътиқодига қарши ва қора молга зарар етказувчи кишиларнинг ҳаммаси шу қисмга киради. Шу жинлар билан фаришталар ўртасида бор бўлган яқинликка қарамай, ораларидаги жанжал ҳам тўхтамайди, уруш ҳам тинчимайди, деб таъкидлайдилар.

[3] Ундан кейин Гандҳарва келади, булар фаришталар ҳузурида куйлаб ашула айтувчи жинлар бўлиб, уларнинг фоҳишалари Апсарас деб аталадилар.

[4] Сўнгра Жакша — фаришталарни қўриқловчи посбон бўлган жинлар.

[5] Кейин Рокшаса — бадбашара шайтонлар.

[6] Сўнгра Киннара — инсонлар сувратидаги жинлардир. Буларнинг бошлари юнонлардаги Кентоврнинг аксича ўлароқ, отларнинг бошлари шаклида бўлмайди. Чунки баданларнинг қўйи ярми от сувратида, юқори ярми инсон сувратида бўлади. Қавс буржининг шакли ҳам шуларнинг сувратидандир.

[7] Сўнгра Нага<sup>2</sup> — булар илон сувратидаги [жин]лар.

[8] Кейин Видёдҳара<sup>3</sup>— булар сеҳрчи жинлар бўлиб, сеҳрлари доимо ривожли бўла бермайди.

Демак, фаришталик қуввати юқори тарафда, шайтонлик қуввати қуйи тарафда бўлиб, икки тараф ўртасида ўша иккала қувват аралашади. Руҳонийларнинг сифатлари турлича бўлади, чунки улар шу мартабага амал натижасида эришганлар, уч қувватга қараб, амаллари турлича бўлган. Улар баданлардан ажралганликлари сабабли узоқ яшайдилар, шунингдек бирон амал қилишга таклиф қилинмайдилар. Инсон ожизлик қилган нарсаларга ҳам уларнинг қудратлари етади, инсонларнинг турли мақсад || ва эҳтиёжларида хизмат қилиб уларга 45 яқин турадилар.

«Санкхъя» китобида ҳикоя қилганларимиздан шунини билайликки, «Гита»даги сўз исбот қилинмаган. Демак, Бароҳим, Индра ва Пражопати<sup>4</sup> навларнинг исмлари эмас. Бароҳим ва Пражопати [иккови] маънода бир-бирига яқин бўлиб, сифатда турличалиги сабабли, исмлари ҳам турлича бўлади. Индра эса оламларнинг раисидир. Шунга ўхшаш Жакша ва Рокшасанинг иккаласини Васудева шайтонларнинг бир хили табақасидан санайди. Пуроналар эса Жакшани хазиначилар ва хазиначиларнинг хизматчилари деб кўрсатади.

Шундан кейин биз шуларни айта оламиз: айтилиб ўтган руҳонийлар бир табақа бўлиб, инсонга айланган вақтларида қилган амаллари сабабли ҳозирги мартабаларига эришганлар ва баданларни орқада қолдирганлар. Чунки баданлар оғир юк, қудратни кетказувчи, муддат [ва умр]ни қисқартирувчилардир. Руҳонийларда дастлабки уч қувват ғалаба қилишига қараб, уларнинг сифатлари ва ҳоллари турлича бўлган. Дева, яъни фаришталарда уч қувватнинг биринчиси ғалаба қилиб, уларга роҳат ва машаққатсизлик ҳосил бўлган. Инсонлар модда орқали сезиладиган нарсани тасаввур қилишга мойил бўлганлари сингари; фаришталар моддасиз, ақлий нарсани тасаввур қилишга мойил бўладилар. Пишоча ва Бҳута учинчи қувватга хосдир. Писоча ва Бҳута иккаласи ўртасидаги даражада бўлган жинлар иккинчи қувватга хосдир.

Ҳиндларда Деванинг сонини ўттиз уч кўрти деб кўрсатиб, шундан ўн бир кўрти Маҳодева учун дейдилар. Шунинг учун ўша сон Маҳодева лақабларидан бири бўлиб қолган. Маҳодева исми ҳам шунга далолат қилади. Айтилиб ўтилган сонлар йиғиндисининг фаришталарга тегишлиси 330 000 000 бўлади.

Сўнгра ҳиндлар фаришталарда ейиш, ичиш, жинсий алоқа, ҳаёт ва ўлим бўлиши мумкин деганлар; чунки улар, модданинг энг латиф ва энг содда бўлагиди бўлсалар ҳам, модда доирасидадирлар; шу даражанинг ўзига ҳам илм сабабли эмас, амал сабабли эришганлар, деганлар. «Патанжали»да [айтилишича] «Нандикешвара<sup>5</sup> Маҳодева учун кўп қурбонликлар қилиб, жасаддан иборат қолини билан бирга жан-

натга кўчган. Раис — Индра, Нахуша номли браҳман хотинини зино қилиб, илон сувратига киргизилиб, азоб ва уқубатда қолган», дейилган.

Улик оталар — Питара мартабаси Дева [фаришталар] никидан наст бўлади. Улардан настда эса, бхўтага [айланган] инсонлар бўлади. Булар руҳонийликка етишиб ўртага кириб олганлар.

Аммо бадандан ажралмаган ҳолда руҳонийлик мартабасига эришган кишилар риши, сидҳа ва муни<sup>6</sup> деб аталадилар ва турли сифатлар билан бир-биридан устун келишга ва имтиёз топишга ҳаракат қиладилар. Қилган амали сабабли дунёда хоҳлаган нарсасига қодир бўлган ва шу билан чекланиб, халос бўлишга ҳаракат қилмайдиган киши сидҳа бўлади. Сидҳа тараққий қила бориб, риши мартабасига чиқади. Браҳман аста-секин риши мартабасига эришганда Браҳмарши<sup>7</sup> деб аталади.

Агар риши мартабасига кшатрий<sup>8</sup> эришса рожарши<sup>9</sup> деб аталади. Риши мартабасига аста-секин эришиш браҳман билан рожадан бошқа наст табақага муяссар бўлмайди. Инсон бўла туриб, илмлари сабабли фаришталардан афзал ва ортиқ бўлган ҳикматшунослар ришилар деб аталадилар. Шунинг учун, фаришталар ришилардан [илмда] фойдаландилар; чунки, ришилар билим эгасидирлар. Ришилардан юқорида фақатгина Бароҳим туради. Руҳонийликка эришганларнинг орамиздаги мавжуд табақалари ришилардан қуйида турадилар. Булар алоҳида бобда баён қилинади<sup>10</sup>. Уларнинг ҳаммаси моддадан қуйида туради.

Моддадан юқорини тасаввур қилишга келсак, мана шундай дея оламиз: Ҳаюло — модда билан унинг юқорисидаги нафсоний ва илоҳий маънолар ўртасида воситадир. Ҳаюлода дастлабки уч қувват бўлиши мумкин. Гўё ҳаюло ўзида бор нарсалар билан бирга юқоридан қуйинга кўприкдайдир. Фақат дастлабки кучга таъсир кўрсатган ҳаюлогинна Бароҳим, Пражопати исми билан, шарият ва хабарлар томонидан берилган бошқа || кўп исмлар билан аталади. Бароҳимнинг маъноси иш бошловчи табиат дейишга боради. Чунки [дастлабки] яратилишни, ҳатто оламнинг яратилишини ҳам ҳиндлар Бароҳимга нисбат беришади.

Ҳаюлода нимаики иккинчи куч таъсири билан ҳаракатга келса, хабарларда у Норояна деб аталади. Норояна маъноси фаолияти энг ниҳоясига етиб кучайган табиат дейишга яқин боради. Чунки табиат шундай кучайган пайтда [мавжудотни бузмай, ўз ҳолида] қолдиришга уринади. Шунингдек, Норояна ҳам, олам бузилмай қолсин, деб уни ислоҳ қилишга ҳаракат қилади.

Ҳаюлода нимаики учинчи куч таъсири билан ҳаракатга келса, у Маҳодева ва Шанкара деб аталади. Бу Ҳаюлонинг энг машҳур исми — Рудрадир<sup>11</sup>. У эса, бузишда ва йўқ қилишда иши тугалаёзган, кучига путур етган табиатга ўхшайди.

Кучлар қуйилиб келган шу мартаба ва даражаларда ҳаюлоларга

таъсир қилгандан кейин уларнинг исмлари турлича бўлиб, натижада, феъллари ҳам турлича бўлади. Аммо кучлар таъсир қилишдан илгари ҳаюлоларнинг манбаи битта бўлган. Шунинг учун ҳиндлар ҳаюлоларни бир манбага жамлаганлар, бирини бошқа биридан фарқ қилмайдилар ва ўша манбани Вишну деб атайдилар. Бу исм ўрта кучга берилса, яхшироқ бўлар эди. Балки ҳиндлар ўрта куч билан биринчи сабабни фарқ қилмай, насронийларга ўхшаш йўл тутадилар. Насронийлар ота, ўғил ва пок руҳ деб уч ўқнум — аслини бир-биридан ажратиб, жавҳарлари битта деганларидек [ҳиндлар ҳам ҳаюлоларни Бароҳим, Норояна ва Маҳодева деб бир-биридан фарқ қилиб, манбаларини битта дейдилар]. Ҳиндларнинг сўзлари текширилиб, натижа чиқарилганда равшан бўлгани ана шудир. Аммо бу ҳақдаги хабар ва ривоятларда хурофот кўп. Улар сўз орасида баён қилинади.

Ҳиндларнинг, биз фаришталар деб айтган Дева табақаси ҳақидаги сўзларидан ва ҳеч бир ақлга сиғмайдиган сифатларни у табақага лойиқ кўришларидан таажжуб қилмаймиз. Исломнинг калом олимлари<sup>12</sup> ундай сифатларнинг фаришталарга берилиши ман этилганлари бир ёқда турсин, рухсат этилганларидан ҳам фаришталарни поклайдилар. Чунки ҳиндларнинг ўша сўзлари билан юнонларнинг динлари ўртасидаги сўзларни бир-бирига солиштирсанг, ажабланарлик жойи қолмайди. Юнонларнинг фаришталарни — худолар, илаҳлар деб аташларини айтиб ўтдик. Энди юнонларнинг Зевс ҳақидаги сўзларига қарасанг, айтганимизнинг рост эканини биласан.

Зевсни ҳайвонга ва инсонга ўхшатиб айтилган сўзларга келсак, юнонлар: «Зевс туғилгач, отаси уни емоқчи бўлди. Онаси бир тошни латтага ўраб қўйган эди, ўшани отасининг оғзига солади, шу билан отаси қайтиб кетди», дейдилар. Жолинус «Алмаёмр»<sup>13</sup> деган китобида гапни баён қилиб шундай дейди: «Филон<sup>14</sup> ўз шеърида ўша топишмоқ усули билан «Филунё» аралашма дорисини тавсиф қилиб, яхши ҳид кукрайдиган қизил қиллардан бир қилни ол. У ҳид эса, худоларга қилинган қурбонлик ва унинг қонидан иборатдир. Сўнгра инсонларнинг ақллари миқдорича вазнда ўша қилдан оласан», деган. Уша қилдан инсонларнинг ақллари миқдорича оласан дейишидан Филоннинг мақсади беш мисқол<sup>15</sup> заъфарон дейиш эди. Чунки инсонларнинг сезгилари бешта. Филон яна турли рамз ва ишоратлар билан ўша аралашма дорининг бошқа хилт ва турларининг вазнларини ҳам баён қилган. Бу рамзларга Жолинус изоҳ берган. Уша рамзларда:

«Ёлғондан исм берилган илдиздан [ҳам ол], у илдиз Зевс туғилган шаҳарда пайдо бўлган», дейилади.

Жолинус «Шу илдиз сунбулдир, чунки унга ёлғон исм берилиб, сунбул деб аталган. У [аслида] сунбул эмас, балки илдиздир, Филон уни Крита ўсимлиги деб аташга буюрган. Чунки қисса ва дoston тузув-



чиларнинг айтишларича, Зевс Критадаги Диктовун<sup>16</sup> тоғида, отаси бошқаларни юганидек, Зевсни ҳам ютиб қўймасин деб, онаси уни отаси  
47 Кроносдан бекитган жойда || туғилган», дейди.

Сўнгра машҳур тарихлардаги сўзларга қараганда Зевс танилган машҳур хотинларга никоҳсиз, боқинчилик тариқасида бирин-кетин уйланиб, уларнинг баъзисини ҳомиладор қилган. У хотинларнинг бири Фойникнинг қизи Европа эди. Бу қизни Зевсдан Крита подшоҳи Асте-риус олди. Кейин шу хотиндан Минос ва Рҳадамантус исмли икки бола туғдирди<sup>17</sup>. Бу воқеа бани Исроилнинг саҳродан<sup>18</sup> Фаластин заминига чиқишидан бир оз кейин эди.

Яна ўша тарихларда баён қилинишича, Зевс Самсон Исроиллий замонида етти юз саксон ёшида Критада ўлиб, шу ерга кўмилган. У илгари Диос деб аталган эди. Кейин умри узайгач, Зевс деб аталди. Уни дастлаб шу исм билан атаган киши Афинанинг биринчи подшоҳи Кекропс эди. Зевс ва Кекропсларнинг нафси ўнг ва сўлга, яъни ўз ҳо-лига ташлаб, боғичини бўшатиб қўйишни исташда бир-бирига муво-фиқлиги Зардушт билан Гуштосбнинг подшоҳлики ва сиёсатни кучай-тиришни исташдаги мувофиқликларига ўхшайди.

Тарихчиларнинг айтишларича, юнонлардаги расволиклар Кекропс ва ундан кейинги подшоҳлардан бошлаб жорий бўлган. Тарихчилар бу Искандарга тегишли хабарлардаги мана шу ўхшашларни айтмоқчи бў-ладилар: Миср подшоҳи Нектанебус<sup>19</sup> қора Ардашердан қўрқиб қочгач, Македония шаҳрига бекиниб, бунинг подшоҳи Филипнинг хотини Олим-пияни мунажжимлик ва фолбинлик билан алдайди. Бу вақтда Филип<sup>20</sup> у ерда йўқ эди. Ҳатто Нектанебус макр ва ҳийла ишлатиб, эчки шохлари сингари икки шохли илон кўринишидаги худо—Аммон сувратида бўлиб, Олимпия олдига кирар ва у билан муносабатда бўлар эди. Ниҳоят Олимпия Искандарга ҳомиладор бўлди. Филип қайтгач, болани меники эмас, деб хотинни йўқ қилмоқчи ҳам бўлган эди, кейин унинг худо—Ам-мон насли эканини тушида кўрди. Сўнгра болани ўзиники деб қабул қилиб: «Худоларнинг қилган ишига қарши туриб бўлмайди», деди. Нектанебус астрологияга асосланиб, ўзининг ўлими ўғли Искандар қў-лида бўлишини билди. Искандар ҳам унинг бўйнига<sup>21</sup> [уриб ўлдиргандан кейин] астрология ёрдамида унинг ўз отаси эканини билди. Шунга ўх-шаш гаплар юнонларнинг хабар ва тарихларида кўп. Шундай хабар-ларни ҳиндларда никоҳлар бобида<sup>22</sup> келтирамиз.

Энди Зевс ҳақида инсонга тегишли бўлмайдиган гапларни айта-миз. Юнонларча, «Зевс, Зуҳалнинг ўғли Муштаридир. Чунки Жолину-нинг «Ал Бурҳон» номли китобида айтилишича, Зуҳал, «ўтовларда яшовчилар»нинг сўзларига қараганда, туғилган эмас, ёлғиз унинг ўзи-гина азалдан бор, холос. [Бунга] Аратоснинг «Зоҳирот»<sup>23</sup> ҳақида ёзган

китобида айтганлари кифоя қилади. Чунки Аратос ўша китобини Зевс-ни улуглаш билан бошлаб шундай дейди:

«Зевс шундай зотки, биз инсонлар усиз туролмаймиз, ҳаммамиз унга муҳтожмиз.

Йўллар ва инсонлар йиғиладиган жойлар тўлуқлиги у биландир.

У инсонларга меҳрибон, сеvimли нарсаларни вужудга келтирувчи, инсонларни амалга ундаб турувчи.

У тирикликни эслатувчи, экиннинг соғлом ўсиши учун ер чопиш ва экиннинг танланган вақтларини билдирувчи.

У осмондаги аломатлар ва юлдузларни яратувчидир.

Шунинг учун аввалда ҳам, охирда ҳам унга ёлборамиз».

Ундан кейин Аратос руҳонийларни мақтайди. Қачон икки табақа [юнон ва ҳинд] руҳонийлари фикрларини бир-бирига солиштирсанг, шунда Бароҳимда мана шундай сифатлар борлиги аниқланади, дейди.

«Зоҳирот» китобини шарҳ — тафсир қилган кишининг айтишича, Аратос шоирларга қаршилиқ қилган, чунки улар китобларини худолар номи билан бошлаганлар. Аратос эса Зевс номи билан бошлаб, осмон ҳақида гапирмоқчи бўлган. || Кейин ўша тафсирчи Асклепиуснинг на- 48 саби ҳақида Жолинос сингари фикр юргизиб шундай дейди: «Аратос қайси Зевсни айтмоқчи — рамзий Зевсними ёки табиий Зевсними? Биз шуни билишни истаймиз. Чунки шоир Кратос<sup>24</sup> фалакни Зевс деб атаган. Шунга ўхшаш шоир Ҳомер «Қор бўлаклари Зевсдан ажратилгандай»,— деди. Аратос эса, «Йўллар ва одамлар яшайдиган жойлар у билан тўлган, ҳаммамиз уни бурун орқали ичга тортишга муҳтожмиз», деган сўзида Зевсни эфир ва ҳаво деб атайди. Шунинг учун «Уствон» — «Устунлар»нинг автори бўлмиш файласуфлар Зевсни нафсларимизга муносиб ҳаюлога ёйилган руҳ, яъни ҳар бир табиий жасадни идора қилувчи табиат, дейди ва уни меҳрибон деб атайди; чунки у яхшиликларга сабабчидир. Шундай бўлгач, Зевс фақатгина инсонларни эмас, балки худоларни ҳам туғдирган, деб Аратос тўғри айтган».

## Тўққизинчи боб

### ҲИНДЛАРНИНГ ТУРЛИ РАНГЛАР ДЕБ АТАЙДИГАН ТАБАҚАЛАРИ ВА УЛАРДАН ҲАМ ҚУЙИ ТАБАҚАЛАР ҲАҚИДА

Табиати жиҳатидан бошқариш ва сиёсат ишига қизиқувчи, бошлиқ бўлишга фазилати ва кучи билан ҳақли, фикр ва мақсадида саботли, давлатни ўзидан кейингиларга қолдириб, уларнинг ўз ота-боболарига қарши бўлмасликларини мақсад қилиб олган киши томонидан берилган ҳар бир буйруқ, буюрилган киши олдида, турғун тоғлар сингари маҳкам бўлиб, у буйруққа кўп вақтлар ва узун замонлар ўтса ҳам, кейингилар ҳам бўйсундилар. Шу билан бирга, агар у буйруқни беришда миллий ва диний бирон томонга асосланса, бир қориндан бир вақтда икки бола туғилганидек, подшоҳлик ва дин иши бирлашиб буйруқ тўлиқ ва тугал бўлади; тўлиқликнинг нариги томонида кўзда тутиладиган ғоя ва мақсад йўқ.

Қилган ишлари ибрат олинарли бўлган қадимги подшоҳлар одамларни табақа ва мартабаларга ажратишга кўпроқ эътибор бериб, уларни бир-бирларига қўшилиш ва ишларига қотишишдан сақлар, табақалари сабабли подшоҳларга аралаштиришдан ман қилар ва ҳар бир табақанинг ўзига тегишли иш ёки санъат ва ҳунар билан ҳамиша машғул бўлишга буюрар, ҳеч бир кишининг ўз мартаба ва даражасидан ўтишга рухсат бермас ва ўз табақаси билан кифояланмаган кишига азоб ва уқубат берар эдилар.

Бу ҳол қадимги Эрон подшоҳларининг тутган йўлларида равшан кўриниб туради: уларнинг бу хусусда кучли таъсирлари бўлиб, хизмат билан яқинлик ва пора бериб ялиниш уларни бу мақсаддан қайтаролмаган. Ҳатто Бобак ўғли Ардашер<sup>1</sup> Эрон подшоҳлигини янгидан оёққа тургазганида одамларни ҳам янгидан табақаларга ажратиб аскар бошлиқлари ва подшоҳларнинг болаларини биринчи табақага; обидлар, олов ибодатхоналарида хизмат қилувчилар ва дин арбобларини экинчинчи табақага; табиблар, мунажжимлар ва турли илм эгаларини учинчи табақага; деҳқон ва ҳунармандларни тўртинчи табақага қўйган.

Ҳар бир табақа турли мартабаларга бўлиниб, уларнинг алоҳида жинслари бўлиб, шу жинслар [ўз навбатида] навларга ажралиб турар эди. Шу хилда навга ажралишнинг бошланиши эсда сақланса, гўё у нав насабдек бўлар эди. Агар навга ажралишнинг сабаб ва қондалари унутилган бўлса, у нав бутун миллатга тегишли ва алоқали бўлиб қолар эди. Унутиш, албатта, узун муддатдир, узоқ замонлар ва кўп асрлар ўтиши натижасида вужудга келади.

Шу кунларда ҳиндлар бу хусусга жуда кўп эътибор берадилар. Ҳатто биз [мусулмонлар]нинг ҳиндларга тескари бўлишимиз, ҳамма халқни бир текисда кўриб, фақатгина тақводор кишиларга ортиқ даража беришимиз улар билан ислом халқи ўртасидаги айирмаларнинг энг каттасидир. Улар табақаларни Варна<sup>2</sup>, яъни ранглар деб атаб, насаб жиҳатидан уларга Жотака<sup>3</sup> дейилади; бу эса насллар демақдир.

Шу II табақалар аввало тўртга бўлинади. Уларнинг энг юқори даражалиси браҳманлардир. Ҳиндларнинг китобларида айтилишича, браҳманлар Бароҳимнинг бошидан яратилганлар. Бароҳим табиат кучига киноя тариқасида берилган исмдир. Ҳайвоннинг юқори томони бошдир. Демак, браҳманлар жинснинг танланган туридир, шунинг учун улар [ҳиндлар эътиқодича] инсонларнинг яхшисидирлар. 49

Браҳманлардан қуйроқ табақа кшатрий бўлиб, ҳиндларнинг даъвосича, кшатрий Бароҳимнинг кифтлари ва икки қўлидан яратилганлар. Буларнинг мартабалари браҳманлар мартабасидан унчалик узоқ эмас.

Улардан кейинги табақа вайшъя бўлиб, ҳиндлар даъвосича, [улар Бароҳимнинг икки сони]дан яратилганлар<sup>4</sup>. [Бундан кейинги табақа шудрадир. Бу табақа Бароҳимнинг] икки оёғидан яратилган. Шу кейинги икки табақанинг мартабаси бир-бирига яқиндир. У тўрт табақадагилар бир-бирларидан ажралган ва имтиёзли бўлсалар ҳам, маҳаллалари шаҳарлар ва қишлоқларда бўлиб, уй-жой жиҳатдан бир-бирлари билан аралаш ҳолда яшайдилар.

Сўнгра улардан кейин антъяжа дейилган ҳар хил ишни қилувчилар табақаси бор. Булар бирон табақадан саналмайдилар, фақатгина ҳунармандлар — Антъяжа деб аталадилар. Антъяжа, ҳунар эътибори билан саккиз турга бўлинади. Ҳунарлари бир-бириникига ўхшаш бўлганлари бир-бировлари билан аралашиб, қуда бўлишадилар. Лекин юнг ишловчи, этикдўз ва тўқувчиларга қўшилмайдилар. Чунки бошқа турлари буларнинг ҳунарларини паст деб биладилар. У саккиз турли ҳунармандлар мана шулар: юнг ишловчи, этикдўз, ўйинчи, занбил ва қалқон тўқувчи, денгизда ишловчи, балиқ овловчи, ваҳший ҳайвонлар ва қушларни тутувчи ва тўқувчидан иборатдир. [Юқоридаги] тўрт табақадагилар бирон шаҳарда шу табақалар билан бирга турмайдилар. Улар шаҳарга яқин ва шаҳар сиртидаги жойларда турадилар.

Аммо ҳоди, дома, чандола ва бадҳатаваларга келсак, булар бирон синф ва табақадан саналмай, шаҳар ва қишлоқларни тозалаш ва уларнинг хизматидан иборат паст ишлар билан машғул бўладилар; ҳаммалари зинодан туғилган боладек бир жинс ҳисобланиб, қиладиган ишлари билан бир-бировларидан имтиёзланадилар. Айтишларича, булар шудра отаси билан браҳман онасининг [никоҳсиз] зино йўли билан қўшилишларидан тарқалганлар. Демак, булар ватандан ҳайдалган ва камситилган паст кишилардир.

Уша табақадагилардан ҳар бирининг қиладиган иши ва тутган йўлига қараб белгиси ва лақаби бўлади. Масалан, доимо уйида амал билан машғул бўлса, умумий бўлган браҳман лақабини олади. Битта слов хизматини давом эттирса, унга иштин лақаби берилади; учта оловга хизмат қилса, агниҳотрин бўлади. Уша хизматлари билан бирга олов учун қурбонлик қилса, дикшита дейилади. Бошқа табақалар ҳам худди шундай. Лекин ҳоди ўз жинсининг энг яхши тури саналади. Чунки у ифлос нарсалардан ўзини юқори олиб, улардан узоқ туради. Дома эса ҳодидан кейинги яхши тур ҳисобланади. Чунки у чанг чалади ва ашула айтади. Бу иккаласидан кейингилар эса, [ҳайвонларни] ўлдиришни ва уларни турли йўл билан қийнашни ҳунар қилиб, бу билан машғул бўладилар. Буларнинг энг ёмони бадҳатавадир. Чунки у маълум ўлимтикни ейиш билан чекланмайди, ит ва шунга ўхшашларни ейишга ҳам ўтади.

Тўрт табақанинг ҳар бири овқат ейишда бошқа-бошқа қаторда ўтиради; икки хил табақадан бўлган икки гуруҳ бир қаторда ўтирмайди. Масалан, браҳманлар қаторида бир-биридан нафратли икки гуруҳ ўтириб, ўтирган жойлари бир-бирига яқин ва ёндош бўлса, жойларининг орасига тахта қўйиб ё чопонни, ёки бошқа нарсани чўзиб ташлаб, ҳеч бўлмаса, иккала жой ўртасига чизиқ чизиб ажратиб қўйилади. Ажратишнинг яна бир сабаби шуки, салқит овқат ҳаром саналади. Ана шу ҳаромлик ёлғиз-ёлғиз овқатланишни талаб этади. Чунки бир идишда 50 овқат ейдиган икки кишининг бири ейишга тутинганда бошқа || бирининг ҳам ейишга тутиниши ва аввалгисининг ейишни тўхтатиши сабабли қолган овқат салқит ва ҳаром бўлади.

Тўрт табақанинг ҳоли ана шундан иборат.

Аржуна Васудевадан тўрт табақанинг табиати қандай бўлишини ва уларнинг қандай ахлоқда бўлиши кераклигини сўраганда у шундай деб жавоб берган:

«Браҳман кўп ақлли, тинч кўнгилли, ростгўй, чидамли, зоҳир, сезгиларини сақлай олган, адолатни севган, кўриниши пок, ибодатга берилган, ҳиммат ва гайратини дин йўлига сарф қилувчи бўлиши керак. Кшатрий одамлар кўнгилида ҳайбатли, шижоатли, улуғвор, сўзамол, қўли очиқ, қаттиқликларга парво қилмайдиган ва қийинчиликларни осонлаштиришга қизиқадиган бўлиши керак. Вайшъя деҳқончилик, чор-

вачилик, савдогарчилик билан машғул бўлиши керак. Шудра хизматда ҳаракатчан ва тавозели хизмати сабабли ҳар бир кишига севимли бўлиши керак. Шу табақаларнинг ҳар бири ўз вазифаси ва одатида турғун бўлиб, тангрига ибодат қилишда нуқсонга йўл қўймаса, ҳамма амалида тангрини унутмаса, яхши истакларига эришади. Ўз вазифасидан кўра шарафли бўлса ҳам, ундан бошқа табақанинг вазифасига кўчса, буйруқдан ташқари иш қилгани сабабли гуноҳкор бўлади».

Васудева Аржунани душман билан урушишга қизиқтириб, яна шундай дейди: «Эй шарафли ва қўли узун киши, сен кшатрийсан; шижоатлик, ботирлик, бошингга мусибат тушганда бепарво бўлиш ва нафс сўзига қаршилиқ кўрсатишда ботир бўлиш жинсинг учун табиий ахлоқ эканини билмайсанми? Чунки савобга шусиз эришиб бўлмайдику. Агар кшатрий душман устидан ғалаба қозонса, қудрат ва неъматга, ҳалок бўлса, жаннат ва роҳатга эришади. Душманга юмшоқлик кўрсатишинг, шу душман гуруҳнинг ўлдирилишига ачинишинг натижасида қўрқоқ ва кучсиз деб машҳур бўласан; улуғ кишилар ва шижоатли кескин одамлар қаторидан овозанг ўчиб кетади; улар назаридан тушасан, исминг ҳам улар қаторидан тушиб кетади. Шундай ҳолатдан кўра қаттиқроқ азоб ва уқубат борлигини билмайман; уялтирадиган нарсага урингандан кўра, ўлган яхшироқ. Тангри табақанинг душман билан урушишга муносиб кўриб, сени яратган ва сенга буйруқ берган экан, унинг буйруғига бўйин эг ва ҳеч нарса тама қилмай, унинг хоҳишини ижро қил. Шундагина қилган амалинг тангри учун бўлади».

Халос бўлишга келсак, шу табақалардан кимнинг халос бўлишга тайёр ва қобилиятли экани ҳақида ҳиндларнинг сўзлари хилма-хилдир. Баъзилар «Браҳманлар ва кшатрийдан бошқалар қутулишга қобилиятли бўлолмайдилар, чунки «Веда» китобини ўрганиш фақатгина уларга мумкин бўлади», холос дейдилар.

Ҳиндлардан ҳақиқатшунос кишиларнинг айтишларича, инсон турининг ҳаммасида ният тўла-тўқис ҳосил бўлгандагина барча инсон турининг халос бўлиши мумкиндир. Бу даъво Вьёсаннинг «Йигирма беш нарсани аниқлаб ўрган, сўнгра қайси динни хоҳласанг, ўшани қабул қилабер. Чунки шундагина халос бўлишинг аниқдир», деган сўзининг далолат бериши билан исбот қилинади. Яна Васудеванинг шудра наслидан туғилишининг далолати ва Аржунага: «Тангри жабр-зулм қилмай ва аямай мукофот берувчидир. Кимки ўз амалида тангрини унутиб, яхшилиқ қилса, унга тангри ёмон жазо беради; агар ўз амалида тангрини эсда тутиб унутмаса, ёмонлигини яхшилиқка йўяди. Агар бу ишни қилувчи браҳман ёки кшатрий бўлиши бир ёқда турсин, || у вайшъя ёки шудра, ёки бирон хотин бўлса ҳам тангри унга ёмон мукофот берувчидир», деган сўзи билан исбот қилинади.

## Унинчи боб

### ҲИНДЛАРДАГИ ДИНИЙ ЙЎЛ-ЙЎРИҚ ВА ҚОНУН-ҚОИДАЛАР МАНБАИ, ПАЙҒАМБАРЛАР ВА ШАРИАТЛАР ҲУҚМЛАРИНИНГ БЕҚОР ҚИЛИНИШИ ҲАҚИДА

Юнонлар диний йўл ва қоидаларини халқни ўша йўлларга чақирувчи ва тангри ёрдам бериб кучайтирган ҳаким ва донишмандларидан, масалан, Солон, Дракон, Пифагор, Минос ва шуларга ўхшаш кишилардан олар эдилар. Шунингдек, уларнинг подшоҳлари ҳам йўл-йўриқ ишлаб берар эди. Чунки Минос денгиз ороларини эгаллаб, криталикларни қўлга киритганида — бу воқеа Мусо замонидан икки юз йилча кейин эди — улар учун диний йўллар тузиб берди. Лекин у йўлларни Зевсдан олинган эди [деб кўрсатган эди]. Ўша замонда Минос ҳам йўл-йўриқлар тузди.

Қўрушдан<sup>1</sup> кейин подшоҳ бўлган Доро I замонида румлилар афиналиларга элчилар юбориб, улардан ўн икки китобдан иборат диний қонунлар олдилар ва Помпилиус<sup>2</sup> подшоҳ бўлгунича, шуларга амал қилдилар. Кейин Помпилиус ҳукмрон бўлиб, йўл-йўриқлар тузиб берди; йилни ўн икки ой қилди, илгари уларда йил ўн ой эди. Помпилиус уларни мажбур қилганига мана шу далолат қилади: уларнинг муомала ва савдо ишларида кумуш ўрнига сопол ва терилардан ишланган пуллар юргизиш қўйди; бундай тадбир бўйсунмаган кишиларга унинг ға-забланишидан келиб чиқарди.

Афлотуннинг «Навомис» — «Қонунлар» китобининг биринчи мақоласида шундай сўз бор: Афинада яшовчи бир мусофир «сизлар учун йўл-йўриқ тузишга сабабчи бўлган зот ким эди? У бир фариштами ёки бирорта инсонми?» — деб сўраганда кносли бир киши шундай дейди: «Уни тузган фаришталардан бўлган; биз [афиналилар фикри]ча эса ҳақиқатда Зевс тузган; аммо лакедемонликларнинг айтишларича, юнонлар учун диний йўл-йўриқларни Аполлон тузган». Сўнгра ўша мусофир шу мақолада бундай дейди: «Шариатларни тузувчи киши тангри томонидан юборилган бўлса, шуларни тузишда у киши энг улуг фазилатларни ва ғоят даражадаги адоматни мўлжаллаши керак». Кри-

таликларнинг шариатларини мана шу сифат билан мақтаб: «Криталиклар шариати тўғри йўлда, унга амал қилган киши тўла бахтли бўлади, чунки у киши бу шариат орқали тангрининг фазл ва қарамига тегишли бўлган инсоний фазилатларнинг ҳаммасига эришади», дейди.

Яна афиналик шу мусофир ўша китобнинг иккинчи мақоласида мана шундай деган: «Одам жинсига меҳнат ва машаққат чекиш табиатларига киритилганидан худоларнинг раҳмлари келиб, уларга худолар, парийлар ва парийларнинг бошлиғи Аполлон ва инсонларга узум шаробини инъом қилувчи Дионис учун инсонлар байрам кунлари белгиладилар, узум шароби инсонлар учун қариллик какрасига қарши даво бўлади; [бу эса] уларга шу билан қийинчиликни унутиб, нафслари, хулқлари шиддатли ҳолатдан тинч ва яхши ҳолатга кўчиб, қайтадан ёш бўлишлари учун берилди».

Яна: «Худолар инсонларнинг машаққат чекишларига яхши мукофот қилиб, байрамларда ва шодлик кунларда қуйлаб, худолар билан биргаликда шодлансинлар, деб рақс ва тартибли вазидаги оҳангга уларни илҳомлантирдилар. Шунинг учун рамз билан музика турларининг бирига бу худолар учун ўқиладиган намозларнинг тасбеҳлари исми деб ишорат қилинди», дейди ҳалиги афиналик.

Юнонларнинг ҳоли ана шундай бўлган. Ҳиндларнинг ҳоли ҳам худди шундай. Чунки ҳиндларнинг шариат йўллари ва қондалари ҳикматшунос кишилари — ришилар томонидан тузилган. Аммо улар инсон сувратида бўлиб келадиган || Норояна<sup>3</sup> пайғамбардан содир бўлмаган, 52 деб эътиқод қиладилар. У пайғамбарни оламга ёғиладиган ёмонлик моддасини қирқиш ёки юз берган ёмонликни тутиб қайтариш учунгина келади деб ўйлаганлар. Уларнинг йўл-йўриқларида алмашиш бўлмайди; йўл-йўриқлари қандай бўлса, ҳеч ўзгартирилмай амал қилинади. Шунинг учун ҳиндларча, халқнинг маслаҳатли ишларида пайғамбарларга эҳтиёж тушса ҳам, шариат ва ибодат бобида уларга эҳтиёж тушмайди.

Энди шариат ҳукмларининг бекор қилиниш [масаласи]га келсак, бу [бекор қилиш] ҳиндларда ҳам мумкинга ўхшайди. Чунки уларнинг айтишларича, Васудева келишидан илгари кўп нарса ҳалол бўлиб, кейин ҳаром қилинган.

Қорамол гўшти кейин ҳаром қилинганларнинг биридир. Бундай бўлишига сабаб одамларнинг табиатлари ўзгариб, ўз устларидаги [қорамолни ҳурмат қилиш] вазифаларини адо этишдан ожиз қолганидир.

Яна ўшандай нарсаларнинг бири — никоҳ ва насаб масаласидир. Чунки насаб бир вақтларда [қуйидаги] уч йўлнинг бири билан ҳисобланган:

Бири, никоҳлаб олинган хотин қорнида эри пушитдан бўлган болага эрнинг эга бўлиши — ҳозирда бизда ҳам, ҳиндларда ҳам шундай.



Иккинчиси, турмушга чиқарилган қиз қорнида куёв пуштидан бўлган болага, агар бола қизнинг отасиники бўлади, деб шарт қилинган бўлса, бу ҳолда бола, уни туғдирган отаники эмас, шарт қўйган бобоники бўлиб қолган.

Учинчиси, бегона киши пуштидан хотин қорнида бўлган болага эри эга бўлган. Чунки ер эрники бўлгач, унинг розилиги билан хотиннинг бегона кишидан туққан болалари ҳам эрники бўлиб қолган.

Ана шу сабабга кўра Понду Шонтанунинг ўғли ва насаби деб ҳисобланган. Бу воқеа мана шундай бўлган: подшоҳ Шонтану<sup>4</sup> зоҳидлардан бирининг қарғиши билан ўз хотинларига яқинлашувига тўсқинлик қиладиган бир касалликка учраган. Унинг боласи бўлмаган. Шунда у ўз ўрнига подшоҳ бўладиган бир бола туғдириб беришини илтимос қилиб, Парошара ўғли Вьёсага хотинларининг бирини юборган. Хотин Вьёса олдига кирганда ундан қўрқиб титраган, натижада хотиннинг шу ҳолатига яраша заъфарон юз — касалманд ва жуда нимжон бир бола туғилган. Сўнгра иккинчисини юборган экан, бу хотин уялганидан Вьёса олдига чодир ёпиниб кирган, натижада, Дхритараштру кўр ва яроқсиз бола бўлиб туғилган. Кейин учинчи хотинини юбориб, буни қўрқмасдан ва уялмасдан киришга тавсия қилган. Шунда у кулиб, очик юз билан Вьёса олдига кирган, натижада шўхлик ва ўйноқиликда инсонлардан юқори турадиган гўзал, [худди] ўн тўрт кечалик ой[дек бола] туғилган.

Пондунинг тўрт ўғли бўлиб, тўртовининг хотини битта эди. У хотин ҳар бирининг олдида бир ой турар эди.

Балки [бу шу сабаблардандир], ҳиндларнинг китобларида ёзилишича, зоҳид Парошара бир кемага минганида унда кемачининг ҳам қизи бўлган. Парошара унга ошиқ бўлиб, уни йўлдан уришга ҳаракат қилган. Охири хотиннинг кўнгли юмшаб кўнган. Лекин дарё чеккасида кўздан бекинадиган пана жой бўлмаган. Уша соатдаёқ юлғун ўсиб, ишни осон қилган. Парошара юлғун орқасида ҳалиги хотин билан бирлашиб, мана шу фозил ўғил Вьёсага уни ҳомиладор қилган.

Ана шу нарсалар ҳозир йўқ ва бекор қилинган. Шунинг учун уларда баъзи бир ҳукмларнинг бекор қилиниши мумкин эканлиги хаёл қилинади.

Аммо никоҳ ва жинсий алоқа хусусидаги расвогарчиликларнинг ҳозирда ҳам, жоҳилият замонларида ҳам юз берганлиги учратилади. Чунки Панчқар районида то Қашмир яқинигача чўзилган тоғларда яшовчилар эса туғишган биродарларнинг кўплашиб битта хотин тутишларини ҳам лозим ва фарз деб биладилар.

Жоҳилият замонида араблардаги никоҳ турлича бўлган. Масалан, 53 грабларнинг бири || ўз хотинига фалончини айттириб келиб, у билан жинсий алоқа қилгин, деб буюрар эди. Сўнгра боланинг улуғвор бўли-

ши учун ҳомиладорлик кунларида у киши хотиндан узоқлашар эди. Ҳиндлардаги никоҳнинг учинчи тури ҳам худди шундай.

Жоҳилият даврида араблардаги никоҳларнинг яна бир тури шуки, арабларнинг биттаси бошқа бирига, хотинингни менга бер, мен хотинимни сенга бераман, деб ва шундай қилиб иккаласи хотинларини алмаштиришар эди.

Яна ўшандай никоҳлардан бири: бир неча кишилар битта хотинга жинсий алоқада бўлишар эдилар. Хотин туққач, боланинг кимдан бўлганини билса, у кишига берар эди. Билмаса, одамнинг кўринишидан фаросат билан насабини биладиган кишилар боланинг отасини танитар эдилар.

Яна шундай никоҳлардан мақт никоҳи бўлиб, бу эса отасининг ёки ўглининг хотинига уйланишидир; бу ҳам арабларда бор эди. Бундан туғилган болага Зайзан деб исм берилган. Яҳудлар ҳам шу каби никоҳдан узоқ эмаслар. Улардан бирининг биродари ўлиб, ундан бола қолмаса, унинг хотинини олиб, ундан бола туғдириб биродарининг номи сламдан унутилиб кетмаслиги учун болани ўзига эмас, ўлган биродарига тегишли ва унинг насли деб билиш [яҳудларга] фарз қилинган. Шундай иш қилган кишини ибронийлар ёбҳом<sup>б</sup> деб атайдилар.

Мажусийларда ҳам шундай бўлган. Падашвор-Гершоҳ<sup>б</sup>, Бобак ўгли Ардашер қилмаган гуноҳни қилди, деб даъво қилганида, олов ходимларининг улуғи «Гавсар»да<sup>7</sup> ҳалиги Падашворнинг даъвосига жавобан юборган мактубида форслардаги хотин алмаштириш тартиби мана шундай кўрсатилган: «Бир киши ўлсаю, ундан бола қолмаса, қаралади: агар у кишининг хотини қолган бўлса, ўлганнинг исми билан унинг энг яқин кишисига никоҳлаб берилади. Агар хотини қолмаган бўлса, унинг қизи ёки яқин қариндошидан бир хотин шундай никоҳлаб берилади. Агар у кишининг уруғидан ҳеч бир хотин киши топилмаса, молига меросхўр бўлган эр кишилар чақирилиб, шуларнинг орасида ёш бола бор бўлса, шу бола ўша ўлган кишининг боласи деб ҳисобланади. Шундай ишга бепарволик қилгани, саноқсиз кишиларни ўлдирган, деб саналади. Чунки у то дунё тугагунча ўлган кишининг наслини ва уни эслашни тўхтатган бўлади».

Шу ёмон одат қаршисидаги ҳақ йўлнинг ҳусни билинсин ва бунга солиштирилганда ноҳақ йўлнинг ёмонлиги кўпроқ кўринсин, деб шуни ҳикоя қилдим.

---

---

## Ун биринчи боб

### БУТ — САНАМЛАРГА ИБОДАТ ҚИЛИШНИНГ БОШЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ ТАСВИРЛАНИШИ ҲАҚИДА

Маълумки, саводсиз кишиларнинг сезиладиган ва кўриладиган нарсага тарафкашлик қилиб қизиқиши, ҳар бир замон ва ҳар бир жойда озчиликни ташкил қилган олимлар ақллари топадиган нарсадан уларнинг нафрат қилиши табиийдир. Ақл билан билинадиган нарсани мисол ва сувратда кўрсатиб, оми кишиларни тинчитиш учун яҳудийлар, насронийлар, айниқса, маннонийлар каби турли халқлар кишиларининг кўпи китобларда сувратлар кўрсатишга ва ҳайкаллар тиклашга киришган. Ана шу айтганларимни сенга исбот қилиш учун мана шуни айтиш кифоя қилади: Агар худо раҳмат қилгур Муҳаммад пайғамбарнинг ёки Макка ва Каъбанинг сувратини бирон оми киши ёки бир хотинга кўрсатсанг, у суврати олинган кишининг ўзини кўргандай бўлиб шодланиб, уни ўпишга, унга юзларини суриб ялиниб-ёлборишга киришади. Ҳаж ва умра<sup>1</sup> ибодатларининг ижро этилиши ҳам шундай сабаб билан бўлган. Пайғамбарлар, олимлар ва фаришталардан иборат улуғ шахсларнинг исмларига санамлар барпо этишнинг сабаби ва боиси ана шудир; улар ўлиб, йўқ бўлиб кетган бўлсалар ҳам, қилган ишларини шу санамлар орқали эслатиш, ўзлари бўлмасалар ҳам, одамларнинг қалбларида уларнинг ҳурматларини сақлаб қолдириш учун шундай қилганлар. Ниҳоят, у санамларни ишлаган кишилардан кейин кўп замонлар ўтиб, санамлар кўп асрларни кечирганлар. Кейин уларнинг ясаиш сабаблари ва уларни талаб қилган аҳвол унутилган ва санамлар одатга кириб, расмий ва одатий нарса бўлиб қолган.

Сўнгра қонунчилар санамларга ибодат қилиш воситасида оми халқ орасида иш олиб борганлар. Шундан кейин бу йўл улар орасида жуда ўрнашганлиги жиҳатидан улар санамларга ибодат қилишни халққа лозим қилганлар. Тўфон ҳодисасидан олдинги ва кейинги одамлар ўртасидаги хабарлар шундай этиб келган. Ҳатто пайғамбарлар юборилиши-

дан || илгари инсонлар бир халқ эдилар, дейиш ҳам, ҳаммалари санам- 54  
ларга ибодат қилган эдилар, деган фикрга асосланган.

Аммо «Таврот» китобига амал қилувчилар ўша тўфондан аввалги замонни Иброҳим отасининг бобоси Сорўғ яшаган давр деб тайин қилганлар.

Румоликлар эса бундай дейдилар: Франкли ака-ука Ромул иккаласи подшоҳ бўлгач, Ромни [Римни] бино қилишди. Сўнгра Ромул ўз биродарини ўлдирди. Шундан кейин ер қимирлашлар ва урушлар кетмакет юз бераверди. Охири Ромул [тангрига] ёлборган эди, тушида «Бу ҳодиса, биродарингни тахтга ўтқазидан бошқа йўл билан тинчимайди», дейилди. Кейин у биродарининг сувратини олтидан ишлатиб, ўз ёнида тахтга ўтқизиб қўйди. У бизга шундай қилгин, деб буйруқ бўлди, дер эди. Ромулдан кейин шу хилда буйруқ билан иш қилиш подшоҳларга одат бўлиб қолди; ғалаёнлар тўхтади. Биродари [ўлими] жиҳатидан ғазабга йўлиққани учун кишилар нафратини ўзидан қайтариш ниятида у ўша кунни байрам ва ўйин-кулги куни қилиб олди.

Яна қуёшга ҳурмат билдириб, у тўртта от устида тўртта ҳайкал тиклади; уларнинг яшил ранглиси ер учун, кўк ранглиси сув учун, қизили олов учун ва оқи ҳаво учун эди. Шу ҳайкаллар ҳозиргача Румия [Рим]да тик турибди.

Биз шу бобда ҳиндлар урф-одатини ҳикоя қилар эканмиз, уларнинг хурофотларини ҳам ҳикоя қиламиз ва хурофотнинг авом халқ ўртасида жорий эканини билдирамиз. Аммо халос бўлишни мақсад қилиб олган ёки мужодала — тортишув ва калом илмининг йўлларини ўрганган киши ҳамда [ҳиндлар] сора деб атайдиган ҳақиқатни аниқлашни мўлжаллаган киши, [ҳаммаси одам] ишлаган суврат бир ёқда турсин, олий даражали тангридан бошқа ҳеч бир нарсага ибодат қилмайди.

Шавнака подшоҳнинг Парикшага айтиб берган ҳикояси ўша қиссаларнинг биридир. [У] шундай деган: «Ўтган замонларда Анбариша исмли подшоҳ бўлиб, подшоҳликда мақсадига эришган. Сўнгра подшоҳликдан юз ўгириб ва дунёдан қайтиб, узоқ замон халқдан четга чиқиб, ибодат қилишга ва тасбеҳ айтишга машғул бўлган. Ниҳоят, маъбуд фаришталар раиси — Индра сувратида бўлиб, филга минган ҳолда Анбаришага ўзини кўрсатиб, «кўнглингга келган нарсани сўра, уни сенга берайин» деганида, подшоҳ «мен сени кўриш билан шодландим, ишимда муваффақият ва ёрдам бериб эҳтиёжимни қондирганинг учун сендан миннатдорман, лекин тилагимни сендан эмас, балки сени яратгандан сўрайман», деган.

Шунда Индра: «Ибодат қилишдан мақсад яхши мукофот олишдир, мақсадингни кимдан топган бўлсанг, уни ўшандан сўрайбер, сендан сўрамайман, бошқадан сўрайман деб таппаб ўтирма», деган.

Подшоҳ эса: «Дунёдан ва ундаги нарсаларнинг ҳаммасидан юз

Ўгирдим, ибодат қилишдан мақсадим тангрини кўришдир. Бунинг сенга алоқаси йўқ, қандай қилиб тилагимни сендан сўрайман?» — деган.

Индра эса шундай деган: «Буткул олам ва ундаги ҳамма мавжудот менга бўйсунди, сен кимсан ўзинг, ҳатто менга қаршилиқ ҳам қилаётибсан?»

Подшоҳ бўлса шундай деган: «Мен ҳам сўзингга қулоқ солиб бўйсунаман, лекин мен сенга шу қувватни берган зотга ибодат қиламан. У эса ҳар бир нарсанинг эгаси ва сени икки подшоҳ — Бали ва Ҳираниякшанинг<sup>2</sup> ёмонликларидан сақлаган зотдир. Энди мени ва мен танлаган зот билан бирга ўз ҳолимга қўй ва тинчгина менинг олдимдан қайт».

Индра бўлса шундай деган: «Менга қаршилиқдан бошқа иш қилмас экансан, албатта, сени ўлдираман ва ҳалок қиламан». Подшоҳ шундай деган: «Яхшилиқни кўролмайдилар ва ёмонликка қарши турадилар, деган мақол бор. Дунёдан юз ўгирган кишини фаришталар кўролмас эканлар ва у киши фаришталарнинг адаштиришидан четда қолмас экан. Мен дунёдан юз ўгириб, ибодатга юз қўйган кишилар жумласиданман. 55 Тирик эканман ибодатни қўймайман. Сенинг || томонингдан ўлдирилишга лойиқ кўриладиган гуноҳ қилганимни билмайман. Мендан гуноҳ юз бермаса ҳам, ўлдирмоқчи бўлсанг, у сенинг ишинг, хоҳлаганингни қилабер. Лекин дилимни фақатгина тангрига бериб, бунга ҳеч бир ғараз аралашмаса, менга зарар етказолмайсан. Мени шунча вақт ибодатдан қўйганингнинг ўзи етар. Мен ибодат қилишга кетдим».

Шундай қилиб [подшоҳ] ибодатга машғул бўлгач, тангри қизил нилуфар тусли, сариқ кийим кийган инсон сувратида, Гаруда<sup>3</sup> исмли қушга минган ҳолда унга кўринди. У сувратнинг тўртта қўли бўлиб, бир қўлида шанкҳа, яъни филлар устида юрилганда пуфлаб чалинадиган ва шиллиқ қурт садафи шаклида сурнай бор эди. Иккинчи қўлида чакра, яъни даврала, ҳамма томони ўткир ва отилганда теккан жойини кесиб ва йиртиб кетадиган қурол; учинчи қўлида тумор, тўртинчи қўлида падма, яъни қизил нилуфар бор эди. Подшоҳ у сувратни кўргач, ҳайбатидан эти увишиб, туклари ҳурпайди ва сажда қилиб, кўп тасбеҳ айтди. натижада, унинг қўрқинчли кўринишига ўрганди ва ҳалиги суврат, подшоҳнинг ғалаба қозониб мақсадга эришувидан дарак бериб, уни севинтирди. Шунда подшоҳ: «Мен подшоҳликка эришдим, бу ҳақда ҳеч бир киши мен билан талашмади ва шундай ҳолатда бўлдимки, гамгин ва касаллик менга етишмади; гўё дунёнинг ҳамма нарсасига эришдим. Сўнг-ра ундан юз ўгирдим, чунки ундаги яхшилиқнинг оқибати ҳақиқатда ёмонлик эканини аниқ билдим. Ҳозирда эришганимдан бошқа нарсани орзу қилмай қўйдим. Бундан кейин шу банддан халос бўлишдан бошқани тиламайман», деган.

Тангри эса шундай деган: «Халос бўлиш дунёдан юз ўгириб, ёлғиз

туриш, фикрлашга берилиб, ҳамма сезгиларни ўзинга бўйсундириб олиш билан бўлади». Подшоҳ [унга] айтган: «Хўп майли, мен-ку қобилият эҳсон қилингани сабабли ана шу сен айтганларни қилишга қодирман-а, лекин мендан бошқа кишининг қандай қилиб бунга қудрати етади? Ҳолбуки, инсонга овқат ва кийим керак, бу иккаласи инсон ва дунё орасини улаштирувчидир, бундан бошқача ҳам бўлиши мумкинми?»

Тангри подшоҳга: «Подшоҳлик ва дунё ишларини мақсадга ва энг яхши йўсинга мувофиқ қилабер, дунёни обод қилиш, дунё аҳллариини қўриқлаш ишларида, қиладиган садақаларингда, қолаверса ҳар бир ҳаракатингда ҳам, ният ва қасдинг фақатгина менга қаратилган бўлсин. Инсонлик сифати бўлган унутиш, агар сенда ғалаба қилса, мана шу кўриб турганинг шаклимда ҳайкал қилиб ол, унинг олдига хушбўйликлар ва гулларни келтир, мени унутмаслик учун у ҳайкални менга ёдгорлик қилиб қўй. Ҳатто бирон нарсани истасанг, мени ёдингга ол, сўзласанг, менинг исми билан бошла, бирон иш қилсанг мен учун қил», деган.

Подшоҳ: «Айтганларингга умуман юзаки тушундим, лекин менга эҳсон қилиб, уларни бирма-бир айтиб бер» деганда, тангри: «Айтганингни қилиб ҳамма кераклиларни қозинг Васиштҳага<sup>4</sup> инъом қилдим, ҳамма масалада унга мурожаат қил», деб подшоҳнинг кўзидан ғойиб бўлган. Подшоҳ эса ўз ўрнига қайтиб, буюрилган ишни қилишга тутинган.

Айтишларича, ўша вақтдан бошлаб санамларнинг баъзилари, биз баён қилгандай, тўрт қўлли баъзилари эса келадиган қиссага, сифатга ва кимнинг суврати тасвирланишига қараб икки қўлли бўлади.

Яна ҳиндларнинг хабар ва ҳикояларига кўра, Бароҳимнинг Норада<sup>5</sup> исмли ўгли бўлиб, унинг тангрини кўришдан бошқа мақсади бўлмаган. У асо тутиб юришни одат қилган. Асонни ерга ташлаганда илон бўлар, шу асо орқали ажойиб ишлар қилар ва асосиз юрмас экан. Бир куни ўша маълум орзусини ўйлаб турганида узоқдан бир нурни кўриб, унга томон борганида нурдан: «Сен сўраган ва орзу қилаётган нарсанинг бўлиши мумкин эмас. Мени фақатгина мана шу шаклда кўришинг мумкин»,— деган овоз эшитади. Норада қараса, инсон || танаси сувратида нуроний бир шахс турибди. Шу пайтдан бошлаб санамлар турли шаклларда қўйиладиган бўлган.

Кўриш исмига қўйилган Мўлтондаги санам машҳур санамлардандир. Шунинг учун у Одитъя<sup>6</sup> деб аталган. У ёғочдан ясалиб, қизил чармдан кийим кийгизилган. Иккала кўзида қипқизил иккита ёқут бор. Ҳиндларнинг даъвосича, бу санам энг кейинги Критажугада<sup>7</sup> ишланган. Гарчи ўша [Критажуга дейиладиган] даврнинг охиридаёқ ишланган

бўлса ҳам, у замондан бизгача 216 432 йил ўтган бўлади\*. Муҳаммад ибн ал Қосим ибн ал Мунаббих<sup>8</sup> Мўлтонни фатҳ қилганида, унинг ободлиги ва унда кўп мол йиғилиши сабабини текшириб кўрган эди. Бунга санам сабаб эканини билди. Чунки одамлар шу санамни зиёрат қилиш мақсадида ҳар томондан келишар эди. Муҳаммад ибн ал Қосим санамни бузмай қолдиришни маъқул кўрди. Лекин унга ҳурматсизлик кўрсатиш учун бўйнига мол гўштини остириб қўйди.

Муҳаммад ибн ал Қосим шу ерга масжиди жоми бино қилди. Қарматийлар<sup>9</sup> Мўлтонга эга бўлганларида галаба қозонган Жалам ибн Шайбон<sup>10</sup> ўша санамни синдириб, унинг хизматчиларини ўлдирди. Санам қўйилган уйни — бу уй баланд бир жойга пишиқ ғиштдан қурилган қаср эди — аввалги жоми масжиди бадалига [яна бошқа бир] жоми масжиди бино қилди ва умавийлар даврида қилинган ишларга душманлик ва нафрат қилиб аввалги масжидни қулфлаб қўйди.

Худо раҳмат қилгур Амир Маҳмуд<sup>11</sup> [Ғазнавий] у мамлакатлардан қармайтийлар ҳукмронлигини қўпоргач, жума намозини аввалги масжиди жомида ўқишга буюрди ва кейинги жомини бекор қолдирди. Бу ҳозирда хина бойламларини йиғиб қўядиган омборхона бўлиб турибди.

Қарматийларнинг юзага чиққан вақти яшаб турган кунларимиздан олдин келгани сабабли мазкур соннинг [216 432] юзлар хонасини ва ундан кейинги хоналарини туширсак, 216000 йил қолади. Бу эса Крита-жуганинг охириги йилларидан то ҳижрат тарихининг аввалигача бўлган муддатдан иборат бўлади. Уша жойнинг ҳавоси ва ери рутубатли бўлатуриб, ёғоч санам шунча йиллар бўйи қандай қилиб чиримай қолган экан? Буни худо билади.

Ҳиндлар Тонешар<sup>12</sup> шахрини ҳурмат қиладилар. Ундаги санам Чакрасвомин<sup>13</sup>, яъни сифатини биз юқорида айтиб ўтган чакра қуролининг эгаси деб аталади. Бу санам мисдан ишланган, [ҳажми эса] инсон гавдасига яқин бўлиб, у ҳозир Ғазнада Соманотҳ<sup>14</sup> боши билан биргаликда майдонга ташлаб қўйилибди. У бош Маҳодева эрлик олатининг шакли бўлиб, у Линга деб аталади. Соманотҳ ҳикояси яна ўз жойида келади.

Аммо Чакрасвомин эса, ҳиндларнинг айтишларича, Бҳарата урушларига ёдгорлик қилиб, ўша кунларда ишланган.

Кашмир ичкарасида, шаҳарчадан Болўр<sup>15</sup> тоғларига томон икки ёки уч кун йўл юрилганда ёғочдан ишланган бир санам қўйилган уй бор. Бу санам Шорада аталиб, ҳурмат қилинади ва атрофдан атайлаб келиб, уни зиёрат қилишади.

Биз санамларнинг қандай ишланиши хусусида «Сангхита» китобининг бир бобидаги ҳамма сўзларни келтирамиз. У сўзлар биз мўлжаллаган нарсани ўрганишга ёрдам беради.

Бароҳамиҳира мана шундай деган: «Дашаратҳа<sup>16</sup> ўгли Рома ёки

\* Берунийнинг бу асарининг ношири Э. Захаунинг кўрсатишича, текстда юзлик рақам тушиб қолган, тўғрися 2164132 бўлиши керак. — ред.

Вирочана ўғли Балига санам ишланса, бўйини ўша санамнинг [лойиҳасидаги] бармоқларнинг бир юз йигирматасига тенг қил; у иккаласидан бошқага санам ишланса, ўша соннинг ўндан бирини камайтир, яъни бир юз саккиз бармоққа тенгла.

Вишну учун ишланадиган санамнинг қўлларини саккизта ёки тўртта, ёки иккита қилиб чап томонига — эмчаги тегига Шри<sup>17</sup> хотинининг суврат ва ҳайкалини қўй. Агар шу санамни саккиз қўлли қилиб ишласанг, ўнг қўлининг бирига қилич, иккинчисига олтин ёки темир таёқ, учинчисига ўқ ва тўртинчи қўлини гўё сув олаётгандай қилиб қўй. Чап томондаги қўлларига қалқон, || ёй, чакра дейиладиган қурол ва чига- 57 ноқсимон сурнай ясаб қўй.

Агар уни тўрт қўлли қилиб ишласанг, ёй билан ўқни тушириб қолдир.

Агар уни иккита қўлли қилиб ишласанг, ўнг қўли сув олаётгандай бўлиб, чап қўлида чиганоқсимон сурнай бўлсин. Агар Нороянанинг биродари Баладева<sup>18</sup> шакли ишланса, иккала қулоғи тепасига зирак осиб, кўзларини суздириб қўй. Агар у иккала шаклни [яъни Баладева ва Норояна шаклини] ишласанг, уларнинг қиз қариндоши Бҳагаватининг ҳам шаклини ишлаб, улар билан бирга қўй. Бҳагаватининг чап қўли белига қўйилиб, биқинидан сал кўчиб турсин, ўнг қўлида нилуфар бўлсин.

Агар бу қизнинг шаклини тўртта қўлли қилиб ишласанг, ўнг қўлларининг бири тасбеҳ ушлаган, бири каплаб сув олаётган бўлиб, чап қўлларининг бирида дафтар, бирида нилуфар бўлсин.

Агар шу шаклни саккизта қўлли қилиб ишласанг, чап қўлларида камандалу — бу кўвача дегани — нилуфар, ёй ва дафтар бўлсин. Ўнг томон қўлларида тасбеҳ, ойна, ўқ бўлиб, бир қўли каплаб сув олаётгандай бўлсин.

Агар Вишнунинг ўғли Сомбанинг<sup>19</sup> шакли ишланса, ўнг қўлига фақат таёқ тутқазиб қўйсанг бўлади. Агар суврат Вишнунинг ўғли Прадьюмнаники<sup>20</sup> бўлса, ўнг қўлида ўқ, чап қўлида ёй бўлсин. Агар иккаласининг хотинларининг шаклларини ишласанг, ўнг қўлларида қилич, чап қўлларида қалқон бўлсин.

Бароҳим учун ишланадиган санамнинг тўрт томонда тўртта юзи бўлиб, у нилуфар устида турган ва қўлида кўвача тутган бўлсин. Маҳодева ўғли Сканданинг<sup>21</sup> санами — товусга минган бола бўлиб, қўлида шакти бўлсин. Бу эса қиличга ўхшаш бўлиб, иккала томони кескир ва дастаси ўғир дастасига ўхшаб ўртада бўлади.

Индра санамининг қўлида вайра деб аталадиган олмосдан ишланган қурол бўлсин. Бу қуролнинг дастаси шактиникига ўхшаш бўлади, лекин дастанинг ҳар икки томонида даста олдига қайрилиб келган иккитадан қилич бўлади. Бу санамнинг пешанасига учинчи кўз ясаб, ўзини тўртта тишли оқ фил устига миндириб қўй. Шунингдек, Маҳодевага



ишланган] санамнинг пешанасига, рўпарасига тикилиб турган учинчи кўз, бошига ярим ой шакли, [ўнг] қўлига шўла деб аталадиган қурол ва бир қилич ясаб қўй; у қурол таёққа ўхшаш бўлиб, уч қирралик бўлсин. Чап қўли билан ўз хотини, яъни Ҳимавантнинг қизи Гаурени ушлаб, ўзининг ён томондан бағрига босиб турган бўлсин.

Аммо Жина санами — Будданинг ўзи, [шунинг учун] бор кучингни ишга солиб, унинг юзини ва органларини жуда чиройли қилиб ишла; кафтининг ич юзини ва иккала оёғининг тагини нилуфар шаклида қил; бу санам ўшандай нилуфар устида ўтирган бўлиб, сочи оқишроқ, ўзи очиқ юзли, гўё халқ отасидек бўлсин.

Агар Арҳантнинг, яъни Будданинг бошқа бир баданининг шаклини ишласанг, уни яланғоч, яхши юзли, хайр ва эҳсон қилаётган, икки қўли икки тиззасига етган йигит ва хотин Шри шаклини унинг чап эмчагининг тегида турган қилиб ишла. Қуёш ўғли Ревантанинг санами, отга миниб, овга кетаётгандай бўлсин. Улим фариштаси Жиманинг санами эркак қўтосга минган ва қўлига таёқ тутган бўлсин. Дўзахнинг катта қўриқчиси — Куберанинг<sup>22</sup> санами бошига тож қўйилган, зўр гавдали ва иккала яғрини кенг бўлиб, одамнинг устига минган бўлсин. Қуёш санами қизил нилуфар мағзи сингари қипқизил ва дур-гавҳар каби ялтироқ юзли, иккала қулоғи тепасидан зирак осилган, аъзо ва мушаклари бўртайган, бўйнига, кўкрагига солинтириб дурлар тақилган, бошига кунгирали тож қўйилган, икки қўлига иккита нилуфар тутқазилган ва шимол томонлилар сингари тўпиғига тушириб [узун] кийим кийгизилган бўлсин.

- 58 Агар сен етти || Она учун санам ишласанг, улар тўдасининг ўртасига ё Браҳманни тўрт томонга қараган тўртта юзли қилиб ёки Қауморини олти юзли, ёки Вайшнавини тўртта қўлли қилиб, ёки Вороҳини чўчқа бошли ва инсон гавдали қилиб, ёки Индрани кўп кўзли ва қўлига таёқ тутган қилиб, ёки Бҳагаватини одатдагича ўтирган қилиб, ёки Чомундони бадбашара, озуқ тишлари оғзидан туртиб чиққан — сўйлоқ ва қорни хипча қилиб ишлаб қўй. Кейин Маҳодеванинг икки ўғли шаклини ишлаб, уларга қўшиб қўй. Кшетрапола исмли ўғлини диккайган сочли, қаттиқ юзли ва яратилиши хунук қилиб, Винояка исмли ўғлини эса фил бошли, инсон гавдали ва юқорида айтилгандай тўрт қўлли қилиб қўй.

Шу санамлар олдида қўйлар ва қўтослар китора — болталар билан ўлдирилади; санамлар уларнинг қонлари билан овқатлансинлар, деб шундай қилинади.

Ҳамма санамлар органларининг ўз бармоқлари билан ўлчаб белги-ланган миқдори бор. Гоҳо баъзи санамларнинг миқдорларида ихтилоф қилиб турлича ишлаганлар.

Натижа шуки, санамларни ишловчи уларнинг катталигини эҳтиёт қилиб, ортиқ-кам қилмаса, гуноҳдан узоқ ва шакл эгасининг бирон

зарар ва ёмонлик етказишидан тинч бўлади. Агар санамни бир газ, курсиси билан икки газ қилиб ишласа, шакл эгаси уни тинчлик ва фаровончиликка етказди. Агар икки газдан ортиқ қилиб ишласа, яхши кўр-ринадню, лекин [бунда] шуни билиш керакки, санам, айниқса, Қуёш санамми, ҳаддан ташқари катта қилиб ишланса, ҳокимга зарар етади; кичик қилиб ишланса, ишлаган кишига зарар етади. Санамнинг қорни хипча ва ичига ботган қилиб ишланса, ўша атрофда кетма-кет очарчилик бўлади, ориқ қилинса, моллар бузилади.

Агар ишловчи — устанинг қўли тойиб санамга зарба етказиб, бирон из тушириб чақа қилса, [устанинг] ўзига ҳам зарба етиб, шу билан ўлади.

Агар текис ва баробар ишламай, масалан, санамнинг бир кифтини бошқа кифтидан баланд қилиб қўйса, [ўша кишининг] хотини ўлади.

Агар кўзини тепага қаратиб қўйса, умр бўйи кўр бўлиб яшайди ёки қуйига қаратиб қўйса, васваса ва ғамгинликка кўп учрайди.

Агар санам бирон гавҳар ва қимматбаҳо тошдан ишланса, ёғочдан кўра яхшироқ бўлади ва ёғоч эса лойдан кўра яхшироқ бўлади. Чунки гавҳарнинг фойдаси мамлакат эр ва хотинларининг ҳаммасига тегади. Олтиндан ишлатган киши қувватли бўлиб, кумушдан ишлатган мақтовга лойиқ бўлади, мисдан ишлатганнинг эса ҳукмронлиги ортиб, тошдан ишлатган кўп ерларга эга бўлади. Санам гавҳари — асл моддасига қараб эмас, балки эгасига қараб ҳурмат қилинади. Мўлтондаги санамнинг ёғочдан ишланганини айтиб ўтдик. Шунингдек, Рома шайтонлар урушидан бўшагандан кейин тиклаган Линга санамми ўз қўли билан уйиб тўплаган қумдан эди. Шу уйилган қум дарров тошга айланган. Чунки шу санамни тиклаш учун белгиланган вақт, Рома буюрган тошни ишчилар йўниб бўлган вақтдан олдинроққа тўғри келган эди. Аммо санам уйининг ва атрофидаги равоқларнинг қурилиши, тўрт хил дарахтнинг кесилиши, санамни тиклаш вақтининг белгиланиши ва унинг учун расм ва одатлар барпо қилиниши эса узун ва малол келтирадиган ҳикоядир.

Сўнгра Рома шу санамлар учун турли жамоалардан хизматкорлар ва хизматчилар қўйишга буюрди. «Вишну шакли учун бҳагавати жамоасини, Қуёш шакли учун мага жамоаси, яъни мажусларни, Маҳодева шакли учун авлиёлар жамоасини белгилади. Бу гуруҳ бир тўда зоҳид ва обидлар бўлиб, улар сочларини узайтирадилар, териларига кул суртадилар, ўз ўликларининг суякларини [ўзларига] осиб юрадилар, тўқайларда || сузиб юрадилар. Хашт матарян — саккиз Мотҳер суврати учун 59 браҳманларни, Будда учун шаманийларни, Арҳант учун нагна жамоасини, қисқаси, ҳар бир санам учун уни тасвирлаган жамоани хизматчи қилиб қўйди. Чунки ўша санам хизматини улар тўғрироқ бажарадилар».

Шу бефойда сўзларни ҳикоя қилишдан ғараз бирон санам кўрил-

ганда унинг шаклини таниб олишимиз ва: «Шу санамлар мартаба ва даражалари қуйи ва билимлари оз авом халқ учун тикланган»,— деган сўзни аниқлашдир.

Олий тангри исмига санам тиклаш бир ёқда турсин, моддадан жоқори турадиган ҳеч бир зот исмига ҳам ишланган эмас. Шунингдек, қуйи табақанинг турли бўямачиликлар билан қандай ибодат қилишларини билиб олсин, деб, шу беҳуда сўзлар ҳикоя қилинди. Шунинг учун «Гита» китобида шундай дейилган: «Кўп кишилар мақсадларига эришиш учун бошқалар орқали менга ибодат қиладилар, турли садақаларни ва мендан бошқага айтилган тасбеҳ ва салавотни ўртага қўядилар, мен уларга мақсадларига эришишга қувват ва муваффақият бериб, истакларига етказаман. Чунки менинг уларга ва уларнинг ибодатларига эҳтиёжим йўқ».

Яна шу китобда Васудеванинг Аржунага мана шундай дегани ёзилган: «Кўпгина хомтама кишиларни кўрмайсанми, руҳоний жинсларига, Қуёш, Ой ва бошқа [осмон] ёритгичларига сиғиниб қурбонликлар қилиб, хизмат қиладилар. Шунда тангри уларга эҳтиёжсизлиги сабабли уларни умидсиз қилмай, орзуларини сўраганларидан ортиқроқ берса ва истаган йўллари орқали орзуларига етказса, мақсад қилиб олган санамларига ибодат қила берадилар. Чунки тангрини танишга илмлари етмайди. Ҳолбуки, тангри уларнинг орзуларини восита қилган йўллари орқали тўла-тўқис қилиб беради. Тама ва воситалар билан эришилган орзу давомли бўлмайди. Чунки бу бошқанинг ҳақ ва ҳурматини ўртага қўйиб эришилган бўлади. Фақатгина кексайганда, ўлим ва туғиш олдида мунглиниб, ёлғиз тангрига сиғиниб эришилган орзу давомли бўлади». Васудева сўзининг хулосаси ана шу.

У жоҳиллар кутилмаган ҳолда бирон қийинчиликдан қутулсалар ёки мақсадга эришсалар, бунинг устига санамлар хизматчиларининг одатдан ташқари нарсалар ҳақидаги сўзлари қўшилса, ўзларини адаштирган санамлар кўзларига кучли кўришиб, уларга ёлборадилар; уларнинг олдида ўз қонларини оқизиб, қулоқ ва бурунларини кесиб ўз афтарини бузадилар.

Қадимги вақтда юнонлар ўзлари билан биринчи сабабчи ўртасига санамларни восита қилиб, уларни юлдузлар ва олий жавҳар исмлари билан атаб, уларга ибодат қилганлар. Чунки улар биринчи сабабчини қасд қилиб, унга ибодат қилиш у ёқда турсин, ҳатто уни улуғлаш учун бирон ижобий сифат ҳам бермаганлар, балки зид сифатлардан уни поклаб тавсифлаганлар.

Араблар санамларни Шомдан ўз ерларига кўчиргач, бизни тангрига яқинлаштирар, деб уларга юнонлар сингари ибодат қилганлар.

Афлотун «Қонунлар китоби»нинг тўртинчи мақоласида мана шундай дейди: «Тўла-тўқис каромат ва иззатга эга қилинган киши худолар

ва парийлар сирини кўтариши ва ота худоларга хос бўлган санамлардан бошқаларини ортиқ тутмаслиги, тирик оталарнинг иззатларини бажо келтириши лозим. Чунки куч етганча шундай қилиш, керакли ва-зифаларнинг энг улугидир». Афлотун «сир» деб махсус сўз — зикр [яъни эслаш ва ёдлаш]ни айтмоқчи бўлади. Зикр сўзи харронлик собийлар, Мөнийга эргашган сонавиялар ва ҳиндлардаги калом илми мутахассислари ўрталарида кўп ишлатилади.

Жолинус «Нафс хулқи» китобида: «Рум подшоҳларидан Қайсар Коммодус<sup>23</sup> замонида — бу Искандар [календари]нинг беш юзинчи йилдан ортиқроқ бир вақтга тўғри келади — || икки киши санам сотувчининг олдига келиб, Ҳермес санамини савдолашган. Бири Ҳермесга ёдгорлик учун уни ибодатхонага қўйишни, бири эса [ўзига тегишли] ўликни эслаш учун қабр устига ёдгорлик қилиб қўйишни истар эди. Иккала олувчи келишолмай, олувчи ва сотувчи савдо ишини эртага қолдиришган. Ўша кечаси сотувчи туш кўрса, гўё санам унга мана шундай дебди: «Ҳой фозил ва ҳунарманд киши! Мен санъатнинг натижасиман, иккала қўлинг билан ишлашинг натижасида юлдузга нисбат бериладиган шаклга эга бўлдим; илгари эса тош деб аталар эдим, энди у исм мендан кетиб, Уторид деб машҳур бўлдим. Мени чиримайдиган нарсага ёдгорлик қиласанми ёки чириб тугалган нарсага ёдгорлик қиласанми — энди ихтиёр сенда».

Арастунинг браҳманлар саволларига берган жавоб рисоласи бор. У саволларни Искандар Арастуга юборган. Шу рисолада бундай дейилган: «Юнонлардан баъзиларининг айтишича, санамлар гапирар эмиш; юнонлар уларга атаб, турли қурбонликлар қилар эмишлар ва санамларда руҳонийлик бор деб, даъво қилар эканлар, деган сўзингизга келсак, бу ҳақда ҳеч бир нарсани билмаймиз. Билмаган нарсага ҳукм чиқаришимиз дуруст бўлмайди».

Арастунинг шу жавоби содда авом халқ даражасидан ўзини юқори тутгани ва ўзининг бундай нарсалар билан шуғулланмаслигини билдирганидир. Демак, шу офат ва бало [яъни санамларга чўқиниш]нинг дастлабки сабаби ёдгорлик ва кўнгил тинчителиш бўлиб, сўнгра офат кўпая бориб, ниҳоят, бузуқ ва бузувчи — бемаъни бир нарса даражасига етган. Муовия<sup>24</sup> мана шу дастлабки сабабни кўзда тутиб, эллик учинчи йил\* ёзги [Рим] урушида Сақлияни<sup>25</sup> фатҳ қилганида, қимматбаҳо тошлар қадалиб безалган олтин санамларни Сақлиядан юклатиб, подшоҳларига соттириш учун Синдга юбортирган. Чунки Муовия уларни қимматбаҳога соттириб, тиллага тилла орттиришни мўлжаллаган эди. У диёнатини эмас, ўз давлатини мустаҳкамлашда шундай паст ишни қилишдан ҳам тортинмади.

\* 672—73 милодий йиллар.

## Ун иккинчи боб

### ҲИНДЛАРНИНГ «ВЕДА», «ПУРОНА» КАБИ ДИНИЙ КИТОБЛАРИ ҲАҚИДА

Веданинг маъноси бидинмаган нарсани билишдир. Ҳиндлар «Веда» китобини, олий тангрининг Бароҳим оғзидан айтилган сўзи, дейдилар. Ведани браҳманлар ўқийдилар-у, лекин маъносини билмайдилар. Ана шундай маъносини билмасалар ҳам, ўқишни бир-бирларидан ўрганадилар. Браҳманларнинг озгина қисми унинг маъносини ўрганади. Мунозара ва баҳслашиш йўсинида унга турли маъно ва изоҳлар беришни жуда оз киши билади.

Веда ўқишни браҳманлар кшатрий табақасига ўргатадилар, лекин кшатрийнинг ҳеч бир кишига, ҳатто браҳманга ўргатишига рухсат берилмаган.

Сўнгра вайшъя ва шудра [табақалари]нинг ведани талаффуз қилиб ўқишлари бир ёқда турсин, эшитишлари ҳам раво эмас. У икки табақадан бирон кишининг ведани ўқигани аниқ бўлса, браҳманлар у кишини ҳукмдорга топширадилар ва ҳукмдор унинг тилини кесиб қийнайди.

Веда китоби яхши ишларга тарғиб қилишни, ёмон ишлардан қайтаришни, амалларнинг чегарасини аниқ кўрсатиб қизиқтиришни, қўрқитишни, яхши мукофот ва ёмон жазоларни баён қилади. Веданинг кўп қисми турли дуо-тасбеҳлар ва олов учун қилинадиган турли қурбонликлар устидаги сўзлардан иборатдир. У қурбонлик турлари санаб бўлмайдиган даражада кўп ва [қоидалари] қийиндир.

Ведани ёзиш мумкин эмас, дейдилар, чунки у турли куйлар билан ўқилади. Уни ёзишда қаламнинг ожизлиги ва ёзилганда ортиқ ёки кам қилиб қўйилиши сабабли уни ёзувдан узоқ тутадилар. Шунинг учун  
61 улар || ведани бир неча марта йўқотганлар. Чунки ҳиндлар мана шундай дейдилар: Олий тангри Бароҳимга мабда — мавжудотнинг бошланиши ҳақида хитоб қилиб гапирган гапи ичида Шавнакнинг Зуҳра юлдузидан ҳикоя қилган ушбу нақли бор: «Ер юзи сувга гарқ бўладиган вақтда сен ведани унутасан. Шунда веда ернинг энг тегига тушиб кета-

ди, у ердан уни балиқдан бошқа нарса чиқаролмайди. Шунинг учун мен балиқни юбораман, у ведани чиқариб, сенга топширади. Кейин мен чўчқани юбораман, у озуқ тишлари билан ерни кўтариб, уни сувдан чиқаради», деган сўз бор.

Яна ҳиндлар, дин ва дунёга тегишли урфу одатлари қаторида веда ҳам энг кейинги двопара<sup>1</sup> ичида эскирди. Двопара бир даврдан иборатдир, дейишади. Уни биз келгусида баён қиламиз. Ниҳоят, у эскирганларни Парошара ўғли Вьёса янгилаган эмиш.

«Вишну-пуруна»да шундай дейилган: «Манвантара даврларининг ҳар бирининг аввалида, авлоди бутун ер юзига эгалик қиладиган подшоҳ, бутун оламга бошлиқ бўладиган раис, номларига атаб одамлар томонидан олов қурбонликлари қилинадиган фаришталар ва ҳар бир даврнинг охирига келиб, йўқ бўладиган ведани Етти Қароқчи юлдузлар янгилаб турадилар».

Шунинг учун бизнинг замонимизга яқин бир вақтда браҳманларнинг улуғларидан бўлган кашмирлик Васукра ведани тафсир ва изоҳлаб ёзишга кафил бўлган ва бошқа кишилар ўзини олиб қочадиган гуноҳни, у ўз устига олган. Васукра веданинг унутилиб, одамларнинг хотираларидан кўтарилиб кетишидан қўрқиб шундай қилган. Чунки у, одамларнинг ниятлари бузилганини, яхши нарсага, ҳатто қилиши лозим ва керакли нарсага ҳам рағбатлари озлигини билган.

Яна уларнинг айтишича, веданинг шундай жойлари борки, улар одамлар яшайдиган иморатли жойларда ўқилмайди, чунки ундай жойларда ўқилса, ҳомиладор хотинлар ва бўғоз ҳайвонларнинг бола ташлаш хавфи бор. Шунинг учун веданинг бундай жойларини далага чиқиб ўқийдилар, унинг [биронта ҳам] шеър ва назмлари шу каби қўрқитадиган гаплардан холи бўлмайди.

Ҳиндлар китобларининг ражаз вазни каби вазнлар билан ўлчанганлигини айтиб ўтдик. Кўпроқ китоблари биз айтган сабабга кўра, шлўка<sup>2</sup> [шлока] деб аталадиган вазнда бўлади. Жолинус китобнинг шеър билан тузилишига розилик билдириб, «Катоноус» деган китобида шундай дейди: «Дориларнинг оғирлигини баён қилишда назм қилинмай, якка-якка ишлатилган сўзлар нусха кўчириш натижасида бузилиб кетади. Ҳасад ва кунчилик қилувчи кишининг [атайлаб] мужмал қилиб бекитиб ёзиши сабабли ҳам бузилади. Шунинг учун Демократеснинг<sup>3</sup> дорилар ҳақидаги китоблари танлаб олишга лойиқ кўрилиб, шуҳрат қозонди ва мақташга арзийдиган бўлди. Чунки китоблари юнонча вазндаги шеър билан ёзилган<sup>4</sup>... ва бу жуда чиройли иш бўлган». Чунки сочма сўз тизма сўздан кўра бузилишга имкониятлироқ бўлади.

Веда одамлар ўртасида тарқалган шу хил назм билан эмас, балки ундан бошқа назм билан тузилган.

Ҳиндларнинг баъзиси «веда назми мўъжиза, ҳеч бир киши уники-

дай назм тузолмайди», дейди. Аммо уларнинг илм ўрганган кишиларининг айтишларича, веда сингари назм тузиш уларнинг қўлларидан келадю, лекин ведага ҳурмат юзасидан бундай назм тузишдан улар ман қилинганлар.

Айтишларича, Вьёса ведани — ригведа, яжурведа, сомаведа ва атҳарванаведадан иборат тўрт бўлимга ажратган. Вьёсанинг тўртта шишъя, яъни шогирди бўлиб, ҳар бир шогирдига бир бўлимни ўргатган ё унга ёдлашни юклаган. У шогирдлари айтиб ўтилган бўлимлар тартибига кўра: Пайла, Вайшампояна, Жаймини ва Суманту исмли кишилар бўлган.

Тўрт бўлимдан ҳар бирининг ўқиш йўли бор. Тўрт бўлимнинг биринчиси, ригведа бўлиб, бу рич деб аталадиган ва мисраларининг миқдори бири-бирига баробар бўлмаган назмдан таркиб топган. Ригведа 62 гўё ричнинг тўдаси бўлганидан рич || деб аталган. Ригведада олов учун қилинадиган қурбонликлар баён этилади.

Ригведа уч турли ўқиш билан ўқилади. Уларнинг бири, ҳамма ўқиладиган жойларни одатдагидек баббаравар ўқиш; иккинчиси, ҳар бир калимадан кейин тўхтаб-тўхтаб [уларни бир-биридан ажратиб] ўқиш; учинчиси, ўқиш турларининг афзали бўлиб, бунга кўп савоблар ваъда қилинган. Бу хил ўқишда веданинг кичик бир бўлаги маълум калималар билан ўқий бошланади. Кейин у калималар қайтарилиб, ўқилмаган қисмининг бир ози уларга қўшиб ўқилади. Сўнгра шу қўшилган қисмининг ёлғиз ўзи қайтарилиб, унга бошқа бир бўлаги қўшиб ўқилади. Шу тартибда ўқиш давом этиб, охирда ўқилиб ўтганларнинг ҳаммаси қайтарилади.

Яжурведага келсак, бунинг назми кондиндан таркиб топган бўлиб, исми эса кондин сўзидан, яъни унинг жумласидан чиқариб олинган. Бу билан аввалгининг орасида фарқ шуки, буни сўзлар орасида тўхтамай, туташтириб ўқиш мумкин, аввалгисида эса мумкин эмас. Бунда ҳам аввалгисида баён қилинадиган олов [ёқиш] амаллари ва қурбонликлари баён қилинади.

Эшитишимча, ригведада калималарни туташтирмай, бир-биридан ажратиб ўқишнинг сабаби мана шундай:

Жайнавалкъя ўз муаллимининг олдида эди. Муаллимининг браҳманлардан бир ошноси бор эди. Уша киши сафарга чиқмоқчи бўлди ва сафарга кетганида муаллимдан Ҳома, яъни олов ёқиш шартларини адо этиб, уни ўчиб қолишдан сақлайдиган бир кишини уйига юборишини сўради ва муаллим, шогирдларини навбат билан унинг уйига юборар эди. Бир кун Жайнавалкъянинг навбати келди. У чиройли ва тоза кийимли эди; сафарга кетган киши хотинининг кўзи олдида буюрилган вазифани бажараётганида хотин унинг ясаниб-безаниб юришини ёқтирмади. Жайнавалкъя хотинининг бекитиб турган [севгиси]ни фаҳмлади.

У вазифадан бўшаб, хотиннинг бошига сепмак учун қўлига сув олганида — дуодан кейин суфлаш ўрнига ҳиндларда сув сепилади, чунки суфлаш уларча, қаттиқ ҳаром ҳисобланади — хотин: «Сувни ана шу устунга сеп», дейди. Жайнавалкъя устунга сепган эди, устун ўша ондаёқ кўклаб кетди. Хотин ўзининг қилган камчилигига ўқиниб, иккинчи куни муаллим олдига бориб: «Кечаги юборган кишингизни бугун ҳам юборсангиз», деб илтимос қилди, Жайнавалкъя эса фақатгина ўз навбатида боришини билдириб, бугун боришдан тортинди. Бу тўғридаги илтимосни қабул қилмади ва муаллимнинг ғазабланишига эътибор бермади. Лекин муаллимга «Менга ўргатганларингни қайтариб олақол», деди. Жайнавалкъя шуни айтгач, ўрганганларини унутди. Шунда Жайнавалкъя Қуёшга мурожаат қилиб, ўзига ведани ўргатишни сўради. Қуёш бўлса «Мен доимо ҳаракат қиламан, сен бундай ҳаракатдан ожизсан, мендан ведани ўрганишинг қандай мумкин бўлади», деди. Жайнавалкъя эса қуёш аравасига осилиб олиб, ундан ведани ўрганишга тутинди ва арава ҳаракатидаги бетинчлик сабабли калималарни бир-биридан ажратиб ўқишга мажбур бўлди.

Сомаведада эса қурбонликлар, буйруқлар, ман қилинган нарсалар баён қилинади ва ашула сингари куй билан ўқилади. Шу сабабли у сомаведа деб аталган. Чунки ёқимли сўз сома дейилади. Сомаведанинг куй билан ўқилишининг сабаби шуки, Норояна Вомана сувратида бўлиб, Боли подшоҳ олдига келганида ўзини браҳман қилиб сомаведани мунгли куй билан ўқишга тутинди ва шундай ўқиши сабабли Боли подшоҳни бетоқат қилди, ниҳоят, ўша бўладиган иш бўлди.

Атҳарванаведага келсак, бу аввалги иккала назм сингари эмас; бунда калималар бир-бирига туташтириб ўқилади. Лекин бу, учинчидан саналиб, бҳара деб аталади ва димоғ билан қироат қилиниб ўқилади. Одамлар бунга жуда кам рағбат қиладилар. Бунда ҳам олов учун қилинадиган қурбонликлар, ўликлар ҳақидаги буйруқлар ва ўликлар учун қилинадиган лозим амаллар баён этилади.

Пуруналарга келганда — пуруна маъноси энг олдинги, қадимги демакдир — пуруна китоблар ўн саккизта бўлиб, аксарийси ҳайвонлар, одамлар ва фаришталар || исмлари билан аталади. Чунки кўпи уларнинг хабарларини ўз ичига олади ёки у китоблардаги сўз ёки турли масалаларга берилган жавоблар ўшаларнинг хабарларига тегишли бўлади.

Пуруна китобларини риши деб аталадиган гуруҳ ишлаган. Бу китобларнинг кишилар оғизларидан менга эшитилгани мана шу қуйидагилар:

- [1] Оди-пуруна, яъни энг аввалги [пуруна];
- [2] Мачъя-пуруна, яъни балиқ;
- [3] Кўрма-пуруна, яъни тошбақа;



[4] Вароҳа-пуруна, яъни чўчқа;  
 [5] Наросимҳа-пуруна, яъни шер бошли одам;  
 [6] Вомана-пуруна, яъни аъзоси кичиклашиб, бужмайиб қолган киши;

- [7] Вожу-пуруна, яъни шамол;  
 [8] Нанда-пуруна — бу Маҳодеванинг хизматчиси;  
 [9] Сканда-пуруна — бу Маҳодеванинг ўғли;  
 [10] Одитъя-пуруна ва;  
 [11] Сома-пуруна — бу иккаласи Қуёш ва Ой;  
 [12] Сомба-пуруна — бу Вишнунинг ўғли;  
 [13] Брахмонда-пуруна — бу осмонлардир;  
 [14] Моркандева-пуруна — бу катта ришидир;  
 [15] Торкшъя-пуруна — бу анқо;  
 [16] Вишну-пуруна — бу эса Нороянадир;  
 [17] Бароҳим-пуруна эса ўз устига олам юкланган табиат;  
 [18] Бҳавишъя-пуруна, яъни келгусидаги коинот баёни.

Шу китоблардан «Мачъя», «Одитъя ва «Вожу» [пуруналар] парчаларидан бошқа ҳеч бир китоб ва парчани кўрмадим.

Ундан ташқари «Вишну-пуруна»дан бўлган бошқа рўйхатдаги пуруналарни менга ўқиб беришди. Турли хабар ва сўзларига мурожаат қилишда керакли бўлар деб уларни ҳам китобимга киргиздим. Улар [шулардан иборат]:

- [1] Бароҳим;  
 [2] Падма, яъни қизил нилуфар;  
 [3] Вишну;  
 [4] Шива, яъни Маҳодева;  
 [5] Бҳагавати, яъни Васудева;  
 [6] Нарада, яъни Бароҳимнинг ўғли;  
 [7] Моркандева;  
 [8] Агни, яъни олов;  
 [9] Бҳавишъя, яъни келгусида вужудга келувчи;  
 [10] Брахмавайварта, яъни шамол;  
 [11] Линга, яъни Маҳодева аврот [олат]ининг шакли;  
 [12] Вароҳа;  
 [13] Сканда;  
 [14] Вомана;  
 [15] Кўрма;  
 [16] Мачъя, яъни балиқ;  
 [17] Гаруда, яъни қуш; бу Вишну миниб юрадиган улов;  
 [18] Брахманда;

«Вишну-пуруна»дан саналадиган пуруналарнинг исмлари ана шулардир.

Аммо «Смрити» китоби буйруқлар ва ман қилинган нарсалар ҳақида бўлиб, ведадан чиқариб олинган китобдир. Буни Бароҳимнинг йиғирма ўғли тузган. Уларнинг исмлари мана шулар:

- |              |                 |
|--------------|-----------------|
| 1. Опастамба | 11. Жайнавалкья |
| 2. Парошара  | 12. Атри        |
| 3. Шототапа  | 13. Ҳорета      |
| 4. Самварта  | 14. Ликҳита     |
| 5. Дакша     | 15. Шанкха      |
| 6. Васиштҳа  | 16. Гавтама     |
| 7. Ангирас   | 17. Брихаспати  |
| 8. Жама      | 18. Котъёяна    |
| 9. Вишну     | 19. Вьёса       |
| 10. Ману     | 20. Ушанас.     |

Ҳиндларнинг ўз динларининг фикҳ ва калом илмлари, зоҳидлик, худодик даражасига етиш, дунёдан халос бўлишни талаб қилиш тўғрисида китоблари бор.

Масалан, Гауда номли зоҳид тузган, унинг исми билан машҳур бўлган китоб. Илоҳий тушунчалар хусусида Капила тузган «Санкҳья» номли китоб, халосни талаб қилиш ва нафснинг ўз маъқули билан бирлашуви тўғрисидаги «Патанжали» китоби; веда ва унинг тафсир ва изоҳи, веданинг яратилганлиги ва фарзларнинг суннатлардан ажратилиши хусусида Капила тузган «Нъёябҳошо» китоби ва худди шундай мақсадда Жаймини тузган «Мимонсо» китоби; баҳс ва текширишларда фақатгина сезишга таяниш тўғрисида Муштарий [Брихаспати] тузган «Локоята»<sup>5</sup> китоби; турли текшириш ишларида ҳам сезги, ҳам хабарга асосланиш ҳақида Суҳайл [Агастья] тузган «Агастьямата» китоби; «Вишну-дҳарма» китоби — дҳарманинг тафсири савоб ва мукофот демасдир. Лекин бу дин ишларидан ҳисобланади. Гўё шу китоб «тангрининг дини» бўлиб, Нороянага нисбат берилади. Яна Вьёса шогирдлари тузган китоблар ҳам шунга мисол бўлади. Булар: «Девала», «Шукра», «Бҳоргава», «Брихаспати», «Жайнавалкья» ва «Ману» дейиладиган китоблардир.

Ҳиндларнинг ҳамма фанда китоблари кўп ва уларнинг исмларини ким йиғиб айта олади? Айниқса, у китобларга бегона бўлган киши қандай йиғи олинсин?!

Ҳиндларнинг бир китоби бор, уни шундай улуғлайдилар: «Бошқа китобларда учратиладиган нарсалар, албатта, бу китобда топилади, аммо бу китобдаги ҳар бир нарса бошқа китобларда топила бормади», деб қатъий ҳукм қиладилар. У китоб исми «Бҳарата» бўлиб, уни Панду авлоди билан Куру авлоди ўртасидаги катта уруш кунларида Пароша-

ра ўгли Вьёса тузган. Шу исм билан ўша кунларга ҳам ишорат қилинади.

Бу китоб ўн саккиз бўлимдан, юз минг шлокадан иборатдир. Ҳар бир бўлим исмига парва<sup>6</sup> сўзи қўшиб айтилади.

Биринчи бўлими — «Сабҳа-парва», яъни подшоҳ турган жой. Иккинчиси — «Арана», яъни Панду авлодининг урушга ҳозирланиб кўриниши сабабли саҳрога чиқишидир. Учинчиси — «Вирота», яъни бир подшоҳ исми бўлиб, Панду авлоди бекинган пайтларида шунинг мамлакатада бўлганлар. Тўртинчиси — «Удёга», яъни урушга ҳозирликдир. Бешинчиси — «Бҳишма». Олтинчиси — «Дрона-браҳман». Еттинчиси — «Кўёш ўгли Карна». Саккизинчиси — «Дуржонанинг биродари — Шалъя». Булар катта ботирлардан бўлиб, бири ўлдирилгандан кейин бошқаси урушга бошчилик қилган. Тўққизинчиси — «Гадо», яъни гурзи тўқмоқ. Ўнинчиси — «Сауптика», яъни уйқудаги кишиларни ўлдиришидир. Дрона ўгли Ашваттҳома Пончала шаҳрига кечаси бостириб кириб, ундаги кишилар қатори уйқудаги кишиларни ҳам ўлдирган. Ўн биринчиси — «Чалапрадоника» — ўликлар номи билан каплаб-каплаб сув ичишидир. Бу иш еган нарсаларининг нажаслиги ва жинсий алоқалари сабабли чўмилгандан кейин қилинади. Ўн иккинчиси — «Стри», яъни хотинларнинг ўлганга йиғлаши. Ўн учинчиси — «Шонти» бўлиб, кўнгиллардан ҳасад ва душманликларни чиқариш хусусидаги йигирма тўрт минг шлокадан иборатдир, бу тўрт қисмдан иборат.

[1] «Рожадҳарма» — подшоҳларга бериладиган савоб тўғрисида;

[2] «Донадҳарма» — садақалар бадалига бериладиган савоблар тўғрисида;

[3] «Опаддҳарма» — бечора ва қийинчиликда қолганларга берилдиган савоблар тўғрисида;

[4] «Мокшадҳарма» — дунёдан халос бўлган кишига берилдиган савоб тўғрисида.

Ўн тўртинчи бўлим «Ашвамедҳа» бўлиб, бу — аскар билан қўшиб подшоҳга восита қилинган юк ҳайвонининг қурбон қилинишидир. Бу ҳайвон оламда айланиб юради ва жарчи: «Бу ҳайвон олам подшоҳи учундир, ким бундан юз ўғирса, майдонга чиқсин», деб чақиради. Браҳманлар у ҳайвоннинг кейинида юриб, у тезаклаган жойда олов учун қурбонликлар қиладилар.

Ўн бешинчиси — «Мавсала»; бу — Жодунинг Васудева қабиласи билан урушиши. Ўн олтинчиси — «Ошрамавоса», яъни ватанни ташлаб кетиш. Ўн еттинчиси — «Прастҳона» бу эса нажот топишни истаб, мулк ва мамлакатни ташлаш. Ўн саккизинчиси — «Сваргорўҳана», яъни [ҳурмат юзасидан] жаннат томонга қараб типпа-тик туриш.

Шу ўн саккиз бўлимга «Ҳаривапша-парва» деб аталадиган бошқа бир бўлим қўшилади. Бунда Васудевага тегишли хабарлар бор.

Шу китобда муаммолар сингарини лафз ва иборатлари бир неча маънони || кўтарадиган кўпгина жойлар бор. Ҳиндларнинг таъкидлашича, 65 унинг сабаби қуйидагидай: Вьёса Бароҳимдан ўзи учун «Бҳарата»ни ёзувчи бир кишини топишни сўраган ва ўзи эса у китобни ёддан айтиб турмоқчи бўлган. Шунда Бароҳим ёзишни ўз ўгли Виноякага ҳавола қилган — Винояка исмидаги санамнинг боши фил боши сингарини қилиб ишланади — шу пайтда Винояка ёзишдан уни тўхтатмасликни Вьёсага шарт қилган. Вьёса эса фақатгина тушунган нарсасинигина ёзишни Виноякага шарт қилган. Шу ёзишлар орасида котибни фикр юргизишга мажбур қиладиган сўзларгина келтириллар эди ва шу сабабли ёддан айтаётган киши бир оз дам ҳам олар эди.

---

## Ун учинчи боб

### ҲИНДЛАРНИНГ ГРАММАТИКА ВА ШЕЪР ҲАҚИДАГИ КИТОБЛАРИ БАЕНИ

Илмлардан шу икки фан бошқа илмларни ўрганишга восита бўлади. Ҳиндлар Въякарана<sup>1</sup> деб аталадиган тил илмини бу икки фандан олдинга қўядилар. Въякарана — улар сўзларини тузатадиган наҳв, хат ёзишда балоғатли, нутқ сўзлашда фасоҳатли, етук ва уста қиладиган иштиқоқ илмидан иборатдир. Биз бу илмни ўрганолмадик, чунки бу биз ўрганолмаган асл [илдиз], яъни луғат ва тилнинг шохобчасидир.

Ҳиндларнинг шу бобга тегишли китобларидан исми менга эшитилгани мана шу қуйидагилар:

[1] «Аиндра» китоби; буни фаришталар раиси Индра тузган дейилади.

[2] «Чандра» китоби; буни Чандра ишлаган. Бу киши Будданинг суҳбатдошларидан бўлиб, «Қизйл кийимлилар» гуруҳидан эди.

[3] «Шоката» китоби; бу китобга тузувчининг исми берилган, тузувчининг қабиласи ҳам шу исм билан аталиб, Шокатояна дейилади.

[4] «Понини» китоби; бунга ҳам тузувчининг исми берилган.

[5] «Қотантра» китоби; буни Шарваварман тузган.

[6] «Шашидевавритти» китоби; буни Шашидева тузган.

[7] «Дургавивритти» китоби;

[8] «Шишъяҳитовритти» китоби; буни Уграбхўти тузган.

Менга ҳикоя қилинишича, бу автор шу биз яшаб турган замондаги шоҳ Жайпола ўғли Анандаполанинг<sup>2</sup> муаллими ва унга одамлар билан муомала қилишни ўргатувчиси бўлган. Уграбхўти шу китобини тузиб бўлгач, уни Кашмирга юборганида кашмирлилар кибирланиб ва улугланиб китобни тақдир этмаганлар. Шунда у киши ҳалиги шоҳга шикоят қилган. Шоҳ унга шогирд бўлганлиги сабабли уни мақсадига эриштиришни ўз устига олиб, устозининг китобини мутолаа қилувчиларга тарқатилиши учун Кашмирга икки юз минг танга ва шунга ўхшаш ҳадялар юборишга буюрган. Шундан кейин кашмирлилар бу китобга ёпирилиб

ва ҳаёдан умидвор бўлиб, ундан кўп нусхалар кўчирилган. Китоб шухрат қозониб, эътибори ортган.

Ҳиндларнинг айтишларича, уларда наҳв илмининг бошланishi мана шундай бўлган: уларнинг подшоҳларидан Самалвоҳана, дурустроқ айтилиши Сотавоҳана исмли бир подшоҳ бир кун ҳовузда хотинлари билан ўйнашиб туриб, уларнинг бирига: «Моудакам деҳи», яъни менга сув сепма, деган. Хотин: «Подшоҳ, модакам деҳи, яъни ҳолга олиб кел, деябди», деб гумон қилиб, ҳолва олиб келган. Подшоҳ: «Сенга ҳолва келтир демадим-ку» деганида, хотин дағал гапириб, қўпол жавоб берган. Шу сабабли подшоҳ хафа бўлиб, ўз ўрталаридаги одатга кўра овқат емай пардага кириб олган, шўхоят, ҳинд олимларидан бири подшоҳнинг олдига келиб, унга наҳв ва сарф илмини ўргатиши ваъда қилиб, унинг гам ва гуссасини кетказган. Уша олим салавог ва тасбеҳ айтиб, рўза тутиб, ялиниб-ёлбориб Маҳодевага борган. Охири Маҳодева унга кўришиб, Абул Асвад ад Дуалий<sup>3</sup> араб тилида гузган қондалар сингари, енгил қондаларни унга ўргатиб, бундан кейин шохобча қондаларни ўргатиши ваъда қилган. Олим подшоҳ олдига қайтиб келиб, унга ўша қондаларни ўргатган. Наҳв илмининг бошланishi ана шундай бўлган.

Бу илмдан кейин чанда дейилган илм келади. Чанда аруз илмига муқобил турадиган шеър вазнларидан иборатдир. Ҳиндлар чандага жуда мўхтожлар, чунки уларнинг китоблари назм билан тузилган. Едлаш-ни осонлаштириш, зарурат бўлмаса турли илмларда китобга мурожаат қила бермаслик учун китобларини назм билан тузишни мақсад қилиб олганлар. || Чунки кишининг кўнгли келинган ва тартибли ҳар бир нарсага қизиқади, тартибсиз нарсадан нафратланади. Шунинг учун 66 ҳиндларнинг кўплари маъносини билмасалар ҳам, манзум асарларни берилиб ва қизиқиб ўқийдилар, шодланиб ўйнаб бармоқларини шақил-латадилар. Ўрганиш осон бўлса ҳам, сочма асарларни рағбат қилмайдилар.

Уларнинг кўпроқ китоблари шлокалардан иборатдир. Мен Иқлидус ва Алмажаастий<sup>4</sup> китобини ҳиндларга таржима қилиб кўрсатишда ва астролаб санъатини ёзиб беришда шу шлокалар сабабли қийналмоқдаман. Чунки илм тарқатишга ва уларда йўқ илмининг уларда ҳам бўлишига қизикман. Агар ўзларида йўқ илмий бир нарса уларга келиб қолса, уни маъносини фаҳмлаб бўлмайдиган шлокаларга солиб ишлаш билан шугулланишлар. Чунки назмда такаллуф ва қийналишга эҳтиёж тушади. Бу ҳол уларда ишлатиладиган сонларни баён қилганимизда равшан бўлади. Бўлмаса, астролаб санъатини сочмалигича ёзишга уринилади. Лекин улар сочма асарга нафрат билан қарайдилар. Улар тўғрисида гапирётганимда худо менга инсоф ва адолат берсин.

Чанда, яъни шеър вазни санъатини дастлаб Пингалу ва Чалиту юзага чиқарган. Бу бобда ишланган китоблар кўп. Уларнинг энг маш-

ҳури «Гайситу» китоби бўлиб, бунга тузувчисининг исми берилган, ҳатто аруз ҳам шу исм билан аталган.

Яна «Мригалончану», «Пингалу» ва «Авлиёнд» китоблари машҳурдир. Шу китобларнинг биронтасини ва «Бароҳим-сиддиҳонта»да вазилар ҳисоби ҳақида тузилган мақоланинг кўпини, ҳиндларнинг аруз қоидаларини аниқлаб биладиган даражада, мутолаа қилолмадим. Шу билан бирга, яхши ҳидини искаган нарсамдан юз ўгиришни дуруст кўрмайман ва уни атрофлича ўрганишни вақтга ҳавола қиламан.

Улар Ҳалил ибн Аҳмад<sup>5</sup> ва арузчиларимиз тасвирлаганидек, ҳарфларни санашда сукунли [ҳаракатсиз] ва ҳаракатли ҳарфларни мана шу икки белги / < билан тасвирлайдилар. Буларнинг биринчиси, яъни сўл томондагиси — чунки улар сўл томондан ёзадилар — лагху деб аталади. Бу енгил демакдир. Иккинчиси, яъни ўнг томондагиси гуру деб аталади. Бу оғир демакдир. Оғир вазннинг миқдори аввалгининг, [яъни енгилнинг] икки баробари бўлиб, икки енгил бир оғир ўрнида туради.

Улар ҳарфларининг узун [дергҳа] деб аталадигани ҳам бор. Унинг вазни оғир бўғиннинг вазнига баробар бўлади. Улардаги енгил [лагху] ва оғир [гуру] ҳолини арабчадаги мисоллари билан кўрсата оладиган даражада ҳозиргача аниқлаёлмасам ҳам, узунни [ко, кэ, кў сингарини] сукунли иллат — касал ҳарфлар [яъни унли] деб гумон қиламан. Лекин тўғрироқ гумонга кўра аввалгиси сукунли эмас, кейингиси ҳаракатли эмас. Балки аввалгиси фақатгина ҳаракатли, кейингиси эса бизнинг арузимиздаги «сабаб»га ўхшаш ҳаракатли ва сукунли ҳарфдан тузилгандир. Аммо улар енгилнинг бирмунча белгиларини кетма-кет бир ерга йиғиб кўрсатадилар, ана шу нарсанинг [нинг тўғрилиги]га шубҳам бор. Ҳолбуки, араблар сукунли икки ҳарфни бир ерга йиғиб ишлатмайдилар. Лекин бошқа тилларда ишлатиш мумкин. Ундай ҳарфларни форс арузчилари «енгил ҳаракатли ҳарфлар» — Мутаҳаррирот ҳафифат ал ҳаракат — деб атайдилар. Чунки шундай [ундош] ҳарфлар учтадан ошиб кетса, сўзловчига қийинлик келтиради, балки талаффуз қилиш мумкин бўлмайди: ва [агар араб тилида]: баданука камасали сифатика ва фамука бисаъати шафатика — баданинг сифатингга мос ва оғзинг лабинг кенглигичадир, деганимизда бир ерга йиғилган ҳаракатли ҳарфлар талаффуз қилишга бўйсунганидек бўйсунмайди.

67 Шунга ўхшаш сукунли ҳарф билан бошлаш || қийин бўлишига кўра, ҳиндларда кўпроқ исмлар сукунли бўлмаган ҳарфлар билан бошланади. Бундай ҳарф — ҳаракати яширин ҳарфлардан саналади. Байтнинг аввали шундай бўлса ўша ҳарфни санокдан [қатордан] туширадилар, чунки сукунли оғир [ҳарф]нинг шарти шуки, у олдинда эмас, кейинда келиши керак.

Сўнгра мен сенга айтсам, бизнинг арузчиларимиз шеър ясаш учун феъллар [афоил]дан қолиплар тузганлари ва сўзларнинг ҳа-

ракатли ва сукули ҳарфи учун рақамлар белгилаб, вазнга солинган сўзни қолип билан, унинг ҳарфларини рақам билан баён қилганлари сингари, ҳиндлар ҳам енгил ва оғирни олдин ва кейин қўйиб, ҳарфларнинг сонидан эмас, миқдор ва ўлчовларида вазни сақлаш билан енгил ва оғирдан таркиб топган калималар учун номлар тайин қиладилар ва шу номлар билан белгиланган вазни кўрсатадилар. Миқдор ва ўлчовдан мақсад шуки, лагху бир мотро, яъни бир миқдор, гуру эса икки мотродир. Шунда ёзувдаги сонга қаралмайди-ю, ўлчовдаги сонга қаралади. Масалан, шаддали ва танвинли ҳарфларнинг ҳар бири ёзувда битта бўлса ҳам, шаддалиси сокин ва ҳаракатли, танвинлиси ҳаракати ва сокин деб ҳисобланади.

Аммо енгил ва оғир якка-якка турганида енгил [яъни лагху] ла, кали, рўпа, чомара ва гракҳа деб ҳам аталади: оғир [гуру] эса га, нивра, ним [ярим] аншака деб ҳам аталади. Тўлиқ аншака албатта икки граҳа бўлади ёки икки граҳага ҳамвази бўлади. Шу исмлар аруз китобларининг ўзида назм учун ишлатилади. Шу сабабли бири мувофиқ келмаса, бири мувофиқ келсин, деб ҳиндлар номларни кўпайтирганлар. Мураккаб [муздавиж]ларга келганда, уларнинг ҳам сон ва ҳам ўлчов билан бўлган икки ўлчовлиси — иккилиги шу: ||; ўлчовсиз фақатгина сон билан бўлгани мана бу:

| < белги билан < | дир. Бу кейинги < | си криттика деб аталади. Бу иккаласи ўлчовга айлантирилганда мана шундай ||| учлик бўлади.

Тўрт ўлчовлининг исмлари ҳар бир китобда турлича бўлишига кўра мана шулар [дан иборат] дир;

<< пакша, бу „ойнинг ярми“;

|| < жалуну, яъни олов;

|< | мазу;

< || парвата, яни тоғ—бу ҳора ва раса деб ҳам аталади;

|| || гҳана — бу кубдир.

Беш ўлчовлининг белгилари кўп бўлса ҳам, исм берилганлари мана шулар;

| << ҳастин, яъни фил;

< | < кома, яъни муроду мақсад;

<< | [лакуна];<sup>6</sup>

||| < кусума.

Олти ўлчовлиси мана шу: <<<

Ҳиндларнинг баъзилари ўша белгиларни шатранж қуроллари билан баён қиладилар. Улар филни жалана, рухни маза, пиёдани парвата, асбни гҳана деб атайдн.

Ҳарибхатта ўз исми билан атаган луғат китобида енгил [лагху] ва



ва оғир [гуру]дан қўшилиб таркиб топган учликларга ҳиндларнинг якка ҳарфларини ном қилиб берган. У ҳарфлар ўша таркиблар рўпарасига ёзилган:

[Диаграмма]

м	<<<	: олтилик;
й(ж)	<<<	: ҳастин;
р	< <	: кома;
т	<<	: лакуца;
с	<	: жалаана;
ж	<	: миза [мадхья];
бҳ	<	: парвата;
н		: учлик.

Ҳарибхатта шу ҳарфлар орқали ўша таркибларнинг қандай ишланганини ургатиб, мана шундай деган:

- 68 Аввалги қаторга икки тур — навнинг бирини | холис қилиб қўй [масалан: <<<], кейин уни иккинчи навга қўш, иккинчи навнинг бирини аввалги навдан қолган иккита билан биргаликда иккинчи қаторнинг аввалига қўй [|<<], сўнгра шу қўшилгани тўртинчи қаторнинг охирига қўйгандек [|<<|] учинчи қаторнинг ўртасига қўй [|<|<], шу билан аввалги яримдан қутуласан.

Сўнгра иккинчи навни холис қилиб, [|||] энг қуйи қаторга қўй унинг тепасидаги қаторга аввалги навнинг бирини қўшиб, у қаторнинг аввалги [<||], унинг тепадаги қаторнинг ўртасига [|<|] ва у иккала қаторнинг юқорисидаги қаторнинг охирига қўясан. Шу билан иккинчи ярим тугалиб, учлик мураккаблардан ҳеч нарса қолмайди.

Энди [Ҳарибхаттанинг] таркиби ҳақида гапирсак, таркиби тартибли, лекин қаторларнинг тартибини таниташ учун келтирган ҳисоби тўғри эмас. Чунки у мана шундай деган:

«Қатор ҳарфларининг ҳар бири учун ҳамisha икки сонини асос қилиб қўй, натижа шундай 2, 2, 2 бўлади, сўлдагини ўртадагига кўпайтириб, ҳосилини ўнгдагига кўпайтир, шунда кўпайтирувдан чиққани енгилга [лагху] баробар бўлса, йиғилгани ўз ҳолича қолдир. Агар оғирга баробар бўлса, йиғилгандан биттани камайтир».

Ҳарибхатта олтинчи қаторни мана шу  $1 < 1$  сувратда кўрсатиб, иккинчи иккига кўпайтирган ва йиғилгандан биттани камайтириб, кейин қолган учини иккига кўпайтирган. Натижа олти бўлган. Лекин бу амал қаторларнинг кўпчилигида тўғри чиқмайди. Кўчиришда нусха бузилган бўлса керак.

Қаторларнинг қўйилиши тартибига келганда, агар тартиб шундай бўлганда тузилиши қуйидагидай бўлади:

1.	<	<	<
2.	<	<	
3.	<		<
4.	<		
5.		<	<
6.		<	
7.			<
8.			

Энди сатрлар таркибларидаги жуфт-жуфтликка кўра ўнг сатрнинг тузилиши бир марта бир хил, иккинчи марта бошқа хил, ўрта сатрнинг тузилиши бир турдан иккита, бошқа турдан иккита, сўл сатрнинг тузилиши бир турдан тўртта, иккинчи турдан ҳам тўртта бўлса, кейин айтиб ўтилган ҳисоб иши кўрилиб, қаторнинг бошланиши оғир ҳиссасига баробар бўлиб, кўпайтиришдан олдин у ҳиссадан битта камайтирилса, агар кўпайтирганда оғир ҳиссасича бўлиб кўпайишдан битта камайтирилса, қатор мартабасининг сонидан истаган нарса ҳосил бўлади.

Арабларнинг байтлари аруз ва зарб исми билан иккита яримтага бўлинганидек, ҳиндларнинг байтлари ҳам икки қисмга бўлиниб, ҳар бир қисми оёқ деб аталади. Юнонлар ҳам байтларни оёқлар деб атайдилар<sup>7</sup>. Сўзлардан тартиб топадиган оёқлар силлабий<sup>8</sup> бўлади.

Ҳарфлар унли, унсиз, узун, қисқа ва ўртача бўлади.

Байт уч оёққа бўлинади; тўрт оёққа ҳам бўлинади — бу кейингиси кўпроқ учрайди. Баъзан ўртада бешинчи оёқ орттирилади-ю, қофияга киргизилмайди. Лекин биринчи ва иккинчи оёқнинг охири битта ҳарф бўлиб, қофиядош сингари бўлса, шунингдек, учинчи ва тўртинчи оёқнинг охири ҳам битта ҳарф бўлса, бу турдаги байт орё деб аталади.

Оёқ хилининг || енгил [лагху] билан тугатилиши керак бўлса ҳам, маълум бир оёқнинг охирида енгилнинг оғир [гуру]га айлантирилиши мумкин бўлади.

Ҳиндларнинг шеърлари, уларнинг тармоқлари ва қисмлари жуда кўп баҳрларни ўз ичига олади.

Беш оёқли шеърда бешинчи оёқ иккита аввалги билан иккита кейингининг ўртасига жойлашади.

Шеър ҳарф [бўгин]ларининг сонига қараб, номлари турлича бўлади. Шеърга тобе бўлиб келадиган нарсага қараб ҳам номлар шундай бўлади. Чунки улар қасидада ҳамма байтларнинг бир хилда бўлишини истамайдилар, дебоcha сингари раг-баранг бўлиши учун барча қасида байтларини кўп хил [вази]ларда тузадилар.

Аммо тўрт оёқли байтнинг тўртликдаги вазияти мана шу сувратда бўлади:

	аншака	аншака	
Биринчи оёқ	пакша << парвата <   жалана   <	пакша << парвата <   пакша <<	Учинчи оёқ
Иккинчи оёқ	пакша << жалана   < маза [мадхъя]  <  парвата <   пакша <<	пакша << жалана   < маза [мадхъя]  <  парвата <   жалана   <	Тўртинчи оёқ

Шу [юқоридаги схема] мисол ҳиндларнинг вазнига солинган шеърларидан тўрт оёқли скандҳа деб аталадиган нав учун келтирилди. Бу нав иккита яримта бўлиб, ҳар бирида саккиз аншака бўлади. У саккиз аншака фардларидан биринчи, учинчи ва бешинчиларда маза, яъни мана шу |<| шаклнинг бўлиши дуруст бўлмайди. Олтинчи фардда эса тўғри келишига қараб, маза ёки гҳананинг бўлиши зарур бўлиб, у иккисидан бошқанинг бўлиши тўғри эмас.

Шу шарт амалга оширилса, тўғри келишига ёки исталишига қараб, бошқа аншакада маза ёки гҳана келтирилиши дуруст бўлади. Лекин бу ўлчовдан камайтирмаганинг ва кўпайтирмаганингдан кейин мумкин, холос. Оёқлар қолипни аншакалар билан тузатсанг, шу пайтда тўрт оёқни мана шундай қўясан:

Биринчи оёқ: << <|| ||<

Иккинчи оёқ<sup>9</sup>: << ||< |<| <|| <<

Учинчи оёқ: << <|| <<

Тўртинчи оёқ: << ||< |<| <|| ||<

- 70 || Кейин вазнга солмоқчи бўлган шеърни ўша қолипларга мосла. Арабча қолипларнинг аломатлари ҳаракатли ва сукунли ҳарфлар қолипларнинг қаршисида мана шу рақамлар билан бўлади. Бунинг мисоли шуки, биз энгил соғлом тўла қолипларини унинг ҳар бир аруз вазнида афоил калималари билан баён қилиб: фоилотун мустафъилун фоилотун, деймиз. Бунинг белгилари мана шу: 1010010 1001010 1010010; ҳинд рақамлари билан белгилари мана бу: <<|<<|<< <<|< [ҳинд ёзуви чапдан бўлгани сабабли] у рақамлар айланттирилган. Менга аруз фанидан уни бировга танитарлик илм ҳосил бўлмаганини юқорида қайта-қайта айтиб, уэр баён қилдим. Шундоқ бўлса ҳам, озгина уриниб уни танитаман: тўрт оёқлиларнинг ҳар биридаги рақамлар бири-бирига рўпаралигига кўра ўлчов ва сонда бир-бирига

ўхшайди, ҳатто бир оёқ танилса, бошқалари унга ўхшагани сабабли улар ҳам танилади. Булар бритта деб аталади.

Ҳиндларча, оёқ ҳарфларининг тўрттадан кам бўлиши тўғри бўлмайди. Чунки веда китобидаги оёқ шундай. Бунга қараганда оёқ ҳарфлари сонининг энг ками тўртта, энг кўпи йигирма олтига ва бритта сони йигирма учта бўлади.

Бриттанинг биринчиси тўртта оғир [гуру] ҳарфдан таркиб топади. У ҳарфлардан бирининг ўрнига иккита енгил [лагху] ҳарфни тиклаб бўлмайди.

Иккинчисининг аҳволи шубҳали бўлганидан уни баён қилмадик. Учинчисига келсак, унинг қолипи шундай:

гҳана, пакша;

||| <<

Тўртинчиси: иккита гуру, иккита лагху ва учта гуру;

<< || << <

Агар буни пакша, жалана, пакша дейилса, яхшироқ бўларди.

Бешинчиси: иккита криттика, жалана, пакша;

<|<| ||< <<

Олтинчиси: гҳана, маза, пакша;

|||| |<| <<

Еттинчиси: гҳана, парвата, жалана;

|||| <|| ||<

Саккизинчиси: кама, кусума, жалана, гуру;

<|< |||< ||< <

Тўққизинчиси: пакша, ҳастин, жалана, маза, гуру;

<< |<< ||< |<| <

Ўнинчиси: пакша, парвата, жалана, маза, пакша;

<< <|| ||< |<| <<

Ўн биринчиси: пакша, маза, иккита жалана, ҳастин;

<< |<| ||< ||< |<<

Ўн иккинчиси: гҳана, жалана, пакша, иккита ҳастин;

|||| ||< << |<< |<<

Ўн учинчиси: парвата, кама, кусума, маза, жалана;

<|| <|< |||< |<| ||<

Ўн тўртинчиси: ҳастин, пакша, парвата, кусума, парвата, лагху

|<< << <|| |||< <|| |

гуру;

<

Ўн бешинчиси: иккита пакша, парвата, кусума, иккита кома, гуру;

<< << <|| |||< <|< <|< < 71

Ўн олтинчиси: пакша, парвата, кама, кусума, пакша, лагху, гуру;

<< <|| <|< |||< << | <

Ўн еттинчиси: иккита пакша, парвата, гҳана, жалана, пакша,  
 << << <|| ||| ||< <<

кусума;  
 |||<

Ўн саккизинчиси: иккита пакша, парвата, гҳана, жалана, иккита  
 << << <|| ||| ||< <|<

кома, гуру;  
 <|< <

Ўн тўққизинчи: гуру, иккита пакша, парвата, гҳана, жалана  
 < << << <|| ||| ||<

иккита кома, гуру;  
 <|< <|< <

Йигирманчиси: тўртта пакша, жалана, маза, пакша, иккита маза  
 <<<<<<<<< ||< |<| << |<| |<|

гуру;  
 <

Йигирма биринчиси: тўртта пакша, учта жалана, иккита маза  
 <<<<<<<<< ||< ||<||< |<| |<

гуру;  
 <

Йигирма иккинчиси: тўртта пакша, кусума, маза, жалана, иккита  
 <<<<<<<<< |||< |<| ||< |<|

маза, гуру;  
 <| <

Йигирма учинчиси: саккизта гуру, ўнта лагху, кома, жалана,  
 <<<<<<<<< ||||| ||| <|< ||<

лагху, гуру.  
 | <

Фойдаси оз бўлса ҳам ҳикоя ва мисолларни узайтирдим, чунки шунда енгилларнинг [лагху] бир ерга йиғилиши кўриниб, уларнинг ҳаракатли экани, сукукли эмаслиги билинади. Ҳиндлар қолипларининг қандай бўлиши ва байтларининг тақтиъи<sup>10</sup> атрофлича ўрганилади. Айрим кишиларнинг гумонича, Ҳалил ибн Аҳмад ҳиндларда шеърлар учун вазнлар борлигини эшитган бўлиши ҳам мумкин. У [араб байтларини] қисқартирилган белгилар билан вазнлашда бирмунча муваффақият қозонган [зотдир]. Шлока шарти—қонун-қоидалари аниқ бўлиши учун шунчалик уриндик. Чунки уларнинг китоблари шлока билан тузилган.

Шуни айтиб қўямиз: шлока тўрт оёқлилардан ҳисобланади. Унинг ҳар бир оёғи саккиз ҳарfli [бўғинли] бўлиб, улар оёқларда бир-бирига мос келавермайди ва тўртталасининг охирлари бир хилдан, яъни

оғир хилдан бўлади. Бундай шлокада бешинчи ҳарф ҳамма оёқда ҳамиша енгил, ҳамма оёқда олтинчи ҳарф—оғир, иккинчи ва тўртинчи оёқнинг ҳар бирида еттинчи ҳарф—енгил ва қолган икки оёқда [яъни биринчи ва иккинчида] оғир бўлиши шарт. Бошқа ҳарфлар эса, улар қандай мувофиқ келишга ёки исталишга қараб енгил ёки оғир бўлади.

Шлокада ҳисоб ишлатиш кайфиятини билдириш учун Браҳмагупта айтганларини ҳикоя қилувчилардан [ушбуларни] келтирмоқчимиз:

„Шеър жинсларининг биринчиси гоятре, бу икки оёқли бўлади. Агар шу хилнинг ҳарфлари сонини йнгирма тўртта деб фараз қилсак, оёқ ҳарфларининг сони энг камида тўртта бўлса, мумкин бўлган камликка кўра икки оёқ мана шундай 4 | 4 бўлади. Лекин иккала оёқ учун фараз қилинган сон 24 та. Энди қолган 16 тани ўнг томон оёққа қўшамиз, ниҳоят иккала оёқ мана шундай 4 | 20 бўлади.

Агар шлока уч оёқли бўлса, оёқлар, албатта, бундай 4 | 4 | 16 бўлади. Чунки ўнг томон оёқ ҳамиша ажралиб туриб, айрим исм билан аталади. Ундан олдинги оёқлар ҳаммаси йнгилиб, битта бўлиб, [бу ҳам] айрим исм билан аталади.

Агар шлока тўрт оёқли бўлса, у оёқлар албатта бундай 4 | 4 | 4 | 12 бўлади.

Агар оёқда бўлиши мумкин бўлган тўрт сонининг устида амалиёт юргизмай, икки оёқли шлокада йнгирма тўрт ҳарфдан турли таркиблар || пайдо қилмоқчи бўлсак, чап томон оёққа биттани қўшиб, ўнг 72 томондагидан биттани камайтирамиз, иккаласининг ҳосилини ўзларининг тағига — ҳар бириникини ўзининг томониغا қўямиз ва шу амал икки йўлнинг аввалидаги иккита соннинг худди ўзига ўхшашлари мана шу сувратдагидек жой алмашишгунича давом эттирилади:

4	13	20	11
5	14	19	10
6	15	18	9
7	16	17	8
8	17	16	7
9	18	15	6
10	19	14	5
11	20	13	4
12		12	

Шу таркибларнинг сони аввалги икки сон фарқи, яъни 16 га битта қўшилганига, яъни 17 га тенгдир.

Аммо шлока уч оёқли бўлиб, ҳалиги фараз қилинган сонга мослаштирилса, унинг кам сон билан қўйилган биринчи қисми, айтиб ўтганимиздек, мана шундай 4 | 4 | 16 бўлади. Шунда ўнг оёқ ва урта

оёқ икки оёқли шлоканинг иккала оёғи ўрнига турғазилади ва шу оёқлар устида юқоридаги сингари амалиёт ижро этиб, ўнг оёқдан биттадан камайтириб, ўрта оёққа биттадан қўшиб борилади. Охирда аввалги иккки сон ўрин алмашишиб ҳосил бўлади. Сўл томондаги оёқда қайтаришдан бошқа иш қилинмайди, ҳатто мана шу шаклда ўн уч таркиб вужудга келади:

4	4	16
4	5	15
4	6	14
4	7	13
4	8	12
4	9	11
4	10	10
4	11	9
4	12	8
4	13	7
4	14	6
4	15	5
4	16	4

Лекин таркиблар олдин ва кейин қўйиш сабабли схемадагининг олти баробари, яъни етмиш саккизга бўлиб, ўнг томон оёқ ўз жойида туради; қолганлари эса жой алмашишиб, сўл оёқ ўрта ва ўрта оёқ сўл бўлиб қолади.

Сўнгра ўнг оёқ кўчирилиб, қолган икки оёқ ўртасига қўйилади. Бу иккала оёқ ўз ҳолида бўлиб, жойлари алмаштирилади.

Кейин ўнг оёқ сўл оёқнинг сиртқи томонига кўчирилиб, қолган икки оёқ ўзича қўйилиб, жойлари алмаштирилади. Яна: оёқ саноғларидаги ортиб бориш жуфтнинг жуфти каби бўлганидан тўртдан кейинги сон саккизга бўлиб уч оёқли шлока ҳарфларини мана шундай  $8 | 8 | 8$  қўйиш мумкин. Лекин сонларнинг хусусиятлари оёқлар учун бошқа тартибда бўлади. Тўрт оёқли шлока уч оёқликка қиёс қилиб ишланади“.

Юқорида айтилган мақоладан биргина варақдан бошқани кўрмадим. Албатта, бу сонга тегишли нафис қоида ва усулларни ўз ичига олган. Тангри муваффақият ва ризқ бериб, ўзидан миннатдор қилувчидир.

Юнонларнинг китобларидан тушунишимга кўра, улар шеър оёқларида ҳиндлар йўлидан юрганлар. Чунки Жолинус ўзининг „Қатожанус“ китобида шундай дейди || : „Менекратос юзага чиқарган турли ширалар билан тайёрланган дорини Демократес вазнга туширилган уч 73 мисрали шеър билан тавсиф қилган“.

---

---

Ун тўртинчи боб

ҲИНДЛАРНИНГ БОШҚА ИЛМЛАРГА ОИД  
КИТОБЛАРИ ҲАҚИДА

Илмлар кўпдир. Улар замони иқболли бўлиб, турли фикр ва хотиралар уларга қўшилиб борса, кўпаяди. Одамларнинг илмларга рағбат қилиши, илмларни ва илм аҳлларини ҳурматлаши ўша иқболнинг белгисидир. [Айниқса] ҳукмрон кишиларнинг илм аҳлини ҳурмат қилиши турли илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Чунки ҳукмроннинг шундай қилиши кишиларнинг, дунёнинг [кундалик] зарур ишлари билан овора бўлиб қолган қалбларини турли илмлар [билан шуғулланиш] учун бўшатиб қўяди. Ҳукмроннинг илм аҳлини кўпроқ мақтаб, улардан хурсанд бўлиши ҳам, илмларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Демак, сдамларнинг қалби буни севиш учун ва бунинг тескарисига эса нафрат билдириш учун яратилгандир.

Лекин замонимиз айтиб ўтилгандай замон эмас, балки унинг тескарисичадир. Шундай замон ва шароитда яшаш мажбурий бўлгандан кейин, қачон илм юзага чиқади ёки юзага чиққани қачон ривож топади? Бизнинг замонимизда мавжуд бўлган барча илм, ўша тасвирланган даврлардагина бўлган қадимги замон билимларининг қолдиқлари ва сқоваларидир.

Ер юзиде бирор нарса умумлашса, ҳар бир халқ у нарсадан ўз ҳиссасини олишга тутинади. Ушандай халқларнинг бири ҳиндлардир. Даврларнинг айланиб келишига уларнинг ишонишлари кузатишларидан кўриниб туради.

Ҳиндларда илми нужум жуда машҳур. Чунки уларнинг диний ишлари шу илмга боғлиқдир. Бирор киши астроном унвони билан аталмоқчи бўлинса, у киши фақатгина математик астрономияни билибгина қолмай, нужум ҳукмларини [астрологияни] ҳам билиши зарурдир.

Бизнинг суҳбатдошларимиз [мусулмонлар] биладиган [китоб] «Синд-ҳинд», уларча «Сиддиҳонта»<sup>1</sup>, яъни қинғирлашмайдиган ва ўзгармайдиган — тўғри демакдир.



Бизнинг фикримизча, мартабаси энжларимиздан қуйроқ бўлса ҳам, ҳиндлар қошида мартабаси юқори бўлган ҳар бир астрономия илмига тегишли китобга шу исм берилаверади.

Сиддиҳонта бешта бўлиб, биринчиси — «Сўрья-сиддиҳонта», яъни қуёш сиддиҳонтаси; буни Лота тузган.

Иккинчиси — «Васиштҳа-сиддиҳонта», Етти Қароқчи юлдузлардан бирига мансуб бўлиб, уни Вишнучандра тузган.

Учинчиси — «Пулиса-сиддиҳонта» бўлиб, буни Сайинтра шаҳридан бўлган юнонлик Павлисага\* нисбат беришади. У шаҳарни Искандария деб гумон қиламан. Буни Пулиса тузган.

Тўртинчиси — «Ромака-сиддиҳонта», буни Румга нисбат бериб шундай аташади; уни Шрешҳена тузган.

Бешинчиси — «Бароҳим-сиддиҳонта» бўлиб, буни Бароҳимга нисбат беришади; буни Бҳилламола шаҳарли Жишну ўғли Браҳмагупта ишлаган. Бу шаҳар Мўлтон билан Анҳилвара шаҳри оралигида, кейингисидан ўн олти жўжана<sup>2</sup> узоқдир.

Бу китоб тузганларнинг ҳаммаси биринчи ота деб ҳисобланган Бароҳимга мансуб бўлган китоб — «Пайтомаҳа»га<sup>3</sup> асосланди.

Бароҳимниҳира кичик ҳажмли энж ишлаб, унга «Панча-сиддиҳонтика» деб исм берган. Исмига қараганда, бу китоб ҳалиги бешта китобдан бор нарсаларни ўз ичига олиши керак бўлади; ҳолбуки, у ундай эмас ва улардан яхши ҳам эмас; ҳатто уни ҳалиги беш китобдан дурустроқ деб ҳам бўлмайди. Бу исми сиддиҳонта сони бешта эканлигини исботлайди, холос, дейдилар.

Сўнгра Браҳмагупта шундай дейди: «Сиддиҳонталар сони кўп. Уларнинг бири «Сўрья», бири «Инду», бири «Пулиса», бири «Ромака», бири «Васиштҳа» ва яна бири «Жавана», яъни «Юнонча» сиддиҳонтидир. Сиддиҳонталар сони кўп бўлса ҳам, фақатгина лафз ва иборати бир-бириникидан бошқа бўлиб, мазмунда бошқа эмас. Диққат билан эниқлаган киши уларнинг бир-бирига мувофиқ эканини биллади».

Пулиса ва Браҳмагупта ишлаган сиддиҳонталардан бошқа нусха ҳозиргача меннинг қўлимга тушмади. Браҳмагуптаникини ҳали таржима қилиб тамомлаганим йўқ.

74

|| «Браҳма-сиддиҳонта» бобларининг феҳрист — мундарижасини айтиб ўтаман; чунки бу мундарижа турли билимларни ўрганиш учун фойдалидир.

1. Шарнинг хусусиятлари, осмон ва Ер шакли тўғрисида.
2. Планеталарнинг даври, вақтларни ҳисоблаш, планеталарнинг ўрта жойларини ҳисоблаб билиш. Ейлар синусини топиш.
3. Планеталарнинг тақвими [узунламаси] ҳақида.

\* Арабча шакли, аввалгиси بولس кейингиси بولس

4. Уч масала тўғрисида. Улар эса соя, кундузининг ўтган қисми ва толен, улардан бирини бошқасига асосланиб ҳисоблаш.

5. Планеталарнинг қуёш шуъласидан ташқарига чиқиши ва қуёш шуъласида кўринмай қолиши ҳақида.

6. Ҳилолининг кўриниши ва икки учи [шоли]нинг вазияти ҳақида.

7. Ой тутилиши ҳақида.

8. Қуёш тутилиши ҳақида.

9. Ой сояси ҳақида.

10. Планеталарнинг бирлашиши ва яқинлашиши.

11. Планеталарнинг кенгламаси ҳақида.

12. Китоб ва зиждардаги [сўзлар]ни танқид қилиб, тўғрисида хатосидан ажратиш ҳақида.

13. Ҳисоб [фани]; сатҳлар ва шулар сингарини ўлчашда ҳисобни қўллаш ҳақида.

14. Планеталарнинг ўрта жойларини аниқ ҳисоблаш.

15. Планеталарнинг тақвимини [узунламасини] аниқ ҳисоблаш.

16. [Юқорида айтилган] уч масаладан ҳар бирини аниқ ҳисоблаш.

17. Тутилиш вақтининг хатоси ҳақида.

18. Ой туғилиши вақтини аниқ ҳисоблаб топниш ва унинг икки шоли масаласи.

19. Қуттака, яъни эзиш ҳақида, бунда талабни юзага чиқаришда жон-жаҳд билан киришишни [ўсимликдан] эзиб-сиқиб ёғ олишга ўхшатади. Бу боб жабр ва муқобала ва унга яқин масалалар, сонларга тегишли бошқа масалалар тўғрисида.

20. Сояга тегишли ишлар тўғрисида.

21. Шеър, аруз вазнларининг ҳисоблари тўғрисида.

22. Доиралар ва [астрономик] қуроллар тўғрисида.

23. Вақтлар ҳақида; тўрт миқдор [ўлчов бирлиги]: қуёш, унинг тулуви, ой ва унинг манзиллари билан белгиланадиган вақтлари ҳақида.

24. Назмли сўзлар орасида келадиган сонлар ва рақамларнинг аломатлари тўғрисида.

Ана шулар ҳаммаси йигирма тўрт боб.

Кейин Браҳмагупта шундай деган: «Йигирма бешинчи боб «Дхёна-граҳа-адхъяя»<sup>3</sup>. Бу бобда, топилмоқчи бўлган сон, ҳисоблаш билан эмас, ўйлаш билан чиқарилади». Бу [боб]ни мен шу ерда баён қилмадим. Чунки камчиликлар ҳисоб орқалигина йўқотилади. Гумонимча, [бу жойда] Браҳмагупта астрономияга тегишли теоремаларни исботлашга ишорат қилади. Бўлмаса, бу фаннинг бирон қисмини, математика илмини билмай туриб, қачон аниқлаб бўларди?

Сиддиҳонтадан қуйи даражада бўлган китобларнинг кўпи тантра ёки карана деб аталади. Тантра маъноси, «ишловчининг қўлида ишланган»; карана маъноси эса «сиддиҳонтага пярған» демакдир. Яна

уни [сиддихонтани] зоҳид, олимлар, яъни очаря ишлаган. Булар Бароҳимга иярувчилардир. Орябҳата<sup>4</sup> ва Балабҳадрадан<sup>5</sup> ҳар бирининг биттадан машҳур тантраси бор. Бҳонуяжасонинг «Расояна-тантра» номли китоби бор. Расоянага ўз бобида изоҳ берилган.

Караналарга келганда<sup>6</sup>, буларга тузган кишининг исми берилган. Браҳмагуптанинг «Карана-кҳанда-кҳодяка» номли китоби бор. Бу ном ҳиндларча, бир турли ҳолванинг исмидир. Бу китобнинг шу исм билан аталишининг сабабини мана шундай эшитдим:

75 Сугрива Шаманий бир зиж тузиб, уни «Дадҳи-сагара», яъни «Қа-тиқ денгизи» деб атаган; унинг шогирди бир зиж тузиб, «Кура-бабаё», яъни «Гурич тоғи» деб атаган. Сўнгра Инда ҳам зиж тузиб, унга «Лавана-мушти», яъни «Бир кап туз» деб исм берган. Шу сабабли Браҳмагупта овқат тўла-тўқис бўлсин, деб китобини «Ҳолва» деб атаган. Бу китобдаги [мавзу]лар Орябҳатанинг фикрига || мувофиқ ёзилган. Шунинг учун Браҳмагупта у асарга ияртириб бир китоб ёзиб, уни «Уттар-кҳанда-кҳадяка», яъни «Ҳолва» исмли китобнинг ҳақиқатини билдирувчи, деб атаган. Шу ҳолвага иярувчи бошқа бир китоб ҳам бор; бу Браҳмагуптаникими ё бошқаникими, аниқ билмайман. Бу китобнинг исми «Кҳанда-кҳадяка-типпа»дир. Бунда [Ҳолвада] сонларнинг ишлатиш сабаблари ва уларнинг қайси сонлар экани баён қилинади. Шу билан бирга, у китобни Балабҳадра тузган бўлса керак, деб гумон қиламан.

Банорас шаҳрида шарҳ ёзувчи Вижаянандиннинг «Карана-тилака», яъни «Иярувчиларнинг кўзга кўринарлиги» деб машҳур бўлган зижи бор. Ногарапура шаҳридан Бҳаддатта ўғли Виттешваранинг «Карана-сора», яъни «Иярувчилардан чиқариб олинган» деб атаган зижи бор.

Бҳонужасонинг «Карана-пара-тилака» исмли китоби бор. [Ҳиндларнинг] таъкидлашича, бу китоб ёрдамида баъзи ёритгичлар ўринларини бошқаларникидан ҳисоблаб чиқариш мумкин.

Қашмирли Утпаланинг «Роҳунро карана», яъни «Иярувчиларнинг синдирувчиси» ва «Карана-пота», яъни «Иярувчиларнинг ўлдирувчиси» номли асарлари бор.

Яна «Карана-чўдамани» исмли китоб бор. Бунинг ёзган кишини билмайман.

Кейин турли исмда бошқа китоблар ҳам бор. Масалан, Ману тузган «Қатта Монаса», Утпала тузган тафсир, жанубий ўлкалик Пунчала қисқартирган «Кичик Монаса», Орябҳатанинг «Дашажетико», «Орешташата» номли китоблари, ёзувчисининг исми билан юрадиган «Лако-нанда», Браҳман Бҳаттиланинг ўз исмидаги китоби ва шулар каби са-ноғига етиб бўлмайдиган даражада кўп китоблар бор.

Астрология ҳақида ёзилган китобларига келсак, Мондава, Парошара, Гарга, Бароҳим, Балабҳадра, Дивуататтва, Бароҳамиҳралардан

ҳар бирининг «Сангҳита» номли китоби бор. «Сангҳита» тўплам демакдир. Бу китоб сафарга чиқишда эсда тутиладиган ҳукмлар, ҳавода юз берадиган турли ҳодисалар, давлатларнинг ишлари, вақт ва замонга қараб турли ҳукмлар чиқариш каби бир қанча нарсани, кейин фаросат, туш таъбири ва зажр [яъни қушларнинг учишларига ёки берадиган товушлари]га асосланиб, келажакдан хабар беришларни ўз ичига олади. Ҳиндларнинг олимлари буларнинг ҳаммасига инонадилар. Астрологияни биладиган кишиларига, ҳаво ва оламда бўладиган ҳодисалардан баҳс қиладиган илми «Сангҳита» деб аташ расм бўлиб қолган.

Парошара, Сатъя, Маниттҳа, Живашарман ва юнонлик Маулардан ҳар бирининг «Жотака», яъни маволид [наботот, жамодот, ҳайвонот]га тегишли китоби бор. Бароҳамиҳиранинг ҳам «Жатака» деган катта ва кичик иккита шундай китоби бор; каттасига Балабҳадра шарҳ ёзган, кичигини мен араб тилига таржима қилдим.

Маволид бобида ҳиндларнинг катта бир китоблари бор; у «Соровале», яъни «Танланган» деб аталади; бу «Базедаж» исмли китобга ўхшайди; уни Қалаянаварман номли подшоҳ тузган. Бу киши илм фазилатидан обрў орттирган эди. Уларнинг «Соровале»дан кўра катгароқ, астрологиянинг ҳамма боби тўпланган ва «Жавана» деб машҳур бўлган яна бир китоби бор. Жавана деган юнонларники демакдир.

Бароҳамиҳиранинг кичик ҳажмли бирмунча китоблари бор; уларнинг бири «Шат-панчошико» бўлиб, турли масалаларга тегишли эллик олти бобни ўз ичига олади. Шунга ўхшаш, турли масалалар ҳақида ёзилган «Ҳорапанжа-ҳатрия» номли китоб ҳам бор. Сафарга чиқиш тўғрисида «Егаятра» ва «Тикане-ятра» исмли китоблар бор. Никоҳ ва уйланиш ҳақида «Вивоҳапатала» исмли китоб бор. Бино ва қурилишлар тўғрисида ҳам китоб<sup>7</sup> бор.

Сўнгра қушлар ҳолатига қараш билан фол очиш ва кўриш ҳақида «Срўзаҳава» номли китоб бор. Бу китоб уч хил нусхада бўлиб, бири Маҳодевага нисбат берилади. Иккинчисини Вималабуддҳи ва учинчисини Бангола тузган. Яна «Гудҳамана», яъни «Ғайб илми» деган китоб бор. Буни қизил кийимли шаманийларнинг раҳбари Буддҳа тузган. «Прашна Гўдҳомана», яъни «Ғайб илмига тегишли масалалар» номли китоб ҳам бор. Буни Утпала тузган.

Ҳиндларнинг бир қанча олимлари бор. Лекин уларнинг исмлари || битилган китобни [номлари] билан бирга учратмадим. [Уларнинг исмлари]: Праддиюмна, Сангахила, Дивокара, Паришвара, Сорасвата, Пирувона, Девакеритти ва Притхўдака-Своминдир.

Ҳиндларда астрономиянинг диний ишларга аралаштириб юборилганлиги бўлмаса, табобат илми астрономия билан бир қаторда ҳисобланади. Ҳиндларнинг китоб автори номи билан машҳур бўлган «Чаракка» деган китоблари бор. Уни табиблик тўғрисидаги ҳамма китобла-

ридан устун қўядилар. У авторни энг кейинги Двопара-югадаги Риши деб ўйлайдилар. У кишининг исми илгари Агнивеша эди. Кейин Сўтра-нинг энг олдинги авлодидан табиблик илмини ўргангач, Чарака, яъни «оқил» деб аталди. Сўтра авлоди ришилар бўлиб, улар табиблик илмини Индрадан ўрганган эдилар. Индра эса Дева табибларининг бири бўлган — Ашвиндан ўрганган. Ашвин эса Пражопатидан ўрганган. Пражопати биринчи ота — Бароҳимдир. Шу «Чарака» номли китоб бармакийлар<sup>8</sup> учун арабчага таржима қилинган эди.

Яна ҳиндларда илмнинг бошқа анчагина турлари ва санаб бўлмайдиган даражада кўп китоблар бор; лекин уларни атрофлича билолмадим.

Бизча «Калила ва Димна китоби» деб машҳур бўлган «Панчатантра»<sup>9</sup> деган китобни имконият топиб таржима қилсам деган орзуйим бор. Чунки у китоб Абдулла ибн ал Муқоффа каби ўзгартириб юбормасликларига инониб бўлмайдиган бир гуруҳ кишилар тили билан ҳиндчадан форсчага, сўнгра форсчадан арабчага таржима қилиниб келди. Абдуллоҳ ибн ал Муқоффа «Калила» китобига [ўзидан] Барзовайх бобини қўшди; бундан мақсади динга эътиқодлари кучсиз кишиларни шак-шубҳада қолдириш ва уларни Маннония мазҳабига чақираётганларга зарба бериш эди. Боб орттириб, ишончсиз бўлган киши таржимада ҳам орттириб, ишончсиз бўлишдан четда қололмайди.

---

*Ун бешинчи боб*

**СУЗ ОРАСИДА ИШЛАТИШНИ ОСОНЛАШТИРИШ  
УЧУН ҲИНДЛАРНИНГ МАШҲУР  
УЛЧОВЛАРИ БАЕНИ**

[Нарсаларни] санаш инсон табиатидандир. Нарсанинг миқдори ўз жинсида бирлик деб қабул қилинган нарсага солиштириш билан аниқланади ва шундай солиштириш билан у нарсанинг ўзига бошқа ҳам-жинс бўлган нарсалардан қанчалик кам-ортиқлиги ҳам маълум бўлади.

Оғирлик ўлчовига келсак, бу билан турли оғирликларнинг миқдори билинади. Нарса тарози палласига кўчирилганда тарози кўрсаткичининг паллалари бир уфққа баробар бўлиб, у нарса тарозидан олинганда унинг оғирлиги маълум бўлади.

Ҳиндларнинг тарозига эҳтиёжлари кам тушади; чунки тангалари санаб юргизилади ва чақалар билан майда қилинади; чақалари ҳам санаб ишлатилади. Танга ва чақаларнинг нақш қилинадиган қолиплари турлича бўлади; ҳатто у қолиплар шаҳарлар ва вилоятларга нисбаб берилиб, [фалон шаҳар ёки вилоят тангаси, деб] юргизилади.

Аммо ишланган ёки ишлангану нақш урилиб, пулга айлантирилмаган тиллани тарозида тортадилар. Тилла тортишда суварна деб аталадиган бир миқдор ишлатадилар. Суварнанинг тўртдан уч бўлаги тола деб аталади. Биз мисқолни кўп ишлатганимиздек, ҳиндлар толани кўп ишлатадилар. Улардан билиб олганимга қараганда, суварнанинг ўнтаси етти мисқолли дирҳамларимиздан учтасининг оғирлигига баробар келади, шунда тола бизнинг мисқолда икки мисқол ва унинг ўндан бирига баробар келади. Толанинг энг каттаси ўн иккита бўлиб, ҳар бир бўлаги моша деб аталади. Суварна ўн олти моша бўлиб, ҳар бир моша тўрт анде бўлади. Анде Гаура деб аталадиган бир дарахтнинг уруғидир. Ҳар бир анде тўрт жава [арпа], ҳар бир жава олти кала ва бир каланин тўртдан бири, ҳар бир кала тўрт пода, ҳар бир пода тўрт мдри бўлади. Шундай бўлгач, ҳар бир суварнада 16 моша, 64 анде, 256 жава, 1600 кала, 6400 пода, 25600 мдри бўлади.

Ҳар олтига моша драгшама деб аталади; драгшаманинг миқдори қанча деб сўралганда унинг яккитаси бир миқол дейишди. Бу хато [фикр], чунки бир миқол беш мошаю, яна бир мошанинг еттидан беш қисми  $\left[5\frac{5}{7}\right]$  га баробар келади. Драгшама билан миқол ўртасидаги нисбат йигирманинг йигирма бирга бўлган нисбатига ўхшайди. Демак, бир драгшама бир миқол ва бир тақсим бешнинг тўртдан бири  $\left[1\frac{1}{20}\right]$  га баробар келади. Гўё, драгшама миқдорини белгилаб жавоб берувчи киши яқинлаштириб жавоб бермоқчи бўлиб, миқол сўзини ишлатган ва драгшама икки миқол деган. Лекин яқинлаштирмоқчи бўлиб берган жавоби ҳақиқатан узоқда қолган. Шу жавобнинг хато эканига яна бир далил шуки, бу нарсаларга ишлатилган бирлик сўзи ҳақиқий бирлик эмас, балки расмийда битта || деб қабул қилинган миқдордир. Чунки бу бирликни амалда ҳам, фикрда ҳам бўлиш мумкин. Маълум бир замоннинг ўзида турли мамлакатларда ва биргина мамлакатнинг ўзида турли замонларда тилларнинг асосан ўзгаришига ёки алмашишига қараб у киши [бизлардаги ва ўзларидаги] иккала миқолни тенглаштиришда янглишди ва ҳиндлар миқоли тола, деди.

Соманотқа яқинида турадиган кишилардан бирининг айтишича, ҳиндларнинг миқоли биздаги миқолнинг ўзи бўлиб, саккиз рувуга бўлинади. Ҳар бир руву икки поли бўлиб, бир поли ўн олти жава, яъни арпа бўлади. Демак, бир миқол саккиз руву, ўн олти поли икки юз эллик олти жавага баробар келади. Шундан маълум бўлишича, у киши [биздаги ва ўзларидаги] миқол миқдорларини солиштиришда икки миқол янглишди; уларча тола ҳиндлар миқолидир. Яна у киши мошага руву деб бошқа исм берди.

Шу бобда тўғри йўлдан адашган киши Бароҳамиҳиранинг санамларни қандай катталиқда ишлашни баён қилишига таяниб, мана шундай даъво қилди: «Рену деб аталган гард бўлакчасининг ҳар ўнтаси ража деб аталади. Ражанинг ҳар саккизтаси бологра бўлади; бу эса сочининг учидир. Бологранинг саккизтаси ликхъё бўлади; у эса соч сиркасидир. Саккизта сирка бир жока бўлади, у эса битдир; жоканинг саккизтаси бир жава, яъни бир арпа бўлади».

У киши шу ерда, арпадан масофани ўлчашга ўтади.

Оғирликларга келганда, у киши юқоридаги сўзларга қўшилиб шундай дейди: «Ҳар тўрт арпа бир анде, ҳар тўрт анде бир моша, ҳар ўн олти моша бир суварна; суварна эса бир тилладир, тўрт суварна бир полодир. Қуруқ нарсаларни [ўлчашга] келсак, ҳар бир тўрт поло бир кудава; ҳар бир тўрт кудава бир прастҳа ва ҳар бир тўрт прастҳа бир ҳар бир саккиз кудава бир прастҳа, ҳар бир тўрт прастҳа бир одҳака ва ҳар бир тўрт одҳака бир дронадир».

Шу оғирликларда «Чарака» китобида баён қилинганларни арабча нусхадан кўчириб ҳикоя қиламан. Аммо бу оғирликларни ҳеч бир кишининг тилидан эшитмадим; мен биладиган бир қанча нарсалар бузилганига ўхшаш, буни ҳам бузилган деб гумон қиламан. Чунки бизнинг [арабча] ёзувимизда, айниқса, кўчирган нарсаларни тузатишга аҳамият бермайдиган замондошларимизнинг ёзувларида сўзлар албатта бузиб ёзилади. «Чарака» китобида шундай дейилган: «Атриянинг<sup>1</sup> айтишича, олтита зарра, яъни тўзоннинг олти донаси бир маречи бўлади. Олтита маречи бир ҳардала; ҳардаланинг саккизтаси бир қизил гуруч. Иккита қизил гуруч битта йирик мош. Иккита мош бир анде, анде эса донақнинг саккиздан биридир. Шу билан бирга, дирҳам етти донақ; тўрт анде бир моша, саккиз моша бир жҳана, иккита жҳана бир караша; караша эса бир суварнадир».

Бир суварнанинг оғирлиги икки дирҳамга тўғри келади. Тўрт суварна бир поло, тўрт поло бир кудава, тўрт кудава бир прастҳа, тўртта прастҳа бир одҳака, одҳака бир дрона; иккита дрона бир шўрпа, иккита шўрпа бир жанодир.

Ҳиндларнинг савдо-сотиқ ишларида поло исмли ўлчов ишлатилади. Лекин бу ўлчов турли мол-матоларга ва шаҳарларга қараб хилма-хил бўлади. Улар бир поло бир манонинг ўн бешдан бири  $\left[ \frac{1}{15} \right]$  дейишади<sup>2</sup>; кейин, баъзиси полони ўн тўрт мисқол деб ўйлашади; ҳолбуки, мано икки юз ўн мисқол эмас. Баъзи киши поло ўн олти мисқол дейди; ҳолбуки, мано икки юз қирқ мисқол эмас. Бир хиллари поло ўн беш дирҳам дейдилар; ҳолбуки, мано икки юз йигирма беш дирҳам эмас. Лекин полонинг мано билан саналиши ёки манонинг поло билан саналиши || у кишиларнинг айтганидан бошқадир.

78

Атриянинг сўзидан маълум бўлишича, бир одҳака олтмиш тўрт поло бир юз йигирма саккиз дирҳам бўлади. Бу эса бир ратлга<sup>3</sup> баробардир. Лекин анде қачон донақнинг саккиздан бири бўлар экан? Албатта, бир суварна олтмиш тўрт анде бўлади. Демак, Отриянинг айтишича, бир дирҳам ўттиз икки андедир. Агар анде донақнинг саккиздан бири бўлса, дирҳам ҳиссаси тўрт донаққа баробар бўлиб, у ҳиссанинг икки баробари бир дирҳам ва учдан бир дирҳам  $\left[ 1 \frac{1}{3} \right]$  бўлади — икки дирҳамга етмайди.

Ана шу айтилган сўзлар фикр юргизмай, тахминан қилинган [арабча] таржиманинг ва билмасдан турли фикрларни бир-бирига қориштиришнинг натижаларидандир<sup>4</sup>. Аммо суварна бизнинг дирҳамларимиздан уч дирҳамга баробар келади. Ҳиндлар суварна полонинг тўртдан бири эканига қаршилик қилмайдилар, деган фикрга асосланганларнинг аввалги сўзи шуки, поло ўн икки дирҳамдир.

Агар поло бешдан бир манонинг учдан бири  $\left[ \frac{1}{15} \right]$  бўлса, мано бир



юз саксон дирҳам бўлади. Мана бу, суварнанинг уч дирҳам эмаслигини, балки мисқолларимиздан уч мисқолга баробар эканини хаёлга келтириб кишини янглиштиради.

Бароҳамиҳира «Сангҳита» китобининг бошқа бир жойида мана шундай деган: «Диаметри ҳам, баландлиги ҳам бир газлик пдиш ясаб, уни ёмғирга тўлиб-тошгунича қўй; шу идишга йиғилган сув икки юз дирҳамни сиғдирадиган ўлчовдаги сув бўлиб, шундай ўлчовнинг тўртта-си бир одҳака бўлади».

Бу эса ҳақиқатга яқинлаштириб айтилган сўздир. Чунки бир одҳака юқорида ўтган гапга қараганда ё ҳиндлар айтгандек, етти юз олти миш саккиз дирҳам бўлади, ёки мен ўйлаганимча мисқол бўлади.

Шрипола Бароҳамиҳирадан шундай сўзни ҳикоя қилган: «Эллик поло икки юз эллик олти дирҳам бўлиб, бу бир одҳака бўлади». Бироқ у сўзни кўчиришда хато қилган. У сўздаги сонлар [яъни 256] дирҳамлар сони эмас, балки бир одҳакадаги суварнанинг ва суварнадаги полонинг саноғи бўлиб, эллик поло [256 дирҳам] бўлмай, олти миш тўрт поло бўлади.

Аmmo шу миқдорларни тафсиллаб айтиб берган Живашармадан<sup>5</sup> эшитганимга кўра, тўрт поло бир кудава, тўрт кудава бир прастҳа, тўрт прастҳа бир одҳака, тўрт одҳака бир дрона ва йигирма дрона бир кҳоредир.

Бундан олдин ўн олти мошанинг бир суварна эканини билиш керак. Буғдой ва арпа тортилганда тўрт суварна бир поло, сув ва ёғ тортилганда саккиз суварна бир поло бўлади.

Ҳиндларнинг турли молларни тортишда ишлатадиган тарозилари Қарастуналардан иборат бўлиб, уларнинг тошлари қимирламайди, паллалари эса рақамлар ва чизиқлар устида сурилиб туради. Шундай Қарастуна тарози — тула деб аталади. Оғирликни билдиришда [ҳар бир оғирлик бирлигини кўрсатувчи] чизиқларда илгариги беш чизиққа бирдан бешгача рақам ёзилган. Сўнгра бешдан кейин ўнинчи, йигирманчи ва ҳоказо чизиқлар тўғрисида — ўнта ва ўнта оралатиб, тегишли сонлар ёзилган. Бунинг сабаби тўғрисида ҳиндлар Васудеванинг мана шу сўзини келтиришади: «Холамнинг ўғли Шишуполани гуноҳсиз ўлдирмайман; то ўнтагача унинг гуноҳини кечираман; сўнгра уни жавобгар қиламан», деган. Мен бу ҳодисани кейинроқ баён қиламан.

Ал Фазорий<sup>6</sup> ўз зижида [астрономик китобида] кунларнинг бўлаклари — дақиқаларини кўрсатишда полс терминини ишлатган. Аммо ҳиндларнинг бирор [астрономик] китобларида бу сўзнинг ишлатилганлигини топмадим. Лекин улар [математика фанида] тузатиш [таъдил]ни поло деб атайдилар.

Уларда бҳора деб аталадиган оғирлик ўлчови бор. Бу ҳақда урушлар ва Синднинг фатҳ қилиниши бобида баён қилинади. Бҳора

миқдори икки минг полога тенгдир. Чунки ҳиндлар бир бҳора юз марта йигирматадан поло бўлиб, гўё бир ҳўкизга юк бўлади, дейдилар. Ҳиндларнинг оғирлик ўлчовлари тўғрисида урғиниб билганларим ана шулардан иборат.

Нарсаларнинг гавда ва ҳажмини билиш учун уларни ўлчашга келсак, ўлчов идиши бирон [қуруқ] нарса билан тўлғазилганда, шундан ортиғи у идишга сиғмайдиган бўлса, шу билан бирга, идишга нарсани бетартиб ташлаш || ёки текислаб солиш, ёки териб қўйишда ҳам у нарсанинг олган ҳажми ўзгармаса, ана шу ўлчаш бўлади. Ўлчанадиган иккита нарса бир жинсдан бўлганда икковининг ҳажми баробар бўлса, оғирликлари ҳам баробар бўлади. Агар ўлчанадиган иккала нарсанинг жинслари ҳар хил бўлса, фақатгина ҳажмда бир-бирига баробар бўлади, холос.

79

Ҳиндларнинг себи [бисе] деб атайдиган ўлчов идишлари бор. Қанавжлик ва соманотҳаликларнинг ҳар бири ҳам у ҳақда менга айтиб берди. Қанавжликнинг айтишича, тўрт себи бир прастҳа ва унинг тўртдан бири кудава дейилади. Соманотҳаликнинг айтишича, ўн олти себи бир панте ва ўн икки панте бир мўра дейилади; яна у киши себининг кўпайтирилишида бошқа бир йўл тутиб, унинг ўн иккитасини каласе, себининг тўртдан бирини мона деб атайди.

Уша соманотҳаликнинг айтишича, буғдойнинг бир моналик оғирлиги беш маного яқин бўлган. Шунинг учун ҳам бир себи йигирма мано бўлади. Бундай себи хоразмликларнинг қадимги расмларига кўра, у ернинг суҳхасига ўхшаш бўлиб, каласе эса гўрга ўхшайди. Чунки гўр ўн икки суҳхага тенг бўлади.

Газларга келганда, бу тўғри чизикларнинг узунлигини ва юзаларнинг сатҳларини ўлчаш учун ишлатилади. Юзаларни солиштириш учун уларни кичик юза [бирлиги] билан ўлчаш зарур бўлса ҳам, лекин юзанинг четлари чизик бўлганидан ва чизик узунлиги эса газ билан аниқланадиган бўлгани сабабли юзалар ҳам газ [воситасида] ўлчанади.

Юқорида Бароҳамиҳира сўзини кўчирганимизда арпа миқдорига етиб келгач, ундан оғирликларга ўтиб, оғирлик миқдорларини баён қилган эдик. Ҳозир эса арпа миқдорини узоқликлар миқдорларини [белгилаш] учун қўллаймиз. [Бароҳамиҳира сўзини келтиришни] давом эттирамиз:

«Ёнма-ён зичлаштириб терилган саккизта арпа бир ангула, яъни бир бармоқ бўлади. Тўрт бармоқ бир рома, яъни бир тутам деб аталади. Йигирма тўрт бармоқ бир ҳаттҳа, яъни бир газ бўлиб, бунга даста деб ҳам исм берилади. Тўрт газ бир дҳану, яъни ҳинд ёйларида бир ёй бўлиб, бир қулочга баробар келади. Қирқ ёй бир налва бўлиб, йигирма беш налва бир кроша бўлади.

Бундан ҳосил бўладигани шуки, бир кроҳ<sup>7</sup> тўрт минг газ; биздаги

мил ҳам тўрт минг газдир. Шундай қилиб мил кроҳга баробардир. Юнонлик Пулиса ҳам ўзининг «Сиддиҳонта»сида, кроҳ тўрт минг газ, деган.

Бир газ икки миқёс, яъни йигирма тўрт бармоқдир. Ҳиндлар шанку билан ҳам ўлчайдилар. Бу ўлчов бирлиги буддҳа бармоғига тенгдир. Биз ишлатгандай, миқёснинг олтидан бирининг ярмини бир бармоқ дея бермайдилар. Лекин уларнинг ўлчов бирлиги ҳамиша қарич бўлади. Қап ва бармоқлар мумкин бўлганича чўзиб очилганда бош бармоқ билан жинжилоқ [учлари] орасидаги узоқлик қарич дейилиб, [ҳиндларча] витасти ва кишку деб ҳам айтилади.

Тўртинчи бармоқ учидан бош бармоқ учигача чўзилгандаги узоқлик ўлчов қилиб олинса, бу гагарна деб аталади. Агар кўрсаткич бармоқ учидан бош бармоқ учигача ўлчов қилинса, бу фитр бўлиб, уни карабҳа дейилади, бу эса қаричнинг учдан иккисига тенгдир.

Ўрта бармоқ учи билан бош бармоқ учи оралиги тола деб аталади. Қишининг қадами [яъни оёқ ости — панжаси] бўйининг еттидан бирича бўлади дейилгандек, ҳиндларнинг айтишича, кишининг бўйи хоҳ қисқа, хоҳ узун бўлсин, ўз толасида саккиз тола бўлади.

«Сангҳита» исмли китобнинг санамлар ишланиши бобида шундай дейилган: «Санам капининг кенглиги олти, узунлиги етти, ўрта бармоғининг узунлиги беш, ён бармоғи<sup>8</sup> ҳам шундай; кўрсаткич бармоғи бир бутундан [ўрта бармоқ узунлигидан] олтидан бирича ва жинжилоғи бир бутуннинг учдан бирича бўлиб, ўрта бармоқдан қисқароқ, бош бармоғи эса ўрта бармоғининг учдан иккисича қилиниб, иккала қисми бир бирига баробар қилиб ясалади». Шу || миқдор ва ҳисоблашлар санамнинг бармоқлари билан белгиланган.

Энди крошанинг миқдори милга баробар деган сўзимиз аниқ бўлди. Буни эсда тут!

Энди, ҳиндларда масофаларни белгилайдиган жўжана исмли бирлик ўлчовлари борлигини билиш керак. Бу миқдор саккиз милдан иборат бўлиб, бу ўз навбатида ўттиз икки минг газ бўлади. Кўпинча баъзи кишилар кроҳни бир фарсах [тош]нинг тўртдан бири гумон қилиб, «Ҳиндларнинг фарсахлари ўн олти минг газ миқдориде бўлади», дейди. Бу тўғри эмас. Чунки ўн олти минг газ жўжананинг ярмини ташкил қилади, холос. Бу жўжана миқдори Ал Фазорий зижиде, Ер айланаси узунлигини кўрсатишда айтилган жўжананинг худда ўзидир.

Ҳиндларнинг қадимгилари, донра айланаси ўз диаметридан уч марта узун деганлар.

«Мачъя-пурона»да Қуёш ва Ой диаметрлари жўжаналар билан баён қилинган ўринда «Айлана — диаметрининг уч баробари», дейилган. «Одигъя-пурона»да ҳам двип<sup>9</sup> кенглигини эслаганда — бу орол ва уларнинг теварагидаги денгизлардир — жўжанада ўлчаб, шундай дейди:

«Айлана [узунлиги] диаметрининг учтасига тенг бўлади», деган. «Вожу-пурона»да ҳам шундай дейилган.

Лекин ҳиндларнинг кейингилари, у мартабалар сонига эргашган касрнинг борлигини билдилар. Браҳмагупта шу каср, бир бутуннинг еттидан бири[га тенг] деган фикрга боради. Лекин у бошқа бир асос тутади; бу қуйидагидай: «Ўннинг [квадрат] илдизи уч бутун ва еттидан бирга яқин бўлгач, диаметрининг ўз айланасига нисбати бирнинг ўн илдизига бўлган нисбатига [тенгга] ўхшайди. Шунинг учун Браҳмагупта айлана диаметрини ўз баробарига кўпайтириб, унинг ҳосилини ўнга кўпайтириб, чиққан [сон] илдизини олади. Шунда ўннинг илдизи бутунли каср бўлгани сингари айлана узунлиги ҳам бутунли каср бўлади. Лекин каср, ҳар ҳолда, керагидан кўра каттароқ бўлиб чиқади.

Архимед у касрни етмишдан ўн бўлак  $\left[\frac{10}{70}\right]$  билан етмишдан ўн бир бўлак  $\left[\frac{11}{70}\right]$  оралигида эканини кўрсатди. Браҳмагупта эса Орябҳатанинг шу каср тўғрисидаги ҳисобини кўчириб, уни танқид қилиб, бундай дейди: Орябҳата айлана [узунлиги]ни 3393 деб фараз қилиб, сўнгра бир жойда айлананинг диаметрини 1080; бошқа бир жойда 1050 деган»; энди биринчи сўзича, [диаметрининг айланага бўлган] нисбати бирнинг уч бутун бир юз йигирмадан ўн еттига нисбати  $\left[1:3\frac{17}{120}\right]$  дек бўлиши керак. Бундаги [каср] эса еттидан бирнинг ўн еттидан бирига  $\left[\frac{1}{1} \cdot \frac{1}{17}\right]$  қараганда камроқ бўлади. Иккинчи сўзича келганда, хато ўша авторники бўлмай, нусха кўчиришда бузилганлигига шубҳа йўқ; чунки нисбат бирнинг уч бутуну бир тақсим тўртга нисбатидек бўлиши тақозо қилинади.

Пулиса ўз ҳисобида шу нисбатни бирнинг уч бутуну 177 тақсим 1250 га бўлган нисбатидек  $\left[1:3\frac{177}{1250}\right]$  дир дейди. Бундаги каср ҳам еттидан бирдан кичикроқдир. Орябҳата ўйлаганидан ҳам кичикроқдир. Шу сўз қадимгилар фикридан олинган. Уни эса Яқуб ибн Торик<sup>16</sup> ўзининг «Фалаклар таркиби» тўғрисидаги китобида берган. У фикрга кўра, буржлар фалакининг айланаси 1 256 640 000 жўжана бўлиб, унинг диаметри 400 000 000 жўжана. Буларнинг нисбати эса бирнинг уч бутуну 56 640 000 тақсим 400 000 000 бўлган нисбатига тенгдир. Кейинги икки сон 360000 га қисқаради; натижада, каср сурати 177, махражи 1250 бўлади. Пулисанинг қабул қилиб олгани ана шу  $\left[\frac{177}{1250}\right]$  ди.

ҲИНДЛАРНИНГ ХАТЛАРИ, ҲИСОБ ВА БОШҚА НАРСАЛАРИДАН  
БИР ҚАНЧА МАЪЛУМОТЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ҚИЗИҚ УРФ  
ВА ОДАТЛАРИ БАЕНИ

81 || Тил, сўзловчи истагини эшитувчига етказувчи таржимондир. Шунинг учун тил замоннинг бирон каби турғун қисми билан чекланиб қолади. Агар инсондаги сўзлаш қуввати ҳамма жойга шамол сингари ёйилувчи бўлмаганда эди ва замонлардан замонларга нафаслар сингари ўтувчи хат ёзиш санъатини келтириб чиқармаганда эди, ўтмиш замоннинг хабарини, айниқса, узоқ замонлар ўтганда ҳозирги замон тилларига қандай кўчириб бўлар эди? Пишиқ ва маҳкам қилиб яратувчи ва халқ ишларини тузатувчини поклайман.

Қадимги юнонлар сингари териларга ёзиш одатлари ҳиндларда бўлмаган эди. Шунинг учун Суқротдан асар ёзмай қўйишининг сабабини сўралганда: «Илмни тирик кишилар қалбларидан ўлик қўйларнинг териларига кўчирмайман», деган. Шунингдек, исломнинг дастлабки пайтларида ошланган териларга хат ёзганлар. Масалан, хайбарли яҳудлар билан тузилган шартнома<sup>1</sup>, худо раҳмат қилгур пайғамбарнинг [Эрон подшоҳи] Қисрога<sup>2</sup> ёзган мактуби шундай териларга ёзилган эди. Шунга ўхшаш, қуръон ва таврот ҳам кийикларнинг териларига ёзилган. Олий тангрининг «Тажъалунаҳу қаротиса» дегани уни қиртосларга, яъни туморларга<sup>3</sup> ёзадилар, деганидир. Чунки қиртос Мисрда қамич мағзи [папирус]нинг пўстига едириб юборилганидан ишланган бўлиб, замонимизга яқин вақтларгача ҳам халифаларнинг мактублари шундай туморларга ёзилар эди. Чунки ундан бирон ҳарф ва сўзни қириб, ўзгартириш мумкин бўлмай, балки қирилса, у қиртос бузилади.

Турли қоғозлар чинлилардагина бор эди.

Асир олинган<sup>4</sup> бир чинли киши Самарқандда қоғоз ишлаш санъатини ижод этди. Сўнгра шу кишидан кўриб, турли ўлкаларда қоғоз ишланиб, эҳтиёж қопланди.

Ҳиндларнинг жанубий шаҳарларида яшовчиларининг у ерларда хурмо ва наржил дарахтларига ўхшаш, бўйи узун дарахтлари бор. Унинг

ейиладиган меваси ва узунлиги бир газ, эни уч бармоқ келадиган япроқлари бўлади; у япроқлар торе деб аталади; улар ёзувларини ўша япроқларга ёздилар ва ёзув ёзилган япроқларнинг ўрталари тешилиб, тешиклардан ип ўтказилиб, шу билан улар тартибга олинади.

Мамлакатнинг ўрта ва шимолий қисмида яшовчилар тўз номли дарахтнинг пўстлоғидан узунлиги бир газ, эни эса бармоқ бўйи ва ундан кичикроқ қилиб оладилар. Шундай пўстлоқнинг бҳоржа деб аталадиган туридан ёй учун ғилоф ишланади. Ёглаб сайқал бергандек қилиб ишласалар, пишиқ ва силлиқ бўлади. Сўнгра шу ишланган пўстлоқларга ёздилар. Бу ёзув ёзилган пўстлоқлар кетма-кет рақамлар билан тартибланади. Бундай ёзув ёзилганларнинг ҳаммаси кийимлик парчасига ўралади ёки ўзларига яраша иккита тахтадан иборат муқова орасига маҳкамланади. Шундай қилиб тайёрланган китоблар пўтҳе деб номланади. Ҳиндларнинг мактублари ва ҳамма асбоблари ҳам тўз пўстлоғи ичида юборилади.


Ҳиндларнинг хатларига келсак, айтилишича, у эскириб унутилган, ҳеч бир киши бунга аҳамият бермаган, ниҳоят, улар саводсиз бўлиб қолганлар. Бу ҳол уларни жуда жоҳил қилиб, илмдан жуда узоқлаштираган. Охир-оқибат Вьёса ибн Парошара улар ишлатаётган элликта ҳарфни тангридан илҳомланиб янгидан ижод этган. Уларча, ҳарфга акшара деб исм берилади. Ҳиндлардан баъзисининг айтишича, аввалда ҳарфлари жуда оз бўлиб, кейин кўпайган<sup>5</sup>. Шундай бўлган бўлиши мумкин, балки шундай бўлиши ҳам керак.

Асезас фан ва ҳикматни [дунёда] абадий қолдириш учун ўн олтита рақам [ҳарф] шаклини кўрсатди. Бу бани Исроилнинг Мисрга ҳукмронлик қилган замонда эди. Сўнгра Кемуш ва Агенон ҳалиги ҳарфларни юнонлиларга олиб келди. Юнонлилар уларга тўртта ҳарф қўшиб, йиғирмата қилиб ишлатдилар. Суқрог заҳарланган кунларда Симонидес<sup>6</sup> у ҳарфларга яна тўртта ҳарф қўшди. Шундай қилиб, || афиналикларнинг ҳарфлари ўша пайтда йиғирма тўрттага етди. Фарб тарихчиларининг фикрича, бу Ардашер ибн Доро ибн Ардашер ибн Кураш замонида эди. Ҳиндлар [алифбесиди] ҳарфларнинг кўп бўлишига сабаб [биринчидан] ҳар бир товушнинг унли [товушдан] кейин келишига ёки икки ундош орасида бўлишига, ё ҳамзадан кейин келишига, ё ҳаракат миқдоридан кўра камроқ чўзилишига қараб, ўзига махсус белгиси [ҳарфи] борлигидир; иккинчидан, бошқа тилларда топилмайдиган ундош [товуш]ларнинг уларда бор бўлишлигидир. Ундай товушлар бизникига яқин эмаслар. Бу хил товушларни бизнинг сўзлаш қуролимиз [яъни тилимиз]камдан-кам талаффуз қила олади; чунки тилимиз бундай талаффузга одатланмаган; ҳатто қулоқларимиз улардаги бир-бирига яқин икки хил товушларнинг орасидаги айирмани кўпинча сезмай қолади.

Ҳиндларнинг ёзувлари юнонлар одати сингари чандан ўнгга қараб

ёзилади. Ёзувимиздаги қоидага кўра, ҳарфларимизнинг бошлари юқорига кўтарилиб, думлари қуйига тушади. Лекин улардаги қоида шуки, [бир йўлдаги] ҳамма ҳарфларнинг юқори томони тўғри чизиқда текис бўлиб, ҳарфнинг ўзи ва унинг шакли ўша тўғри чизиқдан қуйига туша беради. Агар шу қоидага хилоф равишда, бирон ҳарф тўғри чизиқдан юқорига кўтарилса, бу навҳ фанига тегишли белги бўлиб, ўша ҳарфнинг қандай талаффуз қилинишини кўрсатади.

Ҳиндларнинг машҳур хатлари сиддҳа-мотрико деб аталади. Кўпинча, шу хат Кашмирга нисбат берилиб, Кашмир хати дейилади. Шундай қилиб, ёзув кашмирлилар ёзувичадир. Баронаседа<sup>7</sup> ҳам Кашмир ёзувига мувофиқ ёзилади. Баронасе ва Кашмир ҳиндлар илмларининг иккита мадрасасидир. Мадҳъядешада, яъни мамлакатнинг ўртасида — бу Қанавжнинг ҳамма томон айланаси бўлиб, шу айлана Оржоварта деб ҳам аталади — ва Молава чегараларида ҳам ногара деб аталадиган хат ишлатилади. Бу хат ҳалиги сиддҳа-мотрико хатидан фақатгина шаклда ажралиб туради. Яна ардҳаногаре дейиладиган хат ишлатилади. Бунинг маъноси ярим ногара демакдир. Чунки бу хат икковининг қўшилишидан вужудга келган, Бҳотияда ва Синднинг айрим шаҳарларида шу хат билан ёзилади. Улардан кейин Малворе хати Синднинг жанубий соҳил томонида — Малвашавда юритилиб, Баҳманвада эса сайндҳава хати ишлатилади. Бу ҳозир ал Мансурадир. Қарната хати Қарнатдешада ишлатилади. Қаннара деб машҳур бўлган аскарлар шу ердан олинади. Андҳре хати Андҳрадешада, дирваре хати Дирварадешада, лоре [хати] Лорадешада, гауре хати Пурвадешада, яъни мамлакатнинг шарқий қисмида, бҳайкшукке хати Удунпурда, яъни мана шу [биз турган] ерда ишлатилади. Бу [кейингиси] буддҳа хатидир.

Биз китобларни олий тангри исми билан бошлаганимиздек, ҳиндлар «яратувчи» деган сўз — ўм билан бошлайдилар. Ўмнинг шакли мана шундай  бўлади. Бу ҳиндларнинг ҳарфларидан эмас, фақатгина табарруклаш ва поклаш учун тангри исмига махсус ажратилган шаклдир. Бу яҳудлардаги тангри исмига ўхшайди. Чунки тангри исми яҳудларнинг китобларида ибронийча учта «ё» ҳарфи билан ёзилади. Тавротда эса «Яҳва» ёзилиб, азўнай деб ўқилади. Баъзан «Яҳ» деб қўя қолинади. Талаффуз қилинадиган исм, яъни азўнай ёзилмайди.

Биз ҳарфларимизни [санашга] ва ҳисобларга ишлатганимиздек<sup>8</sup>, улар ҳарфларини ҳеч бир ҳисобга ишлатмайдилар.

Ҳинд ҳарфларининг ёзилиш шакли турли жойларида хилма-хил бўлганидек, сон белгилари [рақамлари] ҳам турлича бўлиб, анка деб аталади. Биз ишлатадиган ҳисоб рақамлари улардагининг энг чиройли 83 туридан олинган. || Биздаги ҳисоб рақамлари кўрсатилмаса ҳам, уларнинг шакли маълум бўлгач, уларни ёзиб кўрсатишнинг фойдаси йўқ.

Қашмирлилар қоғозларга ҳисоб рақамларини турли нақшлар сингари ёки чинлиларнинг ҳарфлари [иероглиф] сингари қилиб ёзадилар. У рақамларни кўп машқ қилиб одат қилган кишиларгина ёза олади ва уларни тупроққа чизиб кўрсатиб бўлмайди.

Ҳисоб илмида ҳамма халқлар соннинг [ёзилишида] ўн марталаб ортиб боришини [ўнли системасини] мувофиқ кўрганлар. Белгилар бир рақам, масалан, ўнли хонадаги рақам ўзидан кейинги мартабада [юзли хонада] ёзилганининг ўндан бири ва ўзидан олдинги мартабада [бирли хонада] ёзилганининг ўн баробари бўлади. Ўзига хос тили бўлган турли миллат кишиларидан кимга учрасам, ҳисоб даражаларнинг исмларини суриштирдим. Улар араблар сингари минглар хонасидан қайтар эканлар. Бу энг тўғри йўлдир. Шу даражалар тўғрисида бир мақола.

Аммо ҳиндлар минглар хонасидан ўтиб турлича исм ишлатадилар. Баъзилари фикр юргизмай бир исм беради, баъзилари [бошқа сўздан] исм чиқариб ишлатади. Баъзилари эса шу икки хил исмнинг бирини бошқасига аралаштириб атайди. Шундай қилиб [мингдан кейинги хоналарнинг] исмлари миллий [диний] сабабларга кўра, ўн саккизтага чўзилиб боради ва бу тўғрида, луғат билимдонлари турли исмлар топиб, юқоридаги ҳисобчиларга ёрдам берадилар.

Ўн саккизинчи мартабанинг исми парордҳа — осмоннинг ярми, яъни ҳақиқатда юқорининг ярмидир. Бу шундай изоҳланади: парордҳа даражаси калпадан таркиб топганда, у мартабанинг бирлиги олий тангрининг бир кундузига баробардир. Осмоннинг нариги томонида ҳеч бир нарса бўлмагач, осмон, жисмларнинг энг улуғи ҳисобланади. Осмоннинг ярми энг улуғ куннинг ярмига ўхшатишган. Шу улуғ кун ярми икки баробар қилинса, кеча кундузга қўшилиб энг улуғ тугал кун бўлади. Шундай қилиб, парордҳа осмоннинг ярми бўлиб, парордҳа эса «буткул осмон»ни ифода қилади.

Ўн саккизгача бўлган даражаларнинг исмлари мана шу жадвалдагилардан иборатдир:

- |             |                           |
|-------------|---------------------------|
| 1. Экан     | 10. Пазма                 |
| 2. Дашан    | 11. Харва                 |
| 3. Шазан    | 12. Нихарва               |
| 4. Саҳасран | 13. Махопазма             |
| 5. Ажутам   | 14. Шанку                 |
| 6. Лакша    | 15. Самудра               |
| 7. Пражута  | 16. Мадҳъя                |
| 8. Коти     | 17. Ангуа                 |
| 9. Ниярбуда | 18. Парордҳа <sup>9</sup> |

Мен ҳиндларнинг шу тўғридаги турли сўзларини баён қиламан: У сўзларнинг бири шуки, ҳиндлардан баъзи киши, «Парордҳанинг нари-



ги томонида ўн тўққизинчи даража бор, у Бҳўри деб аталади, сўнгра унинг нариги ёғида сон йўқ», дейди. Ҳолбуки, сон ниҳоятланмайди. Фақатгина унда ишлатиладиган исм чекланади. Сон ниҳоятланмагач, унинг мартабалари ҳам чекланмайди. Гўё у кишининг сўзига қараганда сон ўша исмлардан иборат бўлиб қолади.

Аниқ маълум бўлишича, у [Бҳўри деб] аталадиган даражанинг бирлиги улуғ куннинг бешидан биридир. Бу мартаба тўғрисида ҳиндлардан ҳеч бир хабар ва сўз етиб келмаган. Биз келгусида баён қилганимиздек, нарсанинг улуғ кундан таркиб топиши тарихларда қолган, холос. Шунга қараганда бу даража [йўқ нарсани] ўзидан қўшувчиларнинг орттирган нарсаларидан бўлади.

84 Яна ҳиндларнинг сон тўғрисидаги хилма-хил сўзларидан бири шуки, уларнинг баъзиси || «Соннинг бориб етган жойи котидир; сон котидан қайтарилиб ўнлар, юзлар ва мингларга тиркаб айтилади; чунки девалар сонини котида ифода қиладилар», дейди; ҳиндлар девалар сонини ўттиз уч коти дейишади. Бароҳим, Норояна ва Маҳодевадан ҳар бирига ўн битта коти ажратилган. Аммо саккизинчи исмдан кейинги исм [масалан, юқорида жадвалда кўрсатилган Ниярбада ва Пазма]ларнинг [пайдо бўлиши] биз айтган сабабга кўра, наҳв [грамматика] олимларининг ишидир.

Ҳиндларнинг сон тўғрисидаги хилма-хил сўзларининг яна бириси: [жадвалдаги] бешинчи исм бўлиб, уларча — Даша Саҳасра ва еттинчиси Даша Лакша деб машҳурдир. Чунки биз [жадвалда] баён қилган бешинчи ва еттинчи исмлар кам ишлатилади.

Орябҳата Кусумапурал китобида «даражаларнинг исмлари мингларнинг ўнлар хонасидан то котининг ўнлар хонасигача мана шундай берилган:

Ажутам;

Нижутам;

Пражутам;

Коти пазма;

Парапазма, [парападма].

Яна бири шуки, ҳиндларнинг баъзилари у исмлардан кўпларини бир-бирига алмаштирган. Масалан, ўн иккинчи даража исми ўн биринчининг ўрнига қўйилганидек, олтинчи даража исмини бешинчининг ўрнига қўйиб ва этимологик ўзгариш қилиб, уни Нижута деб атайди ва саккизинчи даражани тўққизинчи исми билан [ўзгартиб] Арбута деб атаган; ўн учинчи даражага Шанху ва ўн тўртинчига Маҳошанку деб исм берган. Шундай ўзгартиришларига қараганда Маҳапазма ҳам Пазмадан кейин келади.

Ҳиндларнинг сон даражаларига берган турли исмлари ва маъно чиқадиган қисми ана шулардир. Маъносиз қисми эса, кўп бўлиб, улар

исмларнинг тартибсиз равишда ёзилишидан ёки «билмайман» сўзини ёмон кўришдан келиб чиқа беради; у исмлар, ҳар бир тартиб ва низомга оғирлик қилади.

«Пулиса-сиддиҳонта»дан бизга кўчириб берилган [нусха]да тўртинчи даражали Саҳасрандан кейин бешинчиси Ажутам, олтинчиси Нижу-там, еттинчиси Пражутам, саккизинчиси Коте, тўққизинчиси Арбудан, ўнинчиси Қхарвадир. Ундан кейингилари юқоридаги жадвалга мувофиқ кўрсатилган.

Рақамларнинг ҳисобда ишлатилишига келганда, улар ҳам бизда расм бўлган йўсида ишлатадилар; уларнинг сонларни ёзиш [система-си]нинг [биздагидан] ортиқчалиги ҳақида бир мақола ёздим.

Уларнинг ўз китобларини турли шлока [вази] лардаги шеърлар билан тузишларини илгари айтган эдик. Улар зижларидаги даражаларнинг сонини белгилаб айтмоқчи бўлсалар, уни биринчи даражанинг ёки иккинчи даражанинг ҳар бир сони учун белгиланган сўз ифодаси билан баён қиладилар. Лекин улар ҳар бир сон учун бир қанча сўз белгиланганлар; ҳатто бир жойда бир сўзни ишлатиш қийин бўлса, унинг ўрнига ишлатилиши осонроқ ушанга ўхшаш бир сўзни ишлатадилар.

Брахмагупта шундай деган: „Бирни ёзмоқчи бўлсангиз, уни якка [битта] бўладиган нарсалардан бириси билан, масалан, Ер ва Ой билан ифодаланг, иккинчи эса иккиталикни эслатадиган сўз билан, масалан, қора-оқ сўзи билан ифодаланг, учини эса учта нарсани ўз ичига оладиган сўз билан, сифр [ноль]ни осмон исми билан ва ўн иккинчи қуёш исми билан ёзингиз“.

Улардан эшитганимни қўйидаги жадвалда кўрсатдим. Чунки у, ҳиндларнинг зижларини тушунишда муҳим асосдир. [Даражалар] исмларининг тафсирини билсам, худо хоҳласа, уларни ҳам исмлар ёнига ёзаман. ||

85

[Зижда]	шўнъя ва кҳа — бу иккаласи нуқта исми
ноль	гагана — осмон
[ўрнида иш-	вият — осмон
латиладиган	пунара, бишурана
сўзлар]	акаша — бу осмон
	амбара — осмон
	абҳра — осмон

Бир [рақами урнида ишлатиладиган сўзлар]	оди — мабда [нарсанинг келиб чиқадиган жойи] шашу — ой инду — ой шета урвара, дҳоране питомаҳа — биринчи ота чандра — ой шитоншу — ой рўпа рашми
Икки	жама ашфи [ашвин] равичандра ложана — иккала кўз акши дасра жамала пакша [яхши] — бир [календарь] ойнанг иккала ярми нетра — иккала кўз
Уч	трикола — уч [яъни ўтган, ҳозирги ва келажак] замон тригуна — дастлабки уч қувват лўка — ҳамма жонлилар ва махлуқлар йиғиладиган уч жой трижакат траян трикату кейин олов исмлари — повака, вайшвонара, тапана даҳана, хўтошана, жвалана, агни
Тўрт	веда — ҳиндларнинг [муқаддас] китоби, чунки бу тўрт бўлимдир диш — тўрт томон самудра, согара — бу иккаласи денгиз абдҳи дадҳи жалошая крита

Беш	шара артҳа индрия — беш сезги сояка ихуна вона бҳўта ишу пондава — бешта биродар подшоҳлар патри, моргана	86
Олти	раса анга шат илерм — йил харту мосордҳан	
Етти	ага маҳедҳара парвата — тоғлар сапта — етти нага — тоғлар адри муни	
Саккиз	васу дҳи гажа дантину арта [ашта] мангала нога	
Тўққиз	го [гов] нанда раидҳра нава — тўққиз чидра павана антара	
Ўн	дак [даҳ] оша кҳенду рована-шара	87

Ўн бир	рудра — оламни ҳалок қилувчи маҳодева — фаришталарнинг раиси ишвара акшавҳине — Куру билан бирга бўлган [ас- карлар]
Ўн икки	сўржа — Қуёш, чунки у — ўн иккита арка — Қуёш бҳону одитъя — Қуёш моса — ойлар [ўн икки ой] саҳасранша [саҳашраму]
Ўн уч	вишва
Ўн тўрт	ману — 14 та манвантара бошлиқлари
Ўн беш	титтҳи — ойнинг иккала ярмидан ҳар бири- даги ойдинли кечалар
Ўн олти	ашти нрипа бҳўпа
Ўн етти	атъяште
Ўн саккиз	дхрити
Ўн тўққиз	атидхрити
Йигирма	накҳа крити
Йигирма бир	уткрити
Йигирма икки	
Йигирма уч	
Йигирма тўрт	
Йигирма беш	татва — бу йигирма бешта бўлиб, уларни билиш натижасида халосга эришилади

Ҳиндларнинг мен кўрган ва эшитган зижларида шу сонлардан на-  
рига ўтиш одати йўқ.

89 || Энди ҳиндлардаги ажойиб расм ва русумларга ўтамиз. Маълумки,  
бир нарсанинг қизиқ туюлиши унинг кам топилишидан ва одатда кам  
кўрилишидан бўлади; кам кўрилиши ҳаддан ташқари бўлса, ҳатто, у  
топилмайдиган нарсадек бўлиб қолади. Сўнгра табиатда одатда кўрин-

майдиган нарса кўрилса, жуда ажойиб туюлиб, ҳатто кўрилишидан олдин, унинг вужудга келиши мумкин эмас, деб тушунилади.

Ҳиндларнинг ахлоқларида замонимиздаги ватандошларимизнинг урф-одатларига зид нарсалар бор. Шу зидлик сабабли у нарсалар бизга қизиқ туюлади ва ҳиндлар томонидан у одатлар худди атайлаб одатимиз тескарисича қилинса керак, деган фикр хаёлимизга келади. Чунки шу қарама-қарши одатларда ва бу қарама-қаршиликни бошқаларга тўнкашда биз ҳам улар сингаримиз.

Шундай қарама-қарши одатларнинг бири шуки, ҳиндлар ҳеч қачон сочларини қирдирмайдилар; иссиқнинг қаттиқлигидан бош яланг юриш уларда қоида бўлган. Бош очиқ бўлганидан иссиқ таъсир қилмаслиги учун сочларини олдирмайдилар. Соқолларини эҳтиётлаб бир неча ўрим қилиб, ўриб қўядилар. Қиндак ости мўйини қириш жинсий алоқага иштаҳани кўзғотади, бало ва қийинчиликни кўпайтиради, деб уни қирмай, ўз ҳолига қўядилар. Сўнгра лаззатга ва жинсий алоқага ўч бўлганлари ҳам қовуқ мўйини қирмайди.

Улар бекорчилик билан фахрланиш учун тирноқларини узайтирадилар — чунки хизматчилар тирноқни узайтирмайдилар — узун тирноқлари билан бош қашиб ва соч битини боқиб роҳатланадилар.

Қуруқ тезак солинадиган бўзни дастурхон қилиб, ёлғиз-ёлғиз овқат ейдилар. Ортиб қолган овқатни қайтиб емайдилар, овқат ейилган идиш сопол бўлса, уни отиб юборадилар. Танбул баргини ва гулини егандан кейин фуфал чайнаб тишларини қизартирадилар. Наҳорга узум шаробини ичиб, кейин овқатланадилар. Қорамол сийдигини ичадилар, гўштини емайдилар. Чанг созини чўп қурол билан уриб чаладилар. Бошларига ўраладиган саллаларини иштон қилиб оладилар. Ҳаддан ташқари енгил киядиганлари эни икки бармоқча латта парча билан кифояланиб, уни иккита ип билан оврагининг устига боғлаб қўяди. Ҳаддан ташқари кўп кийим киядиганлари иштонига бир нечта эгар кўрпачасига кифоя қиладиган пахта солиб кияди; оёқлар кўринмайдиган, астари берк ва боғичи орқа томонда турадиган ёпқич ёпинади. Немчалари иштонга жуда ўхшаш бўлиб, боғичлар билан орқа томонга боғлаб қўйилади. Кўйлақларининг этагини ўнг ва сўл томонидан қирқиб ёриб, ажратиб қўядилар. Тор маҳси киядилар, ҳатто маҳсиларининг қўнжи бошлиққа қараб қайтарилган бўлиб, шу ҳолда кия бошлайдилар. Юбишда юздан илгари сёқни ювадилар. Чўмилиб, кейин жинсий алоқада бўладилар. Деҳқончилик ишларида хотинлар ишлаб, эрлар бекор ётганидек, жинсий алоқа пайтида эрлар ток ишкоми сингари эгилиб турадилар, хотинлари эса уларга ёпишиб қуйидан юқорига қараб ҳаракат қиладилар. Ҳайитларида баданларига атир ўрнига тезак суртадилар, эркаклари хотинларнинг турли рангларга бўялган кийимларини киядилар, зирак ва билак узук тақиб, ён бармоқларига ва оёқларининг

бармоқларига тилла узук тақадилар. Пушт [жимо қилдириш] касалига учраган эр кишига шафқат қиладилар. Уларча пушандела дейиладиган хунаса кишилар одам олатини оғзига олиб, унинг манийсини сўриб ютадилар.

Ҳожат пайтида девор томонга қараб ўтирадилар; орқа томонларини эса кўчадан ўтувчига қаратиб, очиб ўтирадилар.

Лингага, яъни Маҳодева олатининг шаклига ибодат қиладилар. Уловга эгарсиз минадилар. Уловни эгарласалар, унинг ўнг томонидан минадилар; бировни мингаштириб юришни яхши кўрадилар. Қитора, яъни ханжарни белларига ўнг томондан боғлайдилар. Жайнопавета деб аталадиган зуннорни чап елкага осиб, ўнг томонга тушириб қўядилар.

90 Улар турли фикрлар || ва ҳодисаларда хотинлари билан маслаҳат қиладилар.

Бола туғилган вақтда хотинларни эмас, эрларни мақтайдилар. Икки ўғилнинг кичигини, айниқса, мамлакатларининг шарқ томонида, каттасидан ортиқ кўрадилар, чунки улар «каттаси кучли шаҳватдан, кичиги эса, бирон мақсад, фикрлаш ва аста-секинлик натижасида вужудга келади», деб даъво қиладилар.

Қўл бериб кўришишда кафтнинг орқа томонидан ушлаб кўришадилар.

Бировларнинг уйларига киришда рухсат сўрамайдилар, кейин рухсатсиз чиқмайдилар. Мажлисларда чордона қуриб ўтирадилар. Катталардан ҳайиқмай туғлаб ташлай берадилар ва уларнинг олдларида бит ўлдирадилар. Ел чиқса яхшилик бўлади, аксирса ёмонлик бўлади, деб ўйлайдилар.

Тўқувчини жирканч деб биладилар. Лекин қортиқ солиб, қон олувчини ва ўзини ўлдирмоқчи бўлганлардан пул олиб, уни сувга ғарқ қилиб ёки куйдириб ўлдирган кишини покиза деб биладилар.

Мактаб болаларининг тахталарини қора қилиб, энига эмас, бўйига оқ нарса билан чапдан ўнгга қаратиб ёзадилар; гўё шоир мана шу шеърини ҳиндларга қарата айтгандай:

### Ш е ъ р:

Қоғози кўмирдан бўлиб, қалами оқ ёзаётган котибни кўринг. У қоронғи кеча юзига ёруғ кундузни ёзиб, уни ёритмоқчи бўлади, лекин тугал ёритолмайди<sup>9</sup>.

Ҳиндлар китоб исмини унинг аввалги ва бошланишига ёзмай, охирига ва тугалишига ёзадилар.

Араблар ҳурматли кишиларни кичрайтирилган исмлар билан улуғлаганлари сингарни, ҳиндлар ўз тилларида уларни хотин жинсларига хос исмлар билан улуғлайдилар.

Бирон хайру эҳсонга эришадиган бўлсалар, итларга нарса ташлагандек, у эҳсоннинг ўзларига отиб юборилишини истайдилар.

Ҳиндлардан икки қиморбоз нард ўйнаса, учинчи биров иккаласининг ўртасига уни ташлаб туради.

Шаҳвати кучайган филнинг икки юзи яноғига оқиб тушган [ширали] ёшини, ҳиди энг сассиқ нарса бўлишига қарамай, яхши кўрадилар.

Шахмат тахтасида филни пиёдага ўхшаш бир хонадан олдига юргизадилар, бошқа томонларга юргизмайдилар. Яна уни фарзинга ўхшатиб, бир хоналаб тўрт бурчакдан бирига бир хона юргизадилар ва «шу хоналар филнинг хартуми ва тўрт оёғи учларининг тушадиган ўринларидир», дейдилар. Шахматни бир вақтда тўрт киши бўлиб, ҳар бир киши икки поғона устида ўйнайди. Доналар тахтага мана шу шаклда терилади:

рух	асб	фил	шоҳ			пиёда	рух
пиёда	пиёда	пиёда	пиёда			пиёда	асб
						пиёда	фил
						пиёда	шоҳ
шоҳ	пиёда						
фил	пиёда						
асб	пиёда			пиёда	пиёда	пиёда	пиёда
рух	пиёда			шоҳ	фил	асб	рух



Бу хил ўйин бизларга таниш бўлмаганидан шу тўғрида билганимни баён қиламан. Бу шундай: шахмат ўйновчи тўрт киши тахтанинг тўрт томонига ўтириб, айланиб келган навбатга қараб, иккала хонадаги доналарни юргизадилар. Погонанинг беш ва олти хонаси бўш бўлиб, бешнинг ўрнига бир ва олтининг || ўрнига тўрт олинми, шу икки алмашиниш сабабли улар мана шу шаклда бўладилар:

6				5
4	3	2	1	

Шоҳ исми эса фарзинга тушиб, хона сонларининг ҳар бири [шахмат] доналаридан бирини ҳаракат қилдириш учун тайин бўлади.

Шундай қилиб, бир сон ё пиёда учун ёки шоҳ учун бўлиб, улар машҳур шахматдаги ўзларига хос хоналарга қараб ҳаракат қиладилар. Шоҳ олинадию, лекин унинг ўз жойидан четга чиқиши талаб қилинмайди.

Икки сони рух учун бўлиб, у машҳур шахматда биздаги фил ҳаракати сингари диагональ устида учинчи хонага ҳаракат қилади.

Уч сони асб учун бўлиб, у [биздаги] маълум қиялама ҳаракати каби учинчи хонага қараб юради. Тўрт сони фил учун бўлиб, у рухнинг маълум ҳаракати сингари тўғрига қараб юради; лекин душманга қарши боришдан тўсқинликка учратилади. Баъзан тўсқинга учратилиб, икки хонанинг бири ундан тўсиқни кўтариб ташлайди, ниҳоят, душманга қарши боради. Филнинг энг оз ҳаракати бир хона бўлиб, энг кўп ҳаракати ўн беш хонадир. Чунки баъзан икки хонада иккита тўрт ёки иккита олти, ёки битта олти ва битта тўрт келади. Шунда фил тўсқинликка учрамаса, ўша икки соннинг бири билан тахта чеккасидаги бутун бир томонда, бошқа бири билан бошқа томонда юриб чиқиб, тахта диагоналининг икки тарафидаги иккала сонни эгаллайди.

Шахмат доналарининг қимматлари бор. Ўшанга қараб улар хавфхатарга дуч келадилар. Чунки доналар ушланиб, қўлга тушадилад. Шоҳнинг қиммати бешта, фил қиммати тўртта, асб қиммати учта, рух қиммати иккита ва пиёданинг қиммати биттадир. Бир киши бир шоҳни олса, у кишининг ўзида шоҳ бўлмаса, ўша битта шоҳ учун бешта хонага, икки шоҳ учун ўнтага, уч шоҳ учун ўн бештага эга бўлади. Агар у кишининг ўзида шоҳ бор бўлиб, яна уч шоҳ олса, эллик тўрт хонага эга бўлиб, бу ҳисобга қараб эмас, кучга мувофиқ қадам қўйиш бўлади.

Биз [муслмонлар] ҳиндларни [одатдаги] ишларни тескари қилишда айблаганимиздек, улар ҳам бизни айбласалар, бу [ҳол]ни уларнинг ёшларида синаб ҳукм чиқарамиз. Ислом мамлакатига, яқин вақтларда келиб, ҳали бу ердагиларнинг расму одатига тушунмаган ҳиндистонлик қайси бир хизматчи йигитга учрасам, албатта, у хўжайинининг сандалини унинг ҳақиқий вазиятига зид равишда — ўнг оёқникини сўл оёқ рўпарасига қўяди; кийимларини остин-устин қилиб, кўрпа-кўрпача-

ларни тескари солади ва шуларга ўхшаш ишларни қилади. Чунки уларнинг табиатида туғма тескарилик бор.

Бундай билимсизликда ҳиндларни танҳо деб билмайман. Араблар ҳам зўр жиноятлар ва расвогарчиликлар қилган. Ҳайз кўрган ва ҳомиладор бўлган хотинларни никоҳларига олганлар, [қондан уч марта тозаланиши керак бўлгани ҳолда] биргина марта тоза бўлиши билан бир хотинга [бирин-кетин] бир неча киши қўшилганлар, тутинган ўғилларини ва меҳмонларидан бўлган болаларни ўзлариники деб даъво қилганлар, қизларни тириклайин кўмганлар. Ибодатлари орасида хуштакбозликлар ва чапакбозликларни, овқатларидаги ифлосгарчиликлар ва ўлимтик ейишларини қўябер! Ислом дини, исломиятни қабул қилган ҳинд мамлакатларида уларнинг кўп одатларини йўқ қилгани сингари, араблардаги расвогарчиликларга ҳам барҳам берди. Тангрига ҳамд ва шукрлар бўлсин.

---

## ҲИНДЛАРНИНГ ЖАҲОЛАТ УФҚИДА ҚАНОТ ИИҒИБ [УША ЖАҲОЛАТ ЗАМИНИГА] ҚУНГАН ИЛМЛАРИ ҲАҚИДА

Сихр [шундай илмларнинг бири] ҳисобланади.

Сихр бўямачилик йўлларида биронтаси билан бир нарсани ўз ҳақиқатига хилоф равишда кўрсатишдан иборатдир; сихрга шу йўсундан қаралса, бу одамлар орасида || тарқалганлиги кўрилиб туради. Агар авом халқ тушунчаси сингари тушуниб, «сихр мумкин бўлмайдиган нарсаларни вужудга келтиришдан иборатдир» дейилса, унда сихр текшириш ва аниқлашдан четга чиқиб кетади; мумкин бўлмаган нарса вужудга ҳам келмайди. Натижада, сихрнинг таърифида унинг ёлғонлиги равшан кўриниб туради. Шундай бўлгач, сихр, албатта, илмлар қаторига кирмайди.

Кимёгарлик сихр деб аталмаса ҳам, унинг турларидан саналади. Кўрмайсанми, бир киши бир бўлак пахтани бировга кумуш қилиб кўрсатса, бу сихрдан бошқага нисбат берилмайди; бу билан кумушни тилла қилиб кўрсатиш ўртасида одат жиҳатидан бошқа фарқ йўқ.

Кимёгарликка фақатгина ҳиндлар киришган эмаслар, ҳеч бир халқ бундан холи эмас. Фақатгина баъзи халқ баъзисидан кўра ортиқроқ киришган.

Кимёгарлик унга уринган кишининг ақлли ёки билимсиз эканини кўрсатмайди. Чунки биз ақлликлардан бунга қизиқиб берилган кўпгина кишиларни ва билимсизлардан буни масхара ва таҳқир қиладиган бяр қанча одамларни учратамиз. Аммо ўша ақлли кишилар кимёгарликни ўрганиб, бу билан кибрлансалар ҳам, айбли саналмайдилар. Чунки хайрли ишларга ва зарарли нарсдан сақланишга ҳаддан ташқари қизиқишлари уларга кимёгарликни ўрганишни юклайди.

Ҳикматшуносларнинг биридан, олимларнинг бойлар эшикларига ёпирилиб боришлари ва бойларнинг олимлар эшикларига бормасликларининг сабаби нима деб сўралганда, ҳикматшунос: «[Бунинг] сабаби олимларнинг мол фойдасини билишлари ва бойларнинг илм шарафини билмасликларидир», деб жавоб берган.

Ҳалиги илмсизларга келганда, улар кимёгарликка қарши нафратланиб, қаттиқ турсалар ҳам мақталмайдилар. Чунки уларни ёмонликнинг моддаси бўлган ва билимсизлик натижаларини қувватдан феълга чиқарадиган [яъни йўқни бор қиладиган] сабаблар нафратланишга қўзғатади.

Кимёгарлик санъатига эга бўлган кишилар санъатларини одамлардан бекитишга уринадилар ва бу санъатга аҳл бўлмаган кишидан қочадилар. Шунинг учун ҳиндларнинг бу санъатда тутган йўлларини ва у йўллардан қайси асл ва асосга, яъни маъданий нарсаларга ёки жониворлардан ёки ўсимликлардан олинадиган нарсаларга мурожаат қилишларини билолмадим. Лекин мен улардан [юқорига қуруқ ҳолатда куйдириб] ҳайдаш, [куйдириб] оҳак шаклига айлантириш, эритиш ва талқини мум ҳолатига айлантириш ҳақидаги сўзларини эшитиб, маъданий нарсалар билан иш кўришларини гумон қиладиган бўлдим. Талк сўзи ҳиндчасига толака дейилади.

Ҳиндларда кимёгарликка ўхшаш ўзларига хос бир фан бор. Уни Расояна деб атайдилар. Бу тилла исмидан олинган сўздир. Чунки улар тиллани расо дейишади. Расояна термини, [касалликка қарши] турли тадбирлар, маъжунлар ва кўпчилиги ўсимликлардан олинадиган дориларни таркиб қилиш санъатига хос исмдир. Расоянанинг усул ва қоидалари шуки, у соғайишларидан умид узилган беморларни соғайтиради, жуда қартайган кексаларни қайтадан ёшартиради, ҳатто ёшликларидаги сингари сочлари қораяди, сезгилари ўткирлашади, оғир ишларга ва жинсий алоқага кучли бўладилар, ҳатто дунёда узоқ замон яшайдилар. Нима учун шундай эмас? Ҳолбуки, халос ва қутулиш йўллариининг бири Расояна эканини юқорида «Патанжали»дан ҳикоя қилдик. «Патанжали»даги шу сўзни эшитиб ва унга инониб, кейин [масхара қилиб] кулганидан шалворини булғатмайдиган, [кимё] устозига янгигинасидан бир неча луқма едирмайдиган [яъни «бекор айтибсиз» демайдиган], ким бор?

Соманотҳа мавзунининг яқинидаги Дайҳак деб аталадиган қалъали Ногоржуна ўша Расояна бобида тилга олинадиган [машҳур] кишилардандир. У киши бу соҳада мўътабар одам эди ва ўз аҳдига кўра, бошқа китоблардан устун келадиган нодир бир асар ёзди. У бизнинг замонимиздан юз йилча илгари ўтган эди.

|| Викрамодитъя<sup>2</sup> исмли подшоҳ — бунинг тарихи келгусида баён 93 қилинади — даврида Ужайн шаҳарида Виёди исмли бир киши бор эди. У бутун кучини шу билимга сарф қилди ва бу йўлда умрини, молини тугатди ва шунча уриниб мақсади вужудга келмади. Кейин харажатда муҳтож қолиб қийналгач, билим учун уринганига ўқинди, ҳасратланиб ғамгин ва хафа бўлган ҳолда бир дарё чеккасига бориб ўтирди; ўзинусхалар олиб юрган мураккаб дорилар китоби — Қарободинни йўқ қи-

лишга киришиб, унинг варақларини бирин-кетин йиртиб, сувга ташлай берди. Иттифоқо ўша дарёнинг чеккасида, қуйироқда бузуқ хотинларнинг бири ўтирган бўлиб, сувга оқизилган варақлар шунинг олдидан ўтар, хотин эса варақларни йигиб олиб, улардаги Расоянани ўрганар ва Виёди у хотинни кўрмас эди. Ниҳоят, варақлар тугади. Сўнгра ҳалиги хотин унинг олдига келиб, китобини шундай қилишининг сабабини сўради. У жавоб бериб айтди: «Чунки бу китобдан фойдаланмадим, мақсадимга эришолмадим, йиққан молларимни шу китоб сабабли барбод бердим ва бахтли бўлишни орзу қилиб, бахтсиз бўлиб қолдим».

Ҳалиги бузуқ хотин шундай дейди: «Умрингни сарф қилган нарсадан юз ўғирма ва сандан илгариги ҳикматунослар исбот этган нарсанинг вужудга келишидан умидсиз бўлма. Балки иттифоқо бир ҳолат юз бериб, у нарса ҳақиқатига эришувингга тўсқинлик қилгандир. Бундай тасодифий ҳолат ҳам йўқ бўлар; менда иноарлик кўпгина мол бор, кел ўшанинг ҳаммаси сеники бўла қолсин, уни излаганингни топишга харажат қил». Шунда у киши қайтадан ишга киришди.

Шу каби фанларга тегишли китобларда ишоратлар кўрсатилган бўлади. Шундай қилиб ҳалиги киши таркибига ёғ ва инсон қони қўшилиши керак бўлган дорининг рецептида лугат жиҳатидан янглишар эди. Чунки ёғ ва инсон қони китобда рактомала<sup>3</sup> деб ёзилган бўлиб, бу киши эса уларни қизил омила деб гумон қилар, шуни ишлатиб, у дорини бузиб қўяр ва муваффақият қозонмас эди. Кейин [бир куни] дориларни қайнатаётганида бошига олов тегиб миясини қуритди. Шунда боши тепасига анча ёғ қуйиб ёғлади ва бир иш учун ўчоқ олдидан турган эди, шип юздан туртиб чиқиб турган бир миҳ бошининг тепасига тўғри келиб қолиб қаттиқ тегиб, бошини қонатди. У етишган алам сабабли қайтиб ўрнига ўтирди, ёғ билан аралашган қон томчилари дорилар қайнаётган идишга томчилади, ўзи буни билмади, ниҳоят, қайнатилаётган дори етилди, синаб кўриш учун ўзи ва ҳалиги хотин у дорини ўзларига сўртган эдилар, иккаласи ҳавога учдилар. Бу воқеа ҳақида [подшоҳ] Викрамодитъяга хабар берилди. У буларни кўриш учун қасридан майдонга чиқди. Шунда ҳалиги учиб юрган киши Викрамодитъяга «Оғзингни оч, тупураман», деди. Викрамодитъя кибрланиб, унинг айтганини қилмади. Тупук эшик олдига тушиб, эшик тилла тўсиқ билан тўсилиб қолди. У киши эса ҳалиги хотин билан бирга истаган жойга учиб юрди ва шу фан ҳақида машҳур китоблар ёзди. У ўша хотин билан бирга, ҳалигача тирик, ўлган эмас, деб ҳиндлар даъво қилишади.

Шунга ўхшаш сўзларнинг бири шуки, замонамизда Бҳожадева эгаллаб турган Молава вилоятининг Дҳор деган шаҳарида амир саройида ҳоким эшиги тепасида тўрт бурчакли, узунчоқ бир бўлак тоза кумуш бор, унда инсон аъзосининг сувратлари кўриниб туради. Ҳиндлар бу кумуш ҳақида мана шундай дейишади: Ўтмиш замонларда Ра-

соянани биладиган бир киши ҳиндларнинг подшоҳи олдига келиб, Расоянани амалга оширса, подшоҳнинг ўлмасдан ҳамиша тирик қолишини, душмандан енгилмай, ғалаба қозонишини, қасд қилган ва истаган нарсасига || қудратли бўлишини айтган. Шунда подшоҳ уни 94 хилватга чақириб, ваъдалар қилган ва керакли нарсаларининг ҳаммасини ҳозирлашга буйруқ берган. У киши ёғни то қиёмига етгунча бир неча кун қайнатиб, подшоҳга: «Сен учун тайёрланган ишни тўла-тўқис бажаришим учун ўзингни шу ёғ ичига ташла», деган. Подшоҳ кўриниб турган нарсадан хавфсиниб, ўзининг алданиб қолишидан қўрққан. У киши подшоҳнинг қўрққанини сезгач, унга «Ўзингни ташлашга кўнглинг чопмаса, мен ўзимни ташласам, шунга рози бўласанми», деган экан, подшоҳ «бу сенинг ишинг», дебди. Шунда у киши подшоҳга дорилар солинган халталарни кўрсатиб, [ўзини ташлаганида] ёғдан юз берадиган аломатларни танитиб тушунтирган ва ҳар бир аломат юз берганида у халталардан тайин қилинган биттасини ёғга ташлашини буюрган. У киши ўридан туриб, ўзини ёғга ташлаган ва унда ҳалок бўлган; кейин парчаланиб титилиб кетган. Подшоҳ халталар тугалишга яқинлашгунича, у кишининг айтганини қилиб турган. Ёғга ташланмаган биргина халта қолганида, подшоҳ у кишининг ўзи айтгандай тирилиб, мамлакатига эгалик қилишидан қўрқиб, охири халтани ташламаган, у кишининг аъзоси қозонда тўпланганича, қозон совиб қола берган. У киши ана шу кумушнинг ўзидир.

Ҳиндлар Валлабҳа шаҳрининг подшоҳи Валлабҳа<sup>4</sup> ҳақида мана шундай дейишади, унинг тарихини ўз бобида айтган эдик: Сиддҳа мартабасига эришганлардан бир киши бир чўпондан тўҳар исмли ўсимлик — бу сутли ўтлардан бўлиб, узиб олиниганда ундан сут оқадн — тўғрисида: «Шундан сут ўрнига қон оққани кўрилганми»,—деб сўраганида, «ҳа, кўрилган»,—деб жавоб берган. Шунда у киши чўпонга бир нарса берган ва йўлбошчилик қилиб, шундай ўтни кўрсатишини илтимос қилган, чўпон у кишини олиб бориб, ўтни кўрсатган, у киши ўтни кўргач, унга олов ёқиб, чўпоннинг итини оловга ташлаган, чўпон бундан ғазабланиб, у кишини оловга ташлаб, олов ўчгунича кутиб турган, олов ўчгач, итнинг ҳам, у кишининг ҳам тилла бўлиб қолганини кўрган. Шунда чўпон итини олиб, у кишини олмай қолдирган. Қишлоқ одамларининг бири бу воқеадан хабардор бўлиб, бориб ҳалиги тиллага айланган кишининг бир бармоғини кесиб олган ва буни «Равка», яъни «Фақир» лақабли баққолга олиб келган. Чунки бу баққол жуда камбағал бўлиб, киши орқага кетган экан. Қишлоқи у баққолдан кераклигини олиб, тиллага айланган кишининг олдига келганида, у киши бармоғининг ўсиб, ўз ҳолига қайтганини кўрган. Яна унинг бармоғини кесишга тутиниб, ҳалиги баққолдан керагини ола берган. Ниҳоят, баққол буни қаердан олаётганини сўраган. Қишлоқи аҳмоқлик қилиб, баққолни олиб бориб,

тиллага айланган кишини кўрсатган. Баққол тиллани дарров уйига олиб келган ва ўтирган ўрнида бой бўлиб қолган. Ҳатто шаҳарнинг молу мулкларини қўлга киритган. Валлабҳа бундан тама қилиб, бирмунча мол сўраганда, у беришдан тортинган. Кейин ўзига подшоҳнинг душманлик қилишидан қўрқиб, Мансуранинг улуғ подшосидан паноҳ топган. Унга кўп моллар берган ва кемаларда денгиз аскарлари билан ёрдам беришини сўраган. Мансуранинг улуғ подшоси унинг илтимосини қабул қилиб, унга ёрдам берган; Валлабҳага кечаси ҳужум қилиб уни ўлдирган, халқи устига бостириб келиб, мамлакатини хароб қилган. Айтишларича, кеча босқинчилиги ва тўсатдан қилинган ҳужум билан хароб қилинган жойларда топиладиган нарсалар у ерларда ҳозиргача учратилиб турар экан.

Ҳинд жоҳил подшоҳларининг бу хил нарсаларга қизиқишлари шу даражага етадики, бир вақт уларнинг бири шундай ишни амалга оширмоқчи бўлганида, бундай қилинганда «бирмунча чиройлик ёш болалар ўлдирилади-ку», деб унга арз қилишган. Шунда подшоҳ болаларга бу хилда катта жиноят қилишдан тортинмай, «улар оловга ташлансин», деб қаттиқ туриб олган.

Одамлар қизиқадиган [расояна] каби фанлар етиб бўлмайдиган узоқ жойларга улоқтириб ташланганда эди, жуда тўғри иш бўлар эди.

95 Исфандиёднинг ўлим || олдида айтган сўзларининг бири мана шундай: «Ковус, «Қонун» китобида баён қилинган қудратга ва одамларни ҳайратда қолдирадиган нарсаларга эришди. Чунки у кексайиб, қарилик букчайтирган ҳолда Қоф тоғига борди; у ердан ҳужум ва ҳуш қомат, бақувват бир йигит бўлиб, тангри фармони билан булутга миниб қайтади».

Азойимхонлик ва дуохонликларга келганда, ҳиндлар бунга инонадилар ва кўплари бунга рағбат қилади. Дуоларга хос китобни Гаруданики, Гаруда эса қушлардан бўлиб, Нороянанинг улови дейишади. Баъзилари бу қушни Сифрид исмли қушга далолат қиладиган ва унинг қиладиган ишига белги бўладиган сифатлар билан тавсиф қилади. Чунки у балиқларга душман бўлиб, уларни овлайди. Ҳайвонларнинг табиатларида эндрларидан нафратланиш, душмандан ўзни кўриқлаш бор. Лекин у сув тепасида қанот қоқиб, қичқирганда сув тагидаги балиқлар сув юзига чиқади ва гўё сеҳр билан бойлаб қўйилгандай, балиқларни овлаши осон бўлади. Баъзилари уни лайлак сифатлари билан тавсиф қилади. «Божу-пурона» исмли китобда унинг ранги сариқ дейилган. Гаруданинг Сифрид бўлишидан кўра, лайлак бўлиши ақлга мувофиқроқ. Чунки илонларни ҳалок қилиш лайлакнинг табиий ишидир.

Дуоларнинг кўпроғи илон чаққан кишига ўқиладиган дуо бўлади. Дуоларнинг илон чаққанларга таъсир қилишига ҳаддан ташқари ино-

надилар. Улардан бирининг: «Бир одамни илон чақиб ўлган эди, ўлганидан кейин уни азойимхон ўқиди, у одам тирилиб бошқалар сингари дунёда тентираб юрибди. Буни ўзим кўрдим», деганини эшитдим. Бошқа бирининг: «Илон чаққанидан ўлган бировни кўрдим, уни азойимхон ўқигач, ўрнидан туриб сўзлади, васият қилди, кишиларга омонат қўйган нарсаларининг белгиларини айтиб танитди, овқат ҳиди бурнига киргач, ўша ерда ўзидан кетиб, ўлиб қолди», — деганини эшитдим.

Ҳиндларда шундай расм бор: бировни илон чаққанда азойимхон топилмаса, уни бир кучоқ қамичга бойлаб, тепасига, шу одамнинг аҳволини билиб, уни ўқиб, ҳалокатдан қутқазган кишига атаб дуо ёзилган қоғоз осиб қўйишади.

Шу хил нарсаларга инонмаслик тўғрисида нима дейишимни билмайман. Хурофотлар бир ёқда турсин, теги бор нарсаларга ҳам шубҳа билан қарайдиган бир киши ўзини илон чақиб заҳарланганидаги аҳволини менга шундай ҳикоя қилди: унинг олдига азойимхонлик сифатини олган ҳиндлар келтирилган, улар бу кишини куйлаб ўқиганлар. Шунда бу роҳатлана берган; азойимхонлар қўллари ва новдалар билан турли ишоратлар қилганларича, бу ўзида соғайиш сеза берган.

Ҳиндларнинг кийик овида қўллари билан уларни тутиб олганларини ўзим кўрдим.

Бир киши, кийикларни тутмасдан ҳайдаб ошхонага киргизиб олмаган деб даъво қилди. Уларнинг бундай ишларини секин-аста, сабот ва матонат билан кийикларни бир хил куйга одатлантиришдан бошқа нарса деб билмайман. Бизнинг элатларимизнинг ҳам буғуларни овлашда шундай қилганларини кўрамиз, буғулар кийиклардан кўра ёввойироқ бўладилар; элатларимиз буғулар галасини кўрганларида уларнинг атрофига давра олиб, бир хилда товуш билан ўзгартирмай, то буғулар одатлангунларича куйлай берадилар. Кейин даврани аста-секин торайтирадилар, бора-бора буғулар қимирламай қолишади ва уларга зарба бериб [тутиб олиш] мумкин бўлади. Ҳатто каклик овлайдиганлар кечаси мис идишларни бир хилда куй билан ўзгартирмай чала бериб, уларни қўллари билан тутиб оладилар. Агар куй ўзгарса [какликлар] ҳар томонга қараб учиб кетишади. Бу хусусиятларга дуохонликнинг дахли йўқ.

|| Тикка қадалган ёғочлар ва тортилган арқонлар устида енгил [ва 96 чаққон] ўйнаганлари сабабли ҳиндларга сеҳргарлик нисбати берилади. Бундай [ўйинлар]ни ҳамма халқ кишилари ўйнай берадилар.



## Эн савқисининг боё

### ҲИНСЛАРНИНГ ШАҲАРЛАРИ, ДАРЕЛАРИ, ДЕНГИЗЛАРИНИНГ ТАНИТИЛИШИ, МАМЛАКАТЛАРИ ВА ЧЕЛАРАЛАРИ УРТАСИДАГИ АНРИМ МАСОФАЛАРНИНГ БИЛДИРИЛИШИ ҲАҚИДА

Ернинг одамлар яшайдиган қисмини шундай тасаввур қил: шу қисми Ернинг шимолий ярмида бўлиб, бу эса ярмининг ярмини ташкил этади. Демак, Ернинг тўртдан бир қисмида одамлар яшайди.

Шу қисми муҳит деб аталадиган денгиз ғарб ва шарқ томондан ўраб туради. Юмшаклар бу денгизнинг ўз вилоятлари бўлган ғарбга ёндоқ қирғоққа ўқинус [оқинус] деб атайдилар. Бу денгиз Ернинг шу қисми билан ўзининг яраги томонида бўлиши мумкин бўлган қуруқлик билан одамлар яшайдиган қатъа орасини ғарб ва шарқ томонларида ажратиб туради. Ҳавонинг қоронғилиги, сувнинг қуёқлиги, йўлларнинг нотинчлиги, хавф-хатарнинг улуғлиги ва борилганда қайтиб келишлик йўқлигидан денгизнинг у томонига сафар қилинмайди. Шунинг учун илгариги одамлар денгиз ичига ва қирғоқларига у томонга юришга тўсқинлик қиладиган белгиларни ишлаб қўйганлар.

Шимол томондан эса, ернинг одамлар яшайдиган қисмини совуқ [ҳаво] ажратиб туради. Лекин кўп жойларга денгизнинг тошқинлари ва кўликлари кириб боради. Аммо жануб томонга келганда, Ернинг одамлар яшайдиган қисми икки томондан Муҳит денгизига туташган бир денгиз қирғоғига бориб етади. Бу денгизда одамлар юришади. Бунда ободонлик узилмайди, бу катта ва кичик ороллар билан тўлиқдир.

Бу денгиз билан қуруқлик бир-бири билан жой талашиб, денгиз бўлақчалари қуруқлик ичига ва қуруқлик бўлақчалари денгиз ичига киришиб туради. Қуруқликнинг ғарбий ярим қисми эса денгизга кириб, денгиз қирғоғи жанубга томон чўзилиб кирган. Мардикор бўлиб келадиган Магрибнинг қора танли халқлари шу қуруқликларда бўладилар ва Нил дарёсининг манбалари бўлган Ой тоғлари ҳам шу қуруқликда жойлашган. Қирғоқ ва оролларда занжий қабилалари яшайдилар. Ернинг шу ғарбий ярим қисмида денгиздан қуруқликка Барбар кўрфази<sup>1</sup>,

Қулзум кўрфази<sup>2</sup> ва Форс кўрфази каби шохобчалар кириб, ғарб қисми шу кўрфазлар орқали денгизга бир оз киради.

Шарқий ярим қисмга келганда, шу денгиз жанубда қуруқликка киргани сингари, шимолда ҳам қуруқликка кириб туради. Денгиз тошқинлари ва қуйилишлари шу қуруқликнинг баъзи қисмида узоқ жойларигача боради.

Бу денгизга кўпинча ўзидаги нарсанинг ёки унга рўпара мамлакатнинг исми берилади. Бунинг бизга керакли қисми ҳинд ери рўпарасидаги Ҳинд денгизи деб аталадиган қисмидир.

Ундан кейин Ернинг одамлар яшайдиган шу қисмидаги туташ баланд тоғларни тасаввур қил. Улар одамлар яшайдиган шу қисм энининг ўртасида орқа умуртқаларига ўхшаб шарқдан ғарбга томон чўзилиб ётадилар. У тоғлар: Чин [Хитой], Тибет, Турк, кейин Кобул, Бадахшон, Таҳористон, Бомбён, Гўр, Хуросон, Жабал [Мидия], Озарбайжон, Арман, Рум, Франк ва Жалолиқа деб аталадиган халқлар мамлакатларидан ўтади. Чўзилган шу тоғларнинг эни бир қанча масофага эга бўлиб, уларнинг бурилишлари кўпгина чўлликларни ва буларда ишовчиларни ўз ичига олади. У тоғлардан шарқ ва ғарбга қараб дарёлар чиқиб туради.

Ҳинд мамлакати шу қуруқликларнинг бир қисми бўлиб, уни жанубдан мазкур Ҳинд денгизи, бошқа томонлардан эса ўша баланд [тизма] тоғ ўраб олган. [Тизма] тоғнинг сувлари ҳинд мамлакатига қуйилади. 97

Балки ҳинд мамлакатининг тоғларга яқин жойларида қазиб борилганча учратиладиган юмалоқ силлиқ катта тошларни, дарё сувларининг тез оқишини, тоғлардан узоқлашган сари кичикроқ тошлар учратилиб, сув оқишининг сусайиб боришини, сувлар бориб тўхталган, кўллар-тўқайлар ва денгизга яқин жойлардаги қумликларни кўргангидея, ўйлаб қарасанг, Ҳинд мамлакатини селлар оқизи келган нарсалар билан тўлган қадимги бир денгиз деб ўйлайсан, лекин бошқа нарса деб тасаввур қилолмайсан.

Канавж шаҳри тевараги, жойлашган ери жиҳатидан Ҳинд мамлакатининг Мадҳъядешаси, яъни ўртаси ҳисобланади. Чунки бу шаҳар денгиз билан тоғ ўртасида, иссиқ [ҳаво] билан совуқ [ҳаво] орасида, Ҳинд мамлакатининг шарқий чегараси билан ғарбий чегараси ўртасида жойлашган. Ҳукуматдорлик жиҳатидан эса, ҳиндларнинг улуғлари Фиръавн [подшоҳ]лари Канавжда турганлар.

Синд ерлари Канавжнинг ғарбига жойлашган. Бизнинг мамлакатдан Немрўз, яъни Сижистон ерларидан Синдга, Кобул томондан эса Ҳиндистонга борилади. Шуниси ҳам борки, Кобул томондан бориш шарт эмас, тўсқинликлар кўтарилса, Ҳиндистонга ҳар томондан бориш мумкин.

Ҳинд ерларини ўраб олган тоғларда ҳиндлардан ҳисобланадиган ёки уларга яқин, саркаш — бўйсунмайдиган ва ўз жинслари турмайдиган чегаралардан ҳам ўтиб борувчи бир гуруҳ бор.

Канавж шаҳри Ганга дарёсининг ғарб томонига қурилган бўлиб, жуда катта шаҳардир. Подшоҳ пойтахти Канавждан Бори шаҳрига кўчирилганидан ҳозирда унинг кўпроқ қисми хароб бўлиб қолган. Бори шаҳри Ганганинг шарқида бўлиб, бу билан Канавж оралиги уч кунлик ёки тўрт кунлик йўлдир.

Канавж Понду авлоди билан машҳур бўлганидек, Моҳура шаҳри Васудева билан шуҳрат чиқарган. Моҳура Жавн<sup>3</sup> дарёсининг ғарбида бўлиб, иккаласининг оралиги йигирма тошлик масофадир. Тонешар шу иккала дарё оралигида, шимол томонларидадир. Тонешар Канавждан саксон тошча, Моҳурадан эллик тошча узоқда жойлашган.

Ганга дарёси айтиб ўтилган тоғлардан чиқади, унинг чиқадиган жойи Ганга-двора<sup>4</sup> деб аталади. Шунингдек, дарёларнинг кўпи, ўз жойида айтганимиздек, ўша тоғлардан чиқади.

Ҳиндларнинг шаҳарлари ва булар оралигидаги масофаларга келганда, уларни кўрмаган кишилар учун [оғзаки] хабар ва сўзлар асос бўлади. Батлимус бундай хабарларни ташиб юрувчилардан ва уларнинг бу хабарларга ёлғон қўшишга ўчликларидан доимо шикоят қилади. [Масофаларни белгилашдаги] ёлғон-яшиқлари ҳақида мана шундай бошқача қоидаларини учратдим: ҳиндлар бир ҳўкизга икки ёки уч минг манли юк ортिलाди, деб фараз қиладилар. Буни ташиш учун карвон ҳар бир манзилнинг икки томони ўртасида бир неча кун қатнашга мажбур бўлади ва ниҳоят ҳўкиз юкнинг ҳаммасини бир томондан бошқа бир томонга ташиб кўчиради, деб ўйлайдилар. Кейин икки шаҳар орасидаги масофани ҳалиги қатновларга кетган кунлар билан [шунча кунли йўл деб] ҳисоблайдилар. Бундай хабарларни тузатишга ғоят даражада эҳтиётлик билан иш тутишдан бошқа чорамиз йўқ. Билмаганлигимиз сабабли билган нарсаларимизни айтмай қўйишимиз ҳам яхши эмас.

Энди паришон аҳволикдаги узримизни баён қилиб айтсак, Канавждан жанубга қараб Жавн ва Ганга дарёлари орасидан йўл тутган киши машҳур мавзулардан Жажжамавга боради. Жажжамав Канавждан ўн икки тош наридадир. Ҳар бир тош тўрт миля, яъни бир куроҳ бўлади.

98 Кейин || саккиз тош юриб, Абҳопурега боради. Сўнгра саккиз тош юриб Кураҳага, кейин саккиз тош юриб, Барҳамшилга, ундан кейин ўн икки тош йўл юриб, Праёга Дарахтига боради. Бу Дарахт Жавн сувининг Ганга дарёсига қуйиладиган жойидадир. Ҳиндлар шу жойга келиб, «Мақолалар» китобларида баён қилинган турли азоб-уқубатлар билан ўзларини қийнайдилар. Бундан ўн икки тош юриб, Ганганинг денгизга қуйиладиган ерига боради. Шу Дарахтдан жанубга қараб, денгиз қир-

роғи томонда, бир-биридан ажратилган бошқа ўлкалар бошланади. Бундан Арку-тертҳагача ўн икки тош; Уваряҳор мамлакатигача қирқ тош, қирғоқдаги Урдабишавгача эллик тошдир. Бундан қирғоқ бўйлаб шарқ томонга юрилади. Ҳозирда бу мамлакатларни Жавр эгаллаб туради. Бу мамлакатларнинг аввалгиси Даравр бўлиб, унғача қирқ тош, Конжегача ўттиз тош, Малаягача қирқ тош, Кўнккача ўттиз тош йўл юрилади. Бу [Жаврга бўйсунган] ҳалиги мамлакатларнинг охиригисидир.

Бори шаҳридан Ганга дарёси бўйлаб унинг шарқ томонида юрабошласанг, Боридан Ажодаҳагача йигирма беш тош, ҳиндлар улуглайдиган Банорасегача йигирма тош йўл юрасан. Кейин йўналишни ўзгартиб, жануб томондан шарққа қараб қайтсанг, Шарворгача ўттиз беш, Поталипутрагача йигирма, Мунгерегача ўн беш, Жанпагача ўттиз, Дўгўмпургача эллик ва Ганганинг денгизга қуйиладиган ери бўлган Гано-соярагача ўттиз тош йўл юрасан.

Аммо Қанавжнинг шарқ томонида юрсанг, ундан Боригача ўн, Дўгумгача қирқ беш, Шилоҳат мамлакатигача ўн, Биҳат шаҳригача ўн икки тош юрасан. Кейин ўнг томонга юрилса, Талват исмли жой бор, бунда яшовчилар Тарў деб аталади. Булар жуда қора тусли ва турклар сувратида ясси бурунли бўладилар. Талватдан денгизгача чўзилиб борган Қомрў тоғларига борилади. Чап томонда Нейпол [Непал] вилояти бор. Шу ерларда юрган бир кишининг айтишича, у [киши] ўша шарқ томондаги Танватдан Нейполгача йигирма тош юрган, бу масофанинг кўпроғи қир-тепалик бўлган. Кейин Нейполдан Бҳотешарга ўттиз кунда етган. Бу масофа саксон тошга яқин бўлиб, ўридан қири кўпроқ. Шу ерда бир сув бор, бундан бир неча марта кўприклар билан ўтилади. Кўприклар тахталардан бўлиб, ҳар тахталарнинг иккала учи хайзурон қамичидан ишланган иккита арқонга маҳкам бойлаб қўйилган. У арқонлар эса, икки тоғ орасидаги масофани билдириш учун қоқилган темир қозиқларга тортиб қўйилган. Юклар елкага кўтарилиб, кўприклардан ўтказилади. Сув қордек оппоқ кўпириб, тоғларни кўпоргувдай бўлиб, кўприклардан юз газча қуйида оқади. Юклар кўприклардан ўтказилгандан кейин эчкилар устига ортилади. Яна шу йўловчининг айтишича, у ерларда тўрт кўзли кийикларни кўрган, бу кийикларнинг [ҳаммаси] шундай жинсдан эканини, уларни табиат янглиш яратмаганини даъво қилган.

Бҳотешар Тибет чегарасининг бошланишидир. Бу ердагиларнинг тили, кийими ва башараси ҳиндларникидан бошқа бўлади. Бҳотешардан катта тоғ йўли [довон]нинг бошигача йигирма тош. Унинг чўққисидан Ҳинд мамлакати туман тегида қорайиб, ундан беридаги тоғлар кичик тепаларга ўхшаб, Тибет ва Чин мамлакатлари эса, қизариб кўринадилар; Тибет мамлакатига тушиш масофаси бир тошга етмайди.

Қанавждан шарқ ва жануб орасида, Ганганинг ғарби бўйлаб юрил-

99 ганда ҳам Жажажӯте вилоятигача ўттиз тош || йўл юрилади; бунинг маркази Кажуроҳадир.

Бу билан Қанавж орасида тилга олинарли қалъалардан Гволияр ва Колунажар қалъалари бор. Яна Қанавждан Даҳолага борилади; бунинг маркази Тиавре бўлиб, ҳозир унга Гангея эгалик қилиб туради. Қаннакара мамлакатигача йигирма тош. Ундан кейин Апсўрга, сўнгра денгиз қирғоғидаги Бановасга борилади.

Қанавждан жануб ва ғарб томон орасида юрилганда Осегача ўн саккиз, Саҳанёгача ўн етти, Жандрагача ўн саккиз, Рожаврегача ўн беш ва Гузорот маркази Базонагача йигирма тошдир. Дўстларимиз Базонани Нороян деб билишади. Базона хароб бўлгач, одамлар Жадура номли бошқа шаҳарга кўчишган.

Моҳура билан Қанавж ёки Моҳура билан Базона орасидаги масофа бир хил, яъни йигирма саккиз тош.

Моҳурадан Ужайнга бормоқчи бўлган киши бир-бирига яқин, оралари беш тош ва бундан камроқ келадиган қишлоқлар устидан ўтади. Ўттиз беш тош юриб, Дўдаҳе исмли катта шаҳарга, кейин етти тош юриб, Бомаҳурга, сўнгра беш тош юриб, Бҳойлисонга етади. Бҳойлисон ҳиндларнинг энг машҳур жойи. Бунга ўзидаги санамнинг исми берилган. Кейин тўққиз тош юриб, Арденга етади. Бундаги санамнинг исми Маҳақоладир. Сўнгра етти тош юриб, Дҳорга боради.

Базонадан жануб томонга юрилса, Майворгача йигирма беш тош; бунда Жаттаравр исмли қалъа бор. Қалъадан Моловагача йигирма тош, бунинг маркази Дҳордир.

Ужайн шаҳри Дҳорнинг шарқида бўлиб, икковининг ораси етти тош. Ужайндан Бҳойлисонгача ўн тош, Бҳойлисон Моловадан ҳисоб қилинади. Дҳордан жанубга юрилганда Бҳўмиҳарагача йигирма, Кандгача йигирма, Нармада дарёси чеккасидаги Намовургача ўн, Алеспургача йигирма ва Годовар дарёсининг чеккасидаги Мандагиргача олти тош йўл юрилади. Шунингдек, Дҳордан жанубга юрилса, Намайя водийсигача етти, Маҳраттадешгача ўн саккиз, Кункан вилоятигача йигирма беш тош юрилади. Бу вилоятнинг маркази денгиз қирғоғидаги Тонадир.

Ҳиндларнинг айтишича, Кунканнинг Донак деган чўлларида Шарава деб аталадиган тўрт оёқли ҳайвон бўлиб, бунинг орқасида ҳам оёқларига ўхшаш тўртта нарса юқорига қараб ўсган бўлади. Унинг кичкина хартуми ва иккита катта шохи бор. У бу шохлари билан филни уриб, иккига бўлиб ташлайди. Бу ҳайвон говмиш — қўтос шаклида бўлиб, Гандадан каттароқ бўлади. Ҳиндлар даъвосича, баъзан бу ҳайвон бирор бошқа ҳайвонни сузиб, уни бутунлича ёки бир қисмини [шохлари билан] кўтариб орқасига ташлайди. Шунда у Шараванинг орқасидаги юқорига қараб ўсган оёқлари орасига тушиб қолиб, сасиб қурт-

лайди. Шарава бўлса уни орқасида олиб юра беради, доимо дарахтларга ишқалай бериб, охир ўзи ҳам ҳалок бўлади. Ҳиндларнинг айтишларича, гоҳо бу ҳайвон момақалдироқ товушини эшитса, уни бирор жонивор деб гумон қилади, уни сузмоқчи бўлиб, момақалдироқ бўлаётган томондаги тоғ чўққисига чиқади ва шундан момақалдироқ томонга сапчиб, йиқилиб чилпарчин бўлиб ўлади.

Аммо Ганда исмли ҳайвон Ҳиндистонда, айниқса, Ганга дарёси теварагида кўп учрайди. Бу қўтос шаклида, териси танга-танга қора, энгак теги гўштлири осилган, ҳар бир оёғида учтадан сариқ туёқ, битта каттаси олдинга ва иккитаси икки ёнга қараган бўлади. Думи эса калтароқ бўлиб, одатдаги жойдан кўра юзининг дўнгига томон қуйинга тушган иккита кўзи ва бурнининг учида юқорига қараб бир оз қайрилган битта шохи || бўлади.

Бунинг гўштини фақатгина браҳманлар ейишади. Бу ҳайвоннинг битта ёшгинасини кўрдим. Ўзига қарши келган филнинг шохи билан олдинги оёғига уриб, ярадор қилди ва сузиб ташлади. Мен у ҳайвонни каркидон, деб гумон қилдим. Ҳатто Суфала занжийларининг қуйи қисмидан келган биров менга шундай деди: «У ерда пичоқчалар дасталарга ишлатадиган каркидон шохи шу тасвирланганга ўхшаб кетади. Занжийлар тилида уни импело деб аталади. У [шоҳ] турли рангда бўлиб, шакли конуссимон, яъни теги йўғон бўлади. Шохи бир оз кўтарилган бўлиб, ичкарасидаги ўзаги қора, қолган қисми оқ бўлади. Пешонасида ҳам шу сифатда, лекин ундан кўра узунроқ шохи бўлади, ишлатганида — сузганида бу шохи тиккаяди. Бу ҳайвон шу шохини тошларга қайраб, кесадиган ва тешадиган қилади. Унинг туёқлари ва эшак думи сингари қилли думи бўлади.

Нил дарёсида тимсоҳ учратилганидек, ҳинд дарёларида ҳам учратилади. Ҳатто [машҳур олим] ал Жоҳиз содда кўнгиллилиги, дарёларнинг оқиб ўтадиган жойларини ва денгизлар шаклини билмаслиги сабабли Муҳрон дарёсини Нилнинг шохобчаси деб гумон қилган.

Яна ҳинд дарёларида: тимсоҳ, мақара, балиқнинг қизиқ турларидан иборат ажойиб ҳайвонлар ва мешга ўхшаш ҳайвон ҳам учратилади. Бу ҳайвон кемаларнинг юришига ёрдам бериб сузади ва ўйнашади, бунинг ҳиндлар бўрлў деб атайдилар. Менимча, у дўлфин ёки шунинг бир тури бўлса керак. Айтишларича, унинг бошида дўлфинники сингари нафас олиш учун ёриғи бўлар эмиш.

Ҳиндларнинг жануб томондаги дарёларида граҳа, баъзан жалатанту ва тандуо деб ҳам аталадиган ҳайвон бўлиб, у ингичка ва жуда узун бўлади. Айтишларича, дарёга ким тушган бўлса, у инсонми ёки жониворми, уни дарёда кузатиб турар ва узоқдан уни ўраб олар, ниҳоят, бўйи қисқарар, сўнгра буришиб, унинг оёғига бойланиб йиқитар ва ҳалок қилар эмиш.

Ҳиндларнинг биридан эшитдим. У ўзининг кўрганини мана шундай ҳикоя қилди: «У ҳайвоннинг ит боши сингари боши, узун ва кўп шохобчали думи бор, гафлатда қолган жониворни ўша шохобчалар билан ўраб олиб, думига томон тортади ва охир уни маҳкам қуршаб олади, жонивор ундан қутулолмайди».

Энди баён қилаётган мақсадга қайтиб, сўзга киришамиз. Базонадан жануб ва ғарб томон орасида юрилганда Анҳилворагача олтмиш, денгиз қирғоғи бўйлаб Соманотҳгача эллик, Анҳилворадан жануб томонга қараб Лордеш ва унинг катта шаҳари — Бихрўж ва Риҳанжўргача қирқ икки тош юрилади. Бу иккаласи денгиз қирғоғида бўлиб, Тхонанинг шарқ томонига жойлашган.

Базонадан ғарб томонда Мўлтонгача эллик, Бҳотегача йигирма беш, Бҳотедан жануб ва ғарб орасида юрилганда Арўргача ўн беш тош — Арўр эса Синд сувининг икки тармоғи орасидаги бир шаҳардир — пойтахт Бамҳанво — ал Мансурагача йигирма, Синд дарёсининг қуйиладиган жойи бўлган Лоҳаронегача ўттиз тошдир.

Канавждан бир оз ғарб томонга бурилиб шимолга юрилганда Ширшораҳгача эллик, Пинжавргача ўн саккиз тош; Пинжавр тоғ устида бўлиб, унинг рўларасида, чўлда Тонешар шаҳри бор. Тоғ этагидаги Жаландҳарнинг қасабаси — маркази бўлган Даҳмолагача ўн саккиз, Балловаргача ўн; кейин ғарб томонга юрилса, Ладдагача ўн уч, сўнгра Рожагире қалъасигача саккиз; бундан шимолга юрилса, Қашмиргача <sup>101</sup> йигирма беш, Канавждан ғарб томонда Диёмавгача ўн, Қитегача ўн, Оҳоргача ўн, Мераталгача ўн, Понипатгача ўн — иккови орасида Жавн дарёси бор — Каветалгача ўн, Сунномгача ўн тошдир.

Сўнгра ғарб ва шимол орасида юрилса, Одиттаҳавргача тўққиз, Жажжанергача олти, Ирова дарёсининг шарқида Лавҳовурнинг Мандаҳўкур марказигача саккиз, Чандроҳа дарёсигача ўн икки, Биятта сувининг ғарбидаги Жайламгача саккиз, Синд сувининг ғарбидаги Қандаҳорнинг маркази Вайҳиндгача йигирма, Пуршоваргача ўн тўрт, Дунпўргача ўн беш, Қобулгача ўн икки, Ғазнагача ўн етти тошдир.

Аммо Қашмир атрофини чиқиб бўлмайдиган баланд тоғлар билан ўралган чўлликда жойлашган. Қашмирнинг жануб ва шарқ томонида ҳиндлар, ғарб томонида бир қанча подшоҳлар бўлиб, у подшоҳларнинг энг яқини Балуршоҳ, кейин Шугнаншоҳ ва то Бадахшон чегараларигача борган Ваҳоншоҳдир. Унинг шимоли ва шарқ томонининг баъзи қисмида Хўтан ва Тибет туркларига тегишли ерлар бор.

Бҳотешарнинг энг баланд чўққисидан тортиб, Тибет еридан то Қашмирга боргувча уч юз тошга яқиндир.

Қашмирликлар яёв юрадилар. Уларда ҳеч қандай улов ва фил йўқ. Катталари катт, яъни тахт ва кажаваларга ўтирадилар; уларни эркаклар елкаларига кўтариб элтадилар. Улар Қашмирни сақлашни ўз уст-

ларига олиб, унинг чегараларидаги кирар-чиқар йўлларни доимо маҳкам тутиб, эҳтиётлаб турадилар. Шунинг учун уларнинг олдиларига одамларнинг кириб, улар билан аралашishiлари мумкин эмас. Илгариги замонларда мусофирлардан бир-икки киши, айниқса, яхудларнинг битта-иккитаси кирар экан. Ҳозирда эса бошқалар бир ёқда турсин, аниқ танилмаган бирон ҳиндини ҳам киришга қўймайдилар.

Кашмирга кириладиган йўлларнинг энг машҳури Бабраҳон қишлоғидандир. Бу қишлоқ Синд ва Жайлам дарёлари орасидаги йўлнинг ўртасида жойлашган. Бу қишлоқдан Кусноре суви билан Маҳво сувининг бирлашган еридаги кўприккача саккиз тош. Бу иккала сув Шамилон тоғларидан чиқиб Жайлам дарёсига тушади. Бу ердан то Жайлам суви чиқадиган тоғ йўлининг бошланишигача беш кунлик йўлдир. Шу масофанинг охирида Двор номли шаҳар бор. Бу шаҳар дарёнинг икки томонига жойлашган ва бунда қузатишхона қурилган. Кейин сув икки кунлик масофа билан саҳрога чиқиб, Кашмирнинг пойтахти бўлган Аддиштонга боради ва шунча масофада оқиб, Ушкоро номли шаҳарга қуйилади. Бу шаҳар, Барамўло шаҳри каби, водийнинг икки ёқасига жойлашган.

Кашмир шаҳри тўрт тош узунликда Жайлам сувининг икки лабига қурилган бўлиб, икки ўртада кўприклар ва қайиқлар бор.

Жайлам суви ҳам, худди Ганга дарёси каби, Ҳарамакут тоғларидан оқиб чиқади. Бу тоғлар жуда совуқ бўлиб, уларда юриб бўлмайди, қорлари эриб тугалмайди. У тоғларнинг нариги томонида Маҳочин, яъни улуғ Хитой мамлакати бор.

Жайлам суви ўша тоғлардан чиқиб, икки кунлик масофага боргач, Аддиштонга босиб ўтади. Кейин бундан тўрт тош ўтиб, миқдори бир тош квадратли тўқайга киради. Шу тўқай четларига одамлар экин экадилар ва бошпана қилиб турадилар. Кейин сув тўқайдан чиқиб, ўша Ушкоро шаҳрига бориб, тоғ оралигига кириб кетади. Синд суви эса, турк мамлакати чегарасидаги Унанг тоғларидан чиқади. Бу ерни турклар чегараси дейишнинг сабаби шуки, мамлакатга сув кириб, тармоқланадиган ердан саҳрога қараб юрганинга Бўлур ва Шамилон тоғлари чап томонига қолиб, икки кунлик масофада Бҳаттаварён деб аталадиган турклар яшайдилар. Подшоҳлари Бҳатта, шаҳарлари эса Гилгит, Асвира, Шилтас, тиллари эса туркчадир. Улар Кашмирни талон-торож қилиб турадилар.

Шу йўлнинг чап томонида юрган киши || то пойтахтга боргунча 102 обод жойларни кўради, ўнг томонида юрган киши эса шаҳар жанубидаги бир-бирига туташ қишлоқлар билан юриб, Қулоржак тоғига боради. Бу тоғ тепаси ҳам Дунбованд тоғи сингари қуббага ўхшашдир. Бу тоғдан қор аримайди, Тонешар ва Лавҳовар чегараларидан доимо кўри-ниб туради.



Бу тоғ билан Қашмир саҳросининг ораси икки тошдир. Рожагире қалъаси тоғнинг жанубида, Лаҳўр қалъаси гарбидадир. Бу иккаласидан маҳкамроқ қалъани кўрмадим.

Бу тоғ тепасида уч тош нарида Рожоваре шаҳри бор. Савдогарларимиз шу шаҳарга бориб савдо қиладилар ва ундан нарига ўтмайдилар. Ҳинд мамлакатининг шимол томонидан чегараси шудир.

Ҳинд мамлакатининг ғарб томон тоғларида — мамлакат Синд ерига бориб узиладиган жойгача — афғонларнинг турли гуруҳлари яшайдилар.

Аммо Ҳиндистоннинг жануб томони эса денгиздир. Денгиз қирғоғи Макроннинг Тез номли катта қишлоғидан бошлаб, Ад-дайбал вилоятига қараб жануб ва шарқ оралигига қирқ тош кириб боради. Бу иккаласининг орасида Турон кўрфази бор. Кўрфаз [ғубб] деб денгизнинг қуруқлик ичига бурчакка ўхшаб кирган қисмига айтилади. Бундай жой, айниқса, денгиз сувининг кўтарилиши ва қайтиши пайтида кемалар учун хавфли бўлади. Қўлтиқча ҳам кўрфазга ўхшайди, лекин бунда денгиз қуруқликка кирмайди, балки оқаётган дарё денгизга аста-секин қуйилиб қўшилиб кетади. Бундай жойларнинг кемалар учун хавфли бўлиши ундаги сувнинг мазаси жиҳатидандир, чунки мазали сув огир нарсаларни шўр сув кўтаргандек кўтара олмайди.

Айтиб ўтилган кўрфаздан кейин, кичик мунҳа, сўнгра катта мунҳа келади, ундан кейин ал Бавориж, яъни «Қароқчилар макони» келади. Бу «Қароқчилар макони» Қачч ва Соманотҳа бўлиб, улар «Ўғри кемачилар» исми билан аталадилар. Чунки улар Бера деган кемаларда сузиб, ўғирлик қиладилар.

Дайбалдан Таваллешаргача эллик, Лоҳаронегача ўн икки, Бегагача ўн икки, муқл [катта дарахт] ва Борўй жойи — Қаччгача олти, Соманотҳагача ўн тўрт, Канбойтгача ўттиз тошдир. Сўнгра Асавилга икки кунда борилади. Бихрўжгача ўттиз, Сандонгача эллик, Суборагача олти, Тҳонагача беш тошдир; кейин бу жой Лорон вилоятига қўшилиб кетади. Жемур, ундан кейин Валлабҳа, кейин Канже, кейин Дарвадлар ҳам шу Лорон вилоятига жойлашган. Кейин катта бир кўрфаз келади. Сингалдеб — бу эса Сарандиб ороли — шу кўрфаздадир. Кўрфаз четидан Панжаёвар шаҳри жойлашиб, бу хароб бўлиб қолган. Уларнинг подшоҳи Жавр унинг ўрнига, денгиз қирғоғига, ғарб томонга бир шаҳар бино қилган. Шунинг учун бунга Паднор деб исм берган.

Кейин Уммалнора, кейин Сарандиб рўпарасида Ромешар келади. Бу билан Сарандиб ораси денгизда ўн икки тошдир; Панжаёвардан Ромешаргача қирқ тош, Ромешардан Сетубандҳа, яъни денгиз кўприги исми жойгача икки тош. Бу Дашаратҳа ўғли Романинг тўғон — тўсиғи бўлиб, Ланка қалъасигача чўзилиб боради. Ҳозирда бу тўсиқ оралигига денгиз кириб, бир-бирдан ажралиб қолган тоғликлардан иборатдир.

Шу тўсиқдан ўн олти тош нарида, шарқ томонда Қиҳқинд — «май-мунлар тоғи» бор. Маймунларнинг подшоҳи ҳар куни ўз подалари билан чиқиб, ўзлари учун тайёрлаб қўйилган жойларга келар эканлар. У ернинг одамлари маймунлар учун гуручдан овқат пишириб, барглар устига қўйиб, уларнинг келадиган жойларига олиб борар эканлар. Улар овқатни еб, ўрмонларга қайтиб кетар эканлар. Агар бепарволик қилиб овқат берилмаса, маймунлар кўпайиб келиб, у ер халқини ҳалок қилар экан.

Ҳиндлар маймунларни, Романинг шайтонларга қарши урушига ёрдам берганлиги сабабли, сувратлари ўзгариб қолган инсонлар жамоаси деб биладилар. Рома шу қишлоқларни уларга атаб, вақф қилиб берган, уларнинг орасига адашиб кириб қолган киши Романинг шеърини ва дуоларини ўқиб берса, маймунлар қулоқ тутиб, тинчгина уларни эшитадилар, адашган кишига йўл кўрсатадилар, унга овқат ва ичимлик берадилар, деб эътиқод қиладилар. Агар маймунлардан шундай ишлар содир бўлса, || кийикларни овлаш бобида айтилганидек, ашула, музика 103 таъсирида содир бўлади, холос.

Шу денгизнинг шарқ томонидаги ороллар эса Чин [Хитой] чегарасига яқинроқдирлар; улар Зобаж ороллари бўлиб, ҳиндлар Суварна-двипа деб, яъни «олтин ороллари» исми билан юритадилар. Ғарб томондагилари занжийлар ороллари, ўртадагилари Рамма ва Дева исмлари билан юритилади. Қимайр ороллари ҳам шулар жумласидандир.

Дева оролларининг мана шундай хусусияти бор: у бир вақт бир парча қумлик ер бўлиб, денгиздан чиқиб кўриниб туради ва ҳамиша кўтарилиб, ёйилиб ўсиб, охир мустаҳкам ерга айланади. Бошқа бир вақт эса, заифлашиб, эриб, озайиб, охир денгизга ботиб, йўқ бўлиб кетади. У ерда яшовчилар буни сезгач, энди ўсиб ётган янги оролни топиб, унга ҳинд ёнғоғи — норжил, хурмо, экин ва уй усқуналарини кўчириб, ўзлари ҳам кўчиб келадилар.

Бу ороллар ўзларидан чиқадиган нарсалар сабабли иккига бўлинадилар. Бир Дева-куза, яъни чиғаноқ ерлари деб аталади; бу чиғаноқларни ҳинд ёнғоғи шохларидан йиғиб олиб, денгизда кўпайтирадилар. Иккинчиси Дева-канбар деб аталади. Бу [канбар] қайиқларни бир-бирига маташ учун ҳинд ёнғоғи пўстидан пишитилган арқондир.

Воқвоқ ороли Қимайр эроллари жумласидандир. Воқвоқ исмдир. Лекин бу авом халқ гумон қилганидек, меваси одамларнинг бошларига ўхшаш бўлиб, бақириб-чақирадиган дарахт эмас. Лекин Қимайр, туслари оққа мойил, бўйлари қисқа, қиёфалари туркларга ўхшаш, динлари ҳиндча ва қулоқлари тешилган бир гуруҳдирлар. Воқвоқ оролида яшовчилар шулар жумласидан бўлсалар ҳам, туслари қора бўлади. Одамлар буларни [ишлатишга] кўпроқ рағбат қилишади. Қора Абнўвс шулар мамлакатидан келтирилади. Қора Абнўвс пўстларини ажратиб

ташлайдиган бир дарахтнинг ўзгидир. Аммо муламма — ола-була Абнўвс, шовхат ва сариқ сандал эса занжийлар мамлакатидан келтирилади.

Сарандиб кўрфазида дарёга шўнғиб, марварид олиб чиқиладиган жой бор эди, бизнинг замонимизда бу йўқ бўлиб қолди. Кейин у Суфала занжийлари мамлакатининг қуйисида шундай жой пайдо бўлган. Бу жой илгарилари бўлмаган экан, шунинг учун бу жой Сарандиб кўрфазидан Суфалага кўчиб келган, дейишади.

Ҳинд мамлакатида ёзда иссиқ ёмғир ёғади. Буни варшакола деб аташади. Мамлакатнинг шимол томонга кўпроқ кириб борган ва тоғ билан ўралмаган қисмида шундай ёмғир мўл бўлиб, тез-тез ва узоқ вақт давом этади.

Мўлтонликлардан эшитишимча, уларда варшакола бўлмас экан, аммо шимолга қараб ўтилганда тоғларга яқин жойларда бўлар экан, ҳатто Бҳотал ва Индраведа ошара ойдан бошлаб, тўрт ой давомида худди мешдан қуйгандек варшакола — иссиқ ёмғир ёғар экан. Ундан кейинги вилоятларда — Қашмир тоғларидан Жўдаре тоғигача бўлган теваракда, яъни Дунпўр билан Баршовар орасида икки ярим ойгача бундай ёмғир ёғади. Бу хил ёмғир Шрованадан бошланади. Жўдре тоғининг нариги томонида бундай ёмғир бўлмайди. Бунга сабаб шуки, бу иссиқ ёмғирнинг булутлари оғир ва ер юзидан унчалик кўтарилмайдиган бўлади, булар ҳалиги тоғларга келганда уларга урилиб ва қисилиб ёмғир бўлиб ёғади. Булутлар у тоғлардан нарига ўтолмайди. Шунинг учун Қашмирда бундай ёмғир бўлмайди.

Қашмирда эса магҳа ойдан бошлаб, икки ярим ой кетма-кет қор ёғади, чайтранинг ярмидан ўтганда бирмунча кун устма-уст ёмғир ёғиб, қорларни эритади ва ерни тозалайди. Қашмирда бу қонуният камданкам ўзгаради. Аммо об-ҳаво ўзгаришининг тартибдан чиқиши ҳар бир ерда бўлиб туради.

## ПЛАНЕТАЛАР ВА БУРЖЛАРНИНГ ИСМЛАРИ, ОИ МАНЗИЛЛАРИ ВА ШУЛАРГА УХШАШЛАР ҲАҚИДА

Ҳинд тилида ясама исмларнинг ва ўзакдан чиқариб олинган исмларнинг || жуда кенг ёйилганини, ҳатто у тилда биргина нарсага ҳам кўп исмлар берилишини шу китобнинг аввалида айтган эдик. Ҳиндлардан эшитишимча, улар бизда қуёш учун мингта исм бор, деб уқтирадилар; бундан чиқадики, ҳар бир планета учун ҳам уларда шунча ёки шунга яқин кўп исм бўлиши керак, чунки уларда бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. 104

Ҳиндларда ҳафта кунларининг исмлари етти планетанинг машҳур исмларидан иборатдир. Форсларда ҳафта кунларининг сонига «шанба» сўзи қўшиб айtilгани сингари, ҳиндлар ҳафта кунларининг кетига «бора» сўзини қўшиб ишлатадилар. Шундай қилиб якшанбани Одитъя бора, яъни «Қуёш куни»; душанбани Сома бора, яъни «Ой куни»; сешанбани Мангала бора, яъни «Миррих куни»; чоршанбани Будҳа бора, яъни «Уторид куни»; пайшанбани Брихаспати бора, яъни «Муштаний куни»; жумани Шукри бора, яъни «Зуҳро куни»; шанбани Шанайшчара бора, яъни «Зуҳал куни» деб атайдилар. Кейин яна айланиб Одитъя борага қайтилади.

Бизнинг астрономларимиз планеталарни «ҳафта кунларининг эгалари», дейдилар. Куннинг соатлари ҳам планеталар номи билан айтилади. Санаш тартиби ҳам ўша куннинг эгаси — юқори фалакниқидан пастки фалакниқига қараб боради. Масалан, Қуёш якшанба кунининг рабби — эгаси бўлиши билан бирга, биринчи соатининг ҳам эгасидир. Сўнгра иккинчи соат эса, фалаки қуёш фалакнинг энг қуйи-сида бўлган планета, яъни Зуҳроники, учинчи соат Уторидники, тўртинчи соат Ойники бўлади. Энди [бу фалакда] эфир бўйлаб тушиш тугалиб, бу энг қуйи фалак бўлганидан бешинчи соат энг юқори фалакдаги Зуҳалники бўлади. Шу тартибда санаб борилганда йигирма бешинчи соат Ойники бўлиб, шу соат душанба кунининг биринчи соати ҳам бў-

лади. Демак, Ой ҳам душанба кунининг, ҳам биринчи соатнинг эгасидир. Булар билан улар [яъни мусулмон ва ҳиндлар] орасида бир нарсада ихтилоф бор. У эса астрономларимиз эгилма соатларни ишлатганларидадир, шу сабабли ҳар бир куннинг ўн учинчи эгаси [шу куннинг] кундузидан кейин келадиган кечанинг ҳам эгаси бўлади. Кундуз эгасининг учинчиси ўша санаш тартибининг аксичадир, яъни у пастдан юқорига қаратиб саналади.

Ҳиндлар эса, кундуз эгасини бутун куннинг эгаси деб ҳисоблайдилар, демак, куннинг кечаси кундузисига тобе бўлади — кечасининг ўзига махсус эга бўлмайди, дейдилар. Кўпчилик ҳиндларнинг тутган йўли шудир.

Ҳиндларнинг истилоҳларидан муважжа—ўзгарувчан соатлар билан иш юргизганлари гумон қилинади. Улар соатни ҳора деб атайдилар. Немабаҳарани ҳисоблашда буржнинг ярмини ҳам шу исм билан юритадилар.

Ҳинд зижларининг бирида, соат эгасини аниқлаш ҳақида шуларни учратдим: «Қуёш билан толе даражаси оралигини ўн бешта тенг бўлакларга бўлиб, бўлинмадаги бутун сонга бир қўшилади, агар каср бўлса, у ташланади. Кейин ҳалиги биттанинг қўшилганидан чиққан сонни юқори фалакдан қўйсига қаратиб санаш тартибида бериб чиқилади». Ҳисобларнинг бу усули тўғри соат билан ишлашдан кўра, эгилма соат билан иш олиб борилганликни кўрсатади.

Ҳиндларда ҳафта кунлари тартиби билан планеталарни номерлаш одати бор, зижлари ва китобларида дарров ўша одатларига мурожаат қиладилар; бошқа ҳақиқатга яқинроқ усуллар бор бўлса ҳам уларга қарамайдилар.

Юнонларда ҳар бир планетага тегишли шакллар бор. Ишни енгиллатиш мақсадида астролоб четларида у шакллар ёзилган, унда ҳарfli рақамлар ишлатилмайди. Ҳиндлар ҳам қисқартиришда шундай қиладилар, лекин шакл билан ифодаламайдилар. Аммо ҳар бир планета исмининг аввалги ҳарфи ўша планетани англатади. Масалан, Одитьянинг «о» ҳарфи — Қуёшни, Чандранинг «ч» ҳарфи — Ойни, Будҳанинг «б» ҳарфи — Уторид [Меркурий]ни билдиради.

Биз етти планета исмининг бош ҳарфларини мана шу жадвалда кўрсатамиз: ||

Планеталар	Планеталарнинг ҳиндча исмлари
Қуёш	Одитья, Сурж, Баҳону, Арка, Дивокара, Рави, Бибато, Ҳели
Ой	Сўма, Чандра, Инду, Ҳимагу, Шитарашми, Ҳимарашми, Шитоншу, Шитадетхите, Ҳимомажакҳа

Миррих	Мангала, Бҳўмжа, Кужа, Ора, Бакра, Ованежа, Маҳежа, Крурокши, Ракта
Уторид	Будҳа, Саумъя, Чандра, Шна, Будҳана, Витта, Ҳемна
Муштарий	Вриҳаспати, Гуру, Жева, Девежъя, Девапуроҳита, Девамантрин, Ангирас, Сўри, Девапито
Зуҳра	Шукра, Бҳригу, Сита, Бҳоргава, Ашбати, Донавагуру, Бжригупутра, Аспхужит
Зуҳал	Шонайшчара, Манда, Асита, Кона, Одитъялутра, Савра, Оркхи, Сўръяпутра

Қуёш исмларининг бунча кўп бўлиши, дин эгаларининг қуёш жисмларини кўп деб эътиқод қилишларига сабаб бўлди. Ҳатто у кишилар: «Қуёшлар ўн иккита, ҳар ойда уларнинг биттаси чиқади», деб даъво қиладилар. «Вишну-дҳарма» номли китобда шундай дейилган: «Вишну, яъни Норояна шундай зотки, замонда унинг аввали ҳам, охири ҳам йўқ. Фаришталар учун ўзини ўн икки қисмга бўлган, улар Кашьяпанинг ўғиллари бўлиб қолдилар. Булар ҳар ойда бир чиқадиган қуёшлардир». Шундай дейишга қуёш исмларининг кўплиги сабаб деб билмаган киши, ҳар бир бошқа планетанинг исмлари кўп бўлса ҳам, жисмлари биттагина, холос [лекин қуёш кўп], деган.

Шуни ҳам айтиш керакки, қуёш исмлари ўн иккита бўлмай, ундан кўпдир. У исмлар бир неча маънолардан олинган. Одитъя сўзи у исмлардан бири бўлиб, «бошланиш» демакдир. Чунки ҳамма нарса қуёшдан вужудга кела бошлайди. Улардан бири Савитри бўлиб, бу сўзи бола туғдирган ҳар бир шахсга ишлатилаверади. Бутун борлиқ қуёшдан туғилганлиги сабабли қуёшга шу исм берилган. Қуёш исмларидан бири равидир. Чунки қуёш рутубатларни қуритади. Ўсимликлардаги сувга раса деб исм берилган, бу сувни [ўсимликлардан] олган кишига рави дейилади.

Сўнгра Ой || Қуёшга ёндаш ва тобедир. Ойнинг ҳам исмлари кўп. 106

Улардан бири Сомадир, чунки Ой бахт демакдир. Бахтли кишига сомаграҳа, бахтсиз кишига поаграҳа дейилади. Кейин ойни Нишеша, яъни «кечанинг эгаси», Накшатранотҳа, яъни «манзиллар эгаси», Движешвара, яъни «браҳманлар эгаси», Шетоншу, яъни «нури совуқ» каби] исмлар билан атайдилар. Ой нурини совуқ дейишга сабаб шуки. Ой шари сувлик бўлиб, унда саҳоват бор. [Қуёш нурлари] ойга туш-

ганда ой уларни ўз сифатига айлантиради — сўвутади ва Ерга қайтариб, қоронғиликни ёритиб, кечани совутади ва қуёш куйдириб, бузган нарсаларни сўндиради. Шунинг учун Ойга Чандра деб ҳам исм берилган. Қуёш Нороянанинг ўнг кўзи бўлгани сингари, Чандра — Ой унинг чап кўзидир.

Мана шу жадвалда ойлардаги қуёшлар [исми]ни кўрсатдим. Бунда [исмларда]ги қарама-қаршиликдан келадиган чалкашлик ерларни санаб чиқилганда учратилган чалкашликка ўхшайди.

„Вишну-дхарма“даги қуёшлар	Ойлар	„Вишну-дхарма“даги сўзга қараганда ой исмларининг маънолари	Эшитилган, лекин ҳужжатларда кўрсатилмаган қуёшлар	„Одитъя пурона“ исмли китобдаги қуёшлар
Вишну	Чайтра	Ҳеч бир жойда қарор топмасдан осмонда кўчиб юрувчи	Рави	Аншуман
Аржуман	Вайшакҳа	Жиноятчиларга танбеҳ бериб, уларни одобга чақирувчи; улар ундан қўрқиб, унга қаршилик қилмайдилар.	Вишну	Савири
Вивасван	Жияиштҳа	Назари билан бирки эмас, умум—ҳаммани қаровчи	Дхатри	Бхону
Аншу	Ошора	Нур эгаси	Видхатир	Вивасмант
Парчанъя	Шрована	Ёмғир сингари сероб қилувчи	Аржаман	Вишну
Варуна	Бҳадравапада	Ҳаммага яхшилик қилувчи	Бхра	Индра
Индра	Втавжа	Эга ва раис	Савити	Дхати
Дхатри	Картикка	Одамларга эҳсон қилиб, уларга одоб ўргатувчи	Пуша [Пушон]	Бҳага
Митра	Моргаширша	Оламга сеvimли	Тваштри	Пуша [Пуҳа]

Пуша	Павша	Овқат, чунки у инсонларга қувват беради.	Арка	Митра
Бҳага	Могҳа	Неъмат эгаси, ҳамма унга рағбат қилади.	Дивакара	Варуна
Тваштри	Пхалгуна	Ҳаммага яхшиликни ўргатувчи	Аншу	Аржаман

|| «Вишну-дҳарма» номли китобдан кўчирилган исмлар тартиби 107 сақланган, деб гумон қилинади; чунки ҳар бир ойда Васудевага [аталган махсус] исм бор. Васудевани улуғловчилар ойларни Мригаширшадан бошлайдилар. Васудеванинг ундаги исми Кешавадир. Васудева исмлари саналганда унинг Чайтра ойидаги исми «Вишну-дҳарма»даги сингари Вишну исмли қуёшга тўғри келади. «Гита» номли китобда Васудеванинг ўзи ҳам «Мен йилнинг олтидан бирларидagi Васанте; яъни мўътадиллик кабиман», деб жадвал бошида кўрсатилганининг тўғрилигини исботлайди.

Ойларнинг исмларига келганда, улар манзиллари, исмлари билан муносабати бўлган ҳар бир ой бир қанча манзилларга эга бўлиб, ой исми ўша манзиллар исмининг биридан чиқариб олинган бўлади. Ой исмлари билан манзиллар исмларининг муносабатини яққол кўрсатиш учун уларни жадвалда қизил билан ёздик.

Яна бу ҳам борки, Муштарий манзилларнинг бирида кўрина бошласа ва шу манзилга тегишли ой йил эгаси бўлиб, йилнинг ҳаммаси унга нисбатан берилади. Агар [жадвалда] ойларнинг исмларида илгари кўрсатиб ўтилганга мувофиқлик бўлмаса, бунинг сабаби шуки, бири омманинг талаффузи, бошқаси эса фасиҳ талаффузidir.

Ойлар	Манзиллар номери	Манзиллар	Ойлар	Манзиллар номери	Манзиллар
Картикка	3	Криттика*	Вайшакҳа	16	Вайшакҳа*
—	4	Роҳине	—	17	Анурадҳа
Мригаширша	5	Мригаширша*	Жейшитҳа	18	Жейшитҳа
—	6	Ордра	—	19	Мула

\* Юлдузча белгиси қўйилган сўзлар арабча текстда қизил қилиб ёзилган — ред.



Павша	7	Пунарвасу	Ошора	20	Пурва-шора* Утгара-шара
	8	Пушъя*		21	
Магҳа	9	Ошлиши	Шрована	22	Шрована* Дҳаниш-та
	10	Магҳа* ..		23	
Пҳолгу-на	11	Пурва-пҳолгу-на*	Бходра-пада	24	Шадаб-ҳишаж Пурва бҳадра-пада* Утгара-бҳадра-пада
	12	Утгара пҳолгуна		25	
	13	Ҳаста		26	
Чайтра	14	Чайтра* Своте	Ошважжа	27	Ревати Ашвине Бҳараний
	15			1	
				2	

108 || Ҳамма миллатларда бўлгани сингари [ҳиндларда ҳам] буржларнинг исми бор ва ҳар бири ўша исмга хос суврат билан тасвирланади.

Учинчи буржнинг исми Мидҳуна. Бу исм бир вақтда эгиз туғилган ўғил ва қизга ишлатилади. Бу икковининг биргаликда туриши билан у бурж тасвирланади. «Ал Маволид ал кабир» номли китобда Бароҳамиҳира «Бу исм барбат номли музика қуроли ва таёқ тутиб турган эр кишига ишлатилади», деган. Гўё у, Жаббор [Орион] сувратини айтмоқчи бўлган, кўпчилик халқ ҳам ўшани айтади. Демак, у бурж ўз сувратига хос бўлмаган Жавзо [эгизак] номи билан машҳур бўлган.

Яна Бароҳамиҳира олтинчи буржни «Қўлида бошоқ тутган кема», деган. Биз кўрган нусхадан бир сўз тушган бўлса керак. Чунки кеманинг қўли йўқ, кўпчилик у буржни Қанга, яъни чўри қиз деб атайди. Аслида «Кемада қўлига бошоқ олиб турган қиз» дейилган бўлиши керак. Олтинчи бурж Ас Симок ул-аъзал [Спика] номли юлдузидир. Кема ой манзилларидан бўлган Ал авво юлдузлари деб гумон қилинади; чунки авво юлдузлари учи юқорига қайрилган чизикқа жойлашган.

Еттинчи буржни олов деган, унинг исми Туло, яъни торозудир.

Унинчи буржни «Юзи эчки юзига ўхшайди» деган. Бошқалар эса уни Макара деб атаган. Қачон Макара дейилса, унинг юзини эчки юзига ўхшатишга ҳожат қолмайди. Уни эчки юзли қилиш юнонларга керак бўлган, чунки улар ўнинчи бурж шаклини икки ҳайвондан таркиб қилиб, кўкракдан юқорисини эчки, қуйисини балиқ сувратда тасвирлай-

дилар. Макара деб аталадиган денгиз ҳайвони ҳам ҳиндларнинг тавсифига кўра икки хил сувратдан тузилишига зарурати йўқ.

Ўн биринчи буржни кўвача деган. Бунинг исми Кумбҳа бўлиб, Бароҳамиҳиранинг айтганига мувофиқдир. Лекин ҳиндларнинг шу буржни ёки унинг айрим бўлагини киши сувратида қилиб кўрсатишлари уларнинг бу ҳақда юнонлар йўлидан юрганларига ва уни сув тўкиб турган киши қилиб тасвирланишини қабул қилишига далил бўла олади.

Бароҳамиҳира охириги буржни, гарчи бунинг исми ҳамма халқларда битта балиқ экани тақозо қилинса ҳам, уни иккита балиқ сувратида кўрсатган.

Бароҳамиҳира ўша китобда буржларнинг машҳур бўлмаган исмларини кўрсатган. Биз уларни мана шу жадвалга киритдик:

Буржлар	Буржларнинг машҳур исмлари	Машҳур бўлмаган исмлари
0	Меша	Крия
1	Вриша	Тамбиру
2	Митҳуна	Житума
3	Карката	Кулера
4	Синга	Лияйя
5	Канё	Партена
6	Тула	Жўга
7	Врисчика	Каврба
8	Дҳану	Тавкишка
9	Макара	Огокеру
10	Кумбҳа	Удрувага
11	Мена	Анта, шунингдек Жету

Улар буржларни номерлашда ҳамални ноль билан ва саврни бир (1) билан номерламай, одатда ҳамални биринчи, саврни иккинчи қилиб, шу тариқа ҳутни ўн иккинчи қилиб кўрсатадилар.

## Иигирманчи боб

### БРАҲМАНДА ҲАҚИДА

Браҳманда Бароҳимнинг тухуми демакдир. Ҳақиқатда ҳам шаклининг шар сингари бўлишлиги ва ҳаракати жиҳатидан бутун эфирга ўхшайди.

109 Оламни || юқори ва қуйи қисмларга ажратадилар. Ҳиндлар осмонларни санаганларида ҳаммасини бир сўз билан Браҳманда дейдилар. Улар астрономия илмини ўрганишга уринмаган ва бу ҳақда тўғри тасаввур қилолмаган кишилардан саналадилар. Осмонларни тинч туради, деб ўйлайдилар. Улар жаннат неъматларини дунёда — ер юзида кўрилиб турганга ўхшатиб тавсиф қилганларида, айниқса, осмондаги айланувчи сайёраларни турғун дейдилар ва улар [жойидан] кўчиб қуйи томон [ер]га бориб тақалади, деб гумон қиладилар.

Уларга етиб келган хабарларнинг ишоратларича, сув ҳамма нарсадан илгари пайдо бўлиб, олам фазоси сув билан тўлиқ бўлган. Шубҳа йўқки, нафснинг кундуз бошида, шаклни танлашни қабул қилиш ва таркибланишининг бошланишида [аҳвол] шундай бўлган. Айтишларича, сув тўлқинланиб кўпикланганда ундан оқ бир нарса ҳосил бўлган. Тангри шу нарсадан Бароҳим тухумини яратган.

Ҳиндлардан баъзисининг айтишича, ўша тухум икки паллага ажралиб, бундан Бароҳим чиққан. Тухумнинг бир палласи осмон, иккинчи палласи ер бўлган ва икки палла орасидаги синиқлардан ёмғирлар вужудга келган. Агар ёмғирлар дейишнинг ўрнига тоғлар деганларида синиқлар деган сўзга лойиқ ва мосроқ бўлар эди.

Баъзиларининг айтишича, олий тангри Бароҳим: «Мен бир тухум яратиб, уни сенга турар жой қилиб бераман», деганда, айтиб ўтилган сув кўпигидан тухумни яратган. Сув сингиб камайгач, шу пайтда тухум иккига ажралган. Юнонларда ҳам табиблик санъатини юзага чиқарган Асклепиус ҳақида [сўз борганда] шунга яқин тушунчалар бор. Чунки Жолинуслининг айтишича, юнонлар Асклепиуснинг шаклини иш-

лаганларида оламнинг шар эканига ишорат қилиши ва бутун оламга мисол бўлиши учун унинг ҳўлига тухумни ушлатиб қўядилар. Албатта, олам табобат санъатига муҳтож. Асклепиус мартабада Бароҳимдан паст эмас. Чунки юнонлар у ҳақда мана шундай дейдилар: «Асклепиус илоҳий бир қувватдир. Таъсири ва иши сабабли унга шу исм берилган. Асклепиус исмининг маъноси қуруқликка тўсқинлик қилишдир. Чунки қуруқлик ва совуқлик ғалаба қилганда ўлим юз беради, лекин Асклепиуснинг табиий насаби ҳақида шундай дейилган: «У, Аполлоннинг ўғли; у эса, Флогуровуснинг ўғли; у эса, Қроноснинг ўғли». Қронос эса Зуҳал — Сатурндир. Буларнинг ҳаммаси учликни қувватлайдиган исмдир.

Аммо ҳиндлар фикрича, яратилган нарсаларнинг олдингиси сувдир. Чунки улар «тўзонга айланган ҳамма нарса сув билан бирикади, ҳамма унадиган нарса сув билан униб чиқади ва ҳамма жон эгаси сув билан тирик туради; сув санъат эгаси, бирон моддадан маълум бир нарса ишламоқчи бўлганида унга сув восита бўлади», дейдилар. Қуръон ҳам пок ва олий тангрининг шунга ўхшаш сўзини ҳикоя қилиб, «У [худо]нинг тахти сув устида туради»<sup>1</sup>, дейди. Шу оятдаги сув сўздан мақсад хоҳ сув исми билан аталган ва улуғланиши буюрилган маълум жисм бўлсин, хоҳ сув сўзи мамлакат ва шунга ўхшашларга йўйилган бўлсин, бари бир, шу оятдан «ўша вақтда тангрдан кейин унинг тахти ва сувдан бошқа нарса йўқ эди», деган гап англашилади. Шу китобимиз биргина ҳиндларга тегишли мақолалар билан чекланмаганида эди, қадимда Бобил ва унинг теварагида яшаган халқларнинг мақолаларидан шу тухум ҳодисасига ўхшайдиган ва унинг ақлдан ташқарилигини дурустроқ билдирадиган мақолаларини ҳикоя қилар эдик.

Уша тухумнинг икки бўлиганига нисбатан ҳиндларнинг ишоратларига келганда, бунинг сабаби шуки, у сўз эгаси оми киши бўлган ва Бароҳим тухуми пўчоғи унинг мағзини ўраб олганидек, осмон ерни ўраб олганини билмаган. Лекин Ер қуйи ва осмон эса Ер паллаларидан фақатгина биттасининг юқорисига деб тасаввур қилган. Агар у киши ҳақиқатни аниқроқ билганда, тухум иккига ажралди, дейишга муҳтож бўлмас эди. Аммо у киши «тухумнинг ярми ёйилиб ер ва бошқа ярми кўтарилиб, ер устига қубба || бўлди», деб ер шарини ясси деган ва шу сўзи билан Батлимусдан кўра ҳам фазилатга эришмоқчи бўлган-у. 110

Ҳиндларга етиб келган ишоратли хабар ва асарларда ҳамиша шундай сўзлар бўлади ва уларга инонган ҳар бир киши ўз тушунчасига мослаб ишоратларни изоҳ қила беради.

Афлотун ўзининг «Тимовус» номли китобида Браҳманда ҳодисасига ўхшаш нарсалардан гапириб шундай деган: «Яратувчи тўғри

бир ипни иккига бўлиб, уларни эгиб, учларини икки жойда бирлаштирди-да, айлана ясади. Улардан бирини етти қисмга бўлди». Бу сўзи билан [осмоннинг] икки ҳаракати борлигига, бу ҳаракатлар планеталарга хослигига ишорат қилди.

Брахмагупта ўзининг «Брахма-сиддиҳонта» номли китобининг биринчи мақоласида осмонлар сонини кўрсатиб, ойна биринчи осмонга, сайёраларни эса ундан юқоридаги еттинчи осмонга қўяди; Зуҳални ҳам ўша еттинчи осмонга жойлаштирган: «Турғин ёритгичлар саккизинчи осмонда бўлади. Бу осмон уларни ўзида тутиб, доимо айланиб туриши учун юмалоқ яратилган. Яхши иш қилган киши унда мукофотга эришади, ёмон иш қилган жазо тортади. Саккизинчи осмоннинг нариги томонида ҳеч нарса йўқ» деган. Шу фаслда осмонларнинг фалаклардан иборат эканига, уларнинг тартиб ва сонларида диний хабарларга оид китобларидаги сўзларга қарама-қаршилик борлигига ишорат қилди. Биз у сўзларни ўз жойида ҳикоя қиламиз. Думалоқ шаклга [ташқаридан] таъсир секин-аста бўлишига, фалакларнинг сфера шаклли бўлиб, айланма ҳаракатга эга бўлишларига ва фалакларнинг нариги томонида ҳеч бир жисмнинг бўлмаслиги ҳақидаги фикр Арасту фикрига тўғри келишига ишорат қилди. Шундай бўлгач, Браҳманда фалаклар тўпламидан иборат экани махфий қолмайди. Фалаклар тўплами деганда мен эфирни, ҳатто бутун оламни назарда тутаяпман. Улар фикрича, яхши ва ёмон мукофотлар ҳам шу олам ичида бўлади.

Пулиса ўзининг «Сиддиҳонта»сида: «Буткул олам — тупроқ, сув, олов, шамол ва осмон йиғиндисидир. Осмон қоронғуликнинг нариги томонида яратилиб, қуёш нурлари етиша олмаганидан, у зангори рангда кўринади; у, ер соя қилолмай, қуёш нури тушган ва қораликлари кетиб, кечаси таналари кўринадиган юлдузлар, жисмлар ва ой жисмича эмас, ҳатто қуёшдан сув шарларича ҳам нур олмайди. Демак, ёритувчи биргина қуёшдир. Бошқа жисмлар ундан нур олиб ёрийди», деган. Пулиса шу фаслда кўзга илғайдиган чегара — ниҳоятга ишорат қилиб, у чегарани осмон деб атайди ва «Осмон қуёш нури етмайдиган жойда бўлгани сабабли қоронғиликда туради»,— дейди. Осмоннинг кўк кўриши тўғрисидаги сўз жуда узундир.

Яна Браҳмагупта мазкур мақолада шундай деган: «Ой даврларини, яъни 57 753 300 000 сонини ой орбитаси узунлигига, яъни 324 000 жўжанага кўпайтирсанг, 18 712 069 200 000 000 жўжана бўлади; бу эса буржлар фалагининг айланаси узунлигидир». Узунлик бирлиги — жўжана миқдори ўз бобида айtilган<sup>2</sup>.

Брахмагупта бундай [ҳисоблаш]нинг далилини кўрсатмаса ҳам, биз унга тақлид қилиб, сўзини [шу ерга] келтирдик. Лекин Васиштҳа шундай деган: «Браҳманда фалакларни ўраб туради, ўша [юқорида

кўрсатилган] сон Браҳманда миқдоридир, чунки буржлар фалаги Браҳмандага туташган».

Аммо тафсир ёзувчи Балабҳадра бундай деган: «Биз у сон[лар]ни осмоннинг миқдори дея олмаймиз, чунки осмоннинг катталигини аниқлашга қудратимиз етмайди, лекин кўзимиз бориб етган охирги ниҳояни осмон деймиз; бошқа фалаклар катта ва кичикликда бир-бирдан фарқли бўлса ҳам, Браҳмандадан юқоридагисини кўз кўрмайди».

Орябҳатанинг || суҳбатдошлари бундай дейди: «Биз қуёш нури бо- 111  
риб етадиган жойни билиш билан кифояланамиз, ўзи катта бўлса ҳам, нур етмайдиган жойни билишимиз зарур эмас. Нур бориб етмаган нарсани албатта кўриб бўлмайди ва кўрилмаган нарса маълум бўлмайди».

Бу кишилар сўзларидан келадиган хулоса мана шу:

Васиштҳа сўзича, Браҳманда буржлар деб аталадиган саккизинчи фалакни ўраб турувчи шар бўлиб, собит ёритгичлар шунда жойлашган; бу иккови бир-бирига тегишиб туради. Биз саккизинчи фалакни исбот этишга мажбурмиз. Аммо бунинг юқорисида тўққизинчи фалакни исбот этишга мажбур қиладиган нарса йўқ.

[Тўққизинчи фалак] ҳақида одамлар турли фикрдалар; баъзилари: «[Саккизинчининг шарқдан] ғарбга қараб айланишига мажбур қилган нарса, уни ўраб олган [тўққизинчи] фалакдир» деса, баъзилари эса: «Ҳаракатнинг сабабчиси бўлса ҳам, у тўққизинчи фалакнинг ўзи ҳаракат қилмайди», дейди. Биринчи гуруҳнинг мақсади маълум. Лекин Арасту: «Ҳаракат қилувчи ҳар бир нарса, ўз ичида бўлмаган ҳаракат қилдирувчи сабабли ҳаракат қилади; шу тўққизинчи фалакдан ташқарида уни ҳаракат қилдирувчи нарса бор бўлиши керак. Шундай бўлгач, тўққизинчи фалак бўлмасданоқ, саккиз фалакни ҳаракат қилдирувчи зотнинг борлигига нима нарса тўсқинлик қилади?» деб баён қилган.

Иккинчи гуруҳга келганда, гўё улар ҳозирги ҳикоя қилганимизни эшитганларида биринчи ҳаракат қилдирувчининг ўзи ҳаракат қилмайди, шунинг учун тўққизинчи фалак ҳаракатсиз бўлса ҳам, ғарбга йўналган ҳаракат ундан содир бўлади, деганлар. Лекин бунда ҳам Арасту, биринчи ҳаракат қилдирувчи жисм эмас, дейди; ҳолбуки, ўзи шар, ўраб турувчи фалак ва у тинч туради, деб тавсифлаш уни жисм эканини исботлайди. Демак, тўққизинчи фалакнинг бўлиши мумкин эмас, деган.

Батлимус ўзининг «Мажастий» деган китобининг бошида шу фикр ҳақида бундай дейди: «Биз дастлабки умумий ҳаракатни ягона ва алоҳида, деб гумон қилсак, унинг биринчи сабабчиси бир маъбуд эканини фаҳмлаймиз ва бу хилдаги баҳсни илоҳий баҳс деб атаймиз. Бундай таъсир [эгаси]нинг олам юқори томонининг энг юқорисида бўлишини ва унинг сезиладиган моддаларга албатта зид эканини ақл билан била-

миз». Батлимуслининг дастлабки ҳаракат қилдирувчи ҳақида айтган гапи ана шундай: Бу гапида Яҳъё Наҳвий ундан ҳикоя қилган фалакка ишорат йўқ. Яҳъё Наҳвий эса, Проклусга раддиясида: «Афлотун, ичида биронта ёритгичи йўқ, тўққизинчи фалакни билмаган, буни Батлимусли фаҳмлаган», деб гумон қилган.

Аммо ҳаракатдаги бу чегара — Оламнинг нариги томонида ҳаракатсиз ва чексиз [катта] бир жисм ёки чексиз бўшлиқ борлигини қабул этувчилар сўзларининг, шунингдек, бўшлиқни ҳам, тўлиқликни ҳам йўқ дейувчилар гапларининг биз баён қилиб турган масалага алоқаси йўқ.

Балабҳадрага келганда, ундан «Осмон ёки осмонлар оғирликларга чидамли ва уларни кўтариб турадиган пишиқ бир жисмдир; у жисм ҳамма фалакнинг устида», дейувчи киши фикрининг ҳиди келади. Кўришиб турган нарсдан кўра хабарларга инониш Балабҳадрага осон туюлса, шубҳали гапларни равшан турган нарсдан олдинга қўйиш биз учун қийин. Лекин Орябҳата тарафдорларининг сўзи тўғри. Гумонимча, улар бу ҳақда ижтиҳод қилганлар, натижада, Браҳманданинг эфир ва унинг ичидаги табиий нарсалардан иборат экани равшан бўлган.

## Йигирма биринчи боб

### ДИНИЙ НАЗАРИЯЛАРГА МУВОФИҚ ХАБАР ВА ЭШИТИЛГАН РИВОЯТЛАР АСОСИДА ЕР ВА ОСМОН ШАҚЛЛАРИ БАЕНИ

Утган бобнинг бошида ишорат қилинган маълум гуруҳ «ер етти қават бўлиб, бири бошқасининг устида ва юқори қавати еттига || бўлинган», — деган фикрга борган. Лекин ернинг устини еттига бўлиш мунажжимларимизнинг етти иқлимга ёки форсларнинг етти кишварга бўлишларидек эмас. 112

Ҳиндларнинг шариат арбоблари томонидан юзага чиқарилган сўзларининг очиқ иборатини келтиргандан кейин инсоф ва адолат билан сўзга қараймиз. Агар бирон нарса аниқ бўлса ёки фикр бошқалар билан бир хил чиқиб қолса, гарчи улар ва ҳалиги бошқалар ҳақиқатни топмаган бўлсалар ҳам, биз уни баён қиламиз. Бу баёнимиз [ўқувчиларни] уларнинг фикрларидан тийиш йўсинида бўлмайди, балки ҳиндлар назариясини мутолаа қилувчиларнинг табиатларини ўткир қилиш мақсадида бўлади.

Ҳиндларнинг ер қаватлари сони ва ер юқори қисмининг сонлари ҳақида фикрлари хилма-хил эмас, аммо уларнинг исмларида ва исмларининг олдинма-кейин келишида фикрлари турличадир. Мен кўпинча, ўша хилма-хилликни ҳинд тилининг кенглигидан деб биламан. Чунки улар биргина нарсани жуда кўп исм билан атайдилар. Мисол учун қуёшни олайлик: айтишларича, улар қуёшга мингта исм берадилар. Араблар ҳам шерни мингтага яқин исм билан атаганлар. Шернинг арабча исмларидан баъзиси ўзига мувофиқ, баъзиси эса унинг ўзгариб турадиган аҳволдан ёки ундан содир бўладиган феъллардан олинган исмлардир. Ҳиндлар ва уларга ўхшашлар тилларида биргина нарсага кўп исм бўлиши билан мақтанадилар. Ҳолбуки, ундай ҳолат тилнинг энг улуғ айбларидан саналади. Тилнинг вазифаси мавжудот ва ундаги нарсаларнинг ҳар бирига ўзаро келишиш йўли билан бир исмни беришдир. Уларнинг бири ўша исмни айтган пайтда, бошқаси ҳалиги исмни айтган кишининг мақсадини англаши керак. Биргина исмнинг ўзи бир



қанча нарсага ишлатилса, бу [ҳол] тилнинг торлигига далилат қилади ва бу ҳол исми нима мақсадда айтилганини эшитувчини айтувчидан сўрашга мажбур этади. Шунда унинг ўрнига эҳтиёж қолдирмайдиган битта исм ишлатиб ёки мақсадни англатадиган изоҳ берилиб, у исм ташланади.

Агар битта нарсага бир исмнинг ўзи кифоя бўлган ҳолда ҳар бир қабила ё табақа ўзи истаганча унга ҳар хил исм берса, исмлар кўпайиб, мақсад бекик қолишига сабаб бўлади, биттасидан бошқалари бекорчи, маъносиз ва бефойда бўлади. Уларни ёдлашда умр зое бўлиб, машаққатлар чекишга сабаб бўлади. Китоб ва хабарларни тўпловчилар тартибга қарамай, исмларни баён қилиб кета берганлар ёки нусха кўчирувчилар бекорчи нарсаларни ҳам кўчира берганлар, деб ўйлашга тўғри келади. Бўлмаса, менга таржима қилиб берувчилар ҳинд тилини билишда кучли бўлиб, улар фойдасиз хиёнат қилиш билан танилмаган эдилар.

Қуйидаги жадвалда менга маълум бўлган ер қаватларининг исмларини кўрсатаман. Бунда «Одигъя-пурона» номли китобда нақл қилинган сўзлар асосга олинди. Чунки у китоб ер қаватларининг исмлари учун қонун кўрсатиб, ерлар ва осмонлардан ҳар бирини қуёш аъзоларининг бир бўлаги қилиб кўрсатган\*. Шунда осмонлар бошдан қорингача ва ерлар киндикдан оёққача бўлган; шу билан ер қаватларининг тартиби маълум бўлиб, бу ҳақда шубҳа қолмаган. ||

	Ерлар номери	Бирин- чи	Иккин- чи	Уч- инчи	Тўр- тинчи	Бешин- чи	Олтин- чи	Еттин- чи
Одигъя-пурона	Ер қаватларининг қуёш органларидан тутган ўринлари	Киндик	Иккала сон	Иккала тизза	Иккала тиззанинг теги— тақими	Иккала поча	Иккала тўпиқ	Иккала қадам
	Исмлари	Тола	Сутала	Патола	Ашола	Вишола	Мриттала	Расотала
	Вишну-пурона	Отала	Витала	Нитала	Габҳастима	Маҳонги [Маҳокхья]	Сутала	Чогара

\* Бу ерда қуёшни бир тана — бадавга, еру осмонларни шу қуёш танасининг бир аъзосига ўхшатайти — ред.

Божу-пуро-на	Исмлари	Абха-стала	Ала	Ни-тала	Габҳа-стала	Маҳо-тала	Сутала	Патала
	Сифатла-ри	Криш-на-бҳу-ми „қо-ронги ер“	Шукла-бҳуми „ёриг ер“	Рах-та-бҳу-ми „қи-зил ер“	Пита-бҳуми „сариг ер“	Паша-на-бҳу-ми „мар-мар тусли ер“	Шило-тала „ғишт тусли ер“	Сувар-на-Вар-на „тилла-ранг ер“
	Оғизлардан эшитилган-лари	Онсу [Аншу]	Анба-ратала	Сак-кара	Габҳа-стимат	Маҳо-тала	Сутала	Расо-тала

«Божу-пуро-на»ча, ер қаватларида руҳоний [фаришта]лардан жой-лашганлар: 114

[1] Донавадан\*: Намучи, Шанкукарна, Қувантҳа, Нишкубаза, Шўладанта, Лоҳита, Калинга, Швопада; Илонлар эгасидан: Дҳананжава, Калива.

[2] Дайтъялардан: Суракша, Маҳажамбҳа, Ҳаягрева, Кришна, Жанарта, Шангҳокҳша, Гумуқҳа; булар ичида Рокшасадан: Нела, Мегҳа, Кратханака, Маҳошенеша, Камбала, Ашвантара, Такшака.

[3] Донавадан: Раза, Ануҳлоза, Агнимуқҳа, Таракокша, Тришера, Шишумара; булар ичида Рокшасадан: Чабана [Чъявана], Нанда, Вишола; яна унда кўп шаҳарлар бор.

[4] Дайтъядан: Қоланеми, Газакарна, Унжара; булар ичида Рокшасадан: Сумоли, Мўнжа, Врикавактра ва Гаруда номли катта қушлар.

[5] Дайтъядан: Вилочана, Жаянта, Агнижиҳва, Ҳиронжокша ва бунда Рокшасадан: Видужжиҳва, Маҳомекҳа, Мор Кириру — Кармора илони, Свастикачава.

[6] Дайтъядан: Кесари ва булар ичида Ракшасадан: Урдхвакужа, Шаташерша, яъни минг бошли ва у Индра дўсти Басуки; бу эса илон.

[7] Бали номли подшоҳ ва Дайтъядан: Мучукунда; бунда Рокшаса учун кўп уйлар бор, яна бунда Вишну ва илонлар эгаси Шеша яшайди.

Етти қават ердан кейин етти қаватдан иборат осмонлар келади. Улар Локалар деб аталадилар; Лока сўзи йиғин ва мажлис қилинадиган жой демакдир. Юнонлар ҳам осмонларни руҳонийлар йиғиладиган жой деганлар.

Яҳёе Наҳвий «Проклусга раддия» [асарини] ёзганида «калом олимларидан бир гуруҳи Галактика, яъни сут [йўли], бу эса сомон йўли бўлиб, уни нотиқа руҳлар макони деб ўйлаганлар», деган.

\* Арабча текстда шу сўз «Дону» ёзилган — ред.

Шоир Ҳомер: «Сен пок осмонни худолар учун абадий турар жой қилдинг, уни шамоллар қўзғота олмайди, ёмғирлар ҳўллаёлмайди, қорлар уни йўқ қилолмайди, балки бунда ҳаво кўм-кўк очиқ бўлиб, уни бекитадиган булут йўқ», дейди.

Афлотун эса шундай деган: «Тангри сайёр етти планеталарга қарата: сизлар худоларнинг худоларисиз, мен ҳамма амалларнинг отаси-ман ва сизларни камчиликсиз қилиб яратувчингизман, чунки ҳар бир  
115 ij бойланган нарса ешилса ҳам, тартиби яхши бўлса, ҳеч бир бузилмайди, деб айтди».

Арасту Искандарга юборган рисоласида шундай деган: «Олам ҳамма яратилганнинг тартибли тузилишидан иборатдир. Аммо унинг юқорисида бўлиб, ҳамма томондан уни ўраб ўз ичига олган жой худолар турадиган жойдир. Осмон худоларнинг жасадлари билан тўлиқ, биз у жасадларни ёритгичлар деб атаймиз».

Яна Арасту ўша рисоласининг бошқа жойида шундай деган: «Ер сув билан, сув ҳаво билан, ҳаво олов билан ва олов эфир билан ўралган; шунинг учун энг юқори жой худолар ўрни; қуйи жой эса сувда яшовчи ҳайвонлар ўрни бўлган».

«Божу-пурона»да ҳам шунга ўхшаш сўз бор. У мана шундай: «Ер-ни сув, сувни соф олов, оловни шамол, шамолни осмон ва осмонни эса ўзининг эгаси [Рабби] тутиб туради». «Божу-пурона»даги бу сўз Арасту сўзига тартибдан бошқа нарсада қарши келмайди.

Локаларнинг исмларида, ер қаватларининг исмларида бўлгандек, фикрлари турлича эмас. Биз осмон қаватлари исмларини аввалгига ўхшатиб шу жадвалда кўрсатамиз:

Осмонларнинг номери	„Одитъя-пурона“ча, қуёш органининг тутган мавқелари	„Одитъя-пурона“, „Божу-пурона“ ва „Вишну-пурона“ча, уларнинг исмлари
Биринчи	Қорин	Бҳўрлока
Иккинчи	Кўкрак	Бҳуварлока
Учинчи	Оғиз	Сварлока
Тўртинчи	Қош	Маҳарлока
Бешинчи	Пешана	Жаналока
Олтинчи	Пешана тепаси	Таполока

Еттинчи

Бош усти

Сатъялока

|| Булар ҳаммаси бир-бирига мувофиқ келади. Лекин «Патанжали» 116 исмли китобни шарҳ қилган кишига учраган исмлар мувофиқ келмайди, чунки у киши «Питаралар, яъни «оталар»нинг йиғиладиган жойлари ой фалагида», деб эшитган. Бу эса, мунажжимларнинг фикрларига асосланган сўздир. Шундай қилиб, у шарҳ ёзувчи питараларнинг йиғиладиган жойини осмонларнинг биринчиси қилиб кўрсатган. Ваҳоланки, уни Бҳўрлоканинг ўрнига қўйиши керак эди; у шундай қилмади-да, бу [қилган] ортиқча иши билан яхши мукофот ўрни бўлган Сварлокани тушириб қолдирди. Кейин у бошқа бир иш қилди; бу иши пуроналарда Браҳмалока деб аталган еттинчи лока — Сатъялокани осмонларнинг устига қўйди, ваҳоланки, икки исм билан аталган битта [осмон]ни қўйиш тўғрироқ бўларди. Ҳолбуки, унинг Браҳмалокани бир томонда қолдириб, биринчи осмон [Бҳўрлока] ўрнига Питрилокани қўйиши ва Сварлокани [қатордан] туширмаслиги керак эди. Етти қават ер ва етти қават осмон ҳақидаги сўзлар ана шулардир.

Энди энг юқори қаватидаги қисмларини, ундан кейин айтилиши керак бўлганларни баён қиламиз. Ҳинд тилида оролни двипа дейдилар. Биз Сарандиб деб атайдиган ерни улар Сангаладип<sup>1</sup> дейдилар, Чунки Сарандиб оролдир, Дебажот ҳам шунга ўхшайди. Чунки улао кўп ороллар бўлиб, уларнинг баъзиси эскириб, ювилиб, устини сув босиб йўқ бўлиб кетади ва бошқа янги орол бир бўлак қум тўдаси сингари пайдо бўлиб, доимо кўпайиб, кўтарилиб кенгайди. Натижада, аввалги [тарқалаётган] оролнинг яшовчилари бу оролга кўчиб, буни обод қиладилар.

Ҳиндларнинг диний хабарларига асосланган фикрларига қараганда, биз устида яшаб турган ер айланма [доира] бўлиб, уни денгиз ўраб туради; денгизнинг у ёғида ҳалқага ўхшаган ер бор, шу ернинг нариги ёғида яна ҳалқа шаклли айланма денгиз бор. Шу тартиб давом этиб, қуруқлик ҳалқаларининг сони ва денгизларнинг сони еттитага тўлади. Лекин қуруқликлар ва денгизлардан иборат икки жинсдан ҳар бири ўзидаги, яъни ёндаш жинсдан, албатта, икки марта катта бўлиб, уни ўраб туради. Шундай қилиб, ҳар бир жинснинг миқдори жуфт сонларники сингари кетма-кет бўлади. Шунда ўрталикдаги ернинг катталиги битта жўжана бўлса, унга ҳалқа бўлган етти бўлак ернинг ҳаммаси 127 жўжана бўлади. Ўртадаги ерни ўраб турган денгиз битта [жўжана] бўлса, унга ҳалқа бўлиб турган етти денгизларнинг ҳаммаси ҳам 127 та бўлиб, денгизлар ва ерларнинг ҳаммаси биргаликда 254 [жўжана] бўлади. Лекин «Патанжали»га шарҳ ёзган киши ўртадаги ерни юз минг жўжана деб фараз қилган;

бу ҳолда ерларнинг ҳаммаси 12700 000 жўжана бўлади. Уртадаги ерни ўраб турган денгизни икки юз минг жўжана, ундан кейингисини эса тўрт юз минг жўжана деб фараз қилган; бу ҳолда денгизларнинг ҳаммаси 25400 000 жўжана бўлиб, ерлар ва денгизларнинг ҳаммаси 38 100 000 жўжана бўлади. Шарҳ ёзувчи йиғиндини кўрсатмаган. Кўрсатганида ерлар ва денгизлар жўжаналарини унинг кўрсатганига солиштирар эдик. Аммо «Божу-пурона»да: «Ҳамма оролларнинг диаметри 37900 000 жўжана», дейилган. Бу аввалги сўзга мувофиқ келмайди, балки бундай бўлишнинг йўли ҳам йўқ. Лекин денгизлар олтига бўлиб, икки марта ортиши тўртинчи денгиздан бошланса, диаметрнинг ўшанча бўлиши мумкин. Денгизларнинг сонига келганда «Божу-пурона»да еттинчи денгиз айтилмаган бўлса керак. Чунки у китобда қуруқлик тўғрисида гапирилган. Ҳолбуки, қачон қуруқлик ҳақида сўзланса, уни ўраб турган сув ҳақида гапиришга эҳтиёж тушади.

Аммо икки марта ортишнинг тўртинчи денгиздан бошланишига келсак, асос тутилган қонунда бундан бошланишига важ йўқ, деб гумон қиламан.

Двипа [орол]лар ва денгизлардан ҳар бирининг исми бор. Унинг 117 маъносини жадвалда кўрсатамиз. Узимиз қабул қилинсин. ||

Двипа [орол]лар ва денгизларнинг номери	Мача-пурона		„Патанжали“ни шарҳ қилувчи		Оғизлардан эшитилганлар	
	Двипалар	Денгизлар	„Вишну-пу- рона“	Денгизлар	Двипалар	Ден- гизлар
			Двипалар			
Бирин- чи	Жам- бу- Двипа	Лавана, яъни туз	Жамбу, бир дарахт исми	Кшора, яъни шўр	Жамбу	Лавана- самудра
Иккин- чи	Шока- Двипа	Кшеродака, яъни соғил- ган сут	Плакша, бир дарахт исми	Экшу, яъни шакарқа- миш суви	Шока	Экшу
Учинчи	Куша- Двипа	Гҳритамон- да, яъни сариқ ёғ	Шолмали, бир дарахт исми	Суро, яъни шароб	Куша	Суро

Туртинчи	Краунча-двипа	Дадҳиманда, яъни қатиқ	Куша, бир усимлик исми	Сурпи [сарпис], яъни сариқ ёғ	Кроунча	Сарпа [Сарпис]
Бешинчи	Шолмоли-двипа	Суро, Гуруч шароби	Кроунча гурухлар	Дадҳи, яъни қатиқ	Шолмоли	Дадҳисоғара
Олтинчи	Гўмеда-двипа	Экшуро сода, яъни шакарқамиш суви	Шока, бир дарахт исми	Кшера, яъни соғилган сут	Гўмеда	Кшера
Еттинчи	Пушкар-двипа	Сводўдака, яъни ширин сув	Пушкара, бир дарахт исми	Сводудока, яъни ширин сув	Пушкара	Поней

Орол ва денгизларга шундай исмлар берилиши ақлга тўғри келмайди. Двипа ва денгизлар исмларидаги бундай ҳар хилликнинг сабабини қандай тўғри келса, тахминан, шундай санаб исм беришдан бошқа нарса деб билмайман. Бу сўзларнинг дурустроғи «Мача-пурона»даги сўздир. Чунки унда «фалон денгиз фалон оролни, ундан кейин фалон орол фалон денгизни ўраб туради», деб орол ва денгизларнинг ўртадагисидан тортиб, то четдагисигача санаб кўрсатади.

Энди «Мача-пурона» сўзига ўхшайдиган ва унга мувофиқ келадиган сўзни, гарчи бундан аввалги жойларга мос бўлса ҳам, ҳикоя қиламиз. У мана шундай: «Патанжали» исмли китобга шарҳ ёзган [киши] олам чегараларини баён қилганида оламнинг қуйисидан бошлаб, «Қоронғуликнинг миқдорини бир коти ва саксон беш лакша жўжана» деган. Бу 18 500 000 жўжана бўлади.

Яна: «Унинг тепасида Нарака, яъни жаҳаннамлар бор, уларни ўн уч коти ва ўн икки лакша» деган. Бу эса 131 200 000 жўжана бўлади.

«Кейин бир лакша қоронғилик бор», дейди. Бу 100 000 жўжана бўлади.

«Унинг тепасида қаттиқлиги сабабли Важра дейиладиган 34000 жўжанали ер бор», дейди. Важра деб олмос ёки осмондан тушиб эриган яшинларга айтилади.

«Кейин 60000 жўжана Гарбҳа бор, Гарбҳа-восита [ўрта] демакдир. Унинг тепасида 30000 жўжана тиллали ер бор ва унинг устида ҳар бири ўн минг жўжанали еттита ер, ҳаммаси бўлиб эса 70000 жўжанадан

иборат ерлар бор. Энг юқорисида эса двипа [орол]лар ва денгизлар бор. Ширин сувли денгизнинг нариги томонида Локолока бор», дейди. Локолока — йиғилиш ўрни эмас, яъни нообод ер ва унда ҳеч бир макондош йўқ демакдир.

«Ундан кейин бир коти, яъни 10 000 000 жўжанали тилла ер, унинг тепасида 6 134 000 жўжанали Питрилока бор. Етти локанинг ҳаммаси Браҳманда сўзи билан аталиб, ўн беш коти бўлади. Бу эса 150 000 000 жўжанадир. Бунинг тепасида [юқорида айтиб ўтилган] қуйи [қоронғилик] сингари 18 500 000 жўжанали тамас қоронғилиги бор», дейди.

Биз ерлар билан биргаликда еттита денгиз бор, дейишни оғирсинган эдик, ниҳоят, бу киши у ерларнинг тегига ерлар орттириб, ишимизни енгил қилди.

Аммо «Вишну-пурона»да шу фанга тегишли сўз баён қилинганда бундай дейилган: «Қуйидаги еттинчи ернинг тегига Шешокҳъя номли бир илон бор, уни руҳоний — фаришталар улуғлайди. У Ананта деб ҳам аталади; унинг мингта боши бор; у ҳамма ерларни кўтариб туради; ерлар унга оғирлик қилмайди. Бу ерлар бир-бирининг устига қаватма-қават бўлиб яхши нарсалар ва неъматларга эга, қимматли тошлар билан зийнатланган, қуёш ва ой нурларисиз ўша тошлар нурин билан ёришиб турадилар. У ерларда қуёш ва ой чиқмайди. Шунинг учун об-ҳаволари ўртача бўлиб, унда турли райҳонлар, дарахтларнинг гуллари ва турли мевалар доимо бўлиб туради. У ерларда яшовчиларга замонлар[нинг ўтиши] махфий; чунки улар замонлар саноғини, миқдорини билдирадиган ҳаракатларни сезмайдилар. У ерларнинг миқдори етмиш минг жўжана ва ҳар бири ўн минг жўжанадир. Риши-Норада ундагиларни кўриш, у ерларда Дайтъя ва Донава жинсларидан яшовчиларни кўздан кечириш учун ўша ерга тушган. У ерларнинг неъматлари олдида жаннат неъматларини камситган, фаришталар олдида қайтиб бориб, шуларни ҳикоя қилган ва ерларни тавсиф қилиб, фаришталарни таажжубда қолдирган.

Кейин у дейди: «Ширин сувли денгизнинг нариги томонида ҳамма орол ва денгизларга қараганда икки ҳисса келадиган на инсонлар ва на жинлар билан обод бўлмаган тилла ер бор, унинг нариги ёғида 119 Локолока бор. Бунинг баландлиги || ўн минг жўжана, кенглиги бундан ўн баравар ортиқ бир тоғдир. Бунинг ҳаммаси 500 000 000 жўжана, яъни эллик котидир».

У ерларнинг ҳаммаси ҳинд тилида дҳатри, яъни «ҳамма нарсани тутиб турувчи» ва видҳатри, яъни «ҳамма нарсани қўйиб юборувчи», деб аталади. У яна «ҳамма тирик нарсанинг қарор оладиган жойидир», деб ҳам юритилади. Бу эса бўшлиқ ҳақида ҳар хил ўйга борувчиларнинг фикрига ўхшайди. Бўшлиқнинг борлигини исбот этувчилар, унинг

борлиги жисмларнинг унга қараб тортилишига сабаб бўлади, дейдилар; бўшлиқни [тан олмай] инкор қилувчилар эса унинг йўқлиги жисмларнинг тортилмаслигига сабаб бўлади, дейдилар.

Кейин «Вишну-пурона» локалар баёнига ўтиб: «Оёқ босиш мумкин бўлган ҳамма ер ёки кема юрадиган ҳамма сув Бҳурлока», дейди; гўё бу сўзи билан у энг юқори қават ернинг юзига ишорат қилади. Яна у дейди: «Ер билан Қуёш орасида сиддҳалар, муналар ва пандҳарвалар — жаннат эгалари кезиб юрадиган ҳаво бор, бу [ҳаво] Бҳуварлокадир. Шу уч ернинг ҳаммаси «уч притҳиве» ва уларнинг юқориси Вьёса-мандала, яъни Вьёса вилояти деб аталади.

Ердан қуёш турган жойгача юз минг жўжана, қуёш турган жойдан ой турган жойгача ҳам шунча, ойдан Уторидгача икки лакша, яъни икки юз минг жўжана; бундан Зухрагача ҳам шунча, бундан Мирригача, кейин Муштарийгача, кейин Зуҳалгача бир хил узоқликда бўлиб, ҳар бири икки юз минг жўжанадир. Зуҳалдан Етти Қароқчигача юз минг, Етти Қароқчидан қутбгача минг жўжанадир. Бундан юқорида йигирма миллион жўжана узоқликда Маҳарлока бор. Бунинг тепасида саксон миллион жўжана узоқликда Жаналока, сўнгра тўрт юз саксон миллион жўжана узоқликда Питрилока ва бунинг тепасида Сатъялока бор».

Буларнинг ҳаммаси «Патанжали» китобига шарҳ ёзган кишидан ҳикоя қилганимиз узоқлик [рақам] лардан уч марта каттадир. Бу ҳамма тилдаги нусха кўчирувчиларнинг одати. Пуроналарни ёзганлар ҳам бу одатдан холи бўлмасалар керак, деган ўйдаман. Чунки улар аниқ фанларга эга бўлмаганлар.



## ҚУТБ ВА УНГА ОИД ХАБАРЛАР ҲАҚИДА

Ҳинд тилида қутбни дхрува ва ўқни шлока дейлади. Ҳиндларнинг осмон қуббаси ҳақида юқорида баён этилган эътиқодлари сабабли астрономларидан бошқа кишиларидан қутбни битта деган гапдан ўзгани кам эшитасан.

«Вожу-пурона»исмли китобда: «Осмон, кулолнинг чархига ўхшаб, қутб атрофида айланади, қутб ўзи турган жойидан қўзғалмай айланади ва 30 муҳурта, яъни бир кеча-кундузда тўла айланиб чиқади», дейилган.

Жанубий қутб ҳақида ҳиндлардан мана шу ҳикоядан бошқани эшитмадим: уларнинг Сумадатта номли бир подшоҳи бўлиб, у яхши амаллари сабабли жаннатга киришга ҳақли бўлган, лекин дунёдан кўчганида баданининг руҳидан ажралиб қолишига кўнгли рози бўлмаган. Шунда у Васиштҳа исмли риши — зоҳид олдига бориб, ўз баданини севишини ва ундан ажрашни истамаслигини билдирган. Зоҳид тупроқдан бино бўлган баданни кўтариб, бу дунёдан жаннатга боришига унинг умидини узган. У подшоҳ Васиштҳадан кейин унинг авлодига ҳам шу эҳтиёжини арз қилган, улар подшоҳнинг юзига туплаб, уни масхара қилганлар. Уни икки қулоғига зирак тақилган ва янги курта кийгизилган чандолага айлантирганлар. Подшоҳ шу ҳолатда Вишвомитра деган зоҳиднинг олдига борган. Зоҳид унинг бу ҳолатига ачиниб, сабабини сўраганда, подшоҳ зоҳидга қиссанинг ҳаммасини айтиб берган. Шунда зоҳид қаттиқ ғазабланиб, катта бир қурбонлик қилиш учун браҳманларни || ҳозир қилдирган. Васиштҳа авлоди ҳам шу браҳманлар орасида бўлган. Зоҳид браҳманларга қараб: «Мен шу яхши подшоҳнинг истагига етишиши учун бошқа олам ва бошқа жаннат ясамоқчиман», деб қутбни ва жанубдаги Етти Қароқчини ясашга бошлаган. Фаришталар ва уларнинг бошлиғи Индра бундан кўрқиб, Вишвомитранинг олдига келиб, ундан бошлаган ишини тўхтатишини

сўраганлар ва подшоҳ Сумадаттани бадани билан жаннатга олиб боришларини шарт қилиб, буни амалга оширганлар. Шунда ҳалиги зоҳид иккинчи олам ясашни тўхтатган, лекин ўша вақтгача ишлангани қолаверган.

Маълумки, шимолий қутб бизча Етти Қароқчи — Баноту Наъш ва жанубий қутб Суҳайл исми билан юргизилади. Лекин орамизда авом халқига ўхшаб «Осмоннинг жануб томонида ҳам шимолидаги каби Етти Қароқчи юлдузлари бўлиб, улар шу қутб атрофида айланади», деган фикрнинг тўғри деювчи «билимдон»ларимиз ҳам бор. Агар шундай фикр денгиз сафарларида кўп юрган, осмон ҳолатларини диққат билан кузатиб борган ишончли, ростгўй киши томонидан берилса эди, ажабланмаслик мумкин эди. Ростдан ҳам жанубий ерларда биз танимайдиган юлдузлар чиқади. Шриполанинг айтишича, ёзда Мўлтонда Суҳайлнинг [осмонда] айланиб турадиган чизигидан қуйроқда қизил бир юлдуз кўринади, уни Шўла деб атайдилар. Шўла салб [крест] ёғочидир. Ҳиндлар уни шум [юлдуз деб] ҳисоблайдилар. Шунинг учун ой Пурвабҳадрапада [манзили]да бўлса, жануб томонга сафарга чиқмайдилар, чунки Шўла ўша ёқ [жануб]да бўлади.

Ал Жайҳоний «Китоб ул Масолик»<sup>1</sup> [«Йўллар китоби»] исми асарида айтишича, Лангаболус номли оролда қишда, саҳар вақтида кун чиқиш томонда кема ўқи қадар баландликда «Иссиқ юлдуз» деб машҳур бўлган ёруғ бир юлдуз кўринади. Шу жойда бир неча хира юлдузлар кичик айиқнинг думи сингари узунчоқ шаклни ташкил этади. Бу «Тегирмон чўкичи» деб аталади, дейди. Браҳмагупта эса у шаклни Балик, дейди. Ҳиндлар буни шаквара ва шишмора деб ҳам атаб, тўрт оёқли сув ҳайвони кўринишида тасвирлашлари тахминий хабарларга асослангандир. Бу ҳайвонни катта калтакесак деб гумон қиламан, чунки унинг форсча исми сусмор бўлиб, иккала сўз орасида ўхшашлик бор. У ҳайвоннинг баъзиси тимсоҳ ва исқанқур каби сувда яшайди.

[Қуйидаги] ҳикоя ҳам ўшандай асфоналардандир. Бароҳим одамларни вужудга келтиришни истаганда, ўзини иккига бўлган, ўнг томонининг исми Вирож ва сўл томонининг исми Ману бўлган. Унинг номи билан аталган давр манвантара дейилади. Манунинг икки ўғли бўлиб, бири Прияратта, иккинчиси қийшиқ оёқ подшоҳ Уттонапада бўлган. Бу подшоҳнинг бир ўғли бўлиб, исми Дҳруба бўлган. Бу отасининг хотини [ўғай онаси] томонидан хўрланган, шу сабабли бунга ҳамма ёритгичларни истаганча айлантириш қудрати берилган. Дҳруба эса манвантараларнинг биринчиси Своямбҳува даврида пайдо бўлиб, у ўз жойида абадий қолган.

«Вожу-пурона»да шундай дейилган: «Шамол юлдузларни қутб атрофида ҳаракат қилдиради. Улар одамлар кўрмайдиган боғичлар билан

қутбга бойланганлар ва жувазкашларнинг ёғ кундаларида айлантириладиган ёғоч — ўқ сингари айланиб ҳаракат қиладилар. Ёғочнинг теги қўзғалмай, учи айланиб туради».

«Вишну-дҳарма» деган китобда айтилади: «Нороянанинг биродари Балабҳадра болаларидан Важра Моркандева деган зоҳиддан қутб ҳақида савол || қилди. Шунда у: «Бароҳим оламни ясаганида олам қоронғи ва қўрқинчли бўлди. Шу пайт Бароҳим қуёш шарини нур сочувчи қилиб ва юлдузлар шарларини сувга ўхшатиб ясади. Уларнинг қуёшга рўпара турган юзлари ундан нур олишга қобилиятли бўлдилар, Бароҳим шу юлдузлардан ўн тўрттасини шишумора шаклига ўхшатиб, қутб атрофига жойлади. Қутбдан шимол томонда шишумора ҳайъатининг юқори жағи ўрнида Уттонапада, қуйи жағи ўрнида Жайпа, бош ўрнида Дҳарма, кўкраги ўрнида Норояна, қутбдан шарқ томонда иккала қўли ўрнида Ашвини табиб дейиладиган икки юлдуз, ғарб томонда иккала оёғи ўрнида Варуна ва Аржаман, сийдик йўли ўрнида Санватсара, орқа йўли ўрнида Митра, думи ўрнида Агни, Маҳендра, Маречи ва Калишабалар туради», деб жавоб берди.

У яна давом этиб дейди: «Қутб — жаннат аҳли бўйсунган Вишну бўлиб, бу ҳам ундириб ўстирувчи, чиритиб йўқ қилувчи замондир», Кейин унда: «Шуни ўқиб ва қутбни аниқлаб таниган кишининг кундалик гуноҳларини тангри кечади ва тайинланган умри ўн тўрт йил кўпаяди», дейилган.

Бу гуруҳ шундай нарсаларга ажабланарли даражада инонадилар!

Бизда бир минг йигирмадан ортиқ юлдузларни танийдиган кишилар бор. Уларнинг нафаслари тугалиб, умрларининг кесилишига фақатгина шу ўн тўрт юлдузни танимасликлари сабаб бўлган экан-да! Юлдузларга нисбатан қутб ўрни қандай бўлса ҳам, улар айланиб турадилар.

Агар ҳиндлардан у юлдузларни бармоғи билан менга кўрсата оладиган кишини учратсам, у юлдузларни юнонлар ва араблардан ўрганган шаклларда ёки уларникидан бўлмаса ҳам, шуларга яқин шаклларда кўрсатишга имконият топардим.

### *Йигирма учинчи боб*

#### ПУРОНАЛАР АВТОРЛАРИ ВА БОШҚАЛАРНИНГ ТУШУН- ЧАСИГА ҚУРА МЕРУ ТОҒИ БАЕНИ

Сўзни шу тоғнинг сифатлари билан бошлаймиз: тоғ қуруқлик — двипалар ва денгизларнинг ўртаси ва қуруқликлардан бири бўлган Жанбадвипанинг ҳам ўрта еридир.

Брахмагуптанинг айтишича, Ер ва Меру<sup>1</sup> тоғининг сифати ҳақида одамларнинг, айниқса, пуруналардан ва шариат китобларидан дарс берувчиларнинг турли-туман гаплари кўп. Баъзилар шу тоғни бундай тавсифлайди: «У Ер юзидан ҳаддан ташқари баландга кўтарилган, у қутбнинг тегида, юлдузлар унинг этагида айланадилар, улар шундан чиқади ва шунга ботади, шундай қудратли бўлганидан у Меру деб аталган. Бу исмнинг яна бир сабаби шуки, тоғнинг боши қувватлилиги сабабли қуёш ва ойни [тўсиқлардан] очиқ кўрсатади. Унда яшайдиган фаришталарнинг кундузлари олти ой, кечалари ҳам олти ойдир». Яна Браҳмагуптанинг айтишича, «Жина», яъни Будда китобида «Меру тоғи доира эмас, тўрт бурчакли шаклдай», дейилган. Унга шарҳ ёзган Балабҳадра бундай деган: «Одамларнинг баъзиси Ер текис, Меру тоғи ёруғ ва нурунийдир». «Агар улар айтгандай бўлса,— дейди у,—Меру тоғида турувчи кишининг уфқи устида сайёралар айланмас эди. Агар унда ёруғлик бор бўлса, унинг тепасидаги қутб кўринганидек, баландлиги сабабли ёруғлиги кўринар эди. Баъзи кишилар бу тоғ тилладан ва баъзилари жавҳардан дейишади. Орябҳатанинг фикрича, бу тоғ баланд эмас, фақатгина бир жўжана кўтарилган бўлиб, тўрт бурчак эмас, доира шаклидадир. Бунда фаришталар туришади. Еруғ бўлса ҳам кўринмаслигининг сабаби шуки, у барча мамлакатлардан || узок, ҳамма жойларга қараганда шимолда, совуқ жойда, Нандана-вана дейиладиган чўлнинг ўртасидадир. Агар бу тоғ жуда баланд бўлганда эди, олтимиш олти даражали кенгликда [турувчига], саратон буржига келганда [бир кеча-кундуз] тўла кўриниб турадиган қуёш унда кўринмас эди».

Балабҳадра сўзи бекорчи ва бемаъни нарсa, билмайман, шарҳлари шундай асоссиз бўлатуриб, бу ишни ўзига қандай эп кўрган экан?!

Аммо унинг Меру уфқи атрофида юлдузларнинг айланиши сабабли Ер текис эмас дейиши исботлашга яқинроқдир. Ер текис бўлиб, ундаги тик нарсалар тоғдаги тик [чизиқ]га параллел бўлганда эди, уфқ, албатта, ҳамма жойларда ҳам ўзгармасдан кундузлар узунлиги тенг бўлар эди.

Орябҳатадан ҳикоя қилинишига қараганда [гап шундай]:

А Б маркази Ҳ да бўлган ер шари бўлсин, А кенглиги олтмиш олти даражали бир жой бўлсин.


Катта оғмага тенг қилиб А Б ажратсак, Б нинг зенитида осмон кутби Ж туради. Ер шарига А нуқтасида уринма қилиб чизиқ АЖ тортайлик.

Бу чизиқ теварак атрофда кўзга кўриниб турадиган уфқнинг текислигида ётади. А билан Ҳ ни чизиқ билан бирлаштириб, Ҳ Б Ж чизигини тортсак, бу А Ж билан Ж нуқтада учрайди. Ҳ Ж га А Т ни перпендикуляр туширамиз. Маълумки, АТ — катта оғманинг синусидир, ТБ — ўқи, ТҲ — катта оғмани ( $90^\circ$  га) тўлдирувчининг синусидир.

Орябҳата усулича, иш бошлаганимиз синусларни ҳисоблашни ҳам уларнинг кардажот асосида бажарамиз. Унда АТ 1397, ТҲ 3140, БТ 298 га тенг бўлади.

ҲАЖ бурчагига тўғри бурчаклиги сабабли ҲТ нинг ТА га нисбати ТА нинг ТЖ га нисбати каби бўлади. АТнинг квадрати 1951609, бу ТҲ га бўлинса, 622 чиқади. Бу билан ТБ айирмаси 324 бўлиб, бу эса БЖ узунлигидир. Бунинг БҲ га нисбати [оғманинг] тўла синуси бўлиб, 3438 дир. Бу эса БЖ жўжананинг БҲ жўжана нисбатига тенг, бу нисбат Орябҳатача саккиз юз. Буни ҳалиги айирмага кўпайтурса, 259290 чиқади. Бу тўлдирувчи синусига бўлинса, 75 чиқади. Бу жўжананинг БЖ [бирлигида] узунлиги бўлиб, 600 милга ёки 200 фарсахга тенгдир.

Бу тоғнинг бўйи икки юз тош бўлса, унга чиқиш йўлининг баландлиги шунга яқин барабарга яқин бўлади. Меру тоғининг катталиги шунчалик бўлса, олтмиш олти даражали кенгликдаги жойда унинг



ҳеч бир жойи кўринмайди ва у саратон айланиши чизигининг ҳеч бир жойини бекита олмайди.

Меру у ерда уфқ тегида бўлгани сабабли, унинг ўрни кенглиги ҳалиги кенгликдан камроқ ва уфқлардан пастроқ жойлардан бирида бўлади.

Маили, бу тоғ ёруғлик сочишда қуёшдек бўлсин ҳам дейлик. Ахир Қуёш Ер остига ўтиб, кўринмай турганида уни қандай қилиб кўриб бўлади? Шу сабабдан бу тоғнинг [Ерга] нур сочиши. Қуёшниқидек баб-баравар. Бу тоғнинг бизга кўринмаслиги || узоқ совуқ жойда бўлганидан эмас, балки уфқдан пастлигидандир; бунга эса ернинг юмалоқлиги ва оғирликларнинг Ер марказига томон тортилиши сабаб бўлади. 123

Яна: Орябҳатанинг [географик] кенгликнинг энг катта оғмани [90 даражага] тўлдирувчига тенг бўлган жойларда саратон айланиш чизигининг кўринмаслигини Мерунинг унча баланд эмаслигига далил қилиши лозим эмас. Чунки биз ўша жойларда юлдузларнинг [осмонда] айланиш чизиқларининг ва бошқаларнинг [уфққа нисбатан] вазиятларининг қандайлигини кузатиш билан эмас, балки назария ва хабарларга асосланиб биламиз. У жойларда одамлар яшамайди ва у томонга йўл ҳам йўқ. Агар у жойлардан биров келиб унга [Орябҳатага] ўша кенгликда саратоннинг бутун айланишининг кўринганидан хабар берса, биров келиб бизга ҳам ўша айланишнинг бир бўлагининг кўринмаганини, Мерудан бошқа бир бўлакни бекитиб турувчи нарса йўқлигини ва Меру бўлмаганда саратон айланишининг бутунлай кўринишидан хабар берди, деб айта оламиз. Бу икки хабардан қайси бири қабул қилинишга лойиқроқ деб ким айтади? Қусумапуралик Орябҳатанинг китобида: «Меру тоғи Ҳимавант — совуқ ерда бўлиб, у бир жўжанадан ортмайди», дейилган. Бунинг таржимасида эса, Меру Ҳимавантдан бир жўжанадан кўпроқ баланд дейилган.

Бу киши Улуғ Орябҳата эмас, фақатгина суҳбатдошларидандир; у Улуғ Орябҳатани тилга олиб, унинг йўлидан юради. Балабҳадранинг бу икки ҳамном — адашдан қайси бирини кўзда тутганини билмайман.

Хулоса шуки, бизга бу тоғ турган жойнинг шароити далилли исбот асосида маълум, тоғнинг ўзи эса ҳиндларнинг хабарларидан маълум. Ҳиндлар бу тоғ миқдорини бир жўжана ёки кўпроқ десалар ҳам, тўрт бурчакли десалар ҳам бари бир.

Энди риши [зоҳид]ларнинг Меру тоғи ҳақидаги сўзларини баён этайлик. «Мача-пурона»да шундай дейилган: «У тоғ олтиндан, худди тутунсиз тоза олов сингари ёруғлик беради, тўрт томонида тўрт хил ранг бор. Шарқ томонининг ранги браҳманлар ранги каби оқ, шимол томониники кшатри рангига ўхшаш қизил, жануб томониники вайшъя ранги сингари сариқ ва ғарб томониники шудра ранги каби қорадир. Тоғнинг баландлиги 86000 жўжана, бундан ерга кирган қисми 16000

жўжапа, чорраҳасининг ҳар бир томонининг узунлиги 34000 жўжанадир. Бу тоғда ширин дарёлар оқади, бунда олтин сингари пок турар жойлар бор. У жойларда руҳонийлардан дева, уларнинг музикачилари гандҳарва ва фоҳиша хотинлари апсарас турадилар. Шунингдек, бунда осура, дайтъя ва рокшасалар жинси бор. Бунинг атрофида Монаса деган ҳовуз, ҳовузнинг теварагида — тўрт томонида локапола бор. Булар оламни ва унинг аҳлини сақловчилардир.

Меру тоғининг еттита бўғини бор, бўғинлари катта тоғлардир; уларнинг исмлари: Маҳендра, Малава, Саҳжа, Шукдибом, Рикшабом, Виндхъя, Порижатра. Кичик тоғлар эса санаб бўлмайдиган даражада кўп — буларда одамлар яшайди.

Меру атрофидаги катта тоғларга келганда, уларнинг бири Ҳима-вант; унинг тепасида доимо қор бўлади. Бунда рокшаса, пишоча ва чакша номли қабилалар яшайди. Яна бири: Ҳимакота номли олтинсимон тоғдир. Бунда гандҳарва ва апсараслар яшайди. Яна бири: Нишадҳа номли тоғдир. Бунда нога исмли илонлар яшайди, улардан энг катталарининг еттита исмлари: Ананта, Восуки, Такшака, Қаркутака, Маҳопадма, Қанбала ва Ашватара. Яна бири, товусдек кўп рангли Неладир. Бунда Сиддҳа ва Браҳмарши зоҳидлар туришади. Яна бири: || Швета исмли тоғдир. Бунда дайтъя ва донава туради. Яна бири: Шрингавант исмли тоғдир. Бунда деванинг ота-боболари питаралар туради, бунинг шимол томони яқинида бутун бир калпа давридан бери сақланиб келаётган жавҳарлар ва дарахтлар билан тўла тоғ йўллари бор. Бу тоғларнинг ўртасида Иловрита исмли тоғ бор. Бу ўша тоғларнинг энг баландидир. Бу тоғларнинг ҳаммаси Пурушапарвата деб аталади. Ҳимавант билан Шрингавант орасида Қайлоса исмли ер бор. Бунда рокшаса билан апсарас ўйнашиб юришади».

«Вишну-пурона»да: «Ўрта ернинг катта тоғлари шулар: Шре-парвата, Малава-парвата, Молвавант, Виндхъя, Трикута, Трипуронтика ва Қайлоса. Буларда яшовчилар дарёлардан сув ичадилар ва доимо шод турадилар», дейилади.

«Божу-пурона»да тоғнинг тўрт томони ва баландлиги миқдори юқоридагидек баён қилиниб, кейин шундай дейилади: «Унинг ҳар томонида тўрт бурчакли тоғ бор; шарқ томонида Молвавант, шимол томонида Онила, ғарб томонида Гандҳамодана ва жанубида Нишадҳа».

«Одитъя-пурона»да Мерунинг томонлари ҳақида айтиб ўтилган сўзлар келтирилган, лекин унинг баландлиги ҳақида у китобнинг ҳеч бир ерида сўз учратмадим. У ерда айтилишича, Меру тоғининг шарқ томони тилладан, ғарб томони кумушдан, жануб томони қизил ёқут ва шимол томони хилма-хил қимматбаҳо тошлардандир.

Бу тоғнинг ҳаддан ташқари катталик миқдорлари ернинг айтилган ҳаддан ташқари миқдорлари билан юргизилмаганда эди, муболага

чекланмай, «Патанжали» китобига шарҳ ёзган киши каби муболага билан сўзловчига ёлгончилик эшиги очилар эди. Чунки ўша шарҳ қилувчи киши Меруни квадрат шаклли дейишдан ўтиб, узунчоқ тўрт бурчакли деб, бир томонини ўн беш коти — бу 150 000 000 жўжана, бошқа томонини беш коти, яъни аввалгининг учдан бири қилиб кўрсатган. Тўрт томони ҳақида эса, «Мерунинг шарҳ томонида Молава исмли тоғ ва денгиз бўлиб, бу иккаласининг орасида Бҳадросва номли мамлакатлар бор. Шимол томонида Нела, Сета, Шрингодри исмли тоғлар ва денгиз, иккаласининг орасида Рамяка, Ҳиранмая ва Куру номли мамлакатлар бор. Ғарб томонида Гандҳамодана исмли тоғ ва денгиз бор; иккаласининг оралигида Кетумола мамлакати бор. Жануб томонида Мроварта, Нишадҳа, Ҳемакўта, Ҳимагири ва денгиз бор; икки орада эса Бҳоратаворша, Қинпуруша ва Хариварша мамлакатлари бор», деган. Меру тоғи ҳақида ҳиндларнинг менга учраган сўзлари ана шулардир.

Шаманийларнинг Меру тоғи ҳақида на бирорта китобини ва на бу тоғ ҳақида уларнинг фикрларини айтиб берадиган бирорта кишини учратмаганим учун, мен уларнинг сўзларини ҳикоя қилганимда Эроншаҳрий воситаси билан ҳикоя қилдим. Лекин бу кишининг ҳикояси гумонимча аниқ эмас ёки аниқламай гапирадиган кишидан кўчирилган ҳикоядир. Эроншаҳрий шаманийлардан мана шундай сўзларни ҳикоя қилган: «Меру тўрт томондаги тўрт оламнинг ўртаси; қуйи томони квадрат, юқориси доира, узунлиги 80 000 жўжана, ярми осмонга кўтарилган ва ярми ерга ботган. Бизнинг оламга ёндаш бўлган жанубий томони ҳаво ранг ёқутдандир, шу сабабли осмон кўк кўринади, қолган томонлари қизил, сариқ ва оқ ёқутлардандир. Шундай қилиб, мана шу Меру тоғи ернинг ўртасидир.

Аmmo бизнинг авом халқимиз || Қоф деб атайдиган тоғни ҳиндлар Локалока деб атайдилар. Улар «Қуёш ундан Меру томонга қараб айланади ва унинг фақатгина шимолий ички томонидан бошқа ёғини ёритмайди», деб даъво қиладилар. 125

Сугд мажусийлари ҳам шунга ўхшаш фикрга борганлар: Ардиё тоғи оламнинг теварагида бўлиб, ташқарисида эса ҳўм бўлади. Бу эса инсоннинг кўзига ўхшаган, бунда ҳар бир нарсадан бор; ҳўмнинг нариги томони бўшлиқдир. Оламнинг ўртасида Гирнагар тоғи бор, бу тоғ иқлимимиз билан олтинчи иқлим орасида бўлиб, тангрининг курсисидир. Иккала иқлим оралигида куйдирувчи иссиқ қумлик бор. Бунга [инсон] оёғи бориб етолмайди. Иқлимларда фалаклар тегиримон сингари айланадилар, бизнинг иқлимда эса оғма бўлиб айланади; чунки бизнинг иқлим баланд ва бунда одамлар [бор].



---

---

*Иигирма тўртинчи боб*

**ПУРОНА ҚИТОБЛАРИ ЮЗАСИДАН  
ЕТТИТА ДВИПА БАЕНИ**

Пуруналардан келтириладиган исмлар ва маъниларнинг хилма-хиллигига эътибор бермаслик керак. Исмлардаги хилма-хилликни эса, тилларнинг турличалиги сабабли тузатиш осон. Маънилардаги хилма-хилликка келганда ё бундан фаҳмланишига ва мавзуга қизиқиладиган бир нарса келиб чиқади, ёки бу билан ҳамма тегсиз гапларнинг бир-бирига қарама-қаршилиги билинади.

Ўрта оролнинг ҳолини унинг ўртасида бўлган Меру тоғининг те-варагини баён қилган жойда айтдик. Урта орол ўзидаги Жамбу-двипа деган бир дарахт исми билан аталади. У дарахтнинг шохлари юз жў-жананага чўзилиб боради. Ернинг одамлар яшайдиган қисми ва унинг тақсимланиши баён қилинган пайтда ўрта оролнинг сифати ҳам тугал қилиб ёзилади.

Энди ўрта оролни ўраб турган бошқа ороллари ҳам баён қила-миз ва ороллар исмларининг тартибида айтиб ўтилган сабабга кўра, «Мача-пуруна» сўзига асосланамиз.

«Божу-пуруна»да шундай дейилган: «Мадҳвадешада икки жинс бор, деб даъво қилишади. Уларнинг бири кинпурушадир. Бу жинснинг эр кишилари тилла ранглилик билан, хотинлари эса сурену деб та-ниладилар. Булар узоқ яшайдилар, умр бўйи касал бўлмайдилар, гу-ноҳ иш ва бир-бирларига кунчилик қилмайдилар. Мадба исми хурмо мевасининг сувини сиқиб олиб, шу билан овқатланадилар.

Ҳалиги икки жинснинг иккинчиси харишурушадир. Булар кумуш рангли бўладилар, ўн бир минг йил умр сурадилар, буларда соқол чиқмайди, овқатлари шакарқамишдан иборатдир».

Соқолсизликларидан, тилла ва кумуш рангида бўлишларидан, улар турклармикин, деб хотирга келади. Лекин хурмо ва шакарқамиш билан овқатланишларидан, хотир жануб томонларда яшовчи халқ-ларга боради; бундай ранглилар қаерларда учраши мумкин? Лекин

куйган кумуш рангли киши сифатига ўхшашлар занжийларда бор; шундайки, уларда ғамгинлик, бир-бирини кўрсатмаслик йўқ. Чунки улар шундай ёмон хулқларнинг пайдо бўлишига сабаб бўладиган нарсага эга бўлмайдилар, албатта, уларнинг умрлари бизнинг мамлакатдагиларнинг умрларидан озгина узун бўлади-ю, лекин [у китобларда айтилганидек] икки баробар узун бўлмайди. Аммо занжийлар соддаликлари сабабли табиий ўлим воқе бўлишини билмайдилар, уни заҳардан бўлади, деб ўйлайдилар. Агар ўлик қурол билан ўлдирилмаган бўлса, унга, албатта, шубҳа билан қарайдилар, бордию у сил касали билан ўлса ҳам, заҳарланган деб бировларга туҳмат қиладилар.

Энди Шока-двипа [баёни]га келайлик. «Мача-пурона»даги сўзга қараганда, бу оролда еттита катта дарё бор. Буларнинг биттаси покликда Ганг дарёсига баробар. Аввалги денгизда кўп жавҳарларга эга бўлган еттита тоғ бор. Буларнинг баъзисиде девалар, баъзисиде шайтонлар туради. У тоғларнинг бири олтинли ва бундан булут кўтарилади, кейин устимизга келиб ёмғир ёғдиради, || у тоғларнинг яна бирисиде ҳамма дорилар бор ва фаришталар раиси Индра бундан ёмғир олади. Яна улардан биттаси Соме деб аталади; унинг қиссаси шундай:

Кашьяпанинг иккита хотини бўлган, бири илонлар онаси Кадрў, иккинчиси қушлар онаси Винотў. Бу иккаласи саҳрода бўлганида, шу ерда кулрангли от ҳам бўлган. Шунда илонлар онаси уни темиркўк [қора] деган. Иккаласи гаров бойлашиб, кимнинг сўзи ёлғонга чиқса, у сўзи тўғри чиққанга қул бўлишини шарт қилганлар, [ким ҳақ, ким ноҳақлигини] эртасига ҳал қилмоқчи бўлганлар. Шунда илонлар онаси ўша кечаси қора болаларини отнинг олдига юборган, улар отга чирмашиб, унинг рангини бекитганлар, шу билан қушлар онаси бир қанча вақт илонлар онасига қул бўлиб қолган. Қушлар онасининг икки ўғли бўлиб, бири Ануру — бу отлар билан тортиладиган Қуёш минорасини сақловчи; иккинчи ўғли Гаруда эди. Гаруда онасига: «Нима билан қулликдан озод қилинишингни кундошинг болаларидан сўра», деган. Онаси сўраганда унга: «Девалардаги мамнунлик хусусияти билан озод қилинади» деган. Шу пайтда Гаруда дева олдига учиб бориб, улардан мамнунликларини талаб қилган. Шунда улар Гарудага: «Мамнунлик девага хос нарсалардандир. У бошқаларда ҳосил бўлса, улар дева сингари абадий яшайдилар», деб жавоб берганлар. Онаси озод қилингунча, Гаруда мамнунликни ўзига бериб туришларини зорланиб илтимос қилган ва кейин ўзларига қайтариб беришини айтган. Шунда девалар Гарудага раҳм қилиб, мамнунликни унга берганлар. Гаруда уни олиб Соме тоғига келган, онаси кундошининг болалари шу ерда эдилар. Гаруда мамнунликни уларга бериб, онасини озод қилдирган. Кейин Гаруда кундош болаларига:

«Ганг дарёсида чўмилгунингизгача мамнунликка яқинлашманг», деган. Шунда кундош болалари мамнунликни ўз жойига қўйиб, чўмилишга кетганлар, Гаруда эса мамнунликни олиб, девага қайтарган. Шу сабабдан улуғликка эришиб, ҳатто, қушларга подшоҳ бўлиб Вишнуга улов бўлган.

Айтилишича, ўша оролда яшовчилар яхши одамлар бўлиб, узоқ умр кўрадилар; бир-бировлари билан кунчилик қилмасликлари ва жанжаллашмасликлари сабабли подшоҳларнинг сиёсатларига ва қўриқлашларига эҳтиёжлари йўқ. Уларнинг замонлари ҳаммаси ўзгармайдиган третажугадир. Уларда тўрт ранг, яъни бир-биридан ажраб турадиган табақалар бор; улар бир-бировлари билан қиз олиб, қиз бериб қудалашмайдилар. Улар доимо шод бўлиб, хафаликни билмайдилар.

«Вишну-пуроно»да айтилишича, улардаги табақаларнинг исмлари шулар: аржака — бу табақаларнинг юқори даражалиси, кейин курура, кейин вивимша, кейин биҳонишжати — улар Васудевага ибодат қиладилар.

Сўнгра учинчи орол Кушадир. «Мача-пуроно»ча, бу оролда жавҳарлар, турли мевалар, гуллар, райҳонлар ва турли экинларга эга бўлган етти та тоғ бор. Улар Дрона деб аталадилар. Бунда зўр дорилар, айниқса, вишалаякарани исмли дори бор. Бу дори ҳар бир жароҳатни ўша заҳотиёқ эт ўстириб тузатади; Мирдасанжбани номли дори ҳам бор. Бу дори ўликларни тиргизади.

Бу оролда қора булутга ўхшаш бошқа бир тоғ бор, у Ҳари деб аталади. Бунда Маҳиша исмли олов бор. Бу олов сувдан чиққан ва олам йўқ бўлиш вақтигача сувда туради. Оламни куйдириб юборадиган олов ана шудир.

Бу оролда етти мамлакат ва сонсиз дарёлар бор. Улар денгизга оқиб тушади ва Индра ёмғир ёғдириш учун ўша дарёлар сувини олади. Жавну — шўр дарёларнинг улуғларидан бўлиб, гуноҳлардан пок қилувчидир. «Мача-пуроно»да бу орол аҳли ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

«Вишну-пуроно»да эса: «Бунда яшовчилар гуноҳ қилмайдиган, тақводорлар бўлиб, ҳар бирлари ўн минг йил умр кўради; улар Жанорданага ибодат қилишади. Булардаги табақалар исмлари: дамин, шушмин, снеҳа ва мандеҳадир». Сўнгра тўртинчи орол Краунча-двипадир. «Мача-пуроно» бўйича, бу оролда жавҳарлар ва Ганг дарёсининг шохобчалари бўлган дарёлар ва мамлакатлар бор. Бу мамлакатларда оқ рангли, яхши ва пок кишилар яшайдилар. «Вишну-пуроно»да: || «Одамлар бу оролда бир жойда йиғилиб, бир-бирларидан табақага ажралмай яшайдилар» дейилиб, кейин ундаги табақалар исми ҳақида шундай дейилган: «Улар пушкара, пушкала, дҳанъя ва тишока, булар Жанорданага ибодат қиладилар».

Сўнгра бешинчи орол — Шолмала-двина. «Мача-пуроно»даги гапларга кўра, бу оролда тоғлар ва дарёлар бор. Бунинг яшовчилари пок ва умри узоқ, ёввош кишилар бўлиб, ғазабланмайдилар ва қаҳатчилик кўрмайдилар. Уларда экинсиз ва меҳнатсиз истаган вақтларда озиқ-овқатга етишишлик мумкин. Наслсиз — туғилмай кўпаядилар, касал бўлмайдилар, ғам чекмайдилар, сармоядорлик қилиб, бир-бирларига ўчакишмасликлари сабабли подшоҳларга эҳтиёжлари тушмайди. Улар қаноат қилиб, тинч яшайдилар, гўзалликни ихтиёр қиладилар, яхшиликни севадилар, ҳавонинг иссиқлиги ва совуқлиги ўзгармайди, шунинг учун улардан сақланишга эҳтиёж йўқ. Уларда ёмғир бўлмайди. Сувлари ердан қайнаб чиқади ва тоғлардан сизиб тушади. Бунинг нариги томонидаги оролларда ҳам аҳвол шундай. Бу оролда яшовчилар бир жинс бўлиб, табақаларга ажралмайдилар ва ҳар бирлари уч минг йил умр кўради.

«Вишну-пуроно»да, улар чиройли юзлилар бўлиб, Бҳагаватига ибодат қилиб, олов учун қурбонлик қиладилар. Уларнинг ҳар бири ўн минг йил умр кўради. Улардаги табақаларнинг исмлари: капила, оруна, пита ва кришна дейилган.

Кейин олтинчи орол—Гумеда-двина бўлиб, «Мача-пуроно»га кўра, бу оролда иккита катта тоғ бор. Буларнинг бири тим қора, бу Сумано деб аталади ва оролнинг кўп қисмини ўраб туради. Иккинчиси тилла рангли ва жуда баланд бўлиб, Кумуда деб аталади; бу тоғда дориларнинг ҳамма турлари топилади.

Бу оролда ҳам иккита мамлакат бор. «Вишну-пуроно»да «Бу орол халқлари тақводор кишилар бўлиб, гуноҳ қилмайдилар ва Вишнуга ибодат қиладилар. Булардаги табақаларнинг исмлари: матҳа, могадҳа, монаса ва мандага. Бу оролнинг гўзаллиги шу даражадаки, жаннатдагилар томоша қилиш учун вақт-вақти билан бу жойга келиб кетадилар», дейилган.

Сўнгра еттинчи орол — Пушкара-двинадир. «Мача-пуроно»да айтилишича, бунинг шарқ томонида Читрашола [Чатрасона], яъни сатҳи нақшли тоғ бор. Бунинг жавҳарлардан таркиб топган шохобчалари бўлиб, баландлиги 34000 ва айланаси 25000 жўжанадир. Ғарб томонида Монаса исмли ва тўлин ойдек ёруғ тоғ бор. Бунинг баландлиги 35000 жўжанадир. Унинг кун ботиш томонида отасини қўриқлаб турадиган ўғли бор ва кун чиқиш томонида иккита мамлакат бор. Кейинги икки орол халқларининг ҳар бири ўн минг йил умр кўради. Ичадиган сувлари ердан қайнаб чиқади ва тоғлардан сизиб тушади. Уларда ёмғир ёғмайди ва ариқ оқмайди, ёз ҳам, қиш ҳам бўлмайди.

Улар бир жинс бўлиб, ораларида қарама-қаршилиқ йўқ, қаҳатчилик кўрмайдилар ва қаримайдилар. Истаган нарсалари олдиларига келиб туради, роҳатда ва бир-бирлари билан тотув яшайдилар, яхши-

ликдан бошқани билмайдилар, гўё улар жаннат боғида турадилар. Уларга ҳусн ва узун умр берилган ва бир-бирларидан ортиқчалик кетказилган.

Уларда хизматкорлик, хўжайинлик, гуноҳ қилиш, бир-бирини кўролмаслик, қарама-қаршилиқ, гап-сўзга бориш, экин экиб, меҳнат қилиш ва савдогарчиликка уриниш йўқ.

«Вишну-пурана»да шундай дейилган: «Пушкара-двипа — ўзидаги катта бир дарахтнинг исми билан аталган бу дарахт — нияградҳа деб ҳам юритилади. Дарахтнинг тегида Бароҳим-рўпа, яъни Бароҳим суврати бор. Дева ва донава шу сувратга ибодат қиладилар.

Бу оролда яшовчилар бир-бирлари билан тенг; улар хоҳ инсонлар бўлсин ва хоҳ девалар бўлсин, бари бир, ўзаро ортиқчаликлари йўқ. Бунда Монасўттама деган биргина тоғдан бошқа ҳеч тоғ йўқ. Орол доирали бўлганидан бу тоғ ҳам доира [шаклида]дир. Бунинг чўққисидан ҳамма ороллар кўринади, чунки бунинг баландлиги 50000 жўжана, кенглиги ҳам шунча».

---

*Йигирма бешинчи боб*

ҲИНД ДАРЁЛАРИ, УЛАРНИНГ БОШЛАНАДИГАН ЖОЙЛАРИ ВА  
ТУРЛИ ЖАМОАЛАР УСТИДАН ЎТАДИГАН ЙЎЛЛАРИ ҲАҚИДА

¶ „Божу-пурона“да машҳур катта тоғлардан бошланадиган дарё- 128  
лар баён этилган. Биз у тоғларни Меру тоғининг тизмалари деб айт-  
ган эдик. Ўқувчига енгиллик бериш учун у тоғлар ва дарёлари  
мана шу жадвалда кўрсатдик.

Катта тизма- лари	У тоғлардан Нагарасамвриттага оқиб чиқадиган дарёлар номи
Маҳен- дра	Трисога, Ришикулъя, Икшула, Трипава, Аяна, Лангүлене, Виншавара [Вамшавара]
Малава	Критамола, Томраварна, Пушпажати, Утпалавате
Саҳъя	Гўдаваре, Бҳемаратҳе, Кришна, Вайнъя, Сабанжуло, Тун- габҳадра, Супраёга, Пажая, Кайбера
Шукти- бам	Ришука, Болука, Куморе, Мандавоҳине, Кирпа, Палашене
Рикша- бом	Шуна, Маҳонада, Нармада, Сураса, Кирва, Мандокине, Дашорна, Читракўта, Тамаса, Пирияла, Шруне, Карамуза, Пишабака, Читрапола, Маҳовега, Банжула, Балувоҳине, Шуктимате, Шакруна, Тридова
Винд- ҳъя	Топе, Паёшне, Нирбиндҳъя, Сирва, Нишадҳа, Венва, Вай- таране, Сини, Хоҳу, Кумудвате, Туба, Маҳогаври, Дурга, Анташила

Пари- | Ведасмриги, Ведавате, Вритрагҳни, Парнаша, Нандана, Сад-  
жотра | дона, Рамаде, Пара, Чарманвате, Лўпа, Видиша

«Мача-пуроно» ва «Божу-пуроно»да Жамбу-двипага оқадиган дарёлар ва уларнинг Ҳимавант тоғларидан бошланишлари айtilган. Биз дарёларнинг тартибини кўзда тутмадик, балки фақатгина сонига эътибор бердик.

129 Энди ҳинд ери чегарасини тоғлар ўраб турганини тасаввур қилишимиз керак. Шимол томонида қорлик Ҳимованд тоғлари туради. Уртада Қашмир мамлакати бўлиб, у турк ерига туташади. Одамлар яшайдиган ерлар тугалган жойгача ва Меру тоғигача ҳаво совиши ортиб боради. Чунки || бу тоғлар узунлик бўйича чўзилган. Улардан шимол томонга оқиб чиқадиган дарёлар турк, тибат, хазар ва сақолиба ерларидан ўтиб, Журжон денгизига ё Хоразм денгизчасига, ё Понтас денгизига, ёки Шимолий Сақолиба денгизига тушади<sup>1</sup>. Жануб томонларига оқиб чиқадиганлари ҳинд еридан ўтиб, агар етиб бора олса, ёлғиз ёки қўшилишиб, Улуғ денгизга қўйиладилар.

Демак, Ҳиндистоннинг сувлари ё шимол томондаги совуқ тоғлардан ёки шарқ томондаги тоғлардан чиқади. Шарқ томондаги тоғлардан бошланадиганлари худди шимолдан бошланганлари сингари шарққа қараб чўзилиб, жануб томонга бурилади, ниҳоят, Улуғ денгизга етиб, машҳур Рома тўғони ёнида бўлинишиб денгизга қўшилиб кетадилар. Албатта, бу тоғлар у ерлардаги иссиқ-совуқлик жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Даёларнинг исмларини мана шу жадвалда кўрсатдик:

Синд ёки Вайҳанд дарёси	Бъятта ёки Жайлам суви	Чандроб-ҳага ёки Чандроҳа суви	Биёҳа Лаҳора гарбидан чиқади	Ировате Лаҳора шарқидан чиқади	Шатарудра ёки Шаталдар суви
Сарсат Сарсат мамлакатидан ўтади	Жавн	Ганга	Саражу ёки Сарва суви	Девика	Куху
Гомате	Дхутапопа	Бишола	Боҳудоса	Кавишке	Нисчира

Гандака	Лўҳита	Дришад- вате	Томра Аруна	Парнаша	Вдасмрити
Видосине	Чандана	Кована	Пара	Чарманва- те	Видиша
Венумате	Сипра Пар- рижатродан чиқиб Ужайндан ўтади	Кар-туя	Шмоҳина	—	—

|| Коябши, яъни Кобул мамлакатига яқин тоғлардан шохобчалари билан Форванд дарёси чиқади. Бунга қўйиладиганлар: Ғузак қиясидан ўтар сув; Парвон шаҳри қуйисидаги Панжҳер шохобчаларининг суви; Ланбаго, яъни Ламғон шаҳри устидан ўтадиган Шарват ва Сова сувлари қўшилиб, булар Дрўта қалъаси олдида тугашади ва шу сувга яна Нўр ва Кирот суви келиб қўйилади, натижада, бу дарёлардан Пуршовар шаҳри рўпарасида «кечар жой» деб машҳур бўлган катта дарё вужудга келади. Бу жой ўша дарёнинг шарқ томон қирғоғидаги Маҳанора қишлоғидадир. У сув Қандаҳор шаҳри қуйисидаги Битўр, яъни Вайҳанд қалъаси олдида Синдҳа сувига қўйилади.

Сўнгра, Жайлам деб машҳур бўлган унинг ғарб томонидаги Бъятта суви ва Гандароҳа [Чандароҳа] суви келиб, иккаласи Жаҳроварнинг эллик милга яқин юқорисида қўшилиб, Мўлтоннинг ғарб томонидан ўтади. Мўлтоннинг шарқ томонидан Биёҳ суви ўтиб, уларга қўйилади.

Ирова суви оқиб келиб, бунга Баҳотул тоғларидаги Нағаркотдан чиқадиган Гаж дарёси, кейин Шатладара суви қўйилади. Булар [яъни Бъятта, Гандароҳа, Биёҳ, Ирова, Шатадара] Мўлтондан пастроқда. Панчанадада<sup>2</sup>, яъни «беш дарёнинг қўйиладиган жойи» дейилган мавзуда бирлашгач, миқдори зўраяди ва тошқин вақтида кўтарилиб, ўн тошга яқин ерга ёйилиб боради; чўллардаги дарахтларни кўмиб кетади, ҳатто дарахтлар шохларининг тепасида йиғилиб қолган чўп-хаслар қушларнинг уяларига ўхшаб кўриниб туради.

Шу [беш дарё] сувлари йиғилиб Синд шаҳарларидан ҳисобланадиган Арўр шаҳридан ўтганда, биз [мусулмон]лар уни Меҳрон дарёси деб атаймиз. Бу дарё тинч ёйилиб тиниб, оролларга ўхшаган жойларни айланиб оқади ва ниҳоят ал Мансурага боради — ал Мансура шу дарё шохобчаларининг оралигида ва икки жойда, бири Лоҳарона шаҳ-



ри олдида, иккинчиси Качч чегараларининг шарққа мойилроқ жойида денгизга қўйилади. Бу денгиз Синдху-Согара, яъни Синд денгизи исми билан машҳурдир.

У жой «Беш дарёнинг қўшилган ери» [Панжоб-Бешсув] дейилганидек, мазкур тоғлардан шимол томонга оқиб, Термиз шаҳри олдида бирлашиб, Балх дарёсига айланган жойни ҳам «етти дарёнинг қўшилиши» [Еттисув] деб аталади. Суғд мажусийлари бу икки жойни бири-бирига қориштириб, етти дарё бирлашмасини Синдх, бунинг энг юқориси Баредишдир, дейдилар. Бунга тушиб қуёш ботишга қараб турган киши — биз бу ерда сўл томонимизда кўрганамиздек — ўнг томонида қуёш оғаётганини кўради.

Сарсати дарёси эса, Соманотҳанинг шарқидан бир ўқ отимча ерда денгизга қўшилади. Жавн суви Қанавж шаҳрининг қуйисига Ганг дарёсига қўйилади; [Қанавж] дарёнинг ғарб томонида. Сўнгра, бу иккала бирлашма Гангосогара ёнида Улуғ денгизга қўшилади. Сарсати ва Ганг дарёлари[нинг денгизга] қўйиладиган жойлари оралигида шарқий тоғлардан келадиган Нармада дарёсининг қўйиладиган жойи бор. Нармада жануб томондан ғарбга қараб оқади ва Баҳрўж шаҳри яқинида денгизга қўшилади. Баҳрўж Соманотҳанинг шарқ томонида бўлиб, ундан олтимиш жўжанача узоқдадир.

Ганг дарёсининг нариги томонида Раҳаб ва Қавини сувлари бирлашиб, Бори шаҳрининг яқинида Сарва сувига қўшиладилар. Ҳиндларнинг Ганг дарёси ҳақидаги эътиқодларининг бири шу: «У қадимда жаннат заминида оқар эди», дейдилар. Бунинг [жаннатдан] ерга тушганлиги воқеаси келгусида айтилади.

«Мача-пурона»да айтилишича, Ганг дарёси ерга тушгач, етти шохобчага бўлинган. [Шу еттининг] узунасига ўрталиқ қисми шу  
131 [Ганг] исми билан машҳур бўлган || учтаси кун чиқиш томонга оқади; уларнинг исмлари: Налини, Лодини [Ҳрадини] ва Повани; учтаси кун ботиш томонга оқади; буларнинг исмлари Сита, Чакшу ва Синдҳадир.

Сита дарёси эса Ҳимавантдан чиққандан кейин Салила, Қарастуба, Чина, Варвара, Жабар [Яваса], Баҳа, Пушкара, Кулата, Мангала, Қавара ва Сангаванта мамлакатларидан ўтиб, сўнгра Мағриб денгизига қўшилади.

Сита дарёсининг жанубидан Чакша дарёси оқиб, Чина, Мару, Колика, Дҳўлика, Тукҳора, Барбара, Қоча, Палҳава ва Борвончат мамлакатларини суғоради.

Синдх дарёсига келганда, бу Синдху, Дарада, Зиндутунда, Гондаҳора, Рўраса, Крура, Шивапура, Индрамару, Саботи [Басоти], Сайиндҳава, Кубата, Баҳимарвара, Мара, Мрўна ва Сукўрда мамлакатларидан ўтади.

Шохобчаларнинг тик оқадигани ва ўрта қисми бўлган Ганг дарёси гандҳарба — музикачилар, киннара, жакша, рокшаса, биддодара, ураган, яъни кўкрак [ва қорин]лари билан судралиб юрувчилар — булар илонлардир — Қалобагирама, яъни яхшилар қишлоғи, кинпурс [кимпуруш], кашона [кхас] — булар тоғликлар, кирота, булиндана — булар саҳроларни овловчи ўғрилар, гуруна, бҳарата, панчалон, кавшака, маҷчон, магадхон, браҳмуттарон, томалипутон кабилар устидан ўтади. Ганг мана шу яхши ва ёмон гуруҳлар устидан ўтади. Кейин у филлар кони ва чиқадиган жойи бўлган Виндхъя тоғи ораликларига кириб, сўнгра жануб денгизига қўшилади.

Гангнинг шарқ томонидаги шохобчаларига келганда, Лодини [Ҳрадини] дарёси нишаба, ўпагана, диҳивара, пришака, ниламукха, кикара, уштракарна, яъни лаблари қулоқлари сингари қайтарилган, кирота, калидара, виварна, яъни қораликларидан рангсиз дейиладиган кишилар, кушикона, сваргабҳуми, яъни жаннат замини кабилар устидан ўтиб, кейин Машриқ денгизига қўшилади.

Пована дарёси эса, кубатҳ — гуноҳлардан пок кишилар ерлари, Индраруддиманасарон, яъни Индраруддимана исмли подшоҳ ҳовузаларини, кҳарапатҳа, битра ва санкупатҳоналарни суғоради. У чонамарура чўлини ёриб, Кушаправарана, яъни браҳманлар жинжилоқлари номли хашакни кийим қилиб кивувчилар ерларидан ўтади. Сўнгра Индрадипон устидан ўтиб, ундан кейин шўр денгизга тушади.

Налини дарёси тамарон, ҳансамарга, санмуҳага, пурна — булар ҳаммалари яхши одамлар бўлиб, ёмонликлардан поклар — ерлари устидан ўтади, кейин тоғлар ўрталарига кириб, Гарнапрабарана, яъни қулоқлари елкаларига тушган кишилар ерлари, ашмака [ашамукҳа], яъни юзлари от, эшак ва бошқалар юзлари сингари кишилар ерлари, парватамару — тоғлик саҳролар ва румимандалу устидан ўтиб, кейин денгизга тушади.

Аммо «Вишну-пурона»да баён этилишича, ўрта ернинг денгизга қўйиладиган дарёларининг катталари: Анутапата, Шикхи, Дипопа, Тридива, Қарма, Амрита ва Сукритадир.

ҲИНД АСТРОНОМЛАРИНИНГ ФИҚРИЧА,  
ОСМОН ВА ЕР ШАҚЛЛАРИ

Бу ҳақда ҳиндлардаги аҳвол биз [мусулмон]лардаги ҳолатнинг тескарисичадир. Чунки қуръон ўзидан олдин нозил бўлган китоблар сингари бу бобда ҳар бир эҳтиёж тушадиган нарса тўғрисида то зўрма-зўракичасига маълум бўлгунича, турли маъноларга йўйиб, тўғри йўлдан чиқиб кетишга мажбур этадиган [мужмал-ноаниқ] қилиб гапирмаган. [Қуръон] фақатгина маълум зарур нарсалар ҳақида гапни худди ўша китоблардагидай қилиб<sup>1</sup> гапирган ва шубҳали бўлмаган, аниқ ҳукмлар чиқарган. Шунингдек, бурунги тарихлар каби ихтилофли ва ҳақиқатига етиб бўлмайдиган нарсалар устида ҳам гапирмаган.

Лекин ислом дини бошланғич пайтларида, ўз душманларидан бўлган бир гуруҳнинг макр ва алдов қуроли бўлиб қолган; яъни улар ўзларини ислом динини қабул этган қилиб кўрсатиб, содда кўнгилли кишиларга тангри — на оз бўлсин ва на кўп бўлсин — ҳеч бир яратмаган нарсаларни ўз китобларидан ҳикоя қилганлар, улар бу сўзларга ишониб, иккиюзламачиликларига алданиб, айтганларини ёзиб олганлар ва ўзларининг Ҳақ китобларидаги гапни бир ёққа йиғиштириб қўйганлар. Чунки авом халқнинг қалблари хурофотга жуда мойил; шунинг натижасида хабар ва ривоятлар қоришиб кетган.

Сўнгра Ибн ал Муқаффа, Абдулкарим ибн Абул Авжа<sup>2</sup> ва шунга ўхшаган Монийга эргашган зиндиқлар бошқа бир бахтсизликни келтириб чиқардилар. Улар Биринчи Ягона ҳақида эътиқодлари заиф кишиларни, дунёда адолат ҳам зулмга оид ҳодисалар юз бериб туриши жиҳатидан, шак-шубҳага солиб, Биринчи Ягонани иккита дейишга<sup>3</sup> [дуализмга] мойил қилдилар ва Моний эътиқодини уларга яхши қилиб кўрсатдилар, ҳатто, улар Моний эътиқодига ёпишиб олдилар.

Моний, оламнинг ҳайъати ҳақида сўзлашдан ўзини тийса ҳам, ўз мазҳабидagi жоҳилона тушунчаларни бўяма [гаплар билан] баён қилишда чекланмайдиган кишидир.

Шу эътиқод турли тилларда тарқалиб, яҳудларники сингари юқорида айтилган алдовларга қўшилди ва ислом динига мансуб бир фикрга айланди. Тангри [исломни] бундайлардан пок қилсин! Бу фикрга қарши турган ва бу тўғрида қуръонга мувофиқ бўлган ҳақ гапни маҳкам ушлаган киши кофир ва имонсиз дейилди, қони тўкилишга ҳукм чиқарилди ва сўзини эшитишга рухсат берилмади. Ваҳоланки, бу Фиръавнинг: «Мен энг олий раббингизман»<sup>4</sup> ва «Сизлар учун ўзимдан бошқа тангри — маъбуд бор деб билмайман»<sup>5</sup>, деган сўзларни эшитишдан ҳам ёмон эди.

Асабийлик ва [тарафкашлик] чўзилиб кетиб, баъзан қизишиб тўғри йўлдан оғиб кетамиз. Тўғри йўлни мақсад қилиб олган ва бу мақсадда ҳақ-ҳақиқатни кўзда тутган кишининг қадамини тангри барқарор қилсин!

Ҳиндларга келганда, уларнинг диний китобларининг ва бурунги хабарларни билдирадиган пуруналарининг ҳаммаси олам тузилиши ҳақида астрономларининг тўғри ва равшан фикрларига зид келадиган фикрларни гапиради. Лекин бу гуруҳлар шарият ҳукмларини барпо қилишда ўша [китоб ва пуруна]ларга амал қилишга мажбурлар, кўпчилик халқ ҳам астрономик ҳисобларга, астрологик фолларга суяниб хавфли ҳодисалардан сақлаш ҳукмларида ўша китобларга бўйсуннишга буюрилганлар. Ҳаммалари астрономларга мойиллик изҳор қилдилар, уларнинг фазилатларини гапирдилар, уларни кўришни яхши иш санайдилар, улардан ҳеч бир киши дўзахга кирмайди, улар жаннати деб ишонадилар. Астрономлар бунга мукофот учун, халқ фикрининг кўпчилиги ҳақиқатга тўғри келмаса ҳам, у фикрларни тасдиқлаб мувофиқлашадилар; айрим кишиларни керакли даражада руҳлантирадилар. Шунинг учун замонлар оша бу икки хил фикр бир-бирига қоришиб, айниқса, хабарларга тақлид қилиб, шуларга асосланувчи ва бу хабарларни текшириш йўлида юрмовчи астрономларининг сўзлари ишончсиз бўлиб қолди. Бундайлар кўпчиликни ташкил қилади.

Энди уларнинг фикрларини ҳикоя қилиб [шуларни] айтамыз: улар фикрича, осмон ва олам сфера ва Ер эса шар шаклидадир. Ернинг шимол томонининг ярми қуруқлик ва жануб томонининг ярми || сувга 133 кўмилган. Улар фикрича, [Ер] катталиги юнонлар ўйлагандан ҳам, кейингилар ва ҳозиргилар назарига нисбатан ҳам каттароқдир. Улар Ерни таъриф қилишда денгизлар, ороллар ва уларнинг миқдорини кўрсатадиган кўп жўжаналар ҳақида гапирмайдилар. Улар Меру тоғининг шимолий қутб тегида бўлиши ва Вадавомукҳа оролининг жанубий қутб тегида бўлишидан иборат астрономияга монелик қилмайдиган нарса ҳақида дин эгаларининг фикрларига эргашадилар. Меру тоғи шимолий қутб тегида бўлса ҳам, бўлмаса ҳам, бари бир, бундан

мақсад ернинг тегирмон сингари айланиш хусусиятларини билдирмоқдир. Ер юзидаги ҳар бир жойга [яъни нуқтага] тегишли бўладиган зенит [нуқта] ҳавода [яъни осмонда] бор. Вадавомукҳа оролининг жанубий қутб тегида бўлишига келсак, бу хабарнинг ҳам зарари йўқ — шундай бўлиши ҳам мумкин. Эҳтимол, Ер чоракларидан бўлган икки чорак қуруқликка диаметрал қарама-қарши қуруқлик бордир; худди шунингдек, сув остида кўмилиб қолган бошқа икки чорагининг ҳам бир-бирига диаметрал қарама-қарши бўлиши зарурдек кўринади. Шундай қилиб, ҳиндлар «Ер ўртада ва оғирликлар унинг томонига тортилади», дейдилар. Бундан чиқди, осмон ҳам шар шаклида бўлиши керак. Биз ўз таржимамизга қараб уларнинг шу тўғридаги сўзларини ҳикоя қиламиз. Агар терминларимиз одатда ишлатиладиганга тўғри келмаса, маъноларига эътибор берилсин, чунки мақсад маъноларни билдиришдир.

Пулиса ўзининг «Сиддиҳонта»сида айтишича, юнонлик Паулиса бир жойда Ерни шар шакли, бошқа жойда эса юзи ясси шаклда, деган. Иккала гапи ҳам тўғри. Чунки Ер юзи юмалоқ, диаметри эса тўғридир. Паулиса Ернинг шакли шардан бошқа эмаслигига ишонган, бунга ўзининг кўп сўзи ҳамда Бароҳамиҳира, Орябҳата, Дева, Шрешена, Вишнучандра ва Бароҳим каби олимларнинг бир оғиздан Ер шар шакли дейишлари далил бўлган. Чунки Ер юмалоқ бўлмаганда одамлар яшайдиган жойлар кенглиги географик минтақаларга ажралмас эди, ёзу қишда кеча билан кундуз [узунлиги] ўзгармас эди, ёритгичларнинг [уфққа нисбатан] вазиятлари ва суткали йўллари ҳозиргидек кўринишда бўлмас эди.

Ернинг турган жойига келганда, бу ўрта жой [осмон маркази] бўлиб, Ернинг ярми қуруқлик ва ярми сувдир. Дева фаришталар макони бўлган Меру тоғи ернинг қуруқ қисмида, шимолий қутб бунинг тепасида; сув билан қопланган ярми — жанубий қутб тагида Вадавомукҳа бор. Вадавомукҳа орол сингари қуруқликдир. Бунда Мерудаги фаришталарнинг яқинлари бўлган дайтья ва нога турадилар. Шунинг учун у Дайтентара<sup>6</sup> деб ҳам аталади.

Ернинг қуруқлик ва ҳўлликдан иборат иккала ярмини [паллаларини] ажратувчи чизик ниракша, яъни кенглик даражаси йўқ жой, деб аталади. Бу чизик экватордир. Бунинг тўрт томонида тўртта катта шаҳар бор: шарқ томонида Жамакўти, жанубида Ланка, ғарбида Рўмака, шимолида Сиддхапура.

Ер икки қутб билан сақлашиб [уларга тортиқ] ўқ билан ушланиб туради. Куёш нури Меру ва Ланка устидан ўтган чизикқа тушган вақтда Жамакўтида кундуз ярми, Юнонистонда кеча ярми ва Сиддхапурада кечқурун бўлади. Орябҳата ҳам худди шундай дейди.

Жишну Бҳилламалликнинг ўғли Браҳмагупта «Бароҳим-сиддиҳонта»да бундай деган: «Ер шакли ҳақида одамларнинг, айниқса, пуроналардан ва шарият китобларидан || дарс берувчиларнинг сўзлари кўпайиб кетди. Баъзилари Ер ойна сингари текис, баъзилари, тоғора каби ичи чуқур, баъзилари эса ойнага ўхшаш сатҳи ясси ва денгиз билан ўралган, кейин уни қуруқлик, кейин яна денгиз ўраб олган деган ва ҳоказо. Шундай қилиб, уларнинг ҳар бири ҳалқа сингари айланчиқ бўлиб, бири бошқасини ўраб туради. Денгизлардан ва қуруқликлардан ҳар бир жойнинг миқдори ўз ичидагидан икки марта катта бўлиб, энг четдаги қуруқлик энг ўртадаги қуруқликдан олтмиш тўрт марта катта бўлади. Энг узоқдаги ўраб турган денгиз ҳам энг яқин ўраб турган денгиздан олтмиш тўрт марта катта. Лекин чиқиш ва ботиш [вақтининг] ҳар жойда ҳар хил бўлиб, ҳатто Жамакўтидаги бир кишининг маълум бир вақтда бир юлдузнинг ғарбий уфқда бўлганида ва Румдаги бир кишининг худди шу вақтда ўша юлдузни шарқ уфқида кўриши осмон ва Ернинг шар шаклли эканини исботлайди. Шунингдек, Мерудагилар бир юлдузни маълум бир вақт уфқда «шайтонлар ватани» бўлган — Ланка тепасида турган вақтларида Ланкадагилар эса уни ўзларининг бош устларида кўришлари ҳам осмон ва Ернинг шар шаклли эканига далолат беради. Буларнинг шарликларин зарур дейилмаса, [астрономик] ҳисоблар тўғри бўлмайди. Демак, осмонни шар шаклли дейишимиз зарур. Чунки осмондаги хусусиятларнинг олам шар шаклли бўлгандагина тўғри юз беришини учратиб турамыз. Шундай бўлгач, бу ҳақда бошқа сўзларнинг нотўғрилиги махфий бўлмай қолади.

Орябҳата оламдан баҳс қилиб, мана шундай дейди: «Олам тупроқ, сув, олов ва елдан иборат бўлиб, буларнинг ҳаммаси юмалоқдир».

Шунингдек, Васиштҳа ва Лота ҳам «тупроқ, сув, олов, ел ва осмондан иборат бўлган беш унсур юмалоқдир», дейди.

Бароҳамиҳира: «Кўриниб, сезилиб турган нарсалар уларнинг шар шаклли эканини исбот этади ва уларда бошқа шаклнинг йўқлигини кўрсатади», дейди.

Орябҳата, Пулиса, Васиштҳа ва Лота, Жамакўтида кундуз ярим бўлганда худди шу вақтда Румда ярим кеча, Ланкада — кундуз аввали ва Сиддхапурада — кечанинг аввали бўлади, деган фикрга келганлар; булар фақат [Ер] шар шаклда бўлгандагина юз бериши мумкин, [шар шаклдан] бошқа ҳолда бўлганида мумкин бўлмайди. Шунингдек, оламнинг юмалоқлиги сабаблигина вақт-вақти билан қуёш тутилиши давом этади.

Лота бундай деган: «Ернинг ҳар бир жойида осмон сферасининг фақатгина ярми кўринади. Шимолий кенгликларда [туриб] қараганда Меру ва қутб уфқдан кўтарилиб кўринади, жануброқдаги кенгликлар-

да у иккаласи пасайиб кўринади. Иккала томоннинг ўрталигида [Ер экваторида] турувчига осмон экватори боши тепасида кўринади. Шимол ва жануб томонларининг бирида бўлган ҳар бир киши фақатгина ўзи турган томондаги қутбни кўради, қарши томондаги қутбни кўрмайди».

Ҳиндларнинг осмон, Ер ва булар оралигидаги нарсаларнинг шар шакллиги, Ернинг олам марказида деб, осмоннинг кўриниб турган қисмига нисбатан унинг жуда кичик миқдордалиги тўғрисидаги сўзлари ана шулардир. Бу сўзлар гарчи биз ўрганган йўсинда аниқлаб текширилган бўлмаса ҳам, «Ал Мажастий»нинг биринчи мақоласи ва бунга ўхшаш бошқа китоблар ўз ичига олган астрономия фанининг бошланғичлари ҳисобланади<sup>7</sup>. У мана шундайки, тупроқ сувдан оғирроқ, сув эса ҳаво каби оқувчан, шунинг учун Ернинг шар шаклида бўлишлиги табиий зарур нарсаси. Йўқса, Ерни бу шаклдан чиқариб юборишлик учун биронта илоҳий ҳодиса бўлиши зарур.

Ернинг шимол томони фақат қуруқлик бўлиб, жануб томони эса сувдир; бир бутун шарнинг ярми қуруқлик, қолган ярми сувдан иборат бўлиш фарзи тўғри эмас. ||

Бу ҳол фақат [икки орадаги] қуруқлик қовлаб олингандан кейингина мумкин бўлади, ҳолос. Аммо бизнинг текширишимизча, ернинг шимолий икки чорагидан бири қуруқлик, шу сабабли бу чоракка диаметрал бўлган чоракнинг ҳам қуруқлик бўлишини тахмин қиламиз. Вадавомуққа деган оролнинг бўлиши мумкин деймиз-у, аммо, албатта, у мавжуд деёлмаймиз, чунки унинг ва Меру тоғининг борлиги аниқланмаган, фақатгина хабарларга асосланган, ҳолос.

Экватор эса, қуруқлик билан денгиз оралигини ажратиб турган чизиқда — бизга маълум бўлган чоракда эмас, — Мағриб Судонининг чўллари каби жойларда қуруқлик денгизни қисиб ичига кириб, экватордан ўтиб кетади. Чунки у чўллар Ой тоғларининг нариги томонидаги жойларгача, Нилнинг биз текшира олмаган манбаларигача денгизни ёриб кирган. Аниқлай олмаганимизга сабаб шуки, у жойларга қуруқликдан юриладиган йўл йўқ; денгиз томондан ҳам Софали занжийлари мамлакатининг нариги ёғида бўлиб, бирон кема ўзинча адашиб у ёқларга бориб қолган эмас, бирор кимса қайтиб келиб ҳам кўрганларидан хабар берган эмас.

Шунингдек, ҳинд заминидан Синд мамлакатлари юқорисидаги катта бир бўлак ер ҳам экватордан жанубга ўтган деб хаёл қилинади. Булар оралигидаги Араб ва Яман мамлакатлари денгизга кўп ичкари кирмаган, бу [кирган қисми] экватордан нарига ўтган.

Қуруқлик денгизга киргани сингари денгиз ҳам қуруқликка кирган ва бирмунча жойларда уни ёриб қўлтиқ ва кўрфазларга айлантирган. Масалан, денгиз Араб мамлакатининг ғарб томонидан тил шаклида

- Шомнинг ўртасигача ёйилиб кириб, Қулзум деб машҳур бўлган жойда ингичкалашган. Яна шу денгизнинг ундан каттароқ бир қисми араб мамлакатининг шарқ томонидан ёриб кириб, Форс денгизи деб танилган.

Шунингдек, Ҳинд ва Хитой мамлакатлари орасида денгиз шимолга томон кўпгина бурилиб кирган, бунинг натижасида денгиз қирғоғи шакли доимо экваторда бўлишдан ёки ўзгармайдиган даражада экватордан узоқда туришдан чиқиб қолган<sup>8</sup>.

Тўртта шаҳар ҳақида келгусида — ўз жойида гапирилади.

Вақтларнинг ҳар жойда ҳар хил бўлишига келганда, бу эса Ернинг шарлиги ва доимо олам ўртасида бўлиши натижаларидандир. Ер шарни ҳақида гапирилганда ундаги яшовчилар ҳам қўшиб гапирилади — шаҳарларнинг яшовчилари бўлиши, албатта, зарур — бу эса оғирликларнинг марказ томонга, олам ўртасига тортилиши натижаларидандир.

«Божу-пурона»даги [сўз] шунга яқин келади: Амароватеда кундуз ярим бўлса, Байвасватада кун чиқаётган, Сукҳада ярим кеча, Вибҳода кун ботаётган вақт бўлади.

«Мача-пурона»даги сўз ҳам ўшанга яқин; бу китобда шундай дейилган: «Меру тоғидан шарқ томонда Амароватепура шаҳри бор. Бу раис Индраники бўлиб, бунда унинг хотини туради; жануб томонда Санжаманепура шаҳри бор; бунда қуёшнинг ўғли Жама туради; у шу жойда одамларни азоблайди ва яхши мукофот беради; кун ботиш томонда Сакҳапуре шаҳри бор. Бунда Варуна, яъни сув туради. Шимол томонда ой учун Вибҳаварепура шаҳри бор. Қуёш ва ёритгичлар Меру атрофида айланадилар. Амароватепурада Қуёш Меридианга келганда Санжаманепурада кундуз бошланади. Сукҳада ярим кеча, Вибҳаварепурада кеча бошланади. Санжаманда қуёш меридианда бўлганда Сакҳапуреда қуёш чиқаётган, Амароватепурада ботаётган, Вибҳаварепурада || эса ярим кеча бўлади.

«Мача-пурона» авторининг «Қуёш Меру атрофида айланади», дейишидан мақсади Меруда турган киши устида Қуёш тегирмон сингари айланади, Қуёш шундай суратда айланиши сабабли у ерда шарқ томон ҳам ва ғарб томон ҳам йўқ, дейишдир. У ерда Қуёш белгили бир жойдан чиқмасдан, балки турли жойлардан чиқади.

«Мача-пурона»да бир шаҳар томонини кўрсатиб, уни кун чиқиш деб атаган ва [унга қарама-қарши] бошқа бир шаҳарни кўрсатиб, у томонни кун ботиш деб атаган. Ҳинд астрономлари айтган тўртта шаҳар шулар бўлиши мумкин. «Мача-пурона»да у шаҳарлар билан тоғ орасидаги узоқлик кўрсатилган эмас.

Биз ҳиндлардан ҳикоя қилган бошқа нарсалар бу айтилганларни исбот этади. Лекин қутбдан гапирганда у билан бир вақтда шу Меру тоғидан ҳам гапириш ҳиндларнинг одатларидандир.

«Ҳиндлар, қуйилик ҳақида биз тушунгандай тушуниб, уни олам



маркази деб эътиқод қиладилар», дейишимиз мумкин, лекин бу иборат, айниқса қуйилик масаласи, фақатгина катта кишилар шуғулланган улуғ масалалардан бўлгани учун заиф сўз бўлади.

Браҳмагупта бундай деган: «Олимларнинг айтишича, ер шарни осмоннинг ўртасида, Меру тоғи ер шарнида бўлиб, унда девалар туради; Мерудан энг қуйида Вадавомукҳа ороли бор; бунда уларга қарши дайтъя ва донавадан иборат кишилар туради. Бу олимларнинг қуйилик деб айтгани мартабадан бошқа нарса эмас. Ҳолбуки, Ернинг ҳамма томонида ҳам шароит бир хилдир. Ер устидаги ҳамма кишилар ўзларини юқорида турадими, деб ҳисоблайдилар. Ернинг нарсаларни тутиб, сақлаб туриши табиий бўлганидек, оғир нарсаларнинг Ерга тушуви ҳам табиий. Сувнинг табиатида оқиш, олов табиатида куйдириш, ел табиатида қўзғотиш бор; бирон нарса Ердан тушиб кетмоқчи бўлса, қани, тушиб кетақолсин-чи, Ердан бошқа қуйилик йўқ-ку. Масалан, уруғлар чочиб ташланганда Ерга тушади, холос, юқорига кўтарилиб ундан чиқиб кетолмайди».

Бароҳамиҳира бундай деган: «Тоғлар, денгизлар, дарёлар, дарахтлар, шаҳарлар, одамлар, фаришталар — ҳаммалари Ер шарининг атрофидадирлар. Жамакўти билан Рум бир-бирига қарама-қарши жойлашган бўлса ҳам, бирисига нисбатан бошқасини пастда дейиш мумкин эмас, чунки қуйилик бўлмагандан кейин, биридаги ҳолат бошқасидаги каби бўлгандан кейин қандай қилиб бирини қуйи [бошқасини баланд] деб бўлади. Шундай қилиб, ҳеч бири қуйиликка муносиб эмас, чунки ҳар бири ўзи ҳақида, ўзича: «Мен баланд, бошқалар паст», дейди. Ҳаммалари Ер шарни теварагида, Қадамба исмли дарахт шохларидан чиққан гулларга ўхшайдилар, у гуллар дарахт теварагига чирмашадилар, ҳар бири ўз жойида худди бошқа бири сингари туради, бири қуйига осилиб, бошқаси юқорига кўтарилиб турмайди. Демак, Ер ўз устидаги нарсаларни тутиб туради. Чунки Ернинг барча томони қуйилик ва осмоннинг барча томони баландликдир.

Ҳинд олимлари, гарчи ҳадис ва шарият китоблари эгаларига тил-ёғламалик қилсалар ҳам, уларнинг шу бобдаги сўзларининг тўғри қонунларни ўрганиш натижасида айтилганлиги кўриниб турибди. Тафсири ёзган Балабҳадра мана шундай дейди: «Сўзлар кўп ва хилма-хил, лекин шулар орасида энг дурусти «Ер ҳам, Меру ҳам ва юлдузлар осмони ҳам шар шакллидирлар», дейилганидир. Опта-пуруна-кора, яъни пуруналарга эргашувчи садоқатли кишилар бундай дейди: «Ер тошбақанинг орқасига ўхшайди. У тағ томонидан юмалоқ эмас». Шунда Балбҳадра [тилёғламачилик қилиб]: «Улар тўғри айтганлар, чунки Ер сувнинг ўртасида, унинг кўриниб турадиган қисми тошбақанинг ор-

қасига ўхшаб кўринади. Ерни ўраб турган || денгизда юриб бўлмайди, 137 буржлар фалакининг шарлиги кўз билан кўрилиб турибди», деган.

Уни қара, уларнинг Ер сирти тошбақанинг орқаси сингари юмалоқ дейишларини тасдиқлаб туриб, «таги юмалоқ эмас», деган гапларига эътибор бермаган ва бу хусусга уланмайдиган сўз билан овора бўлиб, яна Балабҳадра бундай деган: «Ерни айлантириб олган чизиқ узунлиги беш минг жўжана бўлиб, бунинг тўқсон олтидан бирини одам кўзи кўра олади, холос. Бу эса эллик икки жўжана бўлади. Шунинг учун Ернинг юмалоқ экани сезилмайди. Бу тўғрида сўз кўпайишига ана шу ҳолат сабабдир».

Бундай садоқатли кишилар Ер устининг юмалоқ эканини инкор қилмаганлар, чунки уни тошбақа орқасига ўхшаш деб исботлаганлар. Аммо Балабҳадра эса, уларнинг сўзидан юмалоқ деган гап чиқмайди, деган. Чунки у, уларнинг сўзларини, сув ерни ўраб туради, деган маънога йўяди. Нарсанинг сувдан чиқиб турган юзининг шар сиртининг бўлагидек кўриниши ҳам, тўнқарилган ноғора сиртидек текис ва гўланинг ярим палласидек айланма бўлиши ҳам мумкин. Одам бўйининг кичиклиги сабабли Ернинг шарлиги сезилмайди, деган сўз тўғри эмас. Чунки одам бўйи баланд тоғники қадар бўлса ҳам бир жойда туриб, ер устига қарасаю, жойдан-жойга кўчиб, ердаги бор турли ҳолатларни бир-биринга солиштириб қарай олмаса, ундай узун бўй ернинг шарлигини билишга ҳам, унинг чегарасини аниқлашга ҳам фойда келтирilmayди.

Лекин бу сўз ҳалиги садоқатли кишилар фикрига қандай уланади? Агар Балабҳадра ернинг юмалоқ томонига муқобил томонини, яъни тагини, орият тариқасида бўлса ҳам, юмалоқ деб исботлаб, кейин ўша гапини гапирса, ҳатто уни ақлга мувофиқ ва кўриб гапирилган гап деб кўрсатса, сўзи бир қадар ўринли бўлар эди.

Балабҳадра томонидан ернинг кўриниб турган бўлаги миқдорининг ҳисобланиши мана шундай: Ер шарини АВ бўлиб, Н маркази бўлсин, В нуқта тевааракка қарагувчи кишининг турган жойи, чизиқ ВС унинг бўйи бўлсин; СА чизиғи ерга уринма қилинса, АВ чизиқ ернинг кўринган бўлаги бўлади. Шу миқдорни ер айланасининг тўқсон олтидан бир бўлаги деб фараз қилайлик. Агар ер айланасини уч юз олтимиш бўлак десак, ҳалиги [кўринган бўлак] учтаю, яна ярим ва чорак кам бир бўлак [даража]га тенгдир. Меру тоғи бобидаги ҳисоблаш сингари ТА квадратини, яъни 50 625 ни НТ га, яъни 3431 га бўлсак, ТС —  $0^{\circ}14'45''$  чиқиб, одам бўйи  $0^{\circ}7'45''$  — ВС бўлади. Бу ҳисоб НВ нинг тугал синусининг 3438 бирликка тенглигига асосланган. Лекин Ер диаметрининг ярми айлананинг айтилиб ўтган миқдорига кўра  $795^{\circ}27'16''$  [жўжана] бўлади. Энди ВС ни бу ўлчовга айлантурсак, у бир жўжана, 6 кроша, 1035 газ [яъни 57035 газ] бўлади.


Агар  $BC$  ни тўрт газ деб фараз қилсак, бунинг синус миқдори билан  $AT$  га нисбати 57035 нисбати каби бўлади. Бу сон синус, яъни 225 миқдорига кўра қоматнинг  $AT$ га нисбатан газлари сони бўлади. Шунда синусни чиқарсак у  $0^{\circ}0'1''3'''$  бўлиб, ёйи ҳам шунча бўлади. Лекин Ер шари айланасида бир бўлакнинг [бир даражанинг] узунлиги юқорида айтилганича ўн уч жўжана, етти кроша, уч юз ўттиз уч газ ва газнинг учдан бири бўлади. Демак, ердан икки юз || тўқсон бир газ ва газнинг учдан иккиси кўриниб туради.

Балабҳадранинг бу ҳисоблаш усули «Пулиса-сиддиҳонта»даги доира айланасининг чорагини 24 бўлакка—кардажатага ажратишликка асосланган. У деган эди: «Агар бир киши бунинг сабабини сўраса, билсинки, ҳар бир кардажата Ер айланасининг тўқсон олтидан бири бўлиб, 225 минутга тенг бўлади». Бунинг синусини ҳам 225 га тенглаб олинган.

Ҳолбуки, бизга маълумки, кардажатанинг синуси Орябҳата ва Пулиса фикрича, буткул тўла кардажатадан кичикдир. Синус қутрнинг уч юз олтимиш даврига бўлган нисбатига тенг бўлгач, Балабҳадра буни ададда тенглик хаёл қилиб, «қавс тўғриланди, кўз кўришига тўсқинлик қиладиган букрилиги, дўнглиги ва кичиклиги бўлмаган нарса кўринаверади», деб гумон қилди. Бу катта янглишдир. Ёй тўғри чизиқ эмас. Синус ҳар қанча кичик бўлса-да, ёйига тенг бўлолмайди.

Фақатгина практикада маълум кичик бўлакларга [ёй билан унга тегишли синуснинг] бараварлигини фараз қилинади. Аммо Ер айланаси бўлакларида, Хитойнинг энг узоқ жойига югуриб борсанг ҳам, ундай тенгликни учратолмайсан.

Пулисанинг «Ер ўқи ерни тутиб туради», деган сўзига келганда, унинг бундай дейишдан мақсади «Агар ўқи бўлмаса, Ер тушиб кетар эди», демак эмас. Ер айланасида [диаметрал қарама-қарши] жойлашган тўртта шаҳарнинг борлигига ишонган ҳолда бу сўзни қандай айтсин. Ернинг ҳамма ёқларида оғирликларнинг «пастга»томон тушиши у [шаҳарларнинг борлигидан далолат беради. Унинг [Пулисанинг] «Айланаси ҳаракатда бўлувчи нарсанинг маркази ҳаракатсиз бўлади», дейиши «Ер шари икки қутбни туташтирувчи мавҳум чизиқда, яъни ўқда айланиб туради», деган фикрга келтиради. Гўё у айтади: «Осмон айланиб турганда ўзининг марказидаги Ерни тутиб туради ва бу маконни [мар-



казни] ерга табиий жой қилиб берган. Ер [осмон] айланишининг ўқида экан, унинг бу макондан бошқа жойда бўлиши мумкин эмас; кейин [иккинчидан] ўқнинг ўртасида бўлиши керак; шардаги ҳар бир диаметр-ни ўқ деб фараз қилиш мумкин, чунки улар билқувва ўқлардир. Агар Ер ўқнинг ўртасида эмас дейилар экан, албатта, Ер бирор ўқда мавжуд бўлиши мумкин бўлиб, гўё Ер бир қанча ўқларга тиралиб тургандай тасаввур қилинади.

Ернинг ҳаракатсизлиги [масаласи] астрономия фанининг асосий [масала]ларидан бири бўлиб, бу ҳақда юз берадиган шубҳаларни ечиш қийин. Улар ҳам ерни ҳаракатсиз деб инонадилар. «Брахма-сиддихонта»да Браҳмагупта бундай деган: «Баъзи кишилар, биринчи [шарқдан ғарбга] ҳаракат осмон экваториники || бўлмай, балки Ернинг ҳаракати-га оиддир», деб даъво қилганлар. Лекин Бароҳамиҳира бу фикрни ушбу билан рад қилади: «Бу фикрни тўғри дейилганда, уясидан кун ботиш томонга қараб учган қуш ўз уясига қайта олмаслиги керак». Демак, Бароҳамиҳиранинг айтгани тўғри. 139

Кейин Браҳмагупта ўша китобнинг бошқа жойида: «Орябҳатага эргашган кишилар, Ер ҳаракат қилади, осмон ҳаракат қилмайди, дейдилар; уларга қарши шундай бўлганда тошлар ва дарахтлар йиқилиб кетар эди, деб жавоб қайтарилган», дейди.

Брахмагупта бунга рози бўлмай бундай деган: «Тошлар ва дарахтларнинг йиқилиб кетиши мумкин эмас». Шу гапи билан оғирликлар марказга тортиладилар, демоқчи бўлган. Яна у: «Шунинг учун осмоннинг дақиқалари, ҳаракати бўлмаганда ҳам, даври пуруналар вақтига тенг [бўлиб кўринади], дейди.

Шу фаслда таржимачи баъзан сўзни қориштириб юборган. Осмоннинг дақиқалари [даври] 21600 пронадир. Прона нафас демакдир. Чунки уларнинг ўйлашича, экватор [нуқтасининг] бир дақиқа [минут ёйича] силжиши учун одамнинг бир нафас олиш вақти ўтади. Биз уларнинг ҳисобларини тўғри деймиз. Ер кун чиқишга қараб шунчалик нафаслар давомида тўла айланиб чиқади, десак, нима тўсқинлик қилади? У [Брахмагупта]нинг назарида шунга тенг вақтда осмон айлангандек бўлади. Кейин ернинг айланиш ҳаракати [назарияси] астрономия фанига ҳеч бир зарар келтирмайди, балки ерда юз берадиган ҳодисалар, унинг ҳаракати билан бирга бир текисда давом этаверади. Аммо бошқа жиҳатлардан имкониятсизлик келиб чиқади. Шунинг учун Ер ҳаракати проблемаси ҳал қилиниши энг қийин масалалардан ҳисобланади. Қадимги олимлар ва улардан кейин етишган фозиллар унинг ҳаракат қилиш ва қилмаслиги ҳақида кўп чуқур гапирдилар. Биз «Астрономия калиди» [«Мифтоҳу илми-л-ҳайати»] исмли китобда, сўзда эмас, мазмунда улардан кўпроқ гапирдик, деб гумон қиламиз.

**ҲИНД АСТРОНОМЛАРИ ВА ПУРОНА  
ЭГАЛАРИНИНГ БОШЛАНГИЧ ИККИ ҲАРАКАТ  
ҲАҚИДАГИ ФИҚРЛАРИ**

Ҳинд астрономларининг кўпгина фикрлари бизларникига ўхшайди. Гарчи биз уларнинг бу ҳақдаги сўзларини жуда кам учратган бўлсак ҳам, аввало, ўша фикрларини ҳикоя қиламиз.

Пулиса ёзади: «Шамол тургун ёритгичлар»<sup>1</sup> фалагини [яъни осмонни] айлантириб туради ва икки қутби уни қўзғатмай туради. Меру тоғида [шимолий қутбда] яшовчига бу айланиш чапдан ўнгга бўлиб кўринади. Аммо Вадавомукҳадаги турувчига ўнгдан чапга бўлиб кўринади». Бошқа жойда у шундай ёзади: «Агарда савол берувчи: ёритгичларнинг шарқда чиқишини, кейин ғарбга томон ҳаракат қилиб ботгунича уни кўриб турувчига, улар қай томондан [чапданми ё ўнгданми] ҳаракатланади деб сўраса, билиши керакки, [ёритгичларнинг] ғарбга йўналишининг қай томонга бўлиб кўриниши яшовчиларнинг турар жойларига боғлиқ; агар яшовчи Меру тоғида бўлса, унга ёритгич ҳаракати чапдан ўнгга бўлади. Вадавомукҳа оралигида эса тескари томонга — ўнгдан чапга бўлиб кўринади. Ер экваторида яшовчи эса фақат ғарбга томон [йўналишини] кўради. Шу жойлар орасида турганларга [ёритгичларнинг] йўналишлари жойларнинг [географик] кенгламасига боғлиқ.

Ҳамма фалакларнинг айланиши ҳам шамол [таъсири] билан содир бўлади. Бу таъсир остида кўринишда планеталар ва бошқалар шарқдан чиқиб, кўндалангига, ғарбга ботади. Аммо планеталар [ғарбга ҳаракатланишларида] ҳақиқатда ҳам шарққа йўналадилар.

Бу шарққа ҳаракат Шаратайндан Бугайнга томон бўлади. Чунки Бугайн Шаратайнга кўра шарқдир. Агар савол берувчи ой манзилларини билмаса, шарққа томон йўналишни тасаввур қилишга ожиздир, у || 140 бундай иккинчи ҳаракатни тушуниш учун [янги] Ойнинг Қуёшга нисбатан шарқда туришини ўйласин; Ой кундан-кунга Қуёшдан узоқлаша боради [демак, шарққа юради], кейин унга яқинлаша бориб, охири қўшилишади [унинг ёнига келади].

Брахмагупта шундай деган: «Осмон ўзининг қутбларига [таянган ҳолда] мумкин қадар тез айланадиган қилиб яратилган, бундан [тез] ҳаракатланса ҳам бузилмайди, ёритгичлар Ҳут қорнида ва Шаратайида ҳам бўлмайди, балки булар оралигидаги баҳорги тенг кунлик [туқта]да яратилган».

Шориҳ Балабҳадра шундай ёзган: «Бутун олам икки қутб билан тутиб турилади ва айланма ҳаракатга эгадир. Бу ҳаракат калпа бошида бошланган ва охирида тўхтайтиди. Оламнинг бундай узлуксиз ҳаракати туфайли, бу ҳаракатнинг боши ҳам йўқ ва охири ҳам йўқ, деган ҳукм тўғри эмас».

Брахмагупта бундай деган: «Қенгламаси йўқ жой [чизиқ — экватор] 60 та гҳатикога<sup>2</sup> бўлинган. Бу чизиқ Меру аҳлларининг горизонтида бўлади. Унда [экваторда] шарқ, у ерда ғарб ҳам бўлади. Бундан жануб ёқда [Меруга қарама-қарши жойда] Вадавомукқа [бўлиб, бу эса] денгиз билан ўралган. Осмон айланганда унда ёритгичларнинг [суткали] йўли экваторга параллел бўлганидан, у [экватор] билан горизонт бирлашади. Фаришталарга ва деваларга доимо экватор кўриниб туради. Лекин уларга ҳаракат йўналишлари зид бўлади, яъни фаришталар ўнгга, девалар эса чапга [ҳаракатлари] кўринади. Бундай тескариликка ўнг қўлда нарсани ушлаб, сувга қараб турувчи аксининг ўнги чап томонда кўриниши мисол бўлади. Бу тезлашмайдиган ва секинлашмайдиган ҳаракат сабабчиси шамолдир. Бу шамол бизга таниш — бир тўхтаб, юрганда эса тезлашиб ва секинлашиб ўзгариб турувчи шамол эмас».

Бошқа жойда бундай деган: «Шамол собита ва сайёра<sup>3</sup> ёритгичларни ғарбга томон бир кунда бир марта айлантиради. Сайёралар шарққа томон ҳам юради. Бу ҳаракат гўёки айланиб турувчи тегирмон тошидаги<sup>4</sup> заррачанинг [унинг] тескари томонга қиладиган ҳаракатига ўхшайди. Кузатувчи тош ҳаракатини аниқ кўрадию, лекин заррачанинг ўзига хос ҳаракатини деярлик сезмайди. Бу фикр Лоту, Орябҳата ва Васиштҳа учун умумийдир. Лекин шундай гуруҳ [олим]лар борки, улар фикрича, Ер ҳаракат қилади [айланади], осмон эса тинч туради. Аммо одамларнинг айланиш шарқдан ғарбга томон бўлади, деган фикрига эътибор қилинса, фаришталар бу ҳаракатнинг ўнгга ва девалар чапга томон бўлишини кўрадилар».

[Бу масалада] улар китобидан ўқиганларим ана шулардир. Ҳаракатлантирувчи шамолдир, дейишларига келганда, ўйлайманки, у [шамол] масалани тушунтиришга яқинлаштиришдир, холос, чунки улар қанотли нарсаларга, ўйинчоқларга шамол текканда уларнинг айланишини кўрганлар. Биринчи ҳаракатлантирувчини кўрсатишда улар турли сабаблар билан ўзгариб турадиган табиий шамолга уни ўхшатадилар. У шамол [улар фикрича], нарсаларни ҳаракатлантирувчи

шамол зотидан эмасдир, у жисмга тегишиб турмайди; ташқарида туриб туртиб турганидан жисм [узлуксиз] ҳаракатланади. Осмоннинг бузилиб кетмаслигига сабаб қилиб, у шамолнинг ўзгармаслик қобилиятига эгаллигини кўрсатадилар. Албатта [шамол], ўзгариб ва бир-бирига зид томондан юриб турса, бузилиш ва бўшашиш бўлади. || Юлдузлар осмони икки қутбга тиралган ҳолда туради, дейишнинг маъноси, йиқилмай ўзининг тузилишини сақлайди, демакдир.

Қадимги юнонларнинг ҳикоя қилишига кўра, улар фикрича, Сомон йўли бир вақтлар Қуёш йўли бўлган ва кейин ундан кўчган. Бу эса ҳаракатларнинг бир [табиий] ўрnidан бошқасига ўтишларидан бўлади, [аммо буткул осмон] қутблар туфайли сақланади.

Балабқадранинг ҳаракат охири ҳақидаги жумласининг маъноси шуки, ҳар бир пайдо бўлиб, сон билан белгиланадиган нарсанинг бошланган вақти бўлганидан, албатта, охири ҳам бордир.

Бошланган вақтни билишга келганда [айтишга тўғри келадики] сон бирлик таркибларидан — унинг ортиб боришидан иборат. [Нарсанинг] яшаш давомига мувофиқлашиб, кундуз ва кечалар саноғи ортиб боради. Биринчиси, [нарсанинг] пайдо бўлган вақтидир.

Агар инкор қилувчи ўзининг борлигини инкор қилиши баробарида Ер ва ундагиларнинг мавжуд бўлишлиги туфайли кеча ва кундуз бўлишлигини ўйласа-да ва Ернинг олам марказидан кўтарилишини [яшамаслигини] ҳаёл қилса, у ҳолда кундуз ва кеча ҳам кўтарилади [бу иккала тушунча бўлмайди]. Шу билан икковининг йиғиндиси [вақт ўлчов бирлиги]дан таркиб этиладиган кунларни санаш ҳам йўқ бўлади.

Балабқадра [кунларни] биринчи ҳаракатни ифодалашга атаб [белгилайди], аммо иккинчи ҳаракат — планеталар даврларини Ердан ташқарида — фалакда бўлади, деб у [даврлар]ни ўз ичига олувчини калпа деб атаган; кейин уларнинг ҳаммаси [ҳаракати калпа] бошида бошланган, дейди.

Браҳмагуптанинг, экватор 60 та тенг бўлакка бўлинади, дейиши, авторларимиздан бирисининг 24 та бўлакка бўлинади, деб айтиши ўрнидадир. У, вақтларнинг ўлчов бирлигидир. Бир даври ўз ичига 24 соатни олади; ҳиндларда эса, у 60 та гҳатикони ичига олади. [Уларда] буржларнинг [эклиптика нуқталари] мутолиъи [тўғри чиқиши] шу гҳатико [гҳаре] билан ифодаланади. Бу эса экватор вақтлари эмас.

Унинг, турғун — собит ва сайёр ёритгичларни айлантирувчиси шамол дейиши, кейин сайёранинг шарққа томон ҳам ҳаракат қилишга хос бўлишини айтиши муҳимдир. Лекин у, собитанинг ҳам сайёра сингарини шарққа томон ҳаракатини кўра олмаган. Чунки бу ҳаракатнинг такрорланиши бўлмай, жуда секин бўлганидан, уни сеза ва ошкор қила олмаган.

Қавмларнинг қадимгилардан ҳикоя қилишларига қараганда, кўп замонлар ўтиб, уларга маълум бўлганга қадар юлдузларнинг шундай ҳаракати борлигини билмаганлар.

Брахмагупта китобида Қуёшнинг даражалари ўзгариб боришига боғланиб, юлдузларнинг [шарқда] кўринишга бошлаши ва [ғарбда] кўринмай қолишлари устида гап борганда юлдузларнинг [биз айтган] даври ҳақида сўз бўлмаслиги [бу даврни] билмаганликларини таъкидлайди.

Аммо [Брахмагуптанинг] экваторда турувчига ёритгичларнинг биринчи [кунлик] ҳаракати ўнгга ҳам эмас, чапга ҳам эмас, дейишида [қуйидаги] билинади: қутблардан бирида турувчи қайси томонга қараб турса, ўша томондаги ёритгичнинг албатта белгилли бир томонга йўналишини кўради. Ҳозир қараб турган томонига бир қўлини [яъни елкасини] айлантириб, бошқа томонга қараса, юзи томонидаги ёритгич ҳалиги йўналишича ҳаракат қилади. Бошқа қутбда турувчига ҳам шундай ҳол кўринади, бироқ қўлларга нисбатан йўналишлар тескари бўлади. Бунга сабаб уларнинг, яъни қутбларнинг қарама-қарши вазиантидир; || бу эса сувга ёки ойнага қараб турувчи одамга ундаги аксининг чапи ўзининг ўнг томонида ёки ўнги ўзининг чап томонида кўрингани кабидир. Кенгламаси бор [ $L \neq 0$ ] бўлган жойларда: шимолдаги аҳоли жануб томонда ҳаракатланувчиларга қараса ва жанубдагилар шимол томонда ҳаракатланувчиларга қараса, уларнинг кўз олдиларида йўналишлар Мерудаги ва Вадавомукҳадагига мувофиқ бўлади.

Аммо экваторда турувчига унинг устидан ўтиб айланувчи ёритгичлар унинг олд [юзи] томонида бўлмайди. Агар, ҳақиқатан, устидан озгина узоқдан ўтса, у ҳолда олд томонида бўлади. Шимол ёқдаги ҳаракат ўнгидан чапига йўналган бўлади; жануб ёқдагиларники эса бунинг тескарисичадир. Шу сўзлари воситасида [Брахмагупта] қутблар хосиятини ва шунинг баробарида улардан бирида кўринган аҳволнинг бошқасида тескари бўлишини ва бош устида айланувчининг [экваторнинг] бўлакларга бўлинишини кўрсатади.

Пуруналар авторларининг сўзларича, улар осмонни Ер устида гумбаз сингари тинч турувчи ва ёритгичларни эса шарқдан ғарбга юрувчилар, деб тасаввур қилганлар. Улар иккинчи хил ҳаракатнинг борлигини қачон биладилар? Билганларида ҳам, бир нарсанинг айни вақтда бир-бирига тескари бўлган йўналишларида ҳаракат қилиши ҳақида мунозара қилишга қачон етишадилар?

Биз [бу масалада улардан] ўзимизга дуч келган [сўзларини] фойдасиз бўлса ҳам гапирамыз.

«Мача-пурунада» шундай дейилган: «Қуёш ва ёритгичлар Меру атрофида айланувчи ўқ тезлигидек [тезлик билан] жануб томондан ўтади. Қуёшнинг айланиши учи ёниб турувчи ёғочга ўхшайди. Бунинг ай-



ланиши тезлаштирилса, ёниши ортади. [Қуёш] ҳақиқатда ғойиб бўлмайди; Меру тоғига нисбатан тўрт томондаги тўрт шаҳардан биридагиларга Қуёш ғойиб бўлса, бошқаларига кўринади. У, Локалока тоғидан чиқиб, Меру атрофида айланади; жануб томонига ўтмайди ва уни ёритмайди; узоқлашуви билан [жанубда] кечаси кўринмайди. Кўз олдидаги кичик нарса кўринмагани сингари [Қуёш] минг жўжана узоқлашса, кўзига кўринмай қолади.

Қуёш Пушкара-двипа устида бўлганда, Ернинг ўтгиздан бирини соатнинг бешдан учи қадар вақтда ўтади. Шу вақт ичида 21 лакша ва 50 минг жўжана, яъни 2150000 жўжана юради. Шимол ёққа бурилганда бундан уч марта ортиқ юради; шунинг натижасида кундуз кечасидан узун бўлади. Жанубий кундузда Қуёшнинг айланиши 9 коти [курти] ва 10045 жўжана, шимолга бурилиб, Кшира, яъни Сут денгизига [Сомон йўлига] ўтганда кунлик юриши 3 коти ва 21 лакшадир».

Еритгичларнинг ўтиши ҳақидаги сўзларнинг алғов-далғовлигига қара! [Ўтиш] тезлиги ўқникидек эмиш. Бундай сўзни омманинг оғзидан айтиладиган муболаға деймиз. Ўтиш тезлиги жанубдагига хос бўлибгина қолмай, шимолга ҳам хос-ку. Қуёш жануб томондаги чеккасидан шимолдаги чеккасига қанча вақтда етишса, шимолдаги чеккасидан 143 жанубдагига келгунча ўшанча вақтда ўтади. Ўқнинг тезлиги ҳам || иккала ёқда баробар — шимолга томон ўтишга ҳам ўқ тезлигича бўлиши керак. Лекин «Мача-пурона» авторининг эътиқодича, шимолий қутб баландда, жанубий қутб эса ундан пастда; ёритгичлар худди болаларнинг чана учаётганига ўхшаб, уларга ҳаракат қилиб туради. Бу ўтиш ҳақиқатда биринчи ҳаракатдир. Агар [автор] уни иккинчи ҳаракат деб билар экан, у дуруст эмас. Чунки планеталар иккинчи ҳаракатда Меру атрофида айланмайди. Уларнинг айланиши [текислиги] айлана [360°]нинг қарийб олтидан бирининг ярми қадар Меру уфқидан огишган бўлади.

Кейин, Қуёш ҳаракати ҳақида: уни ёғочнинг ёниб турувчи учи [айланиши]га ўхшатишлиги ҳақиқатдан узоқдир. Қуёш айлана бўйича узлуксиз ҳаракат қилади. Бу таърифимиз келтирган мисолнинг беҳудалигини кўрсатишга фойдаси тегади. Ҳолбуки, Қуёш осмондаги бир бўлак [жисм] кабидир; демак, мисоли беҳуда [гапдир]. Агарда у Қуёш доира четича айланади, демоқчи бўлса, у ҳолда «ёғочдаги ёнишлик» ортиқча сўздир; чунки ип учига бойланган тош бош устида айлантирилса, ўшандай айланани чизади.

Агар унинг биз баён этган ақидаси бўлмаганда эди, бир халқда Қуёш чиқаётган бўлса, худди шу вақтда бошқа бир халқда [Қуёш] ботиши ҳақиқат бўлган бўларди. Бу аҳволни Локалока тоғини зикр қилиши исботлайди. Бунда Қуёш нурлари унинг ички томонига тушса, уни шимол деб атайди, сирт томонига тушса, жануб деб атайди. Ке-

йин [Қуёшнинг] бутун кечаси кўринмай қолишига сабаб унинг узоқлашуви эмас, балки Ер билан бекитилишидир. Автор фикрича, бекитувчи Мерудир. Лекин у, Қуёш Меру атрофида айланади, деб тасаввур қилади. Шундай бўлар экан, биз айлананинг бир томонида турамыз; шунинг учун [Қуёш] биздан ҳар турли узоқликда бўлади. Бу фикрни кейинги сўзлари билан ҳам исботлайди. Қуёшнинг кечаси бекилиши унинг узоқлигидан эмас, унинг келтирган сонлари ва фикрлари, менимча, янглиш ва бир-бирига боғланмайди. Биз у сонлар билан ҳисоблай олмаймыз.

У қуёшнинг шимолидаги юриш вақтини жанубдагига нисбатан уч марта ортиқ деган ва шунинг кундуз узунлигининг ортишига ва камайишига сабаб қилиб кўрсатган. Ҳолбуки, кундуз билан кеча узунлигининг йиғиндиси доимо битта миқдорга эга бўлади, яъни шимолдаги [кундуз узунлиги] жанубдагисини ўша миқдорга тўлдирувчиси бўлади. Бу деганимизни ёзда кундуз узунлиги 45 ғзатико, қишда эса 15 ғзатико бўладиган [географик] кенгламага боб бўлишини айтишга тўғри келади. Бу билан Қуёшнинг шимолда тезроқ юришига изоҳ талаб қилинади. [Еритгичнинг кунлик] йўли шимолда қутбга яқин тургани учун торашиб боради; жанубда эса экваторга яқин тургани учун кенгайиб боради. Қуёш ўзининг белгилари бир кунлик йўлида боришида кичик ёйнинг кезишига кам вақтни, каттасига ортиқ вақтни кетказди. Кичик кунлик йўлида секин юриб, каттасида эса бунинг акси бўлади [яъни тез юради].

Кейин унинг: Қуёш Пушкара-двипа устида айланади, деган сўздан Қуёшнинг қишки туриш кунда айланишини тушунса бўлади. Бу чизиқда [унингча] кундуз узунлиги бошқаларда бўлганидан ортиқроқ бўлиши керак, қайси бирида — ёзги қуёш туриши кунларидами ёки бошқаларидами — буларга тушуниб бўлмайди.

Шунинг сингарилар «Божу-пуруна»да ҳам бор. Масалан, унда шундай дейилган: «Жанубда кундуз узунлиги 12 муҳўрта, шимолда эса 18 та, [Қуёш] жануб билан шимол [нутқалари] ораллигига ўтиб, 183 кунда 17221 жўжана юради. Демак, бир кунда  $94\frac{19}{183}$  жўжанага тўғри келади».

Бир муҳўрта соатнинг бешдан тўртга [яъни 48 минутга] тенг. Бу сўзнинг ҳукми кундуз узунлиги  $14\frac{2}{5}$  соатли кенгламага тўғри келади. ||

Жўжаналарни ифода қилган сонларнинг келтирилган фалак огинининг икки мартасининг қанчага тенглигини аниқлайди. Уларча, огиниш [ёйи миқдори] 24 [даража]. Шунга кўра фалак [Қуёш «орбитаси» узунлиги]  $129157\frac{1}{2}$  жўжанадир.

Қуёшнинг икки [тўла оғишиш] нуқтаси оралигини кесиб ўтган муддати унинг ярим йили ҳисобланади; бунга бир куннинг касри — қарийб саккиздан бир кун ҳам қўшилади.

«Божу-пурона»да шундай деб ёзилган: «Қуёш шимол ёқда бўлганда кундузи секин ва кечаси тез юради, жанубда бунинг акси; шунинг учун шимолда [бўлганида] кундузи узун бўлиб, у 18 мухўртадир». Бу [Қуёшнинг] шарққа ҳаракатини ҳеч билмаган кишининг сўзидир; кундузги ёйни кузатиб, унинг узунлигини билмаслик ҳам уни шу фикрга олиб келган.

«Вишну-дҳарма»да [ёзилган]: «Қутбдан пастда Етти Қароқчи орбиталари бўлиб, булар остида Зуҳалники, кейин Муштарийники, кейин Миррихники, кейин Қуёшники, кейин Зуҳраники, кейин Уторидники, кейин Ойниқидир. Буларнинг ҳар бири тегирмон тоши айлангандек, бир тезликда шарққа қараб айланади. Ҳар бир ёритгичнинг [планетанинг] ўзига махсус ё тез, ё секин ҳаракати бор. Энг қадимги замонлардан тортиб [бу ҳаракатлар давомида] уларда ўлим ва ҳаёт минг марталаб такрорланган».

Бу сўзларга ҳақиқат йўлича қаралса, нотўғрилиги аён бўлади. Меруда турувчиларнинг бош тепасида турадиган қутбга қараганда Етти Қароқчи юлдузлари [зенитга нисбатан] пастроқда айланади, дейиши тўғри бўлади.

Лекин у ост сўзини планеталарга ҳам ишлатиши билан хатога йўл қўяди; чунки бирор планета билан қутб оралиги [ёйи] планетанинг Ердан узоқлиги миқдорини кўрсатувчи бўлиб қолади. Ундаги сўзча, Зуҳалнинг экватордан узоқлиги энг ортиқ, кейин Муштарий, кейин ўз навбати билан бошқалари [узоқ] бўлиши керак. Планеталардан бирининг экватордан узоқлиги [оғиши] бирор юлдузникига тенг бўлса, у юлдузнинг Ердан узоқлиги ҳам планета узоқлигига тенг бўлиши керак. Ҳақиқатда бундай эмас.

Ҳамма фикрларни тўплаб олсак, биттасида тўғри айтилган; у ҳам бўлса, юлдузларнинг планеталардан юқорида туришларидир. Лекин Қутб [юлдузи] юлдузлардан юқори эмас.

**Тегирмон тошидек** айланиш ғарб томонга бўлиб, у биринчи кунлик ҳаракат. Бу [китобда] иккинчи ҳаракатга ишора қилинган.

Унда айтилишича, ҳар бир ёритгич одамга махсус жондир. Одам хизмати қанчалик ортиқ бўлса, [жони] ўша нисбатда юқорига кўтарилади. Умр охирида [жон] ўз жойига қайтади.

Менимча, бу гап икки жиҳатдан бири билан [мазкур] минглар сонига ишора қилинади; ёки қувватдан феълга ўтишликни ёки бадандаги руҳнинг халос бўлишини ва баданга киришини, бирининг [баданлар сонининг] ортиши билан бошқасининг [ёритгичларнинг] сони камаяди, демоқчи. [Натижада икковининг йиғиндиси ўзгармайди]; камайиб борувчи ҳар нарсанинг чегараси бор.

УНТА АСОСИЙ ЙУНАЛИШНИНГ БЕЛГИЛАНИШИ ҲАҚИДА

Жисмлар кўлами фазода уч томонга: биринчиси узунлик бўйлаб, иккинчиси кенглик, учинчиси чуқурлик ёки баландлик бўйлаб йўналган бўлади. Жисмнинг мавҳум чўзилиши эмас, балки мавжуд чўзилиши шу учта чизиқ йўналиши билан аниқланади. Бу уч томоннинг чизиқлари воситасида жисм олти ёққа эга бўлиб, шунча ёқлари билан у [фазода] чегараланади. Бу [олти ёқлар] марказида бир жонивор турган бўлиб, унинг юзи шу ёқлардан бирига қараган деб хаёл қилинса, у ёқлар унинг олд, орқа, ўнг, чап, уст ва ост томонлари бўлади.

Агар у томонларни оламга нисбатан ишлатилса, бошқа исмлар ҳосил бўлади: || уфқдаги кун чиқиш, кун ботиш томонлари, бу билан биринчи ҳаракат [шарқдан ғарбга томон ҳаракат] аниқланади. Бунинг воситасида тўртта машҳур томон: шарқ, ғарб, шимол ва жануб белгиланади. Улардан ҳар иккитаси орасидагининг шуҳрати камроқдир. Шу кейинги [тўртта] билан [асосий] томонлар саккизта бўлиб, баёнига машғул бўлинмаган уст ва ост томонлар билан бирга улар ўнта бўлади. 145

Аммо юнонлар томонларга буржларнинг чиқадиган ва ботадиган томонларини ва кейин шамоллар йўналишини аниқловчи томонларни қўшиб, ўн олтига томонни ишлатадилар.

Шунингдек, араблар ҳам тўрт томонни шамол йўналишлари билан аниқлаб, икки асосий томон орилиғига йўналган шамолни накбо дейдилар. Шамолнинг сийрак учрайдиган йўналишлари махсус исмлар билан аталган.

Ҳиндлар эса томонларни аниқлашда шамол йўналишига эътибор бермайдилар. Биринчидан, тўрт томонни исмлар билан атаб, кейин ҳар икки томон орилиғига қўшимча исм берадилар, натижада, уфқда қуйидаги шаклдагидек саккизта томон ҳосил бўлади.

Шимоли жануб	Жануб			Ғарби жануб
	огния	дакшана	найрита	
Шарқ	пӯрва	мазядеша, яъни мамла- кат ўртаси	пасчима	Ғарб
Жануби шимол	айшана	ўтгара Шимол	ваява Ғарби	шимол

Уфқнинг икки қутби учун иккита томон қолади; улар уст ва остдан иборат бўлиб, устни улари, остни эса адҳа ёки тала дейдилар. Ана шу томонлар ҳиндлар ва бошқалар айтган асосий томонлардир. Уфқнинг чексиз кўп бўлақларга бўлиниши мумкин бўлганидан марказдан унга йўналган томонлар ҳам чексиз кўпдир. Ҳар бир исталган диаметрнинг иккита учини олд ва орқа томон деб фараз қилинса, бунга тик бўлган диаметрнинг иккита учи ўнг ва чап томон бўлади.


Ҳиндлар мавжуд ёки хаёлий бир нарсани баён қилиб, танитмоқчи бўлсалар, албатта, уни бир шахс қилиб кўрсатиб, уни уйлантиришга, тезда жуфтга қўшиб, унинг ҳомиладор бўлишига ва туғишига шошиладилар. Масалан, «Вишну-дҳарма» китобида: «Атри юлдузи — бу Етти Қароқчига ёндаш юлдуз — ўзлари саккизта бўлсалар ҳам, битта ҳисоб қилинадиган томонга уйланди ва шулардан Ой туғилди», дейилган.

Бошқаси бундай деган: «Дакша, яъни Пражопате бўлса, Дҳармани, яъни яхши мукофотни ўз қизларидан ўнтасига, яъни томонларга уйлантирди; қизлардан бирининг исми Васу эди. Васудан Дҳарма кўп болани дунёга келтирди; улар Васун-Васулар деб аталдилар. Улардан бири Ойдир». Бу мумкин эмас, албатта, [бизнинг астрономлар] дўстларимиз Ойнинг «туғилиши» дан куладилар. Мен уларга шуларни қўшаман; ҳиндларнинг айтишларича, Қуёш Қашшапанинг ўғли, унинг онаси Одитъя; Қуёш олтинчи манвантарада Вишокҳо манзилида туғилган. Ой — Дҳарманинг ўғли бўлиб, у Криттика манзилида туғилган; Миррих — Пражопате ўғли; у Пурвашадҳа манзилида туғилган. Уторид — Ойнинг ўғли; || у Дҳаништҳа манзилида туғилган. Муштарий — Ангиранинг ўғли; у Пурвапҳолгуне манзилида туғилган. Зуҳра — Бҳругунинг қизи; у Пушъяда туғилган. Зуҳал — Қуёшнинг ўғли; у Ревате манзилида туғилган; Думли юлдуз — ўлим фариштаси Жаманинг ўғли; у Ашлеша манзилида туғилган. Арраъс эса бош Ревате манзилида туғилган.

Ҳиндлар ўз одатлари бўйича, саккиз томоннинг ҳар бирига эгаликни тайин қилганлар. Уларни биз қуйидаги жадвалда кўрсатдик:

Томонлар	Эгалар
Шарқ	Индра
Шарқи жануб	Олов
Жануб	Жама
Жануби ғарб	Притху
Ғарб	Варуна
Ғарби шимол	Божу
Шимол	Куру
Шимоли шарқ	Маҳадева

Ҳиндларнинг саккиз томон билан қимор ўйнаш учун танлаган раҳучакра, яъни бош шакл деб атайдиган шакллари маъна шу:



Бу шакл билан ўйнаш тартиби: ўзинг турган кун эгасини, яъни қайси кунда турганини билиб ва у кун шаклининг қаерида эканини, сўнгра ўша кундузнинг саккиздан бирларидан қайсисида ўйнаб турганини биласан, куннинг эгасидан шарққа тортилган чизиқчага юриб жанубга, ғарбга юрасан... охири ҳалиги саккиздан бирининг эгасига бориб тўхтайсан. Масалан, пайшанба кун и бешинчи саккиздан бирининг эгасини билмоқчи бўлайлик. Шу куннинг эгаси жанубда Мушта-

рийдир, жануб томондан чиққан чизик ғарби шимолга бориб тўхтайдди. Шунда биринчи саккиздан бир эгаси Муштарий, иккинчи эгаси Зуҳал, учинчиси Қуёш, тўртинчиси Ой, бешинчиси эса шимолда Уторид бўлади. Шундай қилиб, саккиздан бирлар бир кундузга тўлгунча чўзилади ва кундуз охирига туташган кечага киради. Ўзинг турган саккиздан бир 147 томонини билсанг, || у томон ҳиндларча «Бошга» мансуб бўлади. Қимор ўйнаётган вақтда ўша томонга орқангни ўтириб ўтирсанг, ҳиндларнинг айтишларича, албатта, ютасан. Бир неча ўйинлардан шу хил ўйинни танлаб ўйнагани сабабли биринчи галдаёқ ютуққа эга бўлган кишини таҳқир қилиб ўтирма, ошиқларни [яъни қиморни] унга топшириб қўя қолишинг [энди қимор ўйнашни истамаслигинг] кифоя қилади.

---

## *Йигирма тўққизинчи боб*

### ҲИНДЛАР ФИҚРИЧА, ЕРНИНГ ОДАМЛАР ЯШАЙДИГАН ҚИСМИНИНГ ЧЕГАРАЛАНИШИ

«Риши Бҳуванакоша» китобида ёзиллишича, Ер [юзи] Ҳимавант [тоғларидан] жанубгача ободдир ва бу [бўлак] Бҳарата-варша дейилиб, Бҳарата эса киши номидир. Бҳарата бу мамлакатни идора қилган ва [халққа] ғамхўрлик кўрсатган.

Бошқаларга қараганда, бу обод ерлар аҳлига мукофот ва жазо тайин қилинар эди. Бу ер тўққизга бўлиниб, Наваканда-прасама, яъни биринчи бўлак дейилади. Булардан ҳар иккитасининг орасида денгиз бор. Буларнинг биридан бошқасига [кемада] сузиб ўтадилар. Шимолдан жанубгача ёйилган маъмур ер эни минг жўжанадир.

Ҳимавант деганда, бу ерда автор шимолдаги тоғларни назарда тутади. Булар одамлар яшайдиган ободон жойларга совуқлик ўтишини кесади ва шу туфайли жанубларда ободончиликка шароит туғилган.

Аҳллари мукофот ва жазоларга сазовор бўлган эди, дейишидан, улардан баъзиларининг унга [яъни Бҳаратага] берилмаганлиги тушунилади. Баъзилари одамлик мартабасидан фаришталар даражасига кўтарилиб, жавҳарларининг соддалиги, табиатларининг поклиги туфайли гуноҳ қилмас эдилар ва қулчиликни бажо келтириш уларга малол келмас эди; баъзилари [одамлик] даражасидан ақлсиз ҳайвонлар даражасига туширилар эди. Шунинг учун маъмур ерлардан бошқа жойларда битта ҳам одам яшамайди.

Бҳарата-варша, ҳиндлар эътиқод қилганидек, фақатгина ҳинд ерлари эмас. Ҳиндлар эътиқодича, дунё — ҳинд ерининг ўзидир, холос. Дунёдаги инсонлар эса фақат ҳиндларнинг ўзидир. Чунки ҳинд ерининг бир бўлаги бошқасидан денгиз билан ажралмаган, яъни у орқали оролларга бориб бўлмайди. Ҳолбуки, Ҳиндистоннинг бир томонидан иккинчи томонига денгиз билан ўтиш мумкин, деб унда очиқ-ойдин айтиб қўйилган. [Автор] сўзига кўра, Ердаги ҳамма халқ, шу билан бирга ҳиндлар ҳам бир динда бўлишлари лозим.



Уша бўлак Прасама, яъни биринчи [ер] дейилади. Чунки улар ҳинд ерини шу йўл билан яна тўққизга бўладилар. Демак, маъмура аввалги бўлак, ҳинд ери эса иккинчи бўлак бўлади. Астрономлари ҳам ҳар бир мамлакатни шу йўл билан [тўққизга] бўладилар. Бу эса учинчи хил бўлинишдир. Ҳиндлар фикрича, уларнинг баъзилари наҳслик, баъзилари бахтлик ерлардир.

«Божу-пурона»да [мана шу] айтганимизга ўхшаган [сўзлар] бор. Унда айтилишича; «Жанбу-двипа ўрталиги Бҳарата-варша дейилади. Унинг маъноси «давлатга эришиб, ўзларини қувватли қилганлар» деганидир. Уларда тўрт жуга бўлиб, мукофот ва уқубатларга сазовор бўлган. Ҳимавант ундан шимол томондадир. У тўққизта бўлакка ажратилган бўлиб, улар оралигида сузиб ўтиладиган денгизлар бор. Узунлиги тўққиз минг жўжана, эни минг жўжана. У Самнора [мамлакати] дейилади. Шу сабабли ҳар бир бошқарувчининг номи ҳам Самнора бўлган. Шу тўққиз бўлак тасвири қуйидагичадир:

Тамраварна		Жануб	Нога-двипа	
		Габҳастиман		
Шарқ	Каширум	Индра-двипа ёки Мадҳиядеша, яъни мамлакатлар ўртаси	Савмъя	Ғарб
Нагарасамвритта			Гандҳарва	
		Шимол		

148 Кейин [автор] ўрталик бўлакдаги шарқ билан шимол оралигидаги тоғни ва ундан бошланадиган дарёларни тасвирлашга бошлайди, лекин ундан нарига ўтмайди. Унинг сўзича, одам яшайдиган жой || шу ернинг ўзидир.

Бошқа ўринда у ўз сўзига [шундай] тескари гапни айтган: «Жамбу-двипа эса Наваканда-прасамаларнинг ўрталигидадир, бошқалари саккиз [йўналиш] томонларида, уларда фаришталар, одамлар, ҳайвонлар, ўсимликлар бор». У бу [сўзи] билан гўё двипалар борлигини кўрсатади.


Агар одамлар яшайдиган обод ер эни минг жўжана бўлса, узунлиги қарийб 2800 жўжанадир.

Кейин «Божу-пурона»да мазкур томонлардаги шаҳарлар ва ўлкаларни ёзган. Уларни бошқаларники билан бирликда қулайлик учун келгусидаги жадвалларда берамиз. Чунки шундай қилсак, иш анча энгил кўчади.

Илгари аҳоли яшайдиган қитъа — бўлак тошбақага ўхшатишган,

деб айтган эдик. [Чунки тошбақа] тўнкарилган косага ўхшаш тўгарак бўлиб, сувда қалқиб туради, у сув билан ўралган ва сирти қабариқдир.

Тошбақанинг шундайлигини назарга олиб, астрономлар ўша томонларни [Ой] манзилларига бағишлаб, буларга [мувофиқлаб] шаҳарларни ёзганлар. Тошбақага ўхшатиб шакл ясалган. У «Кўрма-чакр», яъни тошбақа тўгараги деб ном олган. Қуйидаги шакл Бароҳамиҳиранинг «Сангҳита» китобида бор.



|| Бароҳамиҳира, нава-кҳанданинг ҳар бирини варга деб атаган. 149 У дейди: «У [варга] билан бҳарата-варша, яъни дунёнинг ярми тўққизга бўлинади; биринчиси—ўрталикдаги, кейингиси—шарқдагидир». Сўнг жануб томонга ўтади ва бутун уфқни айлантириб олади.

Бундай дейиш билан ҳинд ери [Бҳарата-варша дунёда] ёлғиз демоқчи. Унинг сўзича, ҳар бир варга ноҳия бўлиб, ҳукмдор наҳс — но-чорликка учраса ўлдирилган.

Биринчи, ўрталик ноҳия — Пончола,  
 иккинчи — Магадҳа,  
 учинчи — Калинга,  
 тўртинчи — Аванти, яъни Ужайн,  
 бешинчи — Ананта,  
 олтинчи — Синдху ёки Саввера,  
 еттинчи — Хораҳавра,  
 саққизинчи — Мадура,  
 тўққизинчи — Кулинда.

Ҳинд ерининг ҳамма ноҳиялари шу [айтилган]ларнинг ўзидир. Лекин кўп шаҳарлар номи ҳозиргисидан фарқ қилади. «Сангҳита» китобини шарҳ қилган кашмирлик Утпала [бунга] тегишли бобда шундай деган: «Шаҳарлар номи, айниқса, жугаларда [қадимги даврларда] ўзгарган. Масалан, Мўлтоннинг [асл] номи Кошьяпапура эди; кейин Хансапура, кейин Багапура, кейин Санбҳапура ва кейин Муластҳона, яъни «Асл жой» деб номланади; мўл — асл, тона — жой демакдир».

Жуга, узоқ даврдир. Айниқса, тили бошқа бўлган [халқнинг] ерли халққа ҳукмронлик қила бошлаши билан номлар тезроқ ўзгаради. Кўпинча тиллари [бошқа халқ] у сўзларни келиштириб айта олмай қабул қилади, [натижада ўша] исмларнинг маънолари ўзгариб, шу кўйича юнонлар одати сингари, ўз тилларига киради. Кўрмайсанми, тош сўзи [асли] туркча исм бўлиб, шош кўринишини олган. Тошканд — тошли қишлоқ демакдир. Жуғрофия китобида у Бурж ал ҳижора [Тош қалъа] деб номланган.

Араблар [чет тилдаги] номларни арабчалаштириб, асл талаффузини бузганларидек, бир тил [бошқа тилдаги] ҳарфлар товушини ўз талаффузини енгиллаштирадиган товушларга алмаштиради. Масалан, уларнинг китобларида пушанг сўзи фусанж ва сакилканд [сўзи] эса девонларида форфаза [кўринишида]дир. Бунинг устига мана буниси [ақлдан] узоқ ва ажойиб: гоҳ маълум бир халқнинг айрим сўзлари ўз тили билан ўзгара борганини кўрамиз; натижада, ўша тилда фақатгина оз киши фаҳмлайдиган бирмунча бегона сўзлар пайдо бўлади. Бу ўзгариш озгина йиллар ичида ва буни тақозо этадиган нарса у халқда юз бермай пайдо бўлади. Шу билан бирга, ҳиндлар сўзларни кўпайтиришга ва булардан таркиб топадиган ясама номлар ишлатишга аҳд қиладилар ва бу билан фахрланадилар.

Аmmo «Божу-пурона»да номлари зикр қилинган ўлкалар исми тўртта йўналишга асосланиб тузилган. «Сангҳита»да эса саккизта йўналишга асосланган. Юқорида келтирилганларнинг ҳаммасининг ҳоли қандай бўлса, шундайлигича мана шу жадвалларда кўрсатилди. ||

«Божу-пурона»да ёзилишича, ўрта мамлакатдаги шаҳар ва ноҳиялар: Куру, Пончола, Солва, Жангала, Шўрасена, Бҳадракора, Будҳа,

Патаччара, Маччя, Кисадъя, Куллая, Кунтала, Коши, Кавсала [Кошали], Артаёшава, Пуҳлинг, Машака, Врика.

**Шарқдагилар:** Андхра, Вока, Мудракарака, Протрагира, Ваҳиргира, Пратҳанка, Вангея, Молава, Молавартика, Прогжўтеша, Мунда, Обека, Томралиптика, Мола, Магадҳа, Говинда [Гонанда].

**Жанубдагилар:** Пондъя, Керала, Чавлия, Кулъя, Сетука, Мушика, Румана, Ванавосика, Махороштра, Моҳиша, Колинга, Абҳера, Эшека, Атавъя, Шавара, Пулинда, || Виндҳямўли, Видарбҳа, Дандака, Мўлика, 151 Асмака, Найтика, Бҳугавардхана, Кунтала, Андхра, Удбҳира, Налака, Алика, Дакишнатъя, Вайдеша, Сурпакарака, Қўлавана, Дурга, Тиллита, Пушъя, Крола, Рўпака, Томаса, Тарўпана, Караскара, Носикъя, Уттаранармада, Бханукаччиҳра, Махая, Сарасвата, Каччийя, Сураштра, Анартта, Худвуда.

**Гарбдагилар:** Малаза, Қарўша, Мекала, Уткала, Уттамарна, Башарна, Бхўжа, Қишкинда, Қосала, Трайпура, Тхарпура, Тумбура, Шаттумана, Паза, Қарнаправана, Хўна, Дарва, || Хўҳака, Тригартта, Ма- 152 лава, Кирата, Томара.

**Шимолдагилар:** Ваҳлика, Бота [Вадҳа], Вона, Обҳера, Калатояка, Абаронта, Паҳлава, Чармакхандика, Гандхара, Жавана, Синдху, Саувера, яъни Мўлтон ва Жаҳровор, Мадхра, Шака, Дриҳола, Литта [Кулинда], Малла, Кўдара, Атрейя, Бҳарадва, Жангала, Дасерука, Лампока, Толакўна, Сўлика, Жогара.

Бароҳамиҳиранинг «Сангҳита» китобига мувофиқ тошбақа [симон] шакл [юзида] тасвирланган ўлкаларнинг номлари

[I] Мамлакат ўртасидаги ўлка ва ноҳияларнинг номлари: Бҳадра, Ари, Теда, Мондавя, Солвани, Пўжиҳона, Мару, Ватса, Гхоша, Жамуна [Жавн] водийси, Сарасвата, Мадса, Матҳура, Кўпа, Жуттиша, Дхарморанъя, Шурасена, Паурагрева, Базона яқинидаги Уддехика, Понду, Гуда-Танешар, || Ашваттаҳа, Панчола, Сакета, Канка, Куру-Танешар, 153 Колкути, Кукура, Паръжотра, Ауданбара, Капишатҳала, Гажа.

[II] Шарқдагилар: Анжана, Вришабадҳважа, Падма-Тулъя, Вьякхрамуқҳа — одамларнинг юзи йўлбарсникига ўхшашдир; Суҳма, Қарвата, Чандрапура, Шўрпакарна — одамларнинг қулоқлари галвирга ўхшайди; Қҳаша, Магадҳа, Шилирагира, Митҳило, Саматата, Одра, Ашвавадана — одамларнинг юзи от тумшугига ўхшайди; Дантура — одамларнинг тиши узундир; Прогжўтиша, Лоҳитъя, Қрера — самудра — суг денгизи, Пурушода, Удъягири — қуёш чиқадиган тоғликдир; Бҳадра, Гаурака, Паундра, Уткала, Коши, Мекала, Анбашатҳа, Экапада — одамлари бир оёқлидир; Томалиптико, Каусалака, Вардҳамона.

[III] **Агния** — жануби шарқдаги ўлкалар: Кўсала, Калинга, Ванга, Упаванга, Жатҳара, Анга, Сулика, Видарбҳа, Ватса, Андҳра, Чўлика, Урдҳваккарна — одамларнинг қулоқлари тепага кўтарилгандир; Варша, Ноликера, Чармадвипа, Видҳъя тоғи, Трипуръя, Шмашрудҳара, Ҳемак-  
154 кутъя, Биёлакрина || [Въелагрева] — одамларнинг кўкраги илонникидек, Маҳокрина [Маҳогрива] — одамларнинг кўкраги кенг; Қишкиндҳа — маймунар ўлкаси; Қандакастҳала, Нишода, Роштра, Дошорна, Пурика, Нагнапарна, Шавара.

[IV] **Жанубдагилар**: Ланка — Ернинг қуббасидир; Қоложина, Саирангирина, Толиката, Гирнагара, Малайя, Дардура, Маҳендра, Молиндъя, Бҳарукаччаҳа, Қанката, Танкана, Ванавоса—қирғоқда; Шибика, Пҳаникора, Кўнкана—денгиз яқинида; Обҳера, Окара, Вено дарёси; яъни Аванти, яъни Ужайн шаҳри; Дашапура, Гонарда, Кералака, Карнота, Махатави, Читракута, Носикъя, Кўллагири, Чўла, Краунчадвипа, Жатодҳара, Крауверъя, Ришъямука, Вайрдуржа, Шанкха [Санка], Муктаи, Атри, Ворижара, Жармапаттана, Двипа, Ганарожъя, Қришнавай — рўржа; Шибика, Суржотри [Шуръёдри] Кушуманака, Тумбавана, Қорманейяка.  
155 Жамудадҳи, Тапасашрама, Ришика, Қончи, Маручипаттана, Деворша, || Сангҳала, [ришабҳа], Баладевапаттана, Дандакована, Тимингилашана, Бҳадра, Каччҳа, Кунжарадара, Томрапарна.

[V] **Найрихта** — жануби ғарбдагилар: Қомбужа, Синдху, Саувера, яъни Мўлтон ва Жаҳровар, Вадавомукҳа, Оравонбаштҳа, Капила, Порашава — одамлари форсийдирлар; Шудра, Барбара, Қирота, Қҳанда, Кравъя, Обҳера, Чанчука, Хемагири, Синдху, Колака, Райватака, Суроштра, Бодара, Драмида, Махарнава Наримуҳка, яъни эркаклари хотин юзли, булар — турклардир; Онарта, Пҳенагири, Явана, яъни юнонлар; Морака, Қарнаправарана.

[VI] **Ғарбдагилар**: Манимон, Мегҳавон, Ванаугҳа, Астрагири, яъни қуёш ботар жой; Аларонтакка, Шонтика, Ҳейҳайя, Прашастодри, Вўккона, Панчанада, яъни бешта дарё қуйиладиган жой; Матҳара, Пората, Торакрути, Жринга, Вайшъя, Канака, Шока, Млеччҳа, яъни араблар.

[VII] **Воява** — шимоли ғарбдагилар: Мандавъя, Тукҳора, Толаҳала,  
156 Мадра, Ашмака, Кулуталаҳада, || Стрирожъя, яъни унда хотинлар орасида ҳеч бир эркак ярим йилдан ортиқ яшамайди. Нрисимхавана — бунинг одамлари арслон юзlidir; Қҳастҳа, яъни ундагилар дарахтлардан туғиладилар, киндикларидан осилган бўладилар Манумата, яъни Термиз, Пҳалгулу, Гуруҳо, Марукучча, Чармаранга, яъни одамларнинг териси ранглидир; Экавилочана, яъни одамлари бир кўзlidir; Сулика, Дергҳагрева, яъни одамлари узун кўкракли ва узун бўйинlidir; Диргҳамукҳа, яъни одамлари узун юзlidir, Диргҳакеша, яъни одамлари узун сочlidir.

[VIII] **Шимолдагилар:** Кайласа, Ҳимавант, Васумант, Гири, Дҳанушман, яъни улуғлари раҳмсиздир; Краунча, Меру, Қурава, Уттаракурава, Кшудрамина, Кейкайя, Васати, Жамуна, яъни юнонларнинг бир хили; Бхугапрастҳа, Оржуннеяна, Агнатъя, Одарша, Антардвипа; Тригарта, Турагонана, яъни одамлари от юзлидир; Швомҳука, яъни одамлари ит юзлидир; Кешадҳара, Чалитаносика, яъни пучуқ бурунликлар; Досера, Кавотадҳана, Шарадҳона, Такшашила, яъни Марикала, Пушкалавате, яъни Пукала, Кайловата, Қантҳадхона, Анбара, Мадрака, Малава, Паурава, Қаччҳара, Данда, Пингалака, Манаҳала, Хўна, Кўхала, Шотака, Мондавье, Бҳўтапура, Гондҳора, Жашовати, Ҳематола, Рожанъя, Қҳажара, Жудаҳейя, Досомейя, Шеймака, Кшемадҳўрта.

[IX] **Айшона** — шимоли шарқдагилар: Меру, || Канаштрожайя, Пашупала, Кера, Қашмера, Абҳи, Шорада, Тангана, Кулўта, Сайриндҳа, Раштра, Браҳмапура, Дорва, Домара, Ванаражъя, Қирота, Чина, Каунинда, Бҳалла, Гҳаша, Кучика, Экачарана, яъни одамлари бир оёқлидир; Анувишва, Суварнабҳўма, яъни ери тиллалидир; Арвасудҳона, Нандавиштҳа, Паурава, Чиранивасана, Тринетра, яъни одамлари уч кўзлидир; Пунжадри, Гандҳарва. 157

Аммо ҳинд астрономлари обод жойлар географик узунлигини Ланка воситасида белгилайдилар. Бу жой Ер экваторида ўрталикда бўлиб, шарқида Жамакўти, ғарбида Румака бор. Сиддҳапура эса [Ланкага] диаметрал қарама-қаршидир. Еритгичларнинг чиқишлари ва ботишларига тегишли сўзлари менга Жамакўти билан. Румака оралигининг ярим айланага тенглигини кўрсатади. Гўёки, уларга [Африканинг ғарбидаги] Мағриб ўлкалари Румака [Рум мамлакати]га киради. Уларча [бу икки мамлакат Ўрта денгизнинг икки] шарқ ва ғарб соҳилига муқобил бўлиб жойлашган. Рум шаҳарлари кенгламаларга эга бўлиб, шимол томонга ичкарига киради. Булардан бирортаси экваторгача чўзилган эмас. Уларнинг айтишича, Рум экватор [бўйича] жойлашган бўлади. Ланка ҳақида баённи қолдирайлик. Аммо Жамакўти эса Яқубнинг ва ал Фазорийнинг айтишича, денгиз ичидаги мавзудадир. Унда Тора шаҳри бор. Ҳиндларнинг китоблари ичида бундай номни сира топа олмадим. Қоте эса бир қалъа номи, Жома — ажал париштаси [демак]дир; ундан Кангдиз ҳиндлари тарқалиб туради. Форсларнинг ёзишларига кўра, буни Кайковус ёки Жам энг узоқ шарқда, денгиздан нарида бино қилган. Кайхисрав, турк Афросиёб<sup>1</sup> нздан боришда бу денгизни кезган. У мавзуга борганда зоҳидлар йўлига ўтиб, у мулкдан чиқиб кетишликни қарор қилган. Диз форсчада — қалъа демакдир.

Абу Маъшар Балхий<sup>2</sup>, ўзининг зижида [шаҳарлар ўрнини] шу [Кангдиз] ўрнига асослаган. Сиддҳапура дейилган номнинг қаердан олганларини била олмадик.

Халқ яшайдиган қисм ярим айланасининг орқасида сузиб бўлмай-  
диган денгизлар бор, деб айтишимизга қарши эмаслар. Аммо кенглама  
ҳақида менда маълумот йўқ. Маъмур ерлар узунлигининг айлана яр-  
мига тенглиги фан аҳллари орасида тарқалгандир.

- 158 Бироқ уларда бошланғич томон ||ҳақида ихтилофлар бор. Ҳинд-  
ларнинг бошланғич ҳақидаги фикрига эътибор қилинса, у бизга маъ-  
лумдир. У ҳам бўлса, [биринчи] чоракнинг шарқий четидаги Ужайн шаҳ-  
ридир. Иккинчи чорак охири ғарбда обод ерлар тугамаган жойдан бе-  
ридадир. Бу ҳақда узунламалар айирмаси номли бобда гапирамыз.  
Унда ғарб [олимларининг] шарт қилиб олишларича, бошланғич икки  
турлидир. Икковидан бири — Баҳрул муҳит [Атлантик океан] соҳилидан  
бошланиб, узунлик ундан ҳисоблаганда чорак ер чети Балх атрофида  
бўлади. Уларнинг фикрларида бир-бирига боғланишлик йўқ; [масалан]  
Шопурқон ва Ужайн битта меридианда бўлиши керак экан, ҳолбуки,  
булар [меридианлари] бир-биридан жуда узоқ. Бошқа бир фикрга кўра,  
чоракни бир учи, Бахт [Суадо] оролларида бўлиб, иккинчи учи Журжон  
ва Нишопур атрофига тўғри келади. Иккала тур қараш ҳам ҳиндлар  
назариясига тўғри келмайди. Бу масала кейинроқдаги бобда тўлиқроқ  
кўрилади. Агар худо менга узоқ умр берса, Нишопур узунламаси ҳақи-  
да баҳс қиладиган махсус мақола ёзаман.

## Ўттизинчи боб

### «ЕР ҚУББАСИ» ДЕБ МАШХУР БУЛГАН ЛАНКА ҲАҚИДА

Ер экваторининг одамлар яшайдиган бўлагининг узунасига ўртаси, астрономлар айтишича, «Ер қуббаси» номи билан машҳурдир. Бу қуббадан қутбга томон чиқадиган катта айлана қуббанинг меридиани деб аталади. Ернинг табиий шаклини назарга олганда унинг бир жойини қубба деб, бошқа бир жойини қубба эмас дейиш нотўғри бўлади. Лекин ернинг инсонлар яшайдиган бўлагининг шарқ ва ғарб четини ўтовнинг икки қарама-қарши этагига [тагига] ўхшатиш мумкин. Утов ўрталигининг тепаси унинг қуббасидир. Шунинг учун қубба сўзи ишлатилади. Лекин ҳиндлар у жойни тилимизга таржима қилинганда қубба маъносини берадиган бир лафз деб ишлатмайдилар. Аммо уларнинг фикрича, Ланка — одамлар яшайдиган бўлимнинг икки чети ўртасидаги кенгламаси йўқ жой. Рована деган шайтон, Рома ўғли Дашартҳа хотинини олиб қочганда шу жойни қўрган қилиб турган. Унинг қўргони доира шаклида бўлиб, Санката брд деб аталади. Бизнинг мамлакатимизда эса Жована-коте деб исм берилган. Баъзан, бу қўрган Румоника дейилади.

Унинг кўршини, менимча шундай: (238-бетдаги расмга қарап).


|| Рома денгиздан ўтиб, Рована томонига борди, Ситубандҳа, яъни 159 денгиз кўприги номли жойдаги тепаликда унга қаршилиқ кўрсатиш учун юз жўжана узунликдаги сатт [муштаҳкам девор]ни қурдириб уришди. У жой Сарандибнинг шарқида эди. Рома ва Ромояна қиссасида айтилишича, Рома жангда Рованани ўлдирди ва унинг биродари эса Рована биродарини ўлдирди. Кейин ўқ билан сатт — тўсиқ деворнинг ўн жойидан ўқ отиб, қирқди.

Ҳиндларнинг айтишларича, Ланка шайтонларнинг қалъаси бўлиб, ердан баландлиги ўттиз жўжана — бу саксон тош бўлади. Ланка узунлиги шарқдан ғарбга қараганда юз жўжана, шимолдан жанубга қараган кенглиги ҳам баландлиги каби ўттиз жўжана. Шу қалъа ва Вада-



вомукҳа ороли жануб томонда бўлганидан, улар бу томонни ёмонлик келтирадиган, деб ўйлайдилар. Улар ҳеч бир яхши ишни жануб томонга қараб бажармайдилар, у томонга қараб қадам ҳам босмайдилар, фақатгина ёмон ишларни ўша томонга қараб қиладилар.

Ланка билан Меру оралигида, астрономик ҳисобларга бошланғич бўлган тўғри чизиқ устида Малава худудида Ужайн шаҳри, Мўлтон че-



гараси яқинида Рўҳитака қалъаси бор. Бу қалъа ҳозир хароб бўлиб қолган. Ўша чизиқ Курукшетрани кесиб ўтади, у эса ҳиндлар мамлакатлари ўртасидаги Тонешар чўлидир; унинг юқорисига Моҳура шаҳри қурилган, [у чизиқ] Жамуна дарёси устидан ва устида доимо қор бўладиган Ҳимавант тоғлари устидан ҳам ўтади. Ҳиндларнинг дарёлари Ҳимавант тоғларидан бошланади. Бу тоғларнинг орқасида Меру тоғи бор.

Ужайн шаҳри шаҳарлар жадвалида Узайн дейлади, бу денгиз юқорисидадир; шаҳар

билан денгиз қирғоғи оралиги юз жўжанага яқин келади. Бу ҳам, фарқ қилолмайдиган айрим астрономларимиз гумон қилганидек, Жўзжон районидаги Шабурқоннинг ярим йўлида эмас. Чунки Ужайн, у районнинг шарқида бўлиб экватордан анча вақт юриладиган узоқликдадир. Одамлар яшайдиган бўлак узунлигининг кун чиқиш ва кун ботиш томонларидаги четларини қаердалиги ҳақида турли фикрларни қориштириб юборадиган ва у фикрларнинг биридан бирини ажратишга йўл тополмайдиган киши, албатта, Ужайн шаҳрининг ўрнини билолмайди.

Денгизда шу қалъанинг юқорида ишорат қилинган жойининг рўпарасига сафар қилган бирон киши ҳиндларнинг хабарларига мувофиқ келадиган ёки ўхшайдиган хабарни бизга эшиттирмади; эшиттирганда ҳиндларнинг хабарлари аниқланган бўлар эди.

Балки Ланка исмидан хаёлимга бошқа шундай нарса келади: қалампирмунчоқ Ланка деган ердан олиб келиниши сабабли лаванг деб аталса керак. Денгизчилар сўзларининг бир-бирига тўғри келишига қараганда, ўша ерга бориш учун кемалар жиҳозлантирилади; у ерга олиб бориш учун тайёрланган нарсалар Мағрибнинг эски тиллалари, шол, белбоқ, туз каби моллардир. Олиб бориш расм бўлган нарсалар

чарм қопларга солиниб, кемаларга юкланар, олиб борилиб, денгиз қиргоғида эгаларининг исмлари ёзиб қўйилган идишларга ағдарилар экан. Эгалари у ердан четлаб, кемалар томонига бориб турар эканлар; эрта-лаб бўлганда идишлардаги моллар ўрнига идишларнинг кенг ва торлигига қараб, қалампирмунчоқ тўлдириб қўйилган бўлар экан. Айтилишича, бу хил олиш-сотиш муомаласи жинлар билан ва, иккинчи бир сўзга қараганда, ёввойи одамлар билан бўлар эмиш.

Уша ерларга яқин турадиган ҳиндлар чечак касаллиги ҳақида шундай эътиқод қиладилар: «Чечак, одамларнинг жонларини олиш учун Ланка оролидан ҳинд мамлакатларига томон қўзғоладиган елдир». Ҳикоя қилинишича, ҳиндларда шундай кишилар ҳам борки, у чечак ели туришидан бурун унинг қўзғолишидан ва бир шаҳардан кейин бошқа бир шаҳарга етиб боришидан дарак беради. Чечак пайдо бўлганда аломатларига қараб, унинг қандайлигини — қўрқинчсиз ёки ҳалокатли эканини билиб, ҳалокатлисига қарши тадбир қўллайдилар, ниҳоят, у жонни олиш ўрнига бирор органни бўзиб, ишдан чиқариб қўяди. Ҳиндлар шундай ҳалокатли чечакка қарши қалампирмунчоқни тилла кукуни билан қўшиб беморга ичирадилар. 160  
|| эр кишилари хурмо дана-гига ўхшаш қалампирмунчоқни бўйинларига боғлаб юрадилар. Шунда чечакнинг ўнтасидан биттаси зарарли бўлиб чиқар экан, холос.

Шундай қилиб, ҳиндлар айтадиган Ланка, уларнинг тавсифларига тўғри келмаса ҳам, ўша қалампирмунчоқ келтириладиган ер бўлса керак, деб хотирга келади. Кейин у томонга ҳеч ким бормади. Чунки айтишларича, савдогарлардан бирон киши шу оролда карвондан орқада қолса, кейин ундан ҳеч бир асар қолмас эмиш. «Рома ва Ромояна» деган китобда: «Мазкур Синд орқасида одамлар гўштини ейдиган гуруҳ бор»,— деган сўз гумонимизни қувватлайдиган нарсалардандир. Сўнгра, Лангаболус деган орол кишиларнинг ваҳшийликларига сабаб, одам гўштини ейишлари экани денгизда юрувчиларга маълум нарсалардандир.

## Уттиз биринчи боб

### БИЗ «ИҚҚИ УЗУНЛАМАЛАР АЙИРМАСИ» ДЕБ АТАГАН ТУРЛИ МАМЛАКАТЛАР ОРАЛИГИ ҲАҚИДА

Қимки бу бобда таҳқиқлаш юзасидан фикр юритса, мақсад икки шаҳар меридианлари орасидаги [сферик] бурчак бўлганини тушунади. Аммо бизнинг авторларимиз вақтлар оралигини [осмон] экватори [ёйи]га асослайдилар. Бу [ёй] иккала шаҳарнинг биридан ўтувчи меридианга нисбатан [ҳисобланган] мазкур икки [меридиан] доира орасидаги ёйга мосдир. Бу [ёй] икки узунлама айирмаси деб аталади.

Ҳар бир шаҳарнинг узунламаси экватор қутбидан ўтувчи катта айлана [меридиан]ларнинг танлаб олинганидан бошлаб ҳисобланади. Бу [танланган меридиан] обод мамлакатларнинг ғарбий четидан ўтган. [Узунлама] экваторнинг 360 га ва [экватор нуқтасининг] бир айланиш вақти бир куннинг 60 га тенг бўлакларга бўлинганига ё узоқликнинг қанча фарсах ё жўжана бўлишига асосланиб аниқланади.

Ҳиндларда узунламаларни белгилаш масаласида барқарорлик йўқ. Бизда бўлгани каби бир хил метод уларда йўқ. Ҳар хил методлари туфайли ихтилофлар устига ихтилофлар чиққан. Бундай бўлишига қарамасдан улар тўғри йўлдан чиқиб кетган.

Биз ҳар бир шаҳар учун [махсус] узунлама тайин қилганимиздек, улар эса Ужайн шаҳри меридианидан у шаҳаргача чўзилган ёйни жўжанада ифода қиладилар. Ужайнга нисбатан ғарбда бўлса, ораликни топиш учун қўшиш, шарқда бўлса, айриш ишлатилади. Ҳосил бўлган сон дешонтара дейилади; бу эса мамлакатлар оралиги демакдир; бу [миқдор] ёритгичнинг бир айланиш вақтига кўпайтирилса ва кўпайтма 4800 га бўлинса, чиққан сон жўжанада ифодаланади, бу дешонтарани Ужайннинг туш ё ярим кечасига нисбатан ёритгичнинг берилган шаҳарга қанча вақтда юришлигини билдиради.

Бўлувчи сонга келсак, бу Ер экватори узунлигининг неча жўжаналигини ифодаловчи сондир. Маълумки, икки шаҳар оралигидаги [ёйнинг] узунлик [ўлчови бирлигида] ифодаланганининг Ер айланаси

узудлигига нисбатан икки шаҳар оралигини ёритгич ўртача юрган вақтнинг бир кунлик айланиш вақтига бўлган нисбатига тенгдир. Айлана узудлиги 4800 жўжана десак, диаметри қарийб 1527 жўжана бўлиб, Пулиса фикрича, 1600 дир. Браҳмагуптача 1581, шунинг учун ҳар бир жўжана 8 миляга тенг. Ал Арканд зижида 1050 дир. Лекин Ибн Ториқ айтишича, бу сон Ер диаметрининг ярмидир; [унингча] Ер диаметри 2100 бўлиб, ҳар бир жўжана 4 милядир; бутун айланаси эса 6596 ва бешдан бирлар бешдан бириларининг 9 тасидир<sup>1</sup>. ||

161

Аммо Браҳмагупта 4800 сонини ўзининг «Қҳанда қҳандяка» [номли] зижида ишлатган. Лекин Ер айланасини топишда уни аниқроқ ҳисоблаш учун бу сон ўрнига Пулисаникини олган. Ер айланаси узудлигини шаҳар кенгламасининг [90 га] тўлдирувчи синусига кўпайтириб, ҳосилни тугал синусига бўлган; бўлинма шаҳар параллелининг жўжана билан ифодаси бўлади. Бу кўпинча «тавқ ал мадор» [айлана ҳалқаси] дейилади, чунки одатда буни хаёлда чизадилар. Албатта, 4800 жўжана уларча, Ужайн шаҳридан ўтувчи узунамача айланадир. Шу сонига асосланиб ҳисобласак, кенглиги 16 ва чорак даража чиқади. Қолбуки, Ужайн кенглиги шунча эмас, ҳақиқатда 24 даражадир.

«Қарана-тилака» зижининг автори бунинг анигини билишда Ернинг диаметрини 12 га кўпайтириб, ҳосилни шаҳардаги истиво сояга бўлган. Миқёснинг бундай сояга нисбати, тўлдирувчи синуси нисбатига эмас, балки шаҳардан ўтувчи [параллел] айлана диаметри ярмининг шаҳар кенглиги синусига нисбатидекдир.

Равшанки, авторнинг бундай ҳисоблашн нисбатларнинг тенглигига асосланади. [Бу метод] ҳиндларда вьястатрай рошика, яъни «вазиятларнинг тескарилиги» [«тескари пропорционаллик»] демакдир.

Уларнинг шундай мисоли ҳам бор: «Агар 15 ёшли фоҳишанинг зино ҳақи 10 дирҳам турса, 40 га чиққанда ҳақи қанча [дирҳам] бўлади?»

Ечиш методи: биринчи [15]ни иккинчи [10]га кўпайтириб, ҳосил [150]ни учинчи [40]га бўлиш керак. Чиққан тўртинчи [сон] 3 яриму яна чорак дирҳам, ёши улғайгандаги ҳақи бўлади. Кенглама ортиши билан истиво соя ортишини, аммо кунли йўл диаметрининг камайишини мисолдагига ўхшатган. Шунда у, бундаги ортиш ва камайиш мутаносиб бўлиши керак, деб ўйлаган. Шунга инониб. Ер диаметрини асосга олиб, истиво соя қанча марта ортса, кунлик йўл диаметри ўшанча марта камаяди, деб ҳисоб юргизган. Кейин диаметрча узуликдан, даврча узуликни топган. Бундан кейин, Ой тутилишини кузатишга суяниб, узунамача икки шаҳар оралигини ҳисоблади. Икки шаҳардаги [тутилиш] вақтларининг айирмасини куннинг дақиқаларида ифодалаб, Пулиса уни Ер айланаси [узудлигига] кўпайтириб, ҳосилни 60 га бўлди.

Бу [60], бир куннинг дақиқалари сонидир. Чиққан сон икки шаҳар оралигининг жўжаналардаги ифодасидир.

Бу [йўли] тўғри. Лекин Ланканинг энг катта айлана [экватор]да бўлган шартидагина тўғри чиқади. Браҳмагупта ҳам, 4800 га кўпайтириш билан шундай ҳисоблашни ижро этгани ҳақида илгари айтилган эди.

Бунгача уларнинг ғоялари, мақсадлар ва ҳисоблаш [метод]ларнинг тўғрилиги ёки хатолиги кўрсатилди.

Энди, икки шаҳар кенгламасига асосланиб дешантарани ҳисоблашларини кўрсатамиз.

Ал Фазорий бунга ўз зижидида шундай ёзган: «Икки шаҳар [дан ҳар бирининг] кенгламаси синусининг квадрати топилиб, икковининг йиғиндисидан илдизи — ҳисса чиқарилади, кейин бу иккала синусларнинг айирмасининг квадрати шу ҳиссага қўшилади. Йиғинди 8 га кўпайтирилиб, ҳосили 377 га бўлинади. Шунда тахминан иккала шаҳар оралиги чиқади. Кейин кенгламалар айирмаси Ер айланаси узунлигига [жўжаналарда] кўпайтирилиб, кўпайтма 360 га бўлинади; маълумки, бу — даража ва минутларда ифодаланган кенгламалар айирмасининг жўжанада ифодасидир. Бу миқдор квадрати мазкур тахминий жўжана квадратидан айрилиб, қолдиқнинг илдизи ҳисобланади. Бас, бу тўғри [аниқ] жўжаналар бўлади».

162 Равшанки, кейинги [сон], албатта, ||икки шаҳар сферик меридианлари орасидаги ёй [узунлигидир]. Бундан билинадики, у икки шаҳар оралигининг тахминийсидир. [Ал Фазорий китобидан олиниб айтилган] бундай ҳисоблашлар ҳинд зижларида учратилганига мувофиқдир. Лекин бир нарсада [мувофиқ] эмас. У ҳам бўлса, мазкур ҳисса, кенгламалар синусининг квадратлари айирмасининг илдизидир, лекин йиғиндисининг [илдизи] эмас. Нега шундай ҳисоблашлар бўлган? Улар тўғри эмас-ку!

Бу масала юзасидан ёзилган китобларимиз [мазкур ҳисоблаш] нуқсонини тамомила кўрсатди. Чунки фақат кенгламалар маълум бўлган ҳолдагина шаҳарлар оралигининг қанчалиги, икковининг бир-бирига ўзоқлиги [ва узунламалар айирмаси] маълум бўла олмайдди. Бунинг учун, яна икки шаҳар узунламалар айирмаси маълум бўлиши шартдир. Иккала шаҳар кенгламаларига ва улар оралигига асосланиб, узунламалар айирмасини топиш мумкин.

Бундай ҳисоблашлардан яна бири топилди. Лекин унинг автори маълум эмас. Унинг ҳисоблаши шундай: «Агар икки мамлакат оралигидаги жўжана 9 га кўпайтирилса ва ҳосили бўлинса, бир билан<sup>2</sup>... Улар квадрати оралигидаги айирма илдизи ва икки кенглама айирмасининг квадрати 6 га бўлинса, узунламалар орасини кун дақиқаларида ифодалангани чиқади».

Бундан билинадикки, биринчи марта узоқлик [жўжанада] ҳисобланади, кейин у айланиш даврга [вақтга] айлантирилади. Агар биз унинг тескарисини бажарсак, яъни катта айлана даражаларини жўжанага айлантирсак 3200 чиқади, бу эса — ал Арқандникидан олиниб, юқорида айтилганидан 100 жўжана камдир. Унинг икки мартаси 6400 эса Ибн Ториқ айтганига яқин, фарқи — 200 жўжана, холос.

Энди ўз томонимиздан кенгламаларнинг тўғрилангани назарга олинган баъзи жойларини кўрсатамиз.

Уларнинг зижларида қуйидаги кўрсатилган сўз умумийдир: Ланка ва Меру тоғидан ўтган чизиқ [меридиан] узунликча обод территорияни иккита яримга ажратиб, Ужайн шаҳридан, Роҳитака қалъасидан, Жамуна дарёсидан, Тонешар чўлидан ва Совуқ тоғлардан ўтади. Бу чизиққа нисбатан узунламача шаҳарлар узоқлиги ҳисобланади.

Қусумапуралик Орябҳата китобидаги қуйидаги сўзни мустасно қилсак, улар сўзлари орасида ҳеч хилоф йўқ. Унинг сўзи шундай: «Одамлар айтадиларки, Курукшетра, яъни Тонешар чўли Ланкадан Меруга ўтадиган ва Ужайн шаҳридан ўтган чизиқда ётади: Буни Пулисидан ҳикоя қилиб, у энг фозил [киши] бўлган, масалани ёмон билмаган, ҳолбуки, тугилиш вақтлари ҳозир айтилганнинг дуруст эмаслигини кўрсатган, дейдилар.

Притҳасвом фикрича, ундаги икки узунламалар айирмаси 120 жўжанадир. Орябҳата айтгани мана шулардир.

Аммо Еқуб ибн Ториқ «Фалаклар таркиби» [номли китобида] шундай деган: «Ужайннинг кенгламаси  $4\frac{3}{5}$  даража». Лекин у бизга шимолда ё жанубдалигини айтган эмас. Кейин ал Арқанддан олиб  $4\frac{2}{3}$  [даража]лигини айтган. Аммо биз, ал Арқандда Ужайн билан Мансура оралигини кўрсатган мисолни топдик. Уни [Мансурани] Браҳманавота деб айтган. У эса Бамҳанвадир. Аммо Ужайн кенгламаси  $22^{\circ} 29'$ ; Мансура кенгламаси  $20^{\circ} 01'$ .

Ловҳония, яъни Лоҳароне ҳақида айтилганки, унда истиво соя  $5\frac{3}{5}$  бармоқ. Ҳамма зижларида Ужайн кенгламасини  $24^{\circ}$  деб кўрсатилган. Балабҳадра айтишича, Қанавж кенгламаси  $26^{\circ} 35'$ ; Тонешарники  $30^{\circ} 12'$ . Ёзги қуёш тушиши кунда Қуёш зенитдан ўтади. Муфассир шарҳловчи || Абу Аҳмад ибн Жайлағтагин деган олим Қарли (?) шаҳри кенгламасини ўлчаб,  $28^{\circ} 0'$  эканини, Тонешар кенгламасини  $27^{\circ}$  эканини топди. Кенгламача, улар оралиги уч қўнишдир. Бунинг хилофлик сабабини билолмадим.

«Қарана-сора» зижда шундай [ёзилган]: «Қашмир кенгламаси  $34^{\circ} 9'$ ; унда истиво  $8^{\circ} 7''$ ».

Мен ўзим Лавҳўр<sup>3</sup> қалъаси кенгламасининг  $34^{\circ} 10'$  эканини топ-

дим. Бундан Қашмир қасабаси — пойтахтигача 56 милядир. Унинг ярми тепаликлар ва ярми текис даладан иборатдир.

Кузатишларим воситасида бир қанча жойлар кенгламасини топдим. Мана улар:

Ғазна	33°35';	Ламғон	34°43';
Кобул	33°47';	Пуршовар	34°44';
Канде-амир турар жой	33°55';	Вайҳанд	34°30';
Данпур	34°20';	Жайлам	33°20';
		Наидна қалъаси	32°0'.

Наидна қалъаси билан Мўлтон оралиги қарийб 200 миля.

Сиалкот	32°58';
Мандаккакўр	31°50';
Мўлтон	29°40'.

Агарда жойларнинг кенгламалари маълум бўлса, яна улар орасидаги узунлик ўлчанган бўлса, узунламалари айирмасини топиш мумкин. Буларни [юқорида] кўрсатилган китобларга мурожаат этиб топиш мумкин. Ҳиндларнинг ерларида мазкур жойлардан ташқарида бўлмадик. Улар китобларидан [яна бошқа] узунламалар ва кенгламалардан воқиф бўлмадик. Талаб қилинганларни ҳосил этишга худонинг ўзи кўмакчидир.

## Ўттиз иккинчи боб

### МУДДАТ, УМУМАН ВАҚТ ВА ОЛАМНИНГ ЯРАТИЛИШИ ВА ЙЎҚ БЎЛИШИ ҲАҚИДА

Муҳаммад ибн Закариё Розий<sup>1</sup>, бурунги юнонларнинг, беш нарса-ни қадимдан бор деб эътиқод қилишларини ҳикоя қилиб, у беш нарса: пок тангри, умумий нафс, ҳаюла — биринчи модда, абстракт [мутлақ] замон, абстракт макондир, деган. Розий ўз мазҳабининг асосини шу эътиқодга қурган ва замон билан муддат орасида айирма кўрсатиб, «уларнинг бирига сон тўғри келади, соннинг чеки бўлмагани туфайли бошқасига сон тўғри келмайди», деб тушунган. Шунингдек, файласуфлар, аввал ва охири бор нарса учун замонни, аввал ва охири йўқ нарса учун даҳрни муддат қилиб белгилаганлар.

Розий ҳалиги беш нарсанинг шу борлиқда бўлиши зарур деган ва «шу борлиқда сезиладиган ва кўринадиган нарсалар ўша беш нарсадан таркиб топиб, шаклга кирувчи ва бирон жойга жойлашувчи моддалардир. Уларга, албатта, жой керак, аҳволининг турлича бўлишига қараб замон ҳам керак; чунки моддаларнинг баъзиси олдин, баъзиси кейин вужудга келади. Уларнинг қадимлиги ва янги пайдо бўлганлиги ҳамда жуда қадимлиги ва жуда янгиллиги замон воситаси билан билинади. Демак, борлиқда замоннинг бўлиши зарур; борлиқ — мавжудотда тирик зотлар бор, шунинг учун нафс [руҳ]нинг бўлиши зарур. Тириклар орасида ақл эгалари ва ғоят даражада моҳир санъат арбоблари бор; шундай бўлгач, ақлни ғоят даражада тузатиб, унинг қувватини ўз эгасини халос қила олиш мартабасига эриштирадиган ҳикмат эгаси, билимдон ва моҳир яратувчининг бўлиши зарур», деб баён қилганлар.

Фикр эгаларининг баъзиси даҳрга ҳам, замонга ҳам битта маъно бериб, улардаги ҳаракат ниҳояланади, деган; баъзилар эса «айланиб турувчи ҳаракат абадий қолиб, у ҳаракат қилувчи билан доимо бирга бўлади ва ҳаракат доим қолиш шарафига эришади; кейин ҳаракат қилувчидан уни ҳаракат қилдирувчига ва бу ҳаракат қилдириб, ҳаракат қилувчидан ҳаракат қилмайдиган дастлабки ҳаракат қилдирувчига тараққий



қилиб боради»,— деган. Бу баҳс жуда нозик ва чалкашдир. Шундай бўлмаганда бу ҳақда хилма-хил фикр юргизувчилар бир-бирларидан гоят даражада узоқлашмас эди, ҳатто баъзилари, замон деган нарса тубдан йўқ, баъзилари эса, замон ўзича барпо бўлган бир жавҳардир, демас эдилар.

164 Искандар Афродисий<sup>2</sup> шунга қараганда, «Аристотель || Китобус симо ат табиий» асарида «ҳар бир ҳаракат қилувчи, албатта, бир ҳаракат қилдирувчи томонидан ҳаракатга келади», деб исботлаган. Жолинус эса, «Аристотель, буни исботлаш бир ёқда турсин, бу ҳақда очиқ гапирган ҳам эмас»,— дейди.

Аммо ҳиндларнинг бу бобдаги фикрлари оз, тубсиз ва тўла эмас. Бароҳамиҳира ўзининг «Сангҳита» номли китобининг аввалида, қадимлик хусусиятига эга нарсаларни баён қилганда шундай деган: «Эски китобларда, энг аввалги ва энг қадимги нарса қоралиги бўлмаган, аммо ухлаган кишининг ҳолати сингари вужудсизликдан иборат бўлган қоронғуликдир, кейин тангри Бароҳим учун шу оламни гумбаз ва қубба қилиб яратди, оламни юқори ва қуйи қисмга ажратиб, бунда Қуёш ва Ойни юргизиб қўйди».

Капила эса шундай деган: «Тангри, у билан биргаликда олам ва унинг жавҳарлари [субстанциялари] ва жисмлари ҳамиша бор бўлган. Лекин тангри оламга сабаб ва иллатдир; тангри латифлиги сабабли қўпол оламдан юқори босқичда туради».

Қанбҳақа шундай деган: «Қадимги нарса маҳобҳўта, яъни беш унсурнинг тўпламидир».

Бошқаси, қадимги нарса замондир деса, баъзилари, табиатдир деганлар. Бошқа кишиларнинг даъвосича, ҳамма нарсанинг тадбирчиси карман, яъни амалдир.

«Вишну-дҳарма»да шундай сўз бор: Важра Моркандевага «Менга замонларни баён қилиб бер», деганида у «бунга муддат-отмапуруша, яъни тиниш ва ором», деб жавоб берган. Пуруша эса, ҳамманинг эгаси демакдир. Кейин Моркандева замон бўлақларини, ўз бобида айтиб ўтганимиздек, баён қилишга тутинган.

Ҳиндлар ўртасидаги яратиш ва яратилиш тушунчасига келганда, бу [хос табақаникига эмас], авомникига мувофиқдир. Чунки биз модданинг қадимийлиги [абადийлиги] ҳақидаги уларнинг фикрларини ҳикоя қилдик; улар яратишда йўқдан бор қилишни тушунмайдилар, балки тупроқдан нарса яратиш ҳунарини, унда пайдо қилинган таркиб ва шаклларни, яратилган нарсадаги мақсад ва ғаразларга эриштирадиган тадбирларни тушунадилар. Шунинг учун яратишни фаришталар, жинлар ва инсонларга нисбатан бераверадилар ё неъмат ва эҳсон эгасининг ҳақини адо этиш учун ёки бировни кўролмаслик ва нафсоният касали-

га учраганлиги сабабли даволаниш учун шундай нисбат берадилар. Масалан, «Одамларнинг кенг фойдаланишлари учун риши Вишвомитра говмиш сигирларни яратди»,— дейдилар. Бу, Афлотуннинг «Тимовус» номли китобида «Тейе, яъни [илоҳлар] инсон яратиш ишини ўз устига олган худоларга, оталари шу ишни буюргач, дастлаб улар сувсиз бир руҳ [нафс]ни олиб, кейин унинг учун сувдан жасад ясадилар»,— деган сўзига ўхшайди.

Шу орада бир муддат бор; суҳбатдошларимиз уни ҳиндлар мазҳабига кўра, «олам йиллари» деб атайдилар. Ана шундан яратилиш ва йўқ бўлишнинг, йўқдан бор қилишга ўхшаш, ўша муддатнинг икки томонида экани гумон қилинади. Ҳиндлар бу ҳақда тортишмайдилар. Улар Бароҳимнинг кундузи ҳақида сўзлайдилар. Бу кундузга ўша муддатдек кеча ёндашади. Чунки Бароҳим вужудга келтириш ишига муақкилдир. Вужудга келиш эса, вужудга келувчи бошқа нарса томонидан амалга ошириладиган бир ҳаракат бўлиб, бунинг сабабларининг энг равшани юқоридаги ҳаракат қилдирувчилар, яъни ёритгичлардир. Планеталар уларнинг турли йўналишларда ҳаракатлари ва шакл алмаштиришлари бўлмаганда эди, тагларидаги [Ердаги] нарсаларга таъсирлари бир текис бўлар эди. Бундай [ҳаракат ва шакл алмашиш] Бароҳим кундузидагина бўлади. Чунки планеталар, ҳиндлар фикрича, Бароҳим кундузида || сайр қиладилар ва фалаклар ўзларига белгиланган тартибда айланадилар. Шунинг учун Ерда вужудга келиш донмо юз бериб туради. Бароҳимнинг кечасида эса фалаклар ҳаракатдан тўхтайдилар; планеталарнинг ҳаммаси бир жойда — ўзларининг авжларида, жавзаҳрларида<sup>3</sup> қарор оладилар; шунинг учун ердаги турли ҳолатлар ўзгармайдиган биргина ҳолатдан иборат бўлиб қолади. Шунда вужудга келтирувчининг ишдан тўхташи, таъсир ва таъсирланишнинг йўқлиги сабабли яратилиш йўқ бўлади. Унсурлар турли ўзгариш ва аралашилардан ором олиб, энди<sup>4</sup> келгуси кундузда вужудга келувчилар учун тайёрланадилар: биз ўз жойида ҳикоя қиладиганимиздек<sup>5</sup>, Бароҳим умри муддатида иш шундай айланиб туради.

Демак, уларча ер юзида, ана шу йўсида яратилиш ва йўқ бўлиш воқе бўлади-ю, аммо вужудга келмаган нарса — тупроқ ҳосил бўлган ва яратилган бўлмайди; илгари вужудга келган нарса йўқ бўлмайди. Йўқдан бор қилиш деган нарса уларча қандай амалга ошсин? Ҳолбуки, улар моддани қадимий дейдилар ва авом халқларга мазкур икки муддатни Бароҳимнинг уйғоқ ва ухлаган вақти деб тушунтирадилар. Уларнинг бу лафзлари, нарса муддатининг аввали ва охири борлигини тушунтириб туради. Бароҳим умрининг ҳаммаси, унда ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг бирин-кетин келиб туришига кўра, борлиқ деб ҳисобланади ва унда тупроқ билан бирга шакл ҳам бўлганидан, у йўқлик деб

ҳисобланмайди. Бароҳим умрининг ҳаммаси [Пурушадан] ортиқ бўлмаган кундуздир. Бароҳим ўлгач, унинг кечасида мураккаб нарсалар тарқалади ва сақланиши табиатга тегишли бўлган иш уларнинг тарқалишлари сабабли йўқ бўлади. У [вақт] Пурушанинг роҳат ва идора қиладиган вақтидир.

Уларнинг авомлари, Пуруша кечаси, сифат жиҳатидан Бароҳим кечасига ўхшайди, дейдилар. Пуруша эр кишининг исми бўлганидан унга уйқу ва бедорлик сифатини қўшадилар; у ухлаб ҳуррак отганда ҳар бир узлуксиз туташ нарса парчаланиб кетади, пешанаси терлаганда ҳар бир тик турган нарса унга фарқ бўлади, дейдилар. Улар мана шуларга ўхшаш ақл қабул қилмайдиган, қулоқ эшитишни истамайдиган [фикрлар]ни юргизадилар. Шунинг учун ҳиндларнинг маърифатли табақалари авом табақанинг бундай [тушунча]ларига қўшилмайдилар. Чунки улар уйқунинг ҳақиқатини бири-бирига ёрдам берадиган айрим хилт [қўшилма]лардан тузилган баданнинг уйқу билан ором олишини ва ҳар бир керакли нарсанинг, ўзининг табиий ўрнига қайтиши учун уйқуга эҳтиёжи борлигини биладилар. Масалан, баданда доимий тарқалишнинг бўлиши сабабли, тарқалганини қайтадан тўлғазиш учун овқатланишга, ўзи йўқ бўлиб кетиши ва ўздан кейин ўз турини ўрнига қолдириш учун жинсий алоқага, басит жавҳарлар ва улардан юқори турадиган ўхшаши йўқ зот муҳтож бўлмаса ҳам, бизнинг эҳтиёжимиз тушадиган бошқа ёмон нарсаларга муҳтож бўлади.

Яна улар оламнинг бузилиб, йўқ бўлиши ҳақида мана шундай деб ҳам даъво қиладилар: «Ҳар бир ойда навбати билан кетма-кет келадиган ҳаммаси бўлиб ўн иккита қуёш йиғилиб, доимий равишда тупроқни куйдириб, ундек майдалайди ва намликларни тортиб қуритади; кейин фаслларда навбати билан ёғадиган тўрт турли ёмғирлар йиғиндисини қуриб кукунланган тупроқ ўзига тортади ва шу сабабли ёмғир тарқалади. Кейин ёруғлик кетиб, қоронғилик ва йўқлик ҳукмрон бўлади, ниҳоят, оламнинг сочилиб кетишига шароит пайдо бўлади».

«Мача-пурона»да: «Оламни куйдирадиган олов, сувдан чиқиб, шу вақтгача Куша-двипадаги Маҳиша тоғида тинч турибди ва у шу тоғ исми билан аталади»,— дейилган. «Вишну-пурона»да эса: «Маҳарлоқа қутбнинг юқорисида туради, унинг шунда туриш [вақти] бир калпадир. 166 || Локалар учта, улар куйганда қаттиқ иссиқ тутун ундаги кишиларга тоқатсизлик беради, шунинг учун улар кўтарилиб, Жаналокага кўчадилар; унда Бароҳимнинг илгари яратилган ўғиллари, яъни Санака, Сананда, Санатана ва Асура, Қапила, Вадҳу ва Панжашиққа турган бўладилар».

Шу ҳикоялар мазмунидан маълум бўлишича, оламнинг шу хилда йўқ бўлиши калпанинг охирида бўлади. Абу Маъшарнинг: «Планеталар [бир жойга] йиғилишганда дунёда тўфон бўлиб, оламни сув бо-

сади»,— деган фикри ўша ҳикоялардан олинган. Чунки у ҳикояларда мукамал суратда бўлмаса ҳам, ҳар бир чатуржуга охирида ва ҳар бир калижуганинг аввалида планеталарнинг йнгилиши воқе бўлади. Демак, тўфонда ҳам, албатта, бутунлай бузилиш ва ҳалокат юз бермайди.

Шу китобнинг бобларига биз қанчалик диққат қилиб қарасак, бу маънолар шунчалик кенг очилади, бу исм ва терминлар шунчалик равшанланади ва англашиларли бўлади.

Эроншаҳрий шу хурофотга ўхшаш нарсани шаманийлардан бундай ҳикоя қилган: «Меру тоғи томонларида тўртта олам бор, улар навбати билан обод ва хароб бўлишади. Еттита Қуёш кетма-кет чиқиб, еттинчи чиқиши тамом бўлгунча, хароб бўлувчи оламга олов ҳукмронлик қилади, булоқларнинг суви қуриydi, ёлқинланувчи олов у [бузилувчи олам]нинг ичига жойлашиб олади. Олов унга чиқиши билан [хароб олам] обод бўлади. [Олов] чиқиб кетганда шамол кучаяди, булутларни сиқиштириб, ёмғир ёғдиради, ниҳоят [ёмғирлар] денгизларга айланади, [денгиз] кўпигидан садаф пайдо бўлади. Бунга [садафга] руҳлар бирикади ва сув чуқур сингиб садафдан инсонлар вужудга келади».

Авом халқдан баъзиларининг эътиқодича, бир инсон бошқа оламдан шу оламга келиб тушади, кейин у ёлғизликдан қўрқади, бу ҳақда ўйлайверишдан унинг учун бир хотин вужудга келади ва иккаласидан насл бошланиб кетади.

## Уттиз учинчи боб

### КУННИНГ БУЛАКЛАРИ — КУНДУЗ ВА КЕЧА ҲАҚИДА

Бизларнинг урф ва одатимизда ҳам, ҳиндларда ва бошқаларда ҳам. Қуёшнинг тўла айланишида катта айлананинг яримтасидан ўтиб ва қайтиб, яна шу яримтага келгунича кетган муддат кун дейилади. Кун яққол иккига бўлинади: бири кундуз — берилган маълум жойда яшовчиларга Қуёшнинг кўринаётган вақти, [иккинчиси] кеча — уларга кўринмаган вақти. Бу икки [ҳодиса]: кўринишлик ва кўринмаслик уфқ туфайли бўлади. Маълумки, ҳиндларнинг кенгламаси йўқ, деб айтадиган [территориядаги, яъни] экватордаги уфқ билан [ёритгичларнинг] кунли йўллардан ҳар бири кесилиб, иккита яримтага айрилади. Шунинг учун у ерларда доимо кундуз кечага тенг бўлади.

Қутблардан ўтмайдиган уфқлар билан [экватордан] кичик кунли йўллардан ҳар бири кесилишиб, тенгсиз бўлақларга ажралганидан бундай уфқларга тегишли жойларда кундузлари ҳам, кечалари ҳам ҳар хил [узунликда] бўлади. Лекин тенг кунлик вақтларида Ернинг Меру ва Вадавомукҳадан бошқа ҳамма жойларида кундуз кечага тенг бўлади. Экватордан узоқлашган сари жойлардаги кундуз билан кеча узунлигининг фарқи ортиб боради.

167 Қуёшнинг уфқдан чиқар вақти кундуз боши ва унга ботиш вақти эса кеча бошидир. Ҳиндларда кундуз кечадан илгари деб ҳисобланади. Кеча кейиндан келувчидир. || Шунинг учун улар сована, яъни [Қуёш] чиқишга боғланувчилар демакдир. Яна, уни манушъё ҳўротро — одамлар кунни деб атайдилар; чунки улардан кўпчилиги шундай кундан бошқасини эътироф қилмайдилар. Бундай кунни аниқлаб, бошқаларни ўлчашлик учун буни асосга [бирликка] қабул қиламиз. Энди одамлар кунидан бошқалари борлигини айтсак, ундан кейин питрена ҳўростра, яъни «қадимги боболар» кунни келади. Ҳиндларнинг эътиқодларича, боболарнинг жонлари Ой фалагида туради. Бундай куннинг кундузи ва кечаси ёруғлик ва қоронғилик натижасида бўлади. Уфққа нисбатан

чиқиш ва ботиш билан бўлмайди. Агар оидин кечалар даври кундузи бўлса, тўла Ой, яъни Ойнинг ёруғлиги энг ортган вақтда уларнинг кундузлари [ўртаси] бўлади, ёруғлиги энг камайган вақтда кечалари [ўртаси] бўлади.

Равшанки, кундуз ўртаси [Ойнинг Қуёшга] бирлашиш чоғида, кеча ўртаси эса қарама-қарши чоғида бўлади. Демак, «боболар кунлари» битта ой ойига тенг; Ой тўгарагининг ярми ёритилиб, ёришиш ортиб бориш билан кундузи бошланади; камайишга томон боришда, ярми ёришган вақтда кечаси бошланади. Бунда кундуз ва кеча «ярми» [сўзини] ишлатишлик ўхшатиш юзасидандир. Чунки Ой тўгарагининг яримта бўлиб кўриниши Қуёш чиқаётганда ва ботаётганда тўгарагининг ярми кўринган [пайти] сингаридир. «Боболар кундузи» деганда, Ойдаги биринчи квадратурадан иккинчи квадратурагача ўтган муддатни, кечаси деганда, иккинчи квадратурадан биринчи квадратурагача ўтган муддатни тушуниш керак. Бундай кундуз билан кеча йигиндиси [боболар] кун бўлади.

«Вишну-дҳарма» автори шундай сўзларни биринчи квадратурагача таърифлаган. Бироқ тушунчасининг озлигидан, Ойнинг қоронгилик ярмисини қарама-қаршиликдан бирлашишгача [бўлган даврни] — боболар кундузи деб, иккинчи ярми бўлган оидин вақтни — кечаси деб кўрсатган. Ҳолбуки, тўғриси бундан илгари айтилгандир.

Ҳаттоки, уларнинг маълум вазиятларида [одатларида] бирлашиш кунда ота-боболари учун садақа қилиш бор. Кундуз ўртаси ўзларининг овқатланиш чоғи бўлиб, ота-боболари [руҳи]га ейишни таклиф қиладилар.

Боболар кундан кейин, навбатда дивоҳўротре, яъни «фаришталар кун»дир.

Маълумки, кенгламаларнинг энг ортиғи бўлган 90°ли жой уфқида [турувчининг] боши устида осмон қутби туради. Бу уфқ, тахминан, осмон экваторининг ўзидир. Осмон экватори эса кўринма уфқдан пастроқда, Ердаги Меру тоғи устидан ё этагидан [қараганда] осмон экваторига нисбатан кўринма уфқ анча пастда бўлади.

Равшанки, эклиптика экватор билан кесишиб, бир-бирини иккита бўлакка бўлади; [эклиптика] ярми уфқ устига ва [иккинчи] ярми остига ўтади. Қуёш эклиптиканинг шимолий томонида бўлган муддатда ҳар кун уфққа параллел бўлиб, гумбазларда ҳаракат қилгандек, [ярим йил] айланади. Шимолий қутб остидаги жойда [Ер қутбида] доимо уфқ устида [Қуёш] кўринади. Бу муддат [у жой] учун кундуз бўлади. Аммо, жанубий қутб остидаги жойда [Қуёш] уфқ остида бўлиб, || кўринмайди. Бу жойнинг кечаси бўлади. Қуёш эклиптиканинг жанубида бўлган вақтида уфқ остида айланиб, шимолий қутб остидагилар учун кечаси бўлади, лекин жанубий қутб остидагилар учун эса кундузи бўлади.

Иккала қутб ости девакалар, яъни руҳларнинг турар жойларидир. Шунинг учун [ҳозир айтилган] кун уларникидир.

Кусумапуралик Орябҳата шундай деган: «Дева ярим йил [давомида] Қуёшни кўриб туради, донава эса иккинчи ярмида қуёшни кўриб туради. Питаралар эса Ойни ярмида, одамлар иккинчи ярмида ойна кўришади. Қуёш эклиптика бўйича бутун бир айланиб, дева ва донава учун ҳам бир кундуз ва кеча бўлади, бунинг йиғиндиси улар учун кундир. Демак, бизнинг бир йилимиз Деванинг бир кунидир. Унинг кундузи кечасига тенг эмас, чунки Қуёш [эклиптикада] шимолий огишида бўлганда, авжидан ўтиши туфайли секин юради. Шунинг учун, кундуз узунлиги ортиқ бўлади. [Бу ортиқлик] кўринма уфқ билан ҳақиқий уфқ айирмасидан ҳосил бўладиган [вақт]га тенг эмас, чунки унда Қуёш тўғарагидаги фарқлар сезилмайди. Шу билан бирга улар фикрича, ўша жойда яшовчилар Ер юзига нисбатан баланддадир. Чунки улар Меру тоғида турадилар. Бу фикрга ишонувчи, бу тоғнинг жуда баландлигига ишонади. [Баландлиги] ўз бобида айтилган.

Тоғнинг анча баландлиги уфқ [чизиғи]нинг узайишига сабаб бўлиб, кундузни кечага нисбатан орттиради. Агарда бу хабар шаръий ва унга мувофиқ бўлмаса эди, бу [ортиқлик] миқдорини ҳисоблаб кўрар эдик; ҳисоблашнинг фойдаси ҳам йўқ.

Авом ҳиндлардан бирининг эшитишича, шимолда шундай куннинг кундузи бўлган вақтда жанубда унинг кечаси бўлади. Шу билан бир қаторда у бир йилни иккига ажратган; бири [Қуёшнинг] қишки туришидан эклиптика бўйича ёзги туришигача кўтарилиб борган муддат бўлиб, у шимолга мансуб; иккинчиси эса ёзги туришидан қишки туришигача пастлашиб борган муддат бўлиб, у жанубга мансубдир. Кўтарила бориш муддати бундай куннинг кундузи дейилиб, тушиб бориш муддати кечаси дейилади. Бу [фикрлар] китобларда сақланиб қолган.

«Вишну-дҳарма» авторининг айтганлари ҳам шунга ўхшашдир; у шундай деган: «Бошланғич Жадли бўлган ярим [айланага тегишли муддат] асура, яъни донава кундузидир. Боши Саратон бўлгани[га тегишлиси] эса кечасидир». Кейин у яна шундай деган: «Боши ҳамал бўлган ярим [айлана]га тегишли муддат Дева кундузидир». У [бу масалани] тушунмаган, яъни [ярим йиллар] кеча ва кундузнинг қутблар учун бўлишлигини билмаган. Агарда у астрономия масалаларини яхши билса эди, бундай ҳукмларни чиқармас эди.

Энди, навбатдагиси бароҳима-хоротра, яъни «Бароҳим куни»дир. Бу ёруғ ва қоронғидан иборат эмас: [ёритгичнинг] чиқишидан ва ғойиб бўлишидан эмас, балки табиатдагиларнинг физик ҳолатидан — кундузи ҳаракатланишларидан, кечаси тинч туришларидан юзага келади. Бароҳим куни, йилимизнинг 8640 000 000 тасига тенгдир. Бунинг ярми кундузи бўлиб, унда эфир бор, бунда [доимо] ҳаракат мавжуддир. Ер

ободдир; унинг юзида ҳаёт пайдо бўлиб ва бузилиб [емирилиб] туради. Куннинг иккинчи ярми кеча бўлиб, бунда кундуздагисига хилоф ишлар бўлади. Ер ундаги ўзгарувчиларнинг тинчланиши билан ҳеч қандай ўзгаришга эга бўлмайди. Кечаси ҳаракатларнинг йўқлиги эса кечалари ва қишда кундуз ва ёзга тайёрлик || учун табиатнинг дам олишига ўх- 169 шайди.

Бароҳимнинг ҳар бир кундузи ҳам кечаси, ҳам бир калпадир. Авторларимиз уни «Синдихинда йили» дейишади. Бу кундан кейингиси туруш-хоротра, яъни «бутун жонлар куни»дир; бу маҳокалпа, яъни «улуғ калпа» деб ҳам юритилади. Аммо улар буни бекор қилмай, бошқа муддатлардан ажралувчи муддатни тайинлаш учун ишлатадилар; уни кундуз ва кечага бўлмаганлар; ўйлаш мумкинки, кундузи жоннинг ҳаюллога боғлиқ муддати бўлиб, кечаси эса уларнинг бир-бировидан ажралишган — руҳларнинг истироҳат муддатидир. Бундай кун боғланиш бошланган чоғдан ажралиш муддатининг охиригача давом этади.

«Вишну-дҳарма» китобида шундай дейилган: «Барҳим умри пурушанинг бир кундузига тенг; кечаси ҳам худди шунчадир. Улар Бароҳим умрининг [ўзи номидаги] йилнинг юзтасига тенг, деб келишганлар. Уларда йиллар 360 га кўпайтириш билан таркиб этилади.

Илгари, Бароҳимнинг бир куни миқдори айтилган эди. Унга асосланганда бир йили бизларнинг 3 110 400 000 000 йилимизга тенг, юз йили эса иккита ноль орттирилганига тенгдир. Шунда ноллар саноғи 10 та бўлади. Бу эса пурушанинг кундузи бўлиб, куни эса икки бараварига, яъни 622 080 000 000 000 га тенг.

«Пулса-сиддихонта»ча, Бароҳим умри пурушанинг бир кундузига тенг. Лекин, у пуруша кундузини парардҳакалпа деб ҳам айтган. Бошқаларининг айтишларича, парардҳакалпа кҳанинг кундузидир; кҳа нуқта демакдир. Бу биринчи сабабни тушунтиради ва бунга бутун мавжудот боғлиқдир.

Ундай калпа [парардҳа] ҳисоб марталабларидан 18-мартабани олган. Унинг маъноси — ярим осмондир. Уни икки мартаси бутун осмон — бутун кун бўлади. Демак, кҳа куни 864 мингги ўнг томонига 24 та ноль қўйилганида [ҳосил бўлган сон қадар] йилимиздир.

Бу [терминлардан ҳар бири] кўп рақамлардан иборат сонларни ифодалаш бўлмай, вақтнинг [абстракт] тушунчасини беришлик учун [фалсафий аҳамиятга эга] бўлиши керак; чунки улар тузиш ва бузилиш, вужудга келиш ва йўқ бўлиб кетишдан бошқа маънони беролмайди.



## Уттиз тўртинчи боб

### КУННИНГ КИЧИК БУЛАҚЛАРГА БУЛИНИШИ

Ҳиндлар кун бўлақларини майдалаб кўрсатишда йўлдан чиққанлари сабабли, бу масала чексиз ихтилофга учраган. Шунинг учун у бўлақлар миқдорларини икки китобда бир ҳолда кўрмайсан ёки икки кишидан бир хилда эшитмайсан. Уларнинг бири шуки, кун олтмиш минутга бўлиниб, буларнинг ҳар бири гҳате деб аталади.

Қашмирлик Утпаланинг «Срўзава» номли китобида ёзилишича: «Бир ёғочни цилиндрсимон кавлаганингда у айлана гавакнинг диаметри ўн икки бармоқ бўлиб, чуқурлиги олти бармоқ бўлса, бунга уч мано сув сиғади. Шунда агар у ёғоч тагидан, кампир ёки қиз бола сочидан эмас, балки ёш хотин сочининг олти толасининг ўрими сиғадиган тешик қилинса, ҳалиги уч мано сув бу тешикдан бир гҳате муддатида чиқиб кетади».

170 Кейин куннинг [бундай ҳар бир бўлаги] 60 та сония [секунд]га бўлинади. Улардан ҳар бири чашака ё чакҳака дейилади; яна вигҳатика деб ҳам айтилади. Бу иккинчилик бўлақлардан ҳар бири 60 тага бўлиниб, уларнинг ҳар бири прона, яъни нафас дейилади. Мазкур «Срўзава» китобида || прона шундай аниқланган: «Қасал бўлмаган, заҳар қистамаган, оч бўлмаган, қорни тўлмаган, фикрлаш билан машғул бўлмаган ҳолатда одам уйқусида муътадил нафас олиб туради. Агар хурсандликдан ё кўрқидан, ё очлигидан, ё ортиқ тўйганликдан, ё яхши аҳволни бузиш сабабидан руҳий ҳолат ўзгарар экан, ухловчининг нафас олиши ўзгаради».

Прона миқдорини [кеча ва кундуз йиғиндисини 21600 прона бўлишига мувофиқлаб] юқорида айтганимиздек олиш ёки ҳар бир гҳате 360 та [пронага] ҳисобланса, ёки осмон [айланаси]нинг ҳар бир даражаси 60 [прона] деб ҳисобланса бари бирдир.

Бу жойгача маънода бир-бири билан ихтилофга келмаганлар, ammo номларда ихтилофлари бор. Браҳмагупта сонияни ёки чашакани

баноре деб атаган. Кусумпуралик Орябҳате ҳам шундай [номни] ишлатган, лекин у, куннинг дақиқаларини ҳам норе деган. Иккови ҳам, осмоннинг минутига мос пронадан кичик бўлакларга ўтмаган.

Пулиса шундай деган: «Осмоннинг минутлари 21600 та бўлиб, кундуз кечага тенг бўлган кунларда соғ одам шу сон қадар нафас олади. Осмон бир минутли [ёй]ни битта нафас олиш муддатида кезади».

Уларда дақиқалар билан сония [секунд]лар оралигида ҳам миқдор бор. Дақиқанинг чорагига тенги кшана дейилиб, бунинг 15 дан бири кало дейилади. Дақиқанинг 16 дан бирига тенги чашакадир; бу кало деб ҳам айтилади.

Бу бўлақлар тагида учта исм бор, тартибида эса хилоф йўқ. Улар устидаги нимеша кўзнинг [ёпилиб] табий ҳолда, икки томонга очилгунча ўтган вақт. Ўртадагиси лава бўлиб, энг сўнгиси трутидир. Бу эса кўрсаткич бармоқни бош бармоқнинг ички юзига тегизиб кўтаргунча ўткан вақт, бу эса бирор нарсага [ё сўзга] таажжубланиш ишоратидир. Бу [уч миқдор]нинг ораларидаги нисбат — фарқ жуда катта. Кўпларнинг даъвосича: 2 трути — 1 лава, 2 лава — 1 нимеша. Кейин нимеша билан ундан катталари ҳақида ихтилоф қиладилар. Баъзи ларининг дейишича, кейингиси [коштҳо] 15 та, бошқаларча, 30 та нимешадир. Бошқалари, ҳалиги 3 миқдорнинг ҳар бирини 8 та бўлиб боришликни олган.

Кейинги [система] «Срўзава» китобида бор.

Шаммий ҳам ўшандай деган. У яхши таҳсил олган астрономлардандир. У [ҳалигиларга] энг кичик трутидан кичикларни ҳам орттирди. Охиргидан кичигини ану деган; бунинг 8 таси бир трутидир. Нимешанинг юқорисида коштҳо ва кало бор. Калони, юқорида айтилгандек, баъзилар чашака деб атаб, уни 30 та коштҳо дейишган. Ҳар бир коштҳо 15 нимеша, ҳар бир нимеша 2 лава ва ҳар бир лава 2 трути. Бошқалари 1 калони кун минутининг 16 дан бири деб, ҳар бир бўлакни 30 коштҳо ва ҳар бир коштҳони 30 нимеша деганлар. Кейинги бўлақлар, юқорида айтганимиздек, баъзилар ҳисобича, 1 чашака — 6 нимеша, 1 нимеша — 3 лава.

Шу ерда [Утпала] сўзи тугайди. «Божу-пурона»ча, 1 мўҳўрга — 30 кало, 1 кало — 30 коштҳо, 1 коштҳо — 15 нимеша. Бундан кичиги кўрсатилмаган.

|| Бу маъноларни аниқлаш учун йўл — система йўқ. Шунинг учун 171 Утпала ва Шаммий тутган йўлни, яъни пронадан пастдагиларни 8 ва 8 та бўлиб боришини қабул қилсак яхшидир. У ҳам бўлса 1 прона — 8:нинг, 1 нимеша, 1 нимеша — 8 лава, 1 лава — 8 трути, 1 трути — 8 ану бўлишидир. Бу [система] ушбу жадвалда кўрсатилди.

Исмлар	Каттасида кичиклари	Бир кунда, булардан ҳар бирининг сони
Гҳате, ноде,	60	60
Кшона	4	240
Чашака, Ви-ноде		
Кало	15	3600
Прона,	6	21600
Нимеша	8	172800
Лава	8	1382400
Трути	8	11059200
Ану	8	88473600

Ҳинд оммаси кунни 8 праҳарага бўлади. Бу эса қоровулликда битта навбат вақтидир. Мамлакатларнинг баъзи қисмларида гҳате билан ифодаланувчи сув соатлари ишлатилади. [Навбатда] 8 мўҳўртача сувни кузатади. Бундан кейин навбати [бошқасига] ўтади.

Агар етти гҳатедан кейин бир навбат ўтса, ногора урилади ёки чиганоқсимон айланма карнай — шанкха чалинади, форсларда спед — муҳра дейилиб, пуфланиб чалинади. Буни мен, Пуршура<sup>1</sup> шаҳрида кўрдим. Унинг товуши билан бирор иш ва ҳодиса вақтлари белгиланади.

Яна, кун 30 мўҳўртага бўлинади. Бу бўлиниш ҳам шубҳали бўлишдан холи эмас. Гоҳо уни гҳатега нисбатан тенг деб гумон қилиш мумкин. Айтишларича, икки гҳате битта мўҳўртага тенг ёки битта навбатга тенг, яна баъзилари, ҳар бир навбат учта мўҳўрта-ю уч чорак бўлади, дейдилар. Ўзгармас соатлар юриши шунга асосланади. Лекин бундай соатларнинг кундузлик ва кечалик миқдори кенгламага боғлиқ бўлиб ўзгаради.

Демак, мўҳўртанинг кундузлик миқдорининг кечалигига тенг эмаслиги гумон қилинади.

Кейин [вақт] эгалари рўйхати кўрсатилганда бу фикрнинг тескариси пайдо бўлади; чунки улар ҳар кундузни ҳам, ҳар кечани ҳам 15 та [тенг бўлак]га бўладилар ва шунга асосланиб ишларини муавважа [ўзгарувчан] соатлар бўйича юргизадилар. Белгили вақтда одам соясининг бармоқларда ифодаланган узунлигидан туш чоғидаги соясининг узунлигининг айрилганига қараб мўҳўрта аниқланади. Қолдиғи [қуйидаги] жадвалнинг ўрта [сатрида] кўрсатилади, биз уларни шеърларига муносиб кўчирдик.

[Кундуз бошидан] туш чоғига ўтган мўҳўрталар сони	1	2	3	4	5	6	7	
Туш чоғидаги соянинг [бармоқ бўйича узунлигидан] ортиқчаси	96	60	12	6	5	3	2	0
Туш чоғидан кейинги ўтган мўҳўрталар сони	14	13	12	11	10	9	8	

|| «Сиддиҳонта»ни шарҳ қилган Пулиса кейинги фикрни очиқ айтиб, мўҳўртани икки гҳатега тенг дейишни инкор қилиб, кундузнинг гҳателар саноғи йил бўйича ўзгариб боради, лекин мўҳўрталар саноғи ўзгармайди, дейди. Шу билан, мўҳўрта миқдорини белгилашида ўз сўзини ёлғонга чиқаради, уни 720 прона, яъни нафасга тенг қилади. Нафаснинг ўзи икки ҳолдан иборат: бири — апона, яъни ҳаво олиш, иккинчиси — прона, яъни ҳаво чиқариш. Иккаласи яна нишоса ва авашоса деб номланадилар. Булардан биринчиси юқорида айтилган ва у ўз ичига иккинчисини ҳам олади, деб тушунилган эди. Бу эса, кун дейилганда, унга ўзига тегишли кечани ҳам қўшилгани сингаридир. Демак, мўҳўрта 360 та ҳаво олиш ва шунча ҳаво чиқариш [вақти]га тенгдир.

Гҳате миқдорини таърифлашда у шу икки турлидан фақат бир нафасни олиб, унинг 360 тасига тенг қилди. Энди, мўҳўрта нафасларга асосланган ўлчов бирлиги бўлар экан, гҳате ва муставий соат учун ҳам бирлик бўлади. Лекин унга мойил бўла туриб, унинг муҳолифига, яъни кундузнинг мўҳўрта [сони] экваторда ёки ундан бошқа соҳаларда тенг кунлик чоғларда ҳақиқатан 15 та бўлади, деганларга қарши бўлган. Унингча, абҳижит туш вақтига ва кундузнинг иккинчи ярми бошидан бошланишига тўғри келади. Агар мўҳўртанинг кундуздаги сони ҳар хил бўлса эди, сони абҳижит дейилиб, туш чоғи учун ном ҳар хил бўлар эди.

Въёса айтишича, Жузиштҳира туғилиш чоғи оқлик яримда, тушда саккизинчи мўҳўртага тўғри келган. Шунинг назарга олиб, қарши [киши] кеча ва кундуз бир-бирига тенг бўлган деса, Маркандевача жайшитҳа ойининг тўлган кунда бўлган, бу эса тенг кунликдан узоқдир, деган. Кейин, Въёса айтганки, Васудева абҳижит чоғида кечанинг ўртасида бҳодрапа ойининг қоронғилик ярмининг саккизинчи [кунда] туғилган. Бу ҳам тенг кунликдан узоқдир. Васиштҳа Васудева ҳамшираси Канса-

нинг ўғли Шишуполани абҳижитда ўлдирган, деган. Уларнинг ҳикоя қилишларича, у тўрт қўлаик бўлиб туғилган эди. Онасига юқоридан келган ушбу овоз эшитилган: «Унга ўлдиргувчиси тегса, ортиқча қўллари ажралиб тушади». Кейин уни у ерда ҳозир бўлганлар кўкрагига тегиздилар. Васудева тегини билан, айтилгандек, [гўдакнинг] икки қўли ажралиб тушди. Сўнгра унга [Васудевага] холаси: «Шаксиз, бир кунни сен боламни ўлдирасан», деган. Буни эшитгач, Васудева шундай дейди: «Ҳозир бундай қилмайман, қасддан жиноний иш қилмагунча жазоламайман» ва ёмонлик ҳаракати ўнтадан ошмагунча уни ўлдирмайман».

Кўп вақтлар ўтгандан кейин Жузинтҳира олов учун қурбонликка ҳозирлик кўрди; Вьёсага шпорат қилдики, у ҳозир бўлувчи [меҳмон]ларни даражасига қараб жойлаштиргай ва улардан бирини [зиёфатга] бошлиқ қилгай, олдига сув ва гул қўйгай. Бошлиқликка Васудева кўрсатилди. Холасининг ўғли [Шишупола] ҳам ҳозир бўлган эди. Энди у такаббурликка ўтиб, ўзини Васудевага нисбатан ортиқ ҳурматга сазопорман деб ўйлаб, фахрланиб, ҳатто Васудева отасини ҳақорат қилди. Бунинг адабсизлигини омма кўрди. Шунда ҳам Васудева унга индамади; бад ҳаракати ўндан ҳам ортди. Шу сабабли [Васудева] жомни [қўлга] олиб, камондан ўқ отгандек [шиддат билан] унга қараб отди ва [Шишупола] калласини кесди. Ўша айтилган гап шундан иборат.

Абҳижитнинг тушга — саккизинчи мўҳўрта ўртасига мос келишини аниқламасдан туриб, ҳеч ким айтганларимизни далил қилиб келтира олмайди. Ҳинд ери [географик] кенгламача катта бўлмаганидан, [жойларла] кундузи билан кеча фарқи оз бўлганидан, тенг кунликлардан узоқ турган кунларда ҳам туш чоғи саккизинчи мўҳўртанинг бир четида, умуман ичида бўлиб ўтади.

Натижа чиқариш учун келтирган нуқсонли далиллардан бири [Пулисанинг] Гаргадан олган шу ҳикоясидир: «Экваторда, абҳижит чоғида соя йўқ бўлади». || [Бу сўзи] фақат тенг кунликлар кунни учун доимо тўғридир. [Тенг кунлардан] ташқаридаги кунлар учун [сўзи] тўғри келмайди. Айтайлик [экваторда] доимо ўша айтилгандек бўлса ҳам, бироқ унинг [текширилаётган] масалага алоқаси йўқ.

Мўҳўрта эгалари ушбу жадвалда келтирилди:

Мўҳўрта рақами	Кундузлик мўҳўрта эгалари	Кечалик мўҳўрта эгалари
1	Шива ва у Маҳодева	Рудра, яъни Маҳодева
2	Бхужага, яъни илон	Ажа, яъни барча туёқли [ҳайвонлар] эгаси

3	Митра	Аҳрибудана, яъни Уттарабадрапада эгаси
4	Питри	Пушан, яъни Ревате эгаси
5	Васу	Дасра, яъни Ашвине эгаси
6	Оп, яъни сув	Антака, яъни улим фариштаси
7	Вишва	Агни, яъни олов
8	Виринжа, яъни Бароҳим	Дҳотри, яъни қуриқловчи Бароҳим
9	Кешвара, яъни Маҳодева	Сома, яъни Мригашерша эгаси
10	Индрогни	Гуру, яъни Муштарий
11	Раис Индра	Ҳари, яъни Норояна
12	Нишокара, яъни Ой	Рави, яъни Қуёш
13	Варуна, яъни булут эгаси	Жама, яъни улим фариштаси
14	Аржаман	Тваштри, яъни Четра эгаси
15	Бҳогева	Анила, яъни шамол

Ҳиндларда астрологлардан бошқалари соатни ишлатмайдилар, улар соатларнинг ва шу билан бирга кунларнинг эгаларини гапирадилар. Кундузларнинг эгалари кечаларнинг ҳам эгаси бўлади. Улар кундузларнинг кундан ажратмайдилар; кечаларни асло зикр қилмайдилар. Кейин, эгаларни муставий соатларга мувофиқлаб тартибга қўядилар.

Соатни ҳўро дейдилар. Бу ном ўзгартма соатларга ҳам ишлатилса керак. Буржлардан ҳар бирининг ярми нембаҳр деганимиз ҳам ҳўро дейлади. Бир кундуз ва бир кеча [давоми] да доим олти бурж [180°ли ёй уфқдан] чиқади. || Буржнинг ярми неми билан аталадиган соат во- 174 ситасида кеча ва кундуз [ҳисобланар экан], улардан ҳар бири 12 соат бўлади ва у шаҳарларимизда ишлатилиб, астролябларда ўзгартма соатларнинг эгалари расми берилади.

Бу сўз «Карана-тилака», яъни зижларнинг муҳимида, Въяжананднинг [қуйидаги ҳукми билан] таъкидланади; унда йил ва ой эгасини библишдан кейин [шундай] дейилган: «Ҳўротҳалати, яъни соат эгасини [топишда] эрталаб чиққан ёритгичдан [берилган соатда чиқувчигача] даражаларни дақиқаларга айлантириб, уни 900 га бўл; чиққан сонни кун эгасидан бошлаб фалаклар тартибида қуйинга санаб бор: [санаи] соат эгасида битадн». Уни шундай дейиши лозим эди: «Чиққанга бирни қўшиб, кейин кун эгасидан бошлаб сана». У «Чиқувчининг экваториал даражасини сана», деганда эди, у ҳолда натижаси ўзгармас соатни берар эди.

Уларда, яна ўзгартма соатлар учун номлар бор. Уларни қуйидаги жадвалда кўрсатдик; ўйлаймизки, улар «Срўзава» [китоби]дан олинган.

Хуро сони	Кундузги хуро номлари	Яхшими ё ёмонми	Кечаги хуро номлари	Яхшими ё ёмонми
1	Равдра	ёмон	Колоротри	ёмон
2	Савмъя	яхши	Родҳине	яхши
3	Карола	ёмон	Вайраҳма	яхши
4	Саттра	яхши	Тросания	ёмон
5	Вега	яхши	Гўҳания	яхши
6	Вишола	яхши	Моё	ёмон
7	Мритусора	ёмон	Дамаръя	яхши
8	Шубҳа	яхши	Жеваҳаране	ёмон
9	Крода	яхши	Шўшине	ёмон
10	Чандола	яхши	Вришне	яхши
11	Криттика	яхши	Доҳарей	энг ёмон
12	Амрита	яхши	Чонтима	яхши

«Вишну-дҳарма»да айтилишича, ногалар, яъни илонлар орасида 175 Нога-кулика номли илон бор. Еритгичлар соатларидан || маълум қисмлари буники бўлиб, у наҳс ҳисобланади. У соатларда ейилган таом зарар қилади, фойда бермайди; заҳар билан тузатиш [чораси] ҳам натижасиз бўлади; ҳатто ўладилар ва ҳалокатга йўлиқадилар; [илон] чаққанда дуогўйнинг авраши фойда қилмайди, чунки авраш, Гарудани эслаш билан ижро этилади. Шундай машъум вақтларда лайлак ҳам ўзига фойда етказмайди, бунинг зикри ортиқча [сўздир].

Шундай соат вақтлари 150 бўлакка бўлиниб, ушбу жадвалда кўрсатилди:

Соат эгалари	Қуёш	Ой	Миррих	Уторид	Муштарий	Зухра	Зуҳал
Кулика қисмигача	67	71	0	0	17	144	86
Булардан кейин кулика таъсирида бўлган бўлаклар	16	8	37	2	2	6	64

## Уттиз бешинчи боб

### ОЙЛАР ВА ЙИЛЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА

Табиий ой — [Ойнинг] бирлашма [ижтимо]дан бирлашмагача [ўтган вақти] дир. Шунинг учун у табиий ҳисобланади, чунки Ой жисмидаги ёруғ [сатҳ] табиатдаги [ўсимлик] аҳволига ўхшаб, йўқдан пайдо бўлиб, унинг, ўса бориб, кўтарилиб, камолига етиб, гўё ўсишдан тўхтагандай бўлади, кейин эса пастлашиш, қариш ва гойиб бўлиш томонига ўтиб. охири йўқ бўлиб кетишгача боради. Ойнинг ёруғ сатҳи ҳам худди шу равишда бўлади. Кўринмай қолганидан кейин ўроқ шаклини, кейин ярим, кейин тўла кўринишни олиб, кейин ҳалигидек тартибда [кичрая бориб], ингичка чизиққа айланиб, кейин [икки-уч кун] кўринмай қолиш ҳолига қайтади.

Аммо кўпчиликка ойсиз кечаларнинг қанча вақт бўлишлиги маълум, лекин Ойнинг қайси вақтда тўлган бўлишини ҳар ким ҳам билавермайди. Ҳатто Ойнинг кичиклиги ва Қуёшнинг катталиги ўрганилгач. Ойнинг ёруғ қисмининг қора сатҳига нисбатан қанча катта бўлиши аниқланади. Бу эса, албатта, Ойнинг тўлишган ҳолатида бир қанча вақт туриб қолишини тақозо этувчи кайфиятлардандир.

[Ойнинг] намлик [жисм]ларга таъсири бўлиши керак; ҳатто унинг айланишига боғланиб сув кўтарилиши ва пастлашиши ортади ва камаяди. Бу [ҳодиса] денгиз қирғоқларида яшовчиларга ва денгизда кезувчиларга яширин эмас. Шунингдек, у [Ой фазалари] билан касалликнинг ҳолатлари ва унинг кризислари даврларининг боғланиши табибларга яширин эмас. Табиётчилар жониворларда ва ўсимликларда бўладиган ҳолларни унга боғлайдилар.

Тажрибалар ой охирида мия ва иликка тухум, шаробнинг хум ва бочкалар тагидаги қуйқасиға таъсирини, ҳамда ой тўлган кунларда қаттиқ уйқудагининг ҳаяжонланиши ва ойдинли жойга қўйилган каноп кийимнинг айнашини биладилар. Деҳқонларга полиздаги қовун, тарвуз, пахта ва ҳоказоларда зоҳир бўладиганлар [маълумдир]. Ҳатто улар



176 [Ойга қараб] уруғлар сочинш, экиш, кўчатлар ўтқазинш, пайванд қилиш ва чангитинш, ҳайвонларни урчинтиш ва бошқалар вақтларини аниқлайдилар. Астрономларга || Ой фазалари ва ҳаракатларига атмосферик ҳодисаларнинг олдиндан бўладиган таъсири [маълум].

Мана шу ойдир. Унинг 12 тасини «ой йили» деб аташ расм бўлган.

Аммо табиий йил — Қуёшнинг буржлар бўйича [эклиптикача] бир марта айланиб келиш муддати бўлиб, экин экиш ва уруғланиш даврини ўз ичига олган тўрт фаслга тенг. Бу муддатда қуёш нури ер юзидан бир даврни ўтказди. Гномон — миқёс сояси белгили узунликдан, жойдан ва йўналишдан ўтиб, яна уларга қайтиб келади. Шундай йилни ой йилидан ажратиш учун уни қуёш йили дейилади. Ой ойи ўз йилининг олтидан бирининг ярмига тенг бўлгани сингари, қуёш йилининг ўн иккидан бири унинг бир ойи бўлади. Бу эса ўртача ҳаракатчандир. Лекин Қуёшнинг ҳар бир буржда бўлиш муддати улардаги ҳаракат [тезлигича] ҳар хилдир. Юқоридаги икки хил ой ва йил машҳурлардандир.

Ҳиндлар [Қуёш билан Ой] бирлашмасини авомосё, қарама-қарши туриш вақтини пўрнима ва икки квадратурадан ҳар бирини отвахҳа дейдилар. Улардан баъзилари ой йиллари, ой ойлари ва кунларини ишлатадилар. Баъзилар [Қуёшнинг] эклиптикача вазиятига асослаб, қуёш ойларини ишлатадилар. Бир буржда бўлиш вақти санкронте дейилади. Бунинг муддати тахминий ҳисобланади. Агар улар шундай қуёш йилининг ва ойлариинг анигини ишлатиб борсалар эди, кабиса йилларни киритишга ҳожат қолмас эди. Баъзилари ой ойини бирлашма кундан бошлайдилар, бу эса дуруст қонда; баъзилари қарама-қарши туриш кунидан бошлайдилар. Эшитишимча, Бароҳамиҳира шундай қондан олган, лекин уни китоблардан текшириб аниқлай олмадик. Бу қонда дуруст эмас [ман этилишига сазовордир]. У эски қонда бўлса керак, чунки «Веда»да шундай дейилган: «Одамлар айтадилар: — Ой тўлди, демак, ой [ойи] тамом бўлди». Бу эса менинг изоҳимни билмасликларидандир; изоҳимда айтилганки, яратувчи оламни ойнинг ойдинли ярми ўртасида яратишга киришган; қоронғилик ярмида эмас». Эҳтимол, бу сўз халқдан олингандир.

Ой ойининг биринчи куни бирлашмадан кейин бошланади ва у «брба» дейилади. Ой ойининг биринчи куни қарама-қарши туришдан кейин ҳам бошланади. Иккаласидан бир хил узоқдаги кунлар бир хил номли бўлиб, Ой жисмидаги ёруғлик ва қоронғулик ҳам шу икки кунда бир-бирига тенг бўлади. Биринчидаги Ой чиқиш вақти иккинчисидаги ботиш соатига тенг бўлади. Ҳисоблаш шундай тенгликка асосланган:

Ой ойдан ўтган кунлар 15 дан кам бўлганда, у сон ёки 15 дан ортиқ бўлса ортиқча сон, у кечада гҳате сонига кўпайтирилиб, кўпайтмага доимо 2 қўшилади, йингинининг 15 га бўлинмаси оқ кунларда

кеча бошидан ой ботганигача ёки чиққанигача ўтган ҳафсага тенг бўлади, чунки бир кечада бу муддат айирмаси икки дақиқа [кунни 60 дақиқа деганда] кеча узунлиги 30 дақиқа атрофидадир. Қўпайтма [кеча] ярмига бўлинса, ҳар бирлик учун 2 дақиқа чиқади. Кеча узунлиги ҳар хил бўлганидан, кеча миқдорининг худди ўзига кўпайтирилади. Агар ҳисоблашнинг аниқроқ бўлишини исталса, берилган кечага ой бошидаги кеча узунлиги қўшилиб, икковининг ярми топилади. Бунга икки дақиқани қўшиб фойдаланилди; || чунки [Ойнинг Қуёш билан] бирлашиш чоғи бу икки дақиқага мос бўлиб, ҳиллолнинг кўриниш чоғи ой бошига мос келар эди. 177

Ойлар кунлардан таркибланади; шунинг учун кунлар сонига қараб, ойлар ҳам ҳар хил бўлади. Улардан ҳар бири 30 [кун] деб ҳисобланади, бу эса стандартдир.

Аммо, калпа муддатидаги икки ёритгич [Қуёш ва Ой] даврлари сонини ҳисобга олинганда, ой оғи ҳиндларча  $29 \frac{189005}{356222}$  кун. Бу сон калпадаги кунлар сонини ундаги ой ойлари сонига бўлганда чиқади. [Калпадаги] ой ойлари сонини эса икки ёритгич [Қуёш билан Ой] даврлари сонини орасидаги айирма — 53 433 300 000 га тенг. Аммо Ойга келсак, у 30 ой кунларига тенг, чунки бу шамсия йилни 360 кун деб айтилганидек шартлидир. Шамсий ой 30 кун, аммо ўртача қуёш оғи  $30 \frac{1362987}{3110400}$  кун бўлади. Оталар оғи бизларнинг ойлариимизнинг 30 тасига тенг, 885 ва  $\frac{163410}{178111}$  ўртача қуёш кунини. Фаршталар оғи 30 йил ёки  $10957 \frac{241}{320}$  ўртача кун. Бароҳим оғи 60 калпа ёки 94674987000000 ўртача кун. Пуруша оғи 2 минг-минг [миллон] ва 160 минг калпа ёки 340 829 9532 ёнига — 9 та ноль ёзилгандаги сон қадар кунга тенг. Қҳа оғи 94674987 ёнига 23 та ноль ёзилгандаги сонга тенг. Мазкур ойлارни 12 га кўпайтурсак, йилнинг кунлари ҳосил бўлади.

Ой йили  $354 \frac{65361}{178111}$  ўртача кундир. Қуёш йили  $365 \frac{827}{3200}$  ўртача кундир. Оталар йили 360 ой оғи ёки  $10631 \frac{1699}{178111}$  ўртача кундир. Фаршталар йили 360 йилимизга тенг ёки  $131493 \frac{3}{80}$  ўртача кундир. Бароҳим йили 720 калпа ёки 1 136 099 844 ёнига олтига ноль ёзилган сон қадар ўртача кундир. Аммо Пуруша йили 25920000 калпа ёки 40 899 594 384 ўнгига тўққизта ноль ёзилган сон қадар ўртача кундир. Қҳа йили 1 136 099 844 ўнгига 23 та ноль ёзилган сон қадар ўртача кундир.

Бу [кейинги сон] уларнинг китобларида ёзилган бўлиб, нарсанинг энг бошидан энг охиригача [яшаган вақт] Пуруша кунидан таркибланмайди. Биринчиликда ундан аввалги [нарса] йўқ ва охириликда ундан охириги нарса йўқ. Бундан бошқа кунлардан ойлар ва йиллар таркибланади. Улар вақтининг узунлиги жиҳатидан Пуруша кунидан камдир-

лар. Бу [Пуруша куни] улардан юқорида, руҳдан ҳам юқорида; Пуруша билан руҳ бир-биридан фақат тартиб жиҳатидан фарқ қилади. Улар, Пуруша ҳақида сўфийлар сўзи сингарни фикр қиладилар. У биринчи ҳам эмас ва бошқа бирор нарса ҳам эмас. Аммо хаёлга, ҳозирги замондан 178 икки томонга қаратиб, яъни бўлиб ўтган || муддатни ва келажакдаги муддатни келтириш мумкин. Ҳар бир томондаги [муддат]га бир кундан, ё бир ойдан, ё бир йилдан қўшиб боришни хаёл қилиши мумкин. Улар фикрича, йўллар [буткул] ҳаётнинг бошланишидан уларнинг йўқ бўлиб кетгунича ишлатилади. Лекин, яратувчи худо буларнинг икковидан юқорида [ҳаёт бўлмаган вақтда ҳам] бўлган. Шунингдек [уларча] басит жавҳарлар [ҳаво, олов, тупроқ, сув]нинг бўлишлик даври [Пуруша] кунидан кам бўлиб, ундан ортиқ эмас.

Энди шунни айтамыз: фикрларнинг ҳаммасини кўрсатишга ҳожат ҳам йўқ. Улар бир-бирига хилоф, терминларнинг шохланиши [яъни ҳар хил маъно олиши] билан ҳам фикрлар саногии ортишига йўл берилган. Улардан ўзаро мувофиқлари тартибли ва қоидалидир. Баъзилари улардан маҳрум. Кейинги фикрларидан бири эсимга келди, бунинг қайси манбадан эканлиги ёдимда йўқ. Унда шундай дейилган: «Одамларнинг 33000 йили Етти Қароқчилар учун бир йилдир. Одамларнинг 36000 йили Бароҳим учун бир йилдир. Одамларнинг 99 000 йили қутб учун бир йилдир».

Ҳолбуки, майдонда икки саф оралигида жанг борганда Васудева Аржунага деган эди: «Бароҳим куни икки калпага тенг». Бароҳим-сид-дихонта»да Прошара ўғли Вьёсадан ҳикоя қилинишича ва «Смрити» китобида дейилишича, калпа Деваканинг, яъни Бароҳимнинг бир кундузига тенг, унинг кечаси ҳам ўшанчадир. Булар яққол беҳуда сўздир. Албатта, 36000 йил собиталарнинг эклиптика бўйича ҳар бир даражани юз йилда кезиши шартида бир марта айланиши [вақти]дир. Етти Қароқчилар эса у [юлдуз]лардандир. Бу [Етти Қароқчи қадимги ҳинд китобларида] бошқа [юлдузлар]дан ажратилган ҳолда бўлганидан ердан узоқлигини бошқалардан кўра фарқ қилганлар; бошқаларда бўлмаган ҳолат бунда бўлиши керак [деган фикрга келишган].

Унинг даври тез бўлиб, у ҳам бўлса бир йилдир, аммо ўшанчалик йил деб кўрсатиш тамоман нотўғридир. Қутбнинг эса бир йиллик даври йўқ.

Буларни назарга олиш, сўзлагувчининг илмдан жиддий узоқлигини ва билимсизлар орасида ўзини шарафли қилиб кўрсатмоқчи бўлганлигини билдиради; зикр қилинганларга бундай йилларни қўшиш билан гўёки ўз улуғлигини кўрсатиш ва сонларни зўрайтириш билан шуҳратини орттириш важҳидан бўлган.

Ўттиз олтинчи боб

МОНА ДЕБ АТАЛАДИГАН ТҶРТ ХИЛ МИҚДОР ҲАҚИДА

Мона ва прамона миқдор-ўлчов демакдир. Шу тўрт миқдор, Ёқуб ибн Ториқ таҳқиқламай, номларини хато равишда — агар бу хато нусхани кўчиришда юз бермаган бўлса — „Фалак таркиби“ номли китобида баён этилган миқдорлардир.

Улар: савра-мона, яъни Қуёш [ҳаракатига] тегишли миқдор, сована-мона, яъни тулуий [қуёш чиқишига боғлиқ миқдор], чандрамона, яъни қамарий [Ой ҳаракатига тегишли миқдор]; накшатра-мона, яъни манзилий [миқдор].

Булардан ҳар бирининг кунлари бор. Бирининг кунлари санаги бошқасиники билан солиштирилса, ихтилоф чиқади ва 360 сони ҳаммаси учун умумийдир. Тулуий кун [яъни ўртача қуёш куни] бошқа кунларни чиқаришга уларнинг ҳар бири учун ўлчов бирлигидир.

Аммо савра-монага келсак, маълумки, қуёш йили  $365 \frac{827}{3200}$  ўртача кундир. Агар 360 га бўлинса ёки ўн сонияга  $[\frac{1}{360}]$  кўпайтирилса  $1 - \frac{5609}{384000}$  ўртача кун, яъни шамсий кун чиқади. || „Вишну-дҳарма“ 179 китобида, бунини Қуёш ўз бхуктисини [Қуёшнинг 1° ли ёйни] кезишига кетган [вақт] дейилган.

Аммо сована-мона эса бошқа кунлар [миқдорини] аниқлашда ўлчов бирлигидир.

Аммо, чандра-мона эса титҳи деб аталган ой куни учундир. [Ой] йили 360 га ёки [ой] ойи 30 га бўлинса, ой куни чиқади. У эса  $10\ 519\ 443$   $10\ 686\ 660$  ўртача кунга тенг. „Вишну-дҳарма“ да Ойнинг Қуёш [олдидан] кетишига шунча вақт ўтганда у [ой] кўринади, дейилган.

Накшатра-мона эса Ойнинг 27 манзилдан утиб чиқиш муддатидир. Бу  $27 \frac{11\ 259}{35\ 002}$  кун, яъни калпадаги кунлар [сонини] ундаги ойлар давр

[сонига] бўлинмасидир. Бу муддат 27 га бўлинса, Ойнинг бир манзилни кезиш вақти  $1 \frac{417}{35002}$  ўртача кун чиқади. Ҳалиги муддатнинг 12 таси ой ойида бўлган ҳисобдек бир-бирига қўшилса,  $327 \frac{15051}{17501}$  ўртача кун ҳосил бўлади. Агарда Ойнинг манзиллардан ўтиб чиқиб муддати 30 га бўлинса  $\frac{318771}{350020}$  ўртача кун чиқади. Бу манзилий кун муддатидир. Бу эса „Вишну-дҳарма“ авторининг пакшатра-мона ойи 27 кун деганига асосланган. Қолбуки, бошқа моналарнинг ойлари 30 кундир. Ундан йил тузилса, у  $327 \frac{15051}{17501}$  кун бўлади.

Савра-мона воситасида калпа, чатуржугадаги тўрт жугаларда, туғилгандан бошлаб ўтган ёшлар, икки тенг кунлик, икки қуёш турадиган кунлар, йилнинг олтидан бирлари ва бир кундаги кеча билан кундуз айирмаси вақтлари ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси қуёш йиллари, ойлари ва кунларида ифодаланади.

Аммо чандра-монага келсак, у 11 каранани, кабиса ойни, нуқсон кунлардан йигиладиганларни, икки [хили] тутилиш учун бирлашиш ва қарама-қарши туриш [вақтларини] аниқлашда ишлатилади. Буларнинг ҳаммасида титҳи деб номланган ой йиллари, ойлари ва кунлари ишлатилади.

Аммо сована-мона воситасида эса вора, яъни ҳафта кунлари ва аҳаргана, яъни эра кунлари [аниқланади]; байрам ва рўза кунлари [аниқланади]; сўтака, яъни туққан хотиннинг тозаликка ўтиш, ўлган хонасининг ва идишларининг ифлослик кунларини [аниқлашда], жикитсу, яъни медицинада дориларни қабул қилишнинг ойлари ва йилларини тайинлашда, парояшчитту, яъни гуноҳ қилларнинг кафорати учун, браҳманлар фарз қилган рўзани туттиш ва ўзига ёғ ва гўнг суриб қўйиш кунларини аниқлашда [ишлатилади], буларнинг ҳар бири ўртача кунлар, уларнинг ойлари ва йиллари билан ҳисобланади. Бирор нарса тўртинчи миқдор — манзилий билан тайинланмайди, у ой ойига киради. Тоифанинг вақт миқдорини ўлчашиликда кун исмини қандай атаса ҳам, у кун моналар жумласидан бўлади. Ўшандай [кун]ларнинг баъзилари илгариги [бобларда] зикр қилинди, лекин бу тўрт хили ҳақида айтилмагани учун уларга бу бобни ажратдик.

## ОЙ ВА ЙИЛ БУЛАКЛАРИ ҲАҚИДА

Бир йил [Қуёшнинг] эклиптика бўйича бир марта айланиб келиши [даври] бўлганидан у [эклиптика] бўлақларга бўлинади. [Қуёшнинг] иккита бурилиш [кун туриш] нуқталари билан эклиптика иккига бўлинади. Шунга мосланиб йил ҳам иккига бўлинади. || Бу бўлақлардан ҳар бири аяна дейилади. Қуёш қишки бурилиш нуқтасидан ўтиши билан шимоллий қутб томонга ҳаракат қилади. Шунинг учун, бу бўлақда Қуёш йилнинг ярми қадар бўлиб, шимолда бўлганидан уттараяна дейилади. у ўз ичига Қуёшнинг олти буржни кезган муддатини олади; бу [бўлақ] Жадди [буржидан] бошланади. Эклиптиканинг Жаддидан бошланган бу ярми мақаради — «Боши Жадди» дейилади. 180

Қуёш ёзги бурилиш нуқтасидан ўтиши билан жанубий қутб томонга ҳаракат қилади. Шунинг учун, бу бўлақ йилнинг иккинчи ярмига тегishли ва жанубда бўлганидан дакшинояна дейилади; у ҳам ўз ичига Қуёшнинг Саратондан бошлаб олти буржнинг кезган муддатини олади. Саратон [буржидан] бошланганидан бу бўлақ какродди, яъни «Боши Саратон» дейилади. [Қуёшнинг] бурилиш кунлари яққол билинадиган бўлганидан халқ [вақт ҳисоблашда] шу иккита бўлақдан фойдаланади.

Эклиптика [бундан] бошқа яна икки бўлаққа бўлинади. Булар эса [Қуёшнинг] экватордан оғиш кунларига асосланган. Омма бу оғишни аввалгини билгандек билмайди. Бунинг аниқлаш [астрономларга] хос [иш]дир, чунки [улар] гномон ва назария воситасида кузатадилар. Унинг ҳар бир ярми кўла дейилади; шимолга қийшайган бўлақ уттаракўла ёки мис оди [мишоди] дейилади, бу бунинг боши Ҳамалда демакдир. Жанубга қийшайган бўлақ дакшақўла ёки тулоди дейилади; бу боши Мезонда демакдир.

Бу икки қисмга бўлинган эклиптика тўртга бўлинади. Қуёшнинг бу бўлақларни юриш муддати йилнинг фаслларига тенг бўлиб, бу

[фасл]лар: баҳор, ёз, куз ва қишдир, буларнинг ҳар бирига тегишли буржлар бор.

Лекин ҳиндлар йилни тўртга бўлмай, олтига бўладилар. Олтидан бирларнинг ҳар бири риту деб номланган. Демак, ҳар бир риту икки шамсий ойдир. Бу муддат Қуёшнинг ёнма-ён икки буржни кезиш вақтига тенг. [Олтидан бирларнинг] кўпроқ тарқалган номлари ва эгалари қуйидаги жадвалда ёзилди. Эшитишимча, Соманотқ ерларида халқ йилни учга бўлади, демак, ҳар бири тўрт ой бўлиб, биринчиси — варшакола ошара ойдан бошланади; иккинчиси — ситакола, яъни қиш, учинчиси — ушнакола, яъни ёз.

Уттараяна, девалар ёки фаришталарники	Риту буржлари	Жадди ва Далв	Хут ва Ҳамал	Савр ва Жавзо
	Риту исмлари	Шишира	Васанта ёки Кусумокара	Гришма ёки Нидогҳа
	Риту эгалари	Норада	Олов Агни	Индра Раис
Дакшинояна Питаралар—оталарники	Риту буржлари	Саратон ва Асад	Сунбула ва Мезон	Ақраб ва Қавс
	Риту исмлари	Варшакола	Шарад	Хеманта
	Риту эгалари	Вейшнава	Пражопате	Вейшнава

181 Менимча, || улар эклиптикани 6 та тенг бўлақларга бўладилар; [маълумки] бундай бўлақ [га тегишли ватар] радиусга тенг. Булар иккита қуёш туриши нуқталаридан бошланади. Шундай экан, уларники бизнинг ҳар бир олтидан бирни иккига [айланани 12 га] бўлиш билан, бўлақни ҳам иккита қуёш туриши нуқталаридан, ҳам иккита тенг кунлиги нуқталаридан бошланадиган қилиб, [уларни] тўртдан бирликларда ҳам ишлатишимиз сингаридир.

Аммо [қамарий] ойларнинг ҳар бири иккига бўлиниб, улар [дан ҳар бири] бирлашишлар билан қарши туришлар ораликлар [вақти]га тенг.

«Вишну-дҳарма»да зикр қилинган ярмининг эгалари кўрсатилган. Уларни ушбу жадвалга ёздик:

Ойларнинг исм-лари	Ҳар ойнинг ёруғ ярми эгаси	Ҳар ойнинг қоронғу ярми эгаси
Чайтра	Твашатри	Жомъя
Вайшакҳа	Идроғни	Ағния
Жайшитҳа	Шукра	Равдра
Ошора	Вишведевоҳ	Сорта
Шрована	Вишну	Питръя
Бҳадрапада	Ажа	Сонта
Ашваюжа	Ошана	Майтре
Корттика	Ағни	Шакра
Морғаширша	Совтъя	Ниррити
Павша	Жива	Вишну
Могҳа	Питръя	Варуна
Пҳалгуна	Бҳага	Пушан



182 БАРОҲИМ УМРИНИНГ ОХИРИГАЧА БЎЛГАН КҮНЛАР  
ТАРҚИБИ

Кундузни димас дейдилар, бироқ фасиҳи — адабийси — дивасадир, тушни ротре, кеча ва кундуз икковини аҳаротра деб атайдилар.

Ойни моса ва унинг ярмини пакша деб атайдилар. Ойнинг аввалги ярмини ойдин ёки шуклапакша дейилади. Чунки аввалги кечалари одамлар ухламайдиган вақтларда ойдин бўлиб туради ва ойнинг ёруғ шакли ортиб боради. Қора қисми бўлса кундан-кун камайиб боради. Ойнинг иккинчи ярмини тавсиф қилиб, қоронғи ёки кришнапакша дейилади; гарчанд одамларнинг ухлаш вақтларида ёруғлик сочиб турса ҳам, ойнинг иккинчи қисмининг аввалги пайтлари қоронғу бўлади. Ойнинг юзида ёруғ камайиб, қоронғилик кўпайиб боради.

Икки ой қўшилиши риту дейилади. Бу сўз тахминан шундай, холос. Икки пакша битта қамарий ойига тенг. Бир риту эса иккита қуёш ойидан салгина кўп. Олти риту битта қуёш йилига баробар. У одамларнинг қуёш йилидир. Уни барҳ ёки барх ва ёки барш деб атайдилар. Бу уч ҳарф [ҳ, х, ш] кўпинча бир-бирига алмашишиб туради.

Одамлар йилининг уч юз олтимиштаси фаришталарнинг бир йилига тенг, уни дибба-барҳ деб атайдилар. Фаришталар йилидан ўн икки мингтаси бир чатуржуга бўлишида ихтилоф йўқ. Лекин ихтилоф унинг тўрт бўлагиде ва ундан таркиб топган калпа билан манвантарага қўшилган миқдорида бўлади. Бу иккови ҳақида ўз ўрнида баён қилинади. Аммо икки калпа Бароҳимнинг бир куни ҳисобланади. Уни икки калпа дейиш ўрнига йигирма саккиз манвантара десак ҳам бўлаверади, чунки бу миқдорни топниш учун уч юз олтимишни ўз-ўзига қўшсак, Бароҳимнинг бир йили чиқади, яъни бу етти юз йигирма калпа ёки ўн минг саксон манвантара бўлади.

Сўнгра, Бароҳим умрининг узунлиги ўзига махсус йил билан юз йил бўлади, дейдилар. Бу ё етмиш икки минг калпа ёки бир миллион саккиз минг манвантара бўлади.

Шундай қилиб, бу бобда сонларнинг чегарасини шу даражага етказдик. Аммо «Вишну-дхарма» китобида Маркандевадан ҳикоя қилишча, у Ваяра саволига шундай деб жавоб берган: «Калпа Бароҳимнинг бир кундузидир. Унинг кечаси ҳам калпани ташкил этади. Демак, ҳар бир етти юз йиғирма калпа унинг бир йили деб ҳисобланади, унинг умри эса бундай йилларнинг юзтаси давомида бўлади. Юз йиллик умр эса Пурушанинг бир кундузига тенг ва унинг кечаси ҳам шунча. Шунга қараганда Пуруша Бароҳимдан қанча вақт илгари бўлган — буни билиб бўлмайди. Буни фақат Ганга дарёси қумини ёки осмондан ёгган ёмғир томчиларини санашга қодир бўлган кишигина билиши мумкин, холос».

---

## БАРОҲИМ УМРИДАН ҲАМ ОРТИҚ МУДДАТЛАР ҲАҚИДА

Ҳар хил тартибсиз ёки юқорида айтилган сўзларга тўғри келмайдиганлардан табиат нафратланади ва уни эшитиш қулоққа малоллик келтиради. Ҳиндлар шундай бир халқки, кўп отларни зикр қиладилар ва бу атаган исмларини Аввалги Ягонага ёки ишора билан кўрсатиб бўлмайдиган бирон ягонага қаратилишини даъво қиладилар. Агар шу бобга ўхшаш мавзуга дуч келсалар, ўша отларни яна қайтадан кўп нарсаларга ишлатаверадилар, умрига ўлчам тайин этиб, ададини узайтирадилар. Уларнинг ғаразлари шундан иборат; майдон бўш, сонларга чек йўқ, тўхтатмаса тўхтамайди, яна улар қандай ишлатган бўлсалар, биз ҳам улар билан бирга ўшандай қилиб ишлатайлик десак, бу тўғрида ҳеч бир нарсада улар биз билан келишолмайдилар. Лекин улар куннинг нафасдан ҳам майда бўлакларини белгилашда келишолмаганидек, бир-бирлари билан бу масалада ҳам келишолмайдилар. Утпаланинг «Срўзава» номли китобида айтилишича, «Манвантара — раис

183 Индра умри муддатидир, йигирма саккиз || манвантара Питомаҳанинг бир кунига тенгдир. Питомаҳа Бароҳим бўлиб, унинг умри юз йилдир ва бу юз йил бир Кишава кунидир. Кишава умри юз йил бўлиб бир Маҳодева кунига тенгдир. Маҳодева умри юз йил бўлиб, Ишвара Муқаррабнинг бир кунига тенгдир. Бунинг умри ҳам юз йил бўлиб Садосеванинг бир кунидир. Садосева умри ҳам юз йил бўлиб, бу — айтиб ўтилган беш зот йўқ бўлиб кетгандан кейин ҳам ҳаминша ва доимо боқи қоладиган Виранчана Азалийнинг бир кунидир.

Юқоридаги бобда айтиб ўтилишича, Бароҳим умри 72000 калпа бўлиб, қуйида айтиб ўтадиган сонларимиз ҳам калпадан иборатдир. Агар Бароҳимнинг шу умри Кешаванинг бир куни бўлса ва бу йил уч юз олтмиш кун деб ҳисобланганда, Кешава умрининг бир йили 25 920 000 [калпа] бўлади. Кешава умри эса бунинг ёнига икки ноль орттирилганига, яъни 2 592 000 000 [калпа]га тенгдир. Бу сон Маҳодеванинг бир куни бўлиб, унинг умри, шунинг учун ҳам 93 312 ёнига

тўққизта ноль қўйилганда ҳосил бўлган рақамга [93 312 000 000 000 калпага] тенг бўлади. Бу эса Эшваранинг бир кунига тенг. Шунинг учун Эшваранинг умри 3 359 232 ёнига 12 та ноль қўйилганда [3 359 232 000 000 000 000 калпага] пайдо бўлган рақамга тенг. Мана шу кейинги ҳосил бўлган сон Садошеванинг бир кунига тенг. Шунинг учун, Садошеванинг умри 120 932 352 ёнига 15 та ноль қўйилганда ҳосил бўлган рақам [120 932 352 000 000 000 000 000 калпага] тенгдир. Бу эса Виранчананинг бир кунига тенг бўлиб, парордқа калпадир. Бу ҳам шу кунга нисбатан жуда кичик қисмдир. Мана шу тартибда — биттасининг 100 йилини бошқасининг бир кунига тенглаштириш йўли билан ҳисоблашни давом қилдириб бораверсак, қанчалик катта сонлар чиқар эди!

Лекин бошқалари бўлса, бир кунни ҳалиги тартибда майда бўлақларга ажратиб борганлар; у бўлақлар номи юқорида айтилган эди. Уларнинг тузилишларида ҳам келишмовчилик бор. Уларнинг одамлар қабул қилганларидан бирини кўрсатамиз:

Бир гҳоре — 16 кало.

Бир кало — 30 коштҳо.

Бир коштҳо — 30 нимеша.

Бир нимеша — 2 лава.

Бир лава — 2 трутидир.

Улар фикрича, бундай бўлинишга сабаб шуки, Шиванинг кунни шу каби бўлақлардан таркиб топган. Бароҳим умри Ҳари, яъни Васудева учун бир гҳоре. Васудеванинг умри 100 йил; бу эса Рудра, яъни Маҳодева учун бир кало. Маҳодеванинг умри 100 йил; бу эса Эшвара учун бир коштҳо. Эшваранинг умри 100 йил; бу эса Садосева учун бир нимеша. Садосеванинг умри 100 йил; бу эса Шакти учун бир лава. Шактининг умри 100 йил; бу эса Шива учун бир трутидир.

Агар Бароҳим умри 72000 [калпа] бўлса, Норояна умри 155 520 000 000 [калпа] бўлади; Рудра умри 5 374 771 200 000 000 000 бўлса, Эшвара умри 5 572 562 780 160 000 000 000 000 бўлади; Садосева умри 173 328 992 714 09664 ёнига 22 та ноль қўйилганига, Шакти умри 10 782 449 978 758 523 781 112 ёнига 28 та ноль қўйилганига баробар [калпа]. Кейинги сон бир трутини ифодалайди.

Агарда мана шу айтилган тартибда кун ҳисобланса, у эса 3 726 414 712 658 945 818 755 072 ёнига 31 та ноль ёзилганга қадар [калпа] бўлади. Кейинги сон Шиванинг бир кунига тенг бўлади. Унга азалий деб сифат берганлар — у туғилган эмас, ундан бошқа биров ҳам туғилмайди; махлуқларда бўладиган ҳоллардан ва сифатлардан у холидир. Бу сон 56 рақамлидир. Улар сонни жуда кўлайтириб юбормасалар эди, ҳисоблари бунчалик узун бўлиб кетмас эди. Уларнинг ҳисобларига худонинг ўзи бас келсин.

## Қирқинчи боб

### САНДҲИ — ИККИ ВАҚТ ОРАЛИГИ ҲАҚИДА

184 Аслида сандҳи кеча || билан кундуз оралигидаги вақт бўлиб, у эр-талабки ғира-шира вақт — сандҳи-удава, яъни тонг отиш вақти демакдир. Кечқурунги шафақ [ғира-шира вақти] сандҳи-астамана, яъни кун ботгандан кейинги вақт демакдир. Бу икки вақтга уларда диний эҳтиёж бор. Чунки бу вақтларда браҳманлар куйинганлар. Бу икки вақт ўртаси — туш вақтидаги [куйиниш] овқат ейиш учун бўлса ҳам, буни билмаганлар, учинчи сандҳи деб гумон қиладилар. Аммо бошқалари фақат икки сандҳини биладилар, холос. Пуроналардаги сўзларга қараганда, Дайтъя жинсидан бўлган подшоҳ Ҳираньякашипу афсонасининг нақл этилишича, у подшоҳ то дуоси мустажоб бўлгунига қадар узоқ муддатлар ибодат қилган. Кейин подшоҳ дунёда абадий қолишни сўраганида [уни абадий қолиш эмас, балки] узун умр кўриши қабул қилинган, холос. Чунки ўлмасдан дунёда абадий қолиш худонинг сифатларидандир. Аммо унга дунёда абадий қолиш муяссар бўлмаганидан кейин, ўлимим одамнинг ҳам, фариштанинг ҳам, жиннинг ҳам қўлида бўлмасин, шунингдек, ўлимим ерда ҳам, кўкда ҳам, кеча ва кундузда ҳам бўлмасин, деб сўраган. Унинг бу талаби, ҳеч бир қочиш мумкин бўлмаган ўлимдан қочиш учун бир ҳийла эди. Оқибатда, илтимоси қабул қилинди, унинг бу талаби шайтоннинг қиёмат кунигача, яъни ўликларнинг тириладиган вақтигача муҳлат сўраганига ўхшашдир. Шунинг учун, бунга ҳам маълум бир вақтгача муҳлат берилди. У замонни, инсонларга буйруқлар берилиб турадиган даврнинг охири дейилган. Подшоҳнинг Праҳлода деган ўғли бўлиб, у катта бўлгач, муаллимга топширади.

Бир кун унинг билимини синаш учун олдига чақирганида, у бир шеър ўқиб беради. У шеър маъноси ёлғизгина Вишну бор, ундан бошқа ҳеч нарса йўқ, деган маънони ифода қиларди. Бу сўз отасига ёқмади. Чунки у, Вишнунинг ёмон кўрарди. Боласига муаллимнинг ўзгартиришига, дўст билан душманнинг таниб олишига буюради. Бу билан бир неча вақт

Ўтиб, ундан кейин яна боласидан имтиҳон олганда, боласи шундай дейди: «Буюрган нарсаларингни ўргандим, лекин уларга эҳтиёж йўқ, чунки, менимча, дўстликда ҳамма баробардир, ҳеч кимни душман тутмайман». Бу сўзга ғазабланиб боласига заҳар беришга буюрди. Ўғли заҳарни олиб, худо номи ва Вишнунинг ёди билан ичиб юборди, лекин заҳар зарар қилмади. Ўғлига қараб, жоду ва афсунни биласанми, деганида, ўғли, йўқ, билмайман, лекин сени яратган ва ризқ берган худо мени сақлади, деди. Яна унинг ғазаби ортиб, денгизнинг гирдобига ташлашга буюрди. У гирдобга тушган ҳамоно уни денгиз чиқариб ташлади, бола яна ўз ўрнига қайтди. Сўнгра ўғлини ўз олдида алангаланиб турган ўтга ташлади. Ўт куйдирмади, у ўтнинг ичида ва ёлқинида туриб, худонинг қудрати ҳақида отаси билан мунозара қилиши вақтида, Вишну ҳар бир жойда бор, деди. Отаси равоқнинг шу устунида ҳам Вишну борми, деганида, ҳа, бор, деб жавоб берди. Отаси сакраб устунни бир урганида, ундан Нарасингҳа чиқади. Нарасингҳа бадани одам баданидек, боши эса йўлбарс бошидек бўлса ҳам, аммо шакли одам ёки фаришта ва ё жин кўринишида эмас эди. Подшоҳ ўз одамлари билан мудофаага киришди ва Нарасингҳа бўлса кеч киргунча ҳужумга ўтмай турди. Чунки шу вақт кундузи эди. Охирида кеч ҳам, кундузи ҳам бўлмаган, ғира-шира вақт сандҳида подшоҳни ўз одамлари билан топди ва уни ҳавога кўтариб, ўша ерда ўлдирди. У ер осмон ҳам, ер ҳам эмас эди. Нарасингҳа подшоҳ ўғлини ўтдан чиқариб, отаси ўрнига подшоҳ қилди.

Баъзи юлдуз бурж [тўда]ларининг бу вақтда ортиқроқ таъсирли бўлишга қараб [ҳинд] астрологлари бу икки вақтни назарга оладилар. Буни биз ўз жойида баён қиламиз. Бу икки вақтдан ҳар бирини тахминан ҳисоблаб, ундан фойдаланадилар. Ҳар бирининг муддати мўҳўрта ёки икки гҳати бўлади ва соатнинг бешдан тўрттасига тенгдир. Аммо Бароҳамиҳира бу сифатда афзал бўлиб, кеча-кундуздан бошқанинг бўлишини эътироф қилмади ва кўпчиликнинг сандҳи ҳақидаги райига қўшилишни ўзига мувофиқ кўрмади. У ҳақда халқнинг тўғри фикрларини баён қилди. Унинг фикрича, сандҳи — ғира-ширалик қуёш жисмининг маркази ҳақиқий уфқ || доирасида бўлган вақтида пайдо бўлади. Унинг муддатини Қуёшнинг эклиптикадаги ўрнига жуда ҳам боғлиқлигини ошкор қилди. 185

Бундан кейин мунажжимлар ва бошқалар ҳам табиий кундузнинг икки сандҳисидан яна бир сандҳи мавжудлигини қабул қилдилар. Буни библиш кузатиш йўли билан бўлмай, вазъий йўл [Қуёш ҳаракатига тегишли нуқталар ўрни ўзгариши] билан бўлади. Маълумки, Қуёш маркази ярим йилча кўтарилиб бориб, иккинчи ярмида пастлашиб боради. Буларнинг ҳар бири аяна деб аталади. Кўтарилиш ва пастлашиш бошланишидан етти кун илгари сандҳи ўзгармай туради. Ақлдан узоқ

бўлмаган бир нарса хаёлимга келади. У ҳам бўлса қадимда бўлмай, Искандар календарича, қарийб 1300-йилдан шу вақтгача [Қуёшнинг пастга ё юқорига] бурилиш нуқтаси силжишининг [кашф қилинишидир]. «Қичик Монаса» китобининг автори Пунчаланинг айтишича, шакакола календарича, 854-йилда ёзги қуёш туриш нуқтаси  $6^{\circ}50'$  илгарига сурилган.

Келажакда, ҳар йилда бир минутдан ортиб боради. Бунинг шундайлигини текшириш ишларини бажарувчи астроном ва қадимги обсерваторияларда аниқ кузатишларни олиб борган мутахассислар томонидан айтилгандир. Чунки узоқ вақтлар орасидаги ўзгаришга суяниб, ҳар йилда бир минут [1'] ўзгаришни ҳисоблаш мумкин. Бундай натижага келиш ёки шунга яқин фикрларни бериш туш вақтида тик нарсанинг сояси узунлигига ва [йиллар ўтиши билан] унинг энг қисқарган кунларини ҳисобга олиш йўли билан бўлади. Қашмирли Утпала ҳам бундай силжишнинг борлигини тасдиқлаган. Ҳиндларнинг йилнинг ҳар бир олтидан бирида сандҳи миқдори ўзгаради, дейишлари ҳам бунга қувватлайди. Қуёш эклиптикада, ҳатто  $23^{\circ}$  ҳаракат қилганидаёқ сандҳи ўзгариши аниқланади. Улар манвантаралар оралигида сандҳиларни жойлаштиргандек, уларни жугалар оралигига ҳам қўядилар. Бу назариялар фаразий бўлганидан, тафсиллари ҳам фаразийдир. Булар ҳақида ўз ўрнида кифоя бўларлик даражада изоҳ берилади.

## Қирқ биринчи боб

### КАЛПА ВА ЧАТУРЖУГА ТАЪРИФИ ВА БИРИНИ ИККИНЧИСИ БИЛАН АНИҚЛАШ ҲАҚИДА

[Юқорида] дивъя йили миқдори 12000 йил бўлиб, бу бир чатуржуга бўлади, деб изоҳлаган эдик. Чатуржуганинг мингтаси бир калпадир. Шунча муддатнинг бошида ва охирида етти ёритгич, уларнинг авжлари ва [кўтарилиш] тугунлари ҳамал буржининг бошида тўпланадилар. Кунлари [саноғи] калпа оҳаргана, яъни «калпа кунлари йиғиндиси» дейилади, оҳа — кунлар ва аргана — йиғинди демакдир. У кунлар тулуийдир [яъни Қуёш чиқиши ва ботишига асослангандир]. Шунинг учун улар ер кунлари деб ҳам айтилади, чунки [кун] чиқиш [вақти жойининг] горизонтига боғлиқ бўлади; горизонт вазияти эса ерга боғлиқ. Қалга бошидан берилган вақтгача ўтган кунларни ҳам шу исм [оҳаргана] билан атайдилар. Бизнинг авторларимиз уни синд — ҳинд кунлари ёки олам кунлари деб атайдилар. У 1 577 916 450 000 [ўртача кун] ёки 4 320 000 000 қуёш йили ёки 4 452 775 000 ой йилидир.

Йилларининг ҳар бири 360 тулуий кун деб ҳисобланган 4 383 101 250 йилга, дивъя йили билан эса 12 000 000 га тенг бўлади.

«Одигъя-пуруна»да айтилишича: «Калпана икки [сўздан] тузилган, [бири] кал — оламдаги ҳамма нарсаларнинг вужудга келиши, [иккинчиси] пана — бузилиш ва ғойиб бўлиш. Бунинг йиғиндиси — тузилиш, келиш ва бузилиш — калпадир».

Брахмагупта шундай деган: «Планеталар ва одамларнинг Оламла пайдо бўлиши Бароҳим кундузининг бошида ва уларнинг йўқ бўлиб кетиши эса охирида бўлганлиги учун, бошқаларсиз шу [бош билан охир оралигидаги] кунни бир калпа, деб қабул қилишимиз керак». Яна у шундай деган: «Минг чатуржуга — бир девяканинг, яъни Бароҳимнинг 186 бир кундузидир ва шунчаси унинг бир кечасидир. Демак, Бароҳимнинг бир куни 2000 чатуржуга бўлади». Парошара ўғли Вьёса ҳам шундай деган: «Қимки, 1000 чатуржугани бир кундуз ва ўшанча кеча бўлади, деб ишонса, у [одам] Бароҳимни таниган бўлади».



Қалпа ичидаги 71 чатуржуга бир мануга, яъни манвантарага ёки Ману даврига тенг; 14 ману бир калпага тенг. 71 ни 14 га кўпайтирилса, 994 чатуржуга чиқиб, бу манвантаралар [йиғиндисидир. Бир калпага тўлдириш учун яна 6 чатуржуга керак.

Лекин [ғира-шира вақт миқдорини топиш учун] 6 чатуржугани манвантаралар саногидан битта ортиқ бўлган 15 га бўлинса, 5 дан 2 чиқади. [Чунки ҳар бир манунинг икки тарафида келувчи кетма-кет миқдорлар саногидан 14 дан битта ортиқ]. Манвантараларнинг биринчисидан бошлаб, ҳар бирининг олдига, шу 5 дан 2 чатуржугаларни қўйиб чиқилса, кетма-кетли манвантаралар оралигига битта 5 дан 2 тўғри келиб, энг кейинги манвантара охирига ҳам ўшанчалик [миқдор] тегади. У  $\left[ \frac{2}{5} \right]$  эса сандҳи, яъни [ёнма-ён] манвантаралар учун умумийдир. Бу [сандҳи]лар билан калпа [миқдори] юқорида дейилган 1000 чатуржугага етади.

Қалпа аҳволи ҳар бир бўлагининг бошқасига узлуксиз равишда туташ бўлишига шоҳиддир. Унинг аввали баҳорги тенг кунлиги [нуқта-сида] ва якшанба кунинда ҳамда планеталар, уларнинг авжлари ва кўтарилиш тугунлари у [нуқтада] бирлашган чоғда бошланади. Бу [нуқта] Реватида ҳам, Ашвинида ҳам бўлмай, икковининг оралигидадир; чайтра ойининг бошида ва [Қуёшнинг] Ланкада чиқар чоғидадир. Шу шартлардан бири бўлмай қолса, бошқаларига таъсири бўлиб, [тартиб] бузилади.

Қалпадаги кунлар ва йиллар сонини айтган эдик. Чатуржуга кунлари калпанинг  $\frac{1}{10} \cdot \frac{1}{10} \cdot \frac{1}{10}$  — и эканлиги, 1 577 916 450 кун ёки 4 320 000 йили эканлиги маълум бўлади. Энда калпа билан чатуржуга нисбати маълум бўлганидан; икковидан бирисини била туриб, иккинчиси [ҳисоблаб] топилади.

Бу [айтилган] ларнинг ҳаммаси Браҳмагупта фикрига асосланди ва булар далиллар билан тасдиқланади. Аммо Катта Орябҳатача ва Пулисача манвантара 72 чатуржугадан таркибланади ва калпа эса 14 манвантарадан таркибланиб, буларга сандҳи [ғира-шира] аралашмайди. Шунинг учун, уларча, бир калпа 1008 чатуржуга, демак, 12 096 000 дивъя йили ёки 4 354 560 000 одамлар йилидир. Пулисанинг айтишича, чатуржуга 1577917800 ўрта қуёшли кун. Унинг бу фикрича, калпа 1 590 541 142 400 кундир. Мана шундайлар [у китобда] ишлатилган. Мен Орябҳата китобларидан бирортасини топа олмадим. Бу ҳақда Браҳмагуптанинг ундан нақл қилиб олиб бергани сабабли биламан. Улар, унинг «Зижлар танқиди» [номли] мақоласида зикр қилинган. Унингча, чатуржуга 1 577 917 500 кун, яъни Пулиса айтганидан 300 кун камдир. Демак, ҳикоя қилинганига қараганда, Орябҳатача калпа 1 590 540 840 000 кундир. У икковига, калпа ва чатуржуга кечанинг ўртасидан бошлан-

ган; бу кеча Браҳмагуптача, иккови калпа ва чатуржуга учун бошлан-  
ғич бўлган кундуз кетидан келади.

Қатта Орябҳатага нярган кусумапуралик Орябҳатанинг нутаф<sup>1</sup> || 187  
ҳақидаги кичик китобида айтилишича: «1008 чатуржуга Бароҳимнинг  
бир кундузи бўлиб, бунинг биринчи ярми — 504 утчарпине дейилади,  
бунинг давомида қуёш кўтарилиб боради ва иккинчи ярми овачарпине  
дейилиб, бунинг давомида Қуёш пастлашиб боради. Бу [муддатларнинг]  
иккала чети шундай номланган: ўртаси сама дейилиб, кундуз ўртасига  
[тушга] мосдир, боши ҳам, охири ҳам дуртама дейилади».

Кундуз билан калпа орасида ўхшашлик бўлгунча бу айтилган сўз  
тўғри, лекин қуёшнинг кўтарилиб ва пастлашиб бориши бунга кирмай-  
ди. Агар у бу билан бизнинг кунимиздаги қуёшни назарда тутган бўл-  
са, буни қуёшнинг кўтарилиш ва пастлашиш кайфиятларини изоҳлаб  
бериши керак эди. Агар Бароҳим кунига тегишли қуёшни назарда тут-  
ган бўлса, уни бизга кўрсатиши ёки унга ишора қилиши керак эди.  
Уйлаймизки, бу икки ифода [кўтарилиш ва пасглашиш] маъноси, бирин-  
чи яримда, ишларнинг олдинга томон ўсиб боришига ва иккинчи яримда,  
орқага қараб пасайиб боришига ишорат қилади.

## Қирқ иккинчи боб

### ЧАТУРЖУГАНИНГ ТҮРТ ЖУГАГА БУЛИНИШИ ВА УЛАРДАГИ ИХТИЛОФ ҲАҚИДА

«Вишну-дхарма» авторининг айтишича, «дивъя йилларидан бир минг икки юз йили бир жуга бўлиб, бу тишъя дейилади ва унинг икки баравари двопара, уч баравари трето, тўрт баравари крита дейилиб, ҳаммасининг йиғиндиси бўлган ўн икки минг йил чатуржуга, яъни тўрт жугадир. Жуганинг маъноси йиғиндидир».

Яна у шундай деган: «Етмиш бир чатуржуга бир манвантара бўлиб, ўн тўрт манвантара ораларидаги сандҳи [ортиқлик]лари билан бирликдаги муддат критажуга даврига тенг бўлиб, бу бир калпадир; икки калпа эса Бароҳим умрининг бир кунига тенг бўлиб [калпа ҳисоби билан] унинг умри юз йилдир. Бу юз йил Пурушанинг бир кундузидир. У энг аввалги одамдир, унинг аввали ва охири ҳозиргача билинмаган».

Яна у шундай деган: «Бу сўзлар сув эгаси Варунанинг Дашаратҳа ўғли Ромага аввалги замонда берган хабарларидандир. Чунки у Пурушани етарлик даражада таниган эди. Шунингдек, бу хабарни Бҳоргава, яъни Моркандева ҳам берган. Моркандева эса вақтлар ҳисобини яхши билар эди, санашда ҳеч ким унга баробар бўлмас эди. У эса ҳиндлар учун ўлим фариштасидек бўлиб, ёнига доимо осиглик гурзиси билан ўлдирар эди. Уни апрудҳариша дейдилар».

Брахмагупта шундай деган: «Уша «Смрити» китобининг сўзича, девака йилларининг тўрт минги бир критажугадир. Бунга ораларидаги 400 йилли сандҳи ва 400 йилли сандҳи — ёнша қўшилса, йиғиндиси 4800 крита бўлади.

Ундан кейин агар 3 000 йил бир тритожуга бўлса ва бунга 300 сандҳи билан 300 сандҳиёнша қўшилса, йиғиндиси 3600 йил бўлиб, бу эса бир третодир.

Ундан ташқари, 2000 йил бир двопара бўлиб, бунга 200 сандҳи йили ва 200 сандҳиёнша йили қўшилса, йиғиндиси 2400 бўлиб, бу бир двопара бўлади.

1000 йил бир кали бўлиб, бунга 100 сандҳи йили ва 100 сандҳиёнша йили қўшилса, йигиндиси 1200 бўлиб, бу бир калижугадир». Браҳмагуптанинг «Смрити» китобидан кўчириб ҳикоя қилганларим ана шулардир.

Дивъя йилларини одамлар йилига айлантириш учун 360 га кўнай-тириш керак.

Тўрт жугаларни ҳам шундай қилиб одамлар йилига айлантирилади. Шунда:

Критажуга 1 440 000 йил бўлиб, сандҳи ҳам, сандҳиёнша ҳам 144000 йилдан бўлса, [уччовининг] йигиндиси 1 728000 йил бўлиб, бу эса бир критодир.

Аммо третожуга 1 080 000 йил бўлиб сандҳи ҳам, сандҳиёнша ҳам 1 08 000 дан бўлса, йигиндиси 1 296 000 йил бўлади. Бу эса бир третодир. ||

Энди двопарага келсак, у 720 000 йил бўлса, сандҳиёнша билан сандҳининг ҳар бири 72000 йилдан бўлиб, булар йигиндиси 864000 йил бўлади; бу эса бир двопарадир.

Аммо кали бўлса, у 360 000 йил, сандҳи ва сандҳиёншанинг ҳар бири 36000 йилдан бўлиб, уларнинг йигиндиси 432000 йил бўлади; бу эса бир калижугадир.

Крито ва трето йигиндиси 3 024 000 йил бўлса, Двопара билан қўшилиб 3 888000 йил бўлади.

Кейин Браҳмагупта Орябҳатадан нақл қилиб шундай дейди: «Унинг фикрича, тўрт жугадан ҳар бири, яъни чатуржуганинг 4 та чораги бир-бирига тенгдир. Бу эса «Смрити» китобидан нақл қилганимизга хилоф». Демак, унинг мухолофлиги аниқ. Бошқа жойда Браҳмагупта шундай деган:

«Павлисанинг<sup>1</sup> қилган ишига қараб мақтаса бўлади, чунки у «Смрити» китобига хилоф иш қилмаган. У 4800 критажугадан ўзининг чораги, яъни 1200 йилни «Смрити»га мувофиқ, жугалар қолгунича чорақдан айириб-айириб бораверган. Гарчи бунда сандҳи ва сандҳиёнша қолмаса ҳам, бари-бир, «Смрити»да айтилганга мувофиқ жугалар чиққан.

Лекин румолилар «Смрити» йўлидан четда бўлиб, вақтларни жуга, манвантара ва калпа билан ўлчамадилар.

Браҳмагуптанинг бу масалада айтганлари ана шулардир.

Маълумки, барча чатуржуга йилларида ҳам ихтилоф йўқдир. Шу ҳисобга қараганда чатуржугадаги ҳар бир жуга миқдори Орябҳата назарича, 3000 дивъя йилига ва 1 080 000 одамлар йилига, икки жуга йили эса 6000 дивъя йилига ва 2 160 000 одамлар йилига, уч жуга эса 9000 дивъя йилига ва 3 240 000 одамлар йилига тенгдир.

Аммо Павлисадан ҳикоя қилишига қараганда, у ўзининг «Сиддиҳонта»сида сонларни аниқлашда баъзан яхши тартибни ва баъзан нобоби-

ни берган. Шу жиҳатдан у жугаларни [ҳисоблаш] учун 48 ни асос қилиб, ундан чорагини айирганда 36 қолган; бундан ҳалиги чоракни айирганда 24 қолган.

Ундан ҳам ҳалиги чоракни айирганда 12 қолган. Кейин қолдиқлардан ҳар бирини юзга кўпайтирилса, кўпайтма дивъя йиллари ҳисобида жуга йилларини ифодалайди.

Агар 60 ни аслга ҳисоблаганда — чунки кўп ишлар ҳисоби шунга асосланган — унинг бешдан бирини [яъни ўн иккени] айиришга асос қилиб ёки ҳар бир қолдиқдан кетма-кет касрлари айирилиб борилса, яъни 60 дан бешдан бири — 12 айирилганда, қолдиқ 48 дан тўртдан бири [12] айирилса ундан ҳосил бўлган қолдиқ 36 дан учдан бири [12] айирилса ва, ниҳоят, қолдиқ 24 дан ярми [12] айирилса, яна аввалгидек 12 қолади.

Пулисадан нақл қилинган бу нарсалар ўзининг ижодий фикри бўлмасдан, балки бошқалардан нақл қилинган бўлиши ҳам мумкин.

Амалий мақсадларда унинг тушунчалари равшан бўлганидан китобнинг ҳаммасини арабчага кўчириш мувофиқ кўрилмади. Пулиса бўлса ҳозирги калпамиздан илгари ўтмиш Бароҳим умрининг қанчалигини билиш учун уни йилимизга айлантиришда ўзи тузган тартибдан четга чиқиб кетди. Бу эса Бароҳим умрининг саккиз йил беш ой ва тўрт кунидир; калпа билан санаганда эса 6068 бўлади. Кейин уни калпадаги чатуржугалар саноғи 1008 га кўпайтирилса, кўпайтмаси 6 116 544 чатуржуга бўлади. Сўнгра уни жугага айлантириш учун тўртга кўпайтирилса 24 466 176 жуга бўлади. Буни йилларга айлантириш учун бир жугадаги йиллар саноғига кўпайтириш керак. Унинг дейишича, бир жуга 1 080 000 || йил бўлиб, бунга ҳалиги сон кўпайтирилса, кўпайтма 26 423 470 080 000 [йил] бўлиб чиқади. Бу эса Бароҳим умрининг ҳозирги калпамиз бошланишидан илгариги қисмидир.

Брахмагуптага иярувчилар, Пулиса, чатуржугаларни жугаларга айлантиргани йўқ, деб ўйлашлари ҳам мумкин. Лекин у чатуржугалардан ҳар бирини 4 та чорак деб олиб, у чораклар [саноғи]ни чоракдаги йиллар саноғига кўпайтирди. Биз чоракларга айлантиришдаги фойдани сўраётганимиз йўқ, чунки бу жойда каср бўлмаганидан сўрашга ҳожат йўқ.

Чатуржугалардаги бутун сонни бир бутун [чатуржуга]даги йиллар сонига, яъни 4 320 000 га кўпайтирилди. Бундай бўлишлиги ҳисоблашни чўзишдан кўра қулайдир. Биз айтамикки, ҳозирги калпамиз бошигача ўтган йилларни [дастлабкига] қўшиб, [йиғиндини] ўтган ҳамма бутун манвантаралар саноғини ўз эътиқодларига кўра 72 га кўпайтирилса ва кўпайтмани чатуржугадаги йилларга кўпайтирилса, 1 866 240 000 йил чиқади. Ўтган бутун чатуржугалар сонини бутун бўлмаган ҳозирги бир манвантарага кўпайтирилса, кўпайтма 116 640 000 йил бўлади. Манван-

таралар саноғи битта манвантарадаги чатуржугадан учта бутун жугага ўтган. Уларча, бу учта жуга 3 240 000 йилдир. Бу эса чатуржуганинг учта чорак йилини ташкил қилади. Шундай ҳисобланиши юқоридагига ўхшаб ҳафта кунларининг ўз ўринларига тушишларига қараб намуна сифатида олинган. Илгариги қондага ишонса эди, уч жугани чатуржуганинг ўндан тўққизига тенглаб ҳисоблар эди.

Бундан маълум бўладики, Браҳмагуптанинг ундан нақл қилиб ва унга рози бўлган сўзлари асоссиздир. Чунки у Орябҳатага дуруст назар билан қарамай ва унга эътироз қилиши билан бу сўзларнинг асоссизлигидан кўз юмди. У [Браҳмагупта] ва Пулиса бу масалада ҳамфикрдирлар, чунки унинг [Браҳмагуптанинг]: «Орябҳата, Бош ва Ой авжи даврлари саноғларини камайтириб, тутилиш вақтларини ҳисоблаш бузилди, чунки бу ҳисоблар даврлар саноғига боғлиқ»,— дейиши менинг сўзимни тасдиқлайди. Унинг билимсизлигига, [Браҳмагупта] мисол қилиб ёғоч қуртини олади; ёғоч қурти ёғочни ейди, у ёғоч ичида туриб худди ҳарфга ўхшаш нақш ясайди, ҳолбуки у нақш ясаётганини хаёлига ҳам келтирмайди ва [унга] қасд ҳам қилмайди. «Лекин кимки уни ҳақиқатласа, у Орябҳата, Шрешана ва Вишнучандралар қаршисида, кийикларга қарши турувчи шердек туради; кийикларнинг довланиб, шерларга юзма-юл қарши чиқишлари ва ўзларини кўрсатишлари мумкин эмас». Бундай мақтаниши билан у Орябҳатага ҳужум қилиб, уни илмсизликда айблайди.

Биз юқорида уч кишининг назарича, чатуржуганинг неча тулуни кунларга тенглигини ёзган эдик. Пулисанинг айтгани Браҳмагуптанинг айтганидан 1350 кун ортиқ. Лекин чатуржуга йиллари саноғи икковининг фикрига баравардир. Шу жиҳатдан қуёш йилидаги кунлар Браҳмагуптача қанча бўлса, Пулисача ундан ортиқ бўлиши аниқ.

Орябҳата эса Браҳмагупта [китобидан] олиб беришига қараганда, унинг ҳисоби Пулисаникидан 300 кун кам; аммо, Браҳмагуптаникидан 1050 кун ортиқ. Демак, Орябҳата райича, қуёш кунлари Браҳмагупта деганидан ортиқроқ, Пулиса деганидан эса камроқдир.

## Қирқ учинчи боб

### ТҮРТ ЖУГА ХОССАЛАРИ ВА ТҮРТИНЧИСИНИНГ ОХИРИДА КЕЛАДИГАН БАРЧА ҚУТИЛГАН НАРСАЛАР ҲАҚИДА

190 Юнонларнинг ер ҳақида [турлича] эътиқодлари бор. Улардан бири-ни мисолга олса бўлади. Аниқки, ер усти ва остида кетма-кет бўлиб турадиган ҳар хил офатларнинг ҳолат ва миқдор жиҳати турлича бўлиб, || кўпинча уларнинг сифати ёки миқдори ёки бараварига иккови зўрайиб, кенг ерга тарқалади. Ундай вақтда [улардан сақланишда] ҳийла ишлатиш ва қочишнинг фойдаси бўлмайди, ерга келадиган офатлар эса оммани фарқ қиладиган тўфон ва ютиб ҳалок қилувчи ер қимирлаш, ердан отилиб чиқадиган қайноқ сувга ботиш, ўт тушиб куйдириш, қиздирилган чўғу тош ва қуллар отилиши, яшин тушиш, девор, томлар қулайдиган даражада қаттиқ овоз чиқиш, жуда кучли шамол кўтарилиши, вабо сингари касалликлар пайдо бўлиши, инсонларга ва тўрт оёқли йирик жониворларга қирғин келиши каби ҳодисалардир. Агар кенг бир ер, ўз устида яшаб турган халқ бир офатга учраб ҳалок бўлса, у ер бўшаб қолади, лекин у ердан офат кўтарилиши билан бунадан илгари тоғ тепаси ва унгурларга, ваҳший ҳайвонларга ўхшаб, қочиб таралган халқ қайтадан ўз жойига тўплана бошлайди ва бир-бирларига ёрдамлашиб душманлари бўлган йиртқич ҳайвонлар ёки инсонларга қарши туриб, шаҳар қуриб яшай бошлайдилар, улар бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, тинч эминлик ва хурсандчиликда то кўпайгунларигача кўмаклашиб яхши яшайдилар. Кўпайганларидан кейин уларда бир-бирига қаршилик ва ғурурланиш пайдо бўлади. Ҳасал билан ғазаб икки қанот бўлиб ҳаракатга келиб, тоза ва чиройлик ҳаётларини хира ва кудуратлик қилиб юборади. Кўпинча, у жамоатлардан бири пушт — насабда ажралади, у эса бошқалардан илгари ўша ерга келганлигидан ёки ўзга бирор нарса сабаб бўлиб, бошқалардан айирилади. Кўп вақтлар ўтиши билан [жамоат] ўшанда бошқани танимайди, Афлотун юнонлар учун ёзган «Қонунлар» [номли] китобида ўшандай сиймо Зевс—Муштарийдир, деб зикр этган. Китобнинг илова-

сида фаслларнинг охирида Буқротнинг пушти Зевсга бориб тақалади, деб ёзилган». Лекин бундаги зикр қилинган насаб номлари оз, уларнинг сонлари фақат ўн тўрттадир, холос. Улар ҳақида унда айтилишича; «Буқрот ибн Юносизикс ибн Неброс ибн Састаротос ибн Сиёзарос ибн Қлеометтодес ибн Қрисамис ибн Дарданас ибн Састаротос ибн Авлосос<sup>1</sup> ибн Ҳиплолохос ибн Позалерос ибн Махаон ибн Асклепиус ибн Аполлон ибн Зеус ибн Кронос, яъни Зуҳалдир.

Чатуржуға ҳақидаги ҳинд хабарлари ҳам шунга яқиндир. Чунки улар лаззат, ҳаловат, эйминлик, арзончилик, баракат, қувват, бадан соғлиғи, куч, билимдонлик, браҳманларнинг кўпайиши критажуга аввалида бўлади, деганлар. Ҳатто ундаги савоб тўртдан бир чорақларнинг тўртталовида ҳам тўлиқ бўлишига ишонадилар. Умр бўлса, жуганинг ҳаммасида ҳам барчага баробар тўрт минг йил бўлган. Кейин у камайиб боради ва унга зид бўлган ёмонликлар билан аралашган, натижада, яхшилик тритажуга аввалида бошланган ёмонликдан уч ҳисса ортган. Савоб эса тўртдан учига борган, кшатриялар бўлса браҳманларга нисбатан кўпаяверган. «Вишну-дҳарма [китобида] ҳам умр кўриш аввалгидек [тўрт минг йил] бўлади, деган. Бунда нуқсон қанчалик кам бўлган бўлса, савоб ҳам шунчалик камайган. Олов қурбонликлари учун бу вақтда инсонлар илгари қилмаган ишларни қиладилар, ҳайвонни сўядилар, улар ўтламасдан илгари ўтларни юладилар.

Ёмонлик борган сари ортиб боради; двопара аввалига етгунча ёмонлик яхшилик билан баробарлашади. Кейин унда яхшилик икки марта камаяди. У чоғда орзу-ҳаваслар ортиб, ноҳақ ўлдиришлар кўпаяди ва [турли] динлар пайдо бўлиб, умрлар ҳам қисқаради. Юқорида зикр қилинган «Вишну-дҳарма» китобида баён қилинишича, умр тўрт юз йилга келади. Тишъянинг, яъни калижуганинг бошида ёмонлик яхшиликдан сақланиб қолган ҳиссага нисбатан ёмонлик уч марта ортади.

Ҳиндларнинг трето ва двопарадаги каби ҳаммага маълум қиссалари бўлган. Масалан, Рованани || ўлдирган Рома ҳақида кшатридан ким 191 қўлга тушса, уни ўлдирадиган браҳман Парашурома қиссаси — чунки у ўз отаси учун кшатрилардан зулм кўрган эди. Улар эътиқодича, у браҳман осмонда тирик бўлиб, дунёга йигирма бир марта келган, яқинда яна келади; [ундан ташқари] Панду болаларининг Куру болалари билан уришиши қиссалари [кабилар]дир.

Аmmo калижугага келганда, унда яхшилик бутунлай тугаб кетиб, ёмонлик кундан-кун ортиб, ёлғиз ўзигина қолади. Бу бўлса, ер юзида қарор олиб турганларга офат етиб, ҳалок бўлишининг вақти етганлиги ва тоғларга гарқалиб кетган ва инсон шайтонларининг ёмонларидан қочиб, ибодат учун тоғларга бекинган авлодларининг қайтиб тўпланган замонидир. Шунинг учун бу вақтни критажуга, яъни кетиш учун [дунё]



ишларидан бўшаш ва [иккинчи дунёдан] қутулиш демакдир. Бароҳимдан Зуҳранинг нақл қилган сўзини Шавнака шундай беради. Худо унга [Бароҳимга] эшиттирган сўзида «Қалижуга замони кирганда тақводор Шудҳадана ўгли Будҳаданани халқ орасига яхшиликни ёйиш учун юбордим. Кейин ўзини [Будҳаданага] нисбат берган ҳақни яширмоқчи бўлган одамлар келган амру фармонларни ўзгартадилар. Ана ўша вақтдан бошлаб браҳманларнинг қадри кетиб, ўзларининг хизматчилари бўлган шудралар улар устидан ғалаба қозонишга журъат қиладилар. Келадиган ҳадяларни чандоллар уларга бўлиб беради.

Ҳамма инсоннинг ҳиммати ҳаромдан мол йиғиш ва заҳир қилиб сақлашга сарф бўлади. Бу тўғрида ижро қилган гуноҳ ва ёмонликларига заррача парво қилмайдилар. Бу ҳол уларда кичикларининг катталарига, болаларининг оталарига ва хизматчиларининг хўжа ва эгаларига қарши исён қилишга олиб боради. Ҳар хил табақаларнинг бошқа табақаларга уйланиши сабабли насаблари ҳам бузилиб кетиш натижасида тўрт табақа браҳманлар йўқ бўлиб кетади, динлар, мазҳаблар ва ўзаро ишлатиладиган китоблар шу қадар кўпаядики, шулар сабабли илгари бирлашган халқ ва ҳар бир ишда бир тан, бир жон бўлиб бирикиб турган тўдалар тарқалиб кетади, Деваҳирот [ибодатхонаси] бузилади, мадрасалар хароб бўлади, адолат кўтарилади. Подшоҳлар бўлса зулм қилишдан, халқларнинг ҳақини ва молини босиб олишдан, халққа азоб беришдан ва қиришдан бошқани билмайдилар. Улар маккор қилиқлари билан худди одамларни егандай бўладилар. Гуноҳлари сабабидан умрларининг қисқа бўлишига ҳам эътибор бермасдан, гўёки дунёда туришга умидларининг узунлигига мағрур бўлиб, инсонларни қириб битирадилар. Ниятлари қанчалик бузилса, вабо офатлари ҳам шунчалик кенг тарқалади». Уларнинг фикрича, у даврда кўп ишларнинг осмон ёритгичларига боғлаб ҳукм чиқариш ёлғон ва бекорчи бўлиб чиқади.

Моний шу фикрни қабул қилган. У шундай дейди: «Билингларки, оламнинг ишлари алмашинган ва ўзгарилган, шунингдек, ғойибдан ҳабар бериш [фолбинлик] ҳам осмон сфералари, яъни фалаклари ўзгарилиши билан ўзгарилиб кетди. Эндиликда юлдузларни ўз доирасида таниш фолбинларнинг ота-боболарига муяссар бўлгандек, буларга, яъни болаларига муяссар бўлмайди, бироқ булар одамларни алдаш билан йўлдан оздирадилар. Гоҳо буларнинг сўзлари тўғри чиқса ҳам, лекин кўпинча тўғри чиқмайди».

Бизнинг баён қилганимиздан кўра «Вишну-дҳарма»даги сўзларди ортиқлик бордир. Унда айтилишича, «Одамлар савоб ва азоб моҳиятини билмайдилар. Фаришталарни ҳақиқатлари билан танишни инкор қиладилар, уларнинг умри узун-қисқа бўлса ҳам, аммо миқдори номаълумдир. Баъзилари онанинг қорнида, баъзилари ёш болалигида, баъзилари йиғитликда ўлади. Халис бандалар, узун умр кўрмай ўладилар, ёмон-

лик ва хато ишларни қилган ва динни инкор қилувчи кишилар кўпроқ яшайдилар. Подшоҳлик шудраларга айланиб, улар юлиб оладиган бўридек кўрганини юлқиб оладилар. Браҳманлар ҳам бу феълларда уларга ўхшаб, кўпроқ шудра ва ўғри бўладилар. Шу билан браҳманларнинг ҳуқуқлари тугайди. Ўз нафсини риёзат билан қийнаётган сўфилар камайиб кетганлигидан онда-сонда кўриниб қолганларга қўл билан ишорат қилинадиган бўлиб қолса ҳам, халқ уларни менсимайди ва хўрлайди.

Шундай ҳолга тушиб туриб, яна Вишнуга сиғинганларга таажжубланади ҳам, шунинг учун дуо тезда ижобат бўлиб, || озгина амалга кўп савоб берилади, ҳамда озгина ибодат ва андак хизмат қилган улуғ мартабага ва зўр даражаларга етишади. Ишнинг оқибатида, жуганинг охири ва ёмонликлари ниҳоятига етиш олдида, браҳман Жешу ўғли Гарга, яъни Қали [юзага] чиқади; Қали жуга билан лақабланади. У чиққанда шундай куч-қувват билан чиқадики, унга ҳеч ким баробар келолмайди. У ҳар бир уруш асбобларининг энг ўткири билан чиқади ва уни ишлатишда жуда моҳир бўлади. Қиличини яланғочлаб ноқобил авлодларнинг устига келади. Ер юзини авлоднинг ифлослигидан тозалайди, улардан ерни бўшатади; насл тарқатиш учун пок ва яхшиларни йиғиб, критажугани улардан бошлайди. Дунё ва замон қайтадан хушҳоллик, тозалик, яхшиликка айланади».

192

Чатуржугадаги жугалар аҳволининг айланиш даври мана шундай.

Зайн ат Табарий ўғли Алининг<sup>2</sup> ҳикоя қилишича, «Чарака» китобида шундай дейилган: «Ерда қадимги замонда доимий арзончилик ва кенгчилик бўлиб, офатлардан саломат бўлган. Сезиш унсури — маҳабхута ўрта ҳолда бўлиб, инсонлар бир-бирлари билан дўстлашиш ва улфатлашиши натижасида ўрталарида харислик, талаш-тортиш, душманлашиш ва бир-бирларига ҳасад қилиш бўлмаган. Инсонлар нафси ва баданини касал қиладиган нарса ҳам бўлмаган. Ҳасад пайдо бўлганидан кейин кетидан харислик ҳам келган.

Ҳарис бўлишлари билан баробар дунё йиғишга киришганлар. Бу иш баъзиларига осон бўлса ҳам, баъзиларига қийин бўлди. Сўнггидан уларда ҳар хил фикрлар туғилиб, машаққат, ғам-андухлар кира бошлади. Бу ҳол уларнинг ўзаро урушиш, талашишга, бир-бирини алдашга ва ёлғон сўзлашга олиб борди. Натижада, диллари қорайди, табиатлари ўзгарди. Ҳар нав касалликлар пайдо бўлиб, оллоҳга ибодат қилиш ва илм ҳосил қилишдан тўсди. Шу сабабдан илмсизлик ўрнашиб қолди, балолар кундан-кунга кучайди, шунда яхши кишилар йиғилишиб, эшонлар билан Атрия ўғли Кришна олдида бордилар, сўнгра у тоққа чиқиб, муножот ва зору нола қилди. Шунда оллоҳ унга тиб илмини ўргатди».

Юнонлардан қилинадиган ҳикоямиз ҳам шунга ўхшашдир. Чунки Аратус ўзининг еттинчи буржга нисбатан «Очиқ баёноти» — «Зоҳироти»да қилган ишоратида бундай дейди: «Подачининг, яъни Аввонинг икки оёғи остига, шимолий осмондаги юлдуз туркумларига, қўлида энг ёруғ бошоқ тутувчи Узро [қиз], яъни Симок ал Аъзалга қараб бир ўйлаб кўр.

У шундай юлдузлар жинсиданки, уни қадимги юлдузлар отаси дейилади. Ёки иккинчи бир жинсдан туғилган бўлиб, уни биз танимаймиз. Эшитилишича, ўтган замонларда у инсонлар билан бирга бўлганда фақат хотинлар орасида бўлиб, эрларга кўринмаган, эрлар олдида унинг исми «Адолат» бўлиб, у қарилар ва одамларнинг йиғилган жойларида ва кўча-кўйларда турган одамларни йиғиб баланд овоз билан уларни тўғри йўлга даъват қиларди. Ҳисобсиз молларни бахшиш қилар эди. Ҳақ эгасига ўз ҳақини берарди. Ул вақтларда ер «олтин» деб аталар эди. Ер юзида яшаган кишилардан ҳеч бири сўзида ва феълида ҳалокатга туширадиган уруш-жанжални билмас эди. Уларнинг ичида ёмон фирқалар ҳам йўқ бўлиб, халқ бекорчилик билан кун кечирарди. Дарёлар ёйилиб оқадиган ва кечиб ўтадиган бўлиб, кемага ўтирилмас эди. Озиқ-овқатларни сигирлар, ҳўкизлар келтирарди.

Орадан олтин жинс даври ўтиб, кумуш жинс даври келгач, Симок ал Аъзал улар билан очиқ юзли бўлиб ҳаёт кечирмади, балки илгаригидек хотинларга аралашмасдан тоғларда бекинди. Ундан кейин катта шаҳарларга келиб шаҳар халқига насихат қилди ва азоб билан қўрқитиб, уларнинг ёмон амаллари учун орлантирди, олтин жинслик оталари қолдирган жинсларни бузиб || ва ўзгартиб юборганликлари учун уларни маломат қилди ва булардан ёмон жинсларнинг келиши ва уруш бўлиш, қон тўкиш ва катта мусибатлар бўлажигидан хабар бериб турди.

Бундай сўзларидан бўшаган вақтларида кумуш жинсликлар тугаб битгунча тоғларда ғойиб бўлиб турди. Кейин инсонлар мис жинсларга ўтди. Улар ёмонлик учун ишлатишга қилични чиқардилар ва қорамол гўштини ейишга бошладилар. Улар шу ишларни биринчи марта қилувчилардан ҳисобландилар. Бундан кейин Адолат ғазабланиб, уларнинг ёнида туришни истамай, осмонга қараб учди».

Аратус китобига низоҳ берувчи айтади: «Аниғи шуки, бу қиз Узро — Зевснинг қизидир, у одамлар йиғилган ерларда халқ оммасига керакли шарият ҳукмларидан хабар берар эди. Ул вақтларда инсонлар ҳокимларига бўйсуниб, бир-бирларига хилофлик ва ёмонлик қилишни билмас эдилар. Фитна, фасод ва бир-бирларига ҳасад қилишни ўйламас эдилар, деҳқончилик қилиб ҳаёт кечирар эдилар. Савдо қилиш ёки ҳарислик билан денгизда кезмас эдилар ва уларнинг табиатлари олтиндек мусаффо эди. У яхши сифат ва хислатлардан бошқа ҳолга ўтиб, тўғрилик ва ҳақликни сақламайдиган бўлганларидан кейин Адолат ҳам

уларга аралашиб улфат бўлмади. Лекин тоғларда туриб, уларни вақти-вақти билан кузатиб борар эди. Чор-ночор йиғилган жойларига келиб қолса, уларни қўрқитар эди. Улар ҳам оталаридек кўриб, унинг сўзига кулоқ солиб, жим турар эдилар. Шушнинг учун аввалги вақтдагидек уларнинг чақирини билан келмайдиган бўлган эди. Кумуш давридан кейин мис жинси [даври] келганда урушлар кўпайиб кетди ва ёмонликлар ошкор бўлди. [Адолат] улар билан бирга бўлмаслиқни, албатта, ўзига жазм қилди ва уларни ёмон кўриб қолди, осмонга чиқиб кетди». У ҳақда кўп афсоналар бўлиб, улардан бирида шундай дейилади: «Унинг Деметр эканлиги аниқ, чунки бошоқ у билан биргадир, дейди ва баъзиларнинг айтишича, у бахт ва иттифоқдир».

Булар Аратус баёнидир. Афлотуннинг «Қонулар» [номли китобининг] учинчи мақоласида шундай дейилган:

«Афиналик айтди: «Ерда тўфонлар ва ҳар хил касаллар, даҳшатли воқеалар бўлган. Ер юзидаги инсонлардан бу офатларда омон қолганлари мол кетида далаларда юрган подачилар ва тоғларда макон тутганлар бўлди. Булардан бошқалари қирилган. Инсон жинсидан қолган ана шулар — маккорликка кўникмаган ва ғалабага кўнгил қўймаганлардир».

Кноссилик айтади: «Улар аввалги ҳолда оламнинг хароб бўлиши ваҳшатидан қўрқиб, ҳолисона бир-бирларини дўст тутар эдилар. Чунки уларнинг кенг соҳалари ўзларига торлик қилмас, ранж ва машаққатлар тортишга ҳожатлари тушмас эди, уларда муҳтожлик бўлмаганидан ҳунар билан шуғулланиш ва мол-мулк йўқ ҳам эди. Уларда бахиллик бўлмаганидан кейин олтин ва кумуш ҳам йўқ, бойлар, фақирлар ҳам йўқ эди. Агар улар ҳақидаги китобларни топамиз десак, тасдиқловчилар кўпайиб кетарди».

## Қирқ тўртинчи боб

### МАНВАНТАРАЛАР ҲАҚИДА

72000 калпа Бароҳим умрининг миқдори бўлганидек, манвантара, яъни Ману даври Индра умри миқдоридир. Унинг раислиги шу даврнинг тугаши билан адо бўлади. Унинг ўрнини бошқаси, янги манвантарада оламда раислик қилувчи [Индра] олади.

Брахмагупта шундай деган: «Кимки, ҳар бир ёнма-ён манвантара орасида саздҳи бўлмаса, деб фараз қилса ва манвантара 71 чатуржугача бўлади деса, у ҳолда калпа [1000 чатуржугадан] 6 чатуржуга кам бўлади; 1000 дан ўша қадар ортиқ бўлиши ҳам камчиликдандир. Бу эса «Смрити» китобидагига мухолифдир. Кейин у шундай деган: «Орябҳата ўзининг «Дашагетико», иккинчиси «Орешташата» деб аталган икки китобида ёзишича, ҳар бир манватара 72 чатуржугадир. Унинг бу сўзича, калпа 1008 чатуржуга бўлади».

«Вишну-дҳарма» китобида Маркандеванинг Вайрага берган жавобларидан [бирида шундай дейилган]: «Пуруша Оламнинг эгасидир, ammo 194 калпа || эгаси эса Бароҳим бўлиб, у дунё эгасидир, лекин манвантара эгаси Манудир. Улар 14 та бўлиб, ҳар бир манвантара бошида ердаги ҳукмронлар улар авлодидан бўлади. Улар исмларини жадвалга киритдик.

Манвантара рақамлари	„Вишну-пурона“ бўйича исмлари	„Вишну-дҳарма“ бўйича исмлари	Бошқа манба бўйича исмлари	„Вишну-дҳарма“ бўйича Индра исмлари	„Вишну-пурона“ ча, ер юзида ҳар давр бошидан ҳукмронлик қилганлар исмлари
1	Своямбҳува	Своямбҳува	Своямбҳува	Ману	[Биринчи манвантара] бошқарувчиси Индра каби бирор нарсанинг шериги бўлмаган

2	Сворочиша	Сворачия	Сворочиша	Випасчит	Улардан бирин- чиси Чайтрака
3	Ауттами	Ауттами	Ауттами	Шушон- ти	Судивъя
4	Стомаса	Стомаса	Утомаса	Жихин	Нара, Киёти, Шонтаҳава, Жо- нужанкҳа
5	Райвата	Райвата	Райвата	Аутата	Балабандҳу Су- самҳовъя, Сатяка
6	Чокшуша	Чакшух- қа	Чокшуша	Маножав- ва	Пуру, Муру, Са- тадумна, Пра- муха
7	Вайвасвата	Вайвасва- та	Вайвасвата	Пуранда- ра	Акшваку, Наба- са, Дҳришна, Шоржати
8	Соварни	Соварни	Соварни	Бали— қамалган ҳукмдор	Биража, Ашъор- вари, Нирмуғҳа
9	Дакша	Вишну- дҳарма	Бароҳим- ма-пушра	Моҳовер- жа	Дритакиту, Ни- ромая, Понча- ҳаста
10	Брахмасо- варни	Дҳарма- путра	Вишну- путра	Шонте	Сукшетра, Утта- мовжа, Бхури- шева
11	Дҳармасо- варни	Рудра- путра	Рудра- путра	Вриша	Сарватрага, Де- вонека, Судҳар- мама
12	Рудрапутра	Дакша- путра	Дакша- путра	Ритатҳа- ман	Девата, Вонуна- дивашча, Деваш- риштҳа
13	Равчия	Райбҳъя	Райбҳъя	Диваспа- ти	Читрасена, Вичид- раодё
14	Бҳавтъя	Бҳавтъя	Бҳуми	Шучи	Урур, Габҳира, Будҳно-оде

Бу бешта и ҳаи Соварни деб аталган

195 || Манвантараларнинг еттинчисидан кейингиларида номларнинг ҳар хиллиги сабаби, ўйлашимча, двипаларда кўрсатилгандек, халқнинг тартибга аҳамият бермай номлар [кўпайтирилиши]га қасд қилишидир. Бунда бизнинг таянчимиз «Вишну-пурона»дан кўчирилганидир, чунки ундаги ададлар, номлар, шундай нарсаларни тавсифлаганки, унга айтилган тартибга ишонч ҳосил қилишга тўғри келади. Ҳикояларнинг фойдаси оз бўлганлиги учун изоҳлаб ўтирмаймиз. Уша китобда кшатрия бўлган подшоҳ Майтрия, Вьёса отаси Парошарага, ўтган ва келажакдаги манвантаралар ҳақида саволлар берганлиги [ёзилган]. Кейин у худди жадвалимизда ёзилгандек қилиб, ўзига маълум ҳар бир Мануни айтиб берди. Таъкидлашларига қараганда, ҳар бир Ману болалари ер юзида ҳоким бўлганлар, Мануни эса, исмларини юқорида келтирганимиздек, энг аввалгиларидан деб атади. Улар фикрича, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи манвантарадаги Манулар Прияврата насллари бўлиб, бу зоҳидликда Вишнуга яқин бўлган; шунинг учун насллари шундай шарафга муяссар бўлган.

---

## Қирқ бешинчи боб

### ЕТТИ ҚАРОҚЧИ ЮЛДУЗЛАРИ ҲАҚИДА

Етти Қароқчи [юлдузлари] улар тилида Саптараша, яъни етти риша дейилади. Айтадиларки, улар етти зоҳид бўлиб, ҳалоллик билан тирикчиликни ўтказиб туришган. Улар орасида Ас-суҳо номли солиҳа хотин [яшаган]. Ҳовузлардаги нилуфарнинг таналарини еб ўзларини тўйғизганлар. Дин келиб, улардан уни бекитди. Улардан ҳар бири бошқасидан уялиб, дин қабул этган қасамлар билан оит ичди. Буларнинг иши динга маъқул тушганидан ҳурматлаб, уларнинг ҳаммасини ҳозир кўриб турган жойларига кўтарди.

Биз, ҳиндлар китобларини қофияли шеърлар билан тартибга олганлар, деб айтган эдик. Улар шеър билан [ҳар хил] ўхшатишлар [танқид ва масҳара қилишларни] ва бадний мадҳлар ёзишни яхши кўрадилар.

Бароҳамиҳира «Сангҳита» [номли китоб]ида Етти Қароқчига қараб ҳукм чиқариш олдида сифати ҳақида келтирганини кўчирамыз:

«Шимол томон шу юлдузлар билан зийнатланган. У, марварид терилган шодани ва оқ нилуфарга боғланган маржонларни [бўйнига] таққан гўзал раққоса қизнинг айланиб ўйнаб туришидек, қутб атрофида айланиб туради. Мен энг кекса Гаргадан ҳикоя қилиб айтаман: Етти Қароқчи Мағҳада — ойнинг ўнинчи манзилида бўлган эди. У замонда Жазиштҳира Ер юзида подшоҳ эди, Шакакола 2526 йил кейин [идора қилган]. У [Етти Қароқчи] ҳар бир манзилда 600 йил турган. У шарқ билан шимол оралигидан чиқади. Етти Қароқчининг шарққа ёндашиб тургани [бири] Маречи, унинг ғарб томонида тургани Васиштҳа, кейин Ангира, кейин Атри, кейин Пуластъя, кейин Пулаҳа, кейин Кратудир. Васиштҳа яқинида Арундҳате исмли пок хотин бор».

Кўпинча бу номлар билан юлдузларни ифодалашда чалкашлик бўлади. Шунинг учун биз уни Катта Айиқ туркумидаги [юлдузлар] билан аниқлаймиз. Улардан Маречи 27, Васиштҳа 26, Ангара 25, Атри 18, Крату 16, Пулаҳа 17 ва Пуластъя 19 дир. Бу ёритгичлар [ўринлари] ҳо-



зирги замонда, яъни Шакакола эрасича 952-йилда Асад [буржи]нинг  $1\frac{1}{3}$  даражаси билан Сунбуланинг  $13\frac{1}{2}$  даражаси оралигидадир.

196 Турғун ёритгичлар ҳаракатини ҳисобга олганда Жазиштҳира замонидан [Етти Қароқчи] Жавзонинг  $8\frac{2}{3}$  даражасидан Саратоннинг  $20\frac{5}{6}$  даражасигача || узунламада жойлашганлигини топамиз. Қадимгилар ва Батлимусларнинг кўрсатган ҳаракат миқдорига кўра, у вақтда [улар жўйи] Жавзонинг  $26\frac{1}{2}$  даражасидан Асаднинг  $8\frac{2}{3}$  даражасига қадар бўлган. Мазкур манзил [Мағҳо] Асад бошидан тортиб, унинг 800 минутигача [узунликни] ишғол қилган. Шу муддат ичида Етти Қароқчини Жазиштҳира замонидан Мағҳога нисбат бериш яхшироқдир. Лекин ҳиндлар шунда Асад қалби<sup>1</sup> ёритгичига нисбат берганлар, чунки у муддат ўша вақтда Саратон аввалларида бўлган.

Гарганинг гаплари бирор асосга эга эмас, балки у ёритгичлар бурж даражаларини [ўрнини] оддий кўз билан кузатиш ва асбоблар ёрдамида белгилашларнинг эҳтиёжи бўлган ҳолда керагидан кам билганини кўрсатади.

Кашмирдан келтирилган шакаколанинг 951-йили учун ҳисобланган йиллар [календарь] дафтарларида шуни кўрдим, унда Етти Қароқчи Анурозо манзилида 77 йил бўлибди. Бу манзил Ақрабанинг  $3\frac{1}{3}$  даражасидан  $16\frac{2}{3}$  охиригача жойни ўзига олиб туради. Ҳолбуки, Етти Қароқчи ундан бир бурж ва 20 даража [50°] илгаридан жойлашган. Улардан узоқ турган одам уларнинг ҳар турли назарияларини қандай қилиб била олади?

Аввало, фараз қилайликки, Гарга тўғри айтган бўлсин; у [Етти Қароқчининг] Мағҳодаги жойини аниқ айтмаган бўлса ҳам майли. Айтайлик, унинг ўрни Мағҳо аввалида бўлсин. У эса Асад бошидир. Жазиштҳира замонидан ҳозирги йилимиз Искандар эрасининг 1340-йилигача 3479 йил ўтган. Бароҳамиҳиранинг: «Етти Қароқчи ҳар бир манзилда 600 йил тўхтаган», деганини тасдиқласак, у ҳолда унинг ҳозирги йилимиздаги ўрни Мезоннинг  $6^{\circ}17'$  бўлади<sup>2</sup>. Бу манзил Свотининг  $10^{\circ}38'$  га мос келади. Агарда Мағҳонинг ўртасида бўлганини фараз қилсак, Вишоқҳонинг  $3^{\circ}58'$  га мос келади. Мағҳо охирида бўлган десак, Вишоқҳонинг  $10^{\circ}33'$  га мосдир. Шунинг учун ал Кашмирий календаридан айтилгани «Сангҳита»дагига мўвофиқ эмас. Календардаги [ҳозирги] ўрнини ва ҳаракат тезлигини асосга олиб, орқа томонга [ўтган вақтларга] қаратиб ҳисобласак, албатта, Мағҳода бўлганлиги чиқмайди.

Шунгача, турғун ёритгичларнинг тезлигини, илгариги вақтларда қабул қилинган секин ҳаракатидан ортиқ; деб иш кўриб, осмон сферасидаги [масалан] қутб ўрнини билмоқчи бўлдик. Улар [турғун ёритгичлар]

нинг ҳаракати бизча 66 қуёш йилида  $1^\circ$  бўлади. Бароҳамиҳранинг 45 йилда  $1^\circ$  ҳаракат қилади, деб ҳукм чиқариши кишини ажаблантиради. Унинг айтган вақти замонамиздан 525 йилча илгаридир.

«Қарана-сора» зижда Етти Қароқчи ҳаракати ва унинг ўрнини билиш учун автори қуйидаги қондани айтган: «Шакаколадан 821 айрилади, қолдиқ асл бўлиб, у калижуга бошидан 4000 йил ўтганига қўшиладиган [сондир]. Аслини 47 га кўпайтириб, кўпайтмага 68000 қўшилади, йигинди 10000 га бўлинади. Бўлинма Етти Қароқчининг топилмоқчи бўлган буржига ва касрига [узунламасига] тенгдир.

Қўшилган сон, 10000 га кўпайтирилган аслининг бошида Етти Қароқчининг албатта ўрни эди. Агар бу қўшилган сон, бунга [10000 га] бўлинса, 6 бурж ва  $24^\circ$  [204°] чиқади. Маълумки, биз агар 10000ни 47 га бўлсак, у ҳолда Етти Қароқчининг бир буржни [қуёш йили билан] 212 йил 9 ой ва 6 кунда кезиши чиқади. Демак,  $1^\circ$  ни эса 7 йилу 1 ой ва 3 кунда, манзилни эса 94 йилу 6 ой ва 20 кунда кезган бўлади.

Агарда кўчиришда хатога йўл қўйилмаган бўлса, Бароҳамиҳира билан Виттишвара берган миқдорлар орасида катта айрма бор. Агар шунинг сингари ҳисобни ҳозирги йилимизга<sup>3</sup> жорий қилсак, Етти Қароқчининг [ой манзили] Ануроданинг  $9^\circ 17'$  да бўлиши чиқади.

Кашмир аҳлининг эътиқодича, Етти Қароқчи ҳар бир манзилда 100 йил бўлади. Мазкур календарда ёзилганига 23 қўшилса, 100 йилга тўлади.

Буларнинг ҳаммаси [улар] астрономиясида математиканинг йўқ бўлишлиги [нуқсонидир] ва [иккинчидан илмий] масалаларни диний гаплар билан аралаштириб юборишдандир. Масалан, ҳинд авторларидан баъзилари Етти Қароқчига эътиқод қиладилар, уни бошқа ёриткичлардан баланд, деб даъво қиладилар, ҳар бир манвантарада Ману янгиланади ва авлодлари Ер юзида ҳукмронлик қиладилар, деб ўйлайдилар; уларнинг ҳукмронлигини Индра янгилатади, фаришта тоифалари ва Етти Қароқчи ҳам шундай [янгилиниб туради], деб хаёл қиладилар. Фаришталарда туғилган эҳтиёж шунинг учунки, одамлар уларга деб қурбонликлар қиладилар; оловга ўз насибаларини берадилар. Аммо || Етти 197 Қароқчига эса ведани янгилаш учун одамларнинг ҳожатлари тушади, чунки у ҳар манвантара охирида ҳалок бўлади.

Бу фасл «Вишну-пурона»да бор. Биз ўшандан кўчирдик. Ҳар бир манвантарадаги Етти Қароқчи исмларини [қуйидаги] жадвалга ёздик.

## Манвантаралардаги Етти Риши ёки Етти Қароқчи юлдузлари:

Манвантаралар рақамлари	1	2	3	4	5	6	7
1 Бу манвантарада Индра ҳам, Етти Қароқчи ҳам бўлмаган, фақат Ману бўлган							
2	Ўржастанбха	Прона	Датта	Ниришабха	Нишвара	Счорваре	Воншча
3	Васиштха насллари						
4	Жовти	Дҳомап	Притху	Ковва	Чайтрава Агни	Варака	Пивара
5	Ҳараньяроман	Ведашре	Рурдвабоху	Апара	Ведабоху	Субоҳу	Парзинва
6	Сумеза	Вираша	Ҳавишман	Мадху	Атиноман	Саҳишну	Чаршях
7	Васиштха	Кашяпа	Атри	Жамадагни	Гавмата	Вишвамитра	Бҳарадвожа
8	Дептмон	Голава	Криба	Дрона ўгли Ашватҳоман	Парошара	Парошара ўгли Вьеса	Вишяшринга
9	Славана	Дьютман	Хавья	Васу	Ведхазрити	Жотишма	Сатъя
10	Ҳавишману	Сукрити	Сатъя	Апомурте	Нобҳога	Апратимовжа	Сухшетра
11	Нишчара	Агнетар	Вапушма	Вишну	Оруне	Ҳанишман	Нагҳа
12	Тапасви	Сутая	Тапомурти	Тапорати	Тапорити	Дувти	Ишчонья
13	Нирмуҳа	Таттаршева	Нишпаканпа	Нирутсука	Дхуритиман	Вьяя	Сутана
14	Агниба	Шучи	Шукра ёки Венера	Могадҳа	Агнедрҳа	Жактаста	Жита

## Қирқ олтинчи боб

### НОРОЯНА, УНИНГ КЕЛАДИГАН ВАҚТЛАРИ ВА НОМЛАРИ ҲАҚИДА

|| Норояна ҳиндлар фикрича, олий қувватлардан бири бўлиб, у ту- 198  
затиладиган нарсаларни тузатиш воситаси билан ва бузиладиган нар-  
саларни бузиш воситаси билан амалга оширишни қасд қилмайди. Бал-  
ки бузуқлик ва ёмонликларни мумкин қадар йўқотади, унинг назарида  
тузатиш бузилишдан илгарига қўйилган. Агар бордию бир тузатиш  
бузилишсиз мумкин бўлмаса, чор-ночор вақтинча бузишга тўғри келади.  
Масалан, етилган экин орасига от билан кириб қолган киши эсини  
йигиб олгач, бу феълнинг ёмонлигини сезиб, экинга зарар келтирмас-  
дан чиқишни хоҳласа, отини орқага қайтармасдан ва кирган йўлидан  
қайтиб чиқмасдан бошқа чораси йўқ; кирганда қанча экинлар вайрон  
бўлса, чиққанда ундан кўра кўпроқ вайрон бўлади. Бундан бошқа  
унинг чораси ҳам йўқ.

Улар Норояна билан биринчи сабабчини фарқ қилмайдилар. Но-  
рояна дунёга келишида жисм, шакл ва ранг жиҳатидан дунё халқига  
ўхшаб келади. Бундан бошқа суратда бўлиши мумкин эмас. Дунёга  
келиб-кетишларининг баъзида биринчи манвантаранинг тугаши олдила  
Норояна дунё раислигини Волакхилъядап олиш учун келади. У эса  
оламларга исм қўйган. Норояна раисликни олишни хоҳлаб келди-ю,  
олиб қурбонлик [саногини] юзга етказган Шатакратуга топширди ва  
уни Индра қилиб тайинлади.

Норояна келишларидан бири олтинчи манвантара тугашида бўлди.  
У вақтда Верочана ўғли подшоҳ Балини ўлдирган эди. Бали бўлса,  
дунёга подшоҳ бўлиб, Зухрани ўзига вазир қилган эди. Чунки у онаси-  
дан отасининг даврини ўз давридан ортиқлигини эшитди. Отасининг  
даври критажуга аввалига яқин эди. Одамлар у вақтларда роҳатга фарқ  
эди, ранжу машаққатдан узоқ эди. Балининг ҳиммати ҳаракатга келиб,  
бу ишларда отасидек иш олиб боришга киришиб, яхши ишларни қилиш-  
га бошлади, халққа хайр ва эҳсон қилиб, мол ва дунёсини соча бошла-

ди. Қурбонликни юзга етказганда дунё ва жаннат раислигига лойиқ бўларди. У қурбонлигини тамомига етказиб, тўқсон тўққизинчисиши бажариб фароғатга ўтганда, фаришталар ўз даражаларидан айрилиб қолиш учун Нороянадан қўрқдилар. Инсонлардан ўзларига тегадиган манфаатнинг узилиб қолишига кўзлари етди. Ҳаммалари йиғилишиб ва додлашиб Норояна олдига бордилар. У уларнинг илтимосини қабул қилиб, Вомана шаклида бўлиб, ер юзига тушди. У бўлса шундай бад-башара бир одам эдики, икки қўли ва икки оёғи баданига мутаносиб бўлмай, гавдасига нисбатан калта бўлиб, ҳатто шаклининг хунуклигидан чиркин ҳисобланарди.

Норояна подшоҳ Бали олдига келганда, у қурбонлик қилиб турган экан. Браҳманлар унинг олдига, оловлар теварагида турганларини ва Зухра вазири ҳам унинг хизматида бўлганини, хазиналар эшигининг очиқлигини ва жавоҳирларнинг садақа, тортиқ ва ҳадялар учун тўкиб қўйилганини кўрди. Вомана браҳманларга ўхшаб, веданинг ҳозирда сомаведа номли бўлимини хуш овоз билан ўқиб турди. Шунда подшоҳ халқларга хайр ва эҳсон қилишга бошлади. Зухра секингина унинг қулогига бориб: «Мана бу, Норояна, мулкингни тортиб олишга келди»,— деди. Подшоҳ ўзининг завқ ва хурсандлиги билан бу сўзга қулоқ солмай, Нороянага қараб: «Истаган нарсангни сўра»,— деганида: «Мулкингдан тўрт қадамлик миқдорини берсанг, мен унда ҳаёт кечирсам»,— деди. У бўлса: «Қанчасини хоҳласанг ўшани ол»,— деди. Шунда у қўлига қуйгани сув сўради, чунки унинг воситасида буйруғи жорий бўлар эди. Бу эса уларда расм эди. Подшоҳга муҳаббатининг кучлилигидан Зухра обдастага бекинди. Сув чиқиб кетмасин, деб жўмрагининг тешигига қўлидаги узугининг чўпини || суқиб, уни бекитди, Зухра кўзининг ғилайлигидан чўп сурилиб, сув оқа бошлади. Вомана шарққа қараб хатлади, иккинчи марта гарбга қараб хатлади ва учинчи марта юқорига қараб хатлаб, Сварлокага етди, тўртинчи қадами учун дунёда ўрин қолмади. Шу билан уни [подшоҳни] қул қилиб, ўз тасарруфига олди ва оёғини икки кафтининг ўртасига қўйди. Бу эса қул қилиб олганлигига аломат эди. Шу билан уни ерга киргизиб юборди, ҳатто у пастликлардан энг пастга — етти қат ер остига бориб чўкди ва ундан оламини олди. Дунёга раис бўлишликни эса Пурамдарага берди.

199

«Вишну-пурона»да айтилишича, подшоҳ Майтрия Парошарадан жугалар ҳақида сўради. Шунда у бунга берган жавобида бундай дейди: «Жугаларда Вишну ўзи учун машғул бўлади, сўнгра критажугада у Капила кўринишида бўлиб, илм [тарқатиш] учун келади, тритожугада Рома кўринишида бўлиб, ботирлик кўрсатиш, ёмонларга зарба бериш, куч ва ғалаба билан уч лока [дунё]ни сақлаш ва унга яхшилик етказиш учун келади ва двопарада эса Вьёса сувратида бўлиб, ведани тўрт боб ва фаслларга бўлиш учун келади. Двопара охирида Васудева сувратида

жабр ва зулм қилувчиларни йўқотиш учун келади. Калижугада Браҳман Жашу ўғли Кали сувратида келиб, ҳаммани ўлдириб, даврини қайта қуриш учун келади. [Вишнунинг] жугадаги машғулотни шулардан иборат.

Бу китобнинг иккинчи бир ерида шу сўзлар бор: «Вишну, бу Нороянанинг бошқача номидир, у ҳар бир двопара охирида инсонларнинг веданинг ҳаммасини ўқишга ва унга риоя қилишга ожиз бўлганликлари учун уни тўртга бўлиб енгиллатиш учун келади ва у ўз келишларида исмлари бошқа-бошқа бўлса ҳам. Вьёса сувратида бўлиб келади. Унинг отлари бу еттинчи манвантаралардан ўтган чатуржугаларда келтирилди.

Биз уларни жадвалга ёздик:

1	Сважамбхў	15	Тражоруна
2	Пражопате	16	Дҳанамжая
3	Ушана	17	Кританжая
4	Вриҳаспати	18	Ринажиштҳа
5	Савитри	19	Бҳарадвожа
6	Мритью	20	Гавтама
7	Индра	21	Уттама
8	Васиштҳа	22	Ҳарётма
9	Сорасвата	23	Веда-Вьёса
10	Тритҳоман	24	Вожашварава
11	Тривриша	25	Сомашума
12	Бҳарадвожа	26	Бҳоргава
13	Антарикша	27	Волмеки
14	Вапра	28	Кришна
		29	Дрона ўғли Ашватҳома

Парошара ўғли Кришна Двайпояна — Вьёсанинг йигирма тўққизинчи марта келиши кутилади, ҳозиргача келгани йўқ.

«Вишну-дҳарма» китобида айтилишича: «Хари, яъни Норояна номлари жугаларда ҳар турли бўлди. Улар эса Васудева, Санкаршана, Прадьюмна ва Анирудҳа бўлиб келади». Менимча, унда тартибга риоя қилинмаган, чунки Васудева тўрт жуга охирида бўлган ва шу китобда яна айтади: «Норояна ранги жугаларда ҳам ҳар хил бўлади; критожугада оқ, тритожугада қизил, двопарада сариқ бўлади, бу эса унинг инсон шаклида бўлиб, жисмга киришининг аввалидир, калижугада эса қора бўлади.

Бу ранглар биринчи уч қувват рангидекдир».

Уларнинг айтишларича, [фалсафаларидаги] уч қувватдан бири сатъя — тиниқ оқ, иккинчи ража — қизил, учинчи тама — қорадир.

|| Биз бундан кейин Нороянанинг охирги келиш ҳолини баён 200 қиламиз.

## Қирқ еттинчи боб

### ВАСУДЕВА ТУҒРИСИДА ВА БҲАРАТА УРУШЛАРИ БАЕНИ

Экин ва насл қолдириш билан дунё тўлиб бораверади. Гарчи дунё чекланган бўлса ҳам, кунлар ўтиши билан бу икки ўсиш натижасида кўпайиш чекланмайди. Агарда ўсимликлардан ёки жониворлардан бирор хилининг ўсишига шароит бўлмай, ўсишдан тўхтаса ҳам, бошқаларида бу аҳвол бўлавермайди. Уларнинг ҳар бири вужудга келишида бирданига пайдо бўлиб, йўқолишда эса бирданига йўқолиб кетмайди. Балки унинг ўзи йўқолса ҳам, у ўз ўхшашини қолдириб кетади. Ҳатто у [битта эмас, балки] бир нечасини қолдиради. Агар ер юзини бир хил дарахт ёки бир хил ҳайвон бутунлай қоплаб олса, [бу ҳолда] ҳайвоннинг кўпайишига ҳам, дарахтнинг ўсишига ҳам ўрин қолмайди. Шу сабабдан деҳқонлар экинларини ўтоқ қилиб, кераксизини юлиб ташлайди, боғбонлар ҳам дарахтларнинг яроқсизларини кесиб ташлайди. Асаларилар ҳам ўз жинсидан бўла туриб, ишламай кувадаги [асални] бекорга еб ётадиганларини ўлдириб ташлайди.

Табиат ҳам худди мана шундай иш қилади. Лекин табиат яхшини ёмондан айирмасдан, ҳаммасига бир хилда таъсир қилиши орқасида дарахт баргларини тўкиб, мевасини бузиб, мева қилишдан қолдириб қуригади. Дунё ҳам шунга ўхшашдир. Қачон халқларнинг кўпайиши билан дунё бузилса ёки бузилишга яқин етса, дунё ва дунёдаги бор нарсаларни сақлагувчилигидан унинг ҳар бир бўлагига марҳамати умумий бўлган, тadbиркор [худо] кўпчиликни камайтирадиган ва ҳамма ёмонлик илдизини тагидан қирқадиган бир зотни юборади. Ҳиндларнинг даъволарига кўра, Васудева ҳам шуларнинг жумласидан бўлиб, ер юзи жабру зулм билан тўлиб, унда яшовчиларнинг кўплигидан, оёқ босиб юришларидан ер чайқалиб турган вақтда энг охири марта Матҳура шаҳри ҳокими Канса синглицидан инсон шаклида туғилади. Булар жатта — чорвадорлар уруғидан бўлиб, шудра табақасига мансуб эди.

Аммо Канса синглицининг тўйи кунларида: «Сенинг ўлимнинг синглицинг боласи тарафидан бўлади», — деган нидони эшитган эди. Шунинг

учун синглиси туғиши билан махсус одам юбориб, боласини келтиртирар ва у бола ўғил бўлса ҳам, қиз бўлса ҳам, тездан ўлдирар эди. Бу иш Балабҳадра тугилгунгача давом этиб, бола туғилганда уни қорамол боқувчи Нанданинг хотини Жасу олиб тарбия қилди, у Кансанинг айгоқчиларидан ҳар доим яширишга ҳаракат қилар эди. Сўнгра Кансанинг синглиси Балабҳадрадан кейин саккизинчи болага ҳомиладор бўлиб, Васудева туғилади. Бу эса ёмғирли кечада, бҳадрапада ойнинг қоронғи ярмининг саккизинчисида ой Роҳине манзилида тулу қилганида бўлади. Кансанинг қўйган пойлоқчилари қаттиқ уйқуга кетган вақтида отаси болани ўғирлаб, Нандакулга, яъни Жасунинг эри қорамол бойлайдиган оғилига кўтариб боради, у жой Матҳуранинг яқинида бўлиб, иккови ўртасида Жамуна дарёси оқар эди. Васудева келтирилган чоғда Жасу ҳам бир қиз туққан эди. Уни қизга айирбош қилиб кўтариб, пойлоқчиларга олиб бориб, ўғлининг ўрнига беради. Ҳоким Канса ўлдиршга қасд қилиши билан қиз ҳавога кўтарилиб кетади. Жасу бўлса қизининг ўрнига ўғилни олмаштирганидан беҳабар энага ўрнида сўт эмизади. Васудева унинг қўлида тарбия топади. Бу ишдан Канса хабардор бўлиб, буни [йўқотиш учун] барча макр-ҳийлаларни қилиб кўради, лекин ҳаммаси ўзига [зарар бўлиб] қайтади. Ниҳоят, Канса Васудеванинг ота-онасидан ўз олдида полвон сифатида [хизмат қилиб] туриш-ни сўрайди. У барча курашларда ғалаба қозонади.

Бир кун йўлда кетатуриб тоғаси — Кансанинг ғазабини қўзғайдиган бирмунча ишларни қилиб қўяди; Кансанинг нилуфарини қўриқлаб ётган илонни енгиб, тумшуғидан боғлаб қўяди, кийим ювадиган кишини эса курашга тушишга кийиладиган омонат кийим бермаганлиги сабабдан ўлдиради; Кансанинг хотини курашадиган полвонларнинг баданларига суртиладиган сандал [ҳушбўйлик]ларга бошлиқ эди. || Унинг қўлидан сандални тортиб олади. Кейин ўзини ўлдирш учун ўз эшигида боқилиб тайёр турган, қутурган маст филни ўлдиради. Бу ҳамма ғазаблантирадиган ишлари Кансага етиши билан шу онда унинг юраги ёрилиб ўлади. Кейин синглисининг бу ўғли — Васудева унинг ўрнига подшоҳ бўлади. Унинг ҳар бир ой учун аталадиган номи бор. Унга эргашувчилар маргаширша ойдан бошлайдилар. Васудеванинг [бош кўтариб] чиқиши ойнинг ўн биринчисида бўлгани учун, ҳар бир ойнинг ўн биринчи кунига алоҳида эътибор берадилар.

## Ойлар:

- [1] маргаширша
- [2] павша
- [3] магҳа
- [4] лҳолгуна
- [5] чайтра

## Васудева номлари:

- Кешава
- Норояна
- Модҳава
- Ровинда
- Вишну



[6] пайшакҳа	Мадҳусӯдана
[7] жайшитҳа	Тривикрама
[8] ошодҳа	Вомана
[9] шрована	Шридҳара
[10] бҳодрапада	Хришикеша
[11] ашваюжа	Падманабҳи
[12] кортикка	Дамӯдара

Бу воқеаларни эшитиб, Кансанинг куёви ғазаб билан ўз қароргоҳидан чиқиб, Матҳурага келади; Васудева мамлакатини истило қилиб, уни денгиз тарафига суриб юборади.

Васудева [уерга] борганида денгиз яқинида деворлари олтиндан бўлган бир қалъа кўринади ва у шу қалъага жойлашади. У ерда Каурава болалари [жойлашган] бўлиб, улар Васудевага амакивачча эдилар. Васудева уларни зиёфат қилади ва улар билан қимор ўйнаб, ҳамма мол-мулкларини ютиб олади. Ҳатто у уларни ютиб, неча ўн йиллаб ўз ғатанларидан сургун бўлиб туришларини, охири йилларда эса ҳеч кимнинг кўзига кўринмай, ўзларини ҳеч бир кишига танитмай, махфий юришларини шарт қилиб қўйди. Агар улар шу шартга риоя қилмасалар, шу шартдаги йилни ўтказиш учун иккинчи марта бадарғага қайтиши лозимлигини билдирди. Улар шу шартдаги муддатни тугатиб, ўзларини ошкора қилиш вақти ҳам келиб етади. Сўнгра ҳар бир гуруҳ ўз кишилари билан бирикиб ва зўр куч тўплаб ёрдамлашишлари натижасида Тонешар даласига ҳисобдан ташқари қўшин жам бўлади. Улар сони ўн саккиз акшавҳине тахмин қилинар эди. Ҳар бир гуруҳ Васудевадан ёрдам талаб қиларди. Васудева уларга, сизлар ёлғиз менинг ўзимнинг [ёрдам беришимни] хоҳлайсизларми ёки акам Балабҳадрани бутун аскарлари билан [ёрдам беришини] хоҳлайсизларми, деб савол қилганида, Понду авлодлари Васудевани танладилар. Улар бешта эди: Жазиштҳира — уларнинг бошлиғи, Аржуна — уларнинг ботирлари, Саҳодева Бҳемасена ва Накула. Улар билан бирга етти акшавҳине аскарлари бор эди. Лекин душманлари жуда кучлик эди. Агар Васудеванинг уларга кўрсатган ҳийласи ва ўргатган [ҳарбий] таълимоти бўлмаса эди, улар галаба қозономас эдилар. Оқибатда ҳамма йиғилган қўшинлар тугаб, юқорида кўрсатилган беш оға-инидан бошқа ҳеч ким қолмади. Шу вақтда Васудева ўз жойига қайтиб бориб, [ўша ерда] Жодава деб аталган қабиласи ва беш биродари билан, уруш битганига бир йил етмасдан, ҳаммаси ўлди. Аммо Васудева эса Аржунага, [агар] бирон ҳодиса юз берадиган бўлса, чап кўз ва биллак мушағи учади, деган эди. Ҳа замонда Дурваса деб аталган фаришта сифат зоҳид — риши бор эди. Васудеванинг биродарлари ва унинг фитна кўтаришга қасд қилган қабиласи бор эди. Уларнинг бири кийинки остига темир товони бекитиб туриб, зоҳидни масҳара қилиб, қани, қурсоғимда нима бор, топингчи,

деб сўраганда, зоҳид қурсоғингда ўзингни ва ҳамма аҳллариингни ўлимга сабаб бўладиган нарса бор, деб жавоб берган. Бу сўзни Васудева эшитиб, жуда ғамгин бўлади, чунки у зоҳид нима деса, унинг айтгани тўғри келишини билар эди. Сўнгра Васудева ўша темир товани эгов билан эговлаб, майдалаб сувга ташлашга буюради. Буни шу айтилгандек қилган киши тованинг озгина парчаси қолганида менсимасдан дарёга || ўша ҳолича ташлаб юборади. Уни бир балиқ ютиб юборади. Балиқчи балиқни овлаб, қорнидан уни топиб олади. Кейин уни тузатиб, ўқни учига тиг қилиб олади. Иттифоқо тақдирнинг вақти етиб Васудева дарё яқинида бир дарахтнинг соясида оёғини чалиштириб ухлаб ётган вақтида, овчи уни кийик деб гумон қилиб отганда, ўқ келиб ўнг оёғининг капига тегади. Ушанда бўлган яра унинг ўлимга сабаб бўлади. Худди шу вақтда Аржунанинг чап кўзи ва юқори билати уча бошлайди. Саҳодева Аржунага, Васудеванинг мадори қуриб қолмасни деб, унга оғир ҳаракат қилдирмасликни буюради. Аржуна Васудева олдига келиб, оғир ҳаракат қилаётганини кўриб, бунга йўл қўймайди. Кейин Васудева ўз ёйини келтириб беришни сўрайди, Аржуна уни келтиради.

Васудева ёй билан ўз қувватини синаб кўради. Кейин Васудева Аржунага, ўзини ва қабиласининг жасадини куйдиришни, хотинларини қалъадан олиб чиқиб кетишни васият қилиб ўлади. Аммо тованинг қириндиларидан барди униб чиқади. У жойга Жодавалар келиб, тагига солиб ўтириш учун ундан бир боғини боғлаб олишади, кейин унга ўтириб олишиб ичкилик ичишади, сўнгра ўрталаридан жанжал чиқиб уришишади ва ўша бир бойлам барди сабабидан бир-бирларини ўлдиршишади. Бу воқеаларнинг ҳаммаси Сарсата дарёсининг денгизга қўшилишига яқинроқ, Соманотқа бутқонаси тикланган жой яқинида бўлган эди. Аржуна акасининг ҳамма васиятларини бажариб, хотинини қалъадан олиб чиқиб кетаётганида ўғрилар йўл тўсади, Аржуна ёйини олиб отишга қодир бўлмайди. Шунда ўзининг бутун кучи кетганлигини билиб, ёйини олиб бошидан айлантира бошлайди, ёйининг остига киришга ултиролган кишилар қутулиб қолади, четга чиққанлар ўғриларга тугилади. Аржуна ва унинг ака-укалари ҳаётнинг ўзларига фойдасиз бўлиб қолганлигини билиб, шимол тарафга юриб бориб, ёз вақтида қорин эримайдиган бир тоққа кирадилар ва у жойда совуқда қолиб, биринкетин қотиб ўладилар. Улиб-ўлиб, ниҳоят, Жазиштҳиранинг битта ўзи қолади. Ўз биродарлари ва Васудеванинг сўрашига мувофиқ биргина ёлгон сўз гапирганлиги сабабли дўзахни босиб ўтгандан кейин жаннатга киришга ижозат берилади. Унинг айтган сўзи бўлса, браҳман Дронанинг қулоғига етадиганча яқин жойда «Ашваттҳаман фил ўлди», деб иккинчи сўзининг ўртасида тўхтади. Бундан Дрона ваҳимага келди, чунки у ўғлим [Ашваттҳаман ўлибди] деб ўйлади. Жазиштҳира фаришталарга: «Агар меннинг жаннатга киришим лойиқ топилса, дўзахийларга шафоатим тегиб, ҳаммаси дўзахдан озод бўлсин», деб сўради. Шу билан унинг тилаги қабул бўлиб, улар билан бирга жаннатга киради.

### АКШАВҲИНИ МИҚДОРИНИНГ ШАРҲИ

Ҳар бир акшавҳини ўн аникин ва ҳар бир аникин — уч чамудан ташкил топган. Ҳар чаму — уч пританодан, ҳар бир притано — уч воҳинидан, ҳар воҳини уч ганада иборат. Ҳар бир гана — уч гулма, ҳар гулма — уч сеномуҳҳа, ҳар сеномуҳҳа — уч патти, ҳар патти — бир ратлик вақтида ижод қилган бўлса ҳам, унинг ижод қилган шатранжига тенг бўлиб, шатранжда уни рух дейилади. Юнонлар шатранжни уруш араваси деб атайдилар. Улар шатранжни аввал бошлаб Афина шаҳрида Манколус ижод қилди, дейдилар. Ваҳоланки, бундан илгари тўфондан тўққиз юз йилчадан кейин Мисрда Афродис ҳиндий подшоҳлик вақтида ижод қилинган бўлса ҳам, унинг ижод қилган шатранжиники от билангина юрар эди. Лекин афиналилар, шатранжни энг аввал таркиб бериб, шу ҳолга келтирган бизлар эдик, деб даъво қиладилар. Юнон афсоналарида айтилишича, Ҳепестос Афинага ошиқ бўлиб, уни йўлдан оздирмоқчи бўлган; Афина қизлигини сақлаб қолиш учун ўзини ундан узоқ тутган. Ҳепестос Афина ўлкасида бекиниб юриб, уни эгаллашга қасд қилганида, Афина унга шундай тиг тортиши билан, у қўйиб юборишга мажбур бўлган. Аммо эрлик суви ерга<sup>1</sup> тўкилиб, ундан Ариқтиониус лайдо бўлган. Ариқтиониус || қуёшдек ярқираб аравага ўтириб олган. Отининг устига эса жиловини ушлаган хизматкори миниб олган.

Аммо бизнинг замонида [шатранж] майдонида от сакратиш, чоптириш одати Ариқтиониуснинг аравада ўшандай келишига ўхшатишдир. Шатранжда бир фил, уч отлиқ ва беш пиёда бўлиб, бундай [кетма-кетли] тартиблар ўйиндаги юриш, тизилиш ва [жой-жойига] қўйилишда сақланади.

Рухлардан 21 870 ва филдан ҳам шунча, отлиқлардан 65 610 ва пиёдалардан 109 350 йиғилса, буларнинг барчаси бир акшавҳинидан иборат бўлади. Лекин ҳар бир аравага тўрт от қўшилиб, бу тўрт от ҳайдовчиси ва араванинг бошлиғи қуроллик бўлиб, унинг икки кўк

найзаси бўлади. Бошлиқнинг сақловчиси ва аравани тузатишга белгиланган киши орқадан юради. Ҳар бир фил учун бир етакловчи ва унга бир ўринбосар унинг орқасида юради. Фил ҳайдовчиси тахтнинг орқасидан юради. Бунда ҳам бошлиқ қуролик бўлиб, унинг икки кўк найзаси бўлади. Уйинчоғи ҳув-ҳав эса унинг олдида чопиб боради.

Шундай қилиб, рух ва филлар сонига қараганда одамлар сони 284323 та, отлар сони эса 87480 та ортади. Битта акшавҳинидаги ҳамма филлар сони 21870 га етади; шунга қараб арава ва отлар сони 153090 га, одамларнинг сони эса 459283 га боради. Ҳамма жониворлар — филлар, отлар ва одамлар сони йиғилганда 634243 акшавҳини бўлади. Шундай миқдордан 18 та акшавҳинида эса 11 416 374 та бўлади, [18 акшавҳинидаги] филлар сони 393 660 та бўлиб, отларнинг сони 2 755 620 та бўлади ва одамлар сони эса 8 267 094 тадан иборат бўлади.

Акшавҳини миқдорининг тафсили ва изоҳи мана шундан иборатдир.

## Қирқ тўққизинчи боб

### ТАРИХЛАР ҲАҚИДА ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ

Тарихлар воситаси билан замоннинг маълум бир вақтларига ишорат қилинади. Гарчи ҳиндлар календарда кўп [рақамли] сонлар ишла-тишни оғир кўрмай, балки у билан фахрлансалар ҳам, лекин уни истей-мол қилишда камайтиришга муҳтож бўладилар. Ҳинд эралари қуйида-гичадир:

[I] Бароҳимнинг вужудга келиш вақтидир;

[II] Бароҳим куни кундузнинг боши бўлиб, ҳозирги калпанинг бошланиш вақтидир;

[III] ҳозир биз [яшаб] турган еттинчи манвантаранинг бошидир;

[IV] ҳозир биз [яшаб] турган йигирма саккизинчи чатуржуга бо-шидир;

[V] тўртинчи жуга бошидир. Бу бошланғич эса каликола, яъни «Қали замони» демакдир. Бу [замон тўртинчи] жуга охирига тўғри келса ҳам, [Қали шарафига] кейинги бутун жугани Қали жугаси деб айтиладиган бўлди;

[VI] Пандавакала эраси бўлиб, у Бҳарата урушининг вақтидир.

Бу эраларнинг барчаси ҳам бир-биридан қадимроқдир. Эралар бў-либ ўтганига эса юз йиллардан тортиб минг йиллар ва бундан ортиқ вақтлар ўтган. Бошқалар уёқда турсин, астрономларнинг ўзларига ҳам [бу катта сонлар] оғир кўринади.

Буни таърифлаш учун биринчи мисол қилиб Яздигард [календарининг] тўрт юзинчи йилига мос келувчи ҳинд йилларини мисол келтира-миз, чунки бу юзлик [рақам]дан иборат бўлиб, бирлар ва ўнлардан ҳолидир. Бу йил бошқа йиллардан ўз хусусияти билан ажралиб қолган. Бундан ташқари [400-йил] шуҳратига энг мустаҳкам бир устуннинг йиқилиши ва жаҳоннинг шери ва ўз асрининг нодири бўлган султон Маҳмуддай — унга худонинг раҳмати бўлсин — бир одамнинг вафоти ундан бир йилча камроқ вақт илгари юз бериши сабаб бўлди. Ҳинд

йилига келсак, у шу йилнинг наврӯзидан 12 кун илгари бўлиб, мазкур ўлим [кунидан] форс ойлари [ҳисоби]ча 10 бутун ой кейин келган.

Агар бизнинг ўша фаразимиз маълум || бўлса, ўтилган йилларни 204 ҳисоблаш учун бунинг бир-бирига яқинлигини назарга олиб, 200-йил бошини бошланғичга қабул қиламиз, чунки ҳинд йили шундан сал илгари тугаб, ўша наврӯз унга яқиндир ва у ҳинд йилидан кейин келади.

«Вишну-дҳарма» китобида шундай ёзилган: «Важра Маркандевадан Бароҳим умридан қанчаси ўтди, деб сўраганда унга, «саккиз йил, беш ой ва тўрт куну олти манвантара ва етти сандҳи, йигирма етти чатуржуга ва йигирма саккизнинг уч жугаси ва то ўзинг ишлаган аш-вамедҳани вақтигача ўн дивъя йили ўтган», деб жавоб берган. Яна у сўзини давом эттириб бундай деган: «Ҳар ким шуларни тафсил билан билса, етарли даражада тасаввур қила олса, у ориф бўлади. Ориф ўзи шундай бир кишики, у ягона тангрига ибодат қилади ва парамапада деб аталган тангри маконга қўшни бўлишни истайди».

Агар бу айtilган [миқдорлар]ни асосга олиб, уларни тўғри деб ҳисобласак, бу миқдорлар Бароҳим ҳаёти бошланишидан тортиб, то мисолга олинган чоғимизгача қанча йил ўтганини билишга кифоя қилади.

Бароҳим ҳаёти бошланишидан то мисолга олинган йилимизгача 26 215 732 948 132 йилимиз ўтган. Бароҳим кунининг [кундузи] бошидан, яъни калпа бошидан 1 972 948 132 [йилимиз ўтган], еттинчи манвантара [боши]дан 120 532 132 [йил ўтган].

Бу кейинги эра подшоҳ Балининг асирга олиниш эраси бўлган. Чунки бу воқеа манвантаранинг биринчи чатуржугасида юз берган.

Эралар ҳақида айтганларимиз ва келажакда айтадиганларимизнинг ҳаммасида бутун йиллар устида гап боради, чунки ҳиндларда тўлмаган йиллар ишлатиш одат бўлмаган.

«Вишну-дҳарма»да, Маркандева Важрага берган жавобида шундай деган: «Мен олти калпа ва еттинчи калпадан олти манвантара, еттинчи манвантарадан йигирма уч третожуга яшадим. Йигирма тўртинчи третожугада Рома Рованани ўлдирган ва Романинг биродари Лакшмана эса Рована биродари Камбҳакарнани ўлдирган, дейишади. Бу иккови ҳамма Ракшасаларни ўзларига бўйсундирадилар. Шу йилларда риши — Волмеки «Рома ва Ромояна» [деган] асар ёзиб, унда бу ҳодисаларнинг бўлиб ўтганлигини битиб, [улар номини] абадийлаштирди. Буларни мен Панду ўғли Жузиштҳирага Комякавана ўрмонида айтиб берганман».

Автор буни третожугага киритганлигининг сабаби шуки, мазкур аҳвол шунинг ичида бўлган эди. Биринчидан, бир [бутун] билан ҳисоблашдан ўнғайдир. Ўша аҳвол туфайли третожуга охири аввалидан

кўра яхши [деб ҳисобланган], чунки унинг аввали ёмонлик [асри]га яқин. Шак-шубҳасиз, Рома ва Ромояна воқеаси ҳиндларга маълум бўлган. Лекин биз уни аниқлай олмадик. Чунки йигирма уч чатуржуга 99 360 000 йил бўлади ва третожуганинг охиригача 102 384 000 йил бўлади. Агар буни [еттинчи] манвантара эрасидан то ўз йилимизгача айирсак, 18 148 132 йил қолади. Тахминланиб айтилганига қараганда, Романинг бу эраси то ишончли далиллар ёрдам бериб, исботламагунга қадар бўлган бир вақтдир. Мазкур йил 28-чатуржуганинг 3 892 132 йилига мос келади.

Буларнинг ҳаммаси Браҳмагупта аниқлаган миқдорлардир. У билан Пулисанинг Бароҳим ҳаёти бошланишидан ҳозирги калпамизгача 6068 калпа ўтган дейишлари бир-бириникига мувофиқ, лекин бу сонларни, чатуржуга миқдорига айлантиришда мувофиқлик йўқ. Пулиса бўйича, у 6 116 544 бўлса, Браҳмагупта бўйича, бундан 48 544 камдир. Агар Пулиса усулича ҳисобласак, бир манвантара сандҳисиз 72 чатуржуга бўлиб, калпа эса 1008 чатуржуга бўлади. Ҳар бир жуга чатуржуганинг тўртдан бир қисмидир. Шундай қилиб, Бароҳим умри бошидан мисолимиз вақтигача 26 425 456 200 000 йил ўтган.

205 Калпа || [боши]дан 1 986 124 132, манвантара [боши]дан 119 884 132, чатуржуга [боши]дан 3 244 132 [йил] ўтган. Аммо калижугага келганда шуни айтиш керакки, унинг бутун йиллар саногларида хилоф йўқ. [Браҳмагупта билан Пулиса] икковининг ҳисобича, калижуга [боши]дан 4 132 [йил] ўтган. Бу эса каликола эраси бўлиб, Бҳаратажанги вақтидан то [мисолга олган йилимизга қадар] 3479 [йил] ўтган. Бу пандовакала эрасини ташкил қилади.

Ҳиндларда колажавана номли эра бор. Мен уни текшириб аниқлай олмадим. Айтишларича, у энг яқиндаги двопара охирида бўлган. Мазкур Чавана уларнинг мамлакатларини эгаллаб, динларини ўзгартиб юборган. Бу календарларнинг барчаси ҳам кўп сонли ва ҳар бирининг бошланғичи жуда узоқ-узоқларга бориб тақалади. Шунинг учун уларни ишлатишни хоҳламай, шре-ҳарша, викрамодитъя, шака, валабҳа ва гупта эраларини ишлатганлар.

Ҳиндларнинг Шре-ҳарша ҳақида шундай эътиқодлари бор: Шре-ҳарша тупроғни текшира бориб, унинг тагидаги, еттинчи қаватидаги қимматбаҳо конларни кўриб ва кўмилган хазиналарни топиб, уларни [турган жойларидан] чиқариб, у билан бойиган ва фуқароларини қийинчиликлардан қутқазган эмиш. Унинг календари Матҳуро ва Қанавж районларида қўлланади. Уша ўлкада яшаган баъзи кишиларнинг айтишларича, у [эра]дан викрамодитъя [эраси]гача 400 йилдир. Лекин мен кўрган ўша кашмирлилар календарида у викрамодитъя [эраси]дан 664 йил кейин келган. Шундан кейин унинг тўғрилигига менда шубҳа туғилди, кейинчалик ҳам аниқ далил топилиб, [бу масала] менга ойдин-

лашмади. Викрамодитъя календарини қўллайдиган ҳинд ерининг жанубий ва ғарбий шаҳарларидагилар 342 ни ёзиб, уни донмо учга кўпайтириб, ундан 1026 сонини чиқарадилар. Кейин унга шаштиябда, яъни олтмишли санватсарадан ўтган йилларни қўшадилар. Ана шу викрамодитъя эрасининг [йили] бўлади. Унинг исмини Маҳодеванинг «Срўзава» деган китобида чандрабежа деб айтилишини топдим. Бундай ҳисоблашлар ўнғайсиз, чунки 342 ни назарга олмай, бирданига 1026 ни олсалар дуруст бўлар эди. Олтмиштали [система]да бу [усул] яхши; агар бир шаштиябҳада бу усулни тўғри олсак, у ҳолда икки марта ортиқ бўлганда [ҳисоблаш] усули қандай бўлади?

Аммо шака эрасига келсак, уни шака-кола ҳам дейишиб, викрамодитъядан 135 йил кейиндир. Мазкур Шака ҳинд ерларидан Синд дарёси билан денгиз орасини ўзига мустамлака ва ўрталиқдаги Оржавартани ўзига қароргоҳ қилиб, ҳинд халқига [шака] календаридан бошқаларини ишлатишни ман қилди. Баъзи ҳиндларнинг айтишича, у ал Мансура шаҳридан бўлиб, ўзи шудра эди. Баъзиларининг айтишича, ўзи ҳинди ҳам эмас, балки ғарб тарафдан улар томонга келган эди. Викрамодитъя шарқ томонлардан унга то қасд қилиб ёрдамга келмагунгача [халқ] қаттиқ балоларга дучор бўлган. Охирида [Викрамодитъя] келиб, уни тор-мор қилиб, Лоне қалъаси билан Мўлтон ўртасидаги Карўр деган жойда уни ўлдирган. Унинг ўлдирилиши ҳақидаги севинчли хабар тарқалиши кунидан буён эра бошланган. Уни, хусусан, ҳинд астрономлари ишлата бошладилар. Викрамодитъяни ҳурматлаб, унинг исмига Шрени қўшдилар. Унга нисбат берганимиз эра билан Шаканинг ўлдирилиш вақти оралиги жуда узун бўлганидан, менимча, Шакани ўлдирувчи Викрамодитъя бўлмай, балки унга одош бўлган бир киши бўлса керак.

Аммо Валабҳа эрасига келсак, у Валабҳа шаҳри ҳокими бўлиб, Анҳилвора шаҳрининг жанубида ўттиз жўжана нарироқдадир. Валабҳа эрасининг бошланиши || Шака эрасидан 241 йил кейиндир. Уни 206 ишлатувчилар олтининг кубини билан бешининг шакаколадан квадрати йиғиндисини айирадилар, қолдиги Валабҳа календарича йил саноғи бўлади. Унинг баёни ўз ўрнида келади.

Аммо айтишларига қараганда, гуптакола кучли ва ёмон бир халқ бўлган. Эрани уларнинг тамомила инқирозга юз тутган йилидан бошлаганлар. Гуёки, Валабҳа уларнинг охиридир, чунки унинг эраси шакаколадан 241 йил кейин бўлиб, астрономлар эраси эса шакаколадан 587 йил кейин келади. Браҳмагуптанинг «Қҳандакҳадяка» деган зижини шунига асосланган. У биз [мусулмонлар]да ал Арканд номи билан машҳур, натижада, биз асос қилиб олган [Яздигерднинг 400-]га ҳиндларнинг шу йиллари мос келади:

[1] Шре-ҳаршанинг 1488-йили;



[2] Викрамодитъянинг 1088-йили;

[3] Шакаколанинг 953-йили;

[4] Валабҳанинг 712- йили; у гуптаколанинг худди ўзидир.

[5] «Қҳандақҳадяка» зижи — эрасининг 366-йили;

[6] Бароҳамиҳиранинг «Панча-сиддиҳонтика» зижи 526-йили, «Каранасара» зижи эрасининг 132-йили ва «Қаранатилака» зижи эрасининг 65-йили [кабилар].

Зижларга оид бўлган бу календарлар ўз авторлари томонидан ҳисоб юритиш учун тузилган. Эраларнинг ўзларидан илгариги замонда бўлиши мумкин бўлганидек, ўз замонларида бўлиши ҳам мумкиндир.

Ҳинд оммаси йилларни юз-юзлаб санайди. Бундай санашни санватсара — 100 деб атайди. Ҳар бир юз йил битгандан кейин, ундан сўнг келадиган юз йилни санашга бошлайдилар. Уни локалока дейдилар. Локалока халқ эраси демакдир. Ҳиндларнинг бу эра ҳақида берган хабарларида кўп ихтилоф бўлганидан, уни аниқлашга менда имконият бўлмади. Йил бошланишига нисбатан ҳам эрага бўлган қарашларига ўхшаб фикрлари ҳар хил. Иш қонун йўли билан аниқлангунча қараб турмасдан мен бу тўғрида эшитганларимнинг худди ўзини келтираман.

Мен сенга айтсам, шака календарини ишлатадиганлар астрономлардир. Чунки унда йил чайтра ойдан бошланади. Айтишларича, Кашмирга яқин бўлган канир халқи йилни бҳодрарада ойдан бошлайди. Уларнинг эраси бизнинг [мисолга олган 400-йилимизнинг] 84-йилига тўғри келади. Аммо Бардари билан Морегата оралигида яшовчилар йилнинг бошини карттика ойдан бошлайдилар. Уларнинг эраси мисолга олинган йилимизнинг 110-йилига мувофиқдир. Аммо даъво қилишларича, кашмир календарига у янги юз йилнинг олтинчисига тўғри келади. Кашмир халқининг тутган йўли шундайдир. Морегала орқасидаги Нераҳарадан то Тонешар ва Лоҳовар чегарасининг охиригача яшайдиганлар [йилни] моргаширша ойдан бошлайдилар. Уларнинг эраси мисолга олган йилимизнинг 108-йилига тўғри келади. Ланбага, яъни Ламғон халқлари бу тўғрида уларга эргашадилар. Мўлтонликлардан эшитдим, улар шундай дейдилар: «Бу ҳисоб Синдҳ ва Қанавж халқининг фикрларичадир. Чунки улар йилни моргаширша ойнинг ой билан бирлашиш кунидан бошлайдилар. Лекин Мўлтон аҳли бўлса, бу ҳисобни бир неча йил илгари тарк қилиб, Кашмир халқининг фикрига қўшилиб, йилни чайтра ойнинг [қуёш билан] бирлашиш кунидан бошлашни мувофиқ кўрдилар.

Мен юқорида, бу бобда келтирганларимнинг ҳисобини аниқлай олмаганим узрини айтган эдим. Чунки уларда юздан ортиб кетадиган сонлар бор. Шундайлигини Соманотҳа бутхонасини бузиб ташлаш йилида кўрган эдим; у йил ҳижрий йили билан 416 йил ва шакакола [календарича] 947 йил эди. Агар шуни билишни хоҳласалар, 242 ни

ёзиб тагига 606 ни ва бунинг тагига 99 ёзиб, ҳаммасини қўшсалар, шакакола йили чиқади. Менимча, бу 242 [йил] юз-юзлаб санаш бошланишдан илгари ўтган вақт бўлса керак. [Юзлаб санаш] гуптакола [эраси]дан бошланган; 606 эса тўла санватсара — юз йилликни || бил- 207  
диради. Ҳар битта [юз йили] 101 йил бўлиши керак эди. Лекин 99 [йил] бўлса, у бошланган чала юз йилликдан ўтган йиллар бўлиши керак эди. Шундай эканлигини мўлтонли Дурлабҳа ишлаган эижда мен топган бир варақ ҳам тасдиқлайди. У шундай дейди: «848 ни ёз, унга халқ эраси — лавкикаколани қўшсанг, шакакола [йили] чиқади».

Агар мисолга олган йилимизга мос қилиб, шакаколавнинг 953 [-йили]ни ёзиб, ундан 848 ни айирсак, қолдиқ 105 лавкикаколанинг йили бўлади. Соманотҳани йиқитиш йили [юз йилликнинг] 98-си бўлади.

Дурлабҳа яна шундай деган: «Йил моргаширша [ойи]дан бошланади. Мўлтон астрономлари эса уни Чайтрадан бошлайдилар.

Ҳиндларнинг Кобилда турклардан подшоҳлари бўлган; аслида улар тибетлилар бўлган, лейишади. Улардан биринчи бўлиб келган Барҳатакен эди. У ҳеч ким кириши мумкин бўлмаган бир ғорга чалқанча ётиб, сурилиб кирган ва унинг ичида сув бор бўлиб, у бир неча кунларга етадиган таомни ҳам шу жойга ғамлаган. Бу ғор ҳозиргача ҳам маълум бўлиб, Вар деб аталади. Уни табаррук деб ишонган киши у ерга кириб қийналиб бўлса ҳам, ўзи билан бирга ўша сувдан олиб чиқади. Ғор оғзида бир тўда деҳқонлар ишлар эди, чунки бундай ишлар, агар бирон киши билан келишилмаса ва у киши ўша жойни одам сиз қолмаслиги учун одамларга кеча-кундуз навбати билан ишни давом эттиришни юкламаса, бу мумкин ҳам бўлмайди, иш юришмайди ҳам.

Барҳатекен ғорга кирган вақтидан бир қанча кун ўтгандан кейин, одамлар тўпланишиб турган чоғда, худди онадан янги туғилгандек, ғордан биров чиқиб келади ва уни ҳамма кўради. У туркларга ўхшаб, эғнига тўн, бошига дўппи, оёғига маҳси кийган ва яроғ тақиб олган эди. У киши худди бир ихтирочи ва подшолик учун яратилган инсон учрайдиган таъзимга сазовор бўлди. Кейин ўша ерларни ўзига қаратиб, ўзини Кобил шоҳи деб атади. Подшоҳлик анча вақтгача, олтмиш йиллар чамаси унинг авлоди қўлида турган. Агар ҳиндлар тарихий ҳодисалар жараёнида тартиб билан иш олиб боришда бепарво бўлмасалар эди, подшоҳларнинг кетма-кет келиши тарихида ғофил бўлиб, зарурат вақтларида ҳайратда қолиб, тахмин билан [бўлмағур нарсаларни] ҳисобламаганларида эди, биз улар тарихчиларининг баён қилган сўзларини келтирган бўлар эдик. Эшитишимга кўра, ипак товарга ёзилган шу насабнома Нағаркот қалъасида сақланар экан; мен уни кўришга жуда қизиқдим, лекин баъзи сабабларга кўра [кўришга] имкон тополмадим. Уларнинг подшоҳларидан бири Каник бўлиб, бунга Пурушоварда-

ти Буддаҳа бутхонаси Виҳора[нинг қурилиши]га нисбат берилади, шунинг учун у Қаник-чайтъя дейилади. Айтадиларки, Қанавж рожаси-[Рой]нинг юборган ҳадялари орасида кўркам ишланган ва мақташга арзийдиган кийимлик бўлган. Қаник ундан ўзига лойиқ кийим қилишни хоҳлаб, тикувчига тикишга буюрса, тикувчи, бунда одам қадамининг суврати бор, қандай қилсам ҳам, у икки кифти ўртасига тўғри келади, деб тикишга рози бўлмаган. [Подшоҳ] Бали ҳақидаги қиссада баён қилганимиз шу ҳақда эди. Шундай қилиб, Қаник билса, Қанавж ҳокими уни ҳўрлаш ва пастлатишга қасд қилган экан. У тезликда аскарлари билан отланиб, Қанавж тарафига юриш қилган, рожа унинг бостириб келиши хабарини эшитиб ҳайратга тушади, чунки унга қарши туришга тоқати йўқ эди. Сўнгра вазирлари билан кенгашди. Вазир унга: «Ўзингга лозим бўлмаган ишни қилиб, тинч турганни кўзгаб кўйдинг! Энди бурнимни ва лабимни кесиб қийнагин, ана шундан кейин бу ишга ҳийла қилиш учун йўл топаман, ошкора қаршилиқ кўрсатишга йўл йўқ», дейди. Рожа унинг айтганидай қилади ва уни ташлаб, мамлакатнинг узоқ жойларига кетади. Ногаҳ Қаник қўшинлари вазирга йўлиқиб, уни танишади, кейин уни ушлаб Қаниkning олдига олиб келишади. Қаник вазирдан ҳол-аҳвол сўрайди. Вазир шундай дейди: «Мен рожага хайрихоҳлик қилиб, сизга қарши туришдан қайтариб, итоат қилишга чақирган эдим, у бўлса менга тўхмат қилиб қулоқ ва бурунларимни кесиб, роса қийнади. Ўзи бўлса бошини олиб жуда олис йўл билан етадиган жойга кетди. Лекин ўзимиз билан бир неча кунга сув олиб юришимиз мумкин бўлса, у билан бизнинг ўртамиздаги оғир машаққатлар билан босиб ўтиладиган биёбонни кесиб ўтиш осон бўлади». Бунга Қаник жавоб бериб, «Бу иш осон», деди. Кейин Қаник вазир айтганидек қилиб [кўп] сув олишга буюрди. Вазир уни ўша тарафга бошлади ва унинг олдига тушиб, чексиз бир биёбонга киргизади. Мўлжалланган кунлар ўтса ҳам йўллар тугамади. Кейин вазирдан нима қилиш керак деб сўради. Шунда вазир Қаникка шундай деб жавоб беради: «Подшоҳимнинг душманларини йўқотиб ўзини ҳимоя қилиш йўлида юрганимдан кейин мени койинмагайлар. Бу биёбондан чиқадиган энг яқин йўл — сенинг келган йўлингдир, мени нима қиламан десаңг, қил. Бу биёбондан ҳеч ким қутулиб чиққан эмас», дейди.

Қаник отга миниб, бир пастлик ер атрофида отини чоптириб чиқди. Кейин бориб найзасини ўша жойнинг ўртасига санчди, у ердан сув отилиб чиқа бошлади. Кейин у сувдан аскарлар ичиб, йўлга ғамлаб олдилар. [Буни кўриб] вазир: «Мен ҳийла қилишдан ожиз бўлган инсонларга қасд қилган эдим, аммо бу ишга қодир бўлган фаришталарга қасд қилганим йўқ эди. Иш шундай бўлгандан кейин, менга неъмат берган подшоҳим ҳақида менинг илтимосимни қабул қилиб, унинг гуноҳидан 208 ўтгин»,— дейди. Шунда Қаник дейди: «Мен бу ердан орқага || қайта-

ман, илтимосингни қабул қилдим, подшоҳинг ўз қилмишига лойиқ [жазо]ни олди». Кейин Қаник орқасига қайтди. Вазир подшоҳи олдига бориб қараса, унинг икки қўли ва икки оёғи, Қаник найзани ерга санчган кундаёқ, йўқ бўлиб қолган экан.

Подшоҳларнинг энг кейингиси Лагатўрман бўлиб, унинг вазирни браҳманлардан бўлган Қаллар деган одам эди; замон унга бахт бериб, у тўсатдан ер ости бойликларини топди ва улар билан кучли бўлиб кетди. Шу сабабга кўра давлат ўз хонадони билан узоқ вақт идора қилиб келган Лагатўрмандан браҳманлар қўлига ўтди. Чунки кейинги вақтларда Лагатўрман ахлоқи бузилиши натижасида феъли ҳам ёмон бўлиб, устидан вазирга шикоятлар кўпайган эди. Шу сабабли вазирни уни боғлаб, жазолаш учун қамади, кейин вазир ёлғиз ўзи подшоҳ бўлишни яхши кўриб, мулкни ўзига қаратиш учун барча молларни босиб олди. Ундан кейин подшоҳлар браҳманлардан бўла бошлади: [аввал] Соманда, кейин Камалў, кейин Бҳема, кейин Жайпола, кейин Онандапола, кейин Таражанапола бўлади. Айтишларича, 412 йил ҳижрийда Онандапола ўлдирилган; ундан беш йил кейин унинг ўғли Бҳемапола ўлдирилган. Шу билан ҳинд шоҳлиги сулоласи тугади.

У хонадондан олов ёқар [яъни тирик] бирорта киши ҳам қолмади. Улар хушмуомилали, карамли, ўз ваъдаларида туриб яхшилик қилувчилар эди. Онандаполанинг султон Маҳмудга юборган хати менга жуда ҳам маъқул тушди, ҳолбуки уларнинг ўрталарида ҳийлагина совуқчилик бор эди. Хат мазмуни шундай эди: «Эшитишимча, турклар сенга қарши чиққан эмишлар ва Хуросонга тарқалган эмишлар. Агар хоҳласанг, беш минг отлиқ аскар, ўн минг пиёда аскар ва юзта фил билан ёрдамга чиқаман; ва агар хоҳласанг, деганимга икки ҳисса куч қўшиб, ўғлимни чиқараман. Менинг шундай қилишимга сенда ҳеч қандай андиша туғилмасин, чунки мен сенинг тарафиндан синдирилганман, энди мен ўзимдан бошқанинг сенга ғолиб бўлишини истамайман». Онандаполанинг ўғли асир бўлгандан бошлаб, у мусулмонларга қаттиқ душман бўлиб қолди. Аммо ўғли Тарожанапола унинг акси эди.

---

---

### Эллигинчи боб

## ҲАР БИР ҚАЛПА ВА ЧАТУРЖУГАДА ЕРИТГИЧЛАРНИНГ ДАВРЛАРИ

Қалпанинг таърифларидан бири шуки, унинг давомида планеталар ўзларининг авжлари ва жавзаҳрлари билан биргаликда бир марта [бир вақтда] Ҳамал буржининг бошида, яъни баҳорги тенг кунлик нуқтасида тўпланадилар. Демак, қалпадаги ҳамма кунлар ичида улардан ҳар бирининг айланиб чиқиш даври [саноғи] бутун сондан иборат бўлиши керак.

Ал Фазорий ва Ёқуб ибн Ториқ зижда келтирилган улар даврлари бир ҳиндий кишиникидан фойдаланиб ёзилган. У киши [халифа] ал Мансурга Синддан 154 ҳижрий<sup>1</sup> йилда юборилган вакиллар жумласидан бўлган. Бу маълумотлар билан ҳиндларникини солиштирсак, ораларидаги хилофликни топамиз, бунинг сабаби менга маълум эмас, булар икки ўша кишининг нақл қилишлариданми ёки [ҳалиги] ҳиндий имлосиданми, ёки Браҳмагуптанинг тузатишиданми, ёки бошқаларданми бирортасидан юзага келган. Агар бир маълумотли киши планеталарга тегишли ҳисоблашларга эътибор берса, албатта, ундаги чатоқликларни топади. Уларни тузатиш бобида Муҳаммад ибн Исҳоқ Сараҳсий сингарилар уриндилар. У, Зуҳалга тегишли ҳисобда ихтилофни топди. Урганишни давом эттириб, ихтилофнинг таъдил жиҳатидан бўлмаслигини аниқлади, кейин даврлари сонига биттани орттирганида ҳисобнинг [Зуҳалнинг] кузатилган жойига мувофиқлигини билди. Кейин шундайларни ўз зижига киритди.

Браҳмагупта Орябхатаникидан олиб, Ойнинг авжи ва жавзаҳри даврлари ҳақида ихтилофлар борлигини айтган. Биз уни қуйида ўзи айтган жойида баён этамиз. Чунки биз уни ўзимизча мутолаа қилмай, тақлид қилдик. Бунинг тўла ўрганиш учун уларнинг ҳаммасини, худо  
209 хоҳласа, қуйидаги жадвалда кўрсатилади: ||

Ёритгичлар	Қалпадаги даврлари	Авжлари даврлари	Жавзаҳрлари даврлари	
Қуёш	4320000000	480	Жавзаҳри йуқ	
О й	Браҳмагупта	488105858	232311168	
	Ал Фазорий беришича		232312138	
	Орябҳатача	488219000	232316000	
	Браҳмагуптача Ой хоссаси	57753300000	57265194142	Ой хоссаси авж урнида туради. Чунки чиққан сон унинг хоссаси ёки хиссаси икки ҳаракат орасидаги айирма бўлади
Миррих	2296828522	292	267	
Уторид	17936998984	332	521	
Муштарий	364226455	855	63	
Зуҳра	7022389492	653	893	
Зуҳал	Браҳмагуптача	146567298	41	584
	Ал Фазорий беришича	146569238		
	Сарахсийнинг тузатишича	146569238		
Тургун ёритгичлар	120000	Ал Фазорий беришича		

Булар ўрта ҳаракатча даврлардир. Браҳмагуптача, чатуржуга калпа ўндан бирининг ўндан бирининг ўндан бири бўлганидан, бунда берилган ҳар бир даврлар саноғининг мингдан бирини топсак, у чатуржугадаги ҳаракат [даврлар саноғи] бўлади. Агар биз шу мингдан бир бўлак ўрнида [даврлар саноғининг] 10 000 дан бирини топсак, калижугадаги саноғи чиқади, чунки [калижуга] чатуржуганинг ўндан биридир. Агар каср сони чатуржуга бўлиб, уни махражидаги сон билан кўпайтирилса, чиққан [бутун] сон [номи] чатуржуга бўлади. Агар калижуга бўлса, чиққан сон калижуга бўлади. Иккови [чатуржуга ва калижуга] учун манвантараларсиз [даврлар] жадвалини бердик. Чунки [манвантараларда] чатуржугалар саноғи бутундир. Уларга сандҳи киритилса, ҳисоблаш қийинлашади. ||

210

Ёритгичлар номи	Чатуржуга [давомида]			Калижуга [давомида]			
	даврлар саноғи	каср	махраж	даврлар саноғи	каср	махраж	
Қуёш	4 320 000	0	0	432 000	0	0	
Авжи	0	12	25	0	60	1 250	
Ой	5 773 300	0	0	577 330	0	0	
Авжи	Браҳмагуптача	488 105	429	500	48 810	2929	5 000
	Орябҳатача	488 219	0	0	48 821	9	10
	Хоссаси	57 265 194	71	500	572 6519	2 071	5 000
Кутарилиш тугуни	Браҳмагуптача	232 321	21	125	23 231	292	2 500
	Ал Фазорий беришича	232 312	69	500	23 231	1069	5 000
	Орябҳатача	232 316	0	0	23 231	3	5
Миррих	2 296 828	262	500	229 682	4261	5 000	
Авжи	0	73	250	0	73	2 500	

Кўтарилиш ту- гуни	0	267	1000	0	267	10 000	
Уторид	17 936 998	123	125	1793699	1123	1250	
Авжи	0	83	250	0	83	2500	
Кўтарилиш ту- гуни	0	521	1000	0	521	10 000	
Муштарий	364 226	91	200	36 422	1 291	2 000	
Авжи	0	171	200	0	171	2 000	
Кўтарилиш тугуни	0	63	1000	0	63	10 000	
Зухра	7 022 389	123	250	702 238	2 373	2 500	
Авжи	0	653	1000	0	653	10 000	
Кўтарилиш ту- гуни	0	893	1000	0	893	10 000	
Зухал	146 567	149	500	14 656	3 649	5 000	
Авжи	0	41	1000	0	41	10 000	
Кўтарилиш ту- гуни	0	73	125	0	73	1 250	
Зухал	Ал Фазорий беришича	146 569	71	250	14 656	2 321	2 500
	Сарахсий қў- шимчаси	146 569	119	500	14 656	4 619	5 000
	Собиталар [юлдузлар]	120	0	0	12	0	0

Брахмагупта фикрича, калпа муддати ичидаги даврлар [саноғи] 211 бўйича чатуржуга ва калижугадаги ҳиссаларини ҳосил қилганимиздек, Пулиса фикрича, калпадаги даврлар саноғидан чатуржугадаги даврларни ҳосил қилдик. Биринчи навбатда калпада 1000 та чатуржуга ва иккинчида эса 1008 та қилиб олинди.

Биз уларни шу жадвалда кўрсатдик:



## Пулиса бўйича жугалар

Ёритгичлар номи	Чатуржугадаги даврлар	Калпадаги даврлар, минг [чатуржуга] дейилганда	Калпадаги даврлар 1008 [чатуржуга] дейилганда
Қуёш	4320 000	4 320 000 000	435460 000
Ой	57753336	57753336000	58215362688
Авжи	488219	488219000	492124752
Чиқиш ту- гуни	232226	232226000	3244083808
Миррих	2296824	2296824000	2315198592
Уторид	17937000	17937000000	18080496000
Муштарий	364220	364220000	367133760
Зухра	7022388	7022388000	7078567104
Зуҳал	146564	146564000	147736512

Ажойиблардан бири: «Ал Фазорий ва Еқуб кўпинча ўша ҳиндийдан даврларни катта сиддиҳонта [зижига] асосланиб ҳисоблашни эшитганлар. Орябҳата ҳисоби [калпанинг] мингта бўлак [чатуржуга] бўлишига асосланган. Икковлари ҳам мингинчи бўлак ҳақини тушунмай, Орябҳата [Оржабҳада]ни бўлак номи деб ўйлаганлар. Ҳиндлар бу «д»ни «д» ва «р» оралигидаги товуш билан талаффуз қиладилар, шунинг учун у [сўз] оржабҳарага айланган, кейинроқ ўша аввалги «р» ва «з»га айланган. Энди [озжабҳара] ҳиндларга қайтганда улар буни [орябҳата] эканини билмаганлар.

212 Кейин Абу-л-Ҳасан ал Аҳвозий планеталар даврларини ал аржабҳара йили, яъни чатуржуга воситасида ифода қилган. Мен уларни мумкин қадар ўша ҳиндийдан ёзиб олиб, ўша кўйича жадвалларда келтирдим. || Орябҳатаникига мос келганлари ҳам бордир. Бизнинг берганларимиздан баъзилари чатуржугаларда бўлиб, даврлар Браҳмагупта фикрига мувофиқдир. Хилофлари Пулисаникига мувофиқдир. Баъзилари, эҳтимол, икковиникига ҳам мувофиқ эмас. Буларни ўйлаб кўриш масалани сенга ойдинлаштиради.

Еритгичлар номи	Абу-л-Ҳасан, ал Аҳвозий- нинг олиб бе- ришича, ча- туржугадаги жугалар
Қуёш	4320 000
Ой	57 753 336
Авжи	488 219
Чиқиш ту- гуни	232 226
Миррих	2 296 828
Уторид	17 937 020
Муштарий	3642 24
Зуҳра	7 022 388
Зуҳал	146 564

## Элик биринчи боб

### ҲАР ТУРЛИ КУНЛАРНИ — АДҲИМОСА, УНАРОТРА ВА АҲАРГАНАНИ — ТАЪРИФЛАШ ҲАҚИДА

Ҳиндларнинг ойлари қамарий ва йиллари қуёш йиллари бўлганлиги сабабидан ой йилининг боши қуёш йилидаги маълум кунига тўғри келса, кейинги ой йили боши [қуёш йилидаги ҳалиги кундан] қуёш ва ой йили фарқи [11 кунча] илгари бошланади. Илгарилаш кунлари бир ойга тўлганда, улар яҳудийларнинг ой йилидаги охириги ой озорни иккинчи марта такрорлаб, йилни 13 ойли қиладилар. Шундай усул арабларнинг жоҳилият даврида бўлган.

Ҳиндлар битта ой такрорланган йилни бузиб маламоса деб атайдилар, мала — қафтда ёпишган кирдир. Шундай кирнинг тозаланиб йўқотилгани сингари, қўшимча ой ҳам ҳисобдан ташқарига чиқади ва кейин йил 12 ойли бўлиб қолади. Аммо китобларида қўшимча ой адҳимоса дейилади. Бу такрорланувчи ой охирида иккита ой тугалиши керак; ҳақиқатда ой ойининг охири қуёш ойининг бошига [биринчи кунига] тўғри келиб, қуёш ойи бошланмасдан илгари ёки ойи бошланиши ёки бошлангандан кейин бошланиши ҳам мумкин.

Агар бир ой такрорланувчи бўлса, у икковини бир-биридан ажратишда биринчиси асл исми билан айтилади, аммо иккинчиси эса асл  
213 исм олдиға дуру сўзини қўшиш билан айтилади. ||

Масалан, агар ошара ой такрорланса, биринчиси, ошара, иккинчиси дурушара дейилади. Биринчи ой эътиборли эмас, уни нахс ой деб ҳисоблайдилар; бошқа ойлардаги каби байрам-тантаналар ўтказилмайди, у ойни тугатувчи кун [ой охири] — энг нахс кун ҳисобланади.

«Вишну-дҳарма» автори айтган: «Чандра сованадан кичик, яъни ой йили тулуий [йилдан] 6 кун кам. Бу камчилик ўнаротра дейилади, ўна — кам демақдир. Савра чандрадан 11 кун ортиқ. Бу ортиқлик икки йилу етти ойда қўшимча адҳимоса ойини ташкил қилади. Бундай ойнинг ҳаммаси нахсли, бу ойда [урф-одатча] бирор нарса қилинмайди».

Бу яққол жумладир. Тафсили шундай. Ой йили ўзининг кунича 360 [кун], қуёш йили ой кунича  $371\frac{31}{480}$ . Бу иккови айирмасининг адҳимоса учун 30 кунга тўлишлигига  $976\frac{4156}{47799}$  ой кунни ўтишлиги керак, яъни 32 ой ёки 2 йил 8 ой 16 кун ва яна ўша айтганимиз каср:  $\frac{4176}{47799}$  ой кунни ўтиш керак; бу [каср] эса қарийб 5 минут ва 13 секунддир. Шу ҳисобларга қаратилган шаръий ишлар ҳақида ведадан бизга ўқиганлари шундай мазмунда: «Агар бирлашиши кунни, яъни ойнинг биринчи кунни Қуёшнинг бурждан буржга ўтар кунни бўлмаса ва иккинчи кунни ўтар кун бўлса, у ҳолда келажак ой ҳисобдан тушади». Бу сўз тўғри эмас, эҳтимол бу менга ўқиб берувчи мутаржимнинг хатосидир. Қамарий кунларидан иборат ой 30 кундир. Қуёш йилининг олтидан бирининг ярми  $30\frac{5311}{5760}$  ой кунига тенг. Бу [каср сон] куннинг  $55' 19'' 22''' 30''''$  ни ташкил қилади. Энди мисол учун, бирлашиш [ой боши] чоғининг буржнинг бошида  $[0^\circ \text{ да}]$  бўлишини фараз қилсак, кейинги бирлашиш чоғига шу қадар каср [кун] қўшсак [қуёшнинг] кейинги буржга ўтиш вақтини биламиз. [Бу] икки ёритғич ойлариининг айирмаси бир кундан кам бўлганлиги туфайли ой [ойи] бўлади, унда [Қуёш бурждан буржга] кўчмайди. Қуёшнинг бир бурж бошидан бошқасига кўчишигача икки марта бирлашиш бўлиш мумкин. Агар илгариги [бирлашиш кўчиш чоғидан]  $4' 40'' 37''' 30''''$  камроқ кун ўтганда бўлса, кейинги [бирлашиш] кўчишга  $55' 19'' 23''' 30''''$  кунча қолганда воқе бўлади. Бу иккала каср йиғиндиси бир кунга етмайди. Шунинг учун, ведадан олинган [ҳалиги] сўз тўғри эмас.

Тўғриси шундай бўлиши керак: Қуёшнинг бир бурждан бошқасига кўчмаган ҳолда ой ойи бўлиб ўтса, бу ой ҳисобдан тушириб қолдирилади. Агар кўчиш ойнинг 29-кунда бўлиб, бирлашиш чоғигача қолган вақт  $4' 40'' 37''' 30''''$  дан кам бўлмаса, кейинги ой Қуёш кўчишидан ҳоли бўлади, чунки иккинчи кўчиш ойнинг биринчи кунига тўғри келади.

[Маълум буржнинг  $0^\circ$  дан] мисолга олинган бирлашиш чоғидан бошланган кетма-кетли кўчишлар чоғи аниқланар экан || 33 — [қуёш] 214 ойнинг буржга ўтиш чоғи 29-куннинг  $30' 20''$  ида воқе бўлиши топилади. Кейингиси эса 35 ойнинг биринчи кунининг  $25' 30'' 22''' 30''''$  ида воқе бўлади. Шу билан ҳисобга олинмас бу ойнинг шумлиги ошкор бўлади. Бу [ой] савоб олишга қаратилган вақтлардан маҳрумдир.

Адҳимоса сўзи «биринчи ой» демакдир. Одҳи — бошланғичдир. Еқуб ибн Ториқ ва ал Фазорий китобида бу сўз пазамоса деб ёзилган. Пазанинг маъноси — охиргидир. Шунинг учун ҳам ҳиндлар қўшимча ойни бу иккала сўзнинг бири билан аташсалар керак. Демак, иккала автор буни бузиб кўрсатганлар. Шунинг учун уларга ишониб бўлмайди.

Буни шунинг учун эслатиб ўтаялманки, Пулиса бир хил исм билан аталган икки ойнинг кейингисини ортиқча деб кўрсатиб ўтган.

Ой деб бир ижтимодан<sup>1</sup> ўшандай ижтимогача ўтган муддатга айтилади. Чунки ой [ўша] Ой кулчасининг кетма-кет буржлар сари узоқлашиб, яна Қуёшга томон қайтиш вақтидир. Бу эса иккала ёритгич ҳаракати орасидаги фарқдир. Чунки иккови бир томонга қараб йўналади.

Демак, Қуёшнинг бир калла муддатидаги даврлар саноғи, яъни шу муддатдаги Ой даврлари саноғидан айрилса, қолдиқ [сон] калпадаги қамарий ойлари саноғининг Қуёш даврларидан шунча ортиқлиги бўлади.

Ҳар бир калпадаги бутун нарсаларни [сонни] ўнғайлик учун куллий деб, бўлагидагини эса жузъий деб атаймиз.

Қуёш йилида 12 та шамсий ойи, ой йилида ҳам ўшанча ой ойи бўлади. Бу икки йилнинг айирмаси бўлиб, айирмалар йиғиндисидан ҳосил бўладиган қўшимча — адҳимосали 13 ой ойдан иборат қуёш йили ҳам бўлади. Тушунарлики, икки ёритгичнинг куллий ойлари айирмаси 13 ойли йилларни таркиблайдиган қўшимча ойлари [саноғи]дир, яъни улар куллий адҳимоса ойлари.

Куллий шамсий ойлари 51 840 000 000, куллий ой ойлари 53 433 300 000, икковининг айирмаси 1 593 300 000 адҳимоса ойлари. Булардан ҳар бири 30 га кўпайтирилса, уларнинг кунлари бўлади. Масалан, қуёш кунлари 1 555 200 000 000, ой кунлари 1 602 999 000 000 ва адҳимоса ойлари кунлари 47 799 000 000. Бу сонларни қисқартиштилагани билан ҳар бирини умумий бўлувчи 9 000 000 га бўламиз. Шу бўлишда, қуёш ойлари 172 800 кун бўлганда ой ойлари 178 111 кун, адҳимоса ойлари эса 5 311 кун бўлади.

Энди куллий шамсий, тулуий ва ой кунларидан ҳар бирини куллий адҳимоса ойларига бўлсак, бўлинмаларидан ҳар бири ўз кунларининг сони бўлиб, ўз ичида тугал бир адҳимоса ойи борлигини аниқлайди. [Бир адҳимоса] 976 шамсий [кунда], 1 006 ой [кунда] бўлиб, икковига каср  $\frac{464}{5311}$  эргашади, тулуийда эса  $990 \frac{3663}{10622}$  [кунда] бўлади.

Бу ҳисобларнинг ҳаммаси, Браҳмагупта назарича, бир калпадаги [ёритгичлар] даврлари миқдорига асосланган.

215 Лекин Пулиса ҳисоби бир чатуржугадагига қаратилган. Чатуржугада шамсий ойлари 51 840 000, ой ойлари 53 433 336, адҳимоса || ойлари 1 593 336. Демак, шамсий ойлари кунлари 1 555 200 000, ой ойлари кунлари 1 603 000 080, адҳимоса ойлари кунлари 47 800 080.

Агар биз, бу сонларни озайтиришни истасак, ҳар бирини умумий бўлувчи 24 га бўлсак, шамсий ойлари 2 160 000 га, ой ойлари 2 226 389 га ва адҳимоса ойлари 66 389 га айланади. Агар кунларини умумий

бўлувчи 720 га бўлсак, 2 160 000 шамсий кун, 2 226 389 ой куни ва 66 389 адҳимоса ойи куни ҳосил бўлади.

Илгариги сингари [ҳисоблашлар] билан тугал адҳимоса учун 976 шамсий кун, 1 006 ой куни ва 990 тулуий кун чиқади, буларга тартиб билан  $\frac{4336}{66389}$ ,  $\frac{4336}{66389}$ ,  $\frac{21465}{66389}$  касрлари эргашиб келади. Адҳимоса [ҳисоблаш] усули ана шулар бўлиб, келажак учун тайёрланган.

Нуқсон кунларига зарурият бўлади. Бир йил ёки бир неча йил берилган бўлсин; ҳар бирини 12 шамсий ой қилиб, ойларнинг 30 га кўпайтмаси шамсий кунларни беради. Равшанки, ой ойлари ёки кунлари саногини ҳисоблаш билан бир ёки бир неча адҳимоса ойи чиқарилади. Қуллий шамсий ойларнинг куллий адҳимоса нисбатларига қадар берилган йилларга хос ортиқчалардан адҳимоса ойлари ташкил этилса ва булар берилган ойлари ёки кунларга қўшилса, йиғинди жузъий ой кунларини ифодалайди, яъни берилган йилларга мос бўлади; лекин у изланган [сон] бўла олмайди, чунки улар тулуий кунлар бўлиб, ҳар бири ой кунидан камроқдир. Чунки тулуийнинг кунлари қамария кунларидан узун бўлади. Шу сабабдан, изланганни топиш учун унинг сонини камайтиришга эҳтиёж туғилади. Мана шу камайтирилган ўнаротра дейилган миқдор бўлади.

Жузъий ой кунлари ўнаротраси куллий тулуий кунларнинг ой кунларидан кам бўлганидек, куллий ой кунлари билан белгили бошланишда бўлади. Куллий ой кунлари 1 602 999 000 000. Бунинг куллий тулуий кунлардан ортиғлиги 25 082 550 000 куллий ўнаротрани ифодалайди. Икковини 450 000 га [бўлиш билан] қисқартсак, 3 562 220 куллий ой кунлари ва 55 739 куллий ўнаротра [нуқсон] кунлари чиқади.

Пулисача, чатуржугада 1 603 000 080 ой кунлари ва 25 082 280 ўнаротра кунлар бор. Икковини умумий бўлувчисини 360 билан қисқартирилса, 4 452 778 ой кунлари ва 69 673 ўнаротра кунлари чиқади.

Нуқсон [ўнаротра] топилиш усули ана шундай, бу келажакда аҳарганани ҳисоблашда зарур бўлади. [Термин] маъноси: кунлар йиғиндидир; аҳ — кунлар, аргана йиғиндидир.

Ёқуб ибн Ториқ шамсий кунларни ҳисоблашда хато қилган. У ўзича уни калпадаги кунлар, яъни куллий [тулуий кунлар]дан камлиги билан ҳосил қилинади деб ўйлаган. || Лекин бундай эмас, 216 тўғриси даврлар [саногини] 12 га кўпайтириб, ойларга айлантириб, кейин 30 га [кўпайтириб] кунларга айлантирилади, ёки даврлар 360 га кўпайтирилади. У ой кунларини [ҳисоблашда] тўғри иш кўрди, лекин ойлари 30 га кўпайтиргандан кейин ўнаротра кунларини олишда ғалатга йўл қўйди; у [ўнаротра] ой кунларидан шамсий кунларни айириш билан топилади, деган; ҳолбуки, тўғриси ой кунларидан тулуий кунлар айирилади.

## Эллик иккинчи боб

### АҲАРГАННИ УМУМИЙ ҲИСОБЛАШ, ЯЪНИ ЙИЛЛАР ВА ОЙЛАРНИ КУНЛАРГА АЙЛАНТИРИШ ВА БУНИНГ АКСИ — УЛАРНИ ЙИЛЛАРГА АЙЛАНТИРИШ ҲАҚИДА

Ҳисоблашнинг умумий йўли таҳлил [яъни майдалаш]дан иборат: бутун йиллар 12 га кўпайтирилиб [кўпайтмага]чала йилдан ўтган ойлари қўшилади [ва йиғинди 30 га кўпайтирилиб, кўпайтмага] чала ой кунлари қўшилади, йиғинди савроҳаргана дейилиб, бу эса шамсий кунлар йиғиндидир; бу жузъий [йиғиндидир].

Бу икки жойга ёзилади; икковидан бирининг 5311 га кўпайтмаси куллий адҳимоса кунларидан бир бўлакдир. У [сон] куллий шамсий кунлар 172 800 га бўлинади, бўлинманинг бутун кунлари иккинчи жойдагига қўшилади. Йиғинди чандроҳаргана, яъни жузъий ой кунлари бўлади. Бу [кейинги] икки жойга ёзилиб, бири 55 739 -куллий адҳимоса кунларга кўпайтирилиб, кўпайтмаси 3562 220 -куллий ой кунларига бўлинади, чиқинмадаги бутун кунлар иккинчи жойдагидан айирилади. Қолдиқ сованоҳаргана — изланган тулуний кунлардир.

Билиш керакки, бу ҳисоб адҳимоса ва ўнаротра кунлар бутун бўлган ҳолга—каср бўлмаганга ярайди. Агар йиллар калпа бошидан ёки чатуржуга бошидан ёки калижуга бошидан бошланган бўлса, бу оддий ҳисоб тўғридир. Агар берилган йил бошқа вақтдан бошланса, иш иттифоқо тўғри бўлиши мумкин; текшириш адҳимоса борлигини кўрсатиши ҳам мумкин, акс ҳолда ҳисоб тўғри бўлмайди.

Ҳалиги учта маълум [давр] ичида [берилган] йилнинг [олган] жойи маълум бўлса, у даврларнинг ҳар бири учун хос ҳисоблаш бор, улар энди мисоллар билан берилади.

Ҳисоблашга мисол: Ҳинд йили Шакакола 953-йилнинг боши учун ҳисоблашни олиб кўрамиз. Браҳмагупта қоидаларига мувофиқлаб, Бароҳим умрининг бошидан тортиб ҳисоблаймиз. Ҳозирги қалпамизгача ундан 6068 калпа ўтганлигини илгари айтилган эди. Қалпадаги кунлар сонни маълум [у эса 1 577 916 450 000], демак, [6 068 калпадаги] кунлар 9 574 757 018 600 000 бўлади. Бундан 7—7...ни айириб борсак [яъни 7 га

бўлсак] 5 ортади. Қалпамиздан илгаригининг охири кунини — шанбадан орқага қараб 5 кунни санасак, сешанбада тўхтаймиз, бу [сешанба] эса Бароҳим ҳаётининг биринчи кунидир.

Чатуржуга кунларининг қанчалигини [юқорида] кўрсатган эдик. Критажуга эса шунинг 14 таси, яъни 631 166 580 кун. Манвантара бундан 71 марта катта, || демак 112 032 067 950 кун, 6 манвантара ва 7 кри- 217 тажуга сандҳи бўлиб, у 676 610 573 760 [кун]. Бундан 7—7 айириб борилса, 2 қолади, шунинг учун 6 манвантара охири душанбада тўхтамайди, еттинчи манвантара сешанбадан бошланади. Ундан эса 27 чатуржуга ёки 42 603 744 150 кун ўтган. 7 — 7 лар айирилса 2 [қолади], демак, 28 чатуржуга сешанбадан бошланади. Бундан ўтган жугалар кунлари 42 603 744 150, демак, калижуга жумадан бошланади.

Энди мисолимизга қайтамиз. Қалпадан, у [калпа] гача ўтган йиллар 1 972 948 132 бўлса, буни 12 га кўпайтирсак, у 23 675 377 584 ойга айланади. Мисолимизда ой йўқ эди. Шунинг учун унга ҳеч нарса қўшмаймиз, лекин уни 30 га кўпайтирсак, 710 261 327 520 кунга айланади, мисолимизда кун бўлмагани учун энди ҳалиги йилларни 360 га кўпайтирсак, олдинги натижани ҳосил қилар эдик ва бу жузъий қуёш кунларидир. Буни 5 311 га кўпайтириб, кўпайтмани 172 800 га бўлсак, бўлинма адҳимоса кунлари 21 829 849 018 чиқиб  $\frac{103}{120}$  ортиб қолади. Агар ойларни кўпайтириб, кейин бўлиб иш кўрсак, адҳимоса ойлари [саноғи] чиқар эди, энди ойларни 30 га кўпайтирсак, яъни ҳалиги адҳимоса кунлари [саноғи] чиқади. Кейин адҳимоса кунларини жузъий қуёш кунларига қўшсак, 732 091 176 538 га айланади, бу жузъий ой кунларидир. Буни 55 739 га кўпайтириб, кўпайтмани 3 562 220 га бўлсак, жузъий адҳимоса кунлари 11 455 224 575 чиқиб  $\frac{1747541}{1781110}$  ортиб қолади, бундаги бутун сонни жузъий ой кунларидан айирсак, 720 635 951 963 кун чиқиб, бу эса мисолимиздаги йилга тегишли тулуий кунларидир. 7 — 7 ларни айириб борсак, 4 қолади, бу кўрсатадики, ҳалиги кунлар охири чоршанба бўлади, демак, ҳинд йили пайшанбадан бошланган.

Агар биз адҳимоса вақтини истасак, [адҳимоса] кунларини 30 га бўлганимизда 727 661 633 чиқади, бу ўтган адҳимосалар бўлиб, 28 [кун], 51 [минут], 30 [секунд] ортиб қолади. Бу ортиқча адҳимоса ойдан ўтган вақтдир, шу кунни 30 га тўлиши учун 1 [кун], 8 [минут], 30 [секунд] қолади.

Биз бу ерда калпа [боши]дан ўтганлар учун шамсий ва ой ҳамда адҳимоса ва ўнаротра кунларини ишлатдик. Чатуржугадан ўтганлар ҳақида ҳам шундай ишни кўрамиз. Белгили бир қондача [Браҳмагуптача] ҳисоблашлар олиб борилганда [қондалар аралаштирилмаганда], чатуржугагами ёки калпагами асосланса, бари-бир, битта нарсага [яъни натижага] келтиради.



Энди гунакора ва унинг бҳогабҳораси билан танишамиз. Бу икки терминдан биринчиси ҳамма ҳисобларда ҳар бир кўпайтирувчини ифодалайди. Кўпинча [арабча] зижларимизда ва форсча зижларда гунчор кўринишида [ифодаланади], терминлардан иккинчиси ҳар бир бўлувчини ифодалайди, зижларда эса баҳчор кўринишидадир.

218 Браҳмагупта назарича, чатуржуга билан [бўладиган] мисолни келтириш фойдасиздир, || чунки у, калпанинг мингдан бир бўлагидир, юқоридаги [калпага] тегишли сонларнинг уч рақамини ташланса, [натижалар] бари-бир илгариги сонлар [натижалари]нинг ўзи бўлади. Лекин, биз Пулиса райича, чатуржуга билан ҳисоблаймиз, албатта, бу усул калпа билан бўлганга ўхшашдир.

Пулиса фикрича, мисол қилиб олинган вақтгача чатуржугадан 3 244 132 йил ўтган, бу 1 167 887 520 шамсий кунини ташкил қилади. Агар ойлари чатуржугадаги адҳимоса ойларига ёки ундаги мос кўпайтириш сонига кўпайтирсак ва кўпайтмани ундаги шамсий ойларга, ёки мос бўлиш сонига бўлсак, адҳимоса 1 961 525 чиқиб  $\frac{44837}{45000}$  ортиб қолади. Унда ой кунлари 1 203 783 270 бўлади. Агар уни чатуржугадаги ўнаротра кунларига кўпайтириб, кўпайтмани ундаги ой кунларига бўлсак, ўнаротра кунлари 18 835 700 чиқиб  $\frac{598055}{2226389}$  ортиб қолади. Бу билан чатуржуга бошидан 1 184 947 570 тулуий кун ўтганлиги ҳисобланади, бу [кейинги сон] изланган сондир.

Энди биз юқоридагидек ҳисоблашимиз мисолини Пулиса сиддиҳонтасидан кўчирамиз, бундан мақсад, маънони очиқ англатиш ва дилга қаттиқ мустаҳкамлашдир. Пулиса шундай деган: «Бароҳим ҳаёти бошидан ҳозирги калпагача 6 068 калпа ўтган. Буни калпадаги чатуржугалар саноғига, яъни 1 008 га кўпайтирамиз, кўпайтма 6 116 544, кейин буни чатуржугадаги жугалар саноғига, яъни 4 га [кўпайтирамиз], кўпайтмаси 24 466 176, кейин жугадаги йиллар саноғига, яъни 1 080 000 га [кўпайтирамиз]; кўпайтма 26 423 470 080 000, бу калпамиздан илгариги йиллардир. Буни 12 га кўпайтирсак, 317 081 640 960 000 ой чиқади. Буни икки жойга ёзиб, бирини чатуржугадаги ойлар саноғи 1 593 336 га кўпайтирамиз ёки илгариде шундай жойда ёзилган сонга кўпайтирамиз; кўпайтмани чатуржугадаги шамсий ойлар 51 840 000 га бўламиз, шунда адҳимоса ойлари 9 745 709 750 784 чиқади. Буни иккинчи жойдагига қўшамиз; йиғинди 326 827 350 710 784 ни 30 га кўпайтирсак, 9 804 820 521 323 520 ҳосил бўлиб, бу ой кунлари бўлади. Уни икки жойга ёзиб, бирини чатуржугадаги нуқсонга [ўнаротрадаги], яъни тулуий ва ой кунлари орасидаги айирмага кўпайтириб, кўпайтмани ой кунларига бўлсак, 153 416 869 243 200 чиқади; бу эса ўнаротра кунлари бўлади. Буни иккинчи жойдагидан айирамиз; шунда 9 651 403 652 083 200 қолади. Бу эса калпамизгача Бароҳим ҳаётидан ўтган кун-

лар ёки 6 068 калпа кунларидир. Ҳар бир калпа 1 590 541 142 400 кун. Бу кунлардан 7—7 ни айириб борсак, бирор нарса қолмайди, демак, у [кунлар] шанбада тугайди ва ҳозирги калпа якшанбадан бошланган, шуни ўзи кўрсатадики, Бароҳим ҳаёти ҳам якшанбадан бошланган».

Яна Пулиса шундай деган: «Чала калпадан 6 манвантара ўтган; уларнинг ҳар бири 72 чатуржуга ва ҳар бир чатуржуга || 4 320 000 йил. 219 демак, ҳаммаси 1 866 240 000 йил». Илгариги мисолдагича иш кўрамиз. Бунда 6 та бутун манвантара кунлари 681 660 489 600 ҳосил қилинади. 7—7 ни айириб борсак, 6 қолади, демак, кун жума билан тугайди. шунинг учун ҳам еттинчи [манвантара] шанбадан бошланади, бундан эса 27 чатуржуга ўтган. Илгариги мисолдаги каби унинг кунлари 42 603 780 600 бўлиб, охири душанбадир ва 28 эса сешанбадан бошланади, бундан 3 жуга ўтган; уларнинг йиллари эса 3 240 000 дир. Илгаридagi мисолча кунлари 1 183 438 350 дир. Шунинг учун улар пайшанбада тугайди, калижуга эса жумадан бошланади. Натижада, калпадан ўтган кунлар 725 447 708 550 бўлиб, Бароҳим ҳаёти билан бошланишидан ҳозирги калижугача ўтган кунлар 9 652 129 099 791 750 дир. Орябҳатадан олинганга қараганда [ундагиси] шу китобдагича [яъни Пулиса сиддиҳонтасича] эмас. Унингча, чатуржугадаги кунлар 1 577 917 500 калпа бошидан [бизнинг] калижуга бошигача 725 447 570 625, аммо мисолимиздаги [йил]бошигача 725 449 079 845 кун ўтган. Бароҳим ҳаёти бошидан ҳозирги калпа бошигача ўтган кунлар 9 651 401 817 120 000 дир.

Йилларни кунларга айлантиришнинг силлиқ усули ана шундан иборат. [Вақтнинг] бошқа [миқдор]лари шунга солиштириш билан аниқланади.

Биз, Ёқубнинг куллий шамсий ва куллий ўнаротра кунларини ҳисоблашида янглишганлигини кўрсатган эдик. Ҳиндий кишидан келтирган ҳисобларнинг боғланишларини у тушунмаган; унинг вазифаси, сонларнинг ўзаро боғланишларини текшириш ва ўрганиш эди. Китобида аҳаргана ҳисоблашни, яъни йиллар таҳлилини [ечишни] айтган, лекин у, ўзининг шу сўзида хато қилган; у шундай деган: «Берилган йил ойларини адҳимосанинг масаладаги вақтигача ўтган ойларига баён этилган қондаларига мувофиқ кўпайтир; нимаики чиқса, уни шамсий ойларга бўл, чиққани ва бўлаклари [масаладаги] вақтгача адҳимосалардан ўтганидир». Бундаги хатони нусха кўчирувчи ҳам билади. [Шундай бўлгандан кейин] куллий ўрнида жузъий адҳимосага кўпайтирадиган ҳисобдон қанақасига билмасин?!

[Ёқубнинг] китобида яхши таҳлил учун иккинчи ҳисоблаш бор, у шундай: «Йиллар ойлари ҳосил бўлса, у ой [қамарий] ойларига кўпайтирилади, кўпайтма шамсий ойларга бўлинади, шунда йиллар ойларига қўшиладиган адҳимоса ойлари чиқади. [У] 30 га кўпайтирилса, кўпайтма

чала ойгача ўтган кунларга қўшилса, ой кунлари чиқади. Бордию бунинг ўрнида, аввало, ойлар 30 га кўпайтирилиб, кўпайтмага чала ойдан ўтган [кунлар] ортилса, жузъий шамсий кунлар чиқади. Кейин илгаригидек иш қилинса, шамсий кунларга қўшиладиган адҳимоса кунлари чиқади».

Тўғриси шундай: илгари айтилгандек [усулда] адҳимоса ойларига кўпайтирсак ва куллий шамсий ойларга бўлсак, бўлинма адҳимосадан кўпайтириладиган ҳисса чиқади. Маълумки, ой ойлари эса шамсий ойлар билан адҳимоса ойларининг йиғиндисидир, энди уни унга [ой ойларига] кўпайтирамиз; бўлинма ўз ҳолича қолдирилади; бу бўлинма эса кўпайтирилган билан изланганинг, яъни ой кунларининг йиғиндисидир.

- 220 Юқорида, || [ой кунлари] куллий ўнаротра кунларига кўпайтирилса ва [кўпайтма] куллий ой кунларига бўлинса, биз ўнаротра кунлари ҳиссасини чиқарамиз, деган эдик. Лекин калпадаги тулуий кунлар ўнаротра кунлари билан бирликда ой кунларидан камдир. [Калпадаги] ой кунларидан ўнаротра кунлари ҳиссасини айириш нисбати, тугал ой кунларидан тугал ўнаротра [кунларини] айириш нисбатидекдир. У [айирма] куллий тулуий кунларидир. Энди [ой кунларининг] куллий тулуий кунларга кўпайтириб, кўпайтмани куллий ва ой кунларига бўлсак, берилган тарихнинг тулуий кунлари чиқади; бу эса изланган [сондир]. [Калпадаги] ҳамма тулуий кунларни кўпайтириш ўрнида 3 506 481 га кўпайтирамиз ва ҳамма ой кунларини бўлиш ўрнида 3 562 220 га бўламиз.

Бу бобда ҳиндлар бошқача ҳисоблайдилар. У шундай: калпадаги ўтган йилларни 12 га кўпайтирадилар ва кўпайтмага чала йилдан ўтган ойларни қўшадилар; йиғиндини 69120 устига ёзадилар\* ва чиққанини ўртадаги [сон]дан айирадилар ва қолганини икки марта кўпайтириб, 65 га бўладилар; шунда жузъий адҳимоса йиллари чиқади, уни юқоридаги [сонга] орттириб, кейин йиғиндини 30 га кўпайтирадилар ва унга ойдан ўтганларни орттирадилар: йиғинди жузъий шамсий кунлар ҳосил бўлади. Уни икки жойга ёзадилар, икковидан остидагисини 11 га кўпайтирадилар ва кўпайтмани унинг остига ёзадилар, уни 403963 га бўладилар ва бўлинмани ўртадагига қўшадилар, кейин уни 703 га бўладилар. Шунда жузъий ўнаротра кунлари чиқади; уни юқори жойдагидан айирадилар, изланган тулуий кунлар қолади.

Бундай ҳисоблашнинг сабаби шундай: куллий шамсий ойлар куллий адҳимоса ойларига бўлинса, битта адҳимоса ойига тўғри келадиган унинг [шамсийнинг] 32 ойи ва яна  $\frac{8544}{15933}$  каср ой чиқади. Бунинг икки

\* Шу ерда бир печа сўз тушган.

баробари  $65 \frac{1155}{15933}$  дир. Агар бунга берилган йиллар ойлариининг икки баробари бўлинса, жузъий адҳимосалар чиқади. Лекин, агар касрли бутун [сон]га бўлиш тўғри келса ва бўлинувчидан бир бўлагини ташлаш исталса, қолдиқ фақат бутун [сон]га яхши йўли олиш билан бўлинади, чунки бўлинувчининг ташланган бўлагига маълум нисбати бор бўлганидек, бутун бўлувчининг ўзининг касрига ҳам маълум нисбати бўлиши керак.

Мисолимиздаги бўлувчига қаратсак, бўлувчи 1036 800 ва каср 1155 эди. Иккови 15 га [бўлинса] биринчиси 69120 га ва иккинчиси 77 га айланади. Бу [иш] адҳимосаниннг икки баробари ўрнида биттасини ҳисоблашга имкон беради ва ҳатто қолдиқни икки баробарлаштиришга эҳтиёж бўлмайди. Албатта, у [кошиф] сонларни шундай қилиб озайтиришни мўътабар кўради. Битта адҳимоса учун ҳисоблаганда  $\frac{8544}{518400}$  каср чиқади, буни 96 билан қисқартирилса, 89 кўпайтирувчи ва 5400 бўлувчига айланади. Шундай қилиб [кошиф] ҳисоблашни соддалаштиришни — жузъий ой кунларининг ҳосилини олишда кўпайтирувчини энг озайтириб фойда етказди.

Аммо [Браҳмагуптаниннг] ўнаротра кунларини ҳисоблаш усули шундай:

Куллий ой кунлари куллий || ўнаротра кунларига бўлинса, 63 чи- 221 қиб [каср] қолади, уни 450000 билан қисқартсак, касри  $\frac{50663}{55739}$  га айланади. Бу ой кунларидан бўлиб, бунчалик вақт адҳимоса кунларидан биттасига тўғри келади. Агар каср махражини 11 қилинса, сурати 9 га айланиб ва  $\frac{55642}{55739}$  ортади, бу эса дақиқаларда ифодаланса  $0' 59'' 54'''$  бўлади. Бу бирга яқин бўлганидан, ўнрайлаштириб  $\frac{10}{11}$  билан ифода-лайдилар ва уларча  $63 \frac{10}{11}$  ой кунларида ўнаротра кунлари бир кунга тўлади. Буни каср кўринишига келтирсак  $\frac{703}{11}$  ой кунлари бўлади. Ой кунларининг аниғи унга тегишли ўнаротра кунларининг  $63 \frac{50663}{55739}$  билан кўпайтирилганига тенг, лекин  $63 \frac{10}{11}$  га кўпайтирилганда кўпайтма аниғидан ортиқроқ бўлади. Шунинг учун, ой кунларининг 703 га бўлиниши хоҳланса, бўлинманиннг аввалгига тенглашуви учун унга бирор бўлакни қўшиш керак ва у [бўлак] тахминий бўлиб чиқади.

Энди куллий ўнаротра кунларини 703 га кўпайтсак, 17 633 032 650 000 чиқади, бу эса куллий ой кунларининг 11 га кўпайтмасидан ортиқроқдир. Унинг 11 га кўпайтмаси 17 632 989 000 000 дир. Иккала [сон] айирмаси 43 650 000; бу сонга куллий ой кунларининг 11 га кўпайтмаси бўлинса 403 963 чиқади. Бу эса иш берар сондир. Бундан бирор бўлак

қолмаса эди, ҳисоблаш [натижаси] аниқ бўлар эди. Бироқ  $\frac{405}{4355}$  қолади, бу эса  $\frac{9}{97}$  бўлиб ташлашга арзийдиган миқдор. Бу касрни қолдириб, жузъий ой кунларининг 11 га кўпайтмаси унга бўлинса, бўлинувчининг ортиқча бўлаги бор бўлганидан чиқишлиги керагидан ортиқчадир. Ҳисоблашларнинг қолганлари қандай бўлиши равшандир.

Йилларни ҳисоблашда ҳиндларнинг кўпчилигининг адҳимосага эҳтиёжлари тушади. Шунинг учун, бундай ишда адҳимосага хос сўзларни ва ҳисоблашларни муфассал ёзадилар, чунки бусиз ўнротра кунларини ва [турли] кунлар йиғиндисини топиб бўлмайди.

Қалпадаги ёки чатуржугадаги, ёки калижугадаги йиллар учун адҳимосани ҳисоблаш усулларидан бири шундай:

Йилларни уч жойга ёзиб, юқоридагини 10 га, ўртадагини 2 481 га, пастдагини 77 139 га кўпайтирадилар, сўнгра ўртадагини ҳам, пастдагини ҳам 9600 га бўладилар, ўртадаги бўлинма кунлар ва пастдаги авама бўлади. Иккала бўлинма йиғиндиси юқоридагига қўшилади; натижа ўтган бутун адҳимоса кунларидир. Икки бошқа жойдагидан қолдиқлар йиғиндиси чала адҳимосанинг касридир. Кунлари 30 га бўлинса [бўлинма] ойларини ифодалайди. Ёқуб бу усулнинг тўппа-тўғриоини зикр қилган. Бунга бир мисол:

Уша мисолимиздаги вақтгача калпанинг йиллари 1972948132 эди. Буни уч жойга ёзамиз; юқоридагини 10 га кўпайтириш учун ўнгга бир ноль ёзамиз, ўртадагини 2 481 га кўпайтирсак, 4 894 884 315 492 чиқади, 222 || пастдагини 7739 га кўпайтирсак, 15 268 645 593 548 чиқади. Кейинги икковининг ҳар бирини 9600 га бўламиз; ўртадагисида [бўлинма] 509 883 782 бўлиб, 8 292 ортиб қолади, пастдагисида [бўлинма] 1 590 483 915 бўлиб, 9 548 ортиб қолади. Бу иккала қолдиқ йиғиндиси 17840, демак, каср  $\left[ \frac{17840}{9600} \right]$  бирдан ортиқдир. Шунинг учун, уч жойдаги бутунлар йиғиндиси 21 829 849 018 адҳимоса кунларидир, қолдиқ чала кун  $\frac{103}{120}$  дир. Буларни ойларга айлантирсак, бутуни 727 661 663 ой бўлиб, 28 кун ортиб қолади; бундай қолдиқ шидда дейилади ва бу четлаштирилмайдиган чайтра [ойи] боши билан баҳорги тенг кунлик вақти оралигидадир. Ўртадагидан чиққан [бўлинмадаги] йилларга қўшилса 2 482 831 914 га айланади. Улардан 7 — 7 лар айириб борилса, 3 қолади. Демак, у йилда Қуёшнинг Ҳамал [белгисига] кириш кунинда сешанба бўлади.

Урта ва паст жойдаги кўпайтириладиган иккита сон ҳақида [гап куйидагидай]:

Қалпадаги тулувий кунлар қуёшнинг ундаги даврлар сановига бўлинса, қуёш йили кунлари чиқади. Бунинг 360 дан ортиғлиги 5 ва унга

эргагани  $\frac{1116450000}{4320000000}$  кундир. Қаср 450 000 билан қисқартилса  $\frac{2481}{9600}$  га айланади; бу қаср яна 3 билан қисқарса ҳам бир хил жинсда бўлишлик учун махражни шу кўринишда қолишини истайдилар.

Куллий ўнаротра кунлари калпадаги қуёш йилларига бўлинса, битта қуёш йилига тўғри келадиган ўнаротра кунлари 5 чиқиб, бунга эргашувчи  $\frac{3482550000}{4320000000}$  чиқади, бу ҳалиги [450000] билан қисқартилса  $\frac{7739}{9600}$  чиқади.

Қуёш ва ой йилининг миқдори 360 [кун]га яқин; икковининг тулувий миқдори шунга яқин; лекин бириники [360 дан] ортиқ, иккинчисиники [ундан] ўшанча кам. Икковидан бири — ой йили ҳисоблашга киритилган, иккинчиси қуёш — шамсий йил эса излангандир. Икки четдаги [сон] йиғиндиси [шу] икки хил айирмасидир. Юқоридагиси икки йилнинг бутун сонлари йиғиндисига кўпайтирилади, икки қасрдан бири ўртадагига, иккинчиси пастдагига кўпайтирилади.

Агар биз [ҳисоблашни] қисқартиш тилагида, ҳиндларнинг Қуёш ва Ойнинг ўртача ҳаракатларини топиш ишини бажаришни истамасак, ўрта ва паст жойлар учун кўпайтмаларни қўшамиз, йиғинди 10 220 га юқори жой учун бўлувчи бўлагининг 10 га кўпайтмасини, яъни 9 600 ни қўшамиз, йиғинди 106 220 нинг 9600 га нисбатини 2 билан қисқартсак, 5311 нинг 480 га нисбати чиқади.

Бундан илгари баён этилганга ўхшатиб кунларни 5311 га кўпайтириб, кўпайтмани 172 800 га бўлсак, адҳимоса кунлари чиқади. Кунлар ўрнига йиллар сонини кўпайтурсак, кўпайтмаси эга кунлар кўпайтмасининг 360 дан бирига тенг бўлади. Шунинг учун бўлишдан биринчи [ҳисоблашдаги] ҳосил қилинганнинг чиқишини истасак, [ҳалиги] бўлувчини [яъни 480 ни] 360 дан бирга бўлишимиз керак. [Чунки 223

$$480 : \frac{1}{360} = 172800].$$

Шунга ўхшаш усулни Пулиса ёзган: жузъий ойлари икки жойга ёзилади, бири 1111 га кўпайтирилиб, кўпайтма 67500 га бўлинади, чиққани иккинчидан олинади, кейин қолдиқ 32 га бўлинади, ундан чиққани адҳимоса ойлари бўлиб, қолдиғи чала [ойдан] ўтганидир. Агар 30 га кўпайтмаси 32 га бўлинса, кунлари ва унга эргагани чиқади.

Бунинг сабаби: чатуржугадаги шамсий ойлари, ундаги адҳимоса ойларига бўлинса, унингча 32 чиқиб  $\frac{35552}{66389}$  ортиб қолади. Агар ойлари бунга бўлинса, чатуржугадаги ёки калпадан ўтган бутун адҳимоса ойлари чиқади. Лекин у бутун сонларгагина бўлишни қасд қилган, лемак, илгариде айтилгандек, бўлинувчидан бирор нарса [бўлакни] камайтиришга унинг эҳтиёжи бўлган. Мисолимиздаги бўлувчига ўхшагани бунда 2 160 000, сурати эса 35 552 дир. Булардан 32 билан қисқартирилиб борилса, биринчиси 67500 га, иккинчиси 1111 га айланади.

Пулиса бу ҳисобини шамсий кунлар билан ижро қилиб, тарихларни чиқаришда унинг ўрнига ойларни олган. У шундай деган: «Бу кунлар икки жойга ёзилади. Улардан бири 271 га кўпайтирилиб, кўпайтма 4 050 000 га бўлинади, чиққани иккинчидан айирилади, кейин қолдиқ 974 га бўлинади, шунда адҳимоса ойлари чиқади ва унга кунлари ва касри эргашади».

Кейин у шундай деган: «У чатуржуга кунларидир. Адҳимоса кунларига бўлинса, 976 кун чиқиб, 104 064 ортиб қолади. Бу сон билан бўлувчининг умумий бўлувчиси 384 дир; иккови бунга бўлинса, улар  $\frac{271}{2050000}$  га айланади».

Мен бундаги [хатони] ё нусхада кетган, ё таржимонники деб гумон қўламан, чунки Пулиса улуг [олим], бундай хатога йўл қўймайди.

Адҳимоса ойларига бўлинган кунлар албатта шамсийдирлар, бўлинмадаги бутунлар тўғри, қолдиғи эса кўрсатилгандек, сурат ва махражи 24 билан қисқартилганда, сурат 4336 ва махраж 66 389 га айланади. Энди илгари дейилган усулни ойларга ишлатсак ва адҳимоса миқдорини каср билан ифодаласак, [махражи] 47 800 000 га айланади; бунинг ва суратнинг умумий бўлувчиси 16 дир; бунга қисқартилганда кўпайтирувчи 271, аммо бўлувчи 2 800 000 бўлади.

Бўлиш учун [Пулисанинг] ёзган сонига келсак, уни умумий бўлувчи 384 га кўпайтирсак, 1 555 200 000 чиқади. Бу эса чатуржугадаги шамсий кунлардир. [Ҳисоблашнинг] бу қисми бўлиш амалидан озод этилган. Бундай ҳисоб Браҳмагупта усулига асосланганда куллий шамсий ойлар адҳимоса ойларига бўлинади, натижаси адҳимосанинг икки мартасига асосланиб ҳисоблаш усулида бўлганидек чиқади. Бу усул сингарини ўнротра кунларини ҳисоблашга ишлатиш мумкин. Бунинг учун, жузъий ой кунлари икки жойга ёзилади. Бири 50663 га кўпайтирилиб, кўпайтма 3 562 220 га бўлинади; чиққани иккинчи жойдагидан олинади ва қолдиқ 63 нинг ёлғиз || ўзига [касрисиз] бўлинади; ҳисоблаш узоққа чўзилмайди: [уларнинг] жузъий ўнротра қолдиғини унга хослаб авама дейилишига эҳтиёж тушди, [авама] эса икки бўлишдан икки қолдиқ икки турли махражга нисбатдордир.

Қимқи масалани илгари айтилгандек ўзлаштирган бўлса, калпа ёки чатуржуга кунларидан қанчаси ўтганлиги маълум бўлган ҳолда таркиблашни ҳам била олади. Шундай бўлса ҳам эҳтиёт юзасидан [қондасини] қайтараман. Бизнингча шундай: кунлар берилганда, фараз этайлик, йилларни топиш лозим бўлсин, албатта, кунлар тулуий, яъни қамарий кунлар билан ўнротра кунлари айирмаси бўлиши зарур. Бу айирманинг ўнротрага нисбати куллий қамарий кунлар билан куллий ўнротра кунлари айирмаси кабидир. У эса 1 577 916 450 000 нинг куллий ўнротра кунларига нисбатидир. Кейинги сондан 3 506 481 ҳосил

қилинади. Берилган сон 55 739 билан кўпайтирилса ва ҳосили 3 506 481 га бўлинса, жузъий кунлар чиқади. Буни тулуий кунларга қўшилса, қамарий кунлар чиқади ва у жузъий шамсий кунлар билан жузъий адҳимосалар йиғиндисидир. Қамарий кунларнинг ўзига мос адҳимоса кунларига нисбати қандай бўлса, куллий шамсий кунлар ҳам ўзига мос адҳимоса кунларига ўшандай нисбатда бўлади. У эса 160 299 900 000 нинг куллий адҳимоса кунларига нисбатидир. Ундан 178 111 келиб чиқади.

Агар жузъий қамарий кунлардан ҳосил бўлгани 5 311 га кўпайтирилиб, кўпайтма 178 111 га бўлинса, жузъий адҳимоса кунлари чиқади. Бу, қамарий кунлардан айирилса, шамсий кунлар қолади. Энди буни 30 га бўлиш билан ойларга айлантириб, ойларни 12 га бўлиш билан йилларга айлантирилади. Топилмоқчи бўлган янса худди мана шу эди.

Масалан, илгариги мисолимиздаги вақт учун жузъий тулуий кунлар 720 635 951 963 эди. Бу [сон] берилган бўлиб, бунинг қанча ҳиндий йил ва ой бўлувини билиш талаб этилади.

Биз уни [аввал] 55 739 га кўпайтирамиз ва кўпайтмани 3 506 481 га бўлсак, 11 455 224 575 ўнаротра кунлари чиқади. Буни тулуийларга қўшсак, 732 091 1176538 қамарий кунлар чиқади. Буни 5 311 га кўпайтириб, ҳосилни 178 111 га бўлсак, 21 829 849 018 адҳимоса кунлар чиқади. Буни қамарий кунлардан айирсак, 710 261 327 520 қолади, бу эса жузъий шамсий кунлар бўлиб, уни 30 га бўлсак, 23 675 377 584 чиқади; бу эса шамсий ойлардир. Уни 12 билан рафъласак 1 972 948 132 чиқади; бу эса ҳиндий йиллардир. Бу худди илгари мисолда [чиққанининг] ўзига тенгдир.

Шунинг учун ҳам Ёқубнинг ёзганида жон бор. У [шундай дейди]: «Берилган тулуий кунлар куллий қамарий кунларга кўпайтирилиб, кўпайтма куллий тулуий кунларга бўлинади. Чиққани икки жойга ёзилди; бири куллий адҳимоса ойларига кўпайтирилиб, кўпайтма куллий қамарий кунларга бўлинса, адҳимоса ойлари чиқади. Уни 30 га кўпайтириб, иккинчи жойдагидан айирилса, жузъий шамсий кунлар ҳосил бўлади. У, ойларга ва йилларга айлантирилади».

[Масаланинг тўғри ечилиши] шундай: илгари айтганимизча, берилган кунлар қамарий кунлар билан ўнаротра кунлари айирмасидир ва, шунингдек, куллий тулуий кунлар ҳар иккала куллий қамарий билан ўнаротра айирмасига ўзаро мутаносибдир. || Шунинг учун, икки жойга 225. ёзилган жузъий қамарий кунлар чиқади. Куллий қамарий кунларнинг шамсий кунлар билан адҳимоса кунлари йиғиндисига тенг бўлганидек, у ҳам шамсий билан адҳимоса кунлари йиғиндисига тенг, чунки жузъий ва куллий адҳимосалар нисбати улар ойлар ёки кунлар билан ифодаланганларида ҳам бир хилдир.



Аммо Ёқубнинг жузъий ўнаротра кунларини жузъий адҳимоса кунлари воситасида ҳисоблашнинг йўли [китобнинг] ҳамма нусхаларида бор. У эса мана шундайдир:

«Ўтган адҳимосалар касри билан куллий ўнаротра кунларига кўпайтирилиб, кўпайтма куллий шамсий ойларига бўлинади; бўлинма адҳимосага қўшилади. Йиғинди ўтган ўнаротра сони бўлади».

Уйлайманки, бу [қоида] бўш; бундан бир нарсани ўрганиш ва исботлаш қийин ва у амалий ҳам эмас.

Пулиса назарича, мисолимиздаги вақтгача чатуржугадан ўтган адҳимоса ойлари  $1196525 \frac{1337}{1500}$  дир. Агар бунга чатуржугадаги ўнаротра кўпайтирилса, кўпайтма  $30\,011\,600\,068\,626 \frac{51}{125}$  бўлади; буни шамсий ойларга бўлсак, 578 946 чиқади; адҳимосага қўшсак, 1 775 471 ҳосил бўлади. Бу топиладиган [сон] эмас; чунки ўнаротра кунлари 18 825 700 дир; 30 га кўпайтирилгани ҳам топилмоқчи [сон] эмас; чунки у 53 264 130 дир. Бу иккови ҳам ҳақиқатдан узоқдир.

## Эллик учинчи боб

### БЕРИЛГАН ВАҚТ УЧУН ЙИЛЛАРНИ ЖУЗЪИЙ АМАЛЛАР БИЛАН [ОЙЛАРГА ВА КУНЛАРГА] ТАҲЛИЛ ЭТИШ

Зижларидаги календарлар кунлари ҳисобланганда, кўпинча, эралари адҳимоса ва ўнаротра кунлари тугаган вақтларга тўғри келмайди. албатта. Шунинг учун авторларнинг белгили сонларга эҳтиёжлари тушади, амалларида [у сонларни] орттириб ёки камайтириб, ҳисобларини тартибга келтиришади. Ҳиндларнинг зижларини ўрганиб чиқиш билан улардан [календарларидан] билганларимизни айтиб ўтамиз. Аввало, «Қҳандакҳадяка» зижидагини тақдим этамиз, чунки бу зиж кўпроқ машҳурдир; ҳинд астрономлари уни [бошқаларга нисбатан] ортиқроқ ёқтирадилар.

Браҳмагупта шундай деган: «Шакакола йилини ёзиб, ундан 587 ни айир; қолдиқни 12 га кўпайтириб, унга йилдаги ўтган бутун ойларни қўш ва йиғиндини 30 га кўпайтириб, унга [ўтувчи] ойнинг ўтган кунларини қўш. Йиғинди жузъий шамсий кунлар бўлади. Уни учта жойга ёз. Ўртадаги ва пастдагига 5 ни қўш ва кейин пастдагисини 14 945 га бўл; чиққанини ўртадагидан айир; [лекин] бўлишдаги қолдиқни ташла. Кейин ўртадагини 976 га бўл. Чиққани адҳимосанинг тугал ойларидир. Қолдиғи ўтган адҳимосаларнинг касридир. У ойларни 30 га кўпайтир ва кўпайтмага юқорига ёзилганини қўш; йиғинди жузъий қамарий кунлар бўлади. Бунини юқорида қолдириб ўшанчани ўрта жойга ёз; уни 11 га кўпайтир ва унга 497 ни қўш; йиғиндини пастдаги жойга ёз, кейин бунини 111 573 га бўл ва чиққанини ўртадагидан айир, бунда бўлинмадаги қолдиқни ташла. Кейин ўртадагини 703 га бўл, чиққани ўнаротра кунларидир. Қолдиқ амамадир. Унаротра кунларини юқоридагидан айир. || 226 қолгани тулуний кунлардир».

Бу эса «Қҳандакҳадяка»нинг аҳарганасидир. Сондан 7—7 айирилиб берилса, қолдиқ ҳафтанинг куни [исми] бўлади.

Бу усулни [дастлабки] мисолимиз вақти учун ишлатайлик. У, шакаланинг 953 йилига мос. Ундан 587 ни айирсак, 366 қолади. Уни

ойларга ва кунларга айлантириш учун 12 нинг 30 га кўпайтмасига кўпайтирамиз, чиққан [сон] 131 760 шамсий кунлардир. Уни уч жойга ёзиб, улардан остдагиларнинг ҳар бирига 5 ни қўшсак, ҳар бири 131 765 бўлади, энг пастдагини 14 945 га бўлсак, 8 чиқади, буни ўртадагидан айирсак, 131 757 қолади. Бўлишдан қолган сонни ташлаймиз. Кейин ўртадагини 976 га бўлсак, 134 чиқади. Бу эса ойлардир;  $\frac{973}{976}$  ортиб қолади. Ойларни 30 га кўпайтирсак, ҳосили 4020 бўлади, буни шамсий кунларга қўшсак, 135 780 қамарий кунлар чиқади. Буни ҳалигиларнинг энг остига ёзиб, уни 11 га кўпайтириб, кўпайтмага 497 ни қўшсак, 1 494 077 чиқади, уни энг остга ёзиб, 111 573 га бўлсак, 13 чиқади. Қолган [сон] 43 628 ни ташлаймиз; бўлинмани ўртадагидан айирсак, унда 1 494 064 қолади, уни 703 га бўлсак, 2 125 чиқади; қолдиқ  $\frac{189}{703}$  авамадир. Бу бўлинмани қамарий кунлардан айирсак, 133 655 қолади. Бу эса изланган тулуий кунлардир. Буңдан 7—7 ларни айириб борсак, 4 қолади; демак, чайтра ойининг аввали чоршанба куни бўлади.

Яздажирд [Яздигерд] календарининг боши [эраси] бу [ҳинд] календарининг эрасидан илгаридир. Улар оралиги 11 968 кун. Демак, Яздажирд эрасидан изланган кунгача 145 623 кун ўтган. Буни форс йиллари ва ойларига айлантирсак, Яздажирдча 399 йил, исфандармаза ойининг 18-и бўлади. Адҳимоса ойининг 30 кунига тўлишига 5 гхате, яъни 2 соат ўтиши керак. У йил кабиса бўлганидан чайтра ойи унда қайтарилади.

Қуйидаги [мисол] ал Арканд зижидан бузилиб кўчирилган.

«Агар ал Аркандни, яъни аҳарганани билмоқчи бўлсанг, 90 ни олиб, уни 6 га кўпайтир, унга 8 ни ва Синд подшоҳлигининг йилини қўш. Бу эса 117-йилнинг сафар ойигача ўтган вақтдир. Шунда бу 109-йили чайтра ойига мувофиқ келади. Ундан 587 айирилса, қолдиғи шакҳа йилларини ифодалайди.

Қулай усул шундай: «Яздажирдча бутун йилларни олиб, ундан 33 айирилса, қолдиқ шакҳа йиллари бўлади ёки Арканднинг асл йили 90 ни 6 га кўпайтириб [кўпайтмага] 14 ни қўшиб, кейин унга Яздажирд йилини қўшиб, 587 айирилса, қолдиғи шакҳа йиллари бўлади».

Мен ўйлайманки, мана шу шакҳа, Шаққадан бўлак нарса эмас, лекин тарихдан чиқарилган ҳисоб шакҳа календарига тўғри келмайди, балки у бу ерда кунларга ажратилган гуптакала календарига мосдир. Агарда ёзилган бу 90 ни 6 га кўпайтирилиб, [кўпайтмага] 8 қўшилса, 548 бўлади ва у йиллар ўтиши билан ўзгармас бўлиб, бу аниқлик билан иш енгиллашади.

227 [Автор] кўрсатган сафар ойининг биринчиси Яздажирдча || 103 йилнинг 8 деймоҳига мувофиқдир. Шу билан чайтра ойи деймоҳдаги янги ойга боғланади. Лекин форс ойлари унга нисбатан илгарироқ бошланади; чунки [йили ҳақиқий йил  $365\frac{1}{4}$  кундан] чорак кун камлиги бор.

[Авторнинг] айтишича, Синд подшоҳлигининг эраси Яздажирд эрасидан 7 йил илгаридир. Демак, мисолимиздаги вақтгача 405 йил бўлади. Бу ал Аркайд йилининг аслига, яъни 548 га қўшилса, 953 бўлади; бу эса шакакола йилидир. Бундан [автор] айтгани айирилса, гунтакола йилига ўтади.

Ечишлик учун ҳисоблашлардан қолгани «Қҳандакҳадяка»дан олиб ёзганимиз сингаридир. Баъзи нусхаларда, 976 га бўлиш ўрнига баъзан 1000 га бўлинган. У эса нусхалардаги ғалатдандир; чунки [ундай бўлишга] ҳеч бир асос йўқ.

Энди бунга Вижаянанданинг «Қаранатилака» номли зиждаги усулни қўлаймиз. У шундай:

«Шакакола [йилини] ёз, ундан 888 ни айир, қолдиқни 12 га кўпайтириб, кўпайтмага йилдаги ўтган бутун ойларни қўш, йиғиндини икки жойга ёз, улардан бирини 900 га кўпайтир, ҳосилга 661 ни қўш ва йиғиндини 29 282 га бўл. Шунда адҳи. оса ойлари чиқади, буни иккинчи жойдагига қўш; йиғиндини 30 га кўпайтириб, кўпайтмага [кейинги] ойдан ўтган кунларни қўш, йиғинди қамарий кунлардир. Уни икки жойга ёзиб, бирини 3 300 га кўпайтир, ҳосилга 64106 ни қўш, йиғиндини 210 902 га бўлсанг, ўнаротра кунлари чиқади ва авама қолади. Кейин ўнаротра кунларини қамарий кунлардан айир, [шунда] ярим кечадан ҳисобланган аҳаргана қолади».

Бу усулни қуйидаги мисолимизда кўрсатамиз: Биз шакакола [953] дан 888 ни айирсак, 65 қолади. Бу 780<sup>1</sup> ойга [тенг]. Уни икки жойга ёзиб, бирини 900 га кўпайтирамиз, кўпайтмага 661 ни қўшамиз, кейин йиғиндини 29 282 га бўлаемиз. Шунда 23 адҳимоса<sup>2</sup> ойлари чиқади ва  $\frac{29175}{29282}$  ортади. Аммо унинг 30 га кўпайтирилиши ойни кунларга айлантиради. Демак, у яна 30 га кўпайтирилади.

Аммо бўлувчи, яъни 976 билан унга эргашувчи касрни бир жинсли этиб 30 га кўпайтирилмасидир. Кейин уни ойлардан чиққанга қўшамиз. Йиғиндини 30 га кўпайтирсак, қамарий кунлар 24 060 чиқади. Буни икки жойга ёзамиз, бирини 3 300 га кўпайтирсак, 79 389 000 чиқади. Бунга 64 106 ни қўшсак, 79 462 104 бўлади. Буни 210 902 га бўлсак, 376 ўнаротра кунлари чиқади ва авама  $\frac{162952}{210906}$  ортиб қолади. Буни иккинчи жойдаги қамарий кунлардан айирсак, тулуий оҳаргана 23 684 қолади<sup>2</sup>.

Бароҳамиҳиранинг «Панча-сиддихонтика»си да шундай деб ёзилган:

«Шакакола йилини ёз, ундан 427 ни айир, буни 12 га кўпайтириб, ойларга айлантир ва уни икки жойга ёзиб, бирини 7 га кўпайтир, кўпайтмани 228 га бўл. Шунда адҳимоса ойлари чиқади. Энди буни иккинчи жойга қўшиб, йиғиндини 30 га кўпайтир, [кўпайтмага] чалэ ойдан ўтган кунларни қўш; йиғиндини икки жойга ёзиб, қуйидагисини:

228 11 га кўлайтир || ва ҳосилига 514 ни қўш; йиғиндини 703 га бўл ва чиққанни иккинчи жойдагидан айир; шунда тулуи кунлар қолади».

[Бароҳамиҳиранинг] бу айтгани рум «Сиддиҳонта»сининг усулидир. Унинг мисолини мисолимиздаги вақтга ишлатиб кўрамиз. Шакакола йилдан 427 ни айирсак, 526 қолади; бу 6312 ойдир. Бунга мос адҳимоса ойлари 193 ва  $\frac{15}{19}$  дир. Бу ҳалиги ойларига қўшилса, 6505 [ой] бўлиб, 195 150 қамарий кундир.

Ҳисоблашдаги ортиқчалар эса берилган календарнинг кириш вақтини аниқлаш учун қасрларни ҳам назарга олишдан юзага келади; 7 га кўлайтириш сонни еттидан бирларга айланттириш учундир. Бўлувчи эса бир адҳимосанинг еттидан бирини билиш учундир, бу бўлак 32 ой, 17 кун, 8 ҳафта ва қарийб 34 чашакага тенг деб олинган.

Кейин, қамарий кунларни икки жойга ёзиб, остдагисини 11 га кўпайтириб, [кўпайтмага] 514 ни қўшамиз, йиғинди 2 147 164 дир. Буни 703 га бўлсак, 3 054 чиқади. Бу эса ўнаротра кунлари бўлиб, ундан  $\frac{202}{707}$  қолади. Кунларни иккинчи жойдагидан айирсак, 192096703 қолади. Бу эса китобда асосга олинган календарь учун тулуи кунлардир.

[Бароҳамиҳиранинг] адҳимоса ҳақида айтганлари Браҳмагупта фикрларига яқиндир. Берилган [вақт] учун қолдиқ  $\frac{15}{19}$  дир. Қалпа бошидан тортиб ҳисобласак эди,  $\frac{103}{120}$  чиқар эди. Бу тақрибан  $\frac{15}{17}$  га тенг.

«Ал ҳарқан зижи» номли ислом зижида бундай ҳисоблаш бор. Ундаги календарь эраси Яздажирд календари эрасидан 40081 [кун] кейин келади. [Бу китобга қараганда] ҳинд йилларининг боши Яздажирднинг 110 йили 21 даймоҳнинг якшанбасига тўғри келади. Ундаги усул мана шундай:

«72 ни ёз, уни 12 га кўпайтириб, ойларига айланттирсанг, 864 бўлади. Бунга 197 йилнинг шаъбон бошидан [тортиб] ўз замонандаги ойгача ўтган [кунларни] қўш. Йиғиндини икки жойга ёз, кейин пастдагисини 7 га кўпайтир; [кўпайтмани] 288 га бўл, чиққанига юқоридаги [сонни] қўш ва йиғиндини 30 га кўпайтир ва унга ўзинг яшаб турган ойгача ўтганларни қўш; кейин бу йиғиндини икки жойга ёз; остдагисига 38 ни қўш ва ҳосилни 11 га кўпайтириб, 703 га бўл; чиққанини юқоридагидан айир. Юқорида қолган сон тулуи кунлар бўлиб, энг остдагиси амамадир. Унга бирни қўшиб, 7--7 ларни ташлаб борсанг, ҳафта кунининг сони қолади».

Агар дастлаб ёзилган 72 йил ойлари қамарий бўлса эди, бу ҳисоб тўғри бўлар эди. Лекин у шамсийдир, шунинг учун кабисалардан қарийб 27 ойни 864 [ой]га қўшиш лозим.

Бу усул учун яна бир мисолимиз бор, у ҳам бўлса мана шу:

Ҳижрийнинг 422 йили раби ул аввалнинг боши [яъни биринчиси] мазкур шаъбон бошидан 2695 ой кейин туради. Шунга [авторнинг усулида] қабул қилинган ойлар [864] қўшилса, 3559 бўлади. Буни икки жойга ёзиб, бирини 7 га кўпайтириб, [ҳосилни] 228 га бўлсак, || 109 адҳи- 229  
моса ойлар чиқади. Буни иккинчи жойдагига қўшсак, 3668 бўлади, буни 30 га кўпайтирсак, 110 040 чиқади. Буни икки жойга ёзиб, пастдагига 38 ни қўшсак, 110 078 бўлади. Буни 11 га кўпайтириб ва [ҳосилни] 703 га бўлсак, 1722 тегиб, 292 ортиб қолади; бу эса авамадир. Бўлинмани юқоридагидан айирсак, 108318 қолади. Бу эса тулуй кунлардир.

Бу усулни тузатиш шундай: билиш керакки, бу календарнинг эраси билан асосга олинган [мазкур] шаъбоннинг биринчи [куни] орасида 25 958 кун ёки 876 арабий ой, ёки 73 йил 2 ой бор. Энди бунга ҳалиги мисолимиздаги шаъбон боши билан раби ул аввал боши орасидаги ойлар қўшилса, 3 571 ой чиқади, адҳимоса ойлар билан бирлашиб, 3 680 ой ёки 110 400 кун бўлади. Бунга мос ўнаротра кунлар 1 727 бўлиб, 319 авама қолади. Демак, тулуй кунлар 108 673 дир. Бундан бирни олсак ҳисоб тўғри бўлади, кейин 7—7 лар айириб борилса, 4 қолиб, илгариги мисолимиздагига мос бўлади.

Аммо Мўлтонли Дурлабҳа усули шундай: у 848 ни ёзиб, бунга лавкикаколани қўшган; йиғинди шакакола йилдир. Бундан 854 ни айириб, қолганини ойларга айлантириб, [кейинги] йилнинг ўтган ойларини қўшган. Йиғинди 3 жойга ёзилган. Остидагисини 77 га кўпайтириб, кўпайтмани 69120 га бўлиб, чиққанини ўртадагисидан айирган, қолдиқнинг икки мартасини [ёзиб], унга 29 на қўшиб, йиғиндини 65 га бўлган. Адҳимоса ойларини топиш учун уни юқоридагига қўшган ва йиғиндини 30 га кўпайтириб, кўпайтмага [кейинги] ойдан ўтган кунларни қўшиб, [йиғиндини] икки жойга ёзган. Остдагисини 11 га кўпайтириб, кўпайтмага 686 ни қўшган. Йиғиндини унинг остига ёзиб, уни 403963 га бўлган. Чиққанини ўртадагига қўшиб, йиғиндини 703 га бўлган. Натижада, ўнаротра кунлари чиққан. Буни юқоридагидан айирганда тулуй оҳаргана қолган.

Бу усул умумий равишда берилган эди, ўша киши<sup>3</sup> берилган вақтни [аниқроқ ечилишнини истаб] қўшимча ҳисобларни орттириб, асосий йўлни ўз ҳолича қолдирди. Лекин «Қаранасора» автори эса [Дурлабҳа] таҳлилидан бошқа тариқага чиқишни ман этган. [Афсуски, китобидан] олинган бузуқ таржималар бор; баён этилишга арзийдиганлари мана шулар:

Шакакола [йилидан] 821 айирилса, асл қолади ва у мисолимизда 132 дир, буни уч жойга ёзиб, биринчисини 132 даражага кўпайтирилади, кўпайтмаси мисолимизда 17 424 дир. Иккинчиси 46 минутга кўпайтирилса, 6072 чиқади. Аммо учинчисини 34 га кўпайтганда 4 488 чиқади; буни 50 га бўлганда минутлар ва исталса унинг кетидан келадиганлари

ҳам чиқарилади; улар эса  $89' 46''$ . Кейин юқоридаги даражалар йиғиндисига  $112$  қўшилади. Йиғиндилар юқоридаги [миқдорга] етишса, унга айлантирилади [масалан, секундлар минутларга], даражалар эса даврларга айлантирилади. Натижада,  $48$  давр  $328^{\circ} 41' 45''$  ҳосил бўлади. Бу эса Қуёшнинг Ҳамалга кириш вақтида Ойнинг ўртача [узунлик даража] сидир. Ойнинг бу ўртача даражаси  $12$  га бўлинса, кунлари чиқади. [Даражадан] қолганлари  $60$  га кўпайтирилиб, йиғиндиси  $12$  га бўлинса, 230 || гхателар ва шу усул давомида кейингилари [кичиклари] чиқади. Чиқарилганлар  $27^{\circ} 23' 29''$  адҳимоса кунларидир. Шубҳасизки, бу биздаги адҳимосадан ўтганларидир.

Автор миқдорларни топишда шундай йўлни олган: ойнинг биз зикр этган сонини, яъни  $132^{\circ} 46' 34''$  ни  $12$  га бўлганда йил ҳиссаси  $11^{\circ} 3' 52'' 30'''$  чиққан. Ундан ой ҳиссаси  $0^{\circ} 55' 19'' 24''' 10''''$  бўлади. Бу ҳиссадан бирлашиш муддати  $30$  кун ҳисобланади. Натижада,  $2$  йил,  $8$  ой,  $16$  кун,  $4$  гхате ва  $45$  чашака чиқади. Кейин, аслни  $29$  га кўпайтирганда  $3828$  чиқади, бунга  $20$  қўшилиб, йиғинди  $36$  га бўлинганди ўнаротра кунлари  $106\frac{8}{9}$  чиққан. Бироқ, ҳисоблашнинг изидан охирига бормай, ўз ҳолича қолдирдим, чунки битта адҳимосага мос ўнаротра кунлари  $15\frac{7887}{10622}$  бўлади.

## Эллик тўртинчи боб

### ПЛАНЕТАЛАРНИНГ ЎРТАЧА УРИНЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ

Планеталарнинг калпадаги ёки чатуржугадаги даврлари [саноғи] ва ундан ўтган кунлар маълум бўлса, ундаги ҳамма кунларнинг ҳамма даврлар саноғига нисбати унда ўтган кунларнинг ўзларига тегишли даврлари саноғи нисбатига тенгдир. [Ҳиссани] ҳисоблашнинг умумий усули шундай: калпадан ёки чатуржугадан ўтган кунлар, планетанинг ёки авжнинг, ёки тугуннинг ундаги даврларига кўпайтирилади ва кўпайтма калпанинг ёки чатуржуганинг ҳамма кунларига бўлинади. Иккови [калли ёки чатуржуга воситаси] билан ҳисобланганда ҳам [умуман] бутунлардан ва қолдиқдан иборат даврлар [саноғи — ҳиссаси] чиқади. Бутунлари кераксиз бўлганидан ташлашиб, қолдиғи 12 га кўпайтирилади ва кўпайтма ҳамма кунларга бўлинади. Шунда буржлар [саноғи] чиқади. Кейин қолдиқ 30 га кўпайтирилиб, кўпайтма ҳалиги бўлувчига бўлинса, даражалар чиқади. Қолдиқ 60 га кўпайтирилиб, кўпайтма ҳалиги бўлувчига бўлинса, минутлар чиқади, бундан кейинги кичик миқдорларни топиш исталса, шу ҳозирги тартиб давом эттирилади. Бу чиққан [бурж, даража, минут]лар у планетанинг ёки авжнинг, ёки тугуннинг ўртача тезлигидаги ўрнидир [ўртача узунламасидир].

Бу усулни Пулиса ҳам ёзган. Лекин унда бошқачароқ, мана шундай: бутун даврлар чиққанидан кейин қолдиғи 131 493 150 га бўлинса, ўртача буржлар чиқади, [кейинги] қолдиқ 4 383 105 га бўлинса, даражалар чиқади. Навбатдаги қолдиқнинг 4 марта [кўпайтирилганини 292 207] га бўлинса, минутлар чиқади. Бундан кейин қолдиқ 60 га кўпайтирилса ва кўпайтма бу кейинги сонга бўлинса, секундлар чиқади. Бу [тартибни] исталганча [кичик — учинчи, тўртинчи... миқдорларни топиш учун] давом эттириш мумкин. Натижада изланган ўртача [узунлама] чиқади.

Мана бунда, унга [яъни Пулисага бутун] даврлардан қолдиғини 12 га кўпайтириб, кўпайтмани чатуржугадаги кунларга бўлиш зарур бўлган. Демак, ҳисоблаш шу [чатуржугага] асосланган. Лекин бунинг



Ўрнида чатуржуга кунларига бўлингани 12 га бўлди. Шунда юқоридаги учта сондан биринчиси [131493150]дир.

Кейин [бутун] буржлардан қолдиқни 30 га кўпайтиришга ва кўпайтмани илгариги бўлувчига бўлиши лозим эди; лекин бундай ҳисоблаш ўрнига биринчи соннинг 30 га бўлинганини бўлди. [Бўлинма] эса иккинчи сон [4 383 105] дир. Шу равишда, даражанинг қолдигини иккинчи соннинг 60 га бўлинганда чиқадиган бўлинмага бўлишни истади.

231 Лекин у шундай бўлишни ижро этганда 73051 чиқиб,  $\frac{3}{4}$  қолади. Кейин буни аралаш касрга айлантириш учун бутунни 4 га кўпайтирди. Шундай тартиб учун [кейинги] қолдиқни ҳам 4 га кўпайтирди. Лекин аввалгидек, бутун сон || чиқмаганидан 60 га кўпайтиришга ўтди.

Агар биз, бу усулни Браҳмагупта йўли билан калпага ишлатсак, даврлардан қолдиқни бўладиган биринчи сон 131 493 037 500 дир. Буржлардан қолдиқни бўладиган иккинчи сон 4 383 101 250 дир, учинчиси 73051687 дир. Бундай бўлишда  $\frac{1}{2}$  қолади. Буни таъриф этилса, 146 103 375 га айланади. Бу сонга қолдиқнинг икки мартаси бўлинади.

Қалпа ва чатуржугада кунлар сони кўп бўлганидан, Браҳмагупта ҳисоблашни осонлаштириш учун калижугани асосга олди. [Аҳарганининг] илгариде айтилган усулини калижугадаги тарихга ишлатишда планетанинг калпадаги даврлар саноғини кунларига кўпайтирилади ва кўпайтмага асл, яъни калижуга бошига тўғри келган даврлар қолдиги қўшилади. Ийгинди калижугадаги тулуний кунлар 157 791 645 га бўлинади. Бўлинмадаги тугал даврлар [сони] ташланади. Кейин қолдиги билан илгариде кўрсатилгандек тартибда иш давом эттирилиб, натижада, планетанинг ўртача жойи чиқади.

Айтилган асллар мана шулар:

Миррихники	4 308 768 000
Уторидники	4 288 896 000
Муштарийники	4 313 520 000
Зуҳраники	4 304 448 000
Зуҳалники	4 305 312 000
Қуёшнинг авжиники	933 120 000
Ойнинг авжиники	1 505 952 000
Кўтарилиш тугунники	1 838 592 000

[Калижуга бошида] Қуёш ва Ой ўртача тезликда Ҳамал бошида [0° да] бўлган ҳамда адҳимоса ва ўнаротра кунлари учун айирма бўлмаган.

Аммо юқорида ёзилган эижлариде ушбу усул бор: Аҳаргана, яъни планетанинг календарь кунлари, берилган сонга кўпайтирилиб ва [кўпайтма] берилганининг иккинчисига бўлинади, шунда ўртача тезликда

тугал даврлар ва кейинидан келадиган [касри] чиқади. Баъзида ҳисоблаш шу икковни [кўпайтириш ва бўлиш] билан тугатилади, баъзида эса [аниқроқ ечиш учун] яна календарь кунларига қайтилади. Кейин унга бўлинади ёки маълум сонга кўпайтирилиб, иккинчи сонга бўлинади ва [бўлингани] биринчидан чиққан билан бирлаштирилади. Баъзида маълум сонлар асл [сон] деб фараз этилиб, [у сон] Ҳамал бошидаги ўртача жойига асосланиб, планетанинг календарь эрасига мос ўртача жойини топиш учун [мақсадга мувофиқлаб] қўшилади ёки айирилади. Бу усул «Қҳандакҳадяка» ва «Қаранатилака» [китоблари]дандир. Лекин «Қаранасарада» [планеталарнинг] баҳорги тенг кунлик учун ўрта жойларни ҳисобланиб, оҳаргана ўша вақтдан бошлаб саналган. Бу усуллар жузъий бўлиб, жуда кўплигидан, воқифсизлиги туфайли ҳикояси узоққа чўзиладиган бўлганидан уларни [ёзишнинг] фойдаси йўқ. [Планеталар] жойларини ва бошқаларни ҳисоблаш [масаласи] шу ерда тўхтатилади. чунки ундай амаллар [китобимизга] алоқадор эмас.

## ЕРИТГИЧЛАРНИНГ ТАРТИБИ, УЛАРНИНГ УЗОҚЛИГИ ВА КАТТАЛИГИ ҲАҚИДА

Локалар ҳақида гапирганда фалаклар тартибида Қуёш Ойдан пастда бўлиши керак, деган [фикр] «Вишну-пуруна» дан ва «Патанжали» тафсиридан олиб айтилган эди. Бу эса уларнинг миллий [диний] фикридир. Айниқса [бу фикр] «Мача-пуруна» да яққол айтилган: «Осмоннинг Ердан узоқлиги Ернинг ярим радиуси қадардир. Қуёш ҳамма планетадан пастда; Ой ундан юқори. Ой манзиллари ва планеталар Ойдан юқоридалар; ундан юқорида Уторид, кейин Зуҳра, кейин Миррих, кейин Муштарий, кейин Зуҳалдир. [Бундан] кейин Етти Қароқчи [юлдузлари], кейин юқорида Қутб [юлдузидир]. Қутб осмонга туташган. Еритгичлар саногини санашга инсоннинг имконияти йўқдир. Бу фикрни ёқловчининг таъкидлашича, Ой Қуёш яқинига келиши билан кўринмай қолади, бу эса чироғ ёруғлиги Қуёш олдида сезилмай қолгани сингаридир. [Қуёш] ундан узоқлашган сари [ёруғлиги] зоҳирроқ бўлиб боради.

Энди, бу икки ёритгич<sup>1</sup> ва [бошқа] ёритгичлар ҳақидаги китобда уларнинг сифатларига оид фикрга тўхталиб ўтамиз. Гарчи булар ҳақида жуда оз маълумотга эга бўлсак ҳам, кейин уларни астрономик фикр билан таққослаймиз.

232 «Божу-пуруна» да шундай дейилган: || «Қуёш шар шаклидадир. табиати олов бўлиб, 1000 та шуълага эга. Мана шулар орқали сувни ўзига тортиб, ундан 400 таси ёмғир, 300 таси қор ва 300 таси ҳаво учун кетади». Китобнинг бошқа жойида шундай дейилган: «[Шуълалардан] бир бўлаги деваларнинг фаровонлик билан яшашлиги, баъзиси инсоннинг ўзига зарур нарсалар билан кун кечириши ва баъзиси ота-боболар учундир». Бошқа бир жойида эса, Қуёш шуълаларининг йилнинг олтидан бир бўлақларига [фаслларига] бўлингани айтилган. Унда шундай дейилган: «[Йилнинг] ҳут аввалидан бошланган учдан бир бўлагида нурларнинг 300 таси Ерни ёритади — иситади. [Кейинги] учдан бирида ёмғир ёғдириш учун 400 таси ва қолган учдан бирида 300 таси дўл ва қор ёғдириш

учундир». Унда, яна шундай дейилган: «Қуёш нурлари ва шамол сувларни денгизлардан Қуёшга томон кўтардилар, агар улар Қуёш олди-дан томса эди, илиқ ёмғирга айланган бўлар эди. Лекин Қуёш сувни совитиб томдириш учун Ойга узатади. Шу билан олам жонланади». Унда, яна шундай дейилган: «Қуёшнинг иссиғлиги ва ёруғлиги олов иссиғлиги ва ёруғлигининг тўртдан бирига тенг. Шимолда нурлари кечаси сувга тегиб, уни қизартиради». Унда, яна: [оламда] «Энг илгари тупроқ, сув, шамол ва осмон бўлган. Бароҳим тупроқ тагидаги оловни кўриб қолиб, уни юзага чиқарган ва уни учга бўлган. Бир бўлаги одатдаги олов бўлиб, у ёғочларга керак бўлган ва у сув билан ўчирилган, иккинчи [бўлаги] Қуёш, учинчиси чақмоқ бўлган. Жониворларда ҳам олов бор, лекин у сув билан ўчирилмайди. Албатта, Қуёш сувни ўзига тортади. Чақмоқ ёмғир оралигида ялтиллайди. Жониворлар ва ўсимликлардаги олов рутубатлар орасида ёйилган бўлиб, уларга овқат бўлади, дейилган.

Ҳиндлар худди осмон жисмлари буғлар билан овқатланади, дегандай бўлади. Аристотель ҳам шундай фикрнинг қайсибир халқда борлигини айтган. «Вишну-дҳарма» автори, Ой ва бошқа ёритгичлар Қуёшдан ғизо олиб турадилар, агар Қуёш бўлмаганда эди, битта ҳам юлдуз, фаришта ва одам ҳам бўлмас эди, деб аниқ ёзган. Улар эътиқодича, осмон жисмларининг ҳар бири шар шаклида, табиати суюқ бўлиб, ўзидан ёруғлик чиқармайди. Қуёш эса улар орасида табиати олов бўлиб, ўзидан ёруғлик чиқариб, рўпарасидаги бошқа юлдузларни араз<sup>2</sup> билан ёритиб туради. Ёритгичлар бўлиб кўринадиганлар ҳақиқатда юлдузлар эмас. Улар мартабаси юқорилашган, осмоннинг энг юқорисидан тиниқ курсиларда жой олган одамлардан [тарқалувчи] нурлардир. «Вишну-дҳарма» да шундай айтилган: «Юлдузлар суюқликдан иборат, Қуёш шуъласи уларни кечаси ёритади. Яхши ишлар қилган одам энг юқори ўринни эгаллаши лозим бўлганидан аршда ўлтиради. Ёруғлик бергани туфайли уларни юлдузлар, деб ўйлайдилар».

Ҳамма юлдузлар тора деб аталган; бу тарана, яъни ўтувчи ва кечма [маъносидаги] сўздан олинган. Аммо ўша авлиёлар дунёдаги ёмонликларни кечириб, неъматга етишганлар.

Осмонда айланиб ўтиб турувчи ёритгичлар исми накшатра бўлиб, буларга Ой манзилларидагилар киради. Турғун ёритгичлар деб аталган ҳамма ёритгичлар [юлдузлар] га ҳам накшатра номи берилган, унинг маъноси «ортмас» ва «камаймас» демакдир. Аммо мен ўйлайманки, бу ортиш ва камайиш сўзлари улар саноғининг ва бир-бирига нисбатан оралигининг ўзгармаслигига қаратилгандир. Лекин ўша китоб автори Ойда бўлгани каби, ёруғ [юзанинг] ортишини ва камайишини айтган.

Кейин, у Моркандеванинг шу сўзларини келтирган: «Қалпа тугалмасдан илгари бузилмайдиганлар ёритгичлар [сони]дир. У эса нахарва

мартабасига, яъни 100 000 000 000 га эга. Калпа тугашидан олдин тушадиганлар саногӣ маълум эмас. Уни фақат юқорида бир калпа муддатича яшаган кимсагина билиши мумкин, холос».

Важра шундай деган: «Эй, Моркандева, сен олти калпа тугал яшадинг, ҳозиргинг эса еттинчи калпадир. [Шунча яшаб] нега улар [саногини] била олмадинг?» У жавоб берган: «Агар тургун ёритгичлар ҳозирги ҳолларида қола берсалар, [яшаш] муддатларича ўзгармасалар, мен уларни таниган бўлардим, лекин яхшиларининг доимо юқорига чиқишлари ва бошқаларининг [Ерга] тушишлари бўлиб туради; шунинг учун ҳам уларни танишим қийин».

Энди, икки ёритгич [Қуёш ва Ой]нинг диаметрлари ва соя катталигига келсак, бу ҳақда «Мача-пуронада» шундай дейилган: «Қуёш жисмининг диаметри 9000 жўжана, Ой диаметри ундан икки марта катта ва бошниги эса икковининг йиғиндисига тенг». «Божу-пурона»да ҳам шундай дейилган, бироқ бош ҳақида [унда] айтилгани шу: «Қуёш билан бўлганда катталиги Қуёш қадар, Ой билан бўлганда Ой қадардир. Бошқа [автор] бош ҳақида: «У 50 000 жўжана» деган, аммо юрувчи ёритгичлар диаметри ҳақида «Мача-пурона»да шундай дейилган: «Зуҳ-  
233 ра айланаси Ой айланасининг  $\frac{1}{16}$  ига тенг. || Муштарий айланаси Зуҳ-  
ра айланасининг  $\frac{3}{4}$  ига тенг; Зуҳал ва Миррихнинг ҳар бир айланаси  
Муштарий айланасининг  $\frac{3}{4}$  ига тенг; Уторид айланаси Миррих айла-  
насининг  $\frac{3}{4}$  ига тенг. «Божу-пурона»да ҳам шундай.

Аммо тургун ёритгичлар ҳақида иккала китобда катта юлдузлар айланаси Уторид айланасига тенг [дейилган]. Ундан кичикроғиники 500 жўжана; кейин 100 тадан кичиклашиб, 200 гача келади; 150 дан кичиги бўлмайди. [Кейинги сўз] «Божу-пурона»да айтилган. Лекин «Мача-пурона»да эса шундай дейилган: «Кейин 100 тадан кичрая бориб, 100 гача келади. Ярим жўжанадан кам бўлмайди». Гумонимча, булар нусха кўчиришда юзага келган бўлса керак.

«Вишну-дҳарма» автори Моркандевадан олиб айтади: «Авжиҳит — ан Наср ал Воқий<sup>3</sup>, Ордро — Сириус Ямония<sup>4</sup>, Роҳине ал Деборан, Пунарнасу — Жавзонинг икки боши, Пушъя Ревате, Агастъя — Канопус. Етти Қароқчи, Божу эгаси, Аҳирбудния эгаси ва Васиштҳа эгаси [айланаси] беш жўжанадир, бошқа ҳар бир юлдузники тўрт жўжанадир. Масофалари ҳисобсиз бўлган юлдузларни билмайман. Улар айланаси тўрт жўжанадан икки кироҳ, яъни икки милгачадир; икки кироҳдан кам бўлганни одам кўра олмайди, [уларни] албатта дева кўради».

Ҳиндларнинг ёритгичлар катталиги ҳақидаги топилган назариясини бирор машҳур одамга таянилмаган.

Уша икки ёритгич [Қуёш ва Ой]нинг ҳар бир диаметри 67 жўжана;  
 Бошники — 100,  
 Зуҳраники — 10,  
 Муштарийники — 9,  
 Зуҳалники — 8,  
 Миррихники — 7 ва Уторидники — 6 [дейилган].

Булар ҳаммаси ҳиндларнинг бу соҳадаги аралаш-қуралаш фикрларидан билиб улгурганларимиздир.

Астрономларининг бир масалада фикрларидан четга чиқмаймиз, чунки ёритгичларнинг [туришлари] тартибида бизлар билан уларники орасида хилоф йўқ. [Бизда] Қуёш ўрталикда бўлиб, Зуҳал ва Ой икки чеккададир. Тургун ёритгичлар [улардан] юқоридалар. Бу [тартиб масаласи] илгари сўзлар орасида айтилган.

Бароҳамиҳира ўзининг «Сангҳита» [номли] китобида шундай деган: «Ой доимо Қуёшдан берида. [Қуёш] нурлари унга тушади, [Ой] жисми ярми ёритилади, иккинчи ярми қоронғу бўлади. У офтобга қўйилган кўвача сингари сояга эга; Қуёшга қараган ярми ёруғ бўлиб, қарамаган ярми қора бўлади. Ойнинг асли суюқлик бўлиб, юзига тушган нурларни сув ва ойна сингари ўзидан деворга қайтаради. Ой Қуёш билан «бирлашганда» унинг нариги ёғи оқ [офтобли] бўлиб, биз томони қора бўлади. Кейин Қуёшдан узоқлаша бориб, оқ томони бизга оз-оздан қийшаяди».

Ҳиндларнинг мунажжимлари уёқда турсин, илм-маърифат билан таниш ҳар бир билимли кишиси, Ойнинг Қуёшдангина эмас, балки ҳамма ёритгичлардан қуйида [Ерга энг яқин] бўлганига ишонади. Ёритгичларнинг узоқликлари ҳақида бизга етиб келган хабарларидан бири Ёқуб ибн Ториқнинг «Фи таркиб ал Афлок»<sup>5</sup> номли китобида зикр қилингандир. У бу [маълумотни] 161 ҳижрий йилда бир ҳиндидан<sup>6</sup> эшитиб фойдаланган экан. [Биринчи мартаба] у ўлчов бирликларини аниқлаган. Шунда у бир бармоқ [эни] олтига арпанинг ёнма-ён терилиб қўйилганига тенг, деб олган, бир тирсак эса 24 бармоқ, бир фарсах 1600 тирсакка тенгдир. Лекин ҳиндлар фарсахни билмайдилар. Бу миқдорнинг [уларча] ярим жўжана бўлишини илгари айтган эдик.

Кейин [Ёқуб] шундай деган: «Ер диаметри 2100 фарсах ва айланаси  $6596 \frac{9}{25}$  фарсах. Жадвалдан кўрсатганларимизнинг узоқликлари шу [бирлик] билан ифодаланган. Унинг Ер катталиги ҳақида айтганлари билан ҳиндларнинг фикрлари бир-бирига мувофиқ эмас. Масалан, Пулисача, диаметри 1 600 жўжана, айланаси  $5 026 \frac{14}{25}$  жўжана, Браҳмагуптача эса, биринчиси [диаметри] 1581 жўжана ва иккинчиси 5000 жўжана.

Агар биз бу сонлардан ҳар бирини икки мартаба камайтсак, Ёқуб

ёзганига тенг келиши керак эди, лекин [аслида] тенглашмайди. Аммо тирсак ва мил миқдорлари бизларда ва уларда бир хил.

Бизнинг ҳисоблашимизча, Ер радиуси 3 184 мил. Мамлакатимизда одатда қабул қилганимизча, бир фарсахни уч мил десак [даври] 6 728 234 фарсах бўлади. Агар Ёқуб ёзгандек, бир || фарсахни 16 000 тирсак деб олсак, у ҳолда 5 046 чиқади. Агар 32000 тирсакни бир жўжана десак, у 2523 жўжана чиқади.

Ёқуб китобидагилар мана шу жадвалда кўрсатилгандир:

Ё р и т г и ч л а р	Ер марказидан мо- сикларнинг ва ёриткичларнинг [турли] узоқликлари	[Уларнинг] утар за- монларга ва жойлар- га қараб ўзгаради- ган, яъни бир фар- сах 16 000 тирсакча миқдорлари	Ўзгармайдиган, яъни бирликка қа- бул қилинган Ер радиусича миқдор- лари
Ернинг ярим радиуси		1050	1
О й	Энг кам Ўртачаси Энг ортиғи Ой мосиги	37 500 48 500 59 000 5 000	35 5/7 46 4/21 56 4/21 4 16/21
У т о р и д	Энг кам Ўртачаси Энг ортиғи Уторид мосиги	64 000 164 000 264 000 5 000	65 20/21 156 4/21 251 3/7 4 16/21
З у х р а	Энг кам Ўртачаси Энг ортиғи Зуҳра мосиги	269 000 709 500 1 150 000 20 000	256 4/21 675 5/7 1065 5/21 19 1/21
Қ у ё ш	Энг кам Ўртачаси Энг ортиғи Қуёш мосиги	1 170 000 1 690 000 2 210 000 20 000	1114 2/7 1609 11/21 2104 16/21 19 1/21

М и р р и х	Энг ками	2 230 000	2123 17/21
	Ўртачаси	5 315 000	5061 19/21
	Энг ортиғи	8 400 000	8000 5/21
	Миррих мосиги	20 000	19 1/21
М у ш т а р и й	Энг ками	8 420 000	8019 1/21
	Ўртачаси	11 410 000	10866 2/3
	Энг ортиғи	14 400 000	13714 2/7 <sup>8</sup>
	Муштарий мосиги	20 000	19 1/21
З у ҳ а л	Энг ками	14 420 000	13733 1/3
	Ўртачаси	16 220 000	15447 13/21
	Энг ортиғи	18 020 000	17161 19/21
	Зуҳал мосиги	20 000	19 1/21
З о д и а к с ф е р а с и  — Фалаклар буржи	[Устки ярим сфе- расининг] радиуси	20 000 000	19047 13/21
	Остининг [радиуси]	19 962 000	1866 2/3
	Устки сфераси ай- ланаси	125 664 000	

|| Бу фикр [сонлар] Батлимуснинг узоқликлар ҳақида ёзилган 236 „Қитоб ал маншурот“<sup>9</sup> дагига муҳолифдир. Унга қадимгилар ва ҳозиргилар иярганлар. Улар [фикри] асосида ҳар бир ёритгичнинг энг ортиқ узоқлиги унинг устидагининг энг кам узоқлигидир. Икки сфера ораси ҳаракатланувчидан бўш эмас, яъни икки сфера орасида уларни



айланиб туришига имкон берувчи ўқ сингари [ғўла] мосик [тутиб турувчи] бор. Демак, улар эътиқодича, эфир ичида оғирлиққа эга бўлган нарса бор, у ичкаридаги сферада туриб ташқарисидаги сферани тутиб — кўтариб туради. Билим аҳллари орасида шундай фикр бор, у ҳам бўлса шуки, юқоридаги ёритгичларни пастдагилардан ажратиш [яъни паст ва баландлигини билиш] мумкин эмас; агар бири иккинчисини бекитиб ўтадиган бўлса ёки параллакслар сезилса, [шуларга асосланиб узоқликларини] билиш мумкин. Лекин бекитиш [ҳодисасининг] бўлиш эҳтимоли жуда оз; Ойдан бошқаларининг параллакслари сезилмайди.

Шунинг учун [узоқликларни билишда] ҳиндлар ёритгичлар [сайёралар] бир хил тезликда ҳаракат қиладилар ва ҳар хил узоқликдалар, деб фараз қилиб [улар узоқлигини топмоқчи бўлганлар]. Шу фаразда, юқоридагиси [узоқдагиси] секин юрганга ўхшаб кўринади ва сфераси кенг — катта, аммо пастдагисининг сфераси кичик бўлади. Масалан, Зухал сферасининг бир минута [узунлиги] Ойникининг 262 минутига тўғри келади. Шунинг учун [уларча] икковининг ҳаракат тезлиги баробар бўлса ҳам, кезган вақтлари ҳар хилдир.

Кейин бу масалада ҳиндларда бирор нарсани кўрмадим, фақатгина китобларида бу ҳақда ора-чора бир нотўғри сон кўзга ташланиб туради; бу худди биров Пулисага берган жавобда: «Ҳар бир планета фалагининг айланаси 21600, радиуси эса 3438 [жўжана]», деганидекдир.

Бароҳамиҳира ҳисобича, [Ердан] Қуёш узоқлиги 2 598 900, турғун ёритгичлар узоқлиги эса 321 362 683 дир. Бунинг аввалгиси дақиқалар билан, кейингиси жўжаналар билан ҳисоблангандир. Шу билан у яна шундай деган: «Турғун ёритгичлар узоқлиги Қуёш узоқлигидан 60 марта ортиқ». Шунга кўра, турғун ёритгичлар узоқлиги 155 934 000 дир. Ҳиндларнинг биз ишорат қилиб ўтган усули бир асосга қурилган. У асос, тангри уларнинг китоблари таржимасини осонлаштиргунича, [ҳиндлар ҳақидаги ҳозирги] билимга кўра менга номаълумдир.

Бу асос шундан иборатки, Ой фалаги — сферасининг бир минутли ёйи узунлиги 15 жўжана. Лекин бу ҳақда Балабҳадра тафсирида изоҳланмай, шундай дейилган: «Қузатишлардан маълумки, Ой жисмининг уфқига келиб, усти кўринган пайтдан ҳаммасининг кўздан йўқолгунича ўтган вақтча [ҳисоб қилинса, Ой тўгараги диаметри] фалак айланасининг  $[0^{\circ} 32']$  га тенглиги топилган». Ҳолбуки, кузатиш билан даражаларни аниқлаш қийин; минутларни аниқлаш эса ундан ҳам қийин.

Қузатиш билан Ой жисми диаметрининг 480 жўжаналиги топилган. [Бу сон ойнинг] жисм минутларга  $[32']$  ча — кўринма диаметрча бўлинганда бир минут ҳиссаси 15 жўжана чиққан. Бу [сон] айланадаги минутлар сонига кўпайтирилганда 324 000 чиққан. Бу сон Ойнинг бир марта айланишида кезган йўли — фалаги айланаси узунлигининг жўжа-

нада ифодаланганидир. Бу сон [Ойнинг] калпа ёки чатуржуга ичидаги айланишлари саноғига кўпайтирилса, у вақтлар давомида кезган йўли узунлиги чиқади. Браҳмагуптача, калпа муддатида 18 712 069 200 000 000 жўжана [кезади]. [Браҳмагупта] буни буржлар [юлдузлар] фалагининг узунлиги деб олган. Маълумки, бу сон бир сайёранинг калпа ичидаги айланишлар саноғига бўлинса, у сайёранинг бир айланиши учун кезган йўли узунлигининг неча жўжана эканлиги чиқади. Биз юқорида айтганимиздек, улар назариясича, ҳамма сайёраларнинг ҳаракат [тезлиги] баробардир. Шунинг учун, бўлинма у сайёра фалаги [орбитаси] узунлигидир. Уларча, диаметрининг айланага нисбати, тахминан, 12 959 нинг 40 980 га нисбатидекдир. Демак, сайёра орбитаси узунлигини 12959 га кўпайтириб, кўпайтмани 81 960 га бўлинса, чиққан сон радиуси ёки сайёранинг Ердан узоқлиги бўлади.

Биз Браҳмагупта назариясига асосланиб, [ҳамма сайёралар узоқлигини] ҳисоблаб, [натижани] шу жадвалга жойлаштирдик. ||

237

Еритгичлар	Орбиталардан ҳар бирининг узунлиги, жўжанада	Орбитаси, радиуси, яъни Ер марказидан узоқлиги, жўжанада
Ой	324 000 0 0	51 229
Уторид	1 043 210 1561 237 670 2 242 124 873 <sup>10</sup>	421 315
Зухра	2 664 629 1 627 580 383 1 755 597 373	421 315
Қуёш	4331 497 1 2	684 869
Миррих	8 146 916 82 430 924 1 148 414 261	1 288 139
Муштарий	51 374 821 5 418 089 72 845 291	8 123 064
Зуҳал	127 668 787 25 236 237 73 283 649	20 186 186

Тургун ёритгичлардан ҳар бирининг узоқлиги	259 889 850	41 092 140
Қуёш узоқлигидан	0	
60 марта ортиқ	0	

Пулиса [калпа билан ҳисобламай], чатуржуга билан ҳисоблагани сабабли Ой орбитаси узунлиги чатуржугадаги даврлари сановига кўпайтирилса, 18 712 080 864 000 жўжана чиқади. Бу сонни у осмон жўжана деб атаган. Бу эса Ойнинг бир чатуржуга ичида қизган йўлининг узунлигидир. Унингча, диаметрининг айланасига нисбати 1 250 нинг 3 927 га нисбатидекдир. Ҳар бир сайёранинг орбитаси узунлиги 625 га кўпайтирилса ва кўпайтма 3 927 га бўлинса, у сайёранинг Ердан узоқлиги чиқади. Илгариги жадвалдаги сонларни ҳисоблаб чиқиш сингари ишларни Пулиса йўлига мувофиқ қилиб, ҳосилларни жадвалда кўрсатдик. Радиуслар [миқдорини ёзишда] яримдан кичик қасрни ташладик; ортиқ бўлса, бутунга бирни қўшдик. Бундай ишни айланалар учун қилмадик; чунки соннинг аниқ бўлишлиги даврлардаги ҳаракатларни ҳисоблашда зарурдир.

238 Калпадаги и ёки чатуржугадаги осмон жўжанаи ўртача қуёш кунларига бўлинса, 11 858 чиқади. Браҳмагултача  $\frac{25498}{35419}$ , аммо Пулисача  $\frac{209554}{292207}$  ортиб қолади. Бу [чиққан] сон Ойнинг бир кунда кезган йўли узунлигидир. [Ёритгичларнинг] ҳаракати бир хил бўлганлиги учун бу ҳар бир сайёранинг бир кунда қанча жўжана кезадиган йўлидир. Бунинг [кунлик йўли узунлигининг] орбитаси узунлигига нисбати, кунлик ҳаракати [ёйи]нинг давр [ёйи]га, яъни 360 га нисбатидекдир. Ҳамма сайёраларга умумий бўлган мусайяр [кунлик тезлик] 360 га кўпайтирилиб ва кўпайтма берилган сайёранинг жўжанада ифодаланган орбитасига бўлинса, ўртача бухти [бҳукти], яъни кунлик ўртача [тезлиги] чиқади.

Ёритгичлар	Орбиталардан ҳар бирининг узунлиги, жўжанада	Ер марказидан узоқлиги, жўжанада
Ой	324 000 <sup>11</sup> 0 0	51 566

Уторид	1 043 211 573 1 993	166 033
Зухра	2 064 632 90 232 585 199	424 089
Қуёш	4331 500 $\frac{1}{5}$	690 295
Миррих	8 146 937 18 163 95 701	1 296 624
Муштарий	51 375 764 4 996 18 211	8 176 689
Зуҳал	127 671 739 27 301 36 641	20 319 542
Турғун ёритгичлардан ҳар бирининг узоқлиги Қуёш узоқлигидан 60 дан бир марта ортиқ	259 890 012 0 0	414 17700

|| Ой диаметри минутлари [32'] нинг орбитаси минутларига, яъни 239 21 600 га нисбати Ой диаметри узунлиги 480 жўжананинг орбитаси узунлиги нисбатига тенгдир. Шундай нисбатларни Қуёш диаметри минутларидан яшаш мумкин. Браҳмагуптача унинг жўжанаси 6 522, Пулисача 6 480 дир. Пулиса Ой диаметрини 32' деб олган. Бу сонни 2,2, 2... га 1 чиққунча бўлиб борган. Бўлималар сайёраларнинг [минутлари бўлган]. Ярми [16'] Зухраники, чораги [8'] Муштарийники, чорагининг ярми [4'] Уторидники, саккиздан бирининг ярми [2'] Зуҳалники, саккиздан бирининг чораги [1'] Миррихники [деган]. У шундай тартибни дуруст деб

ҳисоблаган. Лекин Зухранинг диаметри, кўринишча, Ой диаметрининг ярми эмас; Миррихники [Зухранинг] саккиздан бирининг ярми эмас.

Икки [зўр] ёритгич [Қуёш ва Ой] ҳажмини ҳисоблаш

Бундай ҳисоблаш белгили вақт учун бўлиб, уларнинг ердан узоқликларига, яъни икковини узунламаларига қараб ҳисобланадиган [орбиталарининг] муаддил<sup>12</sup> диаметрига асосланди.

АВ Қуёш диаметри ва СД Ер диаметри бўлсин, СДН [Ер] сояси конуси, НL саҳми бўлади. ВД га параллел қилиб РС ни тортамыз. У ҳолда АR эса АВ билан СД айирмасига тенгдир. Перпендикуляр СТ, Қуёшнинг Ердан ўртача узоқлиги, яъни осмон жўжанасига асосланиб ҳисобланган сферасининг радиусига тенгдир. Қуёшнинг бу [кўринма] диаметри ўртачадир, чунки у доимо ўзгариб туради; бундан узунлари ҳам бор ва қисқалари ҳам бор. СК ни тортамыз; бу эса синус бўлаклари билан топилади. Бунинг СТга, яъни тўла синусга нисбати СК жўжананинг СТ жўжанага нисбатидекдир. Бу [нисбатлардан кўринма диаметр] жўжанага айлантрилади.

АВ жўжананинг СК жўжанага нисбати АВ минутнинг СК минутига нисбатидек, яъни тўла синусга нисбатидекдир. АВ эса сферанинг минутлари билан маълумдир. Чунки тўла синус айлана миқдорига асосланиб ҳисобланади. Шунинг учун Пулиса шундай деган:

«Қуёш ёки Ой фалаги радиуси жўжанасини тўғриланма диаметрига кўпайтир, кўпайтмани тўла синусга бўл. Қуёш учун чиққанини 22 278 240 га, Ой учун чиққанини эса 1 650 240 га бўлсанг, бўлинма ҳисобланувчи жисмининг диаметри минутидир. Кейинги икки сон икки ёритгич [Қуёш ва Ой]нинг жўжанада ифодаланган диаметрининг тўла синус сони 3 438 га кўпайтмасига тенг».

Шунга ўхшаш сўзни Браҳмагупта ҳам деган: «Ёритгич жўжанасини тўла синус сони 3 416 га кўпайтир, бу тўла синус минутларидир, кейин кўпайтмани унинг фалаги радиусига бўл». Лекин бу бўлиш тўғри эмас, чунки жисм миқдори ўзгармасдир.

Шунинг учун Пулисанинг, бу бўлиниш жўжанада ифодаланган ўртача диаметр учун бўлса керак, дегани шориҳ Балабҳадра фикрига ўхшашдир.

### Соя диаметрини топиш

Зиждаримизда Жавзаҳр фалаги миқдори, дейдиган соя диаметрини топиш учун Браҳмагупта шундай деган: «Ер диаметри жўжанаси 1 581 ни Қуёш диаметри жўжанаси 6522 дан айир. Қолдиқ 4 941 бўлиш учун сақланувчи бўлиб, шаклдаги АR дир. Кейин Ер диаметрини Қуёшнинг муаддил диаметрига кўпайтир. Бундай диаметр узунламани ҳисоблаш-

да топилади. Кўпайтмани дилда сақланган [сон]га бўл. Шунда [берилган] узунламага тегишли соя диаметри чиқади. Учбурчаклар ARC ва СДН бир-бирига ўхшашдир; чунки перпендикуляр СТ миқдори ўзгармасдир. АВ миқдори ҳақиқатда ўзгармаса ҳам, у муаддил диаметр кўринишча ўзгаради. СК ўзгарувчи бўлсин. Бир-бирига параллел бўлган АЈ ва RV ни тортамиз; яна ОВ га параллеллаб, JKV ни тортамиз; бу дилда сақланган [AR] га тенг. JCM ни тортамиз, M нуқта берилган вақтдаги соя конуси учи бўлади.

Дилдаги JV нинг муаддил диаметр СК га нисбати Ер диаметри C D нинг || муқаввам диаметр дейилган ML га нисбатига тенг. Бу кейинги эса синус бўлаклари билан топилади. Чунки KC...»<sup>13</sup> 240

Менимча, бундан кейинги нусхада у -бу сўз тушиб қолган бўлса керак, чунки кейин автор шундай дейди: «Уни Ер диаметрига кўпайтир; ҳосили Ер маркази билан соя учи оралигидир. Бундан Ойнинг муаддил диаметрини айириб, қолдиқни Ер диаметрига кўпайтир; кўпайтмани муқаввам диаметрга бўл; бўлинма соянинг Ой фалагидаги диаметридир. Энди Ойнинг муаддил диаметрини LS фараз қилсак, FN Ой фалагида ётиб, [фалак] радиуси бўлади. LM синус бўлаклари билан ифодаланганидан, бунинг тўла синус икки мартасига тенг бўлган CD га нисбати синус бўлақларидан иборат. MS нинг синус бўлаги XS га нисбатига тенг».

Мен ўйлайманки, Браҳмагупта муқаввам диаметр LM ни жўжанага айлантиришни хоҳлаган. [Айлантириш] Ер диаметри жўжанага кўпайтириш билан ва кўпайтмани тўла синуснинг икки мартасига бўлиш билан бўлади. Асл нусхада бўлиш сўзи тушиб қолган ёки муқаввам диаметри Ер диаметрига кўпайтириш ортиқчадир, яъни ҳисоблашда бунга эҳтиёж йўқ. Яна [деган]: «Агар LM жўжанада ҳосил қилинса, муаддил диаметрининг ҳам жўжана билан аниқланиши учун MS ҳам шундай миқдор билан ифодаланади. Бунга асосланиб чиққан соя диаметри жўжана билан ифодаланади».


У [яна] шундай деган: «Кейин чиққан сояни тўла синусга кўпайтириб, чиққанини Ойнинг муаддил диаметрига бўл. Чиққани топилмоқчи бўлган соянинг минутлари бўлади».

Чиққан соя жўжанада бўлса, уни тўла синуснинг икки бараварига кўпайтиришга тўғри келиб, кўпайтмани Ер диаметрининг жўжанаси [сонига] бўлганда соянинг дақиқалари чиқар эди. Бундай ҳисоблашнинг бўлмаслиги кўрсатадики, у жўжанада ифодалани бажармай, ишни муқаввам диаметр дақиқаларини билиш билан чегараланган. [Автор] муаддил диаметри [жўжанага] айлантормаган. У шундай сояни топдики, [соя жойлашган] доиранинг [L дан узоқлиги] радиуси LS — муаддил диаметрди; буни ҳисоблашга радиуси тўла синусга тенг бўлган доирага эҳтиёж бор.

Чиққан LX нинг муаддил диаметр LS га нисбати, изланган миқдор LX нинг тўла синус LS га нисбатидек.

Бунга [пропорцияга] асосланиб у жўжанага айлантрилади.

Кейин у [Брахмагупта] бошқа жойда шундай деган: «Ер диаметри 1581, Ой диаметри 480, Қуёш диаметри 6522, соя диаметри 1581. Ер жўжанасини Қуёш жўжанасидан айирсанг, 4941 қолади, бу қолдиқни Ойнинг муаддил диаметрига кўпайтир, ҳосилни Қуёшнинг муаддил диаметри жўжанасига бўл ва чиққанни 1581 дан айир, қолдиқ Ой фалагидаги соя миқдоридир; кейин буни 3416 га кўпайтириб, ҳосилни Ойнинг ўрта фалаги радиуси жўжанасига бўлсанг, соя диаметрининг минутлари чиқади».



Маълумки, Ер диаметри Қуёш диаметри [жўжана]дан айирилса, AR, яъни JV қолади. Чизиқ VCF ни ва перпендикуляр СК ни 0 га қаратиб тортилади. Ортиқлик JV нинг Қуёш муаддил диаметри СК га нисбати LF нинг Ойнинг муаддил диаметри ОС га нисбатидек; бу икки муаддиллар жўжанага айланса ҳам, айланмаса ҳам, бари бирдир, чунки жўжана миқдори билан чиқади.

OF га тенглаб XN ясалади; бу ҳолда ON албатта диаметр CD га тенг бўлади. Топилмоқчи [миқдор] дир; бу эса чиққан миқдор [ZF] ни Ер диаметрдан айирганига тенг.

241 Бу ҳисоблашлардаги камчиликни автор [Брахмагупта]га || туҳмат этмай, нусха кўчиришда воқе бўлиши гумон қилинади. Хатоли бўлса ҳам буни бекор қилмаймиз, чунки тўғри ёзилгани бизда йўқ. Сояси деб олган унинг миқдори [аниғидан] кичикдир, у ўртача [миқдор] бўла ол-

майди, чунки ўртачаси энг кичик билан энг ортиқ оралигида бўлади. Иккинчисидан [ўртачадан] ортиқчани тушириш билан соянинг катталарини ҳосил қилиш ҳам мумкин эмас. Ҳолбуки, ZF кам миқдор бўлиб, CF томонга эга бўлган учбурчакнинг тубидир. Бу соя уч томонда бўлмай, Қуёш томондаги SL га учрашади. Шунинг учун ZF ҳам сояда бўлмай, балки нуқсоннинг Ой диаметрида бўлиб қолади. Кейин жўжанада ҳосил ZX нинг Ойнинг муаддил диаметри SL жўжанага нисбати минутларнинг тўла синус SL га нисбатидек. Шу [пропорция] воситасида изланганнинг аниқ миқдори Ойнинг ўртача орбитаси радиусига бўлинмай ҳосил бўлади ва осмон фалаги жўжанасидан ҳисоблаб топилади.

Ҳиндларнинг зижларида икки ёритгич диаметрини  
билиш [усули]

Уларнинг [усули] «Қҳандакҳадяка» ва «Қаранасора» да бор. Бу хил ҳисоблашлари ал Хоразмий<sup>14</sup> зижда ҳам бор. «Қҳандакҳадяка» даги соя диаметрини [ҳисоблаш] ҳам ал Хоразмий зиждагидекдир.

Лекин «Қаранасора»да [ёзилишича]: «Ой бҳукти 4 га ва Қуёш бҳукти 13 га кўпайтирилади; иккала кўпайтма айирмаси 30 га бўлинса, соя диаметри чиқади.

Аммо, «Қаранатилака»да Қуёш диаметрини ҳисоблаш учун: Қуёш бҳукти иккига бўлиниб, ярми икки жойга ёзилади. У икковидан бири 10 га бўлиниб, [бўлинма] иккинчи жойдагига қўшилади; йиғинди Қуёш диаметрининг минутлари бўлади, дейилади.

Ой диаметрини ўлчаш учун бҳукти ёзилиб, унга шу бҳуктининг  $\frac{1}{80}$  и қўшилади; йиғинди 25 га бўлинса, Ой диаметрининг минутлари чиқади.

Соя ҳақида ёзилишича: «Қуёш бҳуктини 3 га кўпайтириб, кўпайтмадан унинг  $\frac{1}{24}$  ини айириш керак; қолдиқ Ой бҳуктидан айирилади; қолдиқнинг икки баравари 15 га бўлинса, Жавзаҳр минутлари чиқади».

Агар биз ҳиндларнинг зижларида бўлганларнинг ҳаммасини кўчира берсак, мақсадимиз [чегарасидан] ташқарига чиқиб кетади. Шунинг учун биз || улардан темамизга боғлиқ бўлганларини, қизиқарли, авторларимизда бўлмаганларини ва мамлакатимизда йўқларини олдик. 212



## Элик олтинчи боб

### ОИ МАНЗИЛЛАРИ ҲАҚИДА

Ҳиндларча, Ой манзилларининг йўли, ҳақиқатда буржлар йўлига ўхшаб, буржлар минтақаси ўн иккита тенг бўлакка бўлинганидек, у 27 та тенг бўлақларга бўлинади ва ҳар бир манзил ҳиссаси даража ҳисобида  $13\frac{1}{3}$ , минут ҳисобида 800 минут бўлади. Планеталар бу манзилларга кирадилар ва ташқарисига чиқадилар, яъни шимол ва жануб томонга ўтиб, кенгламаларини ўзгартиб борадилар. Астрологик жиҳатдан буржларнинг сифати, табиати, далолати ва хосияти бор бўлганидек, ҳар бир манзилнинг ўзига хос махсус хусусияти бордир. Мазкур соннинг олинмишига сабаб шуки, Ой бир мартаба айланишидаги йўлини  $27ю\frac{1}{3}$  кунда кезади, бунда  $\frac{1}{3}$  ни ташлашга тўғри келади. Бу эса худди араблар Ойнинг ғарбда биринчи марта кўринганидан бошлаб, шарқда энг кейин кўринганича ўтган вақтни олганига ўхшайди. [Уни ҳисоблаш] йўли шундай: Қуёшнинг битта ой ойида кезадиган йўлига [ёйга] даврни [360° ни] қўшиб, йиғиндидан Ойнинг икки кундаги — миҳоқдаги<sup>1</sup> юрган йўлини айириб, қолдиқни Ойнинг бир кунда юрган йўлига бўлинса,  $27ю\frac{2}{3}$  дан ортиқроқ чиқади, бу касрни 1 га ҳисоблаш лозим.

Лекин араблар<sup>2</sup> саводсиз бўлиб, ёзишни ҳам, ҳисоблашни ҳам билмаган. Шунинг учун улар сонга ва кўрганларига суяниб иш олиб борганлар. Улар кўз билан қарашдан бошқа воситаларга эга бўлмаганларидан турғун ёритгичлардан иборат юлдузлари бўлмаган манзиллар чегарасини била олмаганлар. Ҳиндлар ҳам араблар сингари, ёруғ юлдузлари бўлмаган манзиллар чегарасини белгилай олмайдилар. Ҳиндларча, манзилларга кирувчи айрим юлдузлар арабларда кирмайди, лекин араблар Ой билан бирлашган ёки яқинлашадиган юлдузлардан фойдаланиб, Ой йўлидан узоқда бўлганларига эътибор этмайдилар.

Ҳиндлар эса [Ойдан узоқда], ҳатто унга қарама-қарши [180° нарида] ва Ой билан битта оғиш чизигида бўлган юлдузларни ҳам эътиборга оладилар. Вега юлдузини манзиллар жумласига киритиб, улар [манзиллар] сонини 28 деб олганлар. Бу масалада астрономларимиз ва анво<sup>3</sup> китоблари авторлари нотўғри фикрга келганлар. Уларнинг фикрича, ҳиндларда манзиллар сони 28 та, дейилган, лекин битта манзил Қуёш шуъласи ичида бўлиб яширинганидан, уни ҳисобдан чиқариб ташлаганлар. Улар гўё ҳиндлардан, Қуёш турган манзил — куювчи, қучоғига олиниб ўтилгани айрилувчи ва энди ўтиладигани тутунланувчи деб аталганини эшитганлар. Авторларимиздан баъзиси Зубоно [юлдуз]ини [ўша манзиллар қаторидан] туширилганини очиқ айтиб, бунга Мезон охири билан Ақраб бошидаги куювчи йўл ҳолатини сабаб қилиб кўрсатган. Уларнинг гумонларича, ҳиндлар 28 та манзил бор деганлар, кейин биттасини ташлайдиган бўлганлар. Ҳақиқатда эса бундай эмас. Чунки уларча манзиллар 27 та бўлиб, кейин унга [биттани] орттирганлар.

Браҳмагуптанинг айтишича, «Веда» китобида [шундай ёзилган]: «Меру тоғида турувчи икки Қуёш ва икки Ой ва 45 та манзилни кўради, яна у ерда кунлар [саноғи] ҳам икки марта ортиқ бўлади».

Кейин Браҳмагупта бу фикрнинг нотўғрилигини айтишга ўтиб, шундай деган: «Биз қутбий соҳадаги Балиқ [юлдузи]нинг бир кунда икки марта айланишини кўрмай, биттасини кўрамиз».

Мен сенга айтсам, бундай ёлгон нарсаларни бекорга чиқаришга қаратилган чораларни топишга ҳолим қолмади.

Ёритгичнинг жойини ёки манзиллардан берилганининг қайда туришини ҳисоблаш [усули] шундай: [Ёритгичнинг] Ҳамал бошидан узоқлиги минутларга айлантирилади. Кейин [у] 800 га бўлинса, [у ёритгич] ўтган бутун манзиллар ёйи чиқади, қолдиғи чала манзилдан юрганга тенг. Аммо 800 га нисбати олинисига келсак, у, албатта, ё иккала сон минутларда, ё иккови даражада ифодаланган бўлишлари керак. Ёки минутлар даражаларга айлантирилган бўлиши керак ё даражалар 60 га кўпайтирилиб, [минутлар] йиғиндисини 800 га бўлиниши керак. Бўлинма ўтилган манзилларни кўрсатади. Бир манзилни 60 га бўлиш ҳам бор.

Бу усуллар Ой, планеталар ва бошқалар учун умумийдир. Ойнинг ўзига махсус [иш усули] бор. Қолдиқнинг 60 га кўпайтмаси [Ойнинг] бҳуктига бўлинса, бўлинма манзилий кундан қанчасининг ўтганини кўрсатади.

Ҳиндлар турғун ёритгичлар ҳақида оз нарса билганлар. Улардан бирортасининг манзилларга тегишли юлдузларни амалий равишда қўли билан менга кўрсатиб берадиганини кўришга муваффақ бўлолмадим. [Манзиллардан] кўплари ҳақида маълумотларни тўплаб, улар-

ни бир-бирига солиштириш йўли билан жиддий текширишлар натижасида «Ой манзилларини аниқлаш» номли мақоламни туздим. Мен на-  
рироқда бу масалага тегишли сўзларни кераклигича ёзаман. Лекин,  
ҳозирча манзиллар юлдузларининг жойини [узунламасини ва кенг-  
ламасини] ҳамда улар саногини «Қҳандакҳадяка» зижиданга мувофиқ-  
лаб билишни осонлаштириш учун уларни қуйидаги жадвалларда кел-  
243 тираман || [361—362-бетлардаги жадвалга қаранг].

245 || Ҳинд халқларида юлдузларга эътибор бермаслик, [асбоблар во-  
ситасида] кузатишда тажрибалари ва ўлчовлари оз бўлганидан турғун  
ёртигичлар ҳаракатини бир-бирига аралаштириб юбориш ҳоллари бор.  
Улар юлдузларнинг ўзларига хос ҳаракати борлигини билмайдилар.  
Масалан, Бароҳамиҳира «Сангҳита» [номли] китобида шундай деган:  
«Реватидан тортиб Мригаширшагача бўлган олти манзилда кузатиш  
[сони] ҳисобланганидан илгаридадир. Яъни бу манзиллардан бирига  
Ой киришини кузатиш вақти ҳисобланганидан илгаридадир.

Ордрадан бошланиб Анурадҳагача бўлган 12 манзилда ярим ман-  
зилча хато бор, яъни кузатиш [Ойнинг] манзил ўртасида турганини  
билдирган ҳолда, ҳисоблаш манзил бошида эканлигини кўрсатади.

Жешетҳодан бошланган Уттара-бҳодрападада тўхтаган 9 манзилда  
кузатиш ҳисоблашдан кечикади, кузатиш Ойнинг ҳар бир манзилга  
киришини кўрсатганда, ҳисоблаш у манзилдан кейингисига киришини  
билдиради».

Бу келтирганларим ҳиндлардаги мазкур аҳволни исботлашдир.  
Бароҳамиҳиранинг, масалан, 6 манзил жумласидан бўлган Ашшара-  
тайн [Ашвинидаги икки юлдуз]ни «кузатиш уни ҳисоблашидан илгари  
бўлади», деган сўзи ўзларига [эҳтимол] зоҳир эмасдир. Бу икки юлдуз  
замонамизда Ҳамалнинг учдан иккисидадир. Бароҳамиҳира замони  
бизникидан қарийб 526 йил илгари бўлганидан юлдузлар ҳаракати на-  
зарияси бўйича у иккала юлдуз [жойи] Ҳамалнинг учдан биридан [яъни  
узунламаси 10° дан] ортиқ эмас. «Қҳандакҳадяка»да дейилганни — икка-  
ла юлдузнинг ўша замонда [Ҳамалнинг учдан иккисида] ёки унга яқин  
турганини ҳамда Қуёш ва Ой [жойлари] тўғри берилган, деб фараз  
қилинса, у ҳолда унинг кўрсатган жойи билан бизнинг кўр-  
сатганимиз орасидаги айирма 8° бўлади. Агар Ой у иккита [юлдузга]  
яқин бўлганда биринчи манзилнинг тахминан учдан иккисида бўлса,  
у вақтда кузатиш [жойи] ҳисобланганидан қанча олдинда бўлган?  
Бошқа манзиллар ҳақида ҳам шуларни айтиш мумкин.

Албатта, ҳар бир манзилдаги юлдузлар жойларини ўзаро ўзгар-  
майдилар. Лекин манзиллар катталики жиҳатдан кенг ва тор соҳаларни  
ишғол этганлар. Шундайлиги [қадимги] ҳиндларнинг [ёзишларида] Кат-  
та Айиқ юлдузлари ҳақида ҳикоя қилганимизда кўрсатилган. «Уттара-

Ман-зил-лар-ра-қами	Манзиллар-нинг исми	Юлдуз-лар-рақами	Узунламаси			Кенгламаси			Юлдузларига ишорат ва уларни таърифлаш
			бурж-лар	дара-жалар	минут-лар	булак-лар	минут-лар	Кенгла-маси жи-ҳати	
1	Ашвине	2	0	8	0	10	0	Ал Шаратони	
2	Бҳаране	3	0	20	0	12	0	Ал Бутайн	
3	Криттика	6	1	7	28	5	0	Ал Сурайе	
4	Роҳине	5	1	19	28	5	0	Ал Диборак, Савр бо-шидаги юлдузи билан	
5	Мригашир-ша	3	2	3	0	5	0	Ал Ҳақъа	
6	Ордра	1	2	7	0	11	0	Номалум; эҳтимол Аш-Шомиядир	
7	Пунарвасу	2	3	3	0	6	0	Ал Зирוף	
8	Пушъя	1	3	16	0	0	0	Ан Насра	
9	Ашлиша	6	3	18	0	6	0	Номалум; эҳтимол Са-ратоннинг икки юлдузи ва ундан ташқаридаги тўрт юлдуздир	
10	Мағҳо	6	4	9	0	0	0	Ал Жабҳа билан яна икки юлдуз	
11	Пурва-пҳол-гуна	2	4	27	0	12	0	Аз Зубра	
12	Утгара-пҳолгуна	2	5	5	0	13	0	Ас Сарфа, Аз Зафира-нинг 3-юлдузи	

13	Ҳасга	5		20	0	11	0	Жанубий	Қарға юлдузларидан
14	Цитро	1		3	0	2	0	Жанубий	Ас Симок Ал Аъзал
15	Своти	1		19	0	37	0	Шимолий	Ас Симок Ал Ромиҳ
16	Вишокҳа	2		2	5	1	30	Жанубий	Номаълум
17	Анурадҳа	4		14	5	3	0	Жанубий	Ал Иклил, бошқа юлдуз билан
18	Жешетҳо [Жийтра]	3		19	5	4	0	Жанубий	Ақраб қалби, ёнидаги — ниёт юлдуз билан
19	Мула	2		1	0	9	30	Жанубий	Аш Шавла
20	Пурва-ашадҳа	4		14	0	5	20	Жанубий	Ан Ниом Ал Ворид
21	Утгара-ашадҳа	4		20	0	5	0	Жанубий	Ан Ниом Ал Содир
22	Абҳижит	3		25	0	62	0	Шимолий	Ан Наср Ал Воҳеъ [Вега]
23	Шрована	3		8	0	30	0	Шимолий	Ан Наср Ат Тоир
24	Дҳаништҳа	5		20	0	36	0	Шимолий	Номаълум; Делфин бўл-са керак
25	Шатабҳи-шаж	1		20	0	0	18	Жанубий	Номаълум; эҳтимол сув сепувчининг сони ёни-даги юлдузлар
26	Пурва-бҳад-рапада	2		26	0	24	0	Шимолий	Номаълум
27	Утгара-бҳодрапада	2		6	0	26	0	Шимолий	Эҳтимол Катта от юл-дузлари бўлса керак
28	Ревати	1		0	0	0	0	Узунла-маси йўқ	Номаълум; эҳтимол ик-ки Балиқ орасидаги Пах-та ипининг айрим юлдуз-ларидир

қҳанда-қҳадяка», яъни «Қҳандақҳодякани тузатиш» китобида Браҳма-гупта шундай деган:

«Манзиллардан баъзиларининг катталиги Ойнинг бир кунлик ўртача ҳаракатидан ярми қадар ортиқ; яъни  $19^{\circ} 45' 52'' 18'''$  қадар бўлганлари ҳам бор. Улар 6 та манзилдир, исмлари шулардан иборат: Роҳине, Пунарвасу, Уттара-пҳалгуни, Вишакҳо, Уттара-ашадҳа ва Уттара-бҳодрапада. Буларнинг йиғиндиси  $118^{\circ} 35' 13'' 48'''$ . Улардан 6 таси калталардир, ҳар бири Ойнинг бир кунлик ўртача ҳаракатининг ярмига тенг; демак, манзил [катталиги]  $6^{\circ} 35' 17'' 26'''$ . Уларнинг номлари: Бҳаране, Ордра, Ошлише, Своти, Жешетҳо ва Шатабҳишаж. Йиғиндиси  $39^{\circ} 31' 44'' 36'''$ . Қолган 15 тадан ҳар бири Ойнинг кунлик ўрта ҳаракати [йўлига], яъни  $13^{\circ} 10' 34'' 52'''$  га тенгдир. Булар йиғиндиси  $197^{\circ} 38' 43''$ . Бу уч хил йиғиндилар йиғиндиси  $355^{\circ} 45' 41'' 24'''$ , демак, бутун даврга тўлиш учун  $4^{\circ} 14' 18'' 36'''$  қолади. Бу эса тарк этилган Абҳижит, яъни Ал Наср Ал Воқеъ ўрнидир.

Бу ҳақда диққат билан текширишим натижаси мазкур мақолада баён этилган.

Ҳиндларнинг турғун ёритгичлар ҳаракати ҳақида ўрганишларининг озлигини Бароҳамиҳиранинг «Сангҳита»сидаги сўзи кифоя этарлик даражада кўрсатади. Унда шундай дейилган: «Қадимгиларнинг китобларида ёзилишича, ёзги қуёш туриши Ашлиша ўртасида ва қишқиси эса Дҳаништҳа бошида бўлади. Бу ўша замонлар учун тўғри, лекин ҳозирги вақтларда қуёш туришларидан ёзгиси Саратон бошида ва қишқиси Жадди бошида бўлади. || Қимки бунга шубҳаланса ва қадимгиларнинг [бу масалада] айтганлари бизнинг айтганимиздек эмас, деб ўйласа, ёзги қуёш туриши яқинлашган кунда текис ерга чиқиб, битта айланани чизсин, марказига эса таёқни санчиб, уни уфққа тиклаб қўйсин. Шарқ ва ғарб томонлардан бирида сояси учи айланага тегиб ўтган нуқтани нишонлаб қўйсин. Эртасига ўшандай соатда у ерга бориб илгаригидек кузатиш ишини бажарса, соя учининг айланадаги биринчи марта қилинган нишондан жануброқда [айланага тегиб] ўтишини биллади. Демак, Қуёш бурилгунича шимолга томон ҳаракат қилиб бормоқда. Агар [соя учининг] шимол томонга силжиб боришини кузатса, демак, Қуёш жанубга томон ҳаракатдадир. Шундай кузатишларни бажариш давомида у Қуёшнинг [экваторга томон] бурилиш кунини билиб олади. Мана шу ҳол бизнинг айтганларимизни тасдиқлайди».

Бароҳамиҳиранинг бу сўзи унинг турғун ёритгичлар шарқ томонга ҳаракат қилишларини билмаганлигини кўрсатади. Турғун юлдузлар деб номланишига берилиб, [Қуёш] бурилиш [нуқтаси] ғарбга йўналади, дейди, шундай хаёл туфайли у манзиллар ҳақида икки нарсани бир-бирига аралаштириб юборган. Энди биз шубҳани йўқотиш ва унинг фикрини танқид қилиш учун у икковини бир-биридан ажратайлик.

[Қуёш ўзининг] иккинчи ҳаракати билан экваторни кесган жойидан шимол томонга қараб эклиптика бошланади. [Буржлардан ҳар бири эклиптиканинг] олтидан бирининг ярмига [яъни  $\frac{1}{12}$ ] тенг бўлганидан Қуёшнинг ёзги бурилиши доимо тўртинчи буржнинг бошида воқе бўлади; қишкиси эса ўнинчи бурж бошида бўлади. [Ҳар бир] манзил эклиптиканинг тўққиздан бирининг учдан бирига [яъни  $\frac{1}{27}$ ] тенг бўлиб, биринчи манзил биринчи буржнинг аввалидан бошланганда ёзги бурилиш доимо еттинчи манзилнинг тўртдан учда бўлади, қишкиси эса йигирма биринчи манзилнинг тўртдан бирида бўлади. Бу [тартиб] оламнинг [яъни Ернинг] яшаш муддатида ҳеч ўзгармайди.

Лекин манзилларнинг юлдузлар билан аталишига сабаб, албатта, уларнинг ўша номли юлдузларга тобе бўлиб, улар билан ҳаракат қилишларидандир. Ҳар бир манзил ўзи турган юлдузлардан кўчади, яъни буржлар ва манзиллардан ҳар бирининг юлдузлари илгариги замонларда муайян буржларда [даражаларда] бўлган. Кейин улардан кўча бориб, ҳозирги вазиятга келганлар. Келажакда ҳар бир [манзил] эклиптиканинг тўққиздан бирининг учдан бири [яъни  $\frac{1}{27}$ ] қадарини кезиб, кейин бутун эклиптикани кезиб ўтади.

Масалан, ҳиндларнинг айтишларича, Ашлиша манзилининг юлдузлари Саратон [буржининг]  $18^\circ$  ида бўлган. Демак, қадимгиларнинг айтганича, [баҳорги тенг кунлик нуқтасининг ғарбга] силжиб боришига мувофиқ ҳозирги вақтдан 2 800 йил илгари, у [Ашлиша] тўртинчи бурж бошида бўлган; Саратон юлдузлари эса учинчи буржда жойлашган, [Қуёшнинг] бурилиш [нуқтаси] ҳам шунда бўлган. Демак, бурилиш нуқта жойидан қўзғолмай, Бароҳамидира фикрига зид равишда, юлдузлар кўчган.

ЁРИТГИЧЛАРНИНГ ҚУЁШ ЁРУҒЛИГИ ТАШҚАРИСИГА ЧИҚИБ  
ҚУРИНИШИ ВА ҲИНДЛАРНИНГ ШУ ПАЙТДА УТҚАЗАДИГАН  
ҚУРБОНЛИҚ ВА РАСМ-РУСМЛАРИ

Ҳиндларда ёритгичларнинг ва янги ой кўринишини белгилаш учун ишлатадиган амаллари, бизнингча, уларнинг «Синдиҳинд» деб аталган зижларига киритилган ёритгичларнинг Қуёшдан неча даража узоқдалигини белгилашни билдирадиган фаразий даража, колоншака деб юритилади. «Фуррат аз зижот» авторининг баёнига кўра, бу фараз этилган даражалар мана шулардан иборат: Суҳайл, Ямония, Воҳе, Айюқ, Икки Симок ва Ақраб қалби бўлиб, улар учун ўн уч даража фараз этилган; Бутайн, Ҳақъа, Насра, Ашлиша, Шатабҳишаж ва Реватилар учун йигирма даража, қолганлари учун ўн тўрт даража ҳисобланади.

Бу масалада ёритгичлар уч гурпуага бўлинади. Улардан мияга лоп этиб келадиган биринчи || гурпуасига, юнонлар ҳисобича, биринчи ва иккинчи катталиқдаги ёритгичлар, иккинчи гурпуасига учинчи ва тўртинчи катталиқдагилар, охири гурпуасига бешинчи ва олтинчи катталиқдаги ёритгичлар киради. Бундай бўлинишни Браҳмагуптанинг ўзи ҳам «Кҳандакҳадяка»га киритган тузатишида келтириш керак эди, лекин у бундай қилмади ва, тахминан, ҳамма манзилларнинг кўриниши учун ўн тўрт даражани қабул қилди. Вижааянандининг айтишича, «Қуёш тўсмайдиган ва ёруғлиги бекилмайдиган юлдузлар ҳам бор. Улар бўлса: Айюқ, Симок ар Ромиҳ, иккала Насра, Дҳаништҳа ва Уттара-бҳодрападалардир. Буларнинг бекинмаслиги га сабаб, кузатувчи шаҳарларининг географик кенглигининг ортиқлиги билан баравар у юлдузларнинг шимолий кенглигининг катталигидир. Булар узоқ [шимолий қутбга яқин] да бўлганликларидан кечанинг бошидан охиригача кўринадилар».

Ҳиндларда Агастъя — Суҳайлнинг [Қуёш ёруғлигидан] чиқишини ҳисоблаш усуллари бор. Улар қачон Қуёш Роҳине помли манзил ичига ўтганда [Суҳайлнинг] кўринмай қолиб, Ҳаста манзилига ўтиши



билан пайло бўлишни кўрадилар. Пулиса шундай дейди: «Қуёш ав-  
жини икки марта кўпайтир; агарда у [кўпайтма] Қуёшнинг тўғриланган  
узунлик даражасига [тақвимига] тенг бўлса, у вақт [Агастъя]нинг кў-  
ринмай қоладиган вақти бўлади».

Пулиса фикрича, Қуёшнинг авжи икки бурж ва яна бир бурж  
70° дир. Унинг икки баробари сунбуланинг учдан бирига [10° сига]  
тўғри келади. У эса Ҳаста манзилининг бошидир. Авжнинг ярми савр-  
нинг учдан бири [10°]да бўлади. У Роҳине манзилининг бошланғичидир.

Аммо Браҳмагупта «Кҳандакҳадяка»га тузатиш киритганида  
таъкидлаб шундай деган: «Сухайлнинг ўрни жавзонинг йигирма етти  
даражасига ва жанубий кенлиги 71 бўлагига тўғри келади. Унинг  
[Қуёшдан] кўриниши эса ўн икки даражага тўғри келади. Мригавед-  
ҳа, яъни яманли Шиграй [Сириус] жавзонинг йигирма олтинчи дара-  
жасида 40° жанубий кенлигида бўлиб, кўринишлик даражаси ўн уч-  
дир. Агар бу икки юлдузнинг туғилиш вақтини билишни истасанг,  
Қуёшни шу юлдуз ўрнида деб ўйла ва кундуздан ўтганини кўриш  
даражалари, деб ҳисоблаб туғилувчи юлдузни шунинг ўрнида тут. Қа-  
чон Қуёш туғилувчи даражасида пайдо бўлса, юлдуз биринчи марта  
кўрилади. Ғойиб бўлиш кунини билиш учун юлдуз даражаларига  
олти буржни орттириб, йиғиндидан унинг кўриш даражаларини ка-  
майтириб, туғилувчини қолдиқ ўрнида тут. Унинг даражасига кирса,  
ғойиб бўлган вақти бўлади.

«Сангхита» китобида баъзи юлдузларнинг кўрина бошлаш ол-  
лида қилинадиган маросим ва қурбонликлар ёзилган. Биз уларнинг  
фикрларини беришда улар қандай кўринишда ёзилган бўлса, ўшан-  
дай қилиб тўлиқ таржима қиламиз.

Бароҳампхира дейди: «Қуёш Биндхъя тоғининг бошланиши жойида  
чиқиб, бунинг баланд жойи устидан ўтиб боришида унинг баландлигини  
менсимаслигини кўрсатганда, тоғ ўзининг улуғлигини кўрсатиш ва қу-  
ёшлилигини йўқ қилиши ва устидан қуёшнинг тезлик билан ўтишини  
тўхтатиш учун юқори кўтарила бориб жаннатга, Бидёзара руҳонийлари  
турган жойига яқинлашади. Бу тоғнинг муаттарлиги, тозаллиги, бо-  
гу бўстонларнинг кўнгил очарлигини кўриб, унга ўрнашишга ошиқи-  
шиб, хурсандлик билан ўринлашадилар. Хотинлари унга бориб кела-  
диган ва болалари унда бир-бири билан ўйнашиб юрадиган бўлади.  
Агар шамол оқ бадан қизларнинг кийимларига текса, улар байроқдек  
ҳилпирайди. У тоғнинг камарларида шерлар ва йиртқич ҳайвонлар  
бўлиб, уларга Бҳрамара<sup>1</sup> номли кўп майда [пашша сингари] ҳашарот  
ёпишганидан қоп-қора бўлиб кўринади. Бҳрамараларнинг улар усти-  
га кўп йиғилишининг сабаби шуки, [йиртқичлар] ифлос панжалари  
билан бадалларини қашиганларида танлари кирланади ва улар озиқ-  
ланиш учун шунга уймалишади. || Агар улар қутурган урғочи филларга

ёпишсалар, улар бўғиладилар. Маймун ва айиқларнинг бу тоғ тепаларига чиқиб юрганини кўриб, гўёки улар осмондан озиқ олишга қасд қилган деб ўйлайсан. У тоғнинг чангалларида зоҳидлар меваларини фахрланиб еб, қорин тўйдириб юрганларини кўриб, кўпلىгидан санай олмайсан.

Варуна ўғли Агастъя, яъни Сув ўғли Суҳайл тоғдаги шу аҳволни кўргач, ўз мақсадини ижро қилишда ўзининг бунга ёрдамчи бўлишини таклиф этди. Қайтиб келгунича ундаги қоронғуликнинг ўз ҳолича туришлигини айтди. Кейин денгизга томон йўл олиб, ундаги сувни симиради ва, ниҳоят, дарё суви қурийди. Шундан сўнг Биндхъя тоғи этаги кўриниб қолади. Макар ва сув жониворлари тоққа тирмашиб чиқиб, раҳналар, ўпқонлар ясайди. Шу билан уларда сақланиб келган гавҳару марварид тошлар юзага чиқиб ялтиллаб бошлайди. Сўлиган дарахтлар яна тирилади, илонлар у ёқ-бу ёққа югуришиб, ўзинча ўралиб, кулча бўлиб қолади. Суҳайлнинг унга қилган зулми эвазига пайдо бўлган зийнатлардан фаришталар ўз тожлари ва тилла қош учун фойдаланадилар. Мана шунга ўхшаб денгиз суви тугаб, унинг ўрнига балиқларнинг питиллаб ярқиллаб кўриниши гўзаллиги ва остидаги жавоҳирларнинг пайдо бўлиши, илон ва [денгиз] филларнинг<sup>2</sup> эса денгиз тагида қолган кўлмак сувларга бориб келиб туриши мавжуд бўлган. Денгиздаги балиқ, шилиғ, садафлар шарада фаслининг олтидан бирида ва куз фаслида юқори чиқса, сувнинг юзини оқ нилуфар ўраб олган ҳавз деб гумон қилинади ва денгиз гавҳарлари уни гўёки юлдузлар билан зийнатланган осмондек қилиб кўрсатади. Унда кўп бошли илонлар қуёшдан тортилган нурлар ипига ўхшаб шуъла-шуъла бўлиб кўринадилар. Денгиздаги ярқиллаган оқ тошлардан ҳар бири тўлгин ойдек кўрилади ва сувдан кўтарилган буғлар осмондаги булут билан аралашиб кетганлигидан осмон билан ерни айиролмай қолиш мумкиндир.

Шунчалик катта ишларни вужудга келтирган ва тожларини дуржавоҳирлар билан зийнатлашга фаришталарни ундаган, денгиз билан Биндхъя тоғини улар учун хазина қилиб берган мана шу Суҳайлни мақтамай, иложим борми! Ахир унинг воситасида сувлар ер кирларидан, яъни ёмонлар билан ҳамсухбат бўлган яхшиларнинг дилларига ўрнашган қораликлардан пок ва тоза бўлдиларку. Ҳар гал, Суҳайл юлдузи туғиб, дарё ва водийлардаги сувлар озайса, дарё ва ариқлар сувлари ўзларидаги ҳар хил оқ, қизил нилуфарларни, сув юзида сузиб юрган ҳар хил рангдаги ўрдак, гозларни Ойга тақдим қилганини кўрасан. Бу эса ёш келиннинг дарёга унга кираётганида худди қизил гулни ҳадя қилганига ўхшайди.

Қизил ўрдакларнинг дарёнинг икки лабида жуфт-жуфтлари билан туриши, дарё ўрталигидаги оқ ўрдакларнинг сузишиб, овоз чиқа-

риб туришлари худди гўзал маҳбубаларнинг шодланиб кулганларида икки лаблари оралигидан тишларининг кўринишини эслатади. Гулранг аралаш оқ нилуфарлар орасида уларнинг тоза хушбўйликларига қизиқиб кўниб ва учишиб юрган бҳрамаралар эса худди маҳбубалар кўзларининг оқу қорасида қорачигининг ноз билан ўйнаб турганини ва кўзлари устида қошларининг эгилиб туришини эслатади.

Агар шу вақтда ҳовузларга ой ёруғлиги тушиб, уни ёриштириб турганини кўрсанг, оқ нилуфарга кўниб туришган бҳрамараларни гўзалнинг юзидаги шахло кўзнинг кўз оқидаги қорачиги билан турибди, деб ўйлайсан.

Агар келажакдаги варшакола селлари у ҳовузларга илонлар, заҳарли нарсалар ва ифлосларни оқизиб келса ҳам Суҳайлнинг туғилиши уни ифлослардан тозалайди ва офатлардан қутултиради.

249 Агар бир киши эшигининг ўзидагина Суҳайлни эсласа, || унинг азобланишига мувофиқ гуноҳлари ювилади, тили билан мақтаса, савоблар топишга сазовор бўлади. Қадимги ришилар, Суҳайл юлдузи туғилиши олдида лозим бўладиган қурбонликлар ҳақида гапирган. Мен уларнинг ҳикоясини подшоҳларга туҳфа қилиб ва у туҳфамни Суҳайлга қурбон қилиб айтаман:

«Суҳайлнинг туғилиши шарқдан қуёшнинг ёруғлиги пайдо бўлиб, ғарбда кечанинг қоронғулиги тугамаган вақтда бўлади. Биринчи марта пайдо бўлганида уни кўриш қийин бўлиб, уни ҳар бир қаровчи тездан топиб ололмайди. У вақтда уфқдан чиқар жойини астрономдан сўра! Аргҳа деб аталган қурбонликни шу тарафга қаратиб қил! Гул, хушбўй райҳонлардан борларини ўша жойнинг шароитига қараб ерга ёз! У жойга хоҳлаганингча олтиндан, кийимлардан ва денгиз жавоҳирларидан ташла; ҳўкиз ва сигирлар билан бирга хушбўй тутатқи, заъфарон, сандал, мушк, кофур, кўп таом ва ҳалволар келтир!

Билгилки, ҳар ким тоза ният ва кучли ишониш ҳамда кўнгиш қўйиш билан етти йил узилмасдан шуни қилар экан, кшатрия бўлса, ер юзининг ҳаммасига, яъни тўрт тарафи денгизлар билан ўралганга подшоҳ бўлади. Бордию агар браҳман бўлса, муродига етади ва ведани ўрганади ҳамда чиройлик хотин олиб, ундан кўп яхши одобли фарзандлар кўради. Агар вайшъя бўлса, жуда кўп ерга эга бўлади ва катта деҳқончилик ўрнини тутати. Агарда шудра бўлса, молдор бўлади. Сўнгра уларнинг ҳаммаси офатлардан қутулиб, саломатлик ва хотиржамликда бўлиб, кўп савобларга етишади».

Суҳайлнинг қурбонлиги ҳақидаги баён қилинган сўзлар шулардан иборат. Аммо Роҳине ҳақидаги ҳукмларга келсак, Бароҳамиҳира шундай дейди:

«Ғарга, Васпштҳа, Қашьяпа ва Парошаралар ўз шогирдларига айтишларича, Меру тоғи олтин гахталардан ясалиб, унда гуркираб

гуллаган хуш исли ҳар хил гул ғунчали дарахтлар ўсган, у дарахтлар устидан Бҳрамаралар қулоққа ёқадиган хуш овозлари билан ҳар доим айланиб туришади. Деванинг нағмачи қизларини хурсандликка туширадиган нағмалар ва хуш овозлар, ўйинга туширадиган ўйинлар қилиб, доимий хурсандчилик билан бориб-келиб туришади. Бу тоғ Нанданавана саҳросида ўрнашган бўлиб, у жаннат бўстонидир. Бир вақтларда Муштарий шу жойда бўлган, дейдилар. Ундан риши Нарада Роҳине ҳукмлари ҳақида сўраганда, у шундай баён қилиб берган. Мен ундан лозим бўлганларини ҳикоя қиламан:

Ошора ойи ойнинг қоронғи кунларида Ой [кулчасининг] Роҳине [манзили]га етиши кузатилсин. Шаҳарнинг шимол ёки шарқ тарафида бир баланд жойни топиб, подшоҳларнинг қимматбаҳо нарсаларига мутасадди бўлган браҳман шу жойга чиқиб ўт ёқади. Унинг яқинида планеталарни, ой манзилларини тасвирлайди. Уларнинг ҳар бирига лозим бўлган ўқишларни ўқийди. Кейин гулдан, арпадан, ёғдан насибасини бериб, уларни ўтга ташлаш билан рози қилиб, лозим ишларни адо қилади. Мумкин бўлган қадар, тўрт тарафига жавоҳирлардан ясалган кўзаларни ширин сувлар билан тўлдириб қўйиши керак. Бу ўша вақтда етишган мевалар, даволар, дарахтларнинг ҳўл шохлари ва ўтлар илдизининг ҳам атрофида бўлиши керак. Тўшак учун ўрогда ўрилган ўтларни ёйиш лозим бўлади. Сўнгра ҳар хил уруғликлар ва доналарни сув билан ювиб, ўртасига олтин қўйиб, бир идишга солинади ва бир чеккага қўйиб, ҳома тайёрлайдилар. У эса веданинг турли Варуна-мантра, Воява-мантра ва Сома-мантра томонларга мансуб || бўлган 250 мавзуларидан ўқиб туриб, арпа, ёғларни оловга ташлашдан иборатдир.

Шундай қилганда данда тикланади, у эса узун найза бўлиб, бошидан икки кокил [печга ўхшаш] осилади. Уларнинг бири найзага баробар бўлиб, иккинчиси уч баробар ортиқ бўлади. Буларнинг ҳаммасини Ой Роҳине манзилига етмасдан қилиш лозим. Агар етиб қолса, шамол эсиш замонларини ўлчаш учун ижтиҳод қилади. Шамолнинг эсишлари найзанинг осилган кокилидан билинади, агар шамол ўша кунда тўрт тарафнинг ўртасидан эсадиган бўлса, яхшилик [нишони]дир. [Икки томон] оралигидан қўзғолса, ёмонлик [нишони]дир. Агар ўзгармасдан бир тарафгагина кучли қўзғолиб турса, бу ҳам яхшилик [нишонаси]дир. Шамол юриш куннинг ҳар бир саккиздан бирида ўлчаниб, ҳар бир саккиздан бири ойнинг ярмига мосдир. Агар Ой Роҳине манзилдан чиқса, бир чеккага қўйилган уруғликка қаралади, ундан униб чиққани шу йилда тоза бўлади. Шунда Ойнинг Роҳинегга яқин бўлган кунига қаралади, агар осмон очиқ бўлиб, ҳаво айнаса ва шамол зарар келтирадиган ҳолда қўзғолмаса, ваҳший ҳайвонлар ва қушлар табиатини яхшиласа у [шамол] яхши, деб қаралади.

Булутни ҳам текшириб кўрилади. Агар булут қорин [шакли]нинг қат-қатига<sup>3</sup> ўхшаш ўрқачлаб, ундан чақмоқ пайдо бўлиб, оқ нилуфар очилганидек очилса, қуёш шуъласидек ўраб олса, сурма ёки бҳрамар ва ёки зағфарондек турланиб турса ёки булут осмонни қоплаб олса, лекин орасидан олтиндек чақмоқ чақиб турса, худди келинларнинг ясанган кийими ёки қизил шафақдек турланиб, камалак айланиб олса ва агар момақалди роқ худди қичқириб турган товусдек гумбирласа ёки ичгани сув тополмай турган қушнинг осмондан ёққан ёмғирни кўриб севинганидек, ҳовузда сув кўпайиши билан қурбақаларнинг сўйиниши ва вақиллашлари ортганидек, дарахтзор атрофида ёниб турган олов ёруғлигида ҳуркишиб юрган урғочи филлар ва қўтослардек осмоннинг изтиробини кўрсанг, булутлар ҳаракатланса ва дур, марварид, чиғаноқ ва музлар ялтиллаб турганидек, ой ёғдуси билан ёришса, буларнинг ҳаммаси ёмғирнинг кўп-кўп бўлиб, кенгчилик ва арзончиликка келишидан нишондир».

Яна [Бароҳамиҳира] шундай дейди: «Брахман сув идишининг ёнида ўлтирганида юлдуз учиш, чақмоқ чақиш, яшин яшнаш, ҳаво қизариш, қуюн, зилзила ва дўл ёғиш, ваҳший ҳайвоннинг овоз чиқаришлари ёмонликка ҳисобланади.

Агар шимол томондаги кўзада сув ўзича камайса ёки тешикдан сизиб чиқиб камайса, шрована ойида ёмғир бўлмайди, агар шарқ томондаги идишда камайса, бҳодрапада ойида ёмғир бўлмайди. Агар жануб томондаги идишда камайса, ашваяжо ойида ёмғир бўлмайди. Агар ғарб томондаги идишда камайса, корттика ойида ёмғир ёғмайди ва бордию, агар бундан ҳеч камаймаса, ёзги ёмғирлар мўл бўлади.

Шунингдек, бу кўзалар ҳам ҳар қайси табақалар учун кўрсаткичлар [вазифасини ўтай]дир. Масалан, шимолдаги кўза браҳманлар учун, шарқдаги кўза кшатрия учун, жанубдаги кўза вайшъя учун, ғарбдаги кўза шудра учун белгиланади. Агар кўзага одамларнинг отлари ва аҳволлари ёзилса, шу одамларга аталган кўзанинг сениши ёки сийқаланиши билан аниқланади.

Аммо Своти ва Шраванага келсак, унда ҳам Роҳинега берилган ҳукмлардек бўлади. Ошора ойининг ойдин кунларида Ой икки Ошоранинг бирида, яъни Пўрва ёки Уттарарада бўлса, Роҳинеда хоҳлаганингдек бир жойни иста! Шунда бир олтидан || тарози тайёрла! Кумушдан бўлгани ўрта даражада бўлса, олтидан бўлгани яхшироқдир. Агар улар мавжуд бўлмаса, хаяр номли ёғочдан яса! У гўёки қазра [Кхадира] ёғочининг ўзидир. Бунда ҳам бўлмаса, темирдан ясалган ўқнинг одам ўлдирадиган тиридан яса! Энг кичик шайннинг узунлиги бир қарич бўлиши керак, бунда қанча узун бўлса, яхши бўлиб, қисқаси яхши эмас. Унинг иплари тўртта бўлиб, ҳар бир [узунлиги] ўн бармоқ бўлади. Паллалари пахтадан тўқилиб, катталиги олти бармоқ бўлади.

Тарозининг тошлари олтиндан бўлиб, у билан баробар миқдорда қудуқ суви, ҳовуз суви, анҳор суви, фил тиши, ҳайвонлар юнги, подшолар исми ёзилган олтин парчалар ва подшоҳдан бошқа одамларнинг ва ҳайвонларнинг отлари ёзилган металл парчалар ёки йиллар, кунлар, томонлар ёки мамлакатларнинг отлари ёзилган металл парчалар тортилади.

Тортган вақтда шарққа қара, тарози тошини ўнг палласига қўй! Тортиладиган нарсани чап паллага қўй! Сен ўқиб туриб, тарозига қараб шундай дейсан: «Сен баробар тортувчисан! Сен — девасан ва деванинг хотинисан, сен Бароҳим қизи — Сарасватесан! Сен ҳақ ва тўғрилиқни ошкора қиласан, сен баробарлик — истивонинг ўзидан ҳам дурустроқсан! Сен шарқдан ғарбга ўтишда бир хилда кезувчи қуёшдек ва юлдуздексан! Сен туфайли оламнинг интизоми тўғри бўлади. Фаришта ва браҳманларнинг ҳаммасида бўлган ростлик ва дуруслиқни ўзингда бирлаштирасан. Сен Бароҳимнинг қизисан! Кашяпа — сенинг уй аҳлингдир».

Аммо бу тортиш иши кечқурун бўлсин, тортиб уни бир чеккага қўй! Эрта билан уни яна қайтадан тортиб тур! Тортганингдан ортиқ келса, шу йилда у пок ва мақбул бўлади. Агар кам келса, ярамас ва мардуд бўлади. Тортишни [Ошорада] гина қилмай, Роҳинеда ва Свотида ҳам бажар! Йил адҳимоса бўлса, яъни бир ой иккинчи марта келганда тортиш тўғри келса, шу йилда тортиш ишини такрор қиласан! Агар у йилнинг ҳукмлари мувофиқ бўлса, ҳукм шулдур, агар мувофиқ бўлмаса, Роҳине талабига қараб бўлади, чунки у ғолиброқдир.

ДЕНГИЗ СУВЛАРИНИНГ КЕТМА-КЕТ ҚУТАРИЛИШИ  
ВА ПАСАЙИШИ

Аммо денгиз сувларининг доимо бир хилда қолиб кетишига сабаб қилиб «Мача-пуропа»да шундай дейилади: Қадим замонда ўн олти тоғ бўлган. Бу тоғлар қанотли бўлиб, учиб кўтарилганида, ранс Индра шуъласи қанотларини кўйдирган ва денгизнинг атрофига қанотлари қирқилган ҳолда тушган. Бу тоғлар денгизнинг тўрт тарафида жойлашган — шарқда: Ришабҳа, Балоҳака, Чакра, Майнока; шимолида: Чандра, Канка, Дрона, Сухма; ғарбида: Вакра, Вадҳра, Норада, Парвата; жанубида: Жемўта, Дравина, Майнока, Маҳошайла. Учинчи билан тўртинчи тоғлар ўртасида денгиз сувини ичадиган Самвартака олови жойлашган; агар шу бўлмаса, дарёларнинг доимий қўйилиб туриши билан [денгиз] тўлиб кетади. Айтишларича, у уларга подшоҳ бўлиб ўтган Аурванинг оловидир. У бўлса, подшоҳ отасининг мулкига эга бўлган, бола ҳали онасининг қурсоғидаги вақтида отаси ўлдирилган эди. У туғилиб, ўсиб катта бўлганда отасининг ҳолини эшитиб, фаришталарга ғазабланиб, уларни ўлдириш учун қиличини яланғочлади. Унинг бундай қилишига сабаб уларга инсонлар сажда қилиб, яқин бўлишни хоҳлаши ва уларнинг оламини сақлашда бепарволик қилишлари эди. Шу онда улар тавба-газарру қилиб, ундан меҳрибонлик қилишни сўрадилар. У ҳам чидаб туролмай, фаришталарга: «Ғазабим ўтини нима қиламан?»—деганида, улар денгизга ташлашни маслаҳат кўрдилар. Денгиз сувини ичиб турадиган мана шу оловдир. Яна шундай дейдилар: «Бошлиқ Индра дарё сувларини 252 булутга айлантириб, ёмғир қилиб юбориши жиҳатидан || дарёлар денгиз сувини орттиролмайди».

«Мача-пуропа»да айтилишича, «Ой сиртидаги қора доғ шашалокша, яъни қуён суврати демакдир. У бўлса ўн олти тоғ шаклининг ой юзидан акс этилишидир.

Аммо «Вишну-дхарма» китобида шундай дейилган: «Ойни шашалокша дейилади, чунки у шар шаклли суюқ жисм бўлиб, олдига келган нарса шаклини кўрсатувчи ойна сингари, Ер шаклини ўзига қабул қилиб, ўзида акс эттиради. Ердаги ҳар хил шаклли тоғлар, дарахтларнинг ойдаги акси қуён сувратида бўлиб кўринади. Яна уни мригалончана ҳам дейилади, бу кийик суврати демакдир. Чунки баъзи одамлар ойнинг юзидаги доғни кийик сувратига ўхшатганлар».

Ой манзиллари тўғрисидаги сўзларга қараганда, Ой манзиллари Пражопати қизлари бўлиб, Ой уларга уйланган, сўнгра уларнинг ҳаммасидан Роҳинени ортиқ кўрган ва унга жуда ишқивоз бўлган. Унинг сингиллари Роҳине таиланишига чидолмай, гафирлик қилиб, оталарига бориб, Ойдан шикоят қилганларида, оталари ҳаммаларини баробар тутиш учун Ойга жуда кўп насиҳат қилса ҳам, таъсир қилмаганидан кейин уни қарғаган. Шундан кейин Ойнинг юзи пес бўлиб қолган. Ой ўзининг қилганига пушаймон бўлиб ва гуноҳига тавба қилиб, қайтиб келганда Пражопати шундай деган: «Оғзимдан чиққан сўзим битта, уни қайтариб бўлмайди, лекин мен ҳар бир ойнинг ярмида расво бўлишингни бекитаман».

Ой бунн эшитгач, «Ўтган гуноҳимнинг асари мендан қандай кетади?»— деб сўраганида, Пражопати: «Маҳодева лингаси [олати] санам қилиниб, сен унга ибодат қилсанг, асари кетади»,— деган. У айтганидек қилган. У бўлса Соманотҳа тошидир. Сома — ой, нотҳа эса эга демакдир. Икки сўзнинг бирлашуви — Соманотҳа санамини султон Маҳмуд — худо ундан рози бўлсин — ҳижрийнинг тўрт юз ўн олтинчи йилида<sup>1</sup> буздириб ташлади ва устки тарафини сндириб, дурри-гавҳар билан зийнатланган олтин зийнатларини ўзининг пойтахти Ғазнингга<sup>2</sup> олиб кетди, баъзи бўлақлари Тонешардан келтирилган Чакрасомининг жез санам билан бирга Соманотҳа майдонига ташланган эди ва баъзи бўлақлари шаҳар жоме эшигининг олдига қўйилган бўлиб, жомега кирганлар оёғларининг лойини ва тупроғини суриб кира эди.

Линга бўлса, Маҳодева олатининг шакли эди. Эшитишимга қараганда, унинг сабаби шундай: «Риши ўзининг хотини олдида Маҳодевани кўриб, кўнглига ёмон гумон келиб, унинг олатини йўқ бўлишини истаб дуойибад қилган эди, у тездан узилиб тушиб, ўрни текис бўлиб қолган. Бундан кейин риши хотинининг тоза эканлигини баъзи аломатлардан билиб, уларни ҳужжатлар билан тўғри топиб, кўнглини ўраб олган шубҳасини кўтарди. Сўнгра риши Маҳодевага айтди: «Бунинг эвазига ўзингдан айрилган олатингни халқ ўртасида улуг тутиладиган ва уни ҳар бир ишда восита қилиб, унга атаб қурбонлик қилинадиган қиламан». Бунинг ишланишдаги санъати Бароҳамиҳира кўрсатишича, қуйидагидек бўлиши керак: «Бошлаб камчи-



ликсиз бир тошни танлаб, уни белги билан учга бўлинади: остидагининг учдан ярмини, куб ёки тўрт қиррали устун ўрта қисмини саккиз қиррали устун қилинади: юқоридагисининг учдан бирини думалоқ қилиб, олат бошига ўхшатиб ишланади. Бу шаклни ерга ўрнатишда остки тўрт қиррали устуннинг учдан бирини ерга кўмилади. Саккиз қирралик бўлимига пинда деб аталган ғилоф қилинади. Лекин ғилоф ерга кўмилган тўрт қиррали бўлимига мувофиқ бўлиб, сиртдан ҳам тўрт қиррали кўринади. Аммо саккиз қиррали бўлак тўрт қиррали бўлакнинг ердан чиқиб турган бўлагига бирлашган бўлади. || Думалоқ қисми ғилофдан ташқарида бўлади».

Унинг айтишича, «Бу думалоқни кичрайтириш ёки ингичкалатиш ўша жойда ва шу ишни қилганларнинг атрофидаги ерларда бузуқлик пайдо қилади ёки бирор балога гирифтор қилади. Ишлашда салгина чуқурроқ қилиб ё саёзроқ қилиб кўмиш одамларнинг касалга дучор бўлишига сабаб бўлади. Агар ишлаган вақтда унга қозик қоқса, [ўша ернинг] раиси ва оиласи ҳалок бўлади. Кўтариб боришда бир нарса қаттиқ тегиб, линга зарарланса, уни ясаган уста ҳалок бўлади. Шу билан бирга у ерда бузилиш ва касалликлар тарқалади».

Синд шаҳрининг жануби ғарбидаги шаҳарларда ибодатлар учун хос бўлган уйларда бу шакл жуда кўпдир. Лекин Соманотқа буларнинг ичида энг ҳурматлиси бўлиб, ҳар кун унга Ганга дарёсидан бир кўза сув, кашмир райҳонларидан бир сават келтирилади. Ҳиндларнинг ишончларича, у эски касалларга шифо беради, давоси йўқ, чорасиз касалларни тузатади. Соманотқанинг машҳур бўлиб кетишига сабаб, айниқса, унинг денгизда кезувчиларнинг портлари бўлиб қолиши ва Зинж [Зангибор]нинг Суфолиси билан Хитой [мамлакати] оралигида уёқ-буёққа қатнаб турувчиларнинг манзилларига айланганидир.

Аммо бу денгиздаги сувнинг кўтарилиши ва пасайишини ҳиндлар ўз тилларида бҳарна [тошқин] ва вуҳара, дейдилар. Уларнинг назари-ча, денгизда вадавонала номли бир олов бор. У ҳамавақт нафас олиб туради. Нафасини тортганда кирган ел билан денгизда сув кўтарилади ва нафасини чиқарганда [пуфлашида] сув пасаяди.

Моний ҳам ҳиндлардан денгизда бир дев яшайди, ўша дев нафас олиши ва чиқариб туришидан сўнг кўтарилиш ва пасайиш бўлиб туради, деб эшитганидан кейин шундай эътиқодга келган. Лекин уларнинг мутахассислари бу кўтарилиш ва пасайишнинг табий сабабини тўғри изоҳлай олмасалар ҳам, ҳар кун ҳодисанинг Ойнинг чиқиш ва ботиш вақтига ва бир ойлик муддатда Ойнинг ёруғ қисмининг ортиши ва камайиши билан боғлиқлигини билганлар. Шунинг учун Соманотқа Ой номи билан аталишга сазовор бўлди. Бу [линга] тош эса Сарсати дарёсининг денгизга қўйилган жойининг ғарбида уч милдан камроқ наридаги соҳил жойда — Борўй олтин қалъасидан шарқда қурилган. Бу

ер Васудевага макон бўлган ва унинг қабилалари ўлдирилган ва куйдирилган жойга яқин эди. Ой чиқиши ва ботиши вақтида денгиз кўтарилиб, уни бекитади. Қундузи ёки кечаси Ой меридианга келган пайтида денгиз суви пасаяди. Бу шунин билдирадигани, гўё Ой Соманотҳа хизматига ва уни ювишга доим тайёр бўлиб туради. Шунинг учун унинг номига ой сўзи киритилган. Аммо Соманотҳа атрофи ўралган қалъа ва унинг ҳовлисидаги қимматли ёдгорликлар қадим вақтда ишланмай, бундан юз йилча илгари қилинган бўлиши мумкиндир.

«Вишну-пуруна»да айтилишича, «Сувнинг кўтарилиши бир миш беш юз бармоқ қалинлигигача етади». Бу миқдор анча кўп. Чунки агар денгизнинг чўнқирли қисми ва усти олтинш газ кўтарилса, денгиз соҳилидан узоқ ерларни илгари кузатилгандан ҳам кўпроқ сув босишини кўриш мумкин эди. Лекин бундай бўлиши имкониятдан узоқ эмас. Аммо бу денгиз суви остидан қўрғонларнинг юзага чиқиши таажжуб эмас, чунки Дебажот ороллари бунга мисол бўла олади. Булар қумлардан тепаликлар пайдо бўлганига ўхшаб, денгиз суви остидан чиқиб, кундан-кунга кўтарилиб || ва ёйилиб узоқ вақтлар туради, сўнгра бориб-бориб эскириб, ўзини тўхтатиб туролмасдан эриб кетадиган нарсалардек сувга ёйилиб, йўқ бўлиб кетади. Ундай оролларида яшовчилар унинг йўқ бўлиб кетишини пайқаб қолсалар, ундан кўчиб, янгидан пайдо бўлган оролга бориб, ҳатто унга норжил [ҳинд ёнғоғи] дарахтларини кўчириб ўтқазиб, обод қиладилар. [Сувдан кўринган] қўрғонни «олтин» деб нисбат бериш аслида ўзига қўйилган от бўлиши ёки унга ҳақиқий бир васф бўлиши мумкин. Масалан, Занж ороллари «Олтин ер» деб аталади, чунки ундаги озгина тупроқ чайқалса, ўрнида кўп олтин ўтириб қолар экан.

## Эллик тўққизинчи боб

### ҚУЕШ ВА ОЙ ТУТИЛИШЛАРИ

Ойнинг тутилтиргувчиси Ер соясидир ва Қуёшнинг тутилтиргувчиси Ойдир. Ҳинд астрономларининг текширишлари, зижларини тузиш ва бошқа ҳисоблари шу ҳақиқатга асослангандир. «Санкхъя» китобинда Бароҳамиҳира шундай дейди. «Баъзи олимларнинг фикрлашича, Бош дайтя жинсидан бўлиб, унинг онаси Сингҳикадир. Чунки фаришталар дарёдан сингишли таомни чиқарган вақтларида ўрталарида баробар бўлиб беришликни Вишнудан сўрадилар. Шунда у уни бўлиб берди. Бош эса фаришталар сувратида бўлиб келиб, уларга аралашди. Вишну унга ҳам таомдан бир бўлагини узатганда, у еб-ичиб олди. Вишну уни таниб қолиб, айланма тиғи — чакраси билан бир уриб, бошини кесди. Ҳозир егани — ҳаёт таоми оғзида бўлганлиги сабабидан боши тирик қолиб, бадани ўлди. Чунки у таом ҳаётига етарлик бўлиб, қуввати баданга тарқамаган эди. Сўнгра Бош зорланиб туриб: «Қайси гуноҳ сабабидан менга шундай қилинди?» — деганидан сўнг, унинг жазоси эвазига осмонга кўтарилиб, унда яшовчилардан бўлди».

Баъзиларининг айтишларича: «Бошнинг — икки ёритғич — Ой ва кунга ўхшаш жасади бор. Лекин бу қоп-қора, шунинг учун осмонда кўринмайди. Аввалги ота Бароҳим унга осмонда асло кўринмасликни буюрди. Лекин Ой ва кун тутилгандагина кўринади.

Баъзилар унинг илон бошига ўхшаш боши, думига ўхшаш думи бор, деб айтса, бошқалар эса уни шу кўрилиб турган қоралиқдан бошқа танаши йўқ, дейди».

Бароҳамиҳира хурофий афсоналарни тугатиб айтди: «Агар Бошнинг танаси бўлса эди, у [тана] билан [Ойнинг] тегишиши ҳодисаси бўлар эди. У [Бош] билан Ойнинг оралиги олти бурж[180°] бўлса ҳам, узоқдан туриб тутилтирганини кўра эдик. Ой тутилгандан ерга [Бошнинг] ўзи боради, дейилса, юриш [вақтининг] ортиши ва камайиши сезилмайди.

Агар Бошнинг борлигига ишонган киши бўлса, қани у айтсин-чи, нимага унинг ҳаракати учун даврлар ишлатилади ва нима учун у даврлар баробардир? Агар бу тўғрида бошлик ва думлик илонни тасаввур қилиш ва унинг узунлиги олти бурж [180°] бўлсин, дейилса, шундай фаразда нима учун боши билан думи ораллигида икки ёриткич [Қуёш ва Ой] турганда, улар ҳамда у оралликдаги Ой манзиллари юлдузларидан бири тўсилмайди? Энди бир-бирига қарама-қарши турган икки бошнинг борлигини фараз қилинса, булардан бири билан Ой тўсилиб шарқдан чиқса, иккинчиси билан боғаётган Қуёшнинг тўсилиб ботиши лозим бўлади. Шунга ўхшаш, агар || Ой тутилиб ботса, Қуёш ҳам 255 тутилиб чиқиши керак. Лекин бундай ҳодисалар ҳеч бўлган эмас.

Тангри тарафидан қувват топган уламоларнинг айтишларича, Ойнинг тутилишига сабаб унинг [Ер] соясига киришидир. Қуёшнинг тутилиши, Ой билан Қуёшнинг биздан тўсилишидир. Шунинг учун Ойнинг қорайиши ғарб томондан бошланмайди ва Қуёшнинг тутилиши шарқ томондан бошланмайди. Ернинг сояси, дарахт сояси сингари [фазода] чўзилган бўлади. Ой Қуёшга нисбатан еттинчи буржда [180°] бўлганда, Ойнинг кенгламаси шимолга ёки жанубга томон кўпаймаса, Ернинг сояси ичига киради ва тутилади. Энг аввал унинг шарқ чети сояга тегишади.

Қуёш тутилиши олдида, Ой ғарб томондан келиб, бир парча булуз бекитгандек, уни бекитади. Турли жойларда [шаҳарларда] бекиладиган сатҳи турлича бўлади.

Аmmo Қуёшнинг бекитувчиси катта эмасдир, Ойни бекитувчи [соя] каттадир. Тутилганда ҳамда унинг ярми қорайганда ёришиши битади, шунинг учун унинг [тўла] ёритиши кучли бўлади. Уламолар китобларида Бошнинг иккала тутилишга ҳам дахли йўқлиги ҳақида бир фикрга келганлар».

Бароҳамиҳира ўз билимига асосланиб, иккала тутилиш моҳиятининг<sup>1</sup> сифатини айтишдан бўшаб, билимсизларга ачиниб шундай дейди: «Лекин кўпчилик, содда халқ, иккала тутилиш Бош туфайли бўлади, деб кўп гап-сўз қилди. Улар: Бош пайдо бўлиб, у тутилишга эгадорчилик қилмаса эди, тутилиш вақтида браҳманлар ғусл қилишни ўзларига лозим кўрмас эдилар, деб айтадилар».

Яна Бароҳамиҳира шундай дейди: «Бунинг сабаби шуки, Бош кесилган вақтида у зорланганида, унинг учун Бароҳим ўша тутилиш вақтида браҳманларнинг олов учун қиладиган қурбонларидан унга насиба тайин қилди, деб айтадилар; уларча, Бош ўз ҳиссасини истаб тутилган ерга яқин боради, шунинг учун одамлар тутилиш вақтида уни кўп ёд қиладилар ва тутилишини ҳам унга нисбат берадилар. Ҳақиқатда тутилишга Бошнинг ҳеч қандай алоқаси йўқдир. Лекин ту-

тилиш, Ой йўлининг эклиптика билан тўқнашувига ва унга оғмалигига боғлиқдир».

Ўздан илгари келтирилган далилларнинг олам тузилиши ҳақида таҳқиқлашни Бароҳамиҳирадан чиқиши, браҳманларнинг гоҳо унга эргашилари ва унга йўл қўйишлари бўлмаганда, [улар томондан] инкор қилишга лойиқ бир фикр эди. Чунки бу улардандир. Уларнинг жумласидан бўлмаслигига чораси ҳам йўқдир.

Ундан кейин биз бу тўғрида Сиддх кайфияти ҳақида баён қилганимизда унинг айтганларидан баъзиларини ҳикоя қилган эдик. Шунингдек, у ҳақ сўзни ошкора этиб ва ҳақиқатга қадам қўйганидан бошқа камчилик сўзларни кечирса бўлади. Кошки, ҳамма олимлар унга эргашсалар эди! Лекин Браҳмагуптага қарагин, улар орасида у астрономлик соҳасида фозиллардан ҳисобланиб, ўзи ҳам браҳманлардан эди. Браҳманлар эса, пуроналардан Қуёшнинг Ойдан пастда бўлишини, бунинг учун ҳатто Қуёшни Бошга эҳтиёжи туғилишини ўқийдилар. Браҳмагупта ҳақиқатни қабул қилмай, уни бузувчига ёрдамчи бўлди. Эҳтимол, уларга қаттиқ ғазабланишга, уларни камситишга андиша қилгани ёки ўлим даҳшатидан қўрқиб, ихтиёрсиз бўлиши ҳам мумкиндир.

«Бароҳим-сиддихонта»нинг биринчи бобида шу сўзи бор: «Одамлар орасида, тутилишга Бош сабабчи эмас, деювчилар бор. Бундай фикр бўлмаган гап, чунки тутилтиргувчиси Бошнинг ўзидир. Олимларнинг 256 кўплари ҳам тутилтиргувчи Бошнинг ўзи дейдилар. || «Веда»да оллоҳнинг Бароҳим оғзидан айтилган сўзида ҳам, Бош тутилтиради дейилган. Манунинг ёзган «Смрити» номли китобида ҳам, Бароҳим ўғли Гарга ёзган «Сангҳита» номли китобда ҳам Бош сабабчи деб кўрсатилган. Аммо Бароҳамиҳира, Прешина, Орябҳата ва Вишнучандралар эса, тутилиш Бошдан эмас, балки Ойдан ва Ер соясидан, дейдилар, уларнинг бу фикри кўпчиликка қарама-қарши ва айтилган сўзларга зиддир. Чунки агар тутилтиргувчи Бош бўлмаса эди, кун тутилиш вақтида браҳманларнинг қиздирган мойларни суришлари, тутилиш вақтида ибодат маросимларини ўтказишлари бекор бўлиб, унга савоб ҳам бўлмаслиги мумкин. Буларни бекор қилиш кўпчилик иттифоқидан четга чиқишдир, бу бўлса дуруст эмасдир. «Смрити»да Ману шундай деган: «Агар Бош икки ёритувчининг бирини тутилтиришга бошласа, ер юзидаги ҳамма сувлар Ганг дарёсининг сувидан пок ва тоза бўлади». «Веда»да баён қилинишича: «Бош дайтъя қизларидан бўлмиш Сайнако номли хотиннинг ўғли бўлиб, ҳар бир яхши ишлар шунинг учун ишланади».

Энди кўпчиликка қарши туришни тарк қилиш лозим. Чунки «Веда», «Смрити» ва «Сангҳита»лардаги ҳамма сўзлар дурустдир. Агар Браҳмагупта, шу мавзуда улар ҳақида оллоҳ таолонинг айтганидай: «Оятларнинг ҳақлигини билган ҳолларида зolim ва мутакаббирликка

ўтиб, уларни инкор қилувчилардан»<sup>2</sup> бўлса, у ҳолда исбот қилиб ўтирмасдан қўлоғига секингина шундай деймиз: «Одамларнинг диний китобларга қарши турмаслиги лозим бўлса, нега сен инсонларни яхшиликка даъват қилиб туриб, ўзингни унутиб қўйдинг ва шу сўзларингдан кейин ҳам Қуёшнинг қанчасини тутилишини билишда Ой диаметрини ва Ойнинг қанчасининг қорайишини билиш учун [Ер] сояси диаметрини ҳисоблашга киришдинг? Нега сен иккала тутилишга тегишли усулингни ўз фикрингга мувофиқ қилиб олмай, ўша муҳолифлар фикрига мувофиқ қилиб олдинг?»

Агар браҳманлар тутилиш вақтида ибодат қилиш ёки бошқа маросимларни ўтказишга тайинланган бўлсалар ҳам, тутилиш вақти уларнинг ибодатлари вақти учундир, лекин ибодатлари тутилиш учун эмасдир, [бу эса] Қуёшнинг [уфққа нисбатан] вазиятларига ва ёруғлик беришига қаратиб, бизларда намоз вақтларини белгилаш ва ман қилинишига ўхшашдир. Гарчи Қуёш ҳолати намоз вақтларини аниқлашга имкон берса ҳам, унинг ибодатимизга дахли йўқдир.

Агар Браҳмагупта «кўпчилик одамлар шу фикрда», деган гап замирида обод ерлардаги халқларни назарда тутмоқчи бўлса, ундаги халқларнинг қарашларини аниқ илм билан ёки хабарлар билан билиб олиш ҳақиқатдан узоқ бир ишдир.

Аmmo ҳинд шаҳарлари, обод мамлакатлардагига нисбатан кичик бўлса ҳам, динда ва фикрда ҳиндларга мувофиқ бўлувчилардан эканига қараганда, муҳолиф бўлувчилар кўпдир. Агар Браҳмагупта кўпчилик одамлар деганидан мурод ҳинд халқининг ҳаммаси бўлса, буларнинг авомлари мутахассисларидан жуда кўпдир. [Осмондан] тушган кўпчилик китобларимизда омма ёмон ва жоҳилликда айбланади, бадгумон ва ношукур бўлиши билан таърифланади.

Аmmo мен Браҳмагуптанинг, ёши кичик бўлиб, ёшлиги, табиати тоза ва илми кўп бўлиши билан у фақат Суқрот назариясига мубтало бўлган бир фирқанинггина ортидан етаклаб [кейтиши мумкину, лекин] бошқаларга бу фикрини ўтказа олади, деб ўйламайман. || Чунки у «Ба- 257 роҳим-сиддиҳонта»ни ёзган чоғида ўттиз ёшда эди. Агар шу унинг узри бўлса, албатта, биз уни қабул қилдик, вассалом.

Аmmo юқорида ёд этилган ва уларга қарши фикр айтиш лозим бўлмаган группалар астрономларининг, Қуёшни Ой тутилтиради, деган фикрларига қачон кўнардилар? Уларнинг пуроналарида Ой [жисми] Қуёш устида дейилади; ҳолбуки устидаги [жисм] остидагини тўса олмайди. Мана бундан кейин, балиқ нон кулчасини ушлагандек, Қуёш ва Ойни бир ушлагувчига ушлатиб, бирини бошқаси билан бекилган қилиб сувратини ясашга муҳтож бўладилар. Ҳар бир халқ илмсизлардан ва унга бош бўлиб турган жуда ҳам онгсизлардан холи бўлмайди. «Улар ўз юкларига қўшиб, бошқаларнинг юк [гуноҳ]ини ҳам кўтарди-

лар ва уларнинг ақлга ташналиклари устига яна ташналиклари ортади»<sup>3</sup>.

Яна Бароҳамиҳиранинг илгаригилардан қилган нақли ажабга қолдирадиган сўзлардандир. Унинг бир фикри шуки, агар уларга қарши туриш лозим бўлмаса ҳам, хатоларини кечирish лозимдир, чунки улар ойнинг кунларидан саккизинчи кунда таги текис кенггина бир идишга бир оз сув қуйиб ва ўшанча мой солиб, мойнинг йиғиладиган ва бўлиниб кетадиган жойларини назарга олиб, тутилишга белги—нишон қилиш учун мойнинг йиғилишини тутилиш бошланишига ва тарқалишини эса тутилиш охирига нисбат берадилар.

Браҳмагуптанинг ҳикоя қилишича, баъзилари ёруғлиги ўзгариб турвучи ёритгичларнинг йиғилишлари тутилишига сабаб бўлади, деб ўйлайди, ва баъзилари эса, тутилишга юлдузларнинг учишлари, кометалар пайдо бўлиши, Ойнинг қўтонлаши, қоронғулик босиши, бўрон кўтарилиши, момақалдироқ бўлиши ва ер қимирлаши каби наҳс ҳисобланган нарсаларни далил қилдилар. У шундай дейди: «Ҳамма вақт тутилиш билан бу ҳодисалар тўғри келавермайди ва тутилишга сабаб ҳам эмас. Лекин наҳслик ва иримга ишониш [одам] табиатига сингиб қолгандир. Аммо ақл [йўли] бу хурофотлардан четдадир».

Бу киши ўз миллатининг мошдан лўвияни, дурдан қумалоқни айиролмай, аралаштириб юборишдаги табиатларини билганиданми, нақл қилувчини айтмай шундай деган: «Агар тутилиш вақтида қаттиқ шамол турса, кейинги тутилиш ундан олти ой кейин тугилади; агар юлдузлар сочилса, ундан кейинги тутилиш ўн икки ой кейин бўлади; агар ҳаво тўзон бўлиб кетса, ўн саккиз ойдан кейин яна тугилади, агар ер қимирласа, йигирма тўрт ойдан кейин яна тугилади ва агар ҳавони қоронғулик босса, ундан ўттиз ой кейин яна тугилади; агар дўл ёгса, ўттиз олти ой кейин яна тугилади».

Бу сўзларга жавоб бериш ўрнига индамасликни лойиқроқ кўраман. Лекин мен айтаманки, Хоразмий «Зиж»идаги тутилишлар турларининг баёнида тартиб бўлса ҳам, кўзга кўринадиганига хилофдир. Ундагидан кўра ҳиндларда ишлатилиб турилган зижлар тўғрироқдир. Бу эса мана шундай: «Агар Ой тўгарагининг ярмидан камроғи тугилса [қорайса], ранги тутун рангидек бўлади; агар ярмига етса, ранги қора бўлиб, ярмидан ошиб тугал тугилгунча, қоралигига қизиллик аралашиб, ундан кейин сариғликка қизиллик аралашади».

## Олтмишинчи боб

### ПАРВА ҲАҚИДА

Тутилиш бўладиган икки давр [кунлар] орасининг неча ой || бўлиши-лиги кифоя қиларлик далиллар билан «Ал Мажастий»нинг олтинчи бо-бида исботланган. Бу даврнинг бошланиш вақтида Ой тутилиши билан иккинчи бошланиш вақтидаги Ой тутилиши орасидаги ўтган вақтни ҳиндлар парва дейдилар.

Бу [парва] ҳақидаги [сўз] «СанҲита»да бор. [Унинг автори] Баро-ҳамиҳира шундай деган: «Ҳар олти ойда битта парва бўлиб, унда тутилиш бўлиб ўтади. Унинг етти даври бор. Ҳар бир даврнинг эгаси бор бўлиб, ҳукми ушбу жадвалда [берилди].

Рақам-лар	Парвалар эгаси	Ҳукмлари
1	Бароҳим	Брахманларга мувофиқ бўлиб, чорвачилик ишлари авж олади, экинлар мўл ҳосил беради, ҳамма ёқни соғлиқ билан омонлик эгаллайди
2	Шашин, яъни Ой	Биринчи парвада булгани сингаридир, бироқ бунда ёмғир кам ёғиб, олимлар касал бўлади
3	Индра, яъни бошлиқ	Ҳокимларнинг бир-бирларига нафрати ортади, тинчлик бузилади, кузги экинлар нобуд бўлади
4	Кубера, яъни шимол эгаси	Экинлар ҳосили мўл бўлади, бойлар уз молларини йўқотадилар
5	Варуна, яъни сув эгаси	Ҳокимларга фойдали бўлмай, бошқаларга фойдалидир; бу [даврда] экинлар мўл бўлади



6	Агни—олов, Митрякъя ҳам дейи- лади.	Сув кўпаяди, экинлар яхши ўсади, тинчлик ва омонлик бўлиб, вабо ва қирғин бўлмайди
7	Жама, яъни ўлим	Ёмғирлар камаяди, экинлар қуриydi ва бу аҳвол очарчиликни келтиради

Сенинг вақтингдаги парвани «Қҳандакҳадяка» зижида ҳисоблаш шундай: «Бу зиждан олиниб ҳисобланган аҳарганани икки жойга ёзилади. Бири 50 га кўпайтирилиб, кўпайтма 1296 га бўлинади; агар касри яримдан кам бўлмаса, бирга ҳисобланади. Ҳосилга [бўлинмага] 1063 ни қўшиб, йиғинди иккинчи жойдагига ёзилади, кейин йиғинди 180 га бўлинса, чиққан бутун [сон] парваларни ифода қилади. Бундан 7—7 лар айирилиб борилса, қолдиқ сон Бароҳимникидан бошланган парва рақами бўлади. Бўлганингда 180°дан кам қолдиқ сон сенинг 259 вақтингдаги парвадан ўтган вақтдир. Уни 180°дан айирганда || қолдиқ 15°дан камроқ бўлса, Ойнинг тутилиши мумкин бўлади. Қолдиқ анча кам бўлса [тутулиш] албатта бўлади. Агар қолдиқ [15°дан] ортиқ бўлса тутулмайди. [180°дан] тутулиш мумкин бўладиган қолдиқ ўтгунча ҳам тутулиш мумкин.

Бошқа жойда шундай [сўз] топилди: «Қалпа аҳарганасини, яъни калпа кунларидан ўтганини олиб, ундан 96 031 ни айир ва қолдиқни икки жойга ёз; тагидагисидан 84 ни айириб, қолдиқни 561 га бўл. Чиққанини юқоридагисидан айир ва қолдиқни 173 га бўл, чиққанини ташла, лекин қолдиқни 7 га бўл; бўлинма парва номери бўлиб, унинг биринчиси эса браҳманникидир»<sup>1</sup>. Бу иккала ҳисоблаш бир-бирига мувофиқ эмас. Эҳтимол, иккинчи хил ҳисоблашда бирор [ҳисоб] тушиб қолган ёки нусхани кўчиришда ўзгарган.

Бароҳамиҳиранинг парва ҳукмлари ҳақида айтгани илгаригисига муҳолифдир; бу ҳол юзаки [ўқиш] ўрганишдан бўлса керак. У шундай деган:

«Берилган бир парвада тутулиш бўлмай қолса ва кейин иккинчисидан тутулиш бўлса, у даврда ёмғирлар бўлмай, очлик ва ўлдиришлар содир бўлади». Бу агар таржимоннинг хатоси бўлмаса, у тутулиш содир бўладиган илгариги ҳар бир парвага умумий алоқадор бўлади. Унинг қуйидаги сўзи жуда қизиқ: «Тутулиш ҳисобланган [кунига] нисбатан илгари кузатилса, ёмғир камаяди, қиличлар яланғочланади; агар кузатиш [вақти] ҳисобланганидан кейин бўлса, вабо касали тарқалиб, ўлим кўпаяди, экинлар, мевалар ва райҳонлар — хушбўй ўтлар қуриydi». У шундай деган: «Қадимгиларнинг китобларидан топганларимни [шу ерга] кўчирдим. Агар бирор киши ҳисоблашни ях-

ши билса, ҳисоби [кўрсатган кун] тугилиш содир бўлган кундан илгари ҳам, кейин ҳам бўлмайди. Агарда Қуёш парвадан ташқари [вақтда] тугилса, ҳатто кундуз қоронғулашса, билгинки, уни Тваштри номли фаришта тугилтиради».

Унинг бу сўзи бошқа жойдаги мана шу сўзига ўхшайди: «Қуёш Жаддига кирмасдан илгари шимол томонга бурилса, жанубий ва ғарбий соҳилларда ҳалокат юз беради. Агар Қуёш Саратон бошига ўтмасдан жануб томонга бурилса, шарқий ва шимолий соҳилларда ҳалокат юз беради. [Қуёшнинг] бу икки бурж бошига кириш [кунда] ёки [экватордан энг] узоқ бўлганда бурилса, тўрт томонда саломатлик бўлиб тинчлик ортади».

Афтидан, бу айтилганлар ақлдан озганлар сўзига ўхшайди. Эҳтимол бу сўзларнинг тагида яширилган матнолар бордир, лекин биз уларни била олмаймиз.

Энди булардан кейин биз замон соҳиблари ҳақида гапиришимиз керак бўлади. Лекин буларникида ҳам мазкур даврлар такрорланади ва шунинг учун айтадиганимиз ҳам юқоридагиларга ўхшаб қолади.

## Олтмиш биринчи боб

### ШАРИАТ ВА АСТРОЛОГИЯГА ОИД ВАҚТНИНГ ТУРЛИ СОҲИБЛАРИ ВА УЛАРГА ТЕГИШЛИЛАР ҲАҚИДА

Бир нарсага боғланмаган муддатни оллоҳ таолога — унга покликлар бўлсин — нисбат берилади, чунки у муддат оллоҳнинг замони бўлиб, икки тараф билан чекланмайди ва унинг билан оллоҳнинг азалий [ва доимо мавжуд]лиги билинади, кўпинча уни пуруша деб юритиладиган нафас билан атаганлар. Аммо ҳаракатлар билан саналадиган бўлақлар оллоҳ ва нафасдан бошқа табиий нарсаларга нисбат берилади. Масалан, калпани Бароҳимга нисбат берганлар, чунки у унинг 260 кун ва туни бўлиб, умри эса шулар билан ўлчанади. Манвантаралар || эгаси Ману деб аталади. У ўзига махсус бир сифат билан танилади. У сифатлар ўз жойида зикр қилинди.

Чатуржуга ва жугаларнинг шунга ўхшайдиган сифатларини эшитмадим. Бароҳамиҳира ўзининг «Маволид ал Кабир»<sup>1</sup> номли китобида ёзган: «Абда, яъни йил — Зуҳалга, аяна, яъни ярим йил — Қуёшга, риту, яъни йилнинг олтидан бири — Уторидга, бир ой — Муштарийга, пакша, яъни ой ярми — Зухрага, восара, яъни бир кун — Миррихга, Муҳурта, яъни бир соат — Ойга нисбат берилган».

Яна шу китобда йилнинг олтидан бирларининг тартиби шундай кўрсатилади: «Унинг биринчи [бўлаги] қиш фаслидаги кеча ва кундузнинг ўзгаришидан бошланиб, у Зуҳал учун, иккинчиси Зухра учун, учинчиси Миррих учун, тўртинчиси Ой учун, бешинчиси Уторид учун, олтинчиси Муштарий учун махсусдир».

Бизлар ҳозир қисқа ва илгариги тегишли бобларда узун ва қисқа муддатлар — муҳурталар, соатлар, ойнинг [биринчи ва иккинчи] ярмилари, ёруғ ва қоронғу кечалари, тутилишларнинг парвалари ва манвантараларнинг ҳар бири учун эгаларини кўрсатиб ўтдик. Энди айтганларимиздан бошқаларини баён қиламиз.

Ҳиндлар йил эгаси ҳақида ғарблиларнинг йил толенни ҳисоблашдаги шартларини топишда ихтиёр қилган усулларини олмаганлар.

Аммо йил эгасининг ҳоли Ойнинг кетма-кет келувчи бўлақларидек, кунлар ва соатлар эгаларининг навбатига қараб ҳисобланади. Агар йил эгасини билишни хоҳласанг, «Қҳандакҳадяка» зижида кўрсатилишига мувофиқ ҳисобла, чунки ундаги усул улар орасида кенг қўлланади. Берилган йилни ёзиб, уни 2201 дан айир, қолдиқни 360 га бўл; чиққанни учга кўпайтир; кўпайтирмага доимо учни қўш; йиғиндидан 7—7 ни айириб бор; шунда қолдиқ сон етти кундан ортиқ бўлмайди. Сўнгра қолдиқни якшанбадан бошлаб санаганда, келиб тўхтаган кун эгаси йил эгаси бўлади; бўлинмадаги қолдиқлар бундай усулда йил эгасини топгандан илгариги кунлардир. Аммо ундан қолдиғи бўлса, уч юз олтимишгача ўтмиш, яъни йил эгасини топгандан илгариги кунларни тўлдириш ҳисобланади. Айтганимизни қилсанг ҳам ёки бундай қилмасанг ҳам, бари бир, мазкур кунларга 319 ни ундан бўлган камайтириш ўрнига орттир!

Агар ой эгасини топишни хоҳласанг, календарь йили кунидан 71 ни айир, қолдиғини 30 га бўл, кейин бўлинманинг икки бараварига бирни қўш, йиғиндидан 7—7 ни айириб бор, шунда қолдиқ сон якшанбадан бошлаб санаганда ҳафта кунининг номери бўлиб ва у [кун номи] ойнинг эгаси бўлади. Бўлишдан қолдиғи ой эгасини топгандан илгариги кунлар бўлиб, ундан қолдиғи ўттизгача ўтканни тўлдириш ҳисобланади.

Шу деганни қилсанг ҳам майли. Ёки [айириш ўрнига] календарь кунига 19 ни қўш, кейин бўлинманинг икки ҳиссасига [бир ўрнига] иккени қўш.

Кун эгасини зикр қилишнинг фойдаси йўқ, йил кунларидан 7—7 ни айириб борганда ҳосил бўлади. Шунингдек, соат эгасини зикр қилиб ўтиришнинг ҳам фойдаси йўқ, чунки у айланувчи фалакни ўн бешга бўлишдан ҳосил бўлади. Улардан маъважа [нотўғри]га юрувчи қуёш даражасанинг ўртасини то туғилиш даражасидан баробар бўлган даражасигача || ўн бешга тақсим қилди.

261

Маҳодеванинг «Срўзава» [номли] китобида баён қилинишича: «Куннинг учдан бирдан ҳар биттасининг эгаси бор, учдан бирдан биринчи эгаси Бароҳим, учдан бирининг иккинчи эгаси Вишну, учинчи учдан бирининг эгаси Рудра». Бу бўлақлар бошланғич учта [Сатва, Раяс ва Тамас] номли кучларга асосланади.

Ҳиндларда бошқа одатлар ҳам бор, у ҳам бўлса, йил эгаси билан бирга Нога, яъни илонлардан бирини зикр қиладилар. Улар исми планеталар билан боғлиқдир. Уларни биз шу жадвалда кўрсатдик.

Ноғалар, яъни илонлар жадвали	
Йил эгаси	Йил эгаси билан бўлган илонлар икки хил термин билан аталади
Қуёш	Сука, Нанда
Ой	Пушкара, Читронгада
Миррих	Пиндорака, Ташкама, Бҳарма
Уторид	Жабраҳаста, Каркота
Муштарий	Элопатра, Падма
Зуҳра	Каркотака, Маҳопадма
Зуҳал	Чакшабҳадра, Сангҳа

Ҳинд халқи сайёра — планеталарнинг ҳукмлари Қуёшга боғлиқ бўлганлиги учун уларни Қуёшга нисбат берадилар. Васобита юлдузларини Ойга нисбат берадилар; чунки Ойнинг манзиллари улар жумласидандир. Астрологларимиз орасида бўлганидек, уларнинг астрологлари ҳам 12 та зодиак белгилари учун руҳонийлардан ҳам [бошқарувчи] эгаларни яратадилар. «Вишну-дҳарма» китобида кўрсатилгани биз шу жадвалга киритдик.

Планеталарнинг эгалари	
Планеталар ва икки тугун	Эгалари
Қуёш	Агни
Ой	Въена
Миррих	Калмоша
Уторид	Вишну
Муштарий	Шукра
Зуҳра	Гавре
Зуҳал	Пражопате
Бош	Ганапати
Дум	Вишвакарма

Мана шу китобда, шунингдек, Ой манзиллари учун планета эгаларининг хайъатида ҳам эгалар бор. Уларни биз шу жадвалда кўрсатамиз.

## Манзиллар эгаларининг жадвали

Манзиллар	Эгалари	Манзиллар	Эгалари
Криттико	Агне	Ануродҳа	Митра
Роҳине	Кешвара	Жештҳа	Шакра
Бригашер-ша	Инду, яъни Ой	Мула	Ниррити
Одра	Рудра	Пурво ашора	Апа
Пунарвасу	Адите	Уттаро ашора	Вишве
Пушъя	Фуру, яъни Муштарий	Абҳижит	Бароҳим
Ашлиша	Сарпо	Шрована	Вишну
Магҳо	Питрара	Дҳаништҳо	Басава
Пурвапҳалгуне	Бҳага	Шатабҳишаж	Варуна
Уттаропҳалгуне	Аржуман	Пурва бҳадрапада	[Ажа экапод]
Ҳаста	Савитре, яъни Савита	Уттара бҳодрапада	Аҳирбуд-ния
Читро	Тваштри	Ревати	Пушан
Своти	Божу	Ашвине	Ашвин
Вишакҳа	Индрагне	Бҳаране	Жама

ОЛТМИШ [ЙИЛЛИК] — САНВАТСАРА ҲАҚИДА, УНИ  
ШАШТИЯБДА ҲАМ ДЕБ АТАЛАДИ

263 || Санватсара — йиллар демакдир; бу Муштарий билан Қуёшнинг ҳаракатига асосланган йиллар давридир. Давр боши [Муштарийнинг] биринчи марта [Қуёш шуъласидан чиқиб эрталаб] шарқ томонда кўринганидан бошланади. Муддати 60 йил бўлганидан шаштиябда, яъни 60 йиллик дейилади. Юқорида эслатиб ўтганимиздек, манзил номлари ойлар исмига қараб бўлинган, бу бўлинишда манзилларда ҳам ном бўлмаган Ой йўқдир. [Танишиш] осон бўлсин деб, уларни жадвалга ёздик. [Қуёш] ёруғлиги остидан четга чиқиб кўринган Муштарийнинг қайси манзилда эканлигини билгач, уни шу жадвалдан қи-дир. Берилган йилнинг ўнг томонида ва манзил тўғрисида тегишли ойни топасан, шунда йилни ойга солиштириб, уни шундай фараз қил, масалан, бу чайтранинг йили ёки вайшакҳанинг йили, ёки бошқа бир ойнинг йили дегин. У [ой]ларнинг ҳар бири учун китобларида маълум ҳукмлар ва лозим ишлар бор.

Аммо шарқда [биринчи мартаба] кўринган [жой] даражаларни би-лиш ҳақида Бароҳамиҳира ўзининг «Сангҳита» [номли] китобида шун-дай деб ёзган: «Шакакола [йилини] олиб, 11 га кўпайтир, кўпайтмани 4 га кўпайтир. Бундай қиласанми ё бунинг ўрнига Жанаккола [йилини] 44 га кўпайтирасанми, бари бир, кейин кўпайтмага 8589 ни қўш, йиғин-дини 3750 га бўл; чиққан сон йиллар, ойлар, кунлар ва бошқалар бўлади. Буларни Шакакола [йилига] қўшиб, йиғиндини олтмишга бўл, чиққани катта олтмишлик жугалар бўлади. У бутун шаштиябдадир; унга эҳтиёж бўлмайди. Қолдиғи 5 га бўл. Шунга бутун кичик беш-лик жугалар чиқади. Қолдиғи [5 дан] камми эса санватсара — яъни йил-лар бўлади. Уни икки жойга ёзиб, бирини 9 га кўпайтир; кўпайтмага иккинчи жойдагининг 6 дан бирининг ярмини қўш, кейин йиғиндининг чорагини топсанг, унинг бутунлари манзиллар [саноғини] кўрсатади, касри [қолдиғи] чала манзилга тегишли бўлади. Санашни Дҳаништҳа

Олтинчиқ жуға рақамлари									
Бирлик хонасида бир бўлган сонлар	Бирлик хонасида олти булган сонлар	Бирлик хонасида икки булган сонлар	Бирлик хонасида етти булган сонлар	Бирлик хонасида уч булган сонлар	Бирлик хонасида саккиз булган сонлар	Бирлик хонасида тўрт булган сонлар	Бирлик хонасида тўққиз булган сонлар	Бирлик хонасида беш булган сонлар	Бирлик хонаси бўлмаган сонлар
1	6	2	7	3	8	4	9	5	10
11	16	12	17	13	18	14	19	15	20
21	26	22	27	23	28	24	29	25	30
31	36	32	37	33	38	34	39	35	40
41	46	42	47	43	48	44	49	45	50
51	56	52	57	53	58	54	59	55	60
Уларнинг ҳар бирига умумлашган отлар	Санватсара	Париватсара	Идоватсара	Ануватсара	Удоватсара				
Йил эгалари	Агни, яъни Олов	Арка, яъни Қуёш	Шинтамажукҳамали, бу совуқ нурлар эгаси, яъни Ой	Пражолати, яъни Ой манзилларининг отаси	Шайласутолоти, бу тоғ қизининг эри демак, яъни Маҳолева				



[манзилидан] бошла. Санаш тўхталган манзил Муштарийнинг дастлаб шарқда кўринган жойидир. Мана шундан юқорида айтилгандек, йил ойини билиб оласан. Бу катта жугалар Дҳаништҳанинг аввалги манзилида ва Могҳа ойининг аввалида Муштарий пайдо бўлганидан бошланади. Кичик жугалар учун унинг ҳар бир каттасида бир қанча йилга муносиб махсус тартиблар бор. Унинг махсус соҳиб — эгаси ҳам бор. Буларни биз жадвалда кўрсатдик.

Агар катта жугадан шу йилнинг ўрнини билсанг, жадвал тепасидаги йиллар саноғида унинг сонини топсанг, унинг тагидаги қаторида йил отини ва йил соҳиб эгасининг отини ҳам толасан.

265

Биринчи жуга мақтовга сазовордир; унинг эгаси ману, яъни Нороянадир.	1 Прабҳава	2 Бибҳава	3 Шукла	4 Прамада	5 Прожапати
Иккинчи жуга, бу ҳам мақтовга сазовор бўлиб, унинг эгаси Сурайжа, яъни Муштарийдир.	6 Ангира	7 Шримуха	8 Бҳова	9 Жая [Йуван]	10 Дҳотре
Учинчи жуга, бу ҳам яхши бўлиб, унинг эгаси Балабҳа, яъни Индра	11 Эшвара	12 Баҳудхония	13 Прамотҳи	14 Викрама	15 Виша
Тўртинчи жуга ҳам яхши бўлиб, унинг эгаси Хутос, яъни олов	16 Читрабхону	17 Субҳону	18 Портхива	19 Турана	20 Бийва
Бешинчи жуга [яхши-ёмонликда] ўртача бўлиб, унинг эгаси Тваштридир, манзиллардан Читро эгасидир.	21 Сарбажит	22 Сарвалхори	23 Виродхи	24 Викрета	25 Хара
Олтинчи жуга [яхши-ёмонликда] ўртача бўлиб, унинг эгаси Прошҳапада, яъни Уттара бҳодрапада	26 Нандана	27 Виёжа	28 Жава	20 Манматҳа	30 Чадур
266 Еттинчи жуга [яхши-ёмонликда] ўртача бўлиб, унинг эгаси Питора, яъни оталардир	31 Хемаланба	32 Виланби	33 Викари	34 Шарвари	35 Плава
Саккизинчи жуга ўртача бўлиб, унинг эгаси Шива, яъни Халойиқ	36 Шакакрит	37 Шубҳакрит	38 Кродҳи	39 Вишвавасу	40 Паровасу

Тўққизинчи жуга ёмон бўлиб, унинг эгаси Сомаяъни Ойдир.	41 Плаванга	42 Килака	43 Савмя	44 Содҳорау	45 Рудҳакрит
Ўнинчи жуга ёмон бўлиб, унинг эгаси Шакронала, яъни Индра билан Олов	46 Паридхави	47 Прамодин	48 Викрома	49 Ракшаса	50 Анала
Ўн биринчи жуга ёмон бўлиб, унинг эгаси Ашва, у, шу билан бирга, Ашвини [манзилининг] эгаси ҳамдир	51 Пингала	52 Калажўкта	53 Сидҳортҳа	54 Ровдра	55 Дурмати
Ўн иккинчи жуга ёмонлик бўлиб, унинг эгаси Бҳага, бу эса Пурва — Пҳалгуне эгасидир.	56 Дундубҳи	57 Ангора	58 Рактокша	59 Крудҳа	60 Кшава [Крава]

Шунингдек, олтмишлик йиллардан ҳар бирига махсус ном бор. Жугалар учун ҳам отлар бор. Улар йил эгалари номлари бўлиб, барчасини жадвалга ёздик. Ундан кераклигини топиш учун аввалдагига ўхшаш йил рақамлари номи кўрсатилган. Аммо бу номлар изоҳи ва уларнинг ҳукмлари жуда узун ва улар «Санҳита» китобида бор.

|| Китобларига киритилган усуллар шулардир. Улардан баъзи ки- 267 шиларни кўрдимки, у Викрамодитъя йилидан учни айириб, қолганини 60 га бўлиб, ортиб қолгани қанча бўлса, катга жуга бошидан ўшанчасини санайди. Шундай ҳисобласа ҳам бўлаверади ёки шақа [шакакала] йилига 12 ни қўшиш билан ҳам топади.

Канавж томондан бир неча киши билан учрашиб қолдим. Уларнинг айтишича, санватсара даври уларда 1248 йил бўлиб, уларнинг 12 тасидан ҳар бири 104 йилдир. Унинг қондасича шундай ҳисобланади. Шакакола [йили]дан 554 ни камайтириб, қолдиқни қуйидаги жадвалдаги сонларга солиштирилса, [берилган йилнинг] қайси санватсарарада бўлгани ва унгача қанча [санватсара] ўтганлиги билинади.

Йиллар	1	105	209	313	417	521
Номлар	Рикмокшу	Пелавант	Кадару	Калванду [Калаваринта]	Новманла	Меру

Йиллар	625	729	833	937	1041	1145
Номлар	Барбара	Жанбу	Крити	Сарбу [Сарпа]	Ҳинду	Синдҳа

Мен шу даврлар ичида миллатлар, дарахтлар ва тоғлар исмларини эшитгач, уларга шубҳа билан қарадим; айниқса, уларнинг керакли гапларининг муқаддимаси эса худди эгасининг ёлғончилигига аломат бўлиб турган соқол бўяшдек бўямачилик ва алдамчиликдан иборатдир. Уларга бирма-бир ва қайта-қайта қилган саволларимда ва [улар] тартибни ўзгартиришда эҳтиёткор бўлдим, улар бунга қаршилик қилмадилар, яна ростини оллоҳ билади.

## БРАХМАННИНГ УМР БУИИ БАЖАРИШИ ЗАРУР БУЛГАН МАХСУС ИШЛАРИ ҲАҚИДА

Брахманнинг ёши еттидан ўтганда умри тўрт даврга бўлинади. Биринчи қисмининг аввали ёшининг саккизинчи йили бўлиб, у йилда брахманга зарур нарсаларни айтиш ё огоҳлантириш ва ҳаёти борича гарданига қўйилган хизматларни адо қилишга ўргатиш учун брахманлар униқига йиғилишиб, белига зуннор боғлаб, бўйнига тўққиз пишик ипдан тўқилган бир жуфт яжнопаветани ва учинчи ипдан тўқилган парчани бўйнидан ўнг биқинигача тушадиган қилиб тақиб ва қўлидан ушлаб юриши учун асо беришлари билан бирга, дарбҳа деган қуруқ ўтдан ишланган узукни ўнг қўлининг жимжилоғи ёнидаги бармоғига тақиш учун берадилар. Бу узукни павитра дейилади. Буни тақишдан фарз, шу қўли билан берган нарсалари баракатлик бўлсин, дейиш учундир. Бу узук тақишдаги қоида яжнопавета тақишдагидан қаттиқ эмас; чунки у [тақувчидан] айрилмайдиган нарсалардан бўлиб, таом еганда ва таҳоратхонага борганда қўйиб борса, гуноҳкор бўлади ва гуноҳдан рўза тутиб, садақа бериб || кафорат қилишдан бошқа нарса 268 қутқаролмайди. Аммо брахман умрининг биринчи қисмига йигирма бешгача етган йиллари киради, дейилса ҳам «Вишну-пурона»да қирқ саккизгачалик ёши киради, дейилган [сўз]ни топдим.

Бу муддат брахманга таркидунё қилиш, тупроқни ўзига тўшак этиш, устозига кеча-кундуз хизмат қилиб, ундан «Веда»ни ва унинг изоҳини ҳамда калом илми [илоҳиётга оид] ва шариятни ўрганadi. Брахман ҳар кун ич марта қуйиниб, эрта ва кеч олов қурбонлигини адо этиб, қурбонликдан кейин ўз устозига сажда қилади. Бир кун рўза тутиб, бир кун ифтор қилиб, асло гўшт емайди. Турадиган ўрни устозининг уйи бўлиб, ундан ҳар кун ич марта тушда ё кечқурун фақат беш уйгагина чиқиб тиланчилик қилиши ва садақадан топган нарсасини, устозим хоҳлаганини олсин, деб олдига қўйиши керак. Устозни керагини олиб, қолганига рухсат беради. Ундан ортганини ейди. Олов

қурбонлиги учун палаш ва дарбҳа дарахтларидан ўтин олиб келади. Уларнинг олдида олов жуда ҳам улуғ тутилиб, унга гулларни келтириб ташлайдилар. Шуларга ўхшаш бошқа халқлар олдида ҳам олов улуғ тутилган; ҳатто қилинган қурбонликларига олов тушиб куйдирса, қилган худойимиз даргоҳига қабул бўлди, деб ишонганлар, санам ё планета, ё сигир, ё эшак ва, ҳатто, суврат каби нарсаларга чўқиниш уларни оловдан қайтармади. Шу сабабдан Башшор ибн Бўрд шундай деган: «Олов пайдо бўлганидан буён маъбуддир»!

Аммо браҳман умрининг иккинчи қисми йигирма беш ёшидан эллик ёшига етган вақти бўлиб, «Вишну-пурона»да эса эллик ўрнига етмиш ёзилган. Бу қисмда устози браҳманнинг уйланишига руҳсат қилади. Уйланиб, оила қуриб, ўзидан насл тарқалишни қасд қилади. Лекин хотини ҳайздан пок бўлгандан кейин ойда бир мартадан орттирмай жимо қилади ва ёши ўн иккидан ортиқ бўлган қизни олиш браҳманга жоиз бўлмайди.

Браҳманнинг ҳаёт кечирishi браҳман ва кшатрийларга илм ўргатиш йўли билан бўлиб, улар тарафидан илм ўргатиш учун берилган нарсалар хизмат ҳақи бўлмай, ҳурмат юзасидан берилган ҳисобланади; ёки бошқалар олов қурбонлигини ижро қилишда бош бўлиб, бошқариб, борганлиги учун ҳадялар бериш сабаби билан ёки подшоҳлар ва катта даражалик кишилардан сўрашда хиралик қилмай, садақа берувчининг кўнглини қолдирмай сўраниш йўли билан бўлади. Мазкур кишиларнинг уйларида браҳман пураҳито дейилган диний ишлар ва яхши амалларни барпо қилади. Ёки браҳманнинг ҳаёт кечирishi ерга тушиб қолган нарсаларни йиғиб олиш ва дарахтдаги меваларни териб олиш орқали бўлиб, агар олди-сотди қилса, ёлғизгина мато ва фуфал ёнгоқ билан тижорат қилиши мумкин. Агар у бу ишни ўз бошига қилмасдан, унинг учун вайшъя тижорат қилса, бу афзалроқдир. Чунки олди-сотди қилишга ҳиёнат, алдамчилик, ёлғон кўп аралашганлиги сабабидан аслида улар бу ишдан ҳазар қиладилар. Лекин зарур бўлганлигидан ва ночорликдангина бунга руҳсат этилади.

Бошқа фуқаролар каби подшоҳлик учун тўлайдиган солиқларни тўлаш браҳманга лозим бўлмайди. Аммо йирик ҳайвонлар кетида юриш — сигир ва от боқиш ва фойдахўрлик қилишлар ҳаммаси браҳманга ҳаромдир. Бўёқлар ичида нил бўёғи нопокдир. Агар у баданига 269 тегса, қуйиниши лозим бўлади. Олов учун ўқилиши одат бўлган ўқишларни ўқиб, ҳар доим ноғора чалиб турадилар.

Аммо браҳман умрининг учинчи қисми ёшининг элликдан то етмиш бешгача бўлган муддати ҳисобланса ҳам, бироқ «Вишну-пурона»да етмиш беш ўрнига тўқсон дейилган. Бу қисмда браҳман таркидунё қилади. Хотини ва болалари орасидан чиқиб, далаю даштларга кетади. Агар унинг кетидан далага хотини ҳам кетмаса, уни болаларига топ-

шириб, ободонлик ердан чиқиб, биринчи қисмда кўрсатилган кўйда кун кўриб, усти ёпиқ ерда турмайди. Овратини ёпадигангина қилиб дарахт пўстидан кийим кияди. Остига палос солмасдан қуруқ ернинг ўзида ётиб ухлайди. Дарахтлар мевасини, ўтларни ва уларнинг илди-зини ейди ва сочини қўйиб юборади; ўзига ёғ сурмайди.

Аммо браҳман умрининг тўртинчи қисми умрининг охиригача бўлиб, бу қисмда қизил кийим кийиб, қўлига асо олади, дўстлашиш ва душманлашиш каби ишлардан кўнглини холи қилиб, дунёга ҳарис бўлиш ва нафс орзусига берилиш важдаридан тарк этиб, ҳеч ким билан суҳбат қилмай, доим тафаккурда бўлади. Агар савоб излаб, фазилатлик жойларга боришни қасд қилса, юрган йўлида дуч келган қишлоқларда бир кун, шаҳарларда эса, беш кундан ортиқ турмайди ва агар бир киши унга бир нима берса, эртаси кун учун қолдигини олиб қўймайди ва унга дунёдан қутулиш, қайтиб дунёга келиш мумкин бўлмаган мокша [охират дунёси]га етиш йўлида васила бўлган шароитлар устида ижтиҳод билан заҳмат чекишдан бошқа мақсад бўлмагай.

Аммо бутун умрида умуман унга лозим бўлган нарсаларга келсак, улар яхши ишларни қилиш, садақа бериш ва олишдир; чунки браҳманларга берилган садақа савоби ота-боболарга етади. Браҳман доим қироат қилиб [«Веда»ни ўқиши] ва қурбонлик ишларини ижро қилишни керак. У ҳар доим олов ёқишга тайёр туриб, унга қурбонлик қилиши ва унга хизмат қилиб, уни ўчишдан сақлаши керак; чунки ўлгандан кейин ўзи ҳам шу олов билан куйдирилгай. Бу олов ҳўма деб аталади. У ҳар кунни уч марта: эрталабки сандҳи — ғира-ширада, яъни субҳда, кечки сандҳи — ғира-ширада ва булар оралигидаги туш вақтида ювинади. Эрталабки ювиниш бўлса, кечаси ухлаб, ҳар нарса чиқадиган органлари уйқудан бўшаб кетганлигидан пайдо бўладиган ифлосликлардан тозаланиш ва намоз ўқиш учун тайёрланишдир. Намоз уларда тасбеҳ этиш, улуғлаш, икки кафтини бириктириб қуёш тарафга қараб туриб ерга қўйиш, икки бош бармогини устига сажда қилишдан иборатдир. Қуёш уларга жанубдан бошқа қай ерда бўлса ҳам, қибла бўлиб, у тарафга қараб яхшилик ишлардан бошқа ишларни қилиб бўлмайди, ёмон ишлар вақтида Қуёш турган томонга ва ўтиб кетадиган томонга қарамайди.

Аммо туш вақти савоб ишларни қилиш учун тайинланган бўлиб, бу чоғда браҳман пок бўлиши лозимдир. Кечки вақт бўлса, кечки таом ва намоз вақти бўлиб, бу икковини қўйинмасдан қилиш ҳам дурустдир. Демак, учинчи қўйинишнинг лозимлиги биринчи ва иккинчидек эмас, кечада қўйиниш лозимлиги [Қуёш ва Ой] тutilган вақтларда қилинадиган шароит ва қурбонликлар сабаби билангинадир.

Браҳман бутун умри давомида ҳар кунда икки марта овқат ейди:

270 биринчиси || туш вақтида, иккинчиси кун ботгандан кейинги ғира-шира гойиб бўлган вақтдадир.

Агар браҳман таом ейишни хоҳласа, аввал бошлаб, шу таомдан бир ёки икки кишига садақа йўли билан беради; айниқса, халқдан қочиб юриб, кечки вақтда [кундалик емагини] сўраниб ейиш учун келиб кетадиган браҳманларга бериш лозим; чунки уларга таом беришдан бепарво бўлиш катта гуноҳ ҳисобланади. Ундан кейин ҳайвонлар, қушлар ва олов учун бериб, қолдигини тасбеҳ этиб, еб, яна шу таомдан ортганини эшиқдан ташқарига қўяди. Ейиши ҳалол бўлмагани учун унга яқин бўлмайди ва бу таомга муҳтожлиги аниқланган одам бўлсин ёки қуш, ит ва бошқалар бўлсин, у шулар учундир.

Браҳманнинг сув ичадиган, таом ейдиган идиши айрим бўлиши лозим. Агар айрим бўлмаса, синдирилади. Браҳманлардан ўз қариндошлари билан бир лаганда таом ейишни дуруст деб билганларини ҳам кўрдим. Лекин бошқалари бунинг қилганини номаъқул деб ўйлайдилар.

Браҳман шимол тарафдаги Синд дарёси билан жануб тарафдаги Чарманвата дарёси оралигида ўрин тутиши лозим бўлиб, бу икки чегара оралигидан Турк ва Карнота томонига ўтмайди, ҳатто шарқ ва ғарбни ўраган океанга ҳам ўтмайди. Айтишларича, браҳман жимжилогининг ёнидаги бармоққа узук бўладиган ўт унмайдиган, қора юнгли кийиклар ўтламайдиган ерларда браҳманнинг туриши раво эмас, чунки бу сифатлик ерлар кўрсатилган чегараларнинг орқасидадир. Агар чегара орқасига ўтса, гуноҳкор бўлиб, унга кафорат [гуноҳларни ювиш] лозим бўлади.

Шаҳарларда таом [ейиш] учун тайёрланган хоналар [ери] сувалган бўлса, ҳар бир таом еювчи учун бир дастурхон берилиб, таом ейдиган ерга сув сочиб, қорамол тезаги билан суваш лозим. Лекин браҳманнинг дастурхони чорси — квадрат шаклида бўлиши керак. Дастурхон ёйишга сабаб, таом еган жой таом ейиш билан ифлос бўлади, деб ўйлашларидир. Таом еб бўлингандан кейин тозалаш учун ювиб, лойлаши лозим. Агар булганган ер маълум бўлмаса, шубҳалик бўлганлиги учун бошқа жойлари ҳам ифлос ҳисобланади. Браҳманга ўсимликлардан беш турлиси ҳаром қилинган; улар — пиёз, саримсоқ, қобоқ ва бир хил савзига ўхшаш ўсимликнинг илдизи, уни қаринчану деб аталади, яна бошқа бири ҳовузлар атрофида ўсадиган ноли деб аталган ўсимликдир.

БРАХМАНДАН УЗГАЛАРГА УМР БУЙИ БАЖАРИЛИШИ  
ЛОЗИМ БЎЛГАН РАСМ ВА ОДАТЛАР ТУГРИСИДА

Аммо кшатрий эса, «Веда»ни ўқийди ва ўрганеди, лекин ўзи бировага уни ўргатмайди; олов учун қурбонлик қилиб «Пуруна»лардаги сўзларга амал қилади. Ўз ўрнида айтганимиздек, кшатрий таом учун дастурхон ишлатиладиган жойларда дастурхонини уч бурчаклик қилади ва халқларга сиёсат юргизиб, уларни ҳимоя қилиб, [душманга қарши] уруш қилади, чунки у шу ишлар учун яратилгандир. Уч ўрамлик яжнопаветадан ва бир ўрамлик матадан қилинган боғични ёши ўн иккига тўлган вақтда бўйнига тақади.

Вайшьяга келсак, унга деҳқончилик қилиш, иморат қуриш, брахманларнинг иллат-касалларини тузатиш ишлари топширилади. Унга икки ипдан ўрилган биргина яжнопавета тақиш дуруст бўлади. Аммо шудра бўлса, брахманга қул ўрнида бўлиб, брахман ҳамма ишларида уни ишлатади; шудра брахманга хизмат қилади. Агар шудра яжнопаветадан айрилмасликни хоҳласа, ўзининг ўта фақирлигидан, ёлғиз матадан бўлган боғични тақади. || Брахманга хос бўлган ҳар бир ишлар, яъни тасбеҳ этиш, «Веда»ни ўқиш, олов қурбонлигини қилиш шудра учун мамнуъдир. Ҳаттоки, шудра ёки вайшьянинг «Веда» ўқиганлиги аниқланса, брахманлар бу икковини волийга етказадилар, улар буларнинг тилини кесади. Аммо худони ёд этиш, яхши ишларни қилиш ва садақа бериш ман қилинган эмасдир. Брахманга савдо ва шудрага деҳқончилик лойиқ бўлмаганидек, ҳар бир киши ўз табақасига лойиқ бўлмаган иш билан машғул бўлиши, гарчи гуноҳининг миқдори ўғрилиқ гуноҳидан кам бўлса ҳам, [ўшандай] гуноҳдор ҳисобланади.

Ҳиндларнинг ривоятларидан бирида айтилади: «Подшоҳ Рома даврида киши умри маълум миқдорда узун бўлганлиги учун у вақтда бола отасидан илгари ўлмаган. Иттифоқо бир брахманнинг ўзи тирик туриб, ўғли ўлиб қолган, брахман ўғлининг жасадини кўтариб подшоҳ эшигига олиб бориб, унга деган: «Бу ҳол сенинг даврингда бошлани-



шига сабаб ер юзида бир бузуқлик пайдо бўлиши ва мамлакатингдаги вазирнинг нолайиқ иш қилишидандир». Рома шу воқеанинг сабабини текшириши натижасида бир чандоланинг Ганга дарёсининг лабида ўз жонини қийнаб қўйиб, ижтиҳод билан ибодат қилиб турганлиги аниқланган. Рома отланиб унинг олдига бориб кўрса, ҳақиқатан у ўзини оёғидан осган. Рома қўлига ёйни олиб, унинг ичагига тўғрилаб, ўқ отган ва нариги томонидан чиқариб юборган, кейин унга қараб шундай деган: «Мана бўлмаса! Сени яхшилик юзасидан ўлдирдим, сен бу ишни қилмаслигинг керак эди». Рома қайтиб келса, эшигига келтириб қўйилган браҳманнинг ўғли тирилган.

Шундан кейин чандоладан ташқари ҳинд бўлмаган барча бошқа халқларни паст даражада кўриб, уларни млечқалар, яъни палидлар деб атайдилар. Уларда млечқалар шундай кишиларки, улар [одамларни] ўлдирадилар, сигирларни сўйиб, гўштини ейдилар.

Бу сўзларнинг ҳаммаси халқларнинг бир-бирини ортиқ-кам, қадрлик ва қадрсиз кўриш, баъзилари баъзиларини камситиб, масхара қилишларидан келиб чиқади. Васудева дунёдан қутулиб кетишни истаган кишилар ҳақида шундай деган: «Аниқ ҳақиқати шуки, ақллик кишилар олдида браҳман билан чандола иккови дўст билан душман, ишончли билан хиёнатчи, ҳатто илон билан чиябўридек баробар тутилади. Бу баробар тутилиш ақлдан келиб чиқса, халқларни [табақаларга] бўлиш ва ортиқ-кам кўриш нодонликдан келиб чиқади». Яна Аржунана Васудева шундай деган: «Агар оламни обод қилиш мақсад бўлса, уни ижро қилишда фиқоу фасод ва бузуқликларни йўқотиш учун уруш қилмасдан сиёсат йўлга тушмайди. Лекин биз ақллик тўдаларга, ўзимиздаги камчиликларни тўлдирибгина қолмасдан, дунёдаги харобликларни тузатиш ва уларга чора кўриш учун ишлаш ва бу йўлда вайроналикнинг олдини олиш чораларини кўришимиз лозимдир. Агар биз бундай қилмасак, ақлсиз нодонлар бизнинг қилган ишларимизнинг ҳақиқатига тушунмай ва бу ишлардаги арзимизни билмай, ёш болалар катталарга эргашганидек, бу ишда эргашадилар, чунки уларнинг табиатлари ақлли йўллардан қочади; улар ақл ўрнига фақат зўрликни ишлатадилар ва ўз манфаатларига етиш йўлидаги орзу ва етолмагандаги ғазабланиш сезгиларининг қўзғолишига қараб иш кўрадилар. Аммо эсини таниган одамлар эса буларнинг тескарисидир».

## Олтмиш бешинчи боб

### ҚУРБОНЛИКЛАР ҲАҚИДА

«Веда»нинг кўпроқ қисми олов қурбонлиғи ва унинг ҳар хил сифатларини ўз ичига олади. Улар ортиқ-камликда ҳам ҳар хил бўлиб, баъзисини катта подшоҳлардан, масалан, ашвамедҳалардан бошқалар қилолмайди. Бу қурбонлик шундан иборат: унинг учун аталган туя, от каби ҳайвон бўлиб, ўглаб юриши учун бўшатилиб қўйилса ҳам, кетидан аскарлар ҳайдаб юриб, қаттиқ овоз билан бақириб: «Бу қурбонлик олам подшоҳи учундир, бунга рози бўлмаганлар унга қарши чиқиб, кучини кўрсатсин»,— дейдилар.

Браҳманлар ҳам уларнинг кетидан юриб тезаклаган жойида ўт қурбонлигини адо қиладилар. У ҳайвон оламини кезиб келгандан кейин 272 этасига ва браҳманларга овқат бўлади.

Қурбонликнинг бир хили узоққа чўзиладиган бўлади. Ҳатто умри узун бўлганлардан баъзилари ҳам уни қилишга қодир бўлмаган. Ушандайлар биз яшаётган замонимизда йўқдир. Уларнинг кўплари бекор қилиниб, қолган озгинаси унда-бунда бўлиб туради. Уларнинг эътиқодида олов ҳамма нарсени ёйди ва шу ишонишларига кўра, оловга ифлос нарсалар аралашини билан сувга ўхшаб булғаниб қолади. Шу сабабдан ҳиндлар олов билан сув тўғрисида бепарвóлик қилолмайдилар, чунки ўзларидан бошқа халқларнинг олдидаги сув ва оловдан хазар қиладилар. Қурбонликлардан оловга берилганларнинг ҳаммаси девага етади, чунки олов девалар оғзидан чиқади. Браҳманнинг оловга едирадигани: мой ва ҳар хил дон-дунлар, чунончи, бугдой, арпа, гуруч кабилардан иборат бўлиб, буларни оловга ташлаганда «Веда»нинг олов қурбонлиғи учун ўқилиши лозим бўлган жойларидан ўқиб туради. Аммо бунда қурбонлик ўзи учун бўлса, ўқийди, агар бошқалар учун бўлса, олов устида ҳеч нима ўқимайди. «Вишну-дхарма»да айтилишича: «Ўтган замонда дайтъя жинсидан қувватлик ва шижоатлик, мулки кенг бир Ҳиранякша деган киши бўлиб, унинг

Дукиш деган бир қизи бўлган. У қиз доим ўз нафсини синаб, рўза тутиб, таркидунё қилиб, ибодат қилишда ижтиҳод қилганлиги учун савоб юзасидан олий бир жойда туришга лойиқ бўлиб, унга Маҳодева уйланади. У, қиз билан холи қолганда, девалар одати бўйича, жимони узайтириб, маний тўкишни кечиктиришга ўтади, олов эса, ишнинг натижасига тушуниб ва бу икковидан ўзларига ўхшаш олов туғилишидан қўрқиб, ғайирлик юзасидан у икковига хиралик ва бузуқлик қилишга қасд қилди.

Маҳодева оловни кўрган ҳамон аччиғининг қаттиқ чиққанлигидан пешонаси терлади, ҳатто тери ерга ҳам оқиб тушди, ер ўзига шимиб олди ва у тердан Миррихга ҳомиладор бўлди. Миррих, яъни Исканда—дева қўшинларининг эгасидир.

Бузуқчи — Рудра эса Маҳодева манийсини олиб отди, у ер ичида суюқ балчиқ ҳолида чочилиб кетди; аммо олов бўлса, ҳижолат ва уялишдан [ранги бузилиб]пес бўлиб, ернинг энг пастки қисми — потола-сига ботиб кетди. Олов йўқолгач, дева уни суриштирди, ҳамма уни қидириш ва иташга ва унинг ҳолини текширишга бошлади. Сўнгра қурбақа уларга оловнинг турган жойини кўрсатди. Уларни кўриши билан олов ўз ўрнидан айрилиб ашваттҳа дарахтига бекинди ва қурбақага: «Овозинг қисқа бўлиб, ҳамманинг кўнглига тегадиган бўл!»—деди. Сўнгра тўти оловнинг турган жойини уларга кўрсатди. Олов тўтини қарғаб тилинг тескарисига айланиб қолсин, деб дуойибад қилди. Шунда тўтига дева айтди: «Агар тилинг айланиб қолса, ўз дўстларинг билан сўзлашувчи ва тоза нарсаларни егувчи бўл!» Шундан кейин олов ашваттҳа дарахтидан шама дарахтига қочди. Фил уларга оловнинг турган жойига ишорат қилди. Олов бўлса, филни тилинг айланиб қолсин, деб қаргади. Шунда дева унга айтди: «Агар тилинг айланиб қоладиган бўлса, инсонларнинг ейдиганларига шерик бўлиб, сўзларини уқадиган бўл!» Ундан кейин оловни қўлга туширдилар. Аммо олов песлик ҳолида улар [девалар] билан бўлишга узр этди. Сўнгра оловни тузатиб — песлигини кетказиб, ҳурматлаб, ўзларига қўшиб, ўзлари билан инсонларнинг ўртасига восита қилдилар. Олов уларга етадиган насибани инсонлардан олиб, уларга етказиб турадиган бўлди.

## ҲАЖ ҚИЛИШ ВА МУҚАДДАС ЖОЙЛАРНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

|| Ҳиндларда ҳаж қилиш [ислом динига ўхшаб] фарз бўлмай, балки 273  
ихтиёрий ва фазилатли амаллардандир. Буларда ҳаж қилиш пок деб та-  
нилган шаҳарлар ёки улуғ саналган санамлар ва пок деб ҳисобланган  
дарёлардан бирига боришни қасд қилишдан иборат. Дарёга борилган-  
да унинг суви билан чўмилинади, санамга борилганда сажда қилинади  
ва унга атаб [назр] ҳадялар бериб, тасбеҳ этиш ва дуо қилишларни  
кўпайтиради. Рўза тутиб, браҳманларга, ибодатхона хизматчиларига  
ва булардан ҳам бошқаларга садақа бериб, соч ва соқолини олдириб  
қайтади.

Аммо пок ва муқаддас саналган ҳовузларга келсак, улар Меру  
атрофидаги совуқ тоғларда жойлашган бўлиб, «Божу-пуроно» ва  
«Мача-пуроно» китобларининг бир хилда айтганларига қараганда:  
«Меру этагида Арҳата ҳовузи жойлашган; у жуда ҳам катта ҳовуз  
бўлиб, уни ой ёруғи билан товланади, деб мақталади ва ундан Занба  
дарёси чиқади ва у [дарё суви] жуда ҳам пок бўлиб, тоза олтин устидан  
оқади. Швета тоғининг яқинида Уттарамонаса ҳовузи жойлашган.  
Унинг атрофида ҳар бири кўлдек келадиган ўн иккита ҳовуз бор.  
Улардан Сонде ва Мадҳиянда ариқлари оқиб чиқиб, Кимпуруша томо-  
нига қараб оқади. Нила тоғи олдида нилуфарлик Пиюз ҳовузи бор.  
Нишадҳа тоғи ёнида эса Вишнупада ҳовузи жойлашган. Бундан Са-  
расвати, яъни Сарсути оқади. Яна бундан бошқа Гандҳарве дарёси ҳам  
оқади.

Кайлоса тоғида денгиздек келадиган катта Манда ҳовузи жойлаш-  
ган. Ундан Мандокини дарёси оқиб чиқади. Кайлосанинг шарқи билан  
шимоли оралигида Чандра-парвата тоғи жойлашган. Унинг этагида  
Очўд ҳовузи бор. Ундан Очўд дарёси оқади. Кайлосанинг шарқи би-  
лан жануби оралигида Лоҳита тоғи жойлашган. Унинг этагида Лоҳита  
деган ҳовуз бор. Ундан Лоҳитанодде дарёси оқади. Кайлосанинг жану-

бида Сараюшате тоғи жойлашган. Унинг этагида Монаса ҳовузи бор. Ундан Сараю дарёси оқиб чиқади. Қайлосанинг ғарбида доим қорли, тепасига чиқиб бўлмайдиган Аруна тоғи жойлашган. Унинг ёнбағрида Шайлодо ҳовузи бор. Ундан Шайлодо дарёси чиқади. Қайлосанинг шимолида Гаура тоғи жойлашган. Унинг этагида Бандасару — қуми олтин деган ҳовуз бор. Бу ҳовузнинг олдида подшоҳ Бҳагератҳа ҳилватнишин бўлиб, ибодат қилар эди. Бу жойда ибодат қилишнинг сабаби шуки, ҳиндларнинг Сагара номли подшоҳи бўлиб, унинг фосиқ ва безори олтмиш минг ўғли бўлган. Иттифоқо уларнинг бир оти йўқолиб, ҳамма ёққа жарчи солган, кейин уни қидираётганда у ёқ-бу ёққа кўп юриб, ер устида оёқларини қаттиқ босаверганликларидан ер ўпирилиб, анҳор дарё шаклига кирган; охирида отларини ернинг ўртасида бошини қуйи солиб, кўзини тикиб турган бир одамнинг олдида тўхтаб турган ҳолда топганлар. Булар у одамга яқин борганларида у ғазаб билан ўқрайиб қараган, шунда улар қилмишларининг ёмонлиги ва одобсизлиги сабабли турган жойларидаёқ куйиб кетиб, қилган гуноҳлари учун дўзахга тушишга сазовор бўлганлар. Уларнинг ана шу юрган йўлларининг ўрни катта денгизга айланган.

Сўнгра шу подшоҳнинг наслидан подшоҳ Бҳагератҳа вужудга келиб, ўтмиш ота-боболарининг хабарларини эшитиб, уларга ачиниб, шу 274 қуми олтин ҳовуз ёнига бориб, шу ерда || то Маҳодева унинг мақсад — ҳожатини сўрагунча кечалари ибодат қилиб, кундузлари рўза тутиб, кун кечирган. Маҳодева ундан ҳожатини сўраганда, у: «Жаннатда оқадиган Ганга дарёсини сўрайман», — деган. Чунки Ганга дарёсининг суви кимнинг устидан оқса, унинг гуноҳлари ювилишини билар экан. Маҳодева унинг илтимосини қабул қилган.

Осмонда кўринадиган Сомон йўли [Галактика] шу Ганга дарёсининг оқишидир. Ганга дарёси ўзига бино қўйган, ҳеч ким мени тасарруф қилишга қодир эмас, деб билар экан. Маҳодева уни ушлаб, бошига қўйган. Ганга дарёси ҳовуздан чиқишга қодир бўлмаган; шунда у ғазабидан мавж уриб, тўлқинлана бошлаган. Маҳодева уни чангаллаб турган, ҳатто унга шўнгиш ҳам мумкин бўлмаган. Сўнгра ундан бир бўлакни олиб, Бҳагератҳага берган. Ниҳоят, у Ганга дарёсининг етти шохобчасидан ўрта шохобчасини Бҳагератҳа ота-боболарининг суяги устидан оқизган. Шу билан улар азобдан қутулганлар. Ана шу сабабли ҳиндларда ўликнинг куйдирилган суяклари Ганга дарёсига ташланади. Бу подшоҳ сабаб бўлиб юзага келтирилганлиги учун Ганга дарёси унинг оти билан ҳам аталади.

Ганга дарёсининг поклигидек пок бўлган дарёларни двипаларда борлигини биз ҳикоя қилган эдик. Ҳар бир мўътабар жойга ҳиндлар қуйиниш нияти билан ҳовузлар ясайдилар. Бу иш улар учун бир санъат ҳисобланади. Бу ҳовузларни қуришда шу қадар ҳунар ишлатадиларки.

уни бизнинг одамларимиз кўрсалар, бундайни қуриш уёқда турсин, унга таажжуб қилиб, таъриф ва тавсиф қилишга ҳам ожизликларини билдирадидлар. Улар керакли миқдорда жуда катта тошларни йўгон қозиқлар билан ҳовуз атрофига ўрнатиб, одам бўйидан узунроқ келадиган тахмонга ўхшаган зинапоялар ишлайдилар. Ҳар икки зинапоянинг ўртасига кунгирага ўхшатиб, чиқиб тушадиган пиллапоялар ишлайдилар. Аввалги баланд зинапоялар йўлак ўрнида бўлиб, кунгирага ўхшашлари пиллапоя ҳисобланади. Агар бу зинапоялардан қанчалик кўп халқ тушиб чиқса ҳам, ҳаргиз улар бир-бирларига йўлиқмайди. Агар зинапоялардан тушувчилар кўплигидан йўл тўсилиб қоладиган бўлса, одамлар тушаётган зинапоялардан [тахмон орқали] бошқасига ўтиб чиқиши мумкин бўлади. Шу билан кўпчиликнинг сиқилиши тугатилди.

Мўлтон шаҳрида ҳам пок деб ҳисобланган бир ҳовуз бор. Агар одамларни бу ҳовуздан қайтарилмаса, шу ҳовузга бориб қуйиниш йўли билан ибодат қиладилар.

Бароҳамиҳиранинг «Сангҳита»сида [айтилишича]: «Тонешарда бир ҳовуз бор, ҳиндлар узоқ ерлардан ният қилиб келиб, бу ҳовуз сувидан қуйиниб чўмилишадилар. Уларнинг даъвосича, бунинг мўътабарлигининг сабаби кун тутилган вақтда бошқа жойлардаги кароматлик ҳовузларнинг суви бу ҳовузга зиёратга келар экан. Шунинг учун бу ҳовузда қуйиниш бошқаларнинг ҳар бирида навбат билан қуйинганининг ўрнига ўтар экан».

Бароҳамиҳира яна ҳиндлардан ҳикоя қилиб шундай дейди: «Ой ва кунни тутилтирган Бош [илон боши] бўлмаса, бошқа ҳовузлар асло бу ҳовузни зиёрат қилмас эди, дейишади».

Бу ҳовузларнинг поклик ва ортиқлик билан шуҳрат чиқаришлари иттифоқо [шу ҳовузда] бир катта воқеанинг бўлиши билан ёки [муқаддас] китоб ва хабарларда [унинг ҳақида] бирор ҳикоя ёзилиши билан вужудга келади. Зухронинг Бароҳимдан олган сўзини Шаунака ҳикоя қилганини айтган эдим; чунки у сўз билан унга хитоб қилинган эди. Яна у сўзда подшоҳ Бали ҳам зикр этилган эди. Унда Норояна томонидан уни ернинг энг остки қабатига шўнғитгунгача қиладиган ишлари ёзилган. Яна шу ривоятдаги сўзида: «Мен подшоҳ Балига шундай қилдим, чунки унинг нияти одамларда тенглик истагини йўқотиш эди. Инсонлар бир-бирларидан ортиқ-кам бўлишлари керак; Ӏ оламнинг 275 интизоми шу билан бўлади. Инсонлар подшоҳга итоат қилиш ва чўқинишдан қайтиб, менга имон келтиришлари ва сажда қилишлари лозимдир».

Маданиятга эришган миллатларда ҳам бир-бирларига ёрдамлашиш уларнинг ортиқ-кам бўлишларига ва бирлари иккинчиларига муҳтож бўлишларига қараб бўлади. Худо оламдаги барча нарсаларни ҳар хил

табиатда қилиб ва ер юзидаги қитъаларни ҳам бир-биридан фарқли қилиб яратди. Баъзи жой совуқ, баъзи жой иссиқ, бир жойнинг тупроғи, ҳавоси ва суви тоза, иккинчи жой эса сизот, шўрлик ва сассиқ, сувлари бузилган, ҳидланган ва ҳавоси ваболикдир. Шунга ўхшаб баъзи жойлар ва нсъматларининг кўп ва озлигига ҳар турли офатларни кетма-кет етиб туриши ёки омонликда ва тинч ҳолда ҳаёт кечириш мумкин бўлишлигига қараб, хилма-хилликлар бордир. Шаҳарларда турувчиларнинг шаҳар бино қилиш учун ўрин танлашлари ҳам жойларнинг хилма-хиллиги сабабидан келиб чиқади. Булар ҳаммаси расму одатларга кўра бўлади.

Аммо шарнат буйруқларига келсак, у булардан ҳам қувватлироқ бўлиб, расм ва одатлар табиатидан ғолиброқдир. Ахир кўрмайсанми, мана шундан билса бўладики, расм ва одатнинг боиси қидирилади ва ўрганилади; ўрганиш сўнгида қабул қилинади ёки ташланади. Аммо шарнат амрларининг боиси суриштирилмайди, балки кўпчилик уни тақлид йўли билан қабул қиладилар. Бу тўғрида келтирган далил ва ҳужжатлар бир ёмон ерда туғилиб ва шу ерда туриб, бошқа жойни кўрмай ва бошқасига кўчишни оғир кўриб, ночор туғилган жойини сўйган кишининг далил ва ҳужжатидан ортиқ эмас. Агар жойларнинг ортиқ-кам кўриш диний сабаблар билан бўладиган бўлса, бунга амал қилувчиларнинг диллари ўз жойини яхши кўради; бу севиш олати уларга сийғиб абадий бўлади.

Ҳиндларда Баронасе шаҳрига ўхшаш диний жиҳатдан муқаддас ҳисобланадиган жойлар бор. Уларнинг ибодат қилувчилари худди Маккадаги Каъбага бориб<sup>1</sup>, кўзголмасдан ибодат қилган кишилардек, у жойларга қасд билан бориб айрилмасдан туриб ибодат қиладилар. Ўлгандан кейинги оқибатлари яхши бўлишлиги учун у жойларда ўлишни жуда ҳам орзу қиладилар. Агар қон тўкувчилар бўлса, гуноҳи учун ушланади ва гуноҳининг жазосини тортади, лекин улар Баронасе шаҳрига кирса, гуноҳи кечирилиб, ёрлақанади, дейдилар. Бунинг сабаби ҳақида мана шундай даъво қиладилар: «Бароҳим аслида [яратилишда] тўрт бошлик бўлган эди; у билан Шамкара, яъни Маҳодева ўртасига бир низо тушиб ўртадаги жанжал унинг бошларидан бирини юлиб олинигача етказди. У вақтлардаги одатча ўлган кишининг боши ўлдирувчининг расволигига белги ва ўлдирганига аломат бўлиш учун қўлида осилиб қолур эди. Шу одатга кўра, Маҳодева қўлида Бароҳим бошининг косаси осилиб қолди. Уша билан ҳар бир ерга бориб айланиб келар эди ва ҳар бир ҳожатларига ва қасд қилган ишларига борар эди. Аммо ундан бош айрилмас эди. Ҳар бир шаҳарга борганда ҳам айрилмаган бош охири Баронасе шаҳрига бориб кирган вақтида қўлидан тушади ва айрилади.

Банорасега қудсиятда баробар келадиган шаҳарлардан бири Пукарадир. Бу шаҳарда Бароҳим олов қурбонлигини қилган вақтида оловдан чўчқа чиққанлиги учун муқаддас ҳисобланади. Шунинг учун бу шаҳарнинг санамини чўчқа шаклида ишлаганлар. Яна шаҳарнинг сиртида уч жойга ҳурматланадиган ҳовузлар қилганлар, у катта ибодат жойи ҳисобланади.

Диний жиҳатдан муқаддас ҳисобланган жойларнинг яна бири Тонешардир. Уни Курукшетра деб ҳам атайдилар; бу эса Курунинг ери демакдир. Куру бўлса, бир дарвеш ва солиҳ деҳқон киши эди. Худонинг унга берган қуввати билан ажойиб ишлар қилар эди. Оқибатда ерни ҳам шунга нисбат берилди. Шу сабабдан ер ҳам ҳурматга эга бўлди. Ундан кейин, Бҳарата урушида Васудева ишлари ва бузуқ кишиларнинг ҳалокати ҳам иттифоқо шу ерда бўлган; шунинг учун ўша жой ўрни зиёратгоҳ бўлди.

Муқаддас саналган жойларнинг яна бири браҳманлар || билан 276 тўлган Моҳўра шаҳридир. Бу шаҳарда Васудева тугилиб ва бунинг ёнидаги Нондагола тарбия топганлиги учун бу шаҳар муқаддас ҳисобланади. Ҳозирги вақтда Кашмир ҳам муқаддас жойларнинг биридир. Мўлтон ҳам, иботдатхонаси бузилмасдан илгари зиёратгоҳ эди.



## САДАҚА ВА КАСБДАН ҲОСИЛ БУЛАДИГАН МАҲСУЛОТ ТЎҒРИСИДА

Улар ҳар куни мумкин қадар садақа бериши лозимдир. Моллари учун [садақа беришда] йил айланишига ёки ой ўтишига қараб турмайдилар<sup>1</sup>.

Чунки бундай қилиш — номаълум вақтга қолдириб қўйиш, деб ҳисобланади, инсон бўлса, у вақтга етиш-етмаслигини ўзи ҳам билмайди.

Деҳқончилик ва чорвачиликдан келадиган даромадларни ва ер ҳамда ўтлоқ солиғини бошлаб волийга бериш лозимдир. [Маҳсулотнинг] олтидан бири фуқаронинг ўзини, молини ва оиласини сақлаб келаётганлиги учун хизмат ҳақи ҳисобида волийга берилади. Шу хилдаги солиқни бериш ҳамма фуқароларга лозим бўлса ҳам, улар олган маҳсулотлари ҳақида ёлгон сўзлайдилар ва хиёнат қиладилар. Савдо ишидагиларга ҳам шунга ўхшаш ўзларига белгиланган миқдорда солиқ тўлаш лозим бўлади. Бу айтилган солиқлардан браҳманларгина озод қилиниб, бошқалар озод қилинмайди.

Касбдан ҳосил бўлган маҳсулотнинг, тегишли солиқларини тўлагандан кейин, қолдигидан баъзилар тўққиздан бирини садақа учун беришни лойиқ кўрадилар. Уларнинг айтишларича, қолган маҳсулот тўққизга бўлиниб, уч қисмини захира қилиб, кўнгил тўқи бўлиб туриш учун сақлаб қўяди. Иккинчи учини олди-сотдисига фойда келтириш учун ишлатади. Эндиги қолмиш учдан бирини эса садақа учун бериб, икки қисмини оиласига сарф қилади. Баъзилар қолмиш маҳсулотни тўртга бўлиб, тўртдан бир бўлагини уй нафақаси учун, иккинчи бўлагини зеб-зийнат ва одамгарчилик учун ва учинчи бўлагини садақа учун, тўртинчи бўлагини захира қилиб, сақлаб қўйиш учун белгилайдилар.

Аммо захира учун сақлаб қолдиргани уч йиллик уй нафақаси сарфига етиши лозим. Агар бу миқдордан ортиб қоладиган бўлса, уч йиллик нафақадан кам бўлмаслик шарти билан ортиғини садақа қиладди. Аммо молни мол баробарига орттириб олиш-бериш ҳаромдир. Гуноҳининг миқдорига келсак, бош молнинг устига қанча қўйиб олган бўлса, гуноҳи ҳам шу миқдорда бўлиб, кўп бўлса кўп, оз бўлса оз бўлади. Судхўрлик, яъни бош молнинг ўндан бирининг бешдан бири [иккя проценти] дан ортмаслик шарти билан шудрагагина рухсат этилиб, бошқа халқларга эса рухсат этилмайди.

## ҲАЛОЛ ВА ҲАРОМ ҲИСОБЛАНГАН ОВҚАТ ВА ИЧИМЛИКЛАР ҲАҚИДА

Насаролар ва монавийларда бўлгани сингари уларда ҳам аслида қорамолни ўлдириш [сўйиш] мутлақо ман қилинган. Лекин инсонларнинг гўшт ейишга иштаҳалари ғолиб бўлганлигидан ҳар бир диний амру фармонни назарга олмаганлар. Шунинг учун бу ман қилиниш фақат браҳманларгагина хос бўлиб қолган; чунки улар динни маҳкам тутганлари сабабли, дин уларни ҳар бир нафсоний орзуларга эргатишдан тияди. Масалан, насаро руҳонийларининг<sup>1</sup> епископларидан юқори даражадаги метрополет<sup>2</sup>, жаслик<sup>3</sup>, патриархлар паст даражада бўлган қиссу ва шаммосалар<sup>4</sup> билан [дин тутишда] баробар эмас. Лекин булар ҳам ўз даражаларини кўтариш учун тақволик қилсалар сақланадилар. Ишнинг ҳақиқати шундай бўлганлигидан баъзи ҳайвонлар мустасно бўлса ҳам, баъзи ҳайвонларнинг нафасини тўхтатиб, бўғиб ўлдириш ҳалол қилинди. Ҳалол бўлган ҳайвонлардан ўз ҳолича, тўсатдан ўлиб қолганлари ҳаром қилинди.

Аммо ҳалол бўлган ҳайвонларга келсак, улар: қўй, эчки, кийик, қуён, каркидон — гандҳа, қўтос, балиқ, қуруқлик ва сувда бўладиган қушлар, жумладан, чумчуқ, қумри, тустовуқ, каптар, || товуслар ва 277 шуларга ўхшаш инсон табииати жирканмайдиган ва ман ҳам қилинмаган жониворлардир.

Аммо китоб сўзи билан ҳаром бўлган ҳайвонларга келсак, улар: қорамол, от, ҳачир, эшак, туя, фил, уй товуғи, қарға, тўти, майна ва бу қушларнинг тухумидир.

Ҳамр [ичимлик] бошқалар учун ҳаром бўлса ҳам, шудра учун ичиши ҳалол бўлиб, унга гўштни сотиш ҳаром бўлганидек, ичимликни сотиш ҳам ҳаромдир.

Баъзи ҳиндларнинг айтишича, Бҳарата [уруши]дан илгари қорамолни истеъмол қилиш ва қурбонлик қилиш ҳалол бўлган экан. Сўнгра одамларнинг табииатлари ўзларига лозим бўлган нарсаларни адо қилиш-

дан ожиз бўлганлиги учун инсонларга осон бўлишлигини эътиборга олиб, аслида тўрт бўлакли «Веда»ни бир бўлакка келтирилганидек, буни ҳам ҳаром қилинди, дейишлари маъносиз сўздир. Чунки қорамолни ҳаром қилиниши рухсат ва ёки енгиллик учун бўлмай, балки қаттиқ тутиш ва уларнинг нобуд бўлишини камайтириш учундир.

Бошқалардан эшитишимга кўра, браҳманлар қорамол гўштини ейишдан озор топадилар; чунки мамлакатлари иссиқ бўлиб у ерда яшайдиган кишиларнинг ички баданлари совуқ бўлганлигидан туғма ва табиий ҳароратлари суст[илик] ва ҳазм қилиш қуввати заиф бўлади. Шунинг учун улар танбул дарахти баргини таомдан кейин еб, фуфални чўйнаш билан овқат сингдириш қувватини кучайтирадилар. Чунки танбул ўзининг ўткирлиги билан табиий ҳароратни алангалантириб, ўз устидаги ҳўлланган оҳакни ўзига тортиб олади. Фуфал бўлса, тишни ва тиш милқини мустаҳкам қилади ва меъдани маҳкам ушлайди. Шу аҳволларга қараб, яъни қорамол гўштини табиатга оғир бўлиб ва баданларининг совуқ бўлиши сабабли истеъмолдан ман этган эдилар. Мен бўлсам, бу тўғрида икки нарсадан бирини гумон қиламан. Биринчи сабаб<sup>5</sup> ... Аммо бу сиёсатдир; чунки қорамол сафарда узоқ жойларга оғир юкларни олиб бориб хизмат қилади. Деҳқончиликда ер ҳайдаш ва хирмон кўтариш вақтларида ҳам ишлатилади, оилада ҳам унинг сутидан, мойларидан, тезагидан ва қиш кунларида [иссиқ] нафасидан фойдаланилади<sup>6</sup>. Шунинг учун қорамолни сўйишни ман этганлар. Буларнинг ман этишлари қорамол камайиб кетиб, худди Ас-Савод<sup>7</sup> хароб бўлганлиги ҳақида Ҳажжожга<sup>8</sup> шикоят қилишганида, у қорамолни сўйишни ман қилганидек бўлди.

Менга ҳикоя қилишларига кўра, ҳинд китобларининг бирида ёзилишига қараганда: «Ҳамма нарса бир нарса, ҳалол ва ҳаромликда ҳаммаси баробар, лекин буларнинг хилма-хил бўлиши кучлик ва кучсиз бўлиши сабабидан келиб чиқади. Масалан, бўри қўйни қиришга қодир, қўй унга қарши туришдан ожиз; мана шу жиҳатдан бўри ўлдириб, уни ўзига озуқ қилади». Уларнинг китобларидан бунга шаҳодат берадиган нарсалар анча-мунча. Бу худди бир олим амалига тўғри келади, чунки у ўз илми сабабли ишлаб бориб, бирор мартабага кўтарилади, у даражага етганда, унинг олдида браҳман ва чандолга баробар бўлиши билан бирга, сақланиши лозим бўлган нарсалар ҳам, хоҳи ҳалол бўлсин ва хоҳи ҳаром бўлсин, баробар бўлади.

Чунки агар ҳалол бўлса, унинг эҳтиёжи йўқ бўлади ва агар ҳаром бўлса, унга рағбати ҳам йўқ бўлади. Аммо нодонлик истило қилган кишиларнинг бундай нарсаларга эҳтиёжи бўлганлиги учун уларга баъзи нарсалар ҳалол ва баъзи нарсалар ҳаром қилиниб, ўртага чек қўйилгандир.

## ҲИНДЛАРДА НИКОҲ, ҲАЙЗ КҶРИШ, БАЧАДОНДАГИ БОЛА ВА НИФОС МАСАЛАСИ

Халқлардан бирор миллат ҳам никоҳдан холи эмасдир. Никоҳ ақлан хунук бўлган сифат — ўз урғочисини қизганиш ва талашниш каби [ёмон аҳволлар]га йўлиқишдан сақлайди; ҳайвонларнинг бир-бирига қарши ғазабини қўзғотадиган сабабларни кесиб, ҳалокатга тушувдан қутқазади. Қимки ҳайвонларнинг жуфтланишини ва ҳар бир ҳайвон ўз урғочисини қўриқлаб, бошқа ҳайвонларни йўлатмаслигини ва ундан бегона ҳайвонлар ҳам умид узишини ўйласа, ақл-идроксиз ҳайвонлардан тубан даражада қолишдан ор қилиб, зинодан сақланади ва || никоҳ- 278 ни жуда ҳам лозим топади.

Никоҳ хусусида ҳар бир миллатнинг [ўзинга хос] расми ва одати бордир. Айниқса, шариятга бўйсуниб, худо буйруғини тутишни даъво қилувчилар бу тўғрида алоҳида ўрин тутаяди. Ҳиндларда болаларни ёшлик вақтида уйлантириш одати бор бўлиб, ўғил отаси билан қизнинг отаси иккови унашиб, ўзаро никоҳ тўхтамини бажо келтирадилар. Ана шунда ҳам браҳманлар қурбонлик маросимини ўтказадилар. Ота-оналар тарафидан браҳманларга ва халққа садақа берилиб, хурсандлик тантаналари ўтказилади ва ўғил-қизлар ўртасида маҳр тайин қилинмайди, [аммо йигит тараф] хотин учун ўз ҳимматига лойиқ кўрмана ва нақд ҳадялар беради. Лекин берган нарсаларини кейин қайтиб олиш жоиз эмасдир. Аммо хотин ўз розилиги билан қайтариб бериши ҳам мумкин. Эр билан хотин ўртасини ўлимдан бошқа ҳеч нима айиролмайди, ҳиндларда талоқ қилиш ҳам йўқ. Эрларда бирдан то тўрттагача хотин олиш ҳуқуқи бор бўлиб, тўртдан ортиғи эрлар учун ҳаромдир. Агар никоҳида бўлган тўрт хотиннинг бири ўлса, яна бир хотин олиб тўрттага етказиш мумкин. Лекин тўртдан юқорига ўтолмайди.

Агар хотиннинг эри ўлса, унинг иккинчи эрга тегиши мумкин эмас; у икки нарсадан бирини танлаб олишга ихтиёри ўзида. Биринчиси, умри бўйи эрга тегмай, беваликда ўтиш, иккинчиси, ўзини оловга таш-

лаб куйдириш. Сўнггиси унинг учун яхшироқдир. Агар у шундай қилиб қутулмаса, тирик умр азобда қолади. Ҳинд подшоҳларида ўлгандан кейин, расм бўйича, хотинларини тасодифий зиноликка тушиб қолишдан сақлаб [хотинлар] хоҳласин ё хоҳламасин, бари бир, уларни куйдириб юбориш одати бор. Улардан ҳеч бирини тирик қолдирмайдилар. Фақатгина қари бўлса ёки болалик хотин бўлиб, болалари уни хатога тушишидан сақлашга кафил бўлсалар, шундагина ўлдирмай қолдирадилар.

Ҳиндларнинг никоҳ қонунларида бегоналарга уйланиш қариндошлардан ортиқроқдир. Насабда узоқ бўлган қариндошлар насабда яқин бўлганларидан ҳам ортиқдир. Аммо уйланувчига тубанга қарата олмаганда, яъни болаларининг қизлари ва набираларининг қизларига никоҳланиш қатъиян ҳаром бўлганидек, юқорига қарата онаси, бувиси ва бу икковининг онаси ҳам ҳаромдир. Ота-онадан икки тарафга айрилган бўғинлар: опа, сингил ва буларнинг қизлари, амма, хола ва бу икковининг қизларига никоҳланиш ҳам юқоридагилардек ҳаромдир. Лекин насл тарқалишида узилмасдан туғилиш билан беш қорин айланса, шу вақтдагина ҳаромлик кўтарилиб, шунда ҳам қораланиб, макруҳлик қолади.

Ҳиндларнинг баъзилари [никоҳда тутиши мумкин бўлган] хотинлар сон табақаларга боғлиқ бўлишини айтганлар, чунончи, браҳман учун тўрт, кшатрий учун уч, вайшъя учун икки, шудра учун бир хотин олиш мумкин, дейдилар. Ҳар бир табақага мансуб кишилар ўз табақасидагилардан ёки ўзидан паст табақалардан уйланмаги дуруст бўлиб, паст табақаларга [мансуб киши]нинг ўз табақасидан юқорисига уйланмаги раво эмасдир.

Болалар эса отасининг табақасига мансуб бўлмай, балки онасининг табақасига мансуб бўлади. Масалан, агар браҳманнинг хотини браҳман бўлса, туғилган бола ҳам браҳман бўлади, агар шудра бўлса, бола ҳам шудра бўлади. Лекин бизнинг замонамиздаги браҳманларга ўз табақасидан бошқаларга ўтиш ҳалол бўлса ҳам, уни қилмайдилар ва уйланишда бошқа табақаларга ўтмайдилар.

Ҳайз кўриш масаласига келсак, унинг энг узоқ муддати ўн олти кун бўлиб, ҳақиқатда эса, аввалги тўрт кун ҳайздан ҳисоб бўлиб, бу орада хотин билан жимо қилиш, балки бир хона ичида бўлиб, яқин туриш ҳаромдир. Чунки у шу муддатда ифлос ҳисобланиб, ўша кўрсатилган тўрт кун ўтгач, ювингандан сўнг пок бўлади. Ҳатто қон тўхта-маса ҳам, хотин билан қўшилиш ҳалол бўлади, чунки [уларча] бу тўрт кундан кейинги қон ҳайз эмас, балки бола учун моддадир.

279

Агар || браҳман бола топилган учун хотинга қўшилишни хоҳласа, у олов учун гарбоҳалҳана деб аталган қурбонликни қилиши керак. Бу қурбонликни қилишда хотиннинг ҳам ҳозир бўлиши лозим. Ҳозир бў-

лишдан уялиши монилик қилса, ҳалиги ҳозирлик кечиктирилади ва хотин ҳомиладор бўлгандан кейин, тўртинчи ойда келадиган симантоннажана номли қурбонликка қўшиб қилинади. Хотин боласини туққандан кейин туғилиш билан сут эмизиш ўртасидаги вақтда жотакарман деган учинчи қурбонликни қилиб, то нифосдан<sup>1</sup> пок бўлиб, номакарман деб аталган от қўйиш қурбонлигини қилмагунча, унга от қўйилмайди. Хотин нифосда бўлиб турган муддатда идишларга яқинлашмайди ва унинг уйидан ҳеч нима ейилмайди ва уйга браҳман олов ёқмайди. Бу [сақланишга тегишли] кунлар браҳман учун саккиз кун, кшатрий учун ўн икки кун, вайшъя учун ўн беш кун, шудра учун ўттиз кун бўлади. Булардан паст табақалар саноққа кирмаган ва уларга одатда аниқланган муддат ҳам йўқ.

Кўпинча, сут эмизиш муддатини кўрсатиш зарур бўлмаган ҳолда уч йилгача эмизиб, ақиқа<sup>2</sup> зиёфатлари қилинади; етти ё саккиз ёшга кирганда қулоғи тешилади.

Одамлар ҳиндларда зино қилиш мумкин, деб гумон қиладилар. Чунки Исфаҳбад<sup>3</sup> Қобилни фатҳ қилиб, ўзи исломни қабул қилган кунда қорамол гўштини емаслик ва лота қилмасликни шарт қилиб, зинони шартга қўшмади, дейдилар. Лекин иш уларнинг гумонларидек эмас; уларда зино учун қаттиқ қийнамаслик подшоҳлари томонидан киритилган бир офатдир. Подшоҳлари шаҳарларга зийнат, халқнинг кўнгил очишига сабаб деб хотинларни ибодатхоналарга, ўйнаш ва ҳар хил созлар чалиб турли оҳангларда ашулалар айтиш учун қўйган бўлса ҳам, бундан тилаклари байтул-молни тўлдириш эди. Аскарларни таъминлашда сарфланган чиқимларни қоплаш учун жарима ва солиқ солиш йўли билан маблағ тўплаб, уни хазинага қайтариш эди.

Шунга ўхшаш ишларни Азуддавла<sup>4</sup> ҳам қилган. У бўйдоқ аскарлардан фуқарони сақлаш учун шу сабабни важ қилиб кўрсатган эди.

---

---

*Етмишинчи боб*

**ДАЪВОЛАР ҲАҚИДА**

Қози даъвогарнинг даъвосини эшитиш учун унинг хатини [аризасини] ва даъвони исбот қиладиган ҳужжатларни талаб қилади. Лекин хат шу баробардаги кишиларнинг даъвосида ёзиладигандек мантиқли бўлиши керак. Агар хат ва ҳужжат бўлмаса, гувоҳларни чақиради. Гувоҳлар сони энг камида тўрт ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Агар гувоҳнинг рост гапираётгани қозининг олдида муқаррар бўлса, бир киши билан иш кўриб, ҳукм чиқаради. Шунда ҳам махфий текшириш ва ошкора аломатларни излаш ва маълум бўлган ҳодисаларни бир-бирига солиштириб, ҳақиқатни топиш учун ҳар хил чораларни кўришни тарк қилмайди.

Муовия ўғли Иёс<sup>1</sup> ҳам шундай чораларни қилар эди. Агар даъвогар хат, ҳужжат кўрсатишдан ожиз бўлса тонувчига қасам лозим бўлади. Аммо қасамни даъвогарга айлантириш ва унинг бўйнига қўйиш ҳам жойиз бўлиб, қози даъвогарга қараб, даъвонгни ростлигига қасам ичсанг, даъвонгни сенинг фойданга ҳукм қиламан, деган.

Даъвонинг миқдорига қараб қасамнинг ҳам турлари кўпдир. Аввало, жавобгар қасамга рози бўлиб, даъво ҳам оз нарса учун бўлса, жавобгар шундай деган: «Менинг олдимда браҳман олимларидан беш киши бор, агар шу сўзим ёлғон бўлса, менга даъво қилинган нарсанинг саккиз қиссаси баробарида қилган амалларимнинг савоби даъво қилувчига бўлсин».

Бундан устунроқ қасам шу: тонувчига қози вайша деган заҳарнинг браҳмана деб танилган хилини ичишга буюради. Бу энг ёмон хилдир. Агар рост бўлса, вайшани ичиш зарар бермайди.

280 Яна ҳам устунроқ || қасам: жавобгарни чўнқир, тез оқар дарёга ёки таги чўнқир, суви тўла қудуққа олиб келинади, жавобгар сувга қараб туриб: «Сен малонкаларнинг покизасисан, ошкора ва махфий ишларни билувчисан, агар ёлғончи бўлсам мени ўлдиргин, агар тўғри

бўлсам, мени сақлагин», дейди. Сўнгра уни беш килиш ўраб олиб келтириб, дарёга ташлайди. Агар ростгўй бўлса, дарёдаги ёки қудуқдаги сувга ғарқ бўлмас ва ўлмас [эмиш].

Бундан ҳам устунроқ қасам бор; бунда қози даъвогар билан жалобгар турган шаҳарда ёки мамлакатда шарафлироқ деб танилган санам турган ерга ҳар икковини юборади, инкор қилувчи ўша кунни санамнинг олдида рўза тутиб, эртасига янги кийимларини кийиб, даъвогар билан бирликда шу ерда туради. Ибодатхона хизматчилари санамга сув сочиб, ундан тушган сувни инкор қилувчига ичиради, агар сўзи ёлгон бўлса, шу соатда қон қусади.

Бундан ҳам устунроқ қасам бор; бунда тонувчини тарозининг бир палласига қўйиб, иккинчи палласига унинг оғирлигига баробар келадиган тош қўйиб, баробар қилинади. Сўнгра тарозини ўз ҳолига қўйиб, тонувчи жинлар, фаришталар ва осмондаги зотларни кетма-кет ёд қилиб, уларни ўзининг ростгўйлигига гувоҳ қилади ва унинг оғзидан чиққан сўзларини қоғозга ёзиб туриб, бошига боғланади; қайтадан тарозининг палласига қўйиб тортилади, агар сўзи ҳақ бўлса, аввалгидан оғир келади.

Бундан ҳам устунроқ қасам бор; бунда сариг ёғ ва кунжут ёғидан баробар миқдорда олиб, бир қозонда қайнатилади. Тоза қизиганлигини билмоқ учун бир гул бошини узиб, қозонга ташланади. Гулнинг боши қозонга тушиши биланоқ қовжираб куйиб, тоза қизиганлиги маълум бўлади. Жуда қизигандан кейин бир бўлак олтинни қозонга ташлаб, тонувчига қўлини солиб олтинни олишга буюрилади; агар сўзи ва ўзи ҳақ бўлса, чиқариб олади.

Булардан ташқари ҳиндларнинг энг катта қасами бор; бунда бир бўлак темирни чўғланиш даражасига етказиб қиздирилади. Сўнгра, тонувчи қўлининг кафтига бир оз шоли сочиб, устига катта япроқли ўтнинг бир баргини қўйиб, унинг устига чўғланган темирни темирчиларнинг махсус омбури билан ушлаб қўйилади. Етти қадам юргандан кейин уни ерга ташлашга буюрилади.



## ЖАЗОЛАШ ВА ГУНОҲЛАРНИ ЮВИШ — КАФОРАТ ҲАҚИДА

Улардаги аҳвол насаронийлардаги аҳволга ўхшашдир. Насароний [христиан] динининг асоси яхшиликка қурилган бўлиб, аслан кишини ўлдирмаслик, бўйнидан ридосини тортиб олган кишига кўйлагини ечиб бериш, бир юзига урган кишига иккинчи юзини тутиб бериш, душман ҳаққига яхшилик билан дуо қилиб ва унга раҳмат айтиш каби ишлардан иборат эди. Умрим билан қасам ичиб айтаманки, бу хилдаги сифатлар жуда ҳам яхшидир. Лекин дунёдаги инсонларнинг ҳаммаси файласуф ва доно эмас; кўплари нодон, тўғри йўлдан адашганлардир. Уларни қилич ва қамчидан бошқа нарса тўғри йўлга сололмайди. Голиб Константинус<sup>1</sup> ғалаба қозониб, насаро динини қабул қилган кундан бошлаб, қилич билан қамчи ҳаракатдан тўхтагани йўқ ва бу иккиси бўлмаса, сиёсатни ҳам тамоман жорий қилиб бўлмайди.

Ҳиндларда ҳам шунга ўхшаш сиёсат ва ҳарбий тадбирлар браҳманлар қўлида бўлиб, дунёнинг вайронлиги ва интизомсизлигига сабаб бўлди; чунки улар ақлий йўл билан тузилган диний китоблар тақозосига қараб сиёсат юргиздилар. Бузуқ ниятли ва ёмон ахлоқли кишилар ўртага кириб олиши билан иш тўғри бормайди, ижро қилиши лозим бўлган диний ишларни юргизишдан ҳам ожиз қолиб, ўз худоларига  
281 бўлбортдилар, || охирда Бароҳим браҳманларга тегишли ишларни уларнинг ўзларига қолдириб, сиёсат ва ҳарбий ишларни кшатрига берди. шунинг учун браҳманларнинг тирикчилиги гадоёчилик ва сўраниш йўли билан ўтарди. Халқларнинг гуноҳкорлиги учун уларни уламолар эмас. подшоҳларгина жазолашга ҳақлидир.

Аммо ўлдириш ишларида, ўлдирувчи Браҳман бўлиб, ўлдирилган бошқа табақалардан бўлса, кафоратдан бошқа нарса лозим бўлмайди. Кафорат бўлса, рўза туттиш, намоз ўқиш ва салақа бериш билан бўлади.

Агар ўлдирилган браҳман бўлса, унинг иши охиратга қолади ва унга кафорат лозим бўлмайди, чунки кафорат гуноҳларни ювиш учун бўлиб, браҳманда гуноҳни ювадиган ҳеч нарса йўқ. Гуноҳларнинг энг улуғи браҳманни ўлдиришдир. Унинг гуноҳини важра — браҳмаҳата деб атайдилар. Ундан кейингилари қорамолни ўлдириш, ичкилик ичиш, зино қилиш, айниқса, отасига ё устодига алоқаси борлар билан муносабатни бўлса, жуда оғир гуноҳдир. Аммо валий ва ҳокимлар браҳман ва кшатридан қасос олмайдилар ва лекин молу мулкни мусодара қилиб, ўзини мамлакатдан сургун қиладилар. Агар браҳман ва кшатридан бошқалар орасида ўлдириш бўлса, ўлдирувчи кафорат беради. Лекин валийлар эса фуқаролар ўртасида ибрат бўлсин учун ўлдирувчини ўлдиришни ижро қилади.

Ўғриликка келсак, ўғирланган нарсанинг миқдорига қараб жазо берилади. Баъзан, зўр даражада ва баъзан ўрта даражада, халқларга ибрат бўлгудек, жазо бериб, гоҳо қийнаш ва товон тўлатиш лозим тутилади, гоҳо халқ ўртасига чиқариб ёйиш ва ошқора қилиб расво қилиш билангина тўхтатилади. Агар ўғирланган нарса миқдори катта бўлса, валийлар браҳманнинг кўзини ўяди ёки юқорилик ё пастлик томондан [яъни ўнг қўлини қўл кафтига қўшилган еридан ёки чап оёғининг тўлигидан] кесади. Кшатрини кейинги айтилгандек кесади, аммо кўзини ўймайди, бу икковидан бошқаларни қасос учун ўлдиради.

Зино қилган хотинларга келсак, уларни эрининг уйидан чиқариб, ҳайдаб юборилади. Ҳиндилар мамлакатидан қочиб, четга чиққан киши қайтиб ўз шаҳрига ва ўз динига келса, гуноҳкор ҳисобланиб, гуноҳини ювиш, яъни кафорат учун рўза тутиш лозим бўлади. Бу билан қутулмайди, яна уни сигир тезагини сийдиги ва сути ичига солиб, то ачигунча қўйилади ва ундан чиқариб, шунинг ичидагиларга ўхшаш ёки шунга баробар нарсалардан едирилади, деб эшитган эдим. Шу ҳақда браҳманлардан сўрасам, инкор қилиб, унга кафорат лозим эмас ва унинг қайтиб келиб аввалгидек бўлишига рухсат ҳам йўқ. Чунки браҳман бир неча кун шудра уйидан овқат еса, ўз табақасидан тушиб қолади, қайтиб ўз ўрнига ўтолмайди-ю, қайтиб келиб, қандай қилиб аввалгидек ўз ўрнида бўларди, дейишди.

## Етмиш иккинчи боб

### МЕРОСЛАР ВА УЛИҚНИНГ МЕРОСЛАРДАГИ ҲАҚИ

Уларда асл мақсад хотинларни меросдан маҳрум қилишдир. Бу мақсадга қизларгина кирмайди, чунки «Ману» деган китобларининг<sup>1</sup> ҳукмича, ўғилга бериладиган мероснинг тўртдан бири қизга берилиши керак. Агар қиз эрга тегмаган бўлса, то эрга теккунча [кийим-кечак ва емак-ичмакка керакли] нафақа берилиб борилади. Лекин эрга чиқаришда керак бўлган тўй харажатлари қизнинг ўз меросидан ушланади. Эрга боргандан кейин нафақа берилмайди.

Аммо хотин ўзини куйдиришни хоҳламасдан, дунё ҳаётини ихтиёр қилса, емак-ичмаги ва кийим-кечаги ворислар устига бўлади. Ўлган киши ўзидан бир нарса қолдирган бўлсин ё бўлмасин қарзини тўлаш меросхўрлар устига тушади [агар мерос қолса], меросдан бўлмаса, ўз молидан тўлайди. Шунга ўхшаш юқорида айтилган нафақалар ҳар қандай аҳволда бўлмасин, бари бир, меросхўр бўйнига тушади. Аммо меросни эрларга беришга эътибор берилади. Ўлган кишидан тубанга қарата бўлган ўғли ва унинг болалари юқорига қарата бўлган отаси<sup>2</sup> ва бобосидан кўра, мерос олишга ҳақлироқдир. Булардан кейин, юқоридан ва пастдан бевосита ёпишган кишилар меросга ҳақли бўлиб, ўлган кишига нисбати узоқ бўлганлардан яқинроқлари авлодир, яъни набиралардан ўғли ва бобосидан отаси авлодир. Наслнинг бошланган еридан тарқалган сингиллар ворисликда кучсизроқ бўлгани учун мерос олмайдилар. Агар яқин ворислар бўлмаса, шундагина оладилар. Бундан маълум бўладики, қизнинг ўғли [набира] сингилнинг ўғли [жиян]дан меросга ҳақли бўлиб, бу инковидан ҳам ака-уканинг ўғиллари ҳақлироқдир. Агар эр жинсидан ёки хотин жинсидан бир неча киши бўлса, мерос улар ўрталарида баробар тақсим қилинади. Ораларида хунасалари бўлса, эркаклар қаторида бўлади.

Агар ўлган кишининг меросхўри бўлмаса, қолган мулк ва молини волийнинг байтулломига [хазинасига] олади. Агар ўлган браҳман бўлса,

ундан қолган мулк ва молни волийнинг сарф қилишига йўл йўқдир. Қолган мулк ва моллари садақа учунгина бўлади. Аммо ўлишнинг биринчи йилида ўликнинг ердаги ҳақидан деб, ўн олти марта зиёфат қилиш ворисга лозим бўлган ишлардан ҳисобланади. Бу зиёфатда халқларга таом бериш билан бирга садақалар ҳам беради. Бу зиёфат ҳар ойда бир марта бўлиб, ундан бошқа, ўлган кундан бошлаб, ҳар ойнинг ўн биринчи ва ўн бешинчи кунларида ҳам қилиб туради. Олтинчи ойда қилинадиган зиёфат мўл-кўллик ва сифатининг яхшилигида бошқа ойларникидан ортиқроқ бўлади. Йил тўлишдан бир кун олдин қиладиган зиёфати ва берадиган садақаси ўликка ва ота-боболарига атаб бўлади. Йил тугаши билан ўликнинг ҳақи ҳам тугайди. Агар ворис ўғил бўлса, йил тугагунча мотам кийимларини ечмасдан, ғамгинлик билан юриб, хотиндан ҳам йироқ туриши лозим. Агар ўғил ҳалолдан бўлиб, отаси яхши ирқдан бўлса, шундай бўлиши керак.

Шуни ҳам билмоқлик лозимдирки, ўлган йилнинг аввалида бир кун ворисларга таом емак ҳаромдир. Юқорида кўрсатилган ўн олти садақадан бошқа яна ҳовли эшигининг тепасида девордан токчага ўхшатиб бир жой тайёрлаб, ўлган кундан бошлаб то ўн кунгача ҳар кун, бир лаган пиширилган таом билан бир идишда сувни у жойга қўймоқ ворисларга лозимдир. Чунки унинг руҳи ҳали бирор жойга жойлашмаган бўлиб, уй атрофида оч ва ташналикда келиб кетиб ва айланиб туриши мумкин. Суқрот ҳам «Федон» деган китобида шунга яқинроқ бир ишорат билан руҳнинг қабр атрофида ташна бўлиб, айланиб юриши баданга бўлган муҳаббатнинг қолдигидан нишон бўлса керак, деган. Суқротнинг сўзида нафс ҳақида шундай дейилган: «Бу дунёда турганда ва ўлим сабаби билан бу дунёдан айрилиб кетгандан кейин ҳам ўзига қўшиладиган ва ўзига ўрин бўладиган нарсани жасаддаги ҳар аъзодан йиғиш [руҳ]нинг одатидандир».

Сўнгра шу кунларнинг ўнинчисида ўликка атаб кўп таомлар ва совуқ сувлар садақа қилинади. Ун биринчи кундан кейин ҳар кун бир кишилик таом билан бир тангани браҳманнинг уйига юборади. Бу иш йил бўйи ҳар кун давом эттирилади ва бу ҳол йил охиригача канда қилинмайди.

ЎЛГАННИНГ ЎЗ ЖАСАДИГА НИСБАТАН ҲАҚИ  
ВА ТИРИҚЛАРНИНГ ҲАМ ЎЗ БАДАНЛАРИГА НИСБАТАН  
ҲАҚЛАРИ

Ўтмиш замонларда ўликлар жасади осмонга [очиқ ҳавога] топширилар эди. Яъни яланғоч ҳолида далага чиқариб ташланарди ва касалларни ҳам далага ва тепаларга чиқарилиб, у ерларда қолдириларди. Агар ўлса, айтганимиздек, ўша ерда қолаверарди. Агар [касал] тузалса, ўзича уйига қайтиб келарди.

283 Бундан кейин || янги йўл ижод қилувчилар ўликларни шамолга ташлашга буюрди. Шунга қараб халқ ҳозирги мажусийлар мозорига ўхшатиб, ўлик устидан ел ўтиб турадиган қилиб, тўрт тарафи панжаралик ва усти томлик навс<sup>1</sup> бино қилишга бошладилар. Норояна оловга ташлашни расм қилгунча бир мунча вақт шу ҳолда ўтиб, ўша кундан бошлаб ўликни куйдирадилар. Бу ишда ўлик кири, сассиғи ва ҳидидан бир нарса қолмасдан тезликда йўқ ва бенишон бўлиб кетади. Бизнинг замонамиздаги сақлаблар ҳам ўликларни куйдирадилар. Юнонларнинг кўмиш билан куйдириш ўртасида ихтиёрлик бўлишлари хаёлга келади. Чунки Суқрот, «Федон» деган китобида айтади: «Критон мендан сени қандай қилиб кўмамиз?»— деб сўраганида, мен айтдим: «Сизлардан қочиб кетолмаганимдан кейин мени қандай тақдирласангиз ва қандай хоҳласангиз ўшандай қилинглар».

Сўнгра Суқрот атрофидаги кишиларга қараб шундай деди: «Критон қозининг олдида менинг доимий туришимга кафил бўлган эди, сизлар Критоннинг кафиллигига қарши унинг олдида ўлимдан кейин доимий турмаслигимга, балки кетишимга кафиллик беринглар, ҳар қачон жасадимни куйдирилганини ё кўмилганини кўрса, у беҳабар қолиб, фарёд қилмасин. Балки кўникиб: «Суқрот чиқариб ташланадим, куйдириладими ё кўмиладими, деб ўлтирмасин», деган. Шунда у Критонга қараб: «Ҳой Критон, жасадимни кўмиш ҳақида кўнглингни тинчит, кўмиш маросимини ўзинг хоҳлаганингча, асосан, қонун буюрганидек қил»,— деди.

Ҳиппократ «Васиятнома»сини Жолинуз изоҳ қилганида айтган: «Диёнус ва Херакл ва булардан ҳам бошқа, халқ фойдасини кўзда тутувчи ва шу йўлда курашувчи одамлар ҳақида дейилган воқеалардан бири Асклепиус ҳақида ҳам бўлиб, у оловдан бўлган устунга тирмашиб, фаришталар томонга кетган. Чунки худо уларнинг ерга мансуб бўлган қисмларини ўт билан йўқ қилиб, ўлимни қабул қилмайдиган [руҳ] қисмини [ўзига] тортади ва нафасларини осмонга кўтаради, дейилган».

Бу сўзларда куйдиришга ишорат бор; гўёки бу куйдириш фақат катталар учунгина бўлгандайдир. Ҳиндлар ҳам худди шундай дейдилар, улар инсонда бир нуқта бор, инсон ана шу нуқта билан инсондир. Оловда куйдириш билан узвлари ешилиб, бўлак-бўлак бўлиб кетиш олдида айрилиб чиқадигани шу нуқтадир, дейдилар. Дунёдан қайтиш эса осмонга кўтарилиш, баъзи руҳнинг қуёш нурларига бўлган алоқаси билан ва баъзиси ўтнинг алангаси билан бўлади, деб ишонадилар ва баъзилари: «Худо унга тўғри йўл билан ўзига томон йўл берсин», деб дуо қиладилар. Чунки [бундай йўл] масофаларнинг энг яқини деб ҳисобланади, юқорига кўтарилишга нур ёки оловдан бўлак йўл йўқ.

Сувга ғарқ бўлганлар тўғрисида ўғуз турклари ҳам шунга ўхшаш йўл тутиб, ўлган ўликни сув лабида турган кат устига қўйиб, катнинг оёғига бир ип боғлаб, тирилганда руҳи шу билан жасадга кўтарилиб ўтсин, деб бир учини сувга ташлайдилар.

Васудеванинг бандан озод бўлувчининг белгилари ҳақида сўзлаганида: «Агар ўлим қиш билан баҳор фаслларининг бирида — ўттараянада, яъни қуёшнинг қишки туриш чоғидан ёзги туриш чоғига қадар вақт давомидаги ой бошидан тўла ойга қадар даврларда бўлиши»,— деган сўзи ҳиндларнинг ишончини янада қувватлади.

Моний || ҳам шу фикрга боради ва у ўз сўзида: «Бошқа халқлар бизни Ойга ва Қуёшга сажда қилиб, бу икковини санам ўрнида тутимизни айблайдилар, чунки улар Ой ва Қуёш ҳақиқатини билмайдилар, Ой ва Қуёш бўлса, бу оламга чиқишимизнинг йўли ва эшигидир; Исо ҳам шундек фикрда бўлган»,— деб даъво қилади.

Ҳиндлар ўликлар гавдасини оқар сувга ташлашни Буддха буюрган, дейдилар. Шунинг учун шаманиялар ўз кишиларининг жасадларини дарёларга ташлайдилар.

Аммо ҳиндлар ўлик жасадини ювиб, кафанлаб, атир сепиб, мумкин бўлса, сандал ёғочи, бўлмаса, ўтин билан куйдириб, куйдирилган суяклар кулини Ганга дарёсига олиб бориб ташлашни ўликнинг ва ворисининг ҳақидан деб биладилар. Чунки Ганга шу Сагара болаларининг куйиб кетган суяклари устидан оқиб дўзахдан қутулиб, жаннатга узатилганларидек, буларнинг суяклари устидан ҳам оқиши учун шундай қилинади, қолган кули эса сув оқадиган ўзанларнинг бирига ташлана-

ди. Куйдирилган ерда кичиккина минора шаклида қабр қилиб, устини ганчлаб қўйилади. Ёши учга тўлмаган болаларни куйдирмайдилар.

Шундан сўнг бу ишни амалга оширганлар ўликнинг, нопоклиги сабабли, икки кун давомида кийими билан ювиб ёши тўлмаганлиги учун куйдиришдан ожиз бўлиб, далага ё оқар сувга ташлайдилар.

Аммо тирик кишининг ўз жасадига нисбатан бўлган ҳақиқага келсак, ўз жасадини куйдиришга мойил бўлмайди. Лекин бева хотинлар ўз эрининг кейинидан кетишни ихтиёр қилиб қолса ёки баъзи кишилар тузалмас касалга учраб, ёки шол бўлиб, бир ерда ўтириб қолса, ё қариллик, ҳолсизликка тушиб, ўз ҳаётидан тўйиб, ўлимни ихтиёр қилиши мумкин бўлса ҳам, фазилатлик кишилар бу ишни қилмайдилар. Аммо дунёга қайтиб келганда бу турган ҳолларидан ҳам яхши ва ортиқроқ ҳолда бўлишни истаб, фазилат умид қилинган вақтларда вайшъя ё шудрагина ўлимни ихтиёр қилади. Лекин китоб ҳукми билан браҳман ва кшатрий ўлим ихтиёр қилиши жоиз эмасдир. Улардан ўзини ўлдирадиганлар шунинг учун кун тутилиш пайтида ўзини ўлдиради ёки Ганга дарёсига фарқ қилиб юборишлиги учун то ўлгунича сақлаб туришга одам ёллайди.

Жамуна дарёси билан Ганга дарёсининг қўшилиш ерида бару деб аталган дарахтнинг жинсидан Правога деб танилган улуғ дарахт бор. Унинг шохларидан икки шох пайдо бўлиб, бири бошқа дарахтлар шохидек юқорига ва бири илдизга ўхшаб, барг чиқармасдан пастга қараб ўсиши, агар ерга қараб ўсса, шох учун тирговичдек бўлиб қолиши у дарахтнинг хусусиятидан ҳисобланади ва унинг шохлари кўп тарафга ёйилиб кетганлигидан шу шаклга кирган бўлиши мумкин. Ҳиндлар бу дарахтнинг олдида ўзларини ўлдирадилар; бунинг учун улар дарахт устига чиқиб, ўзларини Ганга дарёсига ташлайдилар.

Яҳъё ан Наҳвий ҳикоя қилади: «Юнонларнинг жоҳилият давридаги қавмлардан баъзилари — мен уларни шайтонга топинувчилар деб атайман — ўз қиличлари билан ўз аъзоларига урадилар ва ўзларини оловга ташлайдилар. Лекин бу иккови билан ҳам ўзларида ҳеч қандай алам сезмайдилар».

Ҳиндлардан ҳикоя қилганимиз каби сўзларни Суқрот ҳам ифода-лаб шундай деган: «Шу кунда бизнинг бошимизга келгандек, ихтиёрсиз қолиш ва ғазабга дучор бўлиш, худо сабаб топмасдан олдин ўзини ўлдириш ҳеч бир кишига лойиқ эмас».

Яна у шундай деган: «Биз — инсон тўдаси — ҳибсда турган кишиларга ўхшашмиз. Бизга ундан қочиш ва ўзимизни бўшатиш лойиқ эмас, чунки худолар бизга ғамхўрлик қилишади, бизлар бўлсак уларнинг хизматчиларимиз».

## РЎЗА ВА УНИНГ ТУРЛАРИ ҲАҚИДА

Рўзанинг ҳаммаси ҳиндларда ихтиёрий бўлиб, ҳеч бир тури фарз [зарур]га ҳисобланмаган тоатдир. Рўза бирмунча муддат таом [емак ва ичмак]дан тўхтамақдир. Сўнгра у муддатнинг ўлчамига ва тутиш қондасига қараб || ўзгарилади.

285

Аmmo рўзанинг шу билан ҳосил бўладиган ўртача шартларига келсак, у эса рўза тутадиган кунини тайинлаб, худо учун ё фаришталарнинг бири ёки булардан бошқалари учун тутилган рўзаларда, рўза тутиш билан яқин бўлишни хоҳлаган зотларнинг исмини кўнглида сақлашдан иборатдир. Рўза тутишга ўтган киши рўза тутадиган кунидан олдинги куннинг ўртасида таом еб тишларини кавлаб, тозалаб, мисвок қилиб, эртанинг рўзасини тутишга ният қилади. Тутиш вақтидан бошлаб таом ейишдан тўхтайтиди. Рўза тутган куни тонг отган вақтда иккинчи марта тиш тозалаб ювилади. Шу кундаги лозим ишларни адо қилганидан кейин қўлига сув олиб, ҳар бир тарафига сочади. Кимга атаб рўза тутган бўлса, тилидан унинг исмини ошкора айтади, тутган куннинг эртасигача шу ҳолда туриб кун чиқар вақтида ифтор қилади; истаса кун эртасигача [ифторни] кечиктиради. Бу хилда рўза тутишни упавоса деб атайдилар, бу — рўза демақдир. Агар таом ейиш туш вақтидан то эртаси тушгача бўлса, еканакша деб атайдилар. Буни рўза дейилмайди.

Яна бир хил рўзани кричҳра дейдилар, у бўлса рўза бошлаган куни тушда таом еб, эртасига кун ботгандан кейин қизиллик ғойиб бўлган вақтда ейди. Учинчи куни ҳеч нарса емайди. Ўзи истамаган ҳолда, биров берса ейди ва тўртинчи куни ҳам рўза тутади.

Рўзадан бир хили парока деб аталади. Унда ейдиган таомини кетма-кет уч куннинг ҳар бирида туш вақтида еб, ундан кейин ейишни уч кунгача ҳар куни қуёш ботиб, қизиллик ғойиб бўлган вақтга айлантиради. Сўнгра уч кун ҳеч бир оғиз очмасдан туташ рўза тутади.

Рўзанинг чандроёна дейиладиган хилининг қондаси шундай: бунда ойнинг тўлган кунидан бошлаб рўза тугилади. Ундан кейинги кунда оғзи бир марта тўлиб чайнай оладиган миқдорда таом ейди. Иккинчи кунда шу миқдордагидан икки марта ортиқ еб, учинчи кунда уч марта ортиқ еб, Ой билан Қуёш бирлашадиган [яъни ой боши] кунига етгун-



ча шу хилда орттириб бориб, рўза тутади. Ундан кейин таом ейишнинг етган миқдоридан кейинга қайтариб, ой тўлган кунгача ҳар кун бир чайнамдан камайтириб боради.

Рўзадан бир хилини мосавоса деб агайдилар. У бўлса бир ой давомида оғиз очмай, туташ рўза тутишдан иборатдир. Бундай тутган рўзанинг савобини ўлгандан кейин қайтилган вақтдаги ойларга бўлиб берилади<sup>1</sup>.

Айтишларича, ҳар ким чайтра ойида туташ рўза тутса, бойликка етиб, болаларининг яхши бўлиши билан хурсанд бўлади.

Агар вайшокқа ойида туташ рўза тутса, ўз элларига бош ва аскарлари ичида катта бўлади.

Агар жайшитҳа ойида туташ рўза тутса, хотин олиш билан хурсандликка етишади.

Агар ошора ойида туташ рўза тутса, кенгчиликка эришади.

Агар шрована ойида туташ рўза тутса, олим бўлади ва агар бҳодрапада ойида туташ рўза тутса, тан саломатлигига, бойлик ва ботирликка етишади.

Агар ашваюжа ойида туташ рўза тутса, душманлари устидан ҳардоним ғалаба қозонади.

Агар кортика ойида туташ рўза тутса, халқ кўзига улуғ кўриниб, хоҳлаган ишига етишади.

Агар моргаширша ойида туташ рўза тутса, ўлганидан кейин кўркам ва арзончилик, мамлакатда қайтадан туғилишга етишади ва агар павша ойида туташ рўза тутса, баланд мансабларга эришади.

Агар могоҳа ойида туташ рўза тутса, ҳисобсиз молга етишади.

Агар пҳалгуна ойида туташ рўза тутса, ҳаммага муҳиб бўлиб қайтади.

Ҳар ким бир йилда фақат ўн икки марта оғиз очиб, яъни ойларнинг ҳар бирида туташ рўза тутса, жаннатда ўн минг йил туриб, ундан ша-рофатлик ва баланд даражалик бир оиллага қайтади.

286

«Вишну-дҳарма» китобида айтилишича, Жайнавалкья || хотини Майтрей эридан; одамлар нима қилса, болалари офатдан ва жисмоний нуқсонликдан қутулади, деб сўраганида, у хотинига шундай деган: «Ҳар ким павша ойининг дуве кунидан, яъни ўша ойнинг ҳар бир ярмининг иккинчи кунидан бошлаб, тўрт кун кетма-кет рўза тутиб, биринчи кунда сув билан, иккинчи кунда кунжит мойи билан, учинчида эгир [ўсимлиги] билан, тўртинчида хушбўй атирлар аралашмаси билан чўмилса, бу тўрт куннинг ҳар бирида садақа бериб, фаришталар оти билан тасбеҳ айтса ва йилнинг охиригача ҳар бир ойда шу тариқа иш қилиб борса, қайтган вақтида болалари қийинчиликка йўлиқмасдан Дилепа ва Душянта ва Жаётилар ўшандай қилиб хоҳлаган нарсаларига етишганларидек, бу ҳам ҳамма мақсадларига етишгай».

## Етмиш бешинчи боб

### РУЗА КУНЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ҲАҚИДА

Мутлақо билмоқ керакки, ҳар бир ойнинг оидинли ярмининг саккизинчи, ўн биринчи кунларида рўза тутиш бор. Аммо кабиса ойида рўза тутилмайди. Чунки кабиса ойи бекор ва наҳс ойдир.

Ойнинг ўн биринчи куни Васудевага хосдир. У Моҳўра шаҳрига подшоҳ бўлмасдан илгари, шаҳар халқи ҳар ойда бир кун Индра номига байрам қилар эдилар. Ойнинг ўн биринчисида Васудева ўз номига атаб байрам қилишга уларни мажбур қилди. Улар Васудева айтганидай қилган эдилар, Индра ғазабга келиб, Моҳўра халқининг жонлик моллари билан ҳалок қилиб юбориш учун сув тошқинидек ёмғирни юборди.

Васудева эса бир тоғни кўтариб, уларни тоғ устида тутиб турди. Тоғ билан уларни сақлади. Ёмғир эса атрофларига оқиб турганидан уларга тегмади. Индра суврати [ҳайкали] қочди. Бу воқеа Моҳўра шаҳрининг яқинидаги тоғда бўлган деб баён қилдилар. Шунинг учун агар фарз бўлмаса ҳам, фарз ўрнида тутиб, кечалари ухلامасдан, ўзини жуда покиза қилиб, шу кунда рўза тутилади.

«Вишну-дҳарма» китобида айтилишича: «Ҳар қачон ойнинг қоронғу ярмининг саккизинчи кунда манзилларидан тўртинчи манзили Роҳинеда бўлган вақти Жаянте деб аталган рўза куни бўлиб, бу кунда садақа бериш ҳамма гуноҳларга кафорат бўлади».

Билишларича, бу шарт ҳамма ойларга жорий бўлмай, фақат бҳодрапада ойигагина хосдир. Чунки Васудева бу ойнинг юқорида кўрсатилган кунда Ойнинг Роҳине манзилида бўлган вақтида туғилди.

Ойнинг қоронғи кечали кунларида Роҳине манзилида бўлиши ва йилларнинг адҳимоса ва [олдин, кейин сурилиши сабабли] Ойнинг тайин топган куни ва манзили ҳар доим шарт қилингандай тўғри келавермайди. Балки бир неча йилда бир марта [тўғри] келади.

Юқорида кўрсатилган китобда яна шундай гап бор: «Бҳодрапада ойининг ойдинли ярмининг ўн биринчи куни манзилларидан еттинчи манзили — пунарвасуда бўлган кундаги рўзани ат Тотажа деб айтилади. Бу кунда яхши ишларни қилиш худди Сагара, Какутстҳа ва Дандаҳаморалар шундай иш қилиб барча муродларига ва подшоҳликка етишганларидай, ҳамма хоҳлаган нарсаларига эришишга мумкинлик беради.

Чайтра ойининг олтинчи кунда ҳам Қуёшга атаб рўза тутилади.

Ошора ойида эса, Ой манзиллардан ўн еттинчи манзил — Анурадҳода бўлган вақтда Васудева учун девасене, яъни «дева ухляябди» деб аталган рўза тутилади. Васудева бу уйқуда бўладиган тўрт ойининг биринчи ойи ҳисобланади. Улардан баъзилари ойининг ўн биринчи кунини ҳам шартга қўшадилар.

Маълумки, бу вақтлар ҳар йилда ҳам тўғри келавермайди, ҳар ким Васудева фирқасидан бўлса, шу ойларда гўшт, балиқ ва ҳалво ейишдан ва хотинга яқин бўлишдан сақланиб, таом ейишни ҳар кун бир мартага келтиради. Остига палос || солмасдан ва ердан юқори катда ўтирмасдан [палоссиэ] ерда ўтиради.

Одамларнинг айтишларича, бу тўрт ой «фаришталар кечаси» ҳисобланиб, булардан биринчи ойининг бошидаги шафақ вақти ва кейинги [тўртинчи] ойининг охиридаги тонг отиш вақти мустаснодир. Лекин Қуёш шу вақтда Саратоннинг аввалига яқин бўлади. Бу эса «фаришталар кунининг туш вақтидир. Билолмайман, ой бу икки сандҳига қандай қилиб гуташар экан?!

Шрована ойидаги Ой тўлган кунда Соманотҳага атаб рўза тутилади.

Ашваюжа ойида Ой Саратон буржида, Қуёш эса Сунбула буржида бўлганда рўза тутилади ва бу ойининг саккизинчи куни Бҳагавати учун рўза тутилиб, Ой чиқиши билан ифтор қилинади.

Бҳодрапада ойининг бешинчи кунда Қуёшга атаб шот деб ном берилган рўза тутилиб, бу рўзада Қуёшнинг ерга тушган ва туйнуклардан ўтиб, ерни ёритган нурларига ҳар хил хушбўйликларни сурадилар ва устига райҳонлар ва чечаклар қўядилар.

Яна шу ойда Ой Роҳине манзилида бўлган муддатда Васудеванинг туғилишига аталган рўза тутилади. Баъзилари ойининг қоронғи ярмининг саккизинчи кунда бўлишини шарт қилган бўлсалар ҳам, бу шартлари доим ва кетма-кет бўлавермасдан, иттифоқо баъзи-баъзида бўлиб қолишини айтиб ўтдик.

Қорттика ойида Ой манзилларидан охири Реватида бўлганда Васудеванинг уйқудан туришига аталиб деоттҳене, яъни «деванинг туриши» деб ном берилган рўза тутилади. Баъзилар ойининг ойдинли ярмининг ўн биринчи кунда бўлишни ортиқча деб шарт қиладилар. Бу кунда ҳиндлар сигирнинг ҳўл тезагкни устларига суриб, ўзларини булға-

тиб, сигир сути, сийдиги ва тезагини аралаштириб ифтор қиладилар. Бу кун бҳешма панчаратри деб аталган беш куннинг аввалги куни бўлиб, бунда Васудева учун рўза тутадилар. Иккинчи кунда эса, браҳманлар оғиз очгандан кейин бошқалар оғиз очадилар.

Павша ойининг олтинчисида Қуёшга атаб рўза тутадилар.

Могҳа ойининг учинчи куни хотинларнинг ўзлари рўза тутадилар. Бу куни эрлар рўза тутмайдилар. Буни кавратр деб атайдилар. Бу рўза бир кеча-кундуз бўлиб, тонг отганда хотинлар [эрларнинг] яқин қариндошларига ҳадя берадилар.

### БАЙРАМЛАР ВА ТАНТАНАЛАР ҲАҚИДА

Жатра деб сафарда шоду ҳуррамлик билан юришга айтилади. Шунинг учун байрамни жатра деб атайдилар. Кўпинча [ҳинд] байрамлари хотинлар, болалар учун бўлади.

Чайтра ойининг иккинчи куни Қашмир халқининг агдўс деган байрами бўлади. Бу байрамга сабаб подшоҳлари Миттайнинг турклар устидан ғалаба қозонганидир. Улар ўз подшоҳлари [Миттай]ни дунёнинг ҳаммасига эга деб тушунадилар. Кўп подшоҳлар ҳақида ҳам шундай тушунчада бўлишлари одатдир. [Бунинг устига] унинг [ҳокимият] тарихини яқин қилиб кўрсатадилар, ана шунда худди биз айтгандек ёлгонлари ошқора бўлиб қолади. Юнонлар, румлар, бобиллилар форслар [дунёни] истило қилгандек, ҳиндлар ҳам [дунёни] истило қилишлари мумкин. Лекин кўп тарихий воқеалар бизга маълум бўлганидан уларнинг бўлиб ўтганлиги бизга аниқ. Зикр қилинган подшоҳ [Миттай] бўлса, ҳинд ерининг ҳаммасига эга бўлган, холос. Ҳиндлар ўз ерларидан бошқа ерни ва ҳинд халқидан бошқа халқларни танимайдилар.

[Бу] ойнинг ўн биринчи кунини ҳиндоле — чайтра деб атайдилар. Бу кунда Девагриҳага, яъни Васудева ибодатхонасига йиғилишиб, болалик кунларида беланчақда тебратилгандек, ҳайкалинини тебратадилар. Шунга ўхшашни уйларида кун бўйи ижро қилиб, хурсандлик қиладилар. Бу ойнинг ўн тўртинчи кунини баҳанд деб атайдилар. Бу бўлса хотинлар учун байрам бўлиб, [хотинлар] зийнатланиб ясанадилар ва эрларидан ҳадялар талаб қиладилар.

Чайтра ойининг йигирма иккинчи куни чайтра-чашати деб аталади. Бҳагавати шаънига аталган байрам ва шодлик куни бўлиб, бу кунда одамлар чўмилади ва садақа беради.

288 Вайшакҳа ойининг учинчи куни || хотинлар учун байрам бўлиб, буни гауретритъя дейилади, бу байрам Ҳимавант тоғининг қизи Гауре шарафига бағишлангандир. Бу эса Маҳодева хотинидир. Бунда хотин-

лар ювиниб, ясанадилар, Гауре санамига сажда қиладилар, олдида чирроғ ёқиб, яқинига хушбўй нарсалар қўядилар ва ҳеч нима емасдан арғимчоқ учиб ўйнайдилар. Эртаси кунни садақа беришиб, таом ейдилар.

Вайшакҳа ойнинг ўнинчи кунни подшоҳ браҳманларни чақиради ва ҳозир бўлганлари далага чиқиб, қурбонлик қилиш учун то ой тўлгунча беш кун жуда зўр олов ёқадилар. Далада олов ёқадиган ерлари ўн олти ўринда бўлиб, ҳар тўрт ўринда алоҳида бўлади. Оловга қурбонлик қилишга ҳар бир тўрттага биттадан браҳман бошчилик қилади. Чунки «Веда» бўйича [ўша ўн олти ўринда] албатта тўрт киши бўлиши лозим. Сўнгра ўн олтинчи кунни қайтишиб кетишади.

Бу ойда кўкламнинг кеча билан кундуз баробарлиги бўлиб, уни васанта деб айтилади. Одамлар, уни ўз ҳисоблари билан тайинлаб байрам қилиб, [у кунда] браҳманларни зиёфат қиладилар.

Жайшитҳа ойнинг биринчи кунни, у бўлса бирлашиш кунни [яъни Қуёш билан Ойнинг бир томонда бўлган вақти — бир ой тугаб, иккинчи ойнинг туғилган кунни] бўлиб, бир кунда байрам қиладилар, янги чиққан экинларни табаррук қилиб сувга соладилар. Бу ойнинг тўлган кунни хотинлар учун байрам кунни бўлиб, уни рўпа-панча дейилади.

Ошора ойнинг ҳаммаси садақа бериш учун бўлиб, уни оҳоре деб ҳам атайдилар. Бу ойда идишларни янгилайдилар. Шрована ойнинг тўлган пайтида браҳманлар учун зиёфат тайёрланади.

Ашваюжа ойнинг саккизинчи кунни, Ой ўз манзилларидан ўн тўққизинчи манзил — Мўлада бўлиб, шакарқамишни сўриш бошланишида Васудева синглиси Маҳонаваме шарафига байрам қилиниб, Бҳагавати деган санам яқинига ҳар бир янги чиққан нарсалардан: шакарқамиш ва бошқалардан олиб келиб қўядилар. Унинг олдида кўплаб садақа бериб, улоқлар сўядилар. Ҳеч нимаси йўқ одам санам олдида ўлтирмасдан тикка туради, кўпинча йўлиққан [ҳайвонни] ўлдиради.

Ўн бешинчи кунда, Ой охириги манзили Реватида бўлганда Васудева шаънига аталган пуҳой байрами бўлади, чунки бу Васудевани тоғаси Қанса кураш учун чақирган кунни бўлиб, бу кунда [ҳиндлар] бир-бирлари билан курашиб, ҳайвонлар билан ўйнайдилар.

Бу ойнинг ўн олтинчи кунни ҳам байрам бўлиб, буида браҳманларга садақа берадилар.

Яна бу ойнинг йигирма учинчисида ашока байрами бўлиб, буни оҳой ҳам дейишади. Бу кунда Ой еттинчи манзили — Пунарвасуда бўлиб, бу байрам хурсандлик қилиб кўнгил очиш, бир-бирлари билан кураш тушиш учун бўлади.

Бҳадрапада ойида, Ой ўнинчи манзили Магҳога ўтганда байрам қиладилар, уни питрипакша деб атайдилар. Бу эса оталарнинг ярим ойи демакдир. Чунки Ойнинг бу манзилда бўлиши Ой билан Қуёшнинг

бирлашувига яқин бўлганда оталар исмига атаб ўн беш кун садақа берадилар.

Бҳадрападанинг учинчи кунда хотинлар учун ҳарболе байрами бўлади. Бундан бир неча кун илгари занбил, саватларга ҳар хил уругликларни экади ва ўша кунгача қўқартириб қўйиб, устига гул ва хушбўй нарсаларни сочиб, тун бўйи ўйин-кулгу қилиш хотинларнинг одатларидан бўлади ва тонг отганда уларни ҳовузларга олиб келиб, ювниб, ўзлари ҳам чўмилиб, садақа берадилар.

Бҳадрападанинг олтинчи кунини гайҳат деб атайдилар. Бу кунда [камбағал ва қашшоқларни] тўйдирадилар.

Саккизинчи кун тўла ойнинг ёруғлигига нисбатан икки марта кам бўлиб, [бу кун] байрамини дҳрувагриҳа деб атайдилар. [Бу кунда] қуйнишиб, болаларининг саломат бўлиши учун униб чиққан довларни ейдилар. Хотинлар эса ҳомиладор бўлиш ва бола топиш ниятида бу кунни байрам қиладилар.

289 Бҳадрапада 11 ойнинг ўн биринчи кунини парвате деб атайдилар. У бўлса ибодатхона хизматчисининг ўзига ҳадя қилиб берилган нарсадан ишлаган ипнинг номи бўлиб, унинг бир қисмини заъфаронлаб, бошқа қисмини ўз ҳолида қолдиради. Улчамини Васудева санами бўйи баробарида ўлчаб, сўнгра бўйнига оседи. У то оёғигача тушиб турадиган бўлиши лозим. Бу жуда катта байрам ҳисобланади.

Бу ойнинг ўн олтинчи кун ойнинг қоронғи ярмининг аввалидир. Илгариги етти куннинг исми карора бўлиб, бу вақтда болаларни ясатиб, уларга атирлар сочиб, ҳар турли ҳайвонлар билан ўйнайдилар. [Қароранинг] еттинчи кунда эрлар ясаниб, байрам қиладилар. Ойнинг қолган кунларидаги ҳар бир куннинг охирида, болаларни [қайтадан] ясатиб, браҳманларга садақа бериб, хайрли ишларни бажо келтирадилар.

Агар Ой, тўртинчи манзили бўлган Роҳинеда бўлса [у чоғни] гўнолаҳед деб атайдилар. Бунда уч кун байрам қилиниб, Васудева туғилганлигига севинч ва хурсандликларини билдириб, тантаналар ўтказадилар.

Жевашарманнинг ҳикоя қилишича, Кашмир халқи бу ойнинг йнгирма олтинчи ва йнгирма еттинчи кунларида гана деган ёғоч бўлақларининг Адҳиштхона қишлоғи ўртасидан ўтадиган Витасто дарёсининг суви устида шу икки кун ичида оқиб келиши сабаби билан байрам қиладилар. Улар дарёдаги сувни Маҳодева юборди, деб ўйлайдилар. У ёғоч бўлақларининг хусусиятлари шуки, агар биров қўл узатиб, уни ушламан деса, туттишга қурби етмайди, чунки у туртиниб-суртиниб, узоқлашиб кетади, деб даъво қиладилар. Аммо мен кўрган кашмирлилардан билишимча, [оқиш] вақти ва жойи тўғрисида буларнинг фикри бир-бирига хилофдир. Улар Витасто дарёсининг чиқадиган ерининг чағида,

Кўдайшаҳр деган кўлда бўлади, деб даъво қиладилар ва бу ёғоч келиш вайшакҳа ойининг ўртасида бўлади. Чунки бу сувнинг кўпаядиган вақти бўлганлиги учун [бу сўз] ақлга яқинроқдир. Бу [ёғоч оқиб келиш], худди Журжоннинг чашма — манбанда сув кўпайиб, тошқин бўлган вақтда ёғоч пайдо бўлганига ўхшашдир.

Яна Жевашгарманнинг айтишича, Сувот худудининг Кирий ўлкаси тоғларининг яқинида бир водий бўлиб, ўша жой эллик уч ариқнинг қўшилган еридир. Уни Гранжой деб атайдилар. [Юқорида айтилган] икки кунда суви оппоқ бўлади. Бунини Маҳодева қўйинишига нисбат берадилар.

Корттика ойининг биринчиси, мезон буржида [Ой билан Қўшнинг] бирлашган кунда бўлиб, [у кунни] деbole деб атайдилар. Унда қўйинишиб, зийнат асбобларини тақиб, ясанадилар. Бир-бирларига танбул ва фуфал баргларини беришиб, ундан кейин девагриҳаларга садақа бериш учун отланадилар. Кун ярмигача хурсандлик билан ўйнашиб, шу кун кечаси ҳамма ерларга жуда кўп чироғ ёқадилар. Бунинг сабаби шуки, Васудеванинг хотини Лакшми еттинчи қават ерда қамоқда бўлган подшоҳ Вирочана ўғли Балини ҳар йили шу кунда бўшатиб, дунёга чиқаради. [Бу байрамни] балирожа деб айтилади. Бу эса Бали амирлиги демакдир. Улар «Бу яхшилик замони критажуга даврида бўлган. Биз мана шу кунимизнинг ўша замондагига ўхшашига хурсанд бўламиз»,— деб даъво қиладилар.

Бу ойда ойнинг тўлган кунни тугагандан кейин, ойнинг қоронғи ярмининг ҳамма кунларида зиёфатлар тайёр қилиб, хотинларни зеб-зийнатлар билан ясатадилар.

Моргаширша ойининг учинчи кунини гувонаботрежо деб айтилади. У яна Гауре шарафига хотинларнинг байрам [кунни] бўлиб, хотинлар орасидаги бой оилалар уйига йиғилишиб, кумушдан ясалган Гауре санамларини курсилар устига йиғишиб, атир сочиб хуш бўйлаб, бутун кечаси ўйин-кулги қилиб, эрта || туриб, садақа берадилар. Бу ойнинг тўлган кунда яна хотинларнинг байрами бўлади. 290

Павша ойига келганда, бу ойнинг кўпроқ кунларида ширин ейимликлардан пўхавални кўп тайёрлайдилар.

Бу ойнинг ойдинли ярмидаги саккизинчи кунини аштака дейилади. Бу кунда браҳманларни боста, яъни сармоқдан тайёрланган таомга йиғадилар ва уларга ҳадялар берадилар.

Бу ойнинг қоронғи ярмининг саккизинчи кунини шакортан дейилади. Бу кунда шолғом ейдилар.

Мағҳо ойининг учинчи кунини моҳгатрижа дейилади, бу кунда хотинлар учун Гауре шаънига аталган байрам бўлиб, Гауре санами ён-бери-сидаги катталар уйига йиғилишиб, Гауре санами олдига ранг-баранг қимматбаҳо кийимлар, атир ва хушбўй нарсалар, озода пиширилган таомларни қўядилар ва ҳар бир йиғилишларида бир юз саксон дона сув



идишида сув тўлдириб совигунча қўйиб, совигандан кейин шу кечани тўртга бўлиб, ҳар бир бўлагида бир марта қўйиниб, эрта билан садақа бериб, тўй ва зиёфатлар тайёрлайдилар. Бу ойнинг ҳамма кунларида хотинларнинг совуқ сув билан қўйинишлари одат бўлиб, ойнинг охириги йигирма тўққизинчи куни, кечанинг учдан бири қолганда, яъни кечадан бир соат, ўн икки минут қолганда, [тонг палласида] ҳаммалари сувга тушиб, етти марта шўнғийдилар.

Бу ой тўлган кунни чомоҳа дейилади. Бунда баланд жойларда ўтлар ёқилади.

Бу ойнинг йигирма учинчи кунини монсартагу ва моҳотан деб ҳам айтилади. Бу кунда йирик қора мош ва гўшт билан зиёфат тайёрлайдилар.

Пҳалгуна ойининг саккизинчи кунини пурортаку дейилади. Бу кунда браҳманлар учун ундан ва ёғдан ҳар хил таом тайёрлайдилар. Ойнинг тўлган кунини хотинлар байрами бўлиб, буни овдод ва дҳола ҳам дейилади. Бу кунда чомоҳа [байрамида] ёқилган жойлардан пастроқ жойларда ўт ёқиб, қишлоқнинг сиртига ҳам ўт ташлайдилар.

У кечадан кейингиси, яъни ўн олтинчи кеча шиваротри дейилади, бунда улар тун бўйи Маҳодевага хизмат қилиб, бедор бўлиб ухламайдилар, унга хушбўй атир ва райҳонлар ҳадя қиладилар.

Яна [шу ойнинг] йигирма учинчисини пўваттон дейилади. Бу кунда гуручни сариг.ёғ ва шакар билан пишириб ейдилар.

Мўлтон шаҳрининг ҳиндлари Қуёш шаънига байрам қилиб, уни Сомба пураётра деб атайдилар, у кунда Қуёшга сажда қиладилар. Вақтининг белгилаш усули шундай: «Қҳандакҳадяка» [қоидаси]ча, ахаргонани олиб, ундан 98040 ни айириб, қолдигини 365 га бўлиб, бўлинмага эътибор қилинмайди. Бўлинганда ҳеч нима қолмаса, унда шундай байрамнинг куни бўлади. Агар қолдиқ бўлса, у байрамдан кейин ўтган кунлар бўлиб, қолдиқни 365 га тўлдирувчи сон эса, келажак йилгача ўтар кунлар [сони]дир.

УЛУҒ КУНЛАР ВА САВОБ ОЛИШГА БЕЛГИЛАНГАН БАХТЛИ  
ВА НАҲСЛИ КУНЛАР ҲАҚИДА

Кунлар уларга бериладиган сифатлар сабаби билан бир-бирларидан афзал бўлиб, якшанбага ўхшаш улуғланади, чунки якшанба Қуёш куни бўлиб, ҳафтанинг боши бўлганлигидан, мусулмонларда жума куни улуғ тутилгандек, ҳиндларда якшанба улуғ тутилади. Яна улуғ кунлардан бири авомаса ва пўрнима, яъни [Ойнинг Қуёш билан] бирлашиш ва қарши [тўлин ой] туриш кунларидир. Икковини улуғлаш сабаби шуки, [биринчида] Ойнинг ёруғ сирти йўқ бўлади ва [иккинчисида] тўлиқ ёришади. Бу [ёруғ сирт]нинг ортиб ва камайиб боришида шундай эътиқодлари бор. || Браҳманлар савоб учун олов қурбонлигини ижро этишларида ўтга ташлаш билан едириб турган садақалардан бўлмиш фаришталарнинг насибалари Ойнинг бирлашиш [куни]дан қарши туришигача [15 кун] тўпланиб боради. Кейин қарши туриш [ой тўлиш] кунидан бошлаб, бирлашиш кунигача фаришталарга насибалар улашилади, лекин насибалардан қолдиқ қолдирилмайди.

Илгари, ойнинг бу икки вақтлардан [бири] оталарнинг кундуз ўртаси ва кеча ўртасидир, деб айтган эдик. Бу иккала вақтда оталар учун садақа берилади.

Бундай кунлардан 4 таси улуғ ҳисобланади, уларнинг таъкидлашича, ҳозирги чатуржугадаги 4 жугадан ҳар бирининг аввали шулардан бошланади.

[1] Вайшакҳа [ойи]нинг учинчи куни бўлиб, кшайрето дейилади. [Ҳиндлар] критожуга шу кундан бошлаб кирган, деб таъкидлайдилар.

[2] Корттиканинг 9-кунида третожуга бошланган.

[3] Мағҳонинг 15-кунида двопара кирган.

[4] Ошваюжанинг 13-кунида калижуга кирган.

Гумонимча, бу кунлар жугалар номига қўйилган байрамлар бўлиб, садақалар бериш учун ёки насароларнинг диний маросимларига ўхшаш баъзи маросимларни адо қилиш учун тайинланган. Бу кунларда

жугаларнинг ҳақиқатан киришига ишонч йўқ. Лекин критожуга ўрни маълумдир; чунки унинг боши Қуёш ва Ой даврларининг бошланиш чоғидир. Уларда каср бўлмайди, чунки у чатуржуга бошланиши бўлиб, чайтра ойининг боши ҳам баҳорги тенг кунлик вақтидир. Бошқа жугалардан ҳар бири ҳам шундай [вақтда бошланади]. Улардан ҳар бирининг қанча [кунлиги] авторлар фикричадир; масалан, Браҳмагупта назарича, чатуржугада: 1 577 916 450 тулуий кунлар; 51 840 000 шамсий ойлар; 1 593 300 адҳимоса ойлар; 1 602 999 000 ой кунлари; 25 082 550 ўнаротра кунлари бор.

Бу сонларга асосланиб календарь [вақтлари кунларга] таҳлил этилади ва тескарича [кунларидан календарлар] таркиб этилади. Унингча [ҳар бир] жугадаги шундай сонлар ўнликдир, [яъни 10 га бўлинганда] бўлинма бутун [сон] чиқади. Жугаларнинг бошланиш вақти чатуржуга бошланиш вақтидекдир. Пулсча назарича, чатуржугада: тулуий кунлар — 1 577 917 800; шамсий ойлар — 51 840 000; адҳимоса ойлар — 1 593 336; ой кунлари — 1 603 000 010; ўнаротра кунлари — 25 082 280 дир.

Демак, Пулисанинг фикрича, уч сонларидан ҳар бири тўртликларга асосланган. Бу сонлардан ҳар бирининг чораги бутундир.

Жугаларнинг бошланиш чоғи чатуржуга бошланиш чоғидек, яъни ҳар бирининг боши чайтра [ойи] бошидан ва баҳорги тенг кунликдан ташқарига чиқмайди; фақат ҳафта кунларида ҳар хил келади. У [тўрт кун]нинг зикр этилишларига арзийдиган вазн йўқ, улар маъно чиқариш учунгина олинган.

Савоб [олиш] вақтлари уларча пунаякола дейилади. Балабҳадра «Қҳандакҳадяка»га қилган шарҳ — тафсирида шундай деган: «Агар бир киши жугадек зоҳид бўлса, яъни худони таниса, яхши ишларни қилиб, ёмон ишлардан қочса, бу одатини минг йиллар давом эттирса, унинг олган савоби пунаяколада садақа бериш, ғусул қилиш, баданини мойлаш, намоз ўқиш, тасбеҳ ўгириш кабиларни қилган киши савобига этишмайди».

Юқорида баён этилган байрам кунларининг кўпи, шубҳасиз, шундай [савоб олиш] чоғларига киради. Чунки у байрамлар ҳам || садақа ва зиёфатлар бериш учундир. Агар у байрамларда шундай [савоб] умиди бўлмаса, унда кўнгил очиш ва хурсандлик қилиш яхшига ҳисобланмас эди.

Аммо пунаяколалар шунчалик бўлса ҳам, бахтли чоғлари бўлиши билан бирга наҳслари ҳам бор. Бахтли чоғлардан планеталарнинг, айниқса, Қуёшнинг бир бурждан иккинчисига кўчиш вақти санкронте деб аталади.

Уларнинг яхшироқлари иккита тенг кунлик ва иккита Қуёш туриши кунларидир; вақтларнинг энг яхшиси баҳордаги тенг кунлик [кеча-кундўзнинг баробарлиги] бўлиб, у биху ва шибу дейилади ва бу икки сўз

бир-бирининг ўрнига ҳам ишлатилаверади, бир-бирдан олдинма-кетин ҳам келаверади. Бу вақтлар [жуда тез]ўтиб кетиши ва шу вақтлар ичида олов учун сонта деган қурбонлик қилиниб, [оловга] ёғ ва донлар сочинга тўғри келгани учун ҳиндлар у вақтларни кенглик эгаси қилиб, Қуёш жирмининг шарқий чеккаси бурж аввалига теккан пайтни у вақтларнинг боши, ўша бурж аввалига Қуёш маркази тўғри келган пайтни бу ҳисоб билан кўчиш вақти — у вақтларнинг ўртасидир, Қуёш жирмининг ғарбий чеккаси ҳалиги бурж аввалига теккан пайтни у вақтларнинг охири, деганлар. Демак, бу вақт аввалидан охиригача қуёш ҳисобида қарийб икки соат бўлади.

Ҳиндларда Қуёшнинг бир бурждан иккинчисига ўтиш вақти ҳафтанинг қайси кунига тушишлигини билиш усуллари бор. Уларнинг бирини Самая менга мана шундай айтиб берган эди: «Шакаколадан 847 ни айириб, қолдиғи 180 га кўпайтирилади; кўпайтма 143 га бўлинади. Бўлинма эса кунлар ва [куннинг] минутлари ва секундлари бўлади. Бу асл сондир. Шу [берилган] йилда Қуёшнинг буржга [ҳафтанинг қайси кунига] кўчишини [билишни] исталса, у [буржнинг] тўғрисидаги [сонлар]га асл [сонлари] бобларининг ҳар бири ўз бобига, яъни кунлар кунларга, минутлар минутларга, секундлари секундларга қўшилади. [Йиғиндидан] 7 ва ундан ортиғи ташланади. Якшанбадан бошлаб, қолган сонча саналса, [сон] битган чоғ санкронте вақтидир.

Буржлар	Аслига қўшиладиганлар		
	кун	гхате	чашака
Ҳамал	3	19	0
Савр	6	17	0
Жавзо	2	43	0
Саратон	6	21	0
Асад	2	49	0
Сунбула	5	49	0
Мезон	1	14	0
Ақраб	3	6	30
Қавс	4	34	30
Жадди	5	54	0
Далв	0	30	0
Хут	2	11	20

Қуёш йиллари [га келсак] бир қуёш йили ўзидаги ҳамма ҳафталар кунларидан бир бутун ва унга оид каср [кун] ортиқ. [Бутун билан каср]

икковининг аралаш касрга айлантирилгани [сурати] кўпайтирувчи бўлиб, махражи эса бўлувчидир. Бу ҳисоблашга қараганда у [каср]  $\frac{37}{143}$  бўлади; шунга қараганда қуёш йили 365 кун  $15' 31'' 28''' 6''''$  дир. Бу [каср]ни бир бутунга тўлдириш учун  $\frac{102}{143}$  етишмайди. Бу қонда кимники экан, била олмадим.

Чатуржуга кунларини Браҳмагулта назариясидаги йиллар саноғига бўлинса, қуёш йилининг 365 кун  $15' 30'' 22''' 30'''' 0''''$  лиги чиқади. Де-  
293 мак, гунакора, яъни кўпайтирувчи 4 027 || аммо бҳогаҳора, яъни бўлувчи 3 200 бўлади; [чунки 1 кун  $15' 30'' 22''' 30''''$  эса  $\frac{4027}{3200}$  га тенг]. Пулса назарича, қуёш йили 365 кун  $15' 31'' 30''' 0''''$  дир. Шунга қараганда гунакора 1007, бҳогаҳора 800 бўлади. Орябҳата назарича, қуёш йили 365 кун  $15' 31'' 15'''$ , гунакора 725, бҳогаҳора 572 кун бўлади. Пулса назариясига асосланган [қуйидаги] ҳисоблашни менга Саҳове ўғли Авлиатга айтиб берди. У шундай:

Шакаколадан 918 ни айириб, қолдиқни 1007 га кўпайтирилади. Кўпайтмага 79 ни қўшиб, йигинди 800 га бўлинганда чиққан бутун сонлардан 7—7 лар айириб борилса, кейин асл сон қолади. Бу [асл] ҳар бир буржга тегишли; бу жадвалдаги қўшимчалар, илгариде айтилган тартиб билан [қўшилади].

Буржлар	Аслига қўшилади-гани	
	гхате	кун
Ҳамал	1	35
Савр	4	33
Жавзо	0	39
Саратон	4	37
Асад	1	6
Сунбула	4	6
Мезон	6	31
Ақраб	1	23
Қавс	2	41
Жадди	4	10
Далв	5	37
Ҳут	0	28

Бароҳамиҳиранинг «Панча-сиддиҳонтика»да таъкидлашича, шазо-шетимуҳа фазилатда санкронтега тенглашади, [байрам вақтларда] савоби бениҳоят кўп, улар эса Қуёшнинг Жавзо буржнинг  $18^\circ$  сига кириш

[вақти], Сунбуланинг 14° сига, Қавснинг 26° сига, Ҳутнинг 22° сига [кириш вақтидир].

Буржларнинг шу аниқланган [жоёларига] Қуёш кўчганда ҳосил қилинган савоб бошқаларниқидан тўрт марта ортиқдир.

Бу вақтларнинг ҳар бири учун Қуёшнинг [кўринма] радиусига асосланиб, [ҳалигидек даражалардан бирисига] Қуёш [тўғарагининг кирганидан чиққунича] ўтилган вақт ҳисобланади. Ҳисоблаш усули. Қуёш тутилган вақт учун тутилишнинг бошланиш пайтидан сиртининг тугал очилгунича ўтган вақтни ҳисоблашга ўхшайди. Буларнинг ҳаммаси зиждлардан маълум. Уларнинг бизга қизиқарли бўлганини ёки уни билсак ҳам «Синдиҳинд» китобидан бошқаларидаги ҳисоблаш йўллари-дан хабарсиз бўлган ватандошлар учун келтираемиз.

Қуёш ва Ой тутилган вақт муқаддас вақтлардан бўлиб, улар фикрича, Ер юзидаги сувларнинг ҳаммаси Ганга дарёсининг сувидек пок бўлади. Бу икки хил тутилиш чоғини улуғлашлари шу даражага етадики, ҳиндлардан аллақанчаси шундай фазилатли вақтда ўлишни яхши деб, ўзларини ўлдирадилар. Лекин бу ишни вайшъя ва шудра қилади. Браҳман ва кшатрийга эса ўзини ўлдириш ман қилинган бўлиб, иккови буни қилмайди. Парва вақтларида, яъни тутилишнинг бўлиши даврида тутилиш бўлмаса ҳам, фазилатли вақт ҳисобланади. Жуга вақтлари ҳам тутилиш вақтлари сингаридир; жугалар учун айрим боб бор<sup>1</sup>.

Бир тулуий кун ичида, Ой бир манзил охирида бўлиб, кейингисига ўтса ва унинг ҳаммасини кезиб, учинчисига ўтишга муваффақ бўлса, яъни ўша куннинг ўзидаёқ кетма-кетли бўлмиш уч манзилда бўлса, шундай [кун] триҳаспака || ва яна триҳаркаша дейилади.

294

Уни наҳсга ҳисоблаб, шум [кун] дейдилар ва у пунякола кунлари жумласига киради. Бир қамарий куннинг охирини, кейинги қамарий куннинг ҳаммасини, яна ундан кейингининг аввалини ўз ичига олган тулуий куннинг ҳоли ҳам шундай бўлиб, траҳагаттата дейилади. У наҳс ҳисобланади, савоб олиш учун танланган кун бўлади. Кунларнинг ўнаротрасидан, яъни нуқсонидан йиғилишлар бир кунга тўлган чоғ наҳс бўлиб, пунякола жумласидан ҳисобланади. Браҳмагупта қоидасича, 62 [бутун] кун ва [сурати] 50 663 тулуий кунда [яъни 62<sup>50663</sup>/<sub>55739</sub>] 62 [бутун] ва [сурати], 182 шамсий кунда [яъни 62<sup>182</sup>/<sub>55739</sub>] 63 [бутун] ва сурати тулуий-даги суратдек бўлганда [яъни 63<sup>50663</sup>/<sub>55739</sub>] ўнаротра бир кунга тўлади, шу уч миқдордан ҳар бирининг махражи 55739 дир. Пулиса фикрича, тулуий ва қамарий [бутуни юқоридагидай бўлиб] сурати 63379 бўлади, шамсий сурати эса 274, буларнинг ҳаммасининг махражи 69673 дир.

Аммо адҳимосага [келсак], унинг бир ойга тўлиш чоғи наҳс бўлиб, у пунякола кунларига кирмайди. Браҳмагуптача, унинг бир ойга тўл-

гунича  $990 \frac{3663}{10622}$  тулуий кун,  $976 \frac{464}{5311}$  шамсий кун,  $1006 \frac{464}{5311}$  қамарий кун ўтади. Бунга нисбати баъзи вақтлар наҳсли бўлиб, ер қимирлаш вақти сингари ишларидан бирортаси билан нишонлайди. Ҳиндлар шундай вақтлардан жирканиб, шумлик изини йўқотиш учун уй идишларини ерга уриб синдирадилар.

«Сангҳита» китобида айтилишича, қаттиқ товуш таъсирида гулдурашлар, учар «юлдузлар» тушиши, осмоннинг қизариши, яшин тушиш, думли «юлдузлар» пайдо бўлиши ва табиий бўлмаган ва одатдагидан ташқари ҳодисалар содир бўлиши, йиртқич ҳайвонларнинг қишлоқларга кириши, ёмғирнинг ўз вақтидан бошқа вақтда ёғиши, дарахтларнинг ўз вақтига хилоф равишда барг ёзиши, йилнинг олтидан бир фаслидаги ўзига хос ҳолатини бошқасига кўчиши ва шуларга ўхшаш ҳодисалар вақти наҳсдир. Маҳодевага нисбатан берилган «Срўзава» китобида айтилишича: «Куйган кунлар, яъни наҳс кунлар қуйидагилар: чайтра ва павша ойининг ойдин ҳам қоронғу ярмининг иккинчи куни, жайшитҳа ва пҳолгунанинг иккала ярмининг тўртинчи куни, шрована ва вайшакҳанинг иккала ярмининг олтинчи куни, ошора ва ашваожанинг иккала ярмининг саккизинчи куни, моргаширша ва бҳодрападанинг иккала ярмининг ўнинчи куни, корттиканинг иккала ярмининг ўн иккинчи куни» дир.

ҚАРАНАЛАР ҲАҚИДА

Биз титҳи деб номланган қамарий кунларини баён қилиб ўтдик. Албатта, ой кунини тулуий кундан кичикдир, чунки қамарий ой 30 та қамарий кун бўлиб, бу эса 29 ярим тулуий кундан салгина ортиқдир. Ҳар бир куннинг биринчи ярми кундуз деб, иккинчи ярми кечаси деб айтилгандек, Ой ойининг ҳам биринчи ва иккинчи ярми учун махсус ном бор. Иккала ярми қарана дейилади. Бир марта келиб иккинчи қайтарилмайдиган исмлар тўртта бўлиб, улар бирлашишга яқин бўлади. Улардан ҳар бири ойда бир марта келадиган, кундуз ва кеча бўйинча ўрни силжимайдиган бўлганидан турғун деб айтилади. Лекин улардан даврий бўлганлар, ойда саккиз марта келадиганлари қўзғалувчан дейилади. Улардан фақат ё кундузи, ё кечаси келадигани еттита бўлиб, энг кейинги — еттинчиси [бава] наҳс ҳисобланиб, у билан ёш болаларни қўрқитадилар, унинг отини эшитган болаларнинг сочи оқариб кетармиш. Улар [қараналар] ҳақида бу китобдан бошқасида ёздик.

Ҳиндларнинг математика || китобларидан бирортаси улар баёнисиз 295 бўлмайди. Уларни билмоқчи бўлсанг, энг илгари ой кунларини аниқлаб чиқиб, берилган вақт чоғини уларнинг қайси бирида бўлишини бил. У шундайки, Ой узунламасидан Қуёш узунламаси айирилса, икковининг оралиги [неча градуслиги] чиқади. Агар айирма 6 бурждан [180° дан] кам бўлса, вақтнинг [ойнинг] оқлик ярмидадир. Агар ортиқ бўлса, қоронғилик ярмидадир. Кейин у [даражалар]ни минутларга айлантириб, уларни 720 га бўл, бўлинма титҳа бўлиб, ойнинг тўла кунларидир. Қолдиқни 60 га кўпайтириб, кўпайтмани тўғриланма бўқтига бўл. Бўлинма ҳателарни ифодалайди. Бундан қолгани чала кундан ўтганидир.

Ҳиндларнинг зижларидаги усули ана шундай. [Мазкур] икки узунламалар айирмаси тўғриланма бўқтига бўлиниши, кунлар саноғи кўп бўлган ҳолда дуруст бўлмайди. Ундай ҳолда икки ёритгичнинг кунлик тезликлари айирмасига бўлишга тўғри келади. Ойнинг [кунлик] тезлиги 13 даража, Қуёшники эса бир даражадир. Бундай масалада



ҳиндларга махсус усуллардан яхшиси ўртача тезликни ишлатишдир. Қуёшнинг ўртача ўрни Ойнинг ўртача ўрnidан олинади. Қолдиги 732 га бўлинади, бу эса икковининг ўртача бҳуктилари айирмасидир, бу кунлар ва ғхателарни ифодалайди.

Бухт уларнинг сўзларидан бўлиб, [асли] бҳукти [кунли] ҳақиқий тезлик — бҳукти-спҳута, ўртачаси эса бҳукти-мадҳияма ва тўғрилан-ма бухт — бҳукти-антара дейилади. Бу [кейинги] иккала бҳукти айирмасидир.

Камарий ойи кунларининг исмини мана шу жадвалда кўрсатдим. Агар сен ўзинг яшаган ой кунининг номини билсанг, унинг ёнида [кун] исмини ва тўғрисида қарана исмини топасан. Агар чала кундан ўтгани яримдан кам бўлса, қарана кундузга тегишлидир, ортиқ бўлса, кечасига тегишлидир.

Уша жадвал мана шу:

Ёруғ ярми				Қоронғи ярми				Умумий қараналар	
ра-қам-лари	исмла-ри	кун-ла-ри	исмла-ри	кун-ла-ри	исмла-ри	кун-ла-ри	исмла-ри	кундуз-да	кечасида
1	Амамо-сьё	0	0	0	0	0	0	Жазу-шипаз	Нага
2	Барқху	0	0	0	0	0	0	Кинс-туғҳна	Бава
3	Бия	10	Навин	17	Барқху	24	Астин	Болава	Клавлава
4	Трия	11	Даҳин	18	Бия	25	Навин	Тайти-ла	Гара
5	Чаут	12	Воҳе	19	Трия	26	Даҳен	Баниж	Вишти
6	Панче	13	Дувоҳе	20	Чаут	27	Йоҳе	Бава	Болава
7	Сат	14	Троҳе	21	Панче	28	Дуво-ҳе	Кавла-ва	Тайтила
8	Сатен	15	Чавда-ҳе	22	Сат	29	Троҳе	Гара	Баниж
9	Атен	16	Пурни-ма Пан-чаҳе.	23	Сатен	0	0	Вишти	Бава
0	0	0	0	0	0	30	Чавда-ҳе	Вишти	Шакуни

Улар одатлари бўйича [қараналардан] баъзиларига эга таймн қилганлар. Астрологик ҳукмларга ўхшатиб, улардан ҳар бирининг давомида нималарни бажариш [ва бажармаслик] га эҳтиёж борлигини

ёзганлар. Агар биз уларни бу жадвалда кўрсатсак ва [юқорида] айтганларимизни таъкидласак, ноаниқликларни такрорласак, маълумотимиз кенгайди, чунки билим қайтариш ва такрорлаш мевасидир. ||

Ойнинг иккита ярмидан	Караналар исми	Эгалари	Ҳукмлар ва булардан ҳар бирида бажарилиши лозим ишлар
Қоронғисида	шакуни	Кали	Даволаш, илонларни авраш, сеҳрлаш, маслаҳатлар бериш, санамлар олдида ўқишларни бажариш яхшидир
Ёруғида	жазушпаза	Савр буржи	Подшоҳларни тахтга ўтказиш, отабоболар номига садақалар бериш, тирикчилик ишларида тўрт оёқли ҳайвонларни ишлатиш учун
	нага	Илон	Уйланиш, иморатлар пойдеворини қуриш, илон чаққанларга қараш, одамларни огоҳлантириш, қўрқитиш ва уларни тутиш учун
	кинстугҳна	Шамол	Ҳамма ишлар учун ёмон, бироқ никоҳланишга етиштирадиган ишлар, соябонлар ясаш, қулоқлар тешиш, [умуман] яхши ишларни бажариш лозим

Еттита даврли караналар

Ойнинг иккита ярмидан	Караналар исми	Эгалари	Ҳукмлар ва булардан ҳар бирида бажарилиши лозим бўлган ишлар
	бава	Шукра	Бу қаранада санкронте бўлса, у „ўтирувчи“ бўлади, мевалар мўл бўлиб, уларга офат етади, сафарга чиқиш, иморатларни қуришга бошлаш учун хайридир. Ўзини покизалаш, семиришга доволаниш — ҳозирлик кўриш, браҳманларнинг олов қурбонликларини ўтказиш яхши

[Ой-нинг] қоронғи ва ёруғ [кечалари]	балава	Бароҳим	Бунда санкронте бўлса, бу ўтирувчи бўлиб, мевалар учун яхши эмас; охи-рати учун савоблик ишларни бажариш керак
	каувлава	Миттра	Бунда санкронте бўлса, бу қўзғалиш-ли бўлиб, экинлар яхши ўсиб, сершар-батли [сувли] бўлади, дўстлик алоқа-сини бошлашга сазовордир
	тайтилла	Аржуман	Бунда санкронте бўлса, экин ерлари кенгайиб, арзончилик бўлиб, турли ўт-ларни сиқиб, улардан дори ва хушбўй нарсаларни яратиш яхши
	гара	Парвата	Бунда санкронте бўлса, экин ерлари кенгайиб, арзончилик ҳукм суради. Донларни кўпроқ сочиб, уйларни қу-риш яхши
	баниж	Шре	Бунда санкронте бўлса, қўзғолишли бўлади. Экинлар, донлар сермахсулот беради. Савдо ишлари учун хайридир
	виште	Марут	Бунда санкронте бўлса, экин ерлари кенгайиб, арзончилик, фаровончилик бўлади. Шакарқамишни сиқишдан бош-қа ишларни бажаришликка маслаҳат берилмайди. У наҳсли бўлиб, сафарга чиқишлик яхши эмас

297 || Ҳисоблаш билан [қараналарни] билмоқчи бўлсанг, Ойнинг узунла-масидан Қуёш узунламасини айириб, қолдиқни минутларга айлантир, кейин уларни 360 га бўл; шунда бутун қараналар чиқади. Қолдиқни 60 га кўпайтириб, тўғриланма бҳуктига бўлсанг, чала қаранадан ўтгани чиқади. Ундан ҳар бири ярим гхатедир.

Энди бутун қараналарга қайтилади. Агар, у икки ё [иккидан] кам бўлса, вақтинг улардан иккинчисидадир; уларга бирни қўшиб, ча-зушпазадан бошлаб, йигинди сон қадар санаб чиқ. Агар қараналар саноғи 59 бўлса, сен турган вақт шакуни бўлади. Бундан кам ва икки-

дан ортиқ бўлса, уларга бирни қўшиб, йнғиндидан 7—7 ларни ташлаб бор, қолдиги 7 дан ортиқ бўлмаган сон қадар қўзғалувчан давр бошидан, вақтингда чала бўлган карана исмига тўхталасан.

[Караналар] ҳақида эсдан чиқиши мумкин бўлган баъзи нарсаларни, агар истасанг эслатиб қўяман; шуни билиб қўйки, ал Қиндий<sup>2</sup> ва унга ўхшаганлар [караналар] ҳисоблашнинг изоҳида четга чиққанлар; ҳисоблаш усулини кимлар томонидан берилишини аниқлай олмаганлар; уларни бир гал ҳиндларга ва бир гал Бобил аҳлларига нисбат берганлар, кейин уларни [усулларни] бир-бирига солиштириб, тартибга солиб, аслига нисбатан яхшисини берганлар. Бу усул шундай:

Улар бирлашиш чоғидан ярим кун кейинги вақтни бошланғичга қабул қилганлар, биринчи ярим кун 12 соатга айлантирилган, бу вақт Қуёшга тегишли бўлиб, куйдирувчи ва наҳслидир. Кейинги ўшанчаси [яъни 12 соат] Зуҳрага, ундан кейингиси Уторидга ва ҳоказо тегишли бўлиб, фалаклар тартиби бўйича навбат яна Қуёшга келади. Уша 12 соатни «албист соати» дейдилар, бу эса вишти деганидир.

Лекин ҳиндлар вақтларни тулуий кунлар билан ўлчамай, қамарий кунлар билан ўлчайдилар; бирлашиш чоғига яқин бўлган ҳалиги куйдирувчи вақтдан бошламайдилар. Улар ал Қиндий ўлчашича, [Ойнинг] Муштарий билан бирлашишдан кейин бошлайдилар. Шунинг учун Қуёш навбати куйдириш вақтидан четда бўлади. Агар Қуёш билан бирлашишдан кейин ҳинд усули билан бошланса, бишти соати Уторид учун бўлади. Шунинг учун [ал Қиндийча] бу тартиб бир хил, [ҳиндларча] бошқача бир хилдир.

Бир ойда 8 та вишти бор; уфқнинг [асос] томонлари ҳам 8 та. Биз у ҳақда ҳиндларнинг айтганларини [шу] жадвалга ёзамиз. Астрологлар ўша ёритгичлар ва буржларининг учдан бирида тулу этувчилар шакл — сувратларини кўрсатишда ҳиндларнинг шу айтганларига муҳтож бўладилар. ||

298

Рақамлари	Ойдаги ўринлари	Вишти исмлари	Чиқадиган томони	Вишти сифатлари ва аҳволлари	Срузавадаги исмлар
Биринчи	Бешинчи титҳи кечаси	Шулпи	Шарқ	Уч кўзли, бошидаги сочлари қамишдек тикка, бир қўлида темир найза, иккинчисида тез оқар сувдек ҳаракат қилувчи қора илон, тили узун; бу кунда урушдан бошқа ишларни бажариш маъқул эмас, унда ишланадиганлар алдаш ва бўямачиликдан иборатдир	Вадовамуқха

Иккинчи	Тўққизинчи титҳи кундузи	Жамдуд	Айшана	Қўлида яшил қилич ушлаганнинг ўрни, гулдираб чақмоқ чақиб, совуқ турғизган булут ичидадир. Бу вақт доривор ўсимликларни узиш, дориларни ичиш, савдо қилиш ва олтиндан [зийнат асбобларини] ясаш яхшидир	Билва
Учинчи	Ўн иккинчи титҳи кечаси	Гхура	Шимол	Қора юзли, лаблари қалин, кўзлари қабоғи билан ёпиқ, бош сочлари осилган, новча ва кун бўйи отда юрувчи, қўлида қиличи бор, одамларни емоқчи бўлади, оғзидан олов чиқиб туради ва бо-бо-бо деб [овоз чиқариб] туради. Унинг вақти уруш, ўлдириш ишини йўқотиш, бузуқ хотинларни ўлдириш, касалларни даволаш ва илонларни чиқариш учун яхши.	Гхура
Тўртинчи	Ўн олтинчи титҳи кундузи	Настаринша	Воява	Унинг бешта юзи ва ўнта кўзи бор; бу вақт қўзғолончиларни бошиш ва уларга яширинча аскарларни юбориш учун яхши, лекин уларнинг чиқар жойига юбормаслик керак	Қрола
Бешинчи	Ўн тўққизинчи титҳи кечаси	Доруни	Ғарб	Тутунли оловдек, уч бошли, ҳар бирида учта айланувчи кўзли, ҳурпайган сояли, одам бошига ўлтириб, момақалдиरोқдек гулди ровчи, одамларни ейиш учун ғазабланиб турувчи, бир қўлида пичоқ ва иккинчисида болта ушлаб турувчидир	Жвола

Олтинчи	Йигирма учинчи титҳи кундузи	Гиёли	Найрриге	<p>Ранги оқ, уч кўзли, филга минган, афтини ўзгартмайдиган, бир қўлида катта харсангни, иккинчисида темир важа [пичоқ] ни ушлаган; қаршисига чиққан ҳайвонларга ўшани отиб киради; кимки, унинг чиқиш томонига [орқасига] ўтиб уришса, енгади. Дори ўтларини териш, конларни чиқариш, унинг зарур бир талабини қондиришда тесқари қарамаслик керак</p>	
Еттинчи	Йигирма олтинчи титҳи кечаси	Баҳаёмани	Жануб	<p>Ранги оқ кристалдек, бир қўлида уч айрили парашвада, иккинчисида тасбеҳ ушлаган, осмонга қараган ҳолда „ҳа-ҳа-ҳа“ деб бақиради, [ўзи] ҳўкизга миниб олган. Бу вақтда болаларни мактабларга киргизиш, тинчлик учун шартнома тузиш, садақалар бериш ва [умуман] эзгу ишларни бажариш яхши</p>	Коларотри
Саккизинчи	Ўттизинчи титҳи кундузи	Биката	Ағния	<p>Тўти сингари, писта тусли, башараси қийшиқ, уч кўзлик, бир қўлида илмоқли гурзи ва иккинчисида ўткир ханжар бор, курсисига ўтирганда „со-со-со“ деб, одамларни қўрқитади. Унинг вақтида ишларни бошлаш гуноҳдир, бироқ қариндошларига хизмат қилиш, уй ишларини бажариш яхши</p>	

ЖУГАЛАР ҲАҚИДА

299 || Жугаларни ҳиндлар жуда ҳам наҳс вақтлар деб, уларда иш қилишни ман этадилар. Жугалар кўп, уларни ҳозир айтамыз.

Лекин [ҳиндлар] уларнинг иккитасида фикрлари бир хил бўлган. Улар қуйидагилар: [I] икки катта ёритгич [Қуёш ва Ой] симметрик оғиш чизиқларда, яъни икковининг оғиши бир-бирига тенг ва бир жиҳатда бўлса, бундай жойланишлар виятепота дейлади. [II] Иккови бир-бирига қарама-қарши оғиш чизигида бўлиб, оғишлари бир-бирига баробар ва турли жиҳатда бўлса, бу вайдиҳрита дейлади. Биричининг аломати шуки, Ҳамал бошидан [баҳорги кеча-кундузнинг баробарлиги] ҳисоблашда иккала ёритгич узунламалари йиғиндиси 6 буржга тенг, иккинчида эса бундайлар йиғиндиси 12 буржга тенг бўлади.

Агар берилган вақт учун улар узунламалари йиғиндиси икки аломатдан бирига тўғри келса, у ҳолда бу вақт икки жугадан бириники бўлади; агар йиғинди аломат миқдоридан кам ёки ортиқ бўлса, бу йиғинди билан берилган вақтга тегишли айирма ҳисобланади. Зижларда Қуёш ва Ойнинг бирлашиш ва қарши туриш вақтини ҳисоблаш сингари, бу икки ёритгич бҳуктилари йиғиндисига асосланиб тўғриланма бҳукти топилади.

Берилган вақтнинг тушдан ёки ярим кечадан узоқлик вақти [Қуёшнинг соат бурчаги] маълум бўлса, буларнинг бири билан [Қуёшнинг] ўртача вақти учун узунламаси топилади. Ой эса Қуёш юрар буржлар фалагида [эклиптикада] юрмайди. Лекин мазкур матлуб вақт унга [Қуёшга] тегишлидир. Лекин Ой кенгламага эга [яъни у умуман эклиптикадан ташқаридадир]. Бу икковининг узунламалари тенг бўлганда ҳам, уларнинг битта оғиз чизигида бўлмаслиги мумкин. Шундайлигидан мазкур ўрта вақт учун Қуёш ва Ой жойлари [узунламалари], Жавзаҳр [Ой орбитасининг кўтарилиш тугуни узунламаси] ҳисобланиб, улар воситасида Қуёш ва Ой оғиши топилади.

Агар бу оғишлар баробар бўлса, мазкур вақт топилмоқчи бўлганнинг ўзидир. Агар тенг бўлмаса Ойнинг оғишига қаралади. Агар Ой кенгламаси оғишдан ортиқ бўлса, Ой кенгламаси Қуёш оғишидан олинади; агар кенгламаси оғишидан кам бўлса, у ҳолда кенгламаси Қуёш оғишига қўшилади. Кейин чиққан [даража] оғишларнинг кардажот [жадвали] воситасида ёйга айлантирилади; бу ёйни эса сақланади. Бундай жадваллар «Қаранатилака» зижда ишлатилган.

Кейин, Ой ўрнини кузатиш ўрта вақтда белгиланади; агар Ой эклиптикада бўлиб, тоқ номерли чораклар [дан бири] да, яъни баҳорги ёки кузги [кеча-кундуз тенглиги нуқтасига яқин] бўлса ва оғиши Қуёшникидан кам бўлса, бу ҳолда иккала оғишнинг тенглашиш вақти изланган вақт бўлиб, ўрта вақтдан кейиндадир. Агар [Ой] оғиши [Қуёшникидан] ортиқ бўлса, у ўрта вақтдан олдинда бўлади, яъни илгари ўтади.

Жуфт номерли чоракларда бунинг тескариси бўлади.

Кейин, Пулиса икки ёритгич [Қуёш ва Ой]нинг внятепотада жиҳатлари ҳар турли бўлганда ва вайдҳритада бир жиҳатли бўлганда, улар оғишини қўшган; внятепота бир жиҳатли бўлганда ва вайдҳритада ҳар турли жиҳатда бўлганда иккови оғишлари айирмасини билган. Булар дилда сақланувчилар бўлиб, ўрта вақт учундир.

Кейин, кун дақиқалари чорак кундан кам бўлса, мошога айлантиради ва булар учун иккала ёритгич бҳуктиларидан жавзаҳр [ўрни]. уларнинг ҳаракатлари ҳисобланади. Булар воситасида ўтган ва келажак ўрта вақт учун уларнинг жойлари ҳисоблаб топилади. Булардан дилдагининг иккинчиси ҳисобланади. Бу билан ўтган ва келажак ҳолдини аниқлаб, уни ўрта вақт билан солиштирилади. Агар баробар оғишлар вақти ҳар икковида ҳам ўтган ёки келажак бўлса, ёдда сақланганлар айирмаси бўлиш бўлагидир, лекин бирида ўтган, иккинчисида эса келажак бўлса, иккала ёдда сақланганлар йиғиндиси бўлиш бўлагидир. Кейин ёзилган кун дақиқалари || биринчи сақланувчига кўпайтирилиб, кўпайтма бўлаги — жузъига бўлинади; бўлинма ўрта вақтдан узоқликнинг дақиқалари бўлади; улар ўтганники ё келажакникидир. Шу равишда, икки оғиш тенг бўлгандаги вақт маълум бўлади.

Аммо, «Қаранатилака» зижда шундай [ёзилган]: дилда сақланган оғиш ёйига қаралади. Агар Ой узунламаси уч бурждан кам бўлса, у худди керак бўлганидир, агар ортиқ бўлса, олти бурждан айирилади; агар [олти бурждан] ортиқ бўлиб, тўққиз буржгача бўлса, олти бурж қўшилади. Агар тўққиз бурждан ортиқ бўлса, ўн икки бурждан айирилади. Кейин Ойнинг иккинчи жойи топилади. У, Ойнинг тақсим — календарь вақтига тегишли жойи билан солиштирилади. Агар ойнинг иккинчи ўрни бундан кичик бўлса, икки оғишнинг тенг бўлиш вақти бундан кейин бўлади, агар ортиқ бўлса, илгари бўлади. Кейин Ойнинг ик-

300



ки жойи айирмаси Қуёшнинг бҳуктига кўпайтирилиб, кўпайтма Ой бҳуктига бўлинади; агар Ойнинг иккинчи [жойи] биринчисидан ортиқ бўлса, чиққани Қуёшнинг календарь вақтига тегишли жойинга қўшилади; агар Ойнинг иккинчи [жойи] биринчисидан кам бўлса, Қуёшникидан айирилади.

Кейин, икки оғишнинг тенг бўлиш вақти учун Қуёш жойи топилади. Топиш учун Ойнинг икки жойи айирмаси Ой бҳуктига бўлинса, кун дақиқалари чиқади, улар узоқликни [кўрсатиш] учундир. Улар воситасида бу икки ёритгич жойи Жавзаҳр ва икки оғишиш ҳисобланади, оғишишлар бир-бирига тенг бўлиб чиқса, изланган ҳисоблаш [янги топилганлар билан] қайтадан бажарилади.

Қайтариш [оғишлар] тенг бўлиб чиққунича бажарилади. Кейин вақт аниқланади. Ундан кейин, иккала ёритгичнинг миқдорлари ҳисобланиб, икковининг йиғиндисидан ярми ташланса, иккала миқдор ярми қолади. [Бу қолдиқ] 60 га кўпайтирилиб, кўпайтма муаддил бҳуктига бўлинганда тушишлик [тутилиш бошидан ўртасигача] дақиқалари чиқади. Аниқ вақт уч жойга ёзилиб, тушишлик дақиқалари биринчисидан айирилади ва охиригисига қўшилади, биринчи [айирма] виятепоте ёки вайдиҳирита тутилишининг бошланиш вақти, иккинчиси [тутилиш] ўртасининг вақти, учинчиси эса тугаш вақтидир.

Бундай ҳисоблашлар [усулини] теорема ва исботлари билан [маҳсус] китобда муфассал бердик. У [китоб]ни «Хаёл ал кусуфайн<sup>1</sup>» деб номладик ва уни Сиёвапала ал Кашмирий учун тузилган «Кҳандак-ҳодияка арабий»<sup>2</sup> номли зижимизда аниқлаб бердик.

Аммо Бҳаттила эса ўша икки [хил тутилиш] кунни наҳс деб ҳисоблайди. Лекин Бароҳамиҳира, ҳисоб билан чиқарилган тутилишлар муддатинигина наҳс дейди ва уни кийикнинг ўқ тегиб заҳарланган ярасига ўхшатади, [заҳар яранинг] атрофидан четларга ёйилмайди, заҳарланган жойи кесилиб ташланса, зарари тугайди.

Пулисанинг Парошарадан қилган ҳикоясича, ҳиндлар виятепоталар саногини манзилларга қараб кўпайтирганлар. Бу саноқнинг кўпайтирилишига Парошаранинг баёни асос бўлган. Нав эса манзиллар билан кўпаймайди, фақат унинг айрим бўлақларигина кўпаяди, холос. [Бу ҳақда] браҳман Бҳаттила ўз зижидида шундай деган:

«Унда саккизта вақт бор. Улардан ҳар бирида иккала ёритгич узунламаларининг йиғиндилари бир-бирига тенг бўлади.

Улардан биринчисига [тегишли бўлак] бакшўта бўлиб, чекларининг оралиги — меъёри тўрт бурж.

Иккинчиси ганданта, меъёри тўрт бурж ва  $13\frac{1}{3}$  даража.

Учинчиси лота ва у мутлоқ виятепота, унинг меъёри 6 бурж.

Тўртинчиси жоса, меъёри олти бурж ва  $6\frac{2}{3}$  даража.

Бешинчиси барҳ [вариш] кўпинча барҳвиятепота дейлиб, меъёри етти бурж ва  $16\frac{2}{3}$  даража.

Олтинчиси коладанда, меъёри саккиз бурж ва  $13\frac{1}{3}$  даража.

Еттинчиси виёкшоту, меъёри тўққиз бурж ва  $23\frac{1}{3}$  даража.

Саккизинчиси вайдҳрита, меъёри 12 бурждир.

Булар машҳурлари бўлиб, лекин учинчи ва саккизинчи сингари қонунга киритилмаган. Улар учун тушишлик дақиқалари асосида муддат ҳам аниқланмай, [ҳисоблаш бизга] номаълум [усул] биландир. Масалан, Бароҳамиҳиранинг айтишича, виёкшоту ва бакшота муддати бир мўҳўрта бўлиб, гандонте ва барҳ муддати эса икки мўҳўртадир. Кейин, ҳиндлар [бу масалани] фойдасиз ажратишларни бериб чўзганлар. Биз буларни ўша китобда бердик.

«Қаранатилака» зижида жугаларнинг 27 та эканлиги айтилган. Уларни ҳисоблаш [шундай]:

Қуёш узунламаси Ой узунламасига қўшилса || ва йиғинди минутларга айлантрилиб, 800 га бўлинса, бутун жугалар чиқади. Қолдиғи 60 га кўпайтрилиб, кўпайтма иккала ёритгич бҳуктилари йиғиндисига бўлинади; бўлинма кун дақиқаларни бўлади. Бўлинмага эргашувчи [каср] чала жугадан ўтганидир. Аммо, исмлари ва сифатларини Шриполадан кўчириб ёзиб олганларим мана шу жадвалда кўрсатилган.

Йиғирма етти жугалар жадвали

Рақамлари	Исмлари	Яхшилик ва ёмонлик	Рақамлари	Исмлари	Яхшилик ва ёмонлик
1	Вишкамбҳа	яхши	15	Важра	ёмон
2	Прети	яхши	16	Сиддҳи	яхши
3	Ражакама	ёмон	17	Канната	ёмон
4	Савбҳогья	яхши	18	Варива	ёмон
5	Шубҳана	яхши	19	Паригҳа	ёмон
6	Атиганда	ёмон	20	Шива	яхши
7	Сукарма	яхши	21	Сиддҳа	яхши
8	Дҳрити	яхши	22	Содҳия	ўрта
9	Шула	ёмон	23	Шубҳа	яхши
10	Ганда	ёмон	24	Шукра	яхши
11	Вриддҳи	яхши	25	Бароҳим	яхши
12	Дҳрува	яхши	26	Индра	яхши
13	Вёгҳота	ёмон	27	Вайдиҳирити	ёмон
14	Харшана	яхши			

## ҲИНД АСТРОЛОГИЯСИНИНГ БОШЛАНҒИЧ АСОСЛАРИ ВА УНДАГИ УСУЛЛАРГА БУЛГАН ИШОРАТ ҲАҚИДА

Бу мамлакатдаги авторларимиз ҳинд астрологияси усулларини билмайдилар, ҳатто уларнинг бу ҳақда ёзилган бирор китобидан хабардор эмаслар. Шунинг учун, ўз усулларини уларникига мувофиқ деб гумон қилиб, биз ҳиндларда учратмаган нарсаларимиз ҳақида ҳикоя қиладилар. Юқорида ҳар бир нарса ҳақида озгина гапирганимиздек, бу бобда ҳам уларнинг фикрларини билдирадиган ва тушунилиши осон масалаларни кўрсатамиз, чунки бу ҳақда етарли даражада 302 сўзлашга киришсақ гап узаяди. ||

Мақсадимиз [астрология] шохобчаларининг [ҳаммасини] сўзламай, гапни қисқартишдир. Аввало, билиш керакки, зажр<sup>1</sup> фаросат билан бир нарсани билиш ва вожиб акси каби кўп ҳукмларда хулосани чиқаришда — суянганлари [биринчидан], ер юзидаги [баъзи] ҳодисалардир. Иккинчидан, олам фазосидаги ёритгичлар ҳодисаларидир.

Албатта, планеталар етгита бўлиб, бу ҳақда биз билан ҳиндлар орасида хилоф йўқ. Планеталарни граҳа дейдилар. Бу ёритгичларнинг баъзилари фақат бахтли бўлиб, улар учтадир: Муштарий, Зуҳра ва Ой. Булар саумъя-граҳа дейилади. Учаси мутлақо бахтсизлик [ёритгичлари] бўлиб, крураграҳа дейилади. Булар: Зуҳал, Миррих ва Қуёшдир. Бош, планета бўлмаса ҳам, бахтсизлик қаторига киради. [Планеталардан] биттасининг сифати ўзгариб туради. У, бахт [ёритгичи] билан бирликда ё бахтли, ё наҳс бўлади. У эса Уторид бўлиб, ёлғиз ҳолида бахтликдир. Планеталар сифатини шу жадвалга ёздик [449—452-бетларга қаранг]:

Планеталарнинг улуғлик ва кучлик мартабаларини билдирадиган бу жадвалдан мақсад шунки, баъзи икки планета далилликда бир-бирига тенглашади, қувватликда баробарлашади. Демак, ишонч сон ҳам баробар, у икковидан қайсиси бу жадвалда илгари бўлса, ўша олдинга қўйилиб, у улуғроғи ёки кучлироғи ҳисобланади.

Планеталарнинг номи	Қуёш	Ой	Миррих	Уторид	Муштарий	Зуҳра	Зуҳал
Бахтлиникими ёки наҳслиникими	Наҳслиники	{Бахтлик билан} бирлашганда бахтлик; ойнинг биринчи ўн кунда уртача, иккинчисида бахтлик, охиригисида наҳслик	Наҳслиники	Ёлғиз узи булганда бахтлик, кейин бошқаси билан бирлашганига қараб бўлади.	Бахтлиники	Бахтлиники	Наҳслиники
Унсурларга далиллиги	—	—	Олов	Тупроқ	Осмон	Сув	Шамол
Эркаклик ёки кечаликка далиллиги	Эркак	Хотин	Эркак	Эркак ҳам, хотин ҳам эмас	Эркак	Хотин	Эркак ҳам, хотин ҳам эмас
Кундузлик ёки кечаликка далиллиги	Кундузлик	Кечалик	Кечалик	Кеча-кундузлик	Кундузлик	Кундузлик	Кечалик
Томонларга далиллиги	Шарқ	Шимоли Шарқ	Жануб	Шимол	Шимоли Шарқ	Шарқ ва Ғарб орасида	Ғарб
Рангларга далиллиги	Мис ранг	Оқ	Оч қизил	Баргикарам	Тилла ранг	Ҳар хил ранг	Қора

авсумларга далиллиги		Барша	Гришма	Шарад	Хеманта	Басантра	
таъмларга далиллиги	Аччиқ	Шур		Ҳамма таъмларнинг аралашгани	Ширин	—	
Маъданларга далиллиги	Мис	Биллур	Тилла	Марварид	Кумуш, буқувватли тилла	Дур	Тер
Йим-кечакларга далиллиги	Қалин	Янги	Куйган	Ҳул	Янги билан тутилган орасида	Тузук	Куй
Фаришталарга далиллиги	Нема	Амбу—сув	Агни-олов	Бароҳим	Маҳодева	Индра	
Касталарга далиллиги	Кшатрийлар ва бошлиқлар	Вайшийлар ва бошлиқлар	Кшатрийлар ва лашкарбошилар	Шудралар ва шаҳзодалар	Брахман ва вазирлар	Брахманлар ва вазирлар	
Ведаларга далиллиги	—	—	Самаведа	Атхарвана-веда	Ригведа	Яжурведа	

Қомилдорлик ойлари	Туртинчи ойда суяклар қотабошлайди.	Бешинчи ойда тери кўринади	Иккинчи ой, бунда бачадондаги [бола] зич кўриниш тусини олади	Еттинчи ой, бунда бола етилабошлайди ва унга эс киради	Ўнинчи ой, бунда органлар тараққиётти бошланади	Биринчи ой, бунда уруғ билан ҳайз қони аралашади	Олт ой, соч	
Учта биринчи] кучга эга хулқлар	Сатъя	Сатъя	Тамалар	Режалар	Сатъя	Режалар	Та	
Мўра	Дустлари	Муштарий, Миррих, Ой	Қуёш, Уторид	Муштарий, Қуёш, Ой	Қуёш, Зухра	Қуёш, Ой, Миррих	Зухал, Уторид	Зу, Уте
Шатри	Душманлари	Зухал, Зухра	Унга душман планета йўқ	Уторид	Ой	Зухра, Уторид	Қуёш, Ой	Ми Ой, Ку

Миқдорнинг куп-озлиги	1	2	6	5	4	25	7
Шадаё йилла- ри	19	25	15	12	15	21	20
Найсаргҳа йиллари	20	1	2	9	18	20	50

Ҳомиладор хотинларнинг ойлари жадвалнинг энг кейинидадир. Улар эрлик сувининг бачадонга тушганига саккизинчи ойи бўлганда толе [нома] белгилайдилар. Қориндаги бола шу ойда латиф озуқларни ўзига олади, агар шуларни тугал олиб туғилса, бола яшаб боради. Тугал олмасдан туғилса, камчилик сабабли ўлади, дейдилар. Тўққинчи ойни Ой учун, ўнинчини Қуёш учун белгилайдилар. [Боланинг] қоринда туриши ўн ойдан нарига ўтмайди, деб даъво қиладилар; иттифоқо ўтса, бунга шамолдан бирор офат теккан дейдилар. Эрлик сувининг бачадонга тушган вақт ҳисоб воситасида || топилмай, хабардан маълум бўлса, планеталарнинг ўша вақтдаги аҳвол ва қувватларига қараб навбатдаги ойлар воситасида ҳукм чиқарадилар.

Уларда [планеталарнинг] дўстлик ва душманлиги «хона эгалари» қуввати сингари жуда кучлидир. Баъзан, вақтда асл табиатини ўзгартади. Бунга [қувватга] ва йилларга тегишли мисоллар кейин келади. Буржларнинг 12 талигида, улардаги юлдузларнинг кетма-кетлигида ва эгаликлариди улар билан бизлар ўртамизда хилоф йўқ. Ҳамма буржларга хос аҳволни шу жадвалга ёздик:

Буржлар	Ҳамал	Савр	Жавзо	Саратон	Асад	
Эгалари	Миррих	Зухра	Уторид	Ой	Қуёш	
Шарафлар	Шараф	Қуёш	Ой	0	Муштарий	0
	Даража	10	3	0	0	0
Мулатрикуна эгалари	Миррих	Ой	0	0	Қуёш	
Эркаклик ва хотинлик жинси	Эркак	Хотин	Эркак	Хотин	Эркак	
Бахтлик ва наҳслик	Наҳслик	Бахтлик	Наҳслик	Бахтлик	Наҳслик	
Ранглар	Қизғиш	Оқ	Яшил	Сарғиш	Қорамтил	
Томонлар	Шарқнинг ўзи	Шарқи Жанубий	Жануби Фарбий	Фарби Шимолий	Шимоли Шарқ	
Чиқиш ҳолати	Оғма	Оғма	Ёнига	Оғма	Тиккаси-га	

304

305

Айланадиган тур- гун ёки бир неча жисмлилар		Ҳаракат- чан	Қўзғал- мас	Ҳаракат- чан ва ик- кови бир- га қўзғал- мас	Ҳаракат- чан	Қўзғал- мас
Баъзилар фикри- ча кечалик ёки кундузлик		Кечалик	Кечалик	Кечалик	Кечалик	Кундуз- лик
Баданнинг булак- ларига далиллиги		Бош	Юз	Елкалар ва қўллар	Кўкрак	Қорин
Сунбула	Мезон	Ақраб	Қавс	Жадди	Далв	Ҳут
Уторид	Зуҳра	Марс, Миррих	Мушта- рий	Зуҳал	Зуҳал	Мушта- рий
Уторид	Зуҳал	Миррих	0	Миррих	0	Зуҳра
15	20	0	0	28	0	27
Уторид	Зуҳра	0	Мушта- рий	0	Зуҳал	0
Хотин	Эркак	Хотин	Эркак	Хотин	Эркак	Хотин
Бахтлик	Наҳс- лик	Бахтлик	Наҳслик	Бахтлик	Наҳслик	Бахтлик
Ҳар хил ранг	Қора	Тилла ранг	Кодб Алҳр <sup>а</sup>	Ола	Жигар ранг	Кул ранг
Жануб- нинг узи	Ғарб- нинг узи	Шимол- нинг узи	Жануби Шарқий	Ғарби Жанубий	Шимоли Ғарбий	Шарқи Шимолий



Тиккаси-га	Тикка-сига	Тиккаси-га	Оғма	Оғма	Тиккаси-га	Тиккаси-га
Ҳаракат-чан ва ик-кови қўз-галмас	Ҳара-катчан	Қўзгал-мас	Ҳаракат-чан ва иккови қўзгал-мас	Ҳаракат-чан	Қўзгал-мас	Ҳаракат-чан ва иккови бирга қўз-галмас
Кундуз-лик	Кун-дузлик	Кундуз-лик	Кечалик	Кечалик	Кундуз-лик	Кундуз-лик
Киндак	Киндак ости	Закар ва фарж	Сонлар	Тиззалар	Болдир-лар	Қадамлар
Йилнинг олтидан бирлари		Васанта	Гришма	Гришма	Варша	Варша
Юлдуз туркум-лари		Қуй	Савр [ҳўкиз]	Қулида қубиз ва чўп ушла-ган ки-ши	Саратон	Асад
Жинслари		Тўртта оёқликлар	Тўртта оёқлик	Инсий ик-ки оёқлик	Қуруқ ва сувлик	Тўртта оёқлик
Жинсларига кўра кучли вақт-лари		Кечаси	Кечаси	Кундузи	Сандҳи [ғира-шира]	Кечаси

Шарад	Шарад	Хеманта	Хеманта	Шишера	Шишера	Васанта
Қулида бошоқ-сунбула ушлаган жувон	Мезон	Ақраб	Боши от, юқориси одамга ўхшаган	Боши эчкига ўхшаш шаклли сув	Қайиқ сингари	Қушалоқ балиқ
Икки оёқлик	Икки оёқлик	Қуруқ ва сувлик	Биринчи ярми икки оёқлик, иккинчиси тўртталиқ	Биринчи ярми тўртталиқ ва иккинчиси сувлик	Биринчи ярми икки оёқлик ва иккинчиси сувлик ва бутунаси одамга ўхшаш	
Кундузи	Кундузи	Сандҳи [ғирашира]	Кундузи одам, кечаси бошқача	Сандҳи [ғирашира]	Кундузи одам, кечаси бошқача	Сандҳи [ғирашира]

Планета шарафни уларнинг тилларида участҳа, шараф даражасини парамучастҳа, пастлашишни нечастҳа ва даражасини парамоничастҳа дейлади. Мўлатрикона эса маълум планетанинг ўз хонасига келганидан унга стишган қувватдир.

Улар учбурчакликларни, бизда бўлганидек, унсурларга ва табиатларга nisbat бермай, балки барча томонларига nisbat берадилар. Улар жадвалда муфассал кўрсатилган. Улар мунқалиб буржини чаророши дейдилар, яъни бу дегани ҳаракатнинг буржидир. Собитиникини стҳирароши, яъни тинч туршлиқ буржи дейдилар, икки жасадли буржни двисбвахова, бу эса иккаласини ўз ичига олади.

Биз буржларни жадвалда кўрсатганимиздек, планеталар хоналарининг аҳволини ҳам жадвалда ёздик. Улар буржларнинг ер ус-  
306 тидаги || ярмини чатра, яъни соябон, ер остидаги ярмини нова, яъни кема, осмоннинг ўртасигача кўтарилган ярмини ҳам ва ер ватадигача тушувчи ярмини ҳам дҳани, яъни камон, ватадларни кендра, кейинидан келувчи [хона]ларни панатера, тушиб борувчинини опуклима дей-  
307 дилар. # Ана шу айтилганлар [ҳиндларнинг] ҳақиқатда астрологияда

Хоналар	Далиллари	Толега нисбатан туриши	Уларда буржлар таъсири	Уларда планеталар таъсири	Уларда наҳслардан тушиб қолганлари	Уларда бахт йилларидан тушиб қоладиганлари	Уфққа бўлинишлари	Тушган сояга қараб бўлиниши	К е м а	
									Кутарилиш ёни	Пастлашиш ёни
Толе	Бош ва руҳ	Ҳисоблаш учун асбоб	Инсоний нишонлар	Уторид ва Муштарий	0	0	0			
II	Юз ва мол	Толега қарама-қарши эмаслар	0	0	0	0	0			
III	Икки кўл ва биродар	Толе унга қарама-қарши, лекин у толега қарама-қарши эмас	0	0	0	0	0			
IV	Юрак, ота-она, дўстлар, ўй ва хурсандлик	Толега қарама-қаршилар [нишонлар]	Сувли	Зухра ва Ой	0	0	0			
V	Қорин, бола ва ақл	Толега қарама-қаршилар	0	0	0	0	0			
VI	Икки томон душман ва минадиган ҳайвони	Толе унга қарама-қарши томонда, лекин у толега қарши эмас	0	0	0	0	0			

		С о я б о н ё й и					Кутарилмиш ёйи	Пастлашилмиш ёйи
VII	Киндак ости ва хотин	Толега қарама-қаршилар	Хашаротга тегишли	Зуҳал	$\frac{1}{6}$	$\frac{1}{6}$ нинг ярми яъни $\frac{1}{12}$		
VIII	Қайтиш ва ўлим	Толе унга қарама-қарши, лекин у толега қарамайди	0	0	$\frac{1}{5}$	$\frac{1}{10}$		
IX	Икки биқин, сафар ва қарз	Толега қарама-қаршилар	0	0	$\frac{1}{4}$	$\frac{1}{8}$		
X	Икки тизза ва амал	Толега қарама-қаршилар	Тўрт оёқликлар	Миррих	$\frac{1}{3}$	$\frac{1}{6}$		
XI	Икки болдир ва кириш	Толе унга қарайди, лекин у толега қарамайди	0	0	$\frac{1}{2}$	$\frac{1}{4}$		
XII	Икки қадам ва чинқиш	Толега қарама-қарши булмаганлар	0	0	Бутун	$\frac{1}{2}$		

планеталарга, буржларга ва хоналарга доир асосий қондаларидир. Далилларни чиқара биладиган ҳар бир киши бу санъатда пешқадамлик унвонига ҳақли бўлади.

Бундан кейин буржларни бўлақларга ажратиш лозим бўлади. Бўлақларнинг биринчилари нембаҳралар, яъни соатлар дейилади, чунки буржнинг ярми чиққунича бир соат ўтади.

Ҳар бир эркак буржнинг биринчи ярми энг ёрқин икки ёритгичдан бири [Қуёш] таъсирида бўлгани учун наҳсга [бахтсизликка] мансубдир; иккинчи ярми эса хотинлар [буржи] бўлиб, Ой таъсирида бўлганидан бахтлига мансубдир. Ҳар бир хотин жинсидаги буржда бунинг тескарисича бўлади.

Кейин дреккона дейиладиган учдан бирликлари келади. Уларни баён қилишнинг фойдаси йўқ, чунки улар биздаги драйжонат деб номланганининг ўзгинасидир.

Кейин нуҳбаҳрлари келиб, у навоншак деб ном олган. Улар бизда [астрологик] китобларнинг киришларида икки хилдир. Биз қизиққанлар учун уларнинг ҳиндчасини зикр қиламиз.

Нуҳбаҳрлари топилмоқчи бўлган буржнинг бошидан тегишли бўлагигача [даражалар] минутларга айлантрилиб, кейин [минутлар] 200 га бўлинади, бўлинма берилган учлик буржларда тўққиздан бирликлардан қанча бутун марта борлигини кўрсатади. Кетма-кет буржларнинг ҳар биридан шунчалик сонни санайсизки, бир буржга бир нуҳбаҳр мос бўлсин. Буржнинг каср қолган [қисми] изланган нуҳбаҳрнинг соҳиби бўлади.

[Ундан бирликка айлантрилувчи] мунқалиб буржнинг биринчи нуҳбаҳри, собит буржнинг бешинчиси, икки жасадлининг тўққизинчиси варгаттама, яъни улуг бўлақлар дейилади.

Кейин ўн иккиликлардан келиб, уни двоздасаяса дейилади. Буржнинг берилган жойи учун уни топишда [буржнинг] бошидан [берилган жойигача ораликни] минутларга айлантрилиб, маблағ 150 га бўлинади. Бўлинма олтидан бирларнинг ярми [яъни 12 тадан бир бўлақлар] дан қанча бутун марта борлигини кўрсатади. Кейинги буржларнинг ҳар бирида ҳам кетма-кет биттадан эга бўлади. Касрга етиб келган бўлакнинг эгаси ўша ўн иккиликнинг ҳам эгаси бўлади.

Кейин даражалар келиб, уларни триншоншака деб атайдилар, бу эса 30 даража демакдир. Улар бизнинг ҳадларимизга мувофиқдир. Улар тартиби шундай: эркаклик жинсидан бўлган бурждан ҳар бирининг бошидаги 5 бўлак [даража] Миррихники, кейин ўшанчаси Зуҳралники, 8 [даражаси] Муштарийники, 7 — Уторидники, 5 — Зуҳралники. Лекин урғочи буржларникида мазкур тартибнинг тескарисидир, яъни бурж бошидан 5 бўлак — Зуҳралники, кейинги 7 — Уторидники, 8 — Муштарийники, 5 — Зуҳралники ва 5 — Миррихникидир.

[Астрологик ҳукмларда] мана шу айтилган қондаларга асосландилар.

Ҳар бир буржнинг [берилган вақтдаги кўрилиш] ҳоли горизонтдан кўтарилувчи — толенинг ҳолига боғлиқ. [Назар ҳақидаги] қондаси [шундай]: бир буржга иккала томондан қўшни бўлган икки бурж қаровчилар бўлмайди, иккита буржнинг бошлари орасида сферанинг чораги ёки учдан бири, ёки ярми ётса, улар [иккита буржлар] мутанозир [қаровчи] лар деб айтилади. Агар иккита бурж оралиги [сферанинг — 360 даражанинг] 6 дан бирига тенг бўлса, фақат, буржлар [санашнинг] тўғри тартибига қара ва, агарда, оралик чорак билан 6 дан бир йиғиндисига тенг бўлса, буржларнинг тескари тартибига қара.

Назарлар хили шундай: [берилган] бурж билан унга нисбатан тўртинчи бурж ёки ўн биринчи бурж чорак назарни [ташқил қилади], у [берилган] билан бешинчи ёки тўққизинчи эса, ярим назарни, у билан олтинчи ёки ўнинчи эса тўртдан уч назарни, у билан еттинчи бурж эса бутуч назарни ташқил қилади. Ҳиндлар битта буржнинг ўзида бўлган икки катта ёриткич ҳақидаги назарни зикр қилмайдилар.

Аммо дўстлик ва душманликнинг ўзгаришларига келсак, улар 308 қондалари шундан иборатдир: ||

Планета ўнинчига, ўн биринчи, ўн иккинчи ва ўзи турган буржнинг [толеига — уфқда] иккинчи, учинчи тўртинчи вазиятга келган вақтда ўз ҳолатидан яхшироқ ҳолатга ўтади, яъни агарда ёмон душманлик ҳолатда бўлса, ўртачага ўтади, ўртачалардан бўлиб, дўстликлардан бўлса, ундан ҳам яхши дўстликка ўтади. [Юқорида] айтилганлардан бошқаларига [келишида] ҳоли ёмонроққа кўчади, яъни яхши дўстлик бўлса, ўртачасига, ўртача бўлса, душманликка, душманлик бўлса, ўта ёвузликка кўчади. Асл вақтга нисбатан кейиндан келувчи [вақтлардаги планета] ҳоли тасодифийдир.

Юқоридагиларни кўрсатганимиздан кейин планета учун хос тўрт қувватни гапираемиз.

Улардан биринчиси — малакия бўлиб, астҳонабала деб аталади. Унинг ҳосили учун планетанинг ўз шарафида, уйда ёки дўстининг уйда, уйининг нуҳбахрида ёки шарафида, мўлатриконасида, яъни бахтлик сатридаги хурсандлигида бўлиши керак. Қуёш ва Ой бахтлик буржларида бўлганларида шундай куч-қувватга эга бўладилар, улар бахтсиз буржларда бўлган вақтларда эса [бешта] равшанлиги ўзгарувчи планеталар унга [биринчи қувватга] эга бўладилар. [У қувват] Ойнинг биринчи учдан бири [яъни биринчи ўн кун]да Ойга хос бўлиб, [Ой] назоратида бўлувчи ҳар бир планетага шу қувват орқали ёрдам беради. Толе икки оёқли бурж шаклида бўлганда, бу қувват ҳосил қилади.

Аммо иккинчи қувват — дриштибала, яъни «ёнлама» дейилади. Бу дригбала деб ҳам айтилади. Планета кучаядиган ватадда бўлганда шу қувватни ҳосил қилади. Баъзи одамларча, ватадга ёпишган иккала хонада ҳам [шу қувватга эга бўлади]. Агар толе икки оёқли бўлсаю, кундузи чиқса ёки тўрт оёқли бўлсаю, кечаси чиқса, яна шундай қувват ҳосил қилади. Иккала сандҳи вақтида эса бошқа буржлар у қувватга молик бўлади. Бу [қоидалари] асосан туғилиш вақтларига хос нарсаларидандир. Бироқ, «Масалалар»ига келганда, улар шундай даъво қиладилар: бурж агар тўрт оёқли бўлса, ўнинчи [хона]га, Ақраб ва Саратон бўлса, еттинчига, Далв ва Саратон бўлса, тўртинчига келганда шу қувватни олади.

Аммо, учинчи қувват — ғалабиядр. Бу жиштовала дейилади. Планета тескарига [шарқдан ғарбга] ҳаракат қилиш [кунлари]да кўринмай кетиб, кўринишга бошладан тўрт бурж қадар сурилгунча, планета шимолий кенгликда бўлган [ойлар] да шундай қувватга молик бўлади. Бу [гап] Зухрадан бошқалар учундир, чунки шимол бошқа планеталар учун бўлганидек, жануб Зухра учундир. [Қуёшнинг] кўтарилиб бориш ярмидаги ёзги кун туришидан илгариги икки буржда бўлган чоғида икки хонага ўшандай [қувват] хос бўлади. Ойнинг Қуёшдан бошқа ёритгичлар билан бирга бўлиши хусусияти учинчи қувватнинг унга берган қобилиятидир. Толедан эгаси бўлса ва улар назарида Муштарий ва Уторид бўлса ва толе [эгасисиз] наҳс [планета] лардан холи бўлса, у [толе] бу қувватга эгадир. Агар унда наҳс бўлса, Муштарий ва Уторид назарида бўлишлиги бекорга чиқиб, бу қувватга молик бўлишдан маҳрум бўлади.

Аммо тўртинчи қувват калабала, яъни «вақтинча» бўлиб, кундузги планеталар кундузи ва кечалик планеталар кечаси бунга молик бўладилар. Уторид эса ғира-шира вақтида моликдир. Чунки, улардан баъзиларининг фикрича, бу қувват сидирғасига, яъни кеча ва кундуз давомича таъсир этади, [ғира-шира эса] кундуз билан кеча оралигидадир. Буни Ойнинг оқлик ярмидаги бахтликлар ва қоронғилик [ярмида] ги наҳсликлар ҳам ҳосил қиладилар. Бу тўртинчи қувват доимо толе учун бўлади. Баъзилари, бунга толе кўринсагина шу қувватга эга бўлади, дейди. Чунки у: йиллар, ойлар, кунлар ва соатлардан, иборат тўрт вақтнинг биридир. Ёритгичларни ва толени юзага чиқарадиган қувватлар ана шулардир. [Планеталардан] бири бошқасига қараганда қувватларининг саноғига нисбатан ғолиб бўлади. Агар улардан иккитаси бир хил қувватга эга бўлса, улуғликда ортиги || уларнинг энг кучлиси ҳисобланади. Бу жадвалда найсаргикабала деб аталади [Ёритгичларнинг] тартиб ва қуввати мана шулардир.

Уртача йиллар учун планеталарга уларнинг уч хил ҳисобланиши кўрсатилган. Иккитасидан узоқлигига қараб ҳисобланган. Биринчи ва иккинчининг миқдорларини жадвалга ёздик. Шадажа ва найсаргика даражаларга асосан ҳисобланади. Биринчи хили Қуёшнинг юқорида айтилган қувватлари Ойнинг ҳар бир ва толенинг ҳар бир [қувватидан] ортиқ бўлганда ҳисобланади. Аммо иккинчиси Ойнинг қувватлари Қуёшнинг ҳар бир ва толенинг ҳар бир қувватидан ортиқ бўлганда ҳисобланади. Учинчи хили аншожа дейилиб, толе қувватлари икковини [Қуёш ва Ойни]қидан ортиқ бўлганда ҳисобланади. Узининг даражасида бўлмаган ҳар бир планета учун биринчи нав йиллар сонини ҳисоблаш [усули шундай]:

Агар, ёритгичнинг [шараф даражасидан] узоқлиги олти бурждан ортиқ бўлса, унинг 12 буржга тўлдирувчисига ёки олти бурждан кам бўлса, у жадвалга киритилган йилга кўпайтирилади ва кўпайтмага буржларга [мос] ойлар, даражаларга [мос] кунлар, минутларга [мос] кун бўлаклари қўшилади. Кейин ҳар бир 60 минут бир кун, ҳар бир 30 кун бир ой ва ҳар бир 12 ой бир йил деб ҳисобланади.

Толе учун ҳисобланиши [шундай]: Ҳамал бошидан саналган узоқлик даражаси аниқланади; ҳар бир бурж бир йил, икки ярим даража бир ой; беш минут бир кунга, беш секунд бир кун минутига мосдир.

Аммо ёритгичлар учун иккинчи нав йил ҳисоблаш [шундай]: илгариги сингари шараф даражасидан узоқлиги аниқланади, уни жадвалдаги йилга кўпайтирилади, кўпайтма устида илгаридегидек иш бажарилади. Толе Ҳамал бошидан саналган узоқлик даражасига олинади. Ҳар бир нуҳбаҳр учун йил, ойлар ва ундан кичиклари ҳалигидек ҳисоблаш билан [бажарилади], чиққан йиллар сонидан ўн икки-ўн иккидан ташланади, ўн иккидан кам қолдиқ толе йилидир.

Аммо ёритгичлар ҳам толе учун учинчи нав йил ҳисоблаш иккинчи навдаги толе йилини ҳисоблаш сингаридир, яъни [ёритгичнинг] Ҳамал бошидан узоқлик даражаси олинади. Ҳар бир нуҳбаҳр бир йилга мос бўлади. Шу билан буткул узоқлик 108 га кўпайтирилади, кўпайтмадаги йириклаштирилса [рафъланса] буржлар ойларга, даражалар кунларга, минутлар [кун] минутларига мос қилинади. 12—12 йиллар ташланиб борилса, қолдиқ йиллар изланганининг ўзидир.

Бундай йиллар ҳаммасининг умумий исми ажурдожа, таъдилдан илгари мадҳуможа дейилиб, кейин эса спутожа дейилади, бу эса узунламаси деганидир. Аммо, ҳамма навлардаги толе йиллари узунламанинг ўзи бўлиб, таъдилга ҳожат йўқдир. Икки навдан биридан [планетанинг] фазодаги ўринга қараб, иккинчиси [кузатувчининг Ер юзидagi] уфққа инсбатан вазиятига қараб нуқсон билан [таъдил лозим]. Учинчи навга қуйидаги ҳолларда орттириш билан таъдил лозим бўлади: планета улуғ хаззасида [яъни вазиятида] ёки ўз хонасида, ёки



шараф нуҳбаҳрида бўлганда, ёки шулардан ортиқроқда бўлганда [таъдил керак бўлади]. Агар планета тескарига томон ҳаракатда ёки шарафида || бўлса, йиллари ўрточасидан икки марта ортиқ бўлади, 310 агар шу иккала ҳолатда бўлса, йиллари ўрточасининг уч мартасига тенг бўлади.

Биринчи усулга мувофиқ нуқсонли таъдил шу ҳолларда берилади; агарда биринчи ёки иккинчи навдан бўлганда планета йилларга унинг пастлашиб боришида, [йўлининг] учдан иккинчисида бўлса ва учинчи бўлганда [йўлининг] ярмида бўлса [ёритгич] душман хонасида бўлганда йилларининг кучи камаймайди. Қуёш шуъласи таъсирида яшириниб, эътибордан қолган Зухра ва Зуҳалда бошқа планетанинг йиллари уч хил кайфиятда [йиллари] ярмига етади. Лекин Зухра ва Зуҳалнинг яшириниши билан уларнинг йиллари ҳеч камаймайди. Иккинчисига қаратилган нуқсонли таъдиллари жадвалга киритилди, [унда] наҳсли ва бахтли [планета]ларнинг уфқдан юқорида бўлганларида йиллардан қанчасининг тушиб қолиши [кўрсатилган]. Бир хонада иккита ё улардан ортиқ планета турганда тартиб бўйича уларнинг улуғликларига ва қувватларига қаралади; йилларидан нуқсон ташланади, қолдиқ эса ўз ҳолича қолаверади. Агар бирор планетанинг учинчи навида икки зиёда икки томондан қўшиладиган бўлса, аввало, икковидан бирини қўшиш керак. У улуғ [сон] дир. Иккови нуқсон бўлса ҳам, шундай ижро этилади. Агар қўшиладиганлар зиёда ва нуқсон бўлса, улардан бири илгари, иккинчиси эса кейин келади.

Таъдилланган йиллар ҳосил қилинса, улар йиғиндиси [ҳисоб учун] бизга керак бўлган туғилувчи киши умридан иборат бўлади.

Энди ҳиндларнинг [ҳисоблаш] тартибидаги усулларини баён этиш қолди.

Умр мана шу йилларга бўлинади. Энг аввалги [иш] туғилиш чоғида икки ёритгич [Қуёш ва Ой] йилларини аниқлаш бўлиб, икковидан қайси бирининг ҳам қуввати, ҳам бали ортиқлиги топилади. Агар икковиники тенг бўлса, вазиятига қараб қайсинисининг ҳиссаси ортиқлиги белгиланади. Бундан кейин, навбатда қувватлари ва ҳиссалари кўп ё толе, ё ватадларда бўлувчи планета келади. Агар ватадларда бир неча планета бўлса, улардан қувватлироғи, насаби ортиғроғи, ватадларга яқинроқ турувчиси, кейин ундан кўра пастроғи навбатни олади. Илгариги мисолда кўрсатилганидек, умр бўйича ҳар бир планета йилларича мавқеи топилади. [Умр аҳволи, албатта] битта планета йилларига боғланмай, балки унга мувофиқлашган шериклари, яъни унга қараган планеталар таъсирида бўлади.

Йиллар бўлакларига шериклиги ҳақида шундай таъбир унга хос бўлади.

Бир буржнинг ўзида у билан бўлса, шериклиги унинг ярмига тенг. Агар планета [буржнинг] бешинчи билан тўққизинчи [йиғиндисига]га тенг бўлса, учдан бир [йил]га, агар тўртинчи билан саккизинчи [йиғиндисига]га тенг бўлса, тўртдан бирига, агар еттинчига тенг бўлса, еттидан бирга тенг бўлади. Бир ўринда бир нечта планета тўпланган бўлса, ҳар бир планета учун ўз жойига мувофиқ махсус каср бўлади.

Шериклик йилларини ҳисоблаш усули шундай: йиллар соҳиби учун шундай каср ёзилади, унинг сурати қанча бўлса, махражи ҳам ўшанча бўлади. У эса ҳаммасининг йиғиндисидир, кейин ҳар бир шерик учун касри [сурати] ва махражи ёзилади. Кейин [ҳаммасининг] махражлари кўпайтирилади. Кўпайтма умумий махраж бўлади. Бу умумий ҳар бир касрнинг махражига бўлинади, бўлинма мос касрнинг суратига кўпайтирилади. Кейин ҳар бир сурат йилларининг ҳаммасига кўпайтирилади. Кўпайтма касрлар йиғиндисига бўлинса, планетанинг қоламбука йиллари чиқади.

311 Аммо [жадвал] тақдим қилингандан кейин унинг тартиби шундай: қўлланилган тадбирча || айрим-айрим тақдим<sup>3</sup> қилингандан кейин илгари берилган мисолда бўлганидек, ватадларча энг кучлисига ўтилади. Кейин ватадга яқинроғига... кейин зоиллардаги [бурж]ларга ўтилади. Унинг йўлларини умрни ҳисоблаш масаласида берганмиз.

Планеталарнинг жойларига ва вақтга қараб умр бўлақларининг кайфияти билинади. Туғилишга тегишли масалаларда бошқа халқлар шуғулланмаган усулларни ҳам келтирамиз. У шундай:

Туғилиш чоғида [туғилганнинг] отаси ҳозир бўлганини ё йўқлигини, Ойнинг толе билан назарланганини аниқлайдилар; Ой турган бурж Зуҳра билан Уторид буржлари орасидами, толеда Зуҳал ёки Миррих манзилда бўлганми — шуларни билиб оладилар. Кейин туғилган балоғатга етишадими-йўқми буни икки катта ёритгич [Қуёш ва Ой]га қараб билдилар. Агар иккови битта буржда бўлса, улар билан наҳс [планета] бўлса ёки Ой ва Муштарий толе билан назарланувчи бўлмаса, ёки Муштарий икки катта ёритгич билан назарланувчи бўлмаса, у ҳолда туғилган балоғатга етиша олмайди.

Чироғ масаласига келсак, бунда Қуёш турган буржга қарайдилар; агар у [бурждан буржга] ўтаётган бўлса, чироғ ҳаракатчан бўлиб, бир мавзудан иккинчисига ўтади, агар тургун бўлса [у ҳолда чироғ ҳам] тургун бўлади. Агар [Қуёш] икки жасадли бўлса, [чироғ] бир марта ҳаракатчан бўлиб, иккинчи [жасад]да қарор топади. Кейин толе даражаларининг 30 [даража] нисбатига эътибор берадилар, чироғ пилиги ўша нисбатда ёнган бўлади. Агар Ой тўлишган бўлса, чироғ ёғи тўла бўлади. Кейин миқдори Ойнинг ёруғ қисмига мувофиқ камийиб боради.

Кейин уй эшигига келган энг қувватли планетанинг ватадлардан

далил келтирадилар. Агар ватадлар бўш бўлса, планета йўналиши ўз йўналишида ёки толе буржигга томон бўлади.

Кейин ёруғлик беришига ҳам эътибор берадилар. Агар ёритувчи Қуёш бўлса, уй бузилади, агар Ой [бўлса, уй] саломат бўлади, Миррих [бўлса, уй] ёнади, Уторид бўлса, эгилади, Муштарий бўлса, тургин, Зуҳал бўлса, уй тез эскиради. Агар Муштарий шарафида, ўнинчи [хона]да бўлса, уй икки ёки уч устунли бўлади. Агар унинг шаҳодати қавсда пишиқ бўлса, уй уч устунли бўлади, бошқа буржларда иккитадан жасадли бўлгани учун, устунли ҳам иккитадан бўлади.

Кейин тахт ва унинг кўтарувчи [оёқ]ларига, катталиги ва узунлиги учун буржларнинг ўн иккинчисидан учинчи хонадагига қарайдилар. Агар наҳслардан бўлса, устунли ёки пойдевори наҳс миқдорига нисбатан бузилади. Унда Миррих бўлса [уй] ёнади, Қуёш бўлса синади. Зуҳал бўлса [уй] эскиради.

Хотинларнинг кўплиги толе буржидаги ва Ой буржидаги планеталар ададича бўлади. Уларнинг сифатлари юлдуз туркумлари ҳисобичадир.

Ердан [горизонтдан] юқоридаги [туркумлар] сони қанча бўлса, ўшанча хотин уйдан ташқарига чиқади. Ер остидагилар сонича хотинлар уй ичига киради.

Кейин бола жонининг келиб чиқиш жойини қарайдилар, бунда икки катта ёритгичдан кейин кучли планета дреккона [дрижон] соҳибига қарайдилар. Агар Муштарий бўлар экан, чиқиш жойи Девалокадан, Зуҳра ёки Ой бўлса, Питрилокадан, Миррих ёки Қуёш бўлса, Бричилокадан, Зуҳал ва Миррих бўлса, Бҳригулокадан келади.

Улгандан кейин жоннинг кетар жойини билиш учун илгариги мисолдагидек, хонадаги дреккона соҳибидан кейин кучли бўлганига қаралади. ¶

Муштарий ўз шарафида ё олтинчи, ё саккизинчи хонада, ё ватадлардан бирида, ё Ҳут толеида бўлса, ё Муштарий планеталардан кучли бўлса, ё ўлиш чоғидаги туркумлар туғилиш чоғидагига тўғри келса, жон тинч бўлиб изтироб чекмайди.

[Юқоридагиларни] астрологияда бизнинг халқ усуллари билан ҳиндларники орасида қандай фарқ борлигини билдириш учун келтирдим.

Аммо атмосфера ва осмон ҳодисалари ҳақидаги назариялари жудала чўзиқ бўлиши билан бирга жуда бўшдир. Туғилганлар ҳақидаги масала устида фақат умрлар зикри билан чекланиб, сўзни қисқартиришимиз каби бу фан ҳақида уларнинг кометалар хиллари ҳақидаги фаразларини сўзлаш билан чекланамиз, чунки кейинги мавзуларнинг баён этилиш равиши шунинг сингаридир.

312

Мен сенга айтсам, Жавзаҳр боши [уларда] роҳу дейилади, думи эса кету дейилади. Ҳиндларда дум [сўзи] жуда кам учрайди. Одатда бош сўзини ишлатадилар. Атмосферадаги дум шаклли [кўринадиган] ҳамма ёритгичлар ҳодисалари кету дейилади.

Бароҳамиҳира шундай деган: «Бошнинг 33 та ўғли бор, улар то-маса-келака дейилади. Улар турли [кўринишдаги] кометалар бўлиб, чўзиқлари ва чўзиқмаслари бор. Улар ҳақидаги ҳукм шаклларига, рангларига, катталигига ва вазиятларига кўра бўлади; ёмонроқлари қарга, бўйни кесилган одам, қиличсимон нарса, ханжар, ёй ва ўқ сув-ратига ўхшайди. Улар доимо икки катта ёритгич атрофида [кўринадилар], сувларни шундай чайқатадиларки, ҳатто уни булғатиб ҳам юборадилар; ҳавога таъсир қилиб, уни сарғайтириб юборадилар ва уни қаттиқ тўлқинлантирганидан катта дарахтлар илдири билан ағдарила-ди, тошлари [юмалаб] одамлар тиззасига ва сонига уради, замонлар табиатини ўзгартириб, ҳатто йил фаслларида бирини бошқасига ўт-казиб юборади. Ер қимирлаш, вайронлик, бузилиш, иссиғлик [шиддати] кўлайиши билан осмон қизариб, ҳайвонларнинг бақириси, қушларнинг қичқириси бир-бирига уланиб, зўрайиб кетса, шуни билиб қўйки, бу-ларнинг ҳаммаси Бошнинг ўғиллари туфайли бўлади. Бу аҳвол тути-лиш ва кометанинг пайдо бўлиши билан бирликда воқе бўлса, бунинг сабабчиси Бошнинг болаларидан бошқаси эмаслигига ишониш керак. Шунда бу ёмонлик ўрнига Қуёш жисмига нисбатан саккиз томонда ёмонлигини қилади».

Бароҳамиҳира «Санҗита» номли китобида шундай деган: «Мен думлилар ҳақида «Гарга», «Парошара», «Асита», «Девала» ҳамда бошқа кўп китобларда ёзилганларни ўрганмасдан илгари сўзламай-ман. Уларни ҳисобга олиш, пайдо бўлиш ва кўринмай кетиш вақтини билиш имконияти йўқ, чунки улар бир хил эмас, балки [хиллари] кўп-дир. Улардан жуда баландда, Ердан узоқда манзиллар ёритгичлари [юлдузлар] орасида пайдо бўлувчи дивъя деганлари бор. Улардан ўр-тача узоқликларда, яъни осмон [планеталар] билан Ер орасида пайдо бўлувчилари — антарикшая дейиладиганлари бор. Улардан бири Ер-га яқин бўлиб, унинг юзига — тоғларга, ҳовлиларга ва дарахтларга тушадиганлари бор. Кўпинча, ер юзига ёруғ нарса тушиши кўриниб туради. Уни олов деб ҳам гумон қилишади. Агар у олов бўлмаса, бу—кетурупая, яъни кометасимон [жисмдир].

Аммо, ҳавода учадиган, ёруғ учқун ёки писоча ҳовлисида олов қолдиги [чўғ]га ўхшаш ҳайвонлар эса иблис ва шайтонлардир, ёки ёруғлик сочувчи қандайдир жавҳарлардир, лекин булар кометалар жинсидан эмас. Шунинг учун, ҳукм чиқаришдан илгари уларнинг та-биатини ҳисобга || олиш керак. Ҳукм ҳавода [ялтираб] кўринишига кў-ра, байроқлар, аслаҳалар, ҳовлилар, дарахтлар, миниладиган ҳайвон-

лар ва филлар устига тушишига қараб чиқарилади. Булар юқорида, манзиллар ёритгичлари орасида [юлдузлар фазосида] қараб турадиган бирорта эга туфайли бўлади. Агар [ўша эга] шулардан бирортасига мувофиқ зоҳир бўлмаса, шулар кўринишига ўхшамаса, у Ер юзининг ўзида бўладиган кетудир.

У [яна] шуларни айтган: «У [думли]ларнинг саноғи ҳақида олимларнинг фикрлари [бир-биридан] фарқлидир. Баъзиларнинг айтишича, улар 10 та, бошқа бирларнинг айтишича эса 1000 тадир. Народа деган ҳаким [фикри]ча, фақат биттадир; у бир кийимни ешиб, бошқасини кийиб, турли шаклларга ўтиб турганидан [бизга] кўп [бўлиб кўринадилар].»

Унинг таъсир муддати ҳақида у шундай деган: «Бир неча кун кўринса, [таъсири] бир неча ойгача, агар [комета] бир ярим ойдан ортиқ кўриниб турса, у [муддат]дан 45 кунни ташла, қолдиқ қанча бўлса ўшанча ойда таъсири бўлади. Агар кўриниши икки ойдан ортиқ бўлса, кўринган ойлар [саноғи]ча таъсир йиллари бўлади. Шунда думлилар саноғи 1000 дан ошмайди».

Урганишни осонлаштириш учун қуйидаги жадвални келтирдик. Жадвалнинг айрим хоналаридаги бўшлиқ қўлимизга тушган ё асл китоб, ё кўчирилган нусхасида айрим жойларнинг бузуқлигидандир. [Жадвални беришда] автор мақсади қадимгиларнинг комета сонлари ҳақида ёзганларини тасдиқлаш бўлиб, ҳатто улардан ҳикоя қилиб, унинг саноғини 1000 гача етказишга интилган. ||

314

## [Кометалар жадвали]

Уларнинг номлари	Уларнинг насаблари	Ҳар бирининг сони	Ҳаммаси	Уларнинг хусусияти	Кўриниш томонлари	Нималардан дарак беради [ҳукмлар]
—	Қирана болалари	25	25	Кристалларнинг марварид тизмаларига ўхшаш ёки тилла рангдир	Фақат шарқ ва ғарб	Подшоҳларнинг бир-бири билан урушишиб ўлдиришдан дарак беради
—	Олов [?] болалари	25	50	Яшил, олов ёки лак ранг, ёки қон ранг, ёки бандижабака дарахти ранги	Жануби шарқдан	Ўлат касалидан дарак беради

—	Ўлим болалари	25	75	Эгри думлилар, улар қора ё қора мурт рангига мойил	Жанубдан	Очлик ва ўлат касалидан дарак беради
—	Ер болалари	22	97	Юмалоқ, тиниқ сув, кунжут ёғи ранги, думлари йўқ	Шимол шарқ	Фаровонлик ва тўқисликдан дарак беради
—	Ой болалари	3	100	Атиргул, оқ нилуфар ёки кумуш, ёки ялтиратилган темир, ёки тилла сингари. Ой сингари ярқирайди	Шимолдан	Бу бахтсизликдан дарак беради, ҳатто дунё остин-устин бўлади
Брахмаданда	Бароҳим ўғли	1	101	Оч ранг ва учта думи бор	Ҳар томондан	Ёмонланиш ва бузилишдан дарак беради
—	Зуҳра болалари	84	185	Оқ, кенг, ялтироқ	Шимол ёки Шимол шарқ	Ёмонлик ва хавфдан дарак беради
Канака	Зуҳал болалари	—	—	Шуъласи шохларга ўхшаш	Ҳар томондан	Бахтсизлик ва ўлимдан дарак беради
Викажа	Муштарий болалари	65	—	Ялтироқ, оқ, думсиз	Жанубдан	Бу бузилиш ва бахтсизликдан дарак беради
Таскара, яъни ўғри	Уторид болалари	51	—	Оқ, ингичка, узун. Улардан кўзлар қамашади	Ҳар томондан	Бахтсизликдан дарак беради

Каунку- ма	Миррих болалари	60	—	Унинг учта ду- ми бор, аланга ранглик	Ши- молдан	Офатнинг зўрайишидан дарак беради
Тамаса- килака	Бош болалари	36	—	Шакллари ҳар хил	Куёш ва Ой атрофи- да	Ёнғиндан да- рак беради
Вишпару- па	Олов болалари	120	—	Аланга синга- ри, ёруғлиги ҳаракатчан	—	Офатдан да- рак беради
Аруна	Шамол болалари	77	—	Улар ҳеч қан- дай танага эга эмас. У билан юлдуз кўрина- ди. Шуълалари йиғилиб, сариғ ва яшил ранг- га мойил дум- лар кўринади	—	Умумий бу- зилишдан дарак бера- ди
Гаяика	Пража- нанги бо- лалари	204	—	Тўртбурчаклик ва саккизбур- чакликлар кў- ринишида, са- ноғи эса 304	—	Бахтсизлик ва бузилиш- нинг купли- гидан дарак беради
Канка	Сув болалари	32	—	Улар бирла- шиб, Ой синга- ри ёритади	—	Пундрада катта хавф ва офатдан да- рак беради
Кабандҳа	Вақт болалари	—	—	Калласи кесил- ган одамга ўх- шаш	—	Катта бузи- лишдан да- рак беради
—	—	9	—	Кўринишида битта ва думи- нинг сови тўқ- қизта, оқ ва кент	Ҳар томон- дан	Ўлат каса- лидан дарак беради

315 || Бароҳамиҳира думликларни уч синфга ажратади: энг юқоридаги ёритгичлар [планеталар], ора [ҳаракатланувчилар], ерга яқин турувчилар ва ўртанча — ҳаво ичида бўлувчилардир. Энг юқоридагилар ва ҳаво ичида бўладиганлар айрим ҳолда жадвалимизда ҳам зикр этилди.

Яна у шундай деган: «Ҳаводагилардан бирининг нурлари подшоҳлик қуроолларига, байроқларга, соябонларга, елпуғич ва қарсилдоқларига тушса, ҳукмдорлар ҳалокатига далолат қилгани бўлади. Агар уйга, дарахтга ёки тоққа тегса, мамлакатнинг хароб бўлишига далолат қилгани бўлади. Агар уй асбобларига тегса, [уй] аҳли ҳалок бўлади. Агар ҳовлининг супуриндиларига тегса, уй бошлиғини ҳалок қилади».

Бароҳамиҳира яна шундай деган: «Агар метеор комета думига қарши учса, соғлиқ кетади, ёмғурлар ҳам, Маҳодевага мансуб дарахтлар ҳам битади. Уларни санаб чиқишнинг фойдаси йўқ, бизларнинг орамизда уларнинг исми ва жисми номаълумдир. Шу билан бирга у Гур [Чола], Сита, Хун ва Хитой мамлакатадаги аҳволни ҳам изтиробга келтиради».

У яна шундай деган: «Кометанинг думи йўналишига қара! [Думи уфққа нисбатан] тўғри чизилган, ё юқорига кўтарилган ва ё оғма бўлса, [думи] учига тегнишган юлдузлар туркуми томондан бузуқлик ҳукм суради, уларнинг халқларига аскарлар ҳужум қилиб, [улардаги озукларни] илонларни товуслар қандай ютсалар, ўшандай ютадилар.

У [комета]лардан яхшиликка далолат қиладиганларини чиқариб ташла, кейин қолганлари ҳақида, уларнинг қайси манзилларда кўринишини ёки думлари [қайси манзилда] ажралганини, ёки учлари [қайси биригача] етганини билишнинг керак. У ҳолларда атроф мамлакатларда ҳалокат бўлишига манзиллар аҳволи далолат қилади.

Биз Каъбани қандай тавсифлаб [ҳурматлайдиган] бўлсак, Таврот аҳли ҳам метеорни ўшандай тавсифлайди<sup>4</sup>.

Бароҳамиҳира шу китобида тушувчи юлдуз — метеор ҳақида шуларни ҳам айтган: «Савоб олганлардан баъзи бири юқорида муддати тугаб, дунёга тушади деган». У икки [хил] жадвал мана шулардир:

316

Эфирда юрадиган олий кометаларнинг жадвали

1	Васа	Ғарб	Ялтироқ ва зич, ўзинимолга томон чўзилади	Тез ўлим келишидан, фаровонлик ва унумдорликдан четга чиқишдан дарак беради
2	Астхи	Ғарб	Биринчисидан камроқ ялтирайди	Очлик ва ўлат касаллигидан дарак беради



3	Шастра	Ғарб	Биринчисига ўхшаш	Подшоҳларнинг бир-бири билан урушиб, ўлдиришларидан дарак беради
4	Капалакети	Шарқ	Бунинг думи осмоннинг ўртасига яқинроқ чўзилган. У тун рангида ва янги ой кунда кўринади	Сув тошқини, қаттиқ очарчилик, касаллик ва ўлимдан дарак беради
5	Раудра	Шарқдан пурвашадхо ёки пурва бҳадрапада ва Реватида	Уч томони ингичка, шуълалари бир-бирига ўтган бронза ранг. Осмоннинг учдан бирини ишғол қилади	Подшоҳларнинг бир-бири билан урушиб ўлдиришларидан дарак беради
6	Чалакети	Ғарб	Кўринишининг биринчи даврида бармоқ узунлигида жанубга қараган думга эга. Кейин шимолга чўзилиб, катта Айиқгача, Қутбгача чўзилади. Кейин Вегага қайтиб, Жанубга ўтиб, кўздан ғойиб бўлади	Прайёгадан Ужайнгача бўлган ерлардаги даракларни ҳалок қилади. У ўртача мамлакатни ҳам вайрон қилади. Бошқа районларда эса аҳвол ҳар хил бўлади. Бир ерда вабо, иккинчида сувсизлик, учинчисида уруш бўлади. 10—18 кун ўша ерда қолиб кетади
7	Шветаке-ту	Жануб	Кечаси бошланиши билан пайдо бўлади ва етти кун давомида кўринади. Унинг думи осмоннинг учдан бир қисмидан кўпроғига чўзилади. Ранги яшил, ўнгдан чапга ўтади	Ёруғ ва ялтираб турса, саломатлик ва фировонликдан дарак беради. Агар улар етти кундан ортиқ кўришиб турса, одамларнинг аҳволи, обод ерларнинг учдан иккиси халароб бўлади. Қилич яланғочланади, фитналар кўпаяди ва ўн йил давомида бахтсизлик ҳукм суради

8	Кха	Ғарб	Туннинг биринчи ярмисиди пайдо бўлади. Алангаси сочилган нӯхотларга ўхшайди ва етти кун кўриниб туради	
9	Рашмикету	Ҳулкар	Ранги тутун рангидекдир	Халқлар аҳволи ёмонлашиб, фитналар кўпаяди
10	Жоруваркету	Қаерни истаса ушанда бўлади—осмонда, ерда ва иккови орасида [планеталараро фазода] бўлади	Жуссаси улуғ, шакл ва ранглари ялтироқ	Саломатликдан дарак беради

317 || Ҳаводаги ўртача кометалар жадвали

Рақамлари	Номлари	Кўриниш томонлари	Сифати	Ҳукми
1	Кумуда	Ғарб	Нилуфарга ўхшаганлигидан у билан номланади. Бир кеча кўринади, думи шарққа йўналган	Ўн йил давомида экинлар ҳосили мўл бўлиб, фаровонлик бўлишидан хабар беради
2	Маникету	Ғарб	Кечанинг чорагидан кўринади. Думи тўғри, ранги оқ сутдек, эмчакдан соғилгандек чочилиб туради	Йиртқич ҳайвонлар ва қушларнинг кўпайишидан ва тўрт ярим ой давомида экинларнинг мўл бўлишидан дарак беради

3	Жалакету	Ғарб	Думи ялтирайди, ғарбга эгилган	Тўққиз ойга қадар халққа маъмурчилик ва соғлиқ бўлишидан дарак беради
4	Бҳавакету	Шарқ	Думи шер думига ўхшайди, жанубга йўналган	Кўриниши бир кеча давомидан ошмайди. Бир мўҳўрта қадар кўриниб турса, бир ойнинг ҳамма мўҳўрталарида фаровонлик ва неъматлар мўллиги давом этади. Агар ёруғлиги хира бўлса, вабо ва [ҳайвонлар] қирғини бўлишидан далолат беради
5	Падмакету	Жануб	Оқлиги нилуфар оқлигига ўхшайди. Бир кеча давомидагина кўринади	Экинларнинг серҳосил бўлиб, етти йилгача шод-хуррамлик бўлишдан дарак беради
6	Аварта	Ғарб	Кечанинг ўртасида кўринади. Кул ранг ёруғликни беради, сийрак чанг сингари. Думи ўнгдан чапга томон чўзилган	Кечалардаги кўринишининг мўҳўрталар сони қанча бўлса, ўшанча ой давомида фаровонлик бўлишга далолат қилади
7	Самварта	Ғарб	Икки думли, уч томонлари тигдай. Тутун ёки бронза рангига эга. Чўзиқлиги осмоннинг учдан бирини олади, сандҳи [ғира-шира] вақтида кўринади	Унда кўринган манзил наҳс манзили бўлади. Манзилга далолат қиладиган манзилнинг ўзи ҳам бузилади. У эса қуроллар қайралишига, подшоҳларнинг ҳалок бўлишига далолат қилади. [Кометанинг] кўриниш мўҳўртаси [соати] қанча бўлса, ўшанча йил унинг таъсири ҳам қолади

318 ■ Думлилар ҳақидаги йўллар ва [уларга] асосланган ҳукмлар ана шулардир. Улардан бир қанчаларигина қадимги юнонларнинг табиётчилари сингари кометаларнинг ва [бошқа] осмоний ҳодисаларнинг физик табиатларини ўрганиш билан шуғулландилар. Лекин ҳиндлар бу борада ўзларининг диний олимлари сўзларидан озод бўла олмайдилар. [Масалан] «Мача-пурона»да шундай дейилган:

«[Оламда] тўртта ёмғирлар [оқими] ва тўртта тоғ бўлиб, [торлар] тагида сув бўлган. Ер эса сувда тўрт томонда турган тўртта фил устига қўйиғлиқдир. Хартумлари билан сувларни кўтариб, экинлар ўстириш учун ёзда ёмғир, қишда эса қор қилиб сепадилар. Ёмғирларидан ҳосил бўлган буғлар юқорига кўтарилиб, қора булутни безайди.

Тўртта фил ҳақида гапирилганда, «Филларни соғайтириш» китобида шундай дейилган: «Филларнинг эркаклари ичида ҳийлагарликда одамлардан ўткирлари бор. Шунинг учун улар пода олдида борса, шумлик юзага келади, деб ўйлайдилар. Улар мангуниҳа дейилади. Улардан баъзиларида бир тиш ўсади. Баъзиларида учта ва тўртта тиш бўлади. Улар Ерни кўтариб турувчилар наслидандир. Улардан бири овда [тузоққа] тушса, уни ушлаб олмай, уз ҳолича қолдирадилар».

«Божу-пурона»да шундай дейилган: «Шамол ва курлар якковни сувни денгиздан Қуёшга кўтаради. Агар сув Қуёшдан томганда эди, ёмғир иссиқ бўлган бўларди. Бироқ [Қуёш] уларни Ойга томон улоқтирганда [Ой олдида совуқ] томчиларга айланади. У [томчилар] билан ер юзи жонланади».

Атмосфера ҳақида айтишларича, момақалдироқ — бу айровата, яъни раис Индра минган филнинг Моваса [номли] ҳовуздан [сув] ичганда [чиққан] қаттиқ қуруллашидир. Уқ ёйи [радуга] эса, шу раиснинг ўқ ёйидир. Бизнинг халқ буни Рустам ёйи деб атайди.

\* \* \*

Ҳиндлар билан баҳслашиб, улардан ўз таълимотларини асослаб беришни истаб, [исбот] талаб қилган киши учун мана шу айтиб ўтган нарсаларимизнинг ўзи етарли деб биламиз.

Узунлиги ва кенлиги билан малол келтирган сўзларни энди тўхта-тайлик. Бор нарсаларнигина сўзлаганимиз учун худодан кечирим ва бизни ўзи рози бўладиган нарсага муваффақ қилишини тилаймиз.

Тегсиз нарсалардан сақланишимиз учун бизни шундай нарсалардан хабардор этишини сўраймиз. Яхшилик, албатта, унинг даргоҳидан ва у ўз бандаларига меҳрибондир.

Барча оламлар эгаси бўлган тангрига мақтовлар, Муҳаммад пайгамбарга ва унинг ҳамма авлодига худонинг раҳматлари бўлсин.

## ИЗОҲЛАР



## МУҚАДДИМА

1. «Хабар қўа билан кўргандек бўлмайди». Беруний бу ерда тарихия икки хил усул билан билишни назарда тутаяпти; бири кўриш, иккинчиси илгари бўлиб ўтган воқеаларни кейинги даврларда ёзма ёки оғзаки хабарлар орқали билишдир.

2. Куръон, «Нисо» сураси, 134-оят.

3. Абу Саҳл Абдул Мунъим ибн Али ибн Нуҳ Тифлисий. Беруний Тифлисийнинг қўлимаси билан Ҳиндистон ҳақидаги тадқиқотларини ёзган, лекин муаллиф унинг кимлиги, қайси фан мутахассиси бўлгани ҳақида маълумот бермайди.

4. Муътазила. VII—VIII асрда исломдаги бир оқим. Бу оқим тарафдорлари ислом ақидаларини ақлий мушоҳада билан қабул қилишни мақсад қилиб қўйганлар ва шу тариқа, диний фалсафа — ҳикмат билан боғлашга уринадилар. Ҳалифа Маъмун (813—833) даврида бу оқим бирмунча ривож топди. Лекин Мутафаккил (847—861) даврида, татқир қилди. (Бу ҳақда қараи: Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Абдул Қарим Шаҳристоний, Ал Милал ва ан Ниҳал, Миср. 1317/1889—1900, 52—60-бетлар; яна: Муҳаммад Содиқ Кошғарий, Зубдат ал масонл ва ал Ақонд, УзФАШИ қўлёмаси, инв. № 7, 478, 4—5-варақлар).

5. Абдул Аббос Эроншаҳрий. Бу олимни Беруний «Ҳиндистон»нинг сўз бошисиде ёслаган: ниқбасига қараганда нишопурлик бўлган, чунки Нишопур шаҳрининг аввалги номи Эрон эди. (Қараи: «Бурҳони қотиъ» луғати).

Носир Ҳисравнинг (1003—1088) кўрсатишича, Эроншаҳрий Розийнинг (313/925 ўлган) устоди бўлган. Беруний бир қанча диний оқимлар ҳақида керакли маълумотларни шу Эроншаҳрийдан олган. Ҳатто у ўзининг «Осорул боқия» асариде навруз ва меҳрижон ҳақида гапириб, Эроншаҳрийдан цитата келтирди. (Бу ҳақда қараи: Беруний, Избранные произведения, т. 1, УзФАН, Ташкент, 1957, стр. 234. Бундан кейин бу асарни «Осорул боқия» деб оламиз).

6. Монавия. Моний диниядиларни шундай деб атайдилар. Моний (215 йилда туғилган) «Шопурқон» деган асар ёзган. Унингча, диний этиқод ва яхши амаллар вақт-вақтида худо элчилари билан келиб туради. Бир маҳаллар бу яхши амалларни Ҳиндистонда Будда, Эронда Зардушт, Фарбда Исо ёйган эди. «Ана шулардан кейин, — дейди Моний, — худодан ваҳий менга келиб, Бобил ерларига мен орқали ёйилди». Бу фикри учун уни ўлдиршиб, терисига сомон тикишган ва Жунди собур шаҳрининг дарвозасига остириб қўйишган. Бу дарвоза, дейди Беруний, «Моний дарвозаси» деб аталар эди. Берунийнинг хабар беришича, туркий халқларнинг шарқий томонидагилар, Хитой, Тибет, ҳиндларнинг бир қисми шу Моний динида. (Бу ҳақда қараи: Беру-

ни й, Осорул боқия, 211—213-бетлар; яна: Шаҳристониё, Ал Милал ва ан Ниҳал, 1886).

7. Шаманиа. Будда (буддха) динидагиларни араблар шаманийлар деб атаганлар. Шаманий — будпараст дегани. Буни санскрит тилидаги «Ибодатхона зоҳидя, шайхия» деган маънони англатувчи «срамана» (шрамана) сўздан келиб чиққан, деб тахмин қиладиялар.

8. Зурқон. Бу ерда китоб исми бўлса ҳам, асли шу китоб автори — Муҳаммад ибн Шаддод ибн Исо Абу Яъло ал Басрий ал Мусаммий — Зурқон тахаллуси билан машҳур. Басра шаҳрида туғлиб, муътазила (4-изоҳга қаранг) тарафдори Назомнийнг (IX аср биринчи ярмида вафот этган) яқин кишиларидан бўлган. Илоҳиёт бобида ўз даврининг зур олими бўлган.

9. Ҳулул ва иттиҳод. Ҳулул — ўрнашиш, иттиҳод — бирлашиш деган маънони англатади. Ҳулул ва иттиҳод эса, икки жисм бирлашиб, бир-бирига қўшилиб кетганда, бирини аташ билан бошқа бирини ҳам у билан бирга тасаввур қилишдан иборатдир. Масалан, гул суви дейилганда гул ҳам, гул дейилганда унинг суви ҳам бирга тасаввур қилинади. Ҳулул тарафдорларининг таъбирича, худо ҳар ерда ҳозир ва нозир, у ҳар бир нарсага ва нарсаларининг ҳар бир бўлагига бирлашиб, унда зуҳур этади, демак, уларча, ҳар бир нарсага худо дейиш жойиз бўлади.

Ҳулул ва иттиҳод фалсафий оқимининг энг кўзга кўринган тарафдори Мансур Ҳаллож (858—922) бўлган. Мансур шу ғоя натижаси ўлароқ охир-оқибатда таңгрилик даъвосини қилган. У ўз тўнига ишорат қилиб, ўзини кўзда гутиб, «Ушбу чопон тағидаги худо», деган. Ҳатто Мансурга, имон келтиргин, деса у рад қилган ва: «Уйда сен турганингдан кейин чироққа эҳтиёж қолмайди», деган мазмундаги байтни ўқиган.

Бу ерда у «чироқ» деб таңгрини айтмоқчи бўлади. Ҳаллож то ўлдирилгунча шу байтни ўқиб юрган.

10. Санкҳъя — қадимги ҳинд фалсафий системасининг номи.

Берунийнинг курсатишича, «Санкҳъя» китобини қадимги ҳинд файласуфи, санкҳъя мактабининг асосчиси Капила ёзган. Капила Буддхадан (Будда) юз йил илгари, эра-мизгача бўлган 600 йилларда яшаган.

Санкҳъя фалсафасининг асл мазмуни — дунёда нисон қийноқ кўриши керак, қийноқнинг ўзи уч турга бўлинади: жисмоний, ақлий ва руҳий. Бу уч тур қийноқ — азобдан олий зот (Парам пурушартҳа) қўллаши билан халос бўлиш мумкин.

Капила фикрича, дунё яратилмаган, демак, унинг яратувчиси ҳам бўлмаган, ўзи тараққий қилиб етилган; модданинг тадрижий ривожига эса донмо ҳаракат қонунини кузатиш мумкин. Ҳар бир нисон дунёда қийноқ — азобдан халос бўлишга интилиши керак.

Капиланинг таъбирича, худо ёки Браҳма (Бароҳим)нинг бўлиши мумкин эмас. Билишнинг ҳиссий, қиёсий ва ақлий йўллари билан ҳам худо борлигини исботлаб бўлмайди, исботлашга ҳожат ҳам қолмайди. Истасанг, мен ҳам, сен ҳам, хоҳлаган киши худо бўлаверад.

(Бу ҳақда тўлароқ маълумот олмақчи бўлганлар М. Ройнинг «История индийской философии» деган асарига қарасин, Москва, 1958 йил. «Санкҳъя фалсафаси» боби, 197—236-бетлар).

11. Патанжали. Қадимги ҳинд файласуфи, эра-мизгача II асрда яшаган. Унинг «Жуга-сутра» («Йуга-сутра») деган асари бўлган. Кейинчалик бу асар ўз автори номи билан ҳам машҳур бўлиб, «Патанжали» китоби деб юритилган. Патанжали жуга фалсафий мактабининг асосчиси дир.

Беруний бу асарни араб тилига таржима қилган. Арабча бир нусхаси Стамбулнинг Қўпрулу кутубхонасида (инв. № 1589) сақланади.



## Биринчи боб

1. Мличҳа — ифлос, санскрит тилида ғулдирамоқ, ғунғилламоқ маъносда. Қадимда санскрит тилини билмаган авом халқни шундай деб атаганлар. Веда даврида асл ҳинд халқини, айниқса, тўрт варна табақасига кирмаганларни ҳам шундай атаганлар. Кейинчалик ўрта асрларда келгинди, чет кишиларини мличҳа деб аташ расм бўлган.

2. Сагара — қадимги Ҳиндистонда Қуёш сулоласининг афсонавий шоҳи. Бу исм қадимги ҳинд адабиётида кўп учрайди, ҳатто «Маҳабҳарата»да ҳам зикр қилинган. Пурона китобларида келтирилишича, Сагара Беруний давридагилар билан эмас, балки Ой сулоласи шоҳлари ва уларнинг иттифоқдошлари бўлган юнон, скиф — эронликлар билан жанг қилган.

Сагара ўз душманларини енгиб, баъзиларни сочинини қириб олдиришга, баъзиларини эса узун соқол қўйиб юришга мажбур қилган. Ҳатто босиб олган халқларга ҳинд урф-одат, эътиқодларига риоя қилишга руҳсат бермаган, шу билан уларни «мличҳа» даражасига тушириб қўйган.

3. Зардушт — заратуштра — оташпарастлар дини, зароастизм. Бу дин ҳақида фикрлар ҳар хил; баъзилар уни Мидияда пайдо бўлган деса, баъзилар Бақтрия, Сўғд ё Фарғонада, бир хиллари эса Хоразмда юзага келган, деб тахмин қиладилар. Зардуштларнинг муқаддас китоби «Занд-Авеста» эса, худо ва қаҳрамонлар ҳақида эпик афсоналардан иборатдир. (Бу ҳақда қараи: «Ўзбекистон ССР тарихи» (бир томлик), Тошкент, 1958, 36—38-бетлар).

4. Мажусий дини — оташпарастлар дини, улар Зардуштни ўз пайғамбарлари деб билладилар. (Бундан олдинги — 3-изоҳга қараи).

5. Куштасб — буни Гуштосиб ёки Виштасб деб ҳам атайдилар. Афсоналарга кўра, ер юзиде ҳукм сурган подшоҳларнинг энг аввалгиси Қаюмарс бўлган эмиш, салтанат Қаюмарсдан кейин авлодма-авлод ўтиб, ниҳоят, Гуштосиб ибн Лаҳросбга теккан экан. Бу подшоҳ даврида Зардушт (шу бобнинг 3-изоҳига қараи) чиққан ва биринчи бўлиб бу динни Гуштосиб қабул қилган ва ўғли Исфандиёд билан уни ёйишга ҳаракат қилган эмиш.

6. Исфандиёд — аслида Исфандиёр, лекин котиб хатоси бўлса керак, текстда «р» ўрнига «д» ёзилиб, Исфандиёд келган.

7. Мага — санскрит тилида «Қуёшга топинучи», «Оташпараст», деган маънони англатади. Мажусий дини Ҳиндистонга четдан кирган, шу жиҳатдан бу сўз ҳам ҳиндча бўлмаса керак. Лекин бу сўз классик ҳинд тилида ёзилган адабий ёдгорликларда учраб туради.

8. Берунийда Ибн Мунаббих келиши котиб хатоси бўлиши керак. Бу кишининг тула номи Муҳаммад ибн Қосим ибн Муҳаммад ибн Ҳакам ибн Абу Уқайл Сақафийдир. Бу киши кўп аскарларга бош бўлиб, узоқ вақт жанг қилиб, Синдни босиб олган ва 89/708 дан то 95/714 йилгача ўша ерда ҳукм сурган.

9. Сижистон — Сийистон вилоятининг номи, унинг Дранжана, Сакистон деган номи ҳам бўлган.

10. Синд — у даврларда Ҳинд дарёсининг қуйи оқимидаги ерларга айтилган. Бунга Белужистоннинг бир қисми ҳам кирган.

11. Баҳманва — VIII асрда Синд вилоятининг пойтахти бўлган. Муҳаммад ибн Қосим ибн Мунаббих шаҳарга бостириб кириб, «Насарту» — «Мен уни эгалладим» деган экан, шундан кейин уни «Эгалланган» — «Мансура» деб аташ расм бўлиб кетган.

12. Муластҳана — ҳозирги Мўлтон шаҳри, уни Муҳаммад ибн Қосим 713 йилда эгаллаган.

13. Канавж — ўрта асрларда слёсий ва иқтисодий бир марказ бўлган. Бу шаҳар ҳозир Ганг дарёси лабида, Фаррухободдан жануби шарқда, Қанпурдан шимолроқда.

14. Қандаҳор ерлари — мутахассисларнинг фикрича, Беруний назарда тутган Қандаҳор ҳозирги Афғонистондаги Қандаҳор бўлмай, балки ўрта асрларда Ҳиндистондаги Гандҳара шаҳридир.

15. Носируддин Сабуктагин — Сабуктагин ҳозирги Афғонистондаги Фазна шаҳрида газнавийлар сулоласининг асосчиси бўлган ва 367/977—387/997 йиллар орасида ҳукмронлик қилган. Сабуктагиндан кейин Султон Маҳмуд ибн Сабуктагин ҳокимият тепасига чиқиб, 388/998—421/1030 йилларда ҳукм сурган. Сабуктагин авлодларига Хуросон, Хоразм ерлари Сомонийлардан мерос бўлган.

16. Ямин ад Давла Маҳмуд (967—1030) Сабуктагиннинг ўғли, тарихий китобларда Маҳмуд Газнавий деб машҳур бўлган. Беруний даврида Ҳиндистоннинг бир қисmini босиб олган Газна ҳокими.

Маҳмуд халифанинг содиқ амири бўлганидан халифа уни «Ямин ад Давла» («Давлатнинг ўнг қўли») деб атаган. Газнавийлар сулоласининг энг гуллаган даври шу Маҳмуднинг ҳукмронлик йиллари эди.

17. Бароҳамиҳира — эрамининг олтинчи асрида яшаган йirik ҳинд астрономи.

18. Бу ерда Беруний ҳиндларни сувга, ўзини бузилган сувни нормал ҳолга келтирадиган сиркага ўхшатапти.

19. Суқрот — Сократ (эраминдан олдин 469—399 й.) — қадимги юнон файласуфи.

#### Иккинчи боб

1. Бунда фикр кўпинча савол-жавоб билан очилади.

2. «Веда» — Қадимги ҳинд адабиётининг ёзма обидаси. Бунда энг қадимги ҳиндларнинг урф-одати, ижтимоий аҳволи, диний қарашлари акс этган.

«Веда» тўрт қисмга бўлинади: «Ригведа», «Самаведа», «Яжурведа», «Атхарваведа». «Веда» инсониятнинг ҳозир мавжуд ёзма ёдгорликларининг энг қадимгиларидан бири ҳисобланади.

3. «Бҳарата» китоби — Бҳарата — Ҳиндистоннинг қадимги номи. Бу ерда Беруний «Бҳарата авлоди ҳақида улуғ жангнома» — «Маҳабҳарата» асарини назарда тутатган бўлса керак. Бу асар 18 китобдан иборат.

4. «Гита» китоби — «Бҳарата»нинг бир бўлими.

5. Васудева — карамли олий тангри, Кришнанинг сифати. Вишнунинг ерда зуҳур этишидир. Беруний бу гапларни «Маҳабҳарата»нинг олтинчи китобида Кришна билан Аржунанинг суҳбати тарзида келтирган. Унда Васудева фақат тангри сифатида эмас, балки буюк эпик қаҳрамон сифатида келади. (Бу ҳақда қаранг: «Маҳабҳарата», 1-китоб, М.—Л., 1950, 22, 572—586-бетлар).

6. Аржуна — «Маҳабҳарата»нинг асосий қаҳрамонларидан бири, унда у ўз биродарлари — Бхимасона (Бхима) Некула, Саҳадева билан иштирок этади. Афсоналарда айтилишича, Аржуна Васудеванинг қизи, Кришнанинг синглисини ўғирлаб ўзига хотин қилиб олган.

7. Пуруша — ҳинд тилида руҳ — жон деганидир. Ундан ташқари «одам», «эркак», маъносда ҳам келади.

8. Ишвара — эгаллик қилувчи (илдизи «иш» — эгаллаш), яъни олий хот, тангри.

9. Оригиналда бир неча сўз тушиб қолган.

#### Учинчи боб

1. Бу ерда келтирилган етти нафар «Ҳикмат устунлари» қадимги юнон файласуфлари. Булар эраминдан олдин 620—550 йиллар орасида Юнонистонда яшаган давлат арбоблари, қонушunosлардир.

2. Суфия — юнонча билимдон, доно демакдир.

3. Суф سوفى — юнонча, софос — донолик, ҳикмат деганидир.

4. Пилосупо — юнонча, пило — севиш, супо — ҳикмат, пилосупо ҳозирги талаффузимиздаги философия — доноликни, ҳикматни севиш, деганидир.

5. Асҳоби суффа — булар Муҳаммад даврида Мадина шаҳри кўчаларида қолган кимсасиз, бечора кишилар. Улар «Пайгамбар масжиди» ёнидаги суфада ўтириб, келган хайри-эҳсон билан кул кўрганлар ва, ҳатто, Муҳаммадга қарши бўлганлар. Шаҳарга бостириб келганларга биринчи бўлиб қарши турадиганлар ҳам ўша «Асҳоби суффа» ёки «Аҳли суффа»лар бўлган.

6. Така жуни — қадимда сўфи — қаландарлар, билимдонлар така жуvidан тўқилган чакмонлар кийиб юрганлар, шу сабабдан уларни сўфиylар деб аташ расм бўлган. Берунийнинг нақл қилишича «суфа» сўзи юнонча, холос. Лекин тасаввуф маслаги мутахассислари бу сўз этимологиясини юнонча «суфа» эмас, балки арабча суф — жуни сўзидан олинган деб ўйлайдилар. Бу, албатта, аҳли тасаввуфнинг феъли-атворига, мақсад-равшига, мистик райларига мос тушади.

7. Абул Фатҳ Бўстий — асли Хуросоннинг Буст шаҳаридан, Беруний замондонин, Сомоний ва Ғазнавийлар саройида хизмат қилган, арабча ва тожикча шеърлар ҳам ёзган киши, 401/1011 йилда Бухорода вафот этган.

8. Ҳайкал — бу сўзнинг ўзбекчадаги маъносидан бўлак, яна ибодатхона, черков маъноси ҳам бор. Христианлар ўз қурбонликларини ўшандай ибодатхоналарда бажо келтирганлар.

9. Жолинус — Гален (131—200) юнонларнинг машҳур табиби ва ҳакими бўлиб, медицинада катта шухрат қозонган.

10. Берунийда бу китоб номи «Китоб ал хосс ало тааллум ас синноат».

11. Асклепиус — Асклепий. Қадимги юнон адабиётида шифо таангриси, латинчаси — Эскулап — табиб, даволоччи маъносида ишлатилади.

Ҳикоя қилинишича, Асклепий Апполон ва Корониданинг ўғли, отаси уни Хирон тарбиясига топшириб, табибликни ўргатибди, натижада, Асклепий ўлганларни ҳам тирилтириб, даволай оладиган ҳозиқ табиб бўлиб етишибди.

Бунга худолар таангриси Зевс аччиқланиб, Асклепийни чақмоқ билан ўлдирганмиш. Шу жиҳатдан Асклепий шифо таангриси деб аталар экан.

12. Диёнисиус — Дионис. Қадимги юнонларда ичимлик ва маъмурчилик худоси.

13. Буқрот — Гиппократ (эрамиздан олдин 460—377 й.) — қадимги юнон табиби.

14. Қаймус (химос) — меъдада ва ичакларда овқатнинг ферментлар билан ара-лашиши натижасида пайдо бўлган ва ҳазмга тайёрланган молда.

15. Деметра — қадимги юнонларда деҳқончилик, ҳосил ва маъмурчилик худоси, Крон ва Реянинг қизи, Зевснинг синглиси.

16. Афлотун — Платон — эрамиздан олдин 427 йили Афинада оқсуяклар оиласида туғилди, Суқротнинг севимли шогирди. Платон эрамиздан олдин 347 йилда вафот этган. «Тимовус» — «Тимей» — Платоннинг асари.

17. Ассакинот — бу ҳақда ҳар хил талқинлар бор; хотиржамлик, муқаддас руҳ-руҳи қуддус, ажинасимон нарса маъносида. Бу сўзни қадимги иброний тилидан олинган деб фараз қиладилар.

18. Яҳъё ан Наҳвий — асли исқандариялик, VII асрда яшаган йирик тилшунос. Унинг асарларидан фақат «Проклга раддия»си бизгача етиб келган.

19. Проклус — Прокл Диадох (410—485) — неоплатонизм фалсафий оқимининг энг йирик вакили.

20. Ликургус — Ликург. Фракия шоҳи, Дриантнинг ўғли, Диониснинг душмани. Афсоналарга кўра, Ликург ўз ватанидан Дионис ва унинг ҳамроҳларини баларга қилиб юборган. Бундан ғазабланган Зевс Ликургни кўр қилиб, умрини қисқартирган.

21. Элоҳим уриллари. Элоҳимдан мақсад илоҳ — таангридир. Христиан ва яҳудий динларида худонинг фарзанди бор, деган эътиқод бор. Масалан, Исони худонинг ўғли

деб атайдилар. Беруний бу ерда сурёний ва яҳудий тилидаги «элоҳим» сўзини арабча «эллоҳ»нинг ўзи» деб таъриф қилади.

22. Бу «Таврот»дан олиниб, Беруний сўзи билан берилган. («Таврот», Айюб китоби, 1-боб, 6-оят.)

23. «Таврот», Ҳуруж китоби, 7-боб, 1-оят.

24. «Таврот», Мазомир китоби, 82-боб, 1-оят.

25. Баало — Э. Захаунинг таъкидлашича, бу ерда «Ваала» исминин «Баало» деб берилишига қараганда, Беруний «Таврот»нинг сурёнийчадан араб тилига қилинган таржимасидан фойдаланган.

26. Матто инжили, 6-боб, 9-оят.

27. Юханно инжили, 20-боб, 17-оят.

28. Луқо инжили, 22-боб, 69-оят.

29. «Сифр ул мулук» — подшоҳлар китоби. Сифр — катта китоб маъносиди. Бу сўз таврот китобининг катта бир бўлаги — томи маъносиди ишлатилади. Масалан, Мусога беш сифр (беш том) китоб тушган, деб эътиқод қилинади.

30. Бу ҳам тавротдан. Сифр ахбор ал Айём ал аввал, 22-асҳоҳ, 9—10-оят.

31. Маннониялар — муқаддиманинг 6-изоҳига қаранг.

32. Моний — муқаддиманинг 6-изоҳига қаранг.

33. «Қанз ул аҳё» — «Тириклар хазинаси» — Монийнинг асари, лекин бу китоб бизгача етиб келмаган; эҳтимол, ўрта асрларда мавжуд бўлиб, Беруний уни мутолаа қилгандир.

34. Вишну — қадим ҳиндлар эътиқодича, олий ва қудратли тағри.

35. Блинос — олимларнинг таъбирича, эрамининг биринчи асрларида яшаган файласуф Апполлоний Тианийдир.

Бу файласуфнинг Беруний келтирган асарининг арабча номи «Фи илал ал аш» деб аталган. Лекин Ленинграддаги бу асар нусхасининг (инв. № С-653) номи эса «Ар Рисолат ал Жомиа лил аш» мин сирр ал ҳалиқа ва санъат ат табиа» деб аталади.

36. Билфеъл ва билқувва. Парса мавжуд бўлмай, лекин мавжуд бўлиши мумкин бўлса — билқувва, ҳақиқатан ҳам мавжуд бўлса — билфеъл — мавжуд дейилади.

37. Авакта (Авякта) — шаклсиз, кўрмисиз, кўринмайдиган маъносиди. Бу термин Санкхъя фалсафасида модда сифатида келади.

38. Саттва, ражас ва тамас — бу терминлар орқали Беруний Санкхъя фалсафасидаги гуналарни, яъни уч кучни айтимоқчи бўлади. Бу уч куч бир-бири билан боғлиқ (гуна — боғич, арқон маъносиди), бир-бирдан ажралмасдир.

39. Бу ерда «Буддха» — Буддага нисбат бериб «ақл» дейилган бўлса эҳтимол. Лекин бу сўз замирида «Будда худоси» (Буддха) ётибди.

40. Биакта (Въякта) — зуҳур этган, кўринган модда.

41. Пракрити — лугавий маъноси табиат демакдир. Уч куч — саттва, ражас, тамаснинг бир-бирга уйғурилиги бу учала кучнинг асоси ва биринчи сабабчиси. Пуруша субъект бўлса, пракрити объектдир. Пракрити фаол бўлса, пуруша пассиве, пракрити ўзгарувчан бўлса, пуруша ўзгармасдир. Пракрити ҳар бир нарсани вужудга келтира олади. Табиатдаги барча бор нарсалар пракритининг фаолияти натижасидир. Замон, бўшлиқ, эфир пракритининг сифатларидир. (Қаранг: М. Рой, История индийской философии, М., 1958, стр. 200—220).

42. Аҳанкора — аҳан — «ман» дегани, қара — «ман» туйғуси. Аҳанкорадан барча унсурлар вужудга келади, у ташқи оламдан олган ҳамма нарсаларни мушоҳада қилади, қорштиради, у жим турмайди, аҳанкора туфайли пуруша ҳаракат эгаси фойда бўлади ва у уч куч ривожланишига йўл-йўриқ кўрсатади.

43. Маҳобихута — Санкхъя таълимотида бешта моддий унсурлар, бу беш унсурлар — эфир, сув, ҳаво, олов, тупроқдир.

44. «Божу-пуруна». Пурунанинг лугавий маъноси эски, қадимгидир. Пуруналар табиат, борлиқ, инсон ва таинри ҳақида илк қарашларни ўз ичига олган афсонавий ҳикоялардир. Кўпчилик пуруналарда дидактик масаллар ва эпик воқеалар тасвирланади, булар эса ўша давр эътиқоди, мафкурасига мосланган. Пуруналарнинг тури кўп: «Божу-пуруна», «Мача-пуруна», «Вишну-пуруна» ва ҳ. к. Пуруналарнинг асл мақсади қадимги ҳоким файласуфларнинг таълимотини тарғиб қилиш ва уни сақлаб қолишдир. Пуруналар эпосга нисбатан сўнгги давр маҳсули ҳисобланади.

46. Панча мотари — беш она. Мотари — молда, материя, унсур маъносига бўлиб, панча мотари — беш элемент деганидир.

47. Ҳомер — Гомер (эраминдан олдин IX асрда яшаган). Қадимги юнон шоири, «Иллиада» ва «Одиссея» асарининг автори.

48. Парфирius — Парфирий (232—305) файласуф Платоннинг шогирди ва асарлари ношири. Парфирий тарихий асарлар ҳам ёзган, лекин унинг кўп асарлари бизгача етиб келмаган, баъзи парчаларгина сақланиб қолган. Буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино Парфирийнинг «Мантиқ муқаддимаси» — «Исоғучи» асарини мутолаа қилганлигини ҳикоя қилади.

49. Беруний Парфирий асарини шундай атайди: «Китоб фи оро афозил ал фалосифати табиа ал фалак».

50. Текстда бир неча сўз тушиб қолган кўринади.

51. Парошар ўғли Вёса — афсонавий донишманд. Бу киши гўё «Маҳабҳарата»ни ёзган ва тўртта муқаддас китоб — «Веда»ни тузган эмиш.

### Тўртинчи боб

1. Бҳурлока, Бҳуварлока, Сварлока. Бҳур — ер, лока — олам, дунё. Бҳурлока — ер олами, Бҳуварлока — ҳаволар олами ва Сварлока — осмонлар олами. Веда афсоналарида таинри мана шу уч нарсани аста-секин яратгани ҳикоя қилинади.

2. «Вишну-пуруна» — қадимги ҳинд ёдгорлиги, илк пуруналардан бири. Беруний ушбу асарини ёзишда бу китобга кўп бор мурожаат қилади ва ундан парчалар келтиради.

### Бешинчи боб

1. Таносух — жонни бир бадандан чиқиб, бошқасига кўчишига таносух (илдиз насих — нусхаланиш) дейилади. Ҳатто бунини «Тақмис» — кўйлак кийдириш, деб ҳам юритишади. Бу эътиқод тарафдорлари эса «Таносухия» дейилади.

Беруний бу ҳақда шундай таъриф қилади: «Жон ва модданинг иккаласи томондан қутилган истак тўла ҳосил бўлгунича, жоннинг ана шу килда бир бадандан кетиб, бошқасига кўчишига таносух дейилади».

Таносух эътиқоди қадимги ҳинд диний ва фалсафий системасида катта ўрин тутади. Берунийнинг ўзи ҳам бу тўғрида кейинроқда батафсил сўзлайди.

2. Маркандева — қадимги ҳинд адабиётида учраб туралган қаҳрамон. Мусулмонларда Ҳизрга берилган сифат, ҳиндларда Маркандевага берилади. Гўё, Маркандева ўзининг тақводорлиги ва таркидунёчилиги билан ўлмасликдек улуг мақомга эришган эмиш.

3. «Вишну-дҳарма» — Вишну — олий таинри, «дҳарма» — муқаддас қонун, ҳақиқат, саҳоватлик, ҳушхулқ, шунингдек, жамиятга хизмат қилиш, илм-маърифат ўрганиш каби маъноларни англатади. Бу ерда эса «Муқаддас қонун» маъносига, яъни «Вишну-дҳарма» — Таинри Вишнунинг муқаддас китоби деганидир. Бунда бу соҳа эътиқодининг асоси ҳақида гап боради.

4. Маҳодева ўгли Корттике — Маҳодева — улуғ тангри дегани. Шиванинг сифатларидан бири. Шива — ҳалокат, ҳаробот худоси. Браҳма — яратиш худоси, Вишну эса сақлаш ва асраш худоси.

Ҳинд афсоналарида Маҳодева — уруш худоси сифатида келади, Корттике эса Маҳодеванинг ўғлидир.

5. Лакшми — бахт ва гўзаллик худоси.

6. Дакша — ҳинд афсоналарида яратиш қудратига эга тангри сифатида келади.

Ҳинд афсоналарида айтилишича, Дакша қурбонлик қилганида Шива Маҳодевани чақирмабди. У буни ўзига ҳақорат деб тушуниб, қурбонликни тўс-тўпорини чиқарибди, шунда Дакшанинг калласини олган экан.

7. Қалпа — бир кеча-кундузги Браҳма (Бароҳим) умри бир калпадир. Бу эса 4320 миллион йилни ташкил этади. Қадимги ҳиндлар эътиқодича, ҳар бир калпа сўнггида дунё фано бўлиб, янги калпа бошланишида қайтадан пайдо бўлар эмиш.

8. Эроншаҳр — Моний Бобилда туғилиб, шундан ҳайдалган бўлиши керак эди. Лекин негадир Беруний уни Эроншаҳрдан ҳайдалган дейди. «Бурҳони қотнъ» авторининг айтишича, Нишопурнинг илгариги номи Эроншаҳрдир.

9. Монийнинг бу асарининг Беруний келтирган арабча номи «Сифр ал Асрор».

10. Ховарийлар — «ёрдамчи» маъносида. Исоннинг энг яқин дўстлари, суҳбатдошлари — саҳобалари. Улар гўё Исога висбатан ниятлари холис ва дидлари пок бўлганлиги жиҳатидан ховарийлар деб аталган эмишлар.

11. Вардесан — Моний замондоши ва унинг маслагига қарши бўлган файласуф.

12. «Паедо» — «Федон» — Суқротнинг асари. Беруний бу асарида ундан кўп парчалар келтиради. Бу келтирилган парчалар баъзан Суқрот китобига тўғри келса, баъзи жойларда ўзгачароқ йўсинда келади. Берунийнинг «Ҳиндистон» асарининг ношири ва инглизчага таржимони Захаунинг фикрича, Беруний ўз асаридаги парчаларни Суқротнинг асарига Проклиус ёзган шарҳидан олган бўлса керак.

13. Ҳадес (Анд, Гадес). Ер ости ва ўликлар эгаси, у ер ости бойликлари, ҳосиллар худоси ҳисобланади. Уч биродари ўртасида дунё тақсим қилинганда, Ҳадесга ер ости подшоҳлиги теккан эмиш.

#### Олтинчи боб

1. Лока — олам, дунё деган маънода. (Бу ҳақда тўртинчи бобнинг I-изоҳига қаранг).

2. Потола — қадимги ҳиндлар эътиқодича, ер ости олами етти турга бўлинади. Буларни ер ости подшоҳлиги — потола дейилади.

3. Мадҳиалока — манушиалока — мадҳъя — ўрта, лока — олам; манушъя — инсон бўлиб, «Ўрта олам» ёки «Исонлар олами» — Ер дегани.

4. Тиражаклока — фикр — тафаккур, ақлга эришмаган ҳайвонот дунёсига айтилди, бунга ўсимликлар дунёси ҳам киради. Бароҳим дунёни вужудга келтиргач, даставвал мана шуларни яратган эмиш.

5. Ҳиндларда дўзахлар бу билан чеklangмайди, инсонлар гуноҳи қанча бўлса, лўзахлар ҳам ўшанча бўлади.

6. Миллий хабар — араб тилида «миллат» сўзи «дин» маъносида ҳам ишлатилаверади. «Миллий хабар» — диний хабарлар деганидир.

7. Ативоҳика — лугавий маъноси «Шамолдан ҳам тез» деганидир.

8. Барзах — тўсиқ; инки қарама-қарши нарса ўртасига барзах дейилади. бу «Улим билан тирилиш ораси» маъносида. Бу сўз араб тилига четдан кирган сўз бўлиб, асли форсчадир.

9. Нуханинг шу жойида бир неча сўз тушган кўринади.

10. «Кашф ал Маҳжуб» — «Яширин нарсаларни очиш — кашф қилиш ҳақида китоб».

11. Фисоғурс — Пифагор.

12. Ахерон ё Ахеронт — қадимги юнонлар эътиқодича, ер ости мамлакати — подшоҳлигидаги дарё.

#### Еттинчи боб

1. Қўқнус — асли юнонча бўлиб, афсоналарга кўра минг йил яшайдиган қуш. Гўё дастлаб куй-оҳанглар шу қуш овозидан олинган эмиш.

2. Расояна — оби ҳаёт — ҳаёт суви.

3. Ун еттинчи бобга қаранг.

4. «Қуръон», 18-сура, 83-оят.

5. Аммонийус — бу юнон файласуфи Ҳермийнинг ўгли Аммоний (V аср) бўлса керак. Аммоний Аристотель асарларининг шориҳи ҳам.

6. Эмпедоклис — Эмпедокл, эраминдан олдин 490—430 йилларда яшаган файласуф. Бу ердаги Ҳеракл — Гераклдан мурод эфесли Гераклитдир (эраминдан олдин 540—475 йилларда яшаган).

7. Нафси куллий — умуман, инсоният руҳи; бу ерда кирчил нафслар инсоният руҳига шикоят қилади, демоқчи.

8. Абу Бакр аш Шиблий (861—945). Мансур Ҳаллож (858—922 гоёларига яқин тасаввуф аҳлидан; асли мовароуннаҳрлик бўлиб, Бағдодда яшаб, ўша ерда вафот этган.

9. Абу Язид ал Бастомий (874 йилда ўлган) — машҳур тасаввуф намоедаларидан. Бу шахс ҳақида ҳам Мансур Ҳалложга ўхшаш кўп нақллар бор.

10. «Қуръон», Бақар сураси (2), 73-оят.

#### Саккизинчи боб

1. Бҳута, пишоча, прета — ўлганларнинг руҳлари. Одатга булар ёмон руҳ саналиб, қабр ва кимсасиз жойларда бўлар эмиш. Булардан пишоча энг манфури ҳисобланади.

2. Нага — илоп, кобра; ҳинд афсоналарида ер остида яшовчи илон одамлардир.

3. Видёдҳара — осмон билан ер ўртасида бўладиган худолар; булар ўртача табақали худолар саналиб, одамларга хайрихоҳ бўлар эмиш.

4. Бароҳим, Индра, Пражопати. Бароҳим — иш бошловчи; табиат, худо, оламнинг яратилишини ҳиндлар Бароҳимга нисбат берадилар. Индра — худолар шоҳи; осмон тахтининг эгасидир. Пражопати эса борлиқнинг эгасидир. Бу исм илоҳлар илоҳи сифатида ведаларда жуда кўп худоларга ишлатилади.

5. Нандикешвара — бахт тангриси, Шиванинг ходимларидан бири.

6. Риши — зоҳид, эшон, тақводорлар. Ҳатто ибодатхона хизматчисини, веда адабиётида эса ҳаким — шоирларни шундай аташади. Сидҳа — авлиё, ҳикматшунос, мўъжизакор; муну — таркидунё қилган доно порсолар.

7. Браҳмарши — бу «браҳма» ва «риши» сўзидан тузилган бўлиб, риши — зоҳидлик даражасига эришган браҳмандир.

8. Кшатрий — ҳинд каста — табақалар. Бу, одатда, браҳмандан кейинги катта табақалардандир.

9. Рожарши (Рожа-риши) — риши — авлиё даражасига эришган рожа, ҳаким, давлат арбоби.

10. Тўққизинчи бобга қаранг.

11. Рудра — «Веда» адабиётида учрайдиган тўфон худоси.

12. Қалом олимлари — ҳар хил исботлар билан диний йўл-йўриқларни ҳимоя қилувчи оқим кишилари.
13. Галеннинг «Нутқлар» ёки «Амр-фармонлар» китоби.
14. Филон — эрамик бошларида яшаган юнон табиби.
15. Мисқол — ўлчов бирлиги, тахминан 4,24 гр.га тенг.
16. Диктовун — афсонавий тоғ.
17. Еврона — қадимги юнонларнинг деҳқончилик худоси. Кейинги нақлларда Феникс қизи. Гуё Зевс ҳўкиз сифатида келиб, уни ўғирлаб, Критага олиб борган ва ўша ерда у Зевсга Минос ва Рҳадамантусларни туғиб берган эмиш. Кейин Еврона Крита шоҳи Астерионга тегиб, подшоҳлик ундан Миносга мерос бўлиб қолган эмиш.
18. Бунда Синай саҳроси назарда тутилаяпти.
19. Нектанебус — эрамикдан олдин 359—341 йилларда ҳукмронлик қилган.
20. Филип II — эрамикдан олдинги IV асрнинг биринчи ярмида яшаган.
21. Қўлёманинг шу ерида сўз тушиб қолган.
22. Бу ҳақда олтамиш тўққизинчи бобга қаранг.
23. Аратос — эрамикдан олдинги III асрда яшаган македониялик шоир. Унинг назм билан ёзилган «Вужудга келувчи нарсалар» ҳақидаги астрономик асаридан парчалар сақланиб қолган.
24. Кратос — афиналик бўлиб, эрамикдан олдин 470 йилларда яшаган.

#### Тўққизинчи боб

1. Бобак ўгли Ардашер (226—241 йиллар орасида ҳукм сурган) — Сосонийлар сулоласининг асосчиси.
2. Варна — бу ранг, тоифа, ирқ, ҳарф, товуш деган маънони билдирса ҳам, қадимги ҳиндларда бу сўз тўртта асосий табақани билдирган. Бу эса ўз аслини қадим замонлардаги оқ-қорага ажралган ирқий тафовутдан олган бўлса керак.
3. Жотака — бу туғилмоқ сўзидан олинган бўлиб, туғилган деган маънони билдириди. Бу ерда маълум бир табақани айтмоқчи.
4. Арабча текстда бир неча сўз тушиб қолган.

#### Ҳининчи боб

1. Бу эрон шоҳи Қайхисров ёки Қирдир.
2. Помпилус — бу қадимги Римнинг афсонавий шоҳи Нум Помпийдир. Бу шоҳ эрамикдан олдинги VIII асрнинг охири ва VII асрнинг бошларида яшаган деб тахмин қилинади.
3. Нороана — бу олий тангри Вишнунинг номи. Оламда адолатсизлик юз берса, келиб адолатни тиклар эмиш. Вишну тўққиз марта дунёга келган эмиш.
4. Шонтану — бу Ой сулоласининг афсонавий шоҳи. Аслида эса Пандунинг ачакиси ҳисобланади.
5. Ебҳом — бу ибронийчада қайни деганидир.
6. Падашвор-гершоҳ — баъзи нусхаларда «Парашвор» деб ҳам келган. Буни Захау ўз нашрида кўрсатиб ўтади.
7. «Тавсар» — бу оригиналда «Тавсар китоби» فرکتاب «نوسرهریز» сифатида келган. Лекин бу тарихда «Тавсар (ё «Тансар») хати» номи билан машҳур. Олов ходимларининг улуғи «Ҳарбедаар ҳарбеда» («Олий қоҳин») сифатида келган.



## Ҳи биринчи боб

1. Умра — фарз бўлмаган кичик ҳаж; бу ҳаж маросими ҳам фарз ҳажидан фарқ қилмас-да, лекин фарздан кейин бажо келтирилади; мусулмон фикҳшуносларнинг фикрига кўра, бунинг бажо келтирилиши шарт эмас.

2. Бали — ер, осмон ва ер ости дунёсини эгаллаган шоҳ. Лекин Вишну ер ва осмонни ундан тортиб олган эмиш. Ҳиранякша — тилла кўзли дегани. Ерни фарқ қилишга уринган шоҳ.

3. Гаруда — афсонавий қуш, бу паррандалар шоҳи эмиш.

4. Васиштха — афсонавий донишманд, қадимги замонлардаги улуг риши — ваҳонидлардан, деб ҳам таъриф қилинади.

5. Норада — етти улуг риши — зоҳидларнинг бири. Бу худо билан одамлар орасида воситачи сифатида юрармиш.

6. Одитъя — «Веда» пантеонидаги етти тангрининг исми. Бу исм Қуёш тангриси Митра, Суръя ва Савитрага ҳам ишлатилади.

7. Критажуга — «Олтин аср» дегани. Бу ҳиндлар эътиқодига бўлиган дунё даврларининг тўрттасининг аввалгиси ҳисобланади.

8. Муҳаммад ибн ал Қосим ибн Мулаббих — Шимолий Ҳиндистонни босиб олган мусулмон лашкар бошиси. (Еттинчи боб, 8-изоҳга қаранг).

9. Қарматийлар — Шиа мазҳабининг бир гуруҳи бўлиб, IX асрнинг охиригача (895 йилларда) юзага келган, уни сабъийлар ҳам дейилади.

10. Жалам ибн Шайбон — X асрнинг иккинчи ярмидаги Мўлтон волийси. Баъзи олимлар «Жаламни» «Ҳалим» деб ўқиб, Мўлтон волийси Ҳалим ибн Шайбон, деб ўйлайдилар.

11. Маҳмуд Ғазнавий (967—1030) — Ямин уд Давла Маҳмудга қаранг. (Биринчи боб, 16-изоҳ).

12. Тонешар — Шимолий Ҳиндистондаги қадимги шаҳар. Урта асрда бу шаҳар анча сиёсий ва маданий марказ бўлган.

13. Чакрасомни — Чакра эгаси, яъни Вишну.

14. Соманотха — «Ой эгаси» аталмиш санам.

15. Болур — ҳозирги Кашмирда Балти ёки Кичик Тибет вилояти.

16. Дашаратха ўгли Рома — ҳинд эртақларида кўп учрайдиган афсонавий подшоҳ. Бу Вишнунинг тажассуми сифатида ҳурмат ва эҳтиромга эга.

17. Шри — бахт ва гўзаллик, муваффақият, бойлик тангриси. Лақшми худосининг бошқа бир исми.

18. Баладева — ҳинд достонларининг қаҳрамони, Кришнанинг биродари сифатида машҳур.

19. Сомба — ривоятларга кўра Сомба Қуёшга топинишнинг асосчиси эмиш.

20. Прадјумна — бунга севги тангрисининг тажассуми сифатида топинилади.

21. Маҳодева ўгли Сканд — ҳинд афсоналарида уруш худоси.

22. Кубера (Кубер) — ҳинд афсоналарида бойлик худоси.

23. Коммодус — Коммод (161—192) 180 йилдан 192 йилгача Рим императори бўлган.

24. Муовия ибн Абу Суфён — Уммавийлар халифаси (661 йилдан 680 йилгача ҳукмронлик қилган).

25. Сақлия — Сицилия.

## Ҳи иккинчи боб

1. Двопара — дунё даврларининг учинчиси, мис даври.

2. Шлока — санскрит адабиётида энг машҳур шеъринг вазилардан бири. Бу биздаги маснавийга тўғри келади. Лекин шлоканинг ўзига хос белгилари бор.

3. Демократес — эрамизгача I асрда яшаган рим табиби.
4. Арабча текстнинг шу ўрнида сўз тушиб қолган.
5. Локоята — Ҳиндистондаги «Чорвака» деб ҳам машҳур бўлган материалистик фалсафий мактаб номи. Бу фалсафий оқим тарафдорлари дунёни ҳиссий билишни асос-эътиборга олганлар.
6. Парва — китоб маъносиди.

#### Ун учинчи боб

1. Вьякарана — грамматика.
2. Жайпола — Панжоб ҳокими. Маҳмуд Ғазнавий Жайпола I билан Пешовор яқинида бўлган жангда уни енгиб (1001 й.), асир олган. Унинг ўғли Анандапала эса отаси ўлгач, тахтга ўтиради. Уграбҳути Анандаполанинг устози эди.  
Анандапола Маҳмудга қарши жанглар ҳам олиб борган ва 1010 йилда вафот этган.
3. Абул Асвад ад Дуалий (688 йилда ўлган). Араб адиби. Нақл қилинишича, бу киши ҳам Беруний келтирган — сотавоҳона сингари воқеага дуч келиб, сўнг грамматика тузишга мажбур бўлган.
4. Эвклиднинг «Алмагеста» китоби. «Мусулмон шарқи» оламига кенг ёйилган ва кўп замонлар олимлар диққатини тортиб келган асар. «Магистэ» сўзи юнонча бўлиб, улуг деган маънони англатади. Бу, албатта, асарга ҳурматан аталнидир. Бу асарни Беруний қилган ҳиндча таржимаси ҳозирча номаълум.
5. Ҳалил ибн Аҳмад — аруз вазнининг асосчиси сифатида машҳур, тил билими ва шеър санъатидан жуда яхши хабардор киши. Ҳалил ибн Аҳмад, тахминан, VIII асрнинг охирида вафот этган.
6. Шу белги ёнидаги сўз арабча текстда тушиб қолган.
7. Шу ерда сўз тушиб қолган.
8. Силлабо сўзи юнонча — сўз бўғини дегани.
9. Асарнинг Ҳайдаробод нашрида келтиришича, бошқа бир нусхада шундай келган:

« || < | < | < || < |

Берунийнинг ўзи эса, иккинчисининг аҳволи шубҳали бўлгани учун келтирмадик, дейди.

10. Тақтиъи — асли кесмоқ феълидан; бўлакларга ажратиш, лекни бу ерда байт бўлақларини вазнга солишни билдиради.

#### Ун тўртинчи боб

1. Синдиҳинд — Браҳмагултаннинг «Браҳма-сиддиҳонта» асарини араб тилида қайта ишлаган ал Фазорий ва Яқуб ибн Торик асарини «Синдиҳинд»дир. Бу асар бирмунча ўзгариб, ҳинд ва синд ерлари номи билан машҳур бўлган.  
Сиддиҳонта эса, астрономия тўғрисидаги дарслик маъносиди.
2. Текстнинг шу ерда сўз тушган.
3. «Дхёна-граҳа-адхъяя» — дхёна — фикр, граҳа — қўллангани маъносиди. Бу ерда «Фикрлаш йўли билан ёритгичларни таниш боби».
4. Озжабҳара — Орябҳата — V асрда яшаган ҳинд математиги ва астрономи.
5. Балабҳадра — ҳинд астрономи.
6. Текстда сўз тушган.
7. Текстда сўз тушган.
8. Бармакийлар — Аббосийлар халифалигидаги вазирлар сулоласи (VIII аср).

9. «Панчатантра» — бизда у «Қалила ва Димна» номи билан машҳур. Беруний бу китобни таржима қилмоқчи бўлганини ёзади. Лекин Беруний таржима қилгани — йўқми ҳозирча номаълум. Аммо у арабчага Абдуллоҳ ибн Муқаффа (724—759) таржимаси билан машҳур бўлган. Бу китобни Беруний ўқиб, унга қаноатланолмаган, ҳагто Муқаффани қаттиқ танқид қилади.

Ҳиндча «Панчатантра» асарининг «Қалила ва Димна»га айланиб қолишига асарнинг бош қисмидаги икки чиябўрининг исми «Қаратака ва Даманака» сабаб бўлган. «Панчатантра» (унинг маъноси «Беш ҳикмат — китоб»дир) паҳлавий тилига таржима қилинганда бу исмлар бузиб олинган, паҳлавий тилидан Муқаффа арабчага таржима қилиб, унинг аслини суриштирмаган ва шу куйи дунёнинг жуда кўп тилларига таржима қилиниб кетилган. (Е. Э. Бертельснинг «Қалила ва Димна»нинг 1957 йил Москвада қилинган нашрига ёзган сўз бошисига қаранг.)

### Ун бешинчи боб

1. Атрия — афсонавий шахс. Қадимги Ҳиндистонда табобатни тарқатган ва унинг асосчиси, деб тушунилади. Халқнинг ҳурмат ва эътибори зўрлигидан «Чарака-сангхита» китобида барча тиббий маслаҳат ва насиҳатлар унинг исмидан айтилади.

2. Текстда учдан бирнинг бешдан бири, деб келган.

3. Ратл — арабча оғирлик ўлчови, бир қадоққа [400 гр] тўғри келади.

4. Бу билан Беруний юқорида айтилган арабча таржимани танқид қилмоқчи.

5. Берунийнинг айтишидан, унга замондош ҳинд олимлари бўлса керак.

6. Ал Фазорий (VIII аср) — Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳабиб ал Фазорий. Пирик астроном ва таржимон. У Браҳмагуптанинг «Сиддихонта»сини арабчага таржима қилган. Бу асар «Браҳма спхута-Сиддихонта» деб аталади. Фазорий асарни таржима қилиш билан қаноатланмай, кўп ўрниларини тўлдирган, унинг қайта ишлаб, таржима қилган бу асарини Беруний мутолаа қилган, лекин ҳозир сақланиб қолган-қолмаганлиги номаълум.

7. Кроҳ — **كروه** — Заҳау ва Ҳайдаробод нашрида «Кроҳ» ёзилган. Лекин унинг маъноси Крошага **كروش** тўғри келади. Агар тўрт газ, ҳиндларча, бир ой бўлиб, у бир қулочга баробар бўлса, қирқ ой бир налва, яъни 160 газ бўлади ва йнгирма беш налва (160×25) бир кроша, яъни 4000 газ бўлади. Бу эса, Беруний келтирган кроша билан кроҳнинг бир хиллигини кўрсатапти.

8. Бинсир — **بنصر** — буни ўзбекчада ён бармоқ ёки сўфи бармоқ, ё отсиз бармоқ, фольклорда эса чулдурчумак дейилади. Бу бошқолдоқдан бошлаб тўртинчи, жимжилоқдан бошлаб эса иккинчи бармоқдир.

9. Двипа — орол, қуруқлик.

10. Яқуб ибн Ториқ — Фазорий (VIII аср) замондоши, ҳиндча астрономик асарлар таржимони.

### Ун олтинчи боб

1. Ҳижрийнинг еттинчи (628—629 йиллар) йили Муҳаммад бошлиқ Мадина мусулмонлари Ҳайбар (Мадинадан 150 км нари) водийсини босиб олиб, у ердаги яҳудийлардан солиқ олган; бу ерда шунга ишора қилинапти.

2. Қисро — Ҳисров шоҳларнинг номи.

3. Қиртос — юнонча папирус — қоғоз дегани; «тумор» ҳам асли юнонча сўз, ўрама қоғоз деган маънони англатади. Дастлабки туморлар қиртослардан, кейинчалик қоғозлардан бўлган.

4. Бу ерда VIII асрнинг ўрталарида Самарқанд яқинида бўлган жанг назарда тутилаяпти.

5. Булардан хабардор кишиларнинг ёзишича, ҳарфлар у маҳалларда 48 дан 63 гача борган.

6. Бунда Беруний Симонид Кеоссий (эрамиздан олдин 556—469 йиллар)ни назарда тутса керак.

7. Баронасе — ҳозирги Банорас.

8. Экан — бир, лашан — ўн, шазан — юз, саҳасран — минг, ажута — ўн минг, лакша — юз минг, пражута — миллион, коти — ўн миллион, ниярбуда — юз миллион, пазма (пазма) миллиард, ҳарва — биллион, нахарва — юз миллиард, махапазма — триллион, шанку — ўн триллион, самудра — юз триллион, мадхуа — ўн квадриллион, антуа — квадриллион, парорза — юз квадриллион.

Бунда Беруний мадхуа билан антуанинг ўрнини алмаштирган.

9. Шеърнинг асли шундай:

و كاتب قرطاسه من حممه \* يكتب فيه بالبياض قلمه  
يكتب في ليل نهاراً ساطعاً \* يسديه الا انه لا يلحمه

#### Ўн еттинчи боб

1. Бунда Беруний ҳиндларни паррандаларга ўхшатапти. Жаҳолат уфқи эса, Беруний шу бобда келтирган, ҳиндлардаги кимёгарлик, сеҳргарлик ва бўямачиликдан иборат бўлмағур илмлардир. Ҳиндларнинг шу илмларга бўлган рағбатларини жаҳолат уфқида учиб юришга ўхшатапти. Демак, худди паррандалар уфқда учгандек, ҳиндлар бу хил подонликка олиб борадиган илмлар билан шугулланганлар, натижада, бундай жаҳолат уфқида учолмай, қанотлари синган.

2. Викрамодитъя — эрамиздан олдинги биринчи асрда Ўжайн вилоятида ҳукм сурган подшоҳ.

3. Рақтомала — рақта — қизил ё қонни англатса, амала эса соф, тоза деган маънони англатади.

4. Валлабҳа — қадимда Гужаротнинг маданий ва сийёсий маркази бўлган шаҳар. Бу ном билан аталган давлат VIII асргача мавжуд бўлган.

#### Ўн саккизинчи боб

1. Барбар кўрфази — ҳозирги Адак қўлтиғи.

2. Қулзум кўрфази — Қизил денгиз.

3. Жавн — ҳозирги Жумна дарёси.

4. Ганга-двора — Ганга эшиги (двора — эшик; форсча «дар» га яқин) Ганганинг Ҳималай тоғидан текисликка чиқадиган жойидаги ернинг номи.

#### Ягирманчи боб

1. «Қуръон», Худ сураси (11), 9-оят.

2. Ўн бешинчи бобга қаранг.

#### Ягирма биринчи боб

1. Сангаладип — Сарандип — Цейлон. Дебажот — Малдив ва Лаккадив ороллари.

**Игирма иккинчи боб**

1. «Китоб ул Масолик» — йўллар китоби. Бу сомонийларнинг вазири бўлмиш Жайҳонийнинг асари. Бу китоб автори — Жайҳоний X аср сўнггиси, XI аср бошларида яшаган.

**Игирма учинчи боб**

1. Меру — афсонавий тоғ. Гўё бу тоғ ернинг ўртасида эмиш.

**Игирма бешинчи боб**

1. Сақлаб (кўплиги Сақолиба) — славян, Сақолиба денгизи — Болтиқ денгизидир; Журжон денгизи — Каспий, Хоразм денгизи — Орол денгизи, Понтас денгизи — Қора денгиздир.

2. Панчанада — қадим вақтларда Панжобни шундай атаганлар.

**Игирма олтинчи боб**

1. Оригиналда шундай: حَزَّ الْقُرَّةَ بِالْفَزَّةِ

2. Ибн ал Муқаффа (759 йилда ўлдирилган). Машҳур таржимон, «Қалила ва Димна»ни паҳлавий тилидан арабчага таржима қилган. Авжа билан Муқаффа икковидиндан тойганлар сифатида қатл этилганлар («Панчатантра», ўн тўртинчи боб, 9-изоҳга қаранг).

3. Бунда яхшилик ва ёмонлик худоси бор, деб эътиқод қилишни айтмоқчи.

4. «Қуръон», 79/24.

5. «Қуръон», 28/38.

6. Дайтёнтара — яъни осмон руҳонийларининг бир хил дайтялар турадиган жой.

7. Текстнинг шу ерида сўз тушган.

8. Текстнинг шу ерида сўз тушган.

**Игирма еттинчи боб**

1. Арабча «кавокибу собита» — тургун ёриткичлар, яъни юлдузлардир.

2. Гхатико (арабча ёзувида гихрия) — вақт ўлчови, 24 минут.

3. Қадимги ва ўрта асрлар астрономлари Қуёш ва Ойни ҳам сайёралар қаторига қўшганлар.

4. Оригиналда ҳаззоф (қулоччининг донрали асбоби) деб ёзилган.

**Игирма тўққизинчи боб**

1. Қайровус, Жом, Қайхнрров, Афросиёб — Шарқ афсоналарининг қаҳрамонлари

2. Абу Маъшар Балхий (886 йилда вафот этган) — машҳур астроном.

**Уттиз биринчи боб**

1. Яъни Игирма бешдан тўққиз  $\frac{9}{25}$

2. Текстнинг шу ерида сўз тушган.

3. Лавҳур — Луҳур — бу Лаҳор шаҳари эмас. Беруний айтгандай — Қалъа.

**Ўттиз иккинчи боб**

1. Муҳаммад ибн Закариё Розий (865—925) — Яқин ва Ўрта Шарқда машҳур бўлган табиб. Унинг бирмунча асарлари бизгача етиб келган. Ибн Сино каби йирик табиблар ундан фойдаланган.

2. Искандар Афродисий — рус адабиётида Александр Афродезийский (II—III асрларда яшаган).

3. Жавзаҳр сўзи форсча-тожикча бўлиб, асли гавз — ёнгоқ (араблашгани жавз — чунки арабларда «г» ҳарфи йўқ) ва чеҳр — кўриниш (чеҳра сўзига солиштиринг; араб тилида «ч» ҳарфи бўлмагач, «чеҳр»даги «ч» ҳарфи «з» билан алмашган ва «заҳр» тусини олган) деган сўзлардан тузилган.

4. Текстнинг шу ерида сўз тушган.

5. Беруний ўз китобининг ўттиз саккизинчи ва ўттиз тўққизинчи бобларига ҳавола қилмоқчи.

**Ўттиз тўртинчи боб**

1. Пуршура — ҳозирги Пешовар.

**Қирқ биринчи боб**

1. Бу сўзнинг арабча шакли **النتف** А-Л-Н-Т-Ф — бўлиб, нималиги маълум бўлмади. Эҳтимол, бу сўз „нутафа“нинг жазми „нутаф“ — яхши кишилар маъносидадир. Илм ўрганиб, камолга эришолмаганлар ҳам шундай дейилар экан.

**Қирқ иккинчи боб**

1. Пулсиса — текстда одатда бу исм **پلس** келар эди, лекин бу ерда ва шу бобнинг бошқа ерларида **بولس** шаклида келган.

**Қирқ учинчи боб**

1. Анлосос — текстда **انلوسوس** шаклида ёзилган, биз уни Анлосос деб ўқидик.

**Қирқ бешинчи боб**

1. Асад қалби — лигирма саккизта ой манзилларининг бири.
2. «Ҳиндистон»нинг ношири Э. Заҳау шу ерни 17° 18' деб тузатган.
3. Яъни 421 ҳижрий, 1030 милодий йилни айтмоқчи. Чунки Беруний бу асарни шу йил тугатган.

**Қирқ саккизинчи боб**

1. Бунда ер сифатида кўриниш гўзал хотин устида гап бораётти.

**Эллагинчи боб**

1. Яъни 771 милодий йил. Бунда гап 754—775 йилларда халифалик қилган Аббосийлардан бўлиши ал Мансур ҳақида бораётти.

## Эллик биринчи боб

1. Ижтимо (бу муҳоқ — ой охири ҳам дейилади) — Ойнинг Қуёш билан бир буржда учрашуви.

## Эллик иккинчи боб

1. Арабча текстда 710.

2. Бу абзацни шу асар ношири ва инглизча таржимонн Э. Захау шарҳлаб, 24060 ўрнига 24090; 7938900 ўрнига 7949700; 64106 ўрнига 69601; 79462104 ўрнига 7956601; 210902 ўрнига 307;  $\frac{162972}{210906}$  ўрнига  $\frac{56547}{210912}$ ; 23624 ўрнига 23714 сонини ёзишни тавсия қилади.

3. Яъни Дурлабҳа.

## Эллик бешинчи боб

1. Бунда Қуёш ва Ой назарда тутилаяпти.

2. Араз — акциденция.

3. *النسر الواقع* ўтираётган бургутсимон; Вега.

4. *الشعري اليمانية* Ямония шари.

5. «Сфералар таркиби ҳақида».

6. Бу ерда зикр қилинган ҳинд олими 777/778 йиллар орасида Бағдоддаги ҳинд элчионасида ишлаган.

7. Бир нусхада «етти» ўрнига «уч» ёзилган.

8. Бошқа бир нусхада «етти» ўрнига «уч» ёзилган.

9. Бу Птоломейнинг араб тилига қилинган таржимасида бизгача етиб келган «Оптика» асари.

10. Бундаги соннинг биринчиси бутун сон, иккинчиси сурат, учинчиси маҳраж.

Асли шакли  $1043210 \frac{1661237670}{2242124873}$ .

Бундан кейингилари ҳам шундай. Биринчиси бутун сон, иккинчиси сурат, учинчиси маҳраж.

11. Бу ерда ҳам биринчиси бутун сон, иккинчиси сурат, учинчиси маҳраждир.

12. Муаддил — тўғриланма, теягловчи.

13. Нуханинг шу жойида сўз тушган.

14. Муҳаммад Мусо Хоразмий — Урта Осиёнинг йирик олими, асли хоразмлик, тахминан, 847 йилларда вафот этган. Математика соҳасида катта ютуқларга эришган. У «Астрономик элж» ва «Жабр ва Муқобала», «Ер суврати», «Ернинг аҳоли яшайдиган чорагининг тасвири» каби бир қанча асарлар ёзган.

## Эллик олтинчи боб

1. Қамарий ойнинг 28- ва 29-кунлари.

2. Бунда Беруний кўчманчи арабларни назарда тутаяпти.

3. Анво—навнинг кўплиги; тонг ёригандан кейин кун ботиш томонида ой манзилларидан бир юлдузнинг ботиши ва худди ўша соатда, кун чиқиш томонида уни худди пойлагандай, рўпара бўлиб, бошқа бир юлдузнинг чиқишидир.

Анво ҳақидаги китоб деганда, ёғингарчилик, умуман, об-ҳаво тўғрисидаги билим ҳам тушунилади.

## Элик еттинчи боб

1. Бҳрамара — санскритчада асаларини, ҳатто унинг каттасини ҳам, шундай аташади.
2. Бу ердаги *الحيات والفيلة* жумласи *الحيات والفيلة* ҳайвонлар ва филлар бўлса керак, чунки *الحيات* илонлар шу жумла юқорисинда келган эди. *فيلة* эса филнинг жами—филлардир. Э. Заҳау бу иборани инглизчага «эркак ва ургочи илонлар» деб таржима қилган.
3. Текстда *كغصون البطن* келган; биз уни *كغصون البطن* деб олдик.
4. 416 ҳижрий — 1025/1026 милодий.
5. Ғазнин — Ғазна, ҳозирги Афғонистондаги шаҳар.

## Элик тўққизинчи боб

1. Текстда *مائة ماهية* келган, *ماهية* деб олинди.
2. Қуръон, 27-сура, 14-оят.
3. Қуръон, 29-сура, 12-оят.

## Олтмишинчи боб

1. Текстда *اولها برهماد* келган. Бу котиб хатоси бўлиб, Бароҳим ўрнига Браҳмод келган бўлиши мумкин. Чунки юқоридаги схемада парванинг эгаси Бароҳим деб келган эди. (Бу боб жадвалининг биринчи парва эгасига қаранг.)

## Олтмиш биринчи боб

1. Маволид ал Кабир — маволид деб ҳайвонлар, ўсимликлар ва жонсиз мавжудотга айтилади. Бу ерда китоб исми бўлиб келган.

## Олтмиш учинчи боб

1. Яъни «Олов пайдо бўлганидан бери унга чўқиниб келинган». Бу машҳур араб шоири Башшор ибн Бўрднинг шеъри. Шоир тугма кўр бўлган, у ўзининг эркин фикри, ўткир ҳажви билан Шарқда шухрат қозонган, 167 ҳижрий (783 милодий) йилда ўлдирилган. Бу ерда Беруний унинг бир мисра шеърини келтирган; асли шундай:

و النار معبودة منه كانت النار

## Олтмиш олтинчи боб

1. Текстда мужовир — «қўшин, яқин бўлиб» маъносинда.

## Олтмиш еттинчи боб

1. Мусулмонларда тургун ёки тижорат савло моллари учун ҳар йили маълум миқдорда закот берилган. Бунда қонда шуки, йил тугагач, ўша йил учун закот берилган. Беруний шуни назарда тутиб, ҳиндларда закот — садақа бериш учун йил ўтиши шарт эмас, дейди.



**Олтмиш саккизинчи боб**

1. Асқуф — кўплиги асоқифа, бу муфтига тўғри келади.
2. Текстда матрон — бу қозинга тўғри келади.
3. Бу имомга тўғри келади (Католикос)
4. Қисс-қасис — ваъзхон ва нижлхон қорилар (пресвитер), шаммос эса муаззин (диакон) — сўфига тўғри келади.
5. Текстнинг шу ерида сўз тушган.
6. Одамлар ўз моллари билан бир уйда яшаганлигидан, молнинг нафаси уйни иситади. Беруний шунини айтмоқчи.
7. Ас-савод — бу сўзнинг арабча маъноси қора, яъни ҳосилдор ер. Бъъзан Ироқни ёки унинг бир қисмини ҳам шундай аташган.
8. Ҳажжож ибн Юсуф (661—714) — Умаййиларнинг Ироқдаги волийси — амири.

**Олтмиш тўққизинчи боб**

1. Нифос — бола тугилгандан сўнг келадиган қон.
2. Ақиқа — боланинг биринчи соч олдириши шарафига қилинадиган зиёфат.
3. Исфаҳбад — Испаҳбад — Табаристон подшоҳлари шундай аталган; Беруний бу ерда кимни назарда тутаяпти — бу номаълум. Аммо Испаҳбад кўпинча сипоҳсолар — лашкарбоши маъносда келади.
4. Аздуддавла (949—983) — Бувайх (Бунӣ)лар хонадонининг султони.

**Етмишинчи боб**

1. Иёс ибн Муовия Музаний (740 йилда ўлган) — Умаййилар замонида Басра қозиси бўлган.

**Етмиш биринчи боб**

1. Ғолиб Константин — Рим императори (274—337)

**Етмиш иккинчи боб**

1. Бу ерда «Ману қонунлари»ни назарда тутаяпти.

**Етмиш учинчи боб**

1. Навс, наус, кўплиги навовис — сурёнийча сўз бўлиб, ассуарилар бино қилиб кўмиллишга айтилади.

**Етмиш тўртинчи боб**

1. Қадимги ҳиндлар жон бир тандан бошқасига кўчиб юради, деб ишонганлар. Шунинг учун ҳам уларда: ўлгандан кейин яна қайтиб келинади, деган эътиқод бўлган.  
Бу ерда Беруний, тугилган рўза савоби иккинчи марта тирилганда — яъни ўлгандан кейин яна қайтилганда — ой-сйларга тақсимлаб қайтарилиб берилади, деган фикрларини айтмоқчи.

**Етмиш еттичичи боб**

1. Бунда Беруний 29-бобин назарда тутаяпти.

**Етмиш саккизинчи боб**

1. Текстнинг шу ерида сўз тушган.
2. Ал Киндий — Яқуб ибн Исҳоқ ал Киндий (800 йиллар атрофида Куфада туғилган) — машҳур араб файласуфи, мантиқ, музика, ҳандаса, табиёт, фалакӣёт каби турли фанларга оид 240 дан ортиқ асар ёзган.

**Етмиш тўққизинчи боб**

1. «Хаёл ал кусуфайн» — «Икки тутилиш ҳақидаги фикр», деган китоб.
2. Арабча «Қҳандақҳодяка».

**Саксонинчи боб**

1. Оригиналда зажр — ирим. қушлар учирилганда: ўннга учса — иш юришади, чап томонга учса — иш юришмайди, деб фол очишга айтилади.
2. Кодбалхр — оригиналда كادب البحر деб ёзилган. «Ҳиндистон» ноширининг ёзишича, бу сўз бошқа шахс томонидаёй ёзилган бўлиб, «Ҳиндистон» котибининг қўли эмас.
3. Текстнинг шу ерида ноаниқлик бор. Балки бир неча сўз тушиб қолгандир. Китоб ношири Э. Захау шу ерда бошқа қўл билан ёзилган арабча сўзларни ҳавс ичига олиб берган.
4. Текстнинг шу ерида ноаниқлик бор. Буни ношир бет остида кўрсатиб ўтган.

# КЎРСАТКИЧЛАР

32—1361



### ШАХСИЯ НОМЛАР КЎРСАТКИЧИ

- Абдулкарим ибн Абул Авжа — 208, 491  
 Абдуллоҳ ибн Муқоффа — 14, 130, 489  
 Абдул Аббос Эроншаҳрий — 27, 28, 477  
 Абу Али ибн Сино — 492  
 Абу Аҳмад ибн Жайлагтагин — 243  
 Абу Бакр аш Шиблий — 80, 485  
 Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ҳабиб ал Фазо-  
 рий — 489  
 Абул Асвад ад Дуалий — 115, 488  
 Абул Фатҳ Бустий — 43, 481  
 Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Абдул Карим  
 Шаҳристоний — 477  
 Абу-л-Ҳасан ал Аҳвезий — 318, 319  
 Абу Маъшар Балхӣй — 248, 235, 491  
 Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беру-  
 ний — 25  
 Абу Саҳл Абул Мунъим ибн Али ибн Нух  
 Тифлийсий — 26, 28 477  
 Абу Язид ал Бастомий — 80, 485  
 Абу Яъқуб Сижизий — 65  
 Агастъя — 365, 366, 367  
 Агастъя Канопус — 346  
 Агнедрҳа — 296  
 Агни — 110, 144, 192, 259, 268, 269, 298,  
 382, 386, 389, 450,  
 Агниба — 296  
 Агнивеша — 130  
 Агнижихва — 183  
 Агаимукҳа — 183  
 Агния — 269, 444  
 Адите — 387  
 Ажа — 258, 269  
 Ажа экапед — 387  
 Азлуддавла — 411, 495  
 Айровата — 474  
 Аквиваку — 291  
 Александр Афродезий — 492  
 Ал Жайҳоний — 190  
 Ал Жоҳиз — 163  
 Ал Кашмирий — 294  
 Ал Киндий — 441  
 Ал Мансур — 314  
 Ал Фазорий — 134, 136, 235, 242, 314, 315,  
 316, 317, 318, 321, 488, 489  
 Ал Хоразмий — 357, 380  
 Аммон — 86  
 Аммоний — 485  
 Аммонюс — 78, 485  
 Анандапола — 114, 313, 488  
 Ананта — 188, 196, 232  
 Анбариша — 97  
 Ангирас — 171  
 Анила — 259  
 Анпрудҳа — 299  
 Антака — 259  
 Антариқша — 299  
 Ануру — 199  
 Ануҳлоза — 183  
 Апа [Оп] — 259, 387  
 Апара — 296  
 Аполлон — 92, 177, 285, 481  
 Аполлоний Тианий — 432  
 Аполлонюс — 47  
 Апомурте — 296  
 Аппалони — 72  
 Апратимовжа — 296  
 Арасту [Аристотель] — 105, 178, 184, 189,  
 246, 345, 485  
 Аратус — 87, 288, 289, 486  
 Ардашер ибн Доро ибн Ардашер ибн Ку-  
 раш — 86, 139  
 Аржаман [Аржуман] — 172, 173, 192, 259,  
 387, 440  
 Аржуна — 39, 56, 74, 79, 91, 104, 264, 302,  
 303, 398  
 Аристотель — Арастуға қаранг  
 Ариқтионюс — 304  
 Арка — 146, 170, 173, 389  
 Араъс — 226  
 Арундҳате — 293  
 Архимед — 137  
 Арҳант — 102, 103  
 Асезас — 139

- Асита — 171, 466  
     87, 178, 285  
 Асклепий [Асклепий] — 43, 44, 87, 178, 285,  
     419, 485  
 Ас-Суҳо — 293  
 Астерион — 486  
 Астериос — 86  
 Асура — 82, 248, 252  
 Атиноман — 296  
 Атрейя — 133, 233, 287  
 Атри — 111, 234, 293, 296  
 Аурва — 372  
 Аутата — 291  
 Афина — 304  
 Афлотун — 44, 49, 65, 92, 104, 105, 177, 180,  
     184, 247, 284, 289, 481  
 Афродис ҳиндий — 304  
 Афросиёб — 235, 491  
 Ашватара — 183, 196  
 Ашваттҳамаң — 303  
 Ашваттҳома — 112, 296, 298  
 Ашнин — 130, 387  
 Ашторос — 45  
 Ашчорварн — 291  
 Аюб Ростгўй — 45  
 Агенои — 139  
 Аҳрибудана [Ахирбудния] — 259, 346, 387  
 Баало [Вавло] — 45, 482  
 Балабандху — 292  
 Балабҳа — 390  
 Балабҳадра — 128, 129, 179, 180, 192, 194,  
     195, 214, 215, 216, 219, 220, 243,  
     350, 354, 432, 488  
 Балабҳадра [Васудеванинг акаси] — 301,  
     302  
 Балабҳадра [Нараянанинг акаси] — 192  
 Баладева — 101  
 Бали — 98, 101, 109, 183, 291, 297, 307, 312,  
     403, 429, 487  
 Балуршоҳ — 164  
 Бангола — 129  
 Барзавайҳ — 15, 130  
 Бармакӣ — 130  
 Бароҳамидира — 14, 58, 126, 128, 129, 132,  
     134, 135, 174, 210, 211, 214, 217,  
     231, 233, 246, 262, 275, 293, 294,  
     295, 310, 337, 338, 347, 350, 360,  
     363, 366, 368, 370, 373, 376, 377,  
     378, 380, 382, 384, 388, 403, 434,  
     446, 447, 466, 470, 479  
 Бароҳим [Брахма] — 21, 39, 48, 56, 57, 70,  
     73, 79, 81, 83, 84, 85, 87, 89, 99,  
     101, 106, 110, 111, 113, 126, 128,  
     130, 142, 176, 192, 210, 246, 247,  
     248, 253, 259, 263, 264, 270, 271,  
     272, 277, 279, 282, 286, 290, 306,  
     307, 308, 325, 326, 327, 345, 371,  
     376, 387, 403, 404, 405, 414, 440,  
     447, 450, 468, 484, 485, 494  
 Бясава — 387  
 Басуки [Восуки] — 183, 196  
 Батлимус [Птоломей] — 14, 15, 160, 177,  
     179, 294, 349  
 Башшор ибн Бўрд — 394, 494  
 Барҳатаксн — 311  
 Бертельс — 489  
 Бруний — 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16,  
     17, 18, 19, 20, 21, 477, 478, 479,  
     480, 481, 482, 483, 484, 488, 489,  
     490, 492, 493, 494, 495, 496  
 Бнас Приенли — 42  
 Биража [Вираша] — 291, 296  
 Блинос — 482  
 Бобак — 88, 95, 486  
 Бобак ўгли Ардашер — 88, 95, 486  
 Божу — 227, 387  
 Болўр — 100  
 Браҳма — Бароҳимга қаранг  
 Браҳмагупта — 123, 126, 127, 128, 137, 143,  
     178, 194, 211, 214, 217, 219, 220,  
     221, 241, 242, 254, 277, 278, 281,  
     282, 283, 290, 308, 309, 314, 315,  
     316, 318, 322, 324, 325, 329, 332,  
     335, 338, 342, 347, 351, 352, 353,  
     354, 355, 356, 359, 363, 365, 366,  
     378, 379, 381, 432, 434, 435, 488,  
     489.  
 Браҳман — 102  
 Браҳмарши — 84, 485  
 Брихаспати — 111  
 Бувайҳ [Будий] — 495  
 Будда [Буддҳа] — 102, 103, 114, 195, 477,  
     478  
 Будҳадана — 48, 286  
 Будҳно-одё — 292  
 Буқрот — 43, 285, 481  
 Бхуришева — 292  
 Бҳага — 172, 269, 387, 391  
 Бҳагават — 201  
 Бҳагавати — 101, 102, 103, 110, 201, 424,  
     426, 427  
 Бҳагератҳа — 402  
 Бҳаддатта ўгли Виттешвара — 128  
 Бҳарадвожа — 296, 299  
 Бҳарата — 207, 299  
 Бҳарма — 386  
 Бҳатта — 165  
 Бҳаттила — 128, 446  
 Бҳема — 313  
 Бҳемапола — 313  
 Бҳимасона [Бхима] — 302, 480  
 Бҳогева — 260  
 Бҳожалдева — 154  
 Бҳоюяжасо — 129  
 Бҳоргава — 111, 171, 280, 299  
 Бҳригу — 73, 171  
 Бҳуванакоса — 229  
 Бҳужага — 258  
 Вадху — 248  
 Вайра — 192, 290, 271, 290, 307, 346  
 Вайшампояна — 108  
 Вайшнави — 102  
 Валлабҳа — 155, 156, 166, 308, 309  
 Вапра — 299  
 Вапушма — 296  
 Варака — 296

- Вардесан — 58, 484  
 Варуна — 172, 192, 213, 259, 269, 280, 367, 381, 387  
 Васиштха — 99, 111, 126, 178, 179, 191, 211, 219, 257, 293, 296, 299, 346, 368, 486  
 Васу — 145, 259, 296  
 Васудева — 30, 39, 47, 56, 57, 74, 79, 81, 83, 90, 91, 93, 104, 110, 112, 134, 160, 173, 200, 257, 258, 264, 273, 298, 299, 300, 301, 302, 303, 375, 398, 405, 419, 423, 424, 425, 426, 427, 428, 429, 480  
 Васукра [Кашмирли] — 107  
 Васун — 226  
 Ваҳоншоҳ — 164  
 Ведабоҳу — 296  
 Веда-вѣсса — 299  
 Ведашре — 296  
 Ведхазрити — 296  
 Вейшнава — 268  
 Видужжиҳва — 183  
 Виѣди — 153, 154  
 Вижаднанди — 129, 259, 337, 365  
 Викрамодитъя — 153, 154, 309, 310, 391, 490  
 Вималабуддхи — 129  
 Виноту — 199  
 Винояка — 102, 113  
 Випасчит — 291  
 Виранчана — 272, 273  
 Виришжа — 259  
 Вирож — 191  
 Вирочанс — 100, 297, 429  
 Виттишвара — 295  
 Вичидраодѣ — 292  
 Вишвакарма — 386  
 Вишве — 259, 172, 386,  
 Вишведеваҳ — 268, 269  
 Вишвомитра — 190, 247, 296  
 Вишну — 47, 53, 64, 85, 101, 103, 110, 111, 171, 172, 173, 182, 192, 200, 201, 269, 274, 286, 290, 295, 298, 299, 302, 376, 386, 388, 480, 482, 483, 486, 487.  
 Вишнучандра — 126, 210, 283, 378  
 Вишкола — 182, 183, 260  
 Вожашварава — 299  
 Волакхилъя — 297  
 Ветмеки — 299, 307  
 Вѣмана — 109, 110, 298, 302  
 Вонупадивашча — 292  
 Воншча — 296  
 Вороҳи — 102, 110  
 Врикавактра — 183  
 Вриша — 175, 292,  
 Вѣна — 386  
 Вѣя — 296  
 Габҳира — 292  
 Гавтама — 111, 296, 299  
 Газакарна — 183  
 Гален — Жолинусага қаранг  
 Ганapati — 386  
 Гангея — 162  
 Гарга — 128, 258, 293, 294, 295, 368, 378, 466  
 Гаруда — 98, 110, 156, 157, 183, 199, 260, 487  
 Гауда — 111  
 Гауре — 102, 131, 140, 424, 429  
 Геракл — Ҳераклга қаранг  
 Говинда [Гонанда] — 233  
 Голава — 233  
 Гомер — Ҳомерга қаранг  
 Гумукҳа — 183  
 Гупта — 309  
 Гуру — 116, 117, 118, 119, 121, 122, 171, 259, 387  
 Гуштосиб — 34, 86, 479  
 Дакша — 226, 484  
 Дандаҳамора — 424  
 Дарданас — 285  
 Дасра — 144, 259  
 Дайтта — 296  
 Дашаратҳа — 100, 166, 237, 280, 487  
 Двойпояна-Вѣсса — 299  
 Дева — 211  
 Девака — 252, 264, 280  
 Девакеритти — 129  
 Девала — 111, 466  
 Девата — 292  
 Девашриштҳа — 292  
 Девоника — 292  
 Деметра — 289, 481  
 Демократес — 107, 124, 488  
 Делтман — 296  
 Дивакара — 129, 170, 173  
 Диваспати — 292  
 Дивжонос [Диоген] — 49  
 Дивуататтва — 129  
 Диѣннисус — 43, 44, 93, 419, 481  
 Дилепа — 422  
 Диос — 86  
 Довуд — 45, 46  
 Домудара — 302  
 Доро — 139  
 Доро — 25, 92  
 Дракон — 92  
 Дриант — 481  
 Дритакиту — 291  
 Дрона — 112, 132, 134, 296, 299, 303  
 Дуати — 296  
 Дукиш — 398  
 Думли юлдуз — 226  
 Дурваса — 302  
 Дуржона — 111  
 Дурлабҳа — 311, 339  
 Душянга — 422  
 Дъютман — 296  
 Дҳанамжая — 299  
 Дҳананжава — 183  
 Дҳарма — 111, 192, 226  
 Дҳоман — 296  
 Дҳотри — 259, 390  
 Дҳритараштру — 94  
 Дҳришна — 291  
 Дҳруба [Дҳрува] — 189, 191, 447

- Дхуритман — 296  
 Европа — 86, 486  
 Е.р — 468  
 Ётти Қароқчи — 107  
 Жабраил — 55  
 Жабраҳаста — 386  
 Жавр — 161, 166  
 Жаёти — 422  
 Жазиштҳира — 293, 294, 302, 303, 307  
 Жаймини — 108, 111  
 Жайнавалкъя — 108, 109, 111  
 Жайпола — 114, 313, 488  
 Жактаста — 296  
 Жалам ибн Шайбон — 100, 487  
 Жалолов Ғ. — 20  
 Жам — 235, 491  
 Жама [Жима] — 102, 111, 144, 213, 226, 227, 259, 382, 387  
 Жамадани — 296  
 Жанарта — 183  
 Жалордана — 200  
 Жасу — 301  
 Жашу ўғли Гарга — 287  
 Жашу ўғли Кали — 299  
 Жаянта — 183  
 Жива — 269  
 Живашарман — 129, 134, 428  
 Жизни — 291  
 Жина — 102, 194  
 Жита — 296  
 Жишну ўғли Браҳмагупта — 126, 211  
 Жовти — 296  
 Жодава [Жоду] — 112, 302, 303  
 Жодинус — 44  
 Жоллиус [Гален] — 43, 85, 86, 87, 105, 107, 124, 246, 419, 481  
 Жомъя — 269  
 Жоужайкҳа — 291  
 Жорж Сартон — 8  
 Жотшма — 296  
 Жузиштҳира — 257, 258  
 Жаъиби — 95  
 Заби ат Табарий ўғли Али — 287  
 Зардушт [Заратуштра] — 34, 82, 86, 477, 479, 482, 484, 486, 489, 492  
 Заҳау Э. — 8, 493, 494, 496  
 Зевс — 85, 86, 87, 92, 93, 285, 288, 481, 486  
 Зулқарнайн — 77  
 Зурқон — 28, 478  
 Зуҳра — 45, 106, 226  
 Ибн ал Муқаффа — 208, 482, 491  
 Ибн Ториқ — 241, 243  
 Иброҳим — 97  
 Ис — 412, 495  
 Идон — 439  
 Инда — 128  
 Индра — 87, 90, 91, 101, 102, 114, 115, 130, 172, 183, 191, 199, 200, 213, 227, 258, 272, 290, 291, 295, 297, 299, 372, 381, 390, 423, 447, 450, 474, 485  
 Индраруддима — 207  
 Индрияни — 49, 145  
 Индрогни — 259, 269, 387  
 Инду — 126, 144, 170, 387  
 Исканда-дева — 400  
 Искандар — 86, 105, 184, 276, 294  
 Искандар Афродисий — 246, 492  
 Исо — 26, 46, 53, 58, 419, 477, 481, 484  
 Исроил — 45, 86, 139  
 Исфандиёл — 34, 157, 479  
 Исфандиёр — 479  
 Исфаҳбад — 411  
 Ишвара — 41, 146, 272, 480  
 Ишчонях — 296  
 И. Ю. Крачковский — 19  
 Кадру — 199  
 Кайковус — 235  
 Кайровус — 491  
 Кайхисров [Кир] — 235, 486, 491  
 Какутстҳа — 424  
 Кали — 287, 299, 306, 439  
 Калива — 183  
 Калининга — 183, 233  
 Каллар — 313  
 Қалмоша — 386  
 Қалинаварман — 129  
 Қамалу — 313  
 Қамбала — 183, 196  
 Қамбҳакарна — 307  
 Қанбҳака — 246  
 Қаник — 312, 313  
 Қанса — 257, 301  
 Қапила — 70, 111, 201, 234, 246, 478  
 Қапила [Браҳма ўғли] — 248, 298  
 Қаркота — 386  
 Қаркотака — 196, 386  
 Қармора — 183  
 Қатта айиқ — 293, 360, 473  
 Қаумори — 102  
 Қаурана — 302  
 Қашмирли Утпола — 128, 232, 254, 255, 272, 276  
 Қашьяпа [Қашшана] — 171, 199, 226, 296, 368, 371  
 Қаюмарс — 479  
 Кекропс — 86  
 Кемуш — 139  
 Кесари — 183  
 Кешала — 173, 272, 273, 301  
 Кешвара — 259  
 Кисро — 138  
 Клеобулус Линдос — 42  
 Клеометтодос — 285  
 Қовва — 296  
 Ковус — 156  
 Қолагеми — 183  
 Коммедус — 105, 487  
 Константинус — 414  
 Қоранида — 481  
 Корттикес — 57, 484  
 Котъбяна — 111  
 Кратос — 87, 486  
 Крату — 293  
 Қратханзка — 184  
 Қриба — 296  
 Қритагжая — 299



- Критон — 418  
 Кришна — 62, 183, 203, 287, 299, 479, 487  
 Кришна Двайпояна — 299  
 Крон — 481  
 Кронос [Кронос] — 86, 177, 285  
 Кубера [Кубер] — 102, 381, 487  
 Кувантҳа — 183  
 Кулика — 260  
 Куру — 111, 146, 227, 232, 285, 405  
 Кшетрапола — 102  
 Кўруш [Кураш] — 92, 139  
 Қҳа — 143, 253, 263  
 Лагатурман — 313  
 Лакадемони — 93  
 Лакшмана — 307  
 Лакшми — 57, 428, 484, 487  
 Лата [Лоту] — 126, 211, 219  
 Лаҳросб — 479  
 Ликургус [Ликург] — 44, 481  
 Ликхита — 111  
 Лота — 411  
 Лоҳита — 183  
 Магадҳа — 232, 233  
 Мадҳу — 296  
 Мадҳусўдана — 302  
 Майтре — 64, 269  
 Майтрей — 422  
 Майтрея — 64, 290, 299  
 Мандавья — 234  
 Манитҳа — 129  
 Манколус — 18  
 Маннония — 304  
 Маножава — 15, 46, 96, 130, 291, 482  
 Мансур Ҳаллож — 478, 485  
 Ману — 111, 128, 146, 190, 278, 290,  
 292, 295, 378, 384, 416  
 Маречи — 133, 192, 293  
 Маркандева — 110, 192, 246, 271, 280, 290,  
 307, 345, 346, 483  
 Марс — Миррихга қаранг  
 Марут — 440  
 Марьям — 55  
 Маҳажимбҳи — 183  
 Махаон — 285  
 Маҳмуд Ғазнавий — 100, 306, 313, 480, 487,  
 488 (Султон Маҳмудга ва Ями-  
 пуддавла Маҳмудга қаранг)  
 Маҳомекҳа — 183  
 Маҳопалма — 196, 386  
 Маҳошнеха — 183  
 Маҳодева — 57, 83, 84, 85, 100, 101, 102,  
 103, 110, 115, 129, 142, 146, 148,  
 227, 258, 272, 273, 309, 373, 385,  
 389, 400, 402, 404, 426, 428, 436,  
 450, 470, 484, 487  
 Маҳонаваме — 424  
 Мегҳа — 183  
 Менекратос — 124  
 Минос — 86, 92, 486  
 Миррих — 169, 171, 189, 224, 226, 260, 315,  
 316, 318, 319, 342, 346, 347, 349,  
 351, 353, 354, 384, 386, 398, 448,  
 451, 459, 464, 465, 469  
 Митра — 259, 387, 440, 487  
 Митрякья — 382  
 Минтай — 426  
 Модҳава — 301  
 Манавия — 27, 477  
 Моний — 46, 53, 58, 105, 208, 286, 374, 419,  
 477, 482, 484  
 Моҳовержа — 291  
 Мритью — 299  
 Муовия — 105, 412, 487  
 Муру — 291  
 Мусо — 45, 92, 482  
 Мучукунда — 183  
 Муҳаммад — 96, 474, 481, 483  
 Муҳаммад ибн Закарӣе Розий — 245, 477  
 Муҳаммад ибн Исҳоқ Сарахсий — 314 (Са-  
 рахсийга қаранг)  
 Муҳаммад ибн Шаддод ибн Исо Абу Аъло  
 ал Басрий ал Мусаммий — 477  
 Муҳаммад ибн Қосим ибн Муҳаммад ибн  
 Ҳакам ибн Абу Уқайл Сақафий —  
 479  
 Муҳаммад Мусо Хоразмий — 9, 493  
 Муҳаммад Содиқ Қошғарий — 477  
 Мўнжа — 183  
 Набаса — 291  
 Нағҳа — 296  
 Наззом — 478  
 Накула — 302  
 Намучи — 183  
 Нанда — 145, 183, 301, 386  
 Нандикешавара — 83, 485  
 Нара — 291  
 Нарада — 110  
 Нарасингҳа — 275  
 Нарояна — 259  
 Наҳуша — 84  
 Неброс — 285  
 Нектанебус — 86, 486  
 Нела — 183  
 Низомий — 39  
 Ниргишабҳа — 296  
 Ниршабҳа — 296  
 Нирмуғҳа — 291  
 Нирмуҳа — 296  
 Ниромая — 291  
 Нирритий — 269, 387  
 Нирутсука — 296  
 Нишвара — 296  
 Нишкубала — 183  
 Нишокара — 259  
 Нишчара — 296  
 Нишпраканпа — 296  
 Нобҳога — 296  
 Нога-Кулика — 260  
 Ногоржуна — 153  
 Норада — 99, 369, 467, 487  
 Норояна — 30, 84, 85, 93, 101, 109, 110, 111,  
 142, 156, 171, 172, 192, 273, 297,  
 296, 299, 301, 390, 403, 418, 486  
 Носир Ҳисраъ — 477  
 Носируддин Сабуктагин — 35, 480  
 Нум Помпий — 486

- Одитъя — 146, 226  
 Олимпия — 86  
 Олов — 227  
 Ол — 259  
 Оластамба — 111  
 Оруне — 296  
 Орябхата (Оржабхата) — 128, 137, 179, 180,  
 193, 194, 195, 210, 211, 216, 217,  
 219, 243, 278, 279, 281, 283, 290,  
 314, 316, 318, 327, 378, 434, 488  
 Орябхата Кусулманурали — 142, 195, 243,  
 252, 255, 279  
 Ошана — 269  
 Павлиса — 126, 210  
 Падашвор-гершоҳ — 95, 486  
 Падма — 98, 110, 386  
 Падманабхи — 302  
 Пайла — 108  
 Панду [Подну] — 94, 285, 302, 307, 486  
 Панжашикҳа — 248  
 Параманурушартҳа — 478  
 Парашвор — 486  
 Парашурома — 285  
 Парвата — 117, 118, 120, 121, 122, 145, 440  
 Парзинва — 296  
 Парикша — 73, 97  
 Паришвара — 129  
 Парошар — 39, 109, 110, 107, 112, 128, 264,  
 277, 290, 296, 298, 299, 368, 447,  
 466  
 Парошар Угли Вьеса — 50, 94, 107, 112,  
 139, 264, 277, 290, 296, 298  
 Парошара — 64, 111, 139, 296  
 Парошара — 49, 483  
 Паҳлавий — 489, 491  
 Периндер Коринфли — 42  
 Пивара — 296  
 Пингала — 391  
 Пиндорақч — 386  
 Пирувона — 129  
 Питомаҳа — 144, 272  
 Питри — 259  
 Питръя [Питарас] — 269, 387  
 Питтакус Лесбос — 42  
 Пифагорос [Фисогурс] — 49, 65, 71, 78, 92,  
 485  
 Платон — Афлотунга қаранг  
 Плотин — 483  
 Позалерос — 285  
 Помпилиус — 92, 486  
 Пончаҳаста — 291  
 Прадюмна — 101, 129, 299, 487  
 Пражопати — 81, 83, 84, 130, 226, 268, 299,  
 373, 386, 390, 469, 485  
 Прамуҳа — 291  
 Праҳлода — 274  
 Прешина — 378  
 Притҳасвом — 243  
 Притху — 227, 296  
 Притхўдака-свомън — 129  
 Приярбата — 190, 292  
 Проклус [Прокл] — 44, 59, 60, 79, 180, 183,  
 481, 484  
 Прона — 296  
 Прошҳалада — 390  
 Птоломей — Батлимусга қаранг  
 Пуластъя — 293  
 Пулаҳа — 293  
 Пулиса — 126, 136, 137, 178, 210, 211, 216,  
 218, 241, 243, 255, 258, 278, 281,  
 282, 283, 308, 317, 318, 322, 323,  
 326, 327, 331, 332, 334, 341, 347,  
 350, 352, 353, 354, 366, 432, 434,  
 435, 445, 446, 492  
 Пунчала — 128, 276  
 Пурандара — 291, 298  
 Пуру-Муру — 291  
 Пуруша — 40, 47, 246, 248, 253, 263, 264,  
 271, 280, 290, 384, 480, 482  
 Пушан — 259, 269  
 Пушкара — 187, 201, 386  
 Рави — 170, 172, 259  
 Раза — 183  
 Ранка — 155  
 Расулев А. — 20  
 Раудра — 471  
 Реванта — 102  
 Рея — 481  
 Ринажиштҳа — 299  
 Ритатҳаман — 292  
 Риши-нарада — 188  
 Ришяшринга — 296  
 Рована — 237, 265, 307  
 Розий — Муҳаммад ибн Закарийе Розийга  
 қаранг  
 Розен В. Р. — 8  
 Рой М. — 478, 482  
 Рома — 103, 135, 167, 237, 239, 285, 298,  
 307, 308, 399, 487  
 Ромояна — 237, 239, 307, 308  
 Ромул — 97  
 Роҳина — 373  
 Рудра — 84, 146, 258, 273, 385, 387, 400,  
 485  
 Румо — 237  
 Рурдвабоҳу — 296  
 Рустам ёли — 474  
 Рҳадамантус [Радаманта] — 86, 486  
 Савана — 296  
 Савита — 387  
 Савр буржи — 439  
 Сагара — 402, 419, 424, 479  
 Садошева — 272, 273  
 Сайнако — 378  
 Салис милетлик — 42  
 Самалвоҳана [Сатавакана] — 115  
 Самая — 433  
 Самварта — 111  
 Самнора — 230  
 Самсон Исроилий — 86  
 Санака — 248  
 Сананда — 248  
 Санатана — 248  
 Сангҳа — 386  
 Сангаҳила — 129  
 Санитри — 171, 299, 387

- Санкаршана — 299  
 Сарасвате — 371  
 Сарасватесан — 371  
 Сарахсий — 315, 317, (Муҳаммад нби Ис-  
     ҳоққа қаранг)  
 Сарбу Сарпа — 392  
 Сарватрага — 292  
 Сарпе — 387  
 Сартон — 8  
 Састаротос — 285  
 Састаротос [11] — 285  
 Сагадумна — 291  
 Сатъя — 129, 296, 299, 451  
 Сатяка — 291  
 Саҳишну — 296  
 Саҳове угли Авлиатта — 434  
 Саҳодева — 302, 303  
 Сважамбхў — 299  
 Свастикачава — 183  
 Своямбҳува — 190, 291  
 Сиёвапала ал Кашмирий — 446  
 Сиезарос — 285  
 Симонидес — 139, 490  
 Сингҳика — 376  
 Синдху — 232, 233, 234  
 Сканда — 101, 110, 487  
 Совтъя — 269  
 Солон афиналик — 42, 92  
 Сом — 81, 110, 170, 199, 259, 373, 391  
 Соманда — 313  
 Семашума — 299  
 Сомба — 101, 487  
 Сомония [Сомоний] — 35, 480, 481, 491  
 Сонта — 269  
 Сорасвата — 129, 233, 299  
 Сорта — 269  
 Соруг — 97  
 Сосоний — 496  
 Сотаваҳона — 115, 488  
 Субоҳу — 296  
 Сугрива Шаманий — 128  
 Судивя — 291  
 Судҳармама — 292  
 Сука — 386  
 Сукрити — 296  
 Сукшетра [Сухшетра] — 292, 296  
 Сулаймон — 46  
  
 Султон Маҳмуд — 373 (Маҳмуд Ғазнавий-  
     га қаранг)  
 Сумадатта — 190, 191  
 Суманту — 108  
 Сумеза — 296  
 Сумоли — 183  
 Сурайжа — 390  
 Суракша — 183  
 Сусамҳонъя — 291  
 Сутапа — 296  
 Сутая — 296  
 Суқрот [Сократ] — 37, 59, 65, 66, 72, 78,  
     138, 139, 379, 417, 418, 420, 480,  
     481, 484  
 Суҳайл — 190, 365, 366, 367, 368  
  
 Сюрваре — 296  
 Сўтра — 130  
 Такшака — 183, 196  
 Такшама — 386  
 Тапасви — 296  
 Тапозрити — 296  
 Тапомурти — 296  
 Тапорати — 296  
 Таражанатола — 313  
 Таракакша — 183  
 Таттодаршева — 296  
 Тваштри — 172, 259, 269, 383, 387, 390  
 Телеф — 66  
 Тражоруна — 299  
 Тривикрама — 302  
 Тривриша — 299  
 Тритҳоман — 299  
 Тришера — 183  
 Уграбҳўти — 114, 488  
 Узро — 288  
 Умавий — 100, 487, 495  
 Умодеви — 58  
 Унжара — 183  
 Урдхвакужа — 183  
 Урур — 292  
 Урьё — 46  
 Ужорид — 224, 228, 260, 315, 317, 318, 319,  
     342, 344, 346, 347, 348, 351, 353,  
     384, 386, 441, 448, 449, 451, 453,  
     457, 459, 461, 464, 465, 468  
 Утпала — 128, 129  
 Уттама — 299  
 Уттамовжа — 292  
 Уттоналода — 190  
 Ушанас — 111, 299  
 Файъиев Г. — 20  
 Феникс — 90  
 Филип — 86, 486  
 Филон — 85, 486  
 Флогуровус — 177  
 Фойник — 86  
 Ханишман — 296  
 Хавишману — 296  
 Хавъя — 296  
 Хараняроман — 296  
 Хари — 259, 273, 299  
 Хаягрева — 183  
 Хилон Лакодемон — 42  
 Хиппократ [Гиппократ] — 419  
 Хиллолохсс — 285  
 Хирон — 481  
 Хришикеша — 302  
 Чабана [Чьявана] — 183  
 Чавана — 308  
 Чайтра — 172, 173, 174, 269, 278, 296, 302,  
     310, 330, 336, 337, 388, 422, 424,  
     426, 432, 436  
 Чакрасвомин — 100, 373, 487  
 Чакшабҳадра — 386  
 Чалиту — 115  
 Чандра — 114, 144, 170, 171, 172, 320  
 Чарака — 129, 133, 287, 489  
 Чаршаях — 296

- Чаттержи С. Қ. — 8, 11  
 Чайтрака — 291  
 Читрасена — 292  
 Читронгада — 386  
 Чомулдо — 102  
 Шавнака — 73, 97, 106, 286, 403  
 Шагнашоҳ — 164  
 Шайласутокати — 389  
 Шака [Шақа, Шакҳа] — 308, 309, 310, 336  
 Шакра — 269, 387  
 Шакронала — 391  
 Шаки — 101, 273  
 Шаммий — 255  
 Шаммоса — 407  
 Шамол — 439, 469  
 Шангҳокҳа — 183  
 Шанкара — 84, 404  
 Шанкукарна — 183  
 Шанкҳа — 98, 111, 234, 256  
 Шарварман — 114  
 Шатакрату — 297  
 Шаташерша — 183  
 Шатоника — 73  
 Шашидева — 114  
 Шашин — 381  
 Шахристоний — 477  
 Шволада — 183  
 Шеша — 183  
 Шешокҳъя — 188  
 Шива — 258, 273, 391, 417  
 Шинтамажукҳама — 389  
 Шиншумара — 183, 190, 192  
 Шиншупала — 134, 258  
 Шокатояна — 114  
 Шонтану — 486  
 Шонтаҳава — 291  
 Шонте — 291  
 Шоржати — 291  
 Шототана — 111  
 Шрешҳена — 126, 210, 283  
 Шреҳарша — 308, 309  
 Шри — 101, 102, 440, 487  
 Шридхара — 302  
 Шрипола — 134, 190, 447  
 Шудҳадана — 286  
 Шукра — 111, 171, 269, 296, 386  
 Шучи — 291, 296  
 Шушонти — 291  
 Шўладанта — 183  
 Эвклид — 14, 15, 488  
 Элопатра — 386  
 Эмпедоклис — 78, 485  
 Эроншаҳрий — 197, 249  
 Эшвара — 272, 273  
 Ювсизникс — 285  
 Явана — 234  
 Яздигард [Яздажирд] — 306, 309, 336, 337, 338  
 Ямани Ширрай [Сиррус] — 366  
 Ямин ад Давла Маҳмуд — 35, 480, 487  
 (Маҳмуд Газнавийга ҳаранг)  
 Яҳъё ан Наҳвий — 44, 65, 180, 183, 420, 481  
 Яъқуб [Еқуб] — 318, 327, 330, 333, 347, 348  
 Яъқуб ибн Торик — 137, 265, 243, 314, 321, 323, 347, 488, 489  
 Улим [Ажал] — 468  
 Уржастанбҳа — 296  
 Ушанаса — 73  
 Қайсар Комподус — 105  
 Қарматий — 100, 487  
 Қирана — 467  
 Қора Ардашер — 86  
 Қрисамис — 285  
 Галиб Константин — 495  
 Ҳажжож [Ҳажжож ибн Юсуф] — 408, 495  
 Ҳакимжонов Ю. — 20  
 Ҳалил ибн Аҳмад — 116, 122, 488  
 Ҳалим ибн Шайбон — 487  
 Ҳалифа Маъмуи — 477  
 Ҳамид Ризо — 8  
 Ҳарётма — 299  
 Ҳарибхатта — 117, 118  
 Ҳенестос — 304  
 Ҳеракл [Геракл] — 78, 419, 485  
 Ҳермес — 105  
 Ҳимелант — 229, 230, 235  
 Ҳиранияна [Ҳироиёкша] — 183, 397, 487  
 Ҳиранияка шипу — 275  
 Ҳисров — 489  
 Ҳомер [Гомер] — 49, 87, 183, 483  
 Ҳорета — 111  
 Ҳўтос — 390

**НОМИ ЭСЛАТИЛГАН ВА ЦИТАТА КЕЛТИРИЛГАН АСАРЛАР  
КЎРСАТКИЧИ**

- Авлиёнд — 116  
 Агастъямата — 111  
 Агни — 110  
 Андра — 114  
 Ал Аркаид — 241, 243, 309, 336, 337  
 Ал Бурдон — 86  
 Ал Мавелидал-кабир [Маволид ал Кабир] — 174, 384, 494  
 Алмаёир — 85  
 Алмажастий [Альмагест] — 14, 115, 212, 488  
 Ал Хоразмий зижги — 357, 380  
 Ал Ҳарқон зижги — 338  
 Арана — 112  
 Арастунинг брахманлар саволларига берган жавоб рисоласи — 105  
 Арастунинг Искандарга юборган рисоласи — 184  
 Атҳарванаеда — 108, 109, 450, 480  
 Ашвямедҳа — 112  
 Бззедаж — 129  
 Балабҳадранинг «Қҳандақҳадьяка»га берган шарҳи — 432  
 Балабҳадра шарҳ ёзган Бароҳамиҳиранинг «Катта Жатака» китоби — 128  
 Бароҳамиҳиранинг Беруний таржима қилган «Кичик Жатака» номли китоби — 128  
 Бароҳим-пуроно — 110  
 Бароҳим-сиддиҳонта — 116, 126, 178, 211, 217, 264, 378, 379, 488  
 Беруний ёзиб берган асролаб санъати ҳақидаги рисола — 116  
 Бишо ва қурилишлар ҳақида китоб — 129  
 Божу-пуроно — 48, 110, 137, 156, 183, 184, 266, 268, 196, 198, 203, 204, 213, 223, 224, 230, 231, 232, 255, 344, 346, 401, 474, 483  
 Брахманайварта — 110  
 Брахман Бҳаттиланинг китоби — 128  
 Брахма-сиддиҳонта — Бароҳим-сиддиҳонтага қаранг  
 Брахманда-пуроно — 110  
 Буқрот васнятпомаси [Ҳиппократ] — 43, 419  
 Бҳарата — 30, 39, 100, 111, 113  
 Бҳавишъя-пуроно — 110  
 Бҳишма — 112  
 Вароҳа-пуроно — 110  
 Варуна-мантра — 369  
 Васиштҳа-сиддиҳонта — 126  
 Веда — 29, 39, 40, 47, 62, 79, 91, 106, 107, 109, 111, 262, 296, 298, 299, 300, 359, 368, 369, 378, 379, 399, 401, 427  
 Вивоҳапатала — 129  
 Вирота — 112  
 Вишну-дҳарма — 57, 111, 171, 172, 173, 192, 224, 226, 246, 251, 252, 253, 260, 265, 266, 269, 271, 280, 285, 286, 290, 291, 299, 307, 320, 345, 346, 373, 386, 422, 423, 483  
 Вишну-пуроно — 53, 61, 64, 107, 110, 182, 184, 188, 189, 196, 200, 201, 202, 207, 248, 291, 292, 295, 290, 344, 375, 394, 483  
 Вомана-пуроно — 110  
 Воява-мантра — 369  
 Гадо — 112  
 Гайситу — 116  
 Гита — 39, 47, 69, 70, 72, 73, 74, 75, 81, 83, 104, 173, 480  
 Гаруда — 111  
 Гауданинг китоби — 111  
 Гудҳамана — 129  
 Дадҳи-сагара — 128  
 Даражалар ҳақида мақола — 186  
 Дашажетико — 128  
 Донадҳарма — 112  
 Дрона — 112  
 Дурғавиритти — 114  
 Дҳена-граҳа-адҳъяя — 129, 488  
 Егаятра — 129  
 Жавана — 129  
 Жавана [Сиддиҳонта] — 126  
 Жина — 194

- Жолинуенинг Буқрот васиятномасига ёзган шарҳи — 43  
 Жотака — 32, 89, 129, 486  
 Жуғрофия — 232  
 Забур — 45  
 Зижларнинг муҳими — 269  
 Зижлар танқиди — 278  
 Зоҳирот — 86, 288  
 Зурқон китоби — 28  
 Инду — 126  
 Иижил — 26, 28  
 Иқлидус [Эвклид] — 115  
 Калила ва Димна — 14, 130, 489, 491  
 Кавиз ул ахъё — 46, 481  
 Карана-қҳанда-қҳодяка — 128  
 Карана-пара-тиляка — 128  
 Карана-лота — 128  
 Карана-сора — 128, 243, 295, 310, 339, 343, 357  
 Карана-тиляка — 128, 241, 259, 310, 337, 343, 357, 445, 447  
 Карана-чўдаманн — 128  
 Карна — 112  
 Катожонус [Қатожанус] — 107, 124  
 Қатта Монаса — 128  
 Қашф ал маҳжуб — 65, 485  
 Китоб ал маншурот — 349  
 Китоб ул Масолик — 191, 491  
 Китобус симо ат табиий — 246  
 Кичик Монаса — 128, 276  
 Кура-бабаё — 128  
 Кусумапуралик Орийҳатанинг китоби — 195, 243  
 Кўрма — 110  
 Кўрма-пуроиа — 109  
 Қҳандақҳадяка — 241, 309, 335, 337, 343, 357, 360, 363, 366, 382, 385, 430, 432  
 Қҳандақҳодияка арабий — 446  
 Қҳанда-қҳадяка-типпа — 128  
 Қҳандақҳодякани тузатиш — 128, 241, 360, 316, 366  
 Лавана-мушти — 128  
 Лаконанда — 128  
 Линга — 110  
 Локоята — 111, 488  
 Мавсала — 112  
 Мача-пуроиа — 109, 136, 186, 187, 195, 199, 200, 201, 204, 206, 213, 221, 248, 344, 346, 372, 401, 474, 483  
 Мимонсо — 111  
 Мифтоху илм ал Ҳайъат — 18, 217  
 Моқшадҳарма — 112  
 Моркандева-пуроиа — 110  
 Мригалошчану — 116  
 Мўътазилалар ҳақидаги китоб — 27  
 Навомис — 92  
 Нанда-пуроиа — 110  
 Нарда — 110, 369  
 Наросимҳа-пуроиа — 110  
 Нарсаларнинг вужудга келиш сабаблари ҳақида китоб — 46  
 Нафс хулқи — 104  
 Нишонур узунламаси ҳақида баҳс қиладиган махсус мақола — 236  
 Нутаф — 278, 492  
 Нўёябҳошо — 111  
 Оди-пуроиа — 109  
 Одитъя-пуроиа — 110, 136, 182, 183, 184, 196, 277  
 Ой манзилларини аниқлаш — 360  
 Опаддҳарма — 112  
 Орешташата [Оржошташата] — 128, 290  
 Ошрамавоиа — 112  
 Паедо [Фелон, Фаден] — 59, 65, 417, 418, 484  
 Пазма [Падма] — 141, 142, 490  
 Пайтомаҳа — 126  
 Пайгамбарларга деб юборилган китоблар — 45  
 Панча-сиддиҳонтика — 126, 310, 337, 434  
 Панчатантра — 33, 130, 489, 491  
 Патанжалл — 14, 28, 38, 39, 58, 67, 68, 72, 75, 76, 80, 83, 111, 153, 185, 186, 187, 189, 197, 344, 478  
 Пингалу — 115  
 Повинн — 114  
 Прастҳона — 112  
 Прашна Гўдҳомана — 129  
 Проклусга раддия — 44, 180, 183  
 Пулиса-сиддиҳонта — 126, 143, 216, 253  
 Расоянатантра — 128  
 Ригведа — 108, 109, 450, 480  
 Риши Бҳуванакосҳа китоби — 229  
 Рожадҳарма — 112  
 Романа-сиддиҳонта — 126  
 Ростгўй Аюб китоби — 45  
 Роҳунро-карана — 128  
 Сабҳа-парва — 112  
 Самаведа — 450, 480  
 Сангҳита [Мандави, Парошар, Бароҳим, Балабҳадра] — 129  
 Сангҳита [Бароҳамиҳира] — 119, 129, 134, 136, 232, 233, 246, 293, 294, 347, 360, 366, 388, 390, 403, 436, 466, 489  
 Сангҳита [Гарга] — 129, 378  
 Сангҳита китобини шарҳ қилган кашмирлик Утпала — 232  
 Санкҳъя — 14, 21, 28, 40, 53, 63, 64, 72, 76, 77, 81, 83, 111, 376, 478, 479, 482  
 Сауптика — 112  
 Сваргорўҳана — 112  
 Сиддиҳонта — 136, 178, 210, 257, 281, 327, 337, 488, 489  
 Сиддхинд — 435, 488  
 Сирлар китоби — 58  
 Сифр ул мулук — 46, 482  
 Сканда-пуроиа — 110  
 Смрити — 111, 264, 280, 281, 290, 378  
 Сомаведа — 108, 109  
 Сома-мантра — 369  
 Сома-пуроиа — 110  
 Сомба-пуроиа — 110  
 Сонкҳъя — Санкҳъяга қаранг

- Соровале — 129  
 Сўзаҳава — 254, 255, 260, 272, 309, 385, 436, 443  
 Стри — 112  
 Сўръя-сиддиҳонта — 126  
 Таврот — 27, 45, 97, 98, 138, 140, 473, 477, 482  
 Тавсар [Тансар] — 95, 486  
 Тантра [Орябҳата ва Балабҳадра] — 127  
 Тикане-ятра — 129  
 Тимовус [Тимей] — 177, 247, 481  
 Торкшья-пурона — 110  
 Турли санъатларни ўрганишга қизиқтирадиган китоб — 43  
 Урдёга — 112  
 Урушлар ва синдинг фатҳ қилиниши китоби — 134  
 Уттара-хҳанда-кҳадяка — 128, 363  
 Фалаклар таркиби [Фи таркиби ал афлак] — 243, 265, 347  
 Филларни соғайтириш китоби — 474  
 Фозил Файласуфларнинг фалак табиати ҳақидаги қарашлари номли китоби — 49  
 Хаёл ал кусуфайн — 416, 496  
 Чалапрадоника — 112  
 Чандра — 114  
 Чарака — 14, 129, 133, 287  
 Шалъя — 112  
 Шат-Панчошико — 129  
 Шашидезавритте — 114  
 Шншъяҳитовритти — 114  
 Шката — 114  
 Шонти — 112  
 Яжурвела — 108, 450, 480  
 Қонунлар — 289  
 Қонулар китоби — 92, 104, 284  
 Қуръон — 45, 138, 208, 477  
 Гуррат аз-зижот — 365  
 Ҳарибхатта ўз исми билан атаган луғат китоби — 117  
 Ҳаривапша-парва — 112  
 Ҳисобда рақамларнинг ишлатилиши ҳақида мақола — 143  
 Ҳолва — 128  
 Ҳорапанжа-ҳатрия — 129

## ГЕОГРАФИК ВА АСТРОНОМИК НОМЛАР КЎРСАТКИЧИ

- Абаронта — 233  
 Абхастала — 183  
 Абҳера — 233  
 Абҳи — 235  
 Абҳижит — 258, 346, 362, 387  
 Абҳопуре — 160  
 Аварта — 473  
 Аванти — 232, 234  
 Алво — 174, 288  
 Агастъя — 346, 365  
 Агнатъя — 235  
 Агни — 192  
 Адан — 490  
 Ад-дайбал — 166  
 Аддиштон — 165, 428  
 Аждаҳа — 161  
 Аз Зафира — 361  
 Аз-Зубра — 361  
 Айзис [Аид] — 65  
 Айюк — 365  
 Ала — 183  
 Ал авво — 174  
 Ал аржабҳара — 318  
 Ал Баворж — 166  
 Ал Бутайн — 361  
 Ал Диборан — 361  
 Алеспур — 162  
 Ал Зироъ — 361  
 Алика — 233  
 Ал Иклил — 362  
 Ал Мансура — 140, 205, 309, 314, 492  
 Ал Сурайё — 361  
 Ал Шаратони — 361  
 Ал Ҳақъа — 361  
 Амаровате — 213  
 Амароватепура — 213  
 Амбара — 143  
 Амрита — 207, 260  
 Ананта — 232  
 Анартта — 233  
 Анбаратола — 183  
 Анбашатҳа — 233  
 Анга — 145, 234  
 Ангира — 111, 226, 293, 390  
 Андҳра — 233, 234  
 Андҳраदेशа — 140  
 Анжапа — 233  
 Ан Насра — 361  
 Ан Наср ал Воқеъ [Bera] — 346, 362, 363  
 Ан Наср ат Тоир — 362  
 Ан Ниом ал Ворид — 362  
 Ан Ниом ал Содир — 362  
 Анга — 175  
 Антардвипа — 235  
 Анташила — 203  
 Анувишва — 235  
 Анурадҳа — 173, 231, 295, 262, 387, 424,  
 Анупалата — 207  
 Аншуман — 172  
 Анҳилвара — 126, 164, 309  
 Апаронтака — 234  
 Апсӯр — 162  
 Араб — 212  
 Арвасудхона — 235  
 Арден — 162  
 Ардиё — 197  
 Аржуман [Аржаман] — 172, 192  
 Ара — 233  
 Арка — 170, 173  
 Арку-тергҳа — 161  
 Арман — 159  
 Артаёшавз — 233  
 Аруна — 205, 402, 469  
 Арундҳате — 293  
 Арӯр — 164, 205  
 Арҳата — 401  
 Асавил — 166  
 Асад — 268, 294, 433, 434, 453, 455  
 Асад қалби — 492  
 Асавра — 165  
 Асита — 171  
 Асмака — 233  
 Аспхужит — 171  
 Ас Савод — 408



- Ас Сарфа — 361  
 Ас Сарфа, Аз Зафиранинг 3-юлдузи — 361  
 Ас Симок ул Аъзал Слика — 174, 288, 362  
 Ас Симок ал Ромиҳ — 362, 365  
 Астагири — 234  
 Астҳи — 470  
 Атавьё — 233  
 Атлайтик океан — 236  
 Атрейя — 233  
 Атри — 226, 234, 293  
 Ауданбара — 233  
 Афия — 19, 37, 86, 92, 93, 139, 289, 304, 481, 486  
 Африка — 235  
 Афгон — 11, 166  
 Афғонистон — 480, 494  
 Ашбати — 171  
 Ашвавадана — 233  
 Ашваттаҳа — 233  
 Ашвини — 174, 192, 231, 259, 278, 361, 360, 391  
 Ашлиша [Ошлишо] — 174, 226, 231, 361, 363, 364, 365, 387  
 Ашмака [Ашамукҳа] — 207, 234  
 Ашола — 182  
 Аш Шавла — 362  
 Аш Шомия — 361  
 Аяна — 203, 267, 276, 384, 450  
 Ақраб — 268, 294, 359, 363, 433, 434, 454, 456, 461  
 Ақраб қалби — 364  
 Ақраб қалби, ёнидаги Ниёт юлдуз билан — 362  
 Аҳирбудния эгаси — 346  
 Бабраҳон — 165  
 Багапура — 232  
 Бадахшон — 159, 164  
 Базона — 162, 164, 233  
 Байҳанд — 205  
 Бактрия — 479  
 Баладевапаттана — 234  
 Балловар — 164  
 Балоҳака — 372  
 Балувоҳине — 203  
 Балўр — 487  
 Балҳ — 34, 206, 236  
 Бамҳанво — 164  
 Бангола — 129  
 Бандасару — 402  
 Банжула — 203  
 Бановас — 162  
 Банорас [Баронасе] — 35, 128, 140, 161, 404, 405, 490  
 Барамўла — 165  
 Барбара — 206, 234, 392  
 Барбар кўрфазн — 158, 490  
 Бардари — 310  
 Баредиш — 206  
 Баршовар — 168  
 Барҳамшил — 161  
 Басра — 478, 495  
 Бахт [Суадо] ороллари — 236  
 Башарна — 233  
 Бағдод — 485, 493  
 Баҳа — 206  
 Баҳимарвара — 206  
 Баҳманва — 15, 243, 478  
 Баҳманвада — 140  
 Баҳотул — 206  
 Баҳрўж — 206  
 Бега — 166  
 Белужистон — 478  
 Бжригупутра — 171  
 Бябато — 170  
 Биёлакрама [Вьёлагрева] — 234  
 Биёҳа — 204, 205  
 Битўр — 205  
 Биятта [Бъятта] — 164, 204, 205  
 Биҳат — 161  
 Биҳрўж — 164, 166  
 Бобил — 177, 424, 441, 477, 484  
 Бодара — 234  
 Божу эгаси — 346  
 Болтиқ — 491  
 Болука — 203  
 Болўр — 100, 487  
 Бомаҳур — 162  
 Бомийн — 159  
 Борвончат — 206  
 Бори — 160, 161, 205  
 Боронасе — 404, 405  
 Борўй — 166  
 Бош [Дракон] — 228, 376, 377, 378, 403, 466  
 Боҳудоса — 204  
 Браҳмаданда — 469  
 Браҳмалока — 185  
 Браҳмапура — 235  
 Бриҳаспати бора — 169  
 Бричлока — 465  
 Будҳа — 169, 171, 232  
 Будҳана — 171  
 Бурж ал Ҳимора — 232  
 Буст — 481  
 Бутайн — 218  
 Бухоро — 481  
 Вжўха — 233  
 Бўлўр — 165  
 Бҳалукаччиҳра — 233  
 Бҳавакету — 473  
 Бҳага — 172  
 Бҳадра — 233, 234  
 Бҳадракора — 232  
 Бҳадросва — 197  
 Бҳалла — 235  
 Бҳарадва — 233  
 Бҳаранг — 231, 361, 363, 387  
 Бҳараний — 174  
 Бҳарата — 14, 306, 308, 405, 407, 484, 306, 308, 405, 407  
 Бҳарата-Варша — 197, 230, 231  
 Бҳарукаччиҳа — 234  
 Бҳемаратҳе — 203  
 Бҳелламола — 126  
 Бҳойлисон — 162  
 Бҳону — 146, 170, 172

- Бҳоргава — 171  
 Бҳотал — 168  
 Бҳоте — 164  
 Бҳотешар — 161, 164  
 Бҳотия — 140  
 Бҳригу [Бҳругу] — 171  
 Бҳригулока — 465  
 Бҳуварлока — 51, 184, 189, 483  
 Бҳугаварадхана — 233  
 Бҳуганрастҳа — 235, 483  
 Бҳурлока — 51, 184, 185, 189  
 Бҳумжа — 171  
 Бҳумиҳара — 162  
 Бҳўтапура — 235  
 Вадавомукҳа — 209, 210, 212, 214, 218, 219, 221, 250  
 Вадҳа — 233  
 Вадхра — 372  
 Ваджа — 102, 187, 447  
 Ваниъя — 203  
 Вайяасвата — 213, 291  
 Вайдеша — 233  
 Вайрдуржа — 234  
 Вайтаране — 62, 203  
 Вайшья — 101, 103, 105, 275, 234, 412, 435  
 Вайҳинд [Ванҳанд] — 10, 204, 244  
 Вакра — 171, 372  
 Валлабҳа — 155, 166, 309  
 Ванавоса — 234  
 Ванавосика — 233  
 Ванаражъя — 235  
 Вангаугҳа — 234  
 Ванга — 234  
 Вангея — 233  
 Вар — 311  
 Варвара — 206  
 Вардҳамона — 233  
 Варлабҳа — 490  
 Варуна — 172, 192  
 Васа — 470  
 Васати — 235  
 Васумант — 235  
 Васиштҳа — 293  
 Васиштҳа эгаси — 346  
 Ватса — 233, 234  
 Ваҳиргира — 233  
 Ваҳлика — 233  
 Вега — 260, 359, 471, 493  
 Ведавате — 204  
 Ведасмрити — 204, 205  
 Венва — 203  
 Вено — 234  
 Венумате — 205  
 Вибҳо — 213  
 Вибҳоварепура — 213  
 Вивасван [Вивасмант] — 172  
 Видарбҳа — 233, 234  
 Видиша — 204, 205  
 Видосине — 205  
 Видҳатри — 172, 188  
 Викажа — 468  
 Виндхья — 196, 203, 207, 234, 366, 367  
 Видҳямўли — 233  
 Виншавара [Вамшавара] — 203  
 Витала — 182  
 Витаста — 135  
 Витасто — 428  
 Витта — 171  
 Вишну — 172  
 Вишнупада — 401  
 Вишнокҳо — 226, 231, 294, 362, 363, 387  
 Вишола [Вишола] — 182, 204  
 Вишпаруна — 469  
 Виятта — 205  
 Вока — 233  
 Вопа — 233  
 Ворижара — 234  
 Воқвоқ — 167  
 Воқе — 365  
 Врика — 233  
 Врисчика — 175  
 Вриттрагҳни — 204  
 Врихаспати — 111, 171, 299  
 Вриша — 175  
 Вришабадҳважа — 233  
 Вришне — 260  
 Вьёса — 189  
 Вьякхрамукҳа — 233  
 Вўккона — 234  
 Габҳастала — 183  
 Габҳастимат — 183, 230  
 Гавре [Гаура] — 386, 402  
 Гаж — 205  
 Гажа — 145, 233  
 Галактика — 183  
 Ганарожъя — 234  
 Ганг — 199, 200, 206, 207  
 Ганга — 160, 161, 163, 165, 204, 271, 378, 398, 402, 419, 420, 435, 479, 490  
 Ганга-двора — 160  
 Гангосогара — 206  
 Гандамак — 10  
 Гандака — 205  
 Гандароҳа [Чандароҳа] — 205  
 Гандҳамодана — 196, 197  
 Гандҳара — 206, 233, 480  
 Гандҳарва [Гандҳарба] — 81, 82, 190, 196, 207, 230, 235  
 Ганика — 469  
 Гановсара — 161  
 Гарбҳа — 187  
 Гаурагрена — 233  
 Гаурака — 233  
 Гволняр — 162  
 Гилгит — 165  
 Гири — 235  
 Гирнагар — 197  
 Гирнагара — 234  
 Говинда [Гонанда] — 233  
 Годовар [Гўдавара] — 162, 203  
 Гомате — 204  
 Гонарда — 234  
 Грек — 19, 366  
 Гуда-Танешар — 233  
 Гузорот [Гужарот] — 162, 490  
 Гур Чола — 470

- Гуру — 171  
 Гуруҳо — 234  
 Гўмеда — 187  
 Гўмеда-двипа — 187, 201  
 Гҳаша — 235  
 Гҳоша — 233  
 Гҳрита-монда — 186  
 Дадҳи — 144, 187  
 Дадҳиманда — 187  
 Дадҳи-сагара — 128, 187  
 Дайбал — 166  
 Дайтентара — 210, 491  
 Дайҳак — 153  
 Дакишнатъя — 233  
 Далв — 268, 433, 434, 454, 461  
 Данда — 235, 369  
 Дандака — 233  
 Дандакована — 234  
 Данпур — 244  
 Дантура — 233  
 Даравр — 161  
 Дарада — 206  
 Дарва — 233  
 Дарвал — 166  
 Дардура — 234  
 Дасерука — 233  
 Лашапур — 234  
 Дашорна — 203, 234  
 Даҳмола — 164  
 Даҳола — 162  
 Движешвара — 171  
 Двипа — 136, 185, 186, 187, 192, 230, 234, 293, 489  
 Двор — 165, 490  
 Дева — 267, 423, 424  
 Дева-канбар — 167  
 Дева-куза — 167  
 Девалока — 465  
 Девамантрия — 171  
 Девапито — 171  
 Девапуроҳита — 171  
 Деваҳирот — 286  
 Девежъя — 171  
 Левика — 204  
 Деворша — 234  
 Делфин [Дўлфин] — 163, 362  
 Диргҳагрева — 234  
 Дибажот — 185, 375, 490  
 Дивокара — 170  
 Диёма — 164  
 Дипона — 207  
 Дирварадеша — 140  
 Диргҳактеша — 234  
 Диргҳамукҳа — 234  
 Диқтовун — 85, 486  
 Домара — 235  
 Донавагуру — 171  
 Донак — 133, 162  
 Дорва — 235  
 Досера — 235  
 Досомейя — 235  
 Дравина — 372  
 Драмида — 234  
 33—1381  
 Дранжана — 479  
 Дришадвате — 205  
 Дриҳола — 233  
 Дрона — 291, 372  
 Дрўта — 205  
 Думли юлдуз — 226  
 Дунбованд — 165  
 Дунпўр — 10, 164, 168  
 Дурга — 203, 233  
 Дҳатри — 172, 188  
 Дўгум — 161  
 Дўғўмпур — 161  
 Дўдаҳе — 162  
 Дҳанништҳа — 174, 226, 231, 362, 363, 365, 387, 388  
 Дҳану — 135, 175  
 Дҳанушман — 235  
 Дҳарма — 192  
 Дҳарморанъя — 233  
 Дҳор — 164, 162  
 Дҳутапопа — 204  
 Дҳўлика — 206  
 Ер — 143, 185, 189, 194, 195, 208, 209, 210, 211, 214, 215, 216, 217, 218, 219, 220, 221, 222, 224, 237, 240, 241, 250, 344, 347, 348, 350, 351, 352, 354, 355, 356, 376, 377, 378  
 Етти Риша — 295  
 Еттисув — 206  
 Етти Қароқчи — 126, 189, 190, 224, 226, 264, 293, 294, 295, 344, 346  
 Жабал [Мадия] — 159  
 Жабар Яваса — 206  
 Жаббор Орион — 174  
 Жавана — 126, 129, 233  
 Жавзаҳр — 248, 313, 354, 357, 444, 445, 446, 448, 466, 492  
 Жавзе [Эгизак] — 174, 268, 294, 347, 366, 433, 434, 453  
 Жави [Жумна] — 160, 164, 200, 206, 490  
 Жадди — 252, 267, 268, 363, 383, 433, 434, 454  
 Жадура — 162  
 Жажакўте — 162  
 Жажжамав — 160  
 Жажжанер — 164  
 Жайлам — 10, 164, 165, 205, 244  
 Жайпа — 192  
 Жайшгҳа [Жейнтҳа] — 173, 231, 269, 302, 427, 436  
 Жалакету — 473  
 Жаландҳар — 164  
 Жалолика — 159  
 Жалолобод — 10  
 Жамакўти — 210, 211, 214, 235, 237  
 Жамбу — 186  
 Жамбу-Двипа — 186, 271, 198, 204, 230.  
 Жамудадҳи — 234  
 Жамуна [Шави] — 233, 235, 243, 301, 420  
 Жаналока — 184, 189, 248  
 Жанбу — 392  
 Жангала — 232, 233  
 Жандра — 162

- Жанпа — 161  
 Жармапаттана — 234  
 Жатодҳара — 234  
 Жатра — 426  
 Жаттаравр — 162  
 Жатқара — 234  
 Жашовати — 235  
 Жаҳровар — 205, 233, 234  
 Жева — 171  
 Жемур — 166  
 Жемута — 372  
 Жету — 175  
 Житума — 175  
 Жована-коте — 237  
 Жогара — 233  
 Жоруваркегу — 472  
 Жринга — 234  
 Жуга — 175, 230, 232, 266, 277, 279, 280,  
 281, 282, 283, 284, 284, 287, 298,  
 299, 306, 307, 308, 318, 325, 326,  
 327, 385, 388, 390, 391, 431, 432,  
 445, 447, 478  
 Жулаҳейя — 235  
 Журжон — 204, 429, 491  
 Жутгиша — 233  
 Жўларе — 168  
 Жўзжон — 238  
 Жўнди Сабур — 477  
 Занба — 401  
 Занж [Занжибар] — 374, 375  
 Зиндутунда — 206  
 Зобаж — 167  
 Зубоно — 359  
 Зухал — 86, 169, 171, 177, 178, 185, 224,  
 226, 228, 260, 285, 314, 315, 317,  
 318, 319, 342, 344, 347, 349, 351,  
 353, 384, 386, 448, 449, 451, 453,  
 454, 463, 464, 465, 468  
 Зухра — 226, 260, 315, 317, 318, 319, 342,  
 344, 347, 348, 351, 353, 354, 384,  
 386, 441, 448, 449, 451, 452, 453,  
 454, 461, 463, 464, 465, 468  
 Иккала на سرا — 365  
 Икки балиқ — 362  
 Икки симок — 365  
 Икшула — 203  
 Иловрита — 196  
 Индра — 172  
 Индраведи — 168  
 Индрадвина — 230, 292  
 Индрамару — 206  
 Индраудинманасарон — 207  
 Инду — 170  
 Ирова — 164, 205  
 Ировате — 204  
 Ироқ — 14, 495  
 Искандария — 126, 481  
 Ка — 472  
 Кабанда — 469  
 Кавара — 206  
 Кавета.1 — 165  
 Кавини — 206  
 Кавишке — 204  
 Кавотадҳана — 235  
 Каврба — 175  
 Кавсала [Қошля] — 233  
 Кажуроҳа — 162  
 Кайбера — 203  
 Кайлевата — 235  
 Кайласа [Кайлоса] — 196, 235, 401  
 Қалатояка — 233  
 Калининга — 183, 232, 234  
 Қалопагирама — 207  
 Қалькутта — 2  
 Какавж [Кануж] — 15, 135, 140, 159, 160,  
 161, 162, 164, 206, 243, 308, 310, 312,  
 391, 479  
 Канака — 234, 468  
 Қанаштрожайя — 235  
 Қанбоат — 166  
 Қанга [Канё] — 174, 175  
 Қангдиз — 235  
 Қалд — 162  
 Қандакастҳала — 234  
 Қанде — 244  
 Қанж — 161, 166  
 Қаник-Чайтъя — 312  
 Қанир — 310  
 Қанка — 272, 468  
 Қанката — 234  
 Қаннакара — 162  
 Қанпур — 479  
 Қантдадҳона — 235  
 Қапалакату — 471  
 Қэпила — 234  
 Қапишатҳала — 233  
 Қарамуза — 203  
 Қараскара — 233  
 Қарастуба — 206  
 Қарвата — 233  
 Қарката — 175, 386  
 Қарли — 243  
 Қарма — 207  
 Қарнаправана — 233, 234  
 Қарната [Қарнота] — 140, 234, 396  
 Қарнатдеша — 140  
 Қарора — 428  
 Қар-гўя — 205  
 Қарўр — 309  
 Қарўша — 233  
 Қасний — 491  
 Катта от — 362  
 Қауверъя — 234  
 Қаунинда — 235  
 Қаункума — 409  
 Қаусалака — 233  
 Қачч — 166, 206  
 Қаччҳа — 234  
 Қаччҳара — 235  
 Қаччхийя — 233  
 Қаширум — 230  
 Қашмера — 235  
 Қашмир — 10, 35, 94, 100, 107, 114, 120,  
 140, 164, 165, 168, 204, 232, 244,  
 254, 276, 294, 295, 309, 310, 374,  
 405, 408, 429, 487

- Кашмир ичкарисси -- 100  
 Кашяпа -- 171, 296  
 Казба -- 96, 404, 470  
 Кейкайя -- 235  
 Кера -- 235  
 Керала -- 233  
 Кералака -- 234  
 Кету -- 466, 467  
 Кетумола -- 197  
 Кечар жой -- 206  
 Кешадҳара -- 235  
 Кинпуруша -- 198  
 Кирва -- 203  
 Кирий -- 428  
 Кирот -- 205, 207  
 Кирота -- 207, 233, 235  
 Кирла -- 203  
 Кисадъя -- 233  
 Ките -- 164  
 Кичик Айнқ -- 191  
 Кичик Тибет -- 493  
 Кишкинда -- 233  
 Кишкиндҳа -- 234  
 Киҳкинд -- 167  
 Кнос -- 93  
 Кноссид -- 411  
 Кобул -- 10, 35, 159, 164, 205, 244, 311, 411  
 Кована -- 205  
 Колака -- 234  
 Колика -- 206  
 Келқти -- 233  
 Қоложина -- 234  
 Қолунажар -- 162  
 Қомбужа -- 234  
 Қомякавана -- 307  
 Кова -- 171  
 Ковчи -- 234  
 Қорманайяка -- 234  
 Қосала -- 233  
 Қоча -- 206  
 Қоши -- 233,  
 Қошяпапура -- 232  
 Қояши -- 205  
 Қравъя -- 234  
 Краунча -- 235  
 Краунча-двила -- 187, 200, 234  
 Қрера-самудра -- 233  
 Қрита -- 85, 92, 93, 144, 279, 280, 281  
 Қритамола -- 203  
 Қриттика -- 117, 121, 173, 226, 260, 361  
 Қришна -- 203  
 Қришнабҳўми -- 183  
 Қришнавай-рўржа -- 234  
 Қрия -- 175  
 Қрола -- 233, 442  
 Қроунча -- 187  
 Қрура -- 206  
 Қрурокши -- 171  
 Кубата -- 206  
 Қужа -- 171  
 Қукура -- 233  
 Қулата -- 206  
 Қулера -- 175  
 Қулинда -- 231  
 Қулоржак -- 165  
 Қулуталаҳада -- 234  
 Қуллая [Қуля] -- 233  
 Қулута -- 235  
 Қумбҳа -- 175  
 Қуморе -- 203  
 Қумуда -- 201, 472  
 Қумудватс -- 203  
 Қунжарадара -- 234  
 Қункан -- 162  
 Қунтала -- 233,  
 Қурава -- 235  
 Қураҳа -- 160  
 Қуру -- 197, 233  
 Қурукшетра -- 238, 243  
 Қуспоре -- 165  
 Қусуманпура -- 142, 195, 243, 252, 279  
 Қуфа -- 496  
 Қуника -- 235  
 Қуша -- 186, 200  
 Қуға динна -- 186, 248  
 Қушукманака -- 234  
 Қуху -- 204  
 Қшемадҳўрга -- 235  
 Қшеродака -- 186  
 Қшера [Қшира] -- 187, 222  
 Қшоре -- 186  
 Қшудрамнина -- 235  
 Қўдайшаҳр -- 429  
 Қўдара -- 233  
 Қўлавана -- 233  
 Қўллагири -- 234  
 Қўнк -- 161  
 Қўнкана -- 234  
 Қўпа -- 233  
 Қўпруму -- 478  
 Қўсала -- 234  
 Қўҳала -- 235  
 Қҳажара -- 235  
 Қҳанда -- 234  
 Қҳастҳа -- 234  
 Қҳаша -- 233  
 Қавана -- 186  
 Қавана-самудра -- 186  
 Қавҳовур -- 164, 165  
 Қавҳўр -- [Қаҳўр, Луҳўр] -- 10, 243, 491  
 Қадда -- 164  
 Қаккадив -- 490  
 Қампока -- 233  
 Қамгон [Қамбага] -- 10, 205, 244, 310  
 Қангаболус -- 190, 239  
 Қангўленс -- 203  
 Қанка -- 30, 166, 210, 211, 233, 235, 237,  
 238, 242, 243, 278  
 Қаҳўр [Қаҳор] -- 166, 204, 491  
 Қеннингград -- 482  
 Қитта [Қулинда] -- 233  
 Қняйя -- 175  
 Қовҳония -- 243  
 Қодини [Қрадини] -- 206, 207  
 Қололока [Қулолука] -- 188, 197, 222, 310  
 Қондон -- 7

- Лоне — 303  
 Лорадеша — 140  
 Лордеш — 164  
 Лорон — 166  
 Лсхароне [Лохарона] — 160, 164, 205, 243  
 Лохитаноде — 401  
 Лохитъя — 233  
 Лоховар — 310  
 Лўла — 204  
 Лўхита [Лохита] — 205, 401  
 Мағо [Могҳа] — 168, 173, 174, 201, 231, 269, 293, 294, 301, 361, 387, 390, 422, 425, 427, 429, 431  
 Мадина — 481, 489  
 Мадра — 234  
 Мадрака — 235  
 Мадур — 232  
 Мадҳадеша — 198  
 Мадҳилока — 61, 484  
 Мадҳиянда — 401  
 Мадҳра — 233  
 Мадҳъядета — 140, 159, 230  
 Майвор — 162  
 Майнока — 372  
 Макара — 163, 174, 175  
 Македония — 86, 486  
 Мака — 96, 404  
 Макрон — 166  
 Мала — 320  
 Малава — 196, 197, 203, 233, 235, 239  
 Малава-парвата — 196  
 Малаза — 233  
 Малайя — 234  
 Малая — 161  
 Малвашава — 140  
 Малдив — 490  
 Моминдъя — 234  
 Малла — 233  
 Манаҳала — 235  
 Мангала — 145, 171, 206  
 Манда — 171, 401  
 Мандавоҳина — 203  
 Мандагир — 162  
 Мандаккакўр — 10, 244  
 Мандахужур — 164  
 Манде-работу — 10  
 Мандокине — 203, 401  
 Маникету — 472  
 Манимон — 234  
 Мансура — 34, 156, 243, 479  
 Манушиалона — 61, 484  
 Мара — 206  
 Маречи — 192, 293  
 Марикала — 235  
 Мару — 206, 233  
 Маручиппаттана  
 Марукучча — 234  
 Матсъя — 110  
 Матҳара — 234  
 Матҳура — 233, 301, 302, 309  
 Махарнава — 234  
 Махатевн — 234  
 Махая — 233  
 Махоронтра — 233  
 Мачья — 233  
 Машака — 233  
 Машриқ — 208  
 Маъмура — 34, 229, 230, 236  
 Мағриб — 158, 206, 212, 237, 238  
 Маҳокала — 162  
 Маҳанора — 205  
 Маҳво — 165  
 Маҳежа — 171  
 Маҳендра — 192, 196, 203, 234  
 Маҳиша — 200, 248  
 Маҳовега — 203  
 Маҳогаври — 203  
 Маҳокрима [Маҳогрива] — 234  
 Маҳонада — 203  
 Маҳонги [Маҳокхъя] — 182  
 Маҳорлока — 184, 189, 248  
 Маҳотала — 163  
 Маҳочини — 165  
 Маҳошайла — 372  
 Маҳраттадеш — 162  
 Метҳавон — 234  
 Меда — 233  
 Мезон — 268, 294, 359, 429, 433, 434, 454, 456  
 Мекала — 233  
 Мена — 175  
 Мератал — 164  
 Меркурий — Уторндга қарант  
 Меру — 29, 194, 195, 196, 197, 198, 203, 204, 209, 210, 211, 212, 213, 214, 215, 218, 219, 221, 222, 223, 224, 235, 238, 243, 249, 251, 252, 359, 368, 391, 401, 491  
 Меша — 175  
 Меҳрон — 205  
 Лидия — 479  
 Миндхуна — 175  
 Миср — 19, 86, 138, 139, 304  
 Митра — 172, 192  
 Митҳило — 233  
 Митҳуна — 175  
 Млечча [Мличча] — 33, 234, 400, 479  
 Мовароуннаҳр — 485  
 Могодҳа — 201, 296  
 Мола — 233  
 Молавартика — 233  
 Моллавант — 196  
 Молова — 140, 154, 162, 233  
 Монаса — 196, 201, 276, 402, 474  
 Монесуттана — 201  
 Мондава [Мондавъя] — 128, 233  
 Морака — 234  
 Морегала — 310  
 Морегала — 310  
 Москва — 489  
 Моҳиша — 233  
 Моҳура — 160, 162, 238, 405, 423  
 Мригаведҳа — 366  
 Мригаширша — 173, 259, 360, 361  
 Мриттала — 182  
 Мроварта — 197

- Мрўна — 206  
 Мудракарака — 233  
 Мукита — 234  
 Муластҳона — 34, 232, 483  
 Мунгере — 161  
 Мунда — 233  
 Мунҳа — 166  
 Мушика — 233  
 Муштарий — 86, 111, 169, 171, 173, 189, 224, 226, 228, 259, 260, 315, 317, 318, 319, 342, 344, 346, 347, 349, 351, 353, 369, 384, 386, 388, 390, 411, 448, 449, 451, 453, 454, 457, 461, 464, 465, 468  
 Мухрон — 163  
 Мўла — 173, 231, 362, 387  
 Мўлика — 233  
 Мўлтон — 99, 126, 164, 168, 190, 203, 232, 233, 234, 238, 244, 309, 310, 339, 403, 405, 430, 479, 497  
 Мўсил — 34  
 Наваканд-прасама — 229, 230  
 Нагалока — 61  
 Нагарасамвритта — 203, 230  
 Нагналарна — 234  
 Найтика — 233  
 Накшатранотҳа — 171  
 Налака — 233  
 Налини — 206, 207  
 Намайя — 162  
 Намовур — 162  
 Накдавиштҳа — 235  
 Нандана — 204  
 Нандана-вана — 194, 369  
 Нандия — 10, 244  
 Наралока — 61  
 Наримуҳжа — 234  
 Нармада — 162, 203, 206  
 Насра — 365  
 Нагаркот — 205, 312  
 Нейпол [Непал] — 161  
 Нела — 183, 196, 197  
 Немрўз — 159  
 Нераҳара — 310  
 Нил — 152, 163, 212  
 Нила — 401  
 Нимеша — 255, 256, 272, 273  
 Нирбиндҳя — 203  
 Нисчира — 204  
 Нитала — 183  
 Нишадҳа — 196, 197, 203, 402  
 Нишеша — 172  
 Нишода — 234  
 Нишопур — 15, 236, 477, 484  
 Ногадвипа — 230  
 Ногаранура — 128  
 Нолкере — 234  
 Нондагола [Надакул] — 301, 407  
 Норада — 268, 372  
 Нороян — 162  
 Нороянка — 192  
 Носикья — 233, 234  
 Нрисмхавана — 234  
 Нўр — 205  
 Обека — 233  
 Обҳера — 233, 234  
 Ованежа — 171  
 Огокери — 175  
 Одарша — 235  
 Одиттаҳавр — 164  
 Одитья — 99, 110, 169, 170, 171, 226, 187  
 Одитьяпутра — 171  
 Одра — 233  
 Озарбайжон — 34, 159  
 Ой — 110, 127, 136, 144, 169, 170, 178, 185, 189, 190, 193, 218, 224, 226, 228, 246, 250, 260, 261, 262, 263, 265, 266, 270, 283, 301, 315, 316, 318, 319, 322, 323, 340, 342, 344, 345, 347, 348, 350, 351, 352, 353, 354, 355, 356, 357, 358, 359, 360, 367, 369, 370, 371, 372, 374, 376, 377, 378, 379, 380, 384, 386, 388, 419, 423, 424, 427, 428, 435, 437, 439, 440, 445, 446, 447, 448, 449, 450, 451, 453, 456, 457, 459, 460, 461, 462, 464, 465, 474  
 Ой тоғлари — 158, 212  
 Окара — 234  
 Онарта — 234  
 Онйла — 196  
 Онсу [Аншу] — 172, 183  
 Ора — 171  
 Оравонбаштҳа — 234  
 Ордра — 173, 231, 361, 363, 387  
 Оржоварта [Оржаварта] — 140, 309  
 Оржуннеяна — 235  
 Орки — 171  
 Орол денгизи — 491  
 Осе — 133  
 Отала — 182  
 Очўд — 491  
 Ошора — 167, 172, 173, 269, 369, 370, 371, 422, 423, 427, 436  
 Оҳор — 164  
 Падмакету — 473  
 Падма-гулъя — 233  
 Паднор — 166  
 Пайшине — 203  
 Пажая — 203  
 Паза — 233, 321  
 Палашене — 203  
 Палҳава — 206  
 Панжаёвар — 166  
 Панжоб [Панчанада] — 11, 206, 488, 491  
 Панжҳер — 94, 205  
 Панчанада — 234  
 Панчанадада — 205  
 Панчола — 112, 232, 233  
 Пара — 204, 205  
 Парвата — 372  
 Парватамару — 207  
 Парвон — 205  
 Парнаша — 204, 205  
 Партена — 175  
 Парчанья — 172

- Патала — 183, 487  
 Патаччара — 233  
 Паундра — 233  
 Паурава — 235  
 Пахта ипи — 362  
 Пита-бхўми — 183  
 Пашупала — 235  
 Пахлава — 233  
 Пингалака — 235  
 Пинжавр — 164  
 Пирияла — 203  
 Пита-бхўми — 183  
 Питрилока — 185, 188, 189, 465  
 Пишабака — 203  
 Пиюз — 401  
 Плакша — 186  
 Пована — 206  
 Повани — 207  
 Понду — 111, 112, 160, 233  
 Пондъя — 233  
 Поней — 261  
 Псьикат — 164  
 Понтас — 204, 491  
 Пората — 234  
 Порашава — 234  
 Порижатра [Паржъотра] — 196, 204, 205, 233  
 Поталинуптра — 161  
 Потола — 61, 397, 484  
 Праёга [Бару Праё] — 160, 420, 471  
 Пратхянка — 233  
 Прогжўтеша — 233  
 Протрагитра — 233  
 Праинастодри — 234  
 Пукала — 235  
 Пукара — 405  
 Пуластъя — 293  
 Пулаха — 293  
 Пулинда — 233  
 Пунарвасу — 173, 231, 346, 361, 363, 387, 423  
 Пунжадри — 235  
 Пурва-бхадрапада — 173, 190, 231, 362, 367  
 Пурвадеша — 140  
 Пурва-пхалгуна — 174, 226, 231, 361, 387, 391  
 Пурвашадха — 226, 362, 470  
 Пурвашора — 174, 231, 387  
 Пурика — 234  
 Пурушанарвата — 196  
 Пурушода — 233  
 Пуршовар — 5, 164, 205, 244, 311  
 Пуршюра [Пешовар] — 256, 488, 492  
 Пушанг — 232  
 Пушкалавате — 235  
 Пушкара — 206  
 Пушкара-данна — 187, 201, 222, 225  
 Пушнажати — 203  
 Пуштъя — 174, 226, 231, 233, 346, 361, 387  
 Пушлинг — 233  
 Пурвабхадрапада — 471  
 Пушхидона — 233  
 Пуша — 172  
 Пушан — 387  
 Пхалгулу — 234  
 Пханикора — 234  
 Пхенагири — 234  
 Рави — 170  
 Райватака — 234  
 Ракта — 171, 490  
 Рамаде — 204  
 Рамма — 167  
 Рамьяка — 197  
 Расотала — 183  
 Рахтабхўми — 183  
 Рашмикету — 472  
 Раштра — 235  
 Рахаб — 206  
 Ревати — 174, 226, 231, 259, 278, 346, 362, 360, 365, 387, 424, 427, 471  
 Рикшабом — 196, 203  
 Ришабха — 233, 372  
 Ришикулъя — 203  
 Ришуга [Ришика] — 203, 233  
 Ришъямука — 233  
 Риханжўр — 164  
 Ровдра —  
 Ровинда — 429  
 Рожоваре — 166  
 Рожавре — 162, 166  
 Рожагире — 164, 166  
 Рожалъя — 235  
 Рим [Рум] — 97, 105, 126, 159, 210, 211, 215, 236, 338, 424, 486, 487  
 Рома тўтони — 204  
 Ромешар — 166  
 Роштра — 234  
 Роҳине — 173, 301, 361, 363, 366, 369, 370, 371, 373, 387, 423, 424, 428  
 Роҳине ал Деборан — 346  
 Рохигака — 240, 243  
 Роҳу — 466  
 Румака — 210, 235 (Румга қаранг)  
 Румана — 233  
 Румимандалу — 207  
 Румо — 34, 281  
 Рус — 7, 492  
 Рунака — 233  
 Рураса — 206  
 Сабанжуло — 203  
 Саботи [Басоти] — 206  
 Савити — 172  
 Савитрага — 493  
 Савр — 268, 363, 366, 433, 434, 439, 453, 455  
 Савра — 171, 320  
 Савирн — 172  
 Саддона — 204  
 Сапрангирна — 234  
 Сайндхана — 140, 206  
 Сайинтра — 126  
 Сайриндха — 235  
 Сакета — 233  
 Сакилканд — 232  
 Сакитон — 479  
 Саккра — 183



- Саххапура — 213  
 Салила — 206  
 Самарқанд — 138, 490  
 Саматата — 233  
 Самварта — 111, 473  
 Самвартака — 372  
 Самнора — 230  
 Санбхапура — 232  
 Санватсара — 31, 192, 309, 310, 388, 389, 388  
 Сангаванта — 206  
 Сангаладил — Сарандибга қаранг  
 Сангхала — 234  
 Сандон — 166  
 Санжаманпура — 213  
 Саражу [Сараю] — 204, 402  
 Сарандиб [Сангаладил] — 166, 168, 185, 237, 490  
 Сарасвати — 129, 327, 401  
 Саратон — 194, 195, 252, 268, 294, 363, 364, 383, 424, 433, 434, 453, 455, 461  
 Сараюшате — 402  
 Сарва — 204, 206  
 Сарпа [Сарпис] — 187  
 Сарсат — 204  
 Сарсата — 303  
 Сарсати [Сарсут] — 206, 374, 401  
 Сатъялока — 185, 189  
 Саувера — 232, 233, 234  
 Саумъя [Савмъя] — 171, 230, 260, 391  
 Сақлия [Сицилия] — 105, 487  
 Сақолиба [Болтиқ денгизи] — 204, 491  
 Саҳане — 162  
 Саҳжа [Саҳъя] — 196, 203  
 Сваргабҳуми — 207  
 Сварлока — 51, 61, 164, 185, 298, 483  
 Сводудока — 187  
 Свати — 174, 231, 294, 362, 363, 370, 371, 387  
 Сета — 197  
 Сетубандҳа — 166  
 Сетука — 233  
 Сналкот — 10, 244  
 Сиддхапура — 210, 211, 237  
 Сижистон — 159, 479  
 Сийистон — 34, 479  
 Синай — 486  
 Синга — 175  
 Сингалдеб — 166  
 Синд — 34, 105, 134, 140, 159, 164, 165, 205, 212, 239, 309, 310, 314, 336, 337, 374, 479, 488  
 Синд дарёси [Синдҳа] — 164, 165, 204, 205, 206, 396  
 Синдҳу — 206, 232, 233, 234  
 Синдҳу-Соғара — 206  
 Сини — 203  
 Сипра — 205  
 Сирва — 203  
 Сирюс Ямония — 346  
 Сита — 171, 206, 470  
 Сова — 205  
 Совуқ тоғлар — 243  
 Солва — 232  
 Солваия — 233  
 Соманотҳа — 132, 135, 153, 166, 206, 268, 303, 310, 373, 374, 375, 424, 497  
 Сомон Аўли [Галактика] — 220, 222, 402  
 Сонде — 401  
 Стамбул — 478  
 Стрирожья — 234  
 Субора — 166  
 Суварнабҳўма — 235  
 Суварна-Варна — 183  
 Суварнадвипа — 167  
 Сувод — 429  
 Сув сепувчи — 363  
 Судон — 212  
 Сукрита — 207  
 Сукўрда — 206  
 Сукҳа — 213  
 Сулика [Сўлика] — 233, 234,  
 Сумано — 201  
 Сунбула — 268, 294, 366, 424, 433, 434, 454  
 Супраёга — 203  
 Суво — 186, 477  
 Сураса — 203  
 Сураштра — 233, 234  
 Сурж [Сурья] — 170, 487  
 Суржотри [Шуръедри] — 234  
 Сурпакарака — 233  
 Сут денгизи — 222  
 Сутола — 182  
 Суфала — 163, 168, 212, 374  
 Сугд — 197, 206, 479  
 Сухайл — 190, 365  
 Сухайл Агастья — 111, 366  
 Сухма — 233, 372  
 Сўма — 170  
 Сўри — 171  
 Сўрья — 126  
 Сўрьялутра — 171  
 Табаристон — 495  
 Таваллешар — 166  
 Тавкишка — 175  
 Такнашпа — 235  
 Тала — 226  
 Талват — 161  
 Тамарон — 207  
 Тамаса — 203  
 Тамбиру — 175  
 Тамраварна — 230  
 Танват — 161  
 Танкана [Тангана] — 234, 235  
 Таласашрама — 234  
 Таполока — 184  
 Тарўпана — 233  
 Таскара — 468  
 Таҳористон — 159  
 Тваштри — 172  
 Тегирмон чўкичи — 190  
 Тез — 166  
 Термиз — 206, 234  
 Тиавре — 162  
 Тибет [Тибат] — 159, 161, 164, 204, 311, 477  
 Тилла ер — 187

- Тиллигата — 233  
 Тимингилашана — 234  
 Тимовус — 44, 177  
 Тиражаклока — 61, 484  
 Тожик — 485, 492  
 Тоқешар — 165, 310  
 Толакўна — 233  
 Толаҳала — 234  
 Толикате — 234  
 Томалиптико — 233  
 Томалипутои — 207  
 Томара — 233  
 Томаса — 233  
 Томаса-келака — 466  
 Томра — 205  
 Томраварна — 203  
 Томралиптика — 233  
 Томрапарна — 234  
 Тонешар — 100, 160, 164, 238, 243, 302, 373, 403, 404, 487  
 Топе — 203  
 Тора — 237  
 Торакрути — 234  
 Тошкент — 7, 20  
 Трайпура — 233  
 Транжой — 429  
 Тригартта — 233, 235  
 Тридава — 203, 207  
 Трикута — 196  
 Тринетра — 235  
 Трипава — 203  
 Трипурантика — 196  
 Триपुरье — 233  
 Трисога — 203  
 Тукҳора — 206, 234  
 Туло — 175  
 Тумбавана — 234  
 Тумбура — 233  
 Тунгабҳадра — 203  
 Туругонина — 235  
 Турк — 20, 159, 164, 165, 198, 204, 234, 237, 311, 314, 352, 396, 487,  
 Турон — 166  
 Тхарпура — 233  
 Тхона — 164, 166  
 Туба — 203  
 Уваряҳор — 161  
 Удбҳира — 233  
 Уддехика — 233  
 Удрувага — 175  
 Удунпур — 140  
 Удьягнири — 233  
 Ужайн [Узайн] — 154, 162, 232, 234, 236, 238, 240, 141, 243, 471, 490  
 Улуғ денгиз — 204, 206, 402  
 Уммалнора — 166  
 Унанг — 165  
 Упанванга — 234  
 Урдвакарна — 234  
 Уткала — 233  
 Уторид — 169, 170, 171, 189  
 Утпалавате — 203  
 Уттимарна — 233  
 Уттара-ашадҳа — 174, 231, 360, 362, 387  
 Уттара-бҳодрапада — 174, 231, 259, 360, 362, 365, 387, 390  
 Уттаракурава — 235  
 Уттарамонаса — 401  
 Уттаранармида — 233  
 Уттара-пҳалгуне — 174, 231, 360, 361, 337  
 Уттонапада — 192  
 Ушкора — 165  
 Уқёнус — 158  
 Фаластин — 45, 86  
 Фаррухобод — 479  
 Фарғона — 479  
 Форс — 20, 34, 35, 82, 95, 116, 130, 169, 181, 190, 213, 234, 236, 256, 307, 325, 336, 426, 484, 490, 492  
 Форс денгизи — 213  
 Форс кўрфази — 159  
 Форфаза — 232  
 Фракция — 481  
 Франк — 97, 159  
 Фуршовар — 164  
 Фусанж — 232  
 Хайбар — 139, 489  
 Хансапура — 232  
 Харамакут — 165  
 Хариварша — 197  
 Хитой — 34, 165, 213, 216, 233, 470, 477  
 Хоразм — 10, 204, 473, 480  
 Хоразм денгизи — 491  
 Хораҳавра — 232  
 Хоҳу — 203  
 Худвуда — 233  
 Хумбҳа — 175  
 Хун — 470  
 Хуросон — 34, 35, 158, 313, 480, 481  
 Хўна — 233, 235  
 Хўтан — 164  
 Цейлон — 490 (Ланкага қаранг)  
 Чавлия — 233  
 Чакра — 98, 100, 101, 372, 376, 487  
 Чакшу [Чакша] — 206  
 Чалакету — 471  
 Чандана — 205  
 Чандра — 372  
 Чандра парвата — 401  
 Чандрапура — 233  
 Чандробҳага — 204  
 Чандроҳа — 164, 204  
 Чанчука — 234  
 Чапитаносика — 235  
 Чармадвипа — 234  
 Чармақҳандипка — 233  
 Чарманвате — 204, 205, 396  
 Чармаранга — 234  
 Чин [Хитой] — 139, 141, 159, 161, 167  
 Чина — 206, 235  
 Чиранивасана — 235  
 Читра [Читро] — 231, 259, 362, 387, 390  
 Читракўта — 204, 234  
 Читрапола — 204  
 Читрашола [Чатрасона] — 201  
 Чогра [Жоғара] — 182, 233

- Чонамарура — 207  
 Чондра — 170  
 Чўли — 234  
 Чўлика — 234  
 Шабурқов — 238  
 Шавала — 62  
 Шавара — 233  
 Шайлода — 402  
 Шака [Шока, Шаққа] — 186, 233, 234, 336  
 Шакруна — 203  
 Шамилон — 165  
 Шанайшчара бора — 169  
 Шанкха [Санка] — 234  
 Шарадҳона — 235  
 Шаратайн — 218  
 Шарват — 205  
 Шарвар — 161  
 Шастра — 471  
 Шатабҳишаж — 174, 362, 363, 365, 387  
 Шаталдор — 204  
 Шатарудра ёки Шабалдор — 204  
 Шатладара — 205  
 Шаттумана — 233  
 Швета — 196, 401  
 Шветакету — 471  
 Швомхука — 235  
 Шеймаха — 235  
 Шибика — 234  
 Шивалура — 206  
 Шикҳи — 207  
 Шилотала — 183  
 Шилоҳат — 161  
 Шиятас — 165  
 Шимолий Сақолиба денгизи [Сақлаб] — 205, 419, 491  
 Шимолий Ҳиндистон — 487  
 Шипирагира — 233  
 Ширшорақа — 164  
 Шитадетхите — 170  
 Шитарашми — 170  
 Шитоншу — 144, 170, 171  
 Шмашрудҳара — 234  
 Шмоҳина — 205  
 Шна — 171  
 Шока-двипа — 186, 199  
 Шолмали — 186  
 Шолмоли-двипа — 187, 201  
 Шом — 34, 104, 212  
 Шонайшчара — 171  
 Шонтика — 234  
 Шопурқон — 236, 477  
 Шорада — 100, 235  
 Шотака — 235  
 Шош — 232 (Тошкентга қаранг)  
 Шре-парвата — 196  
 Шрингавант — 196  
 Шрингодри — 197  
 Шрована — 174, 231, 360, 370, 387  
 Шрўне — 203  
 Шудра — 106, 195, 234  
 Шукдибом — 196, 203  
 Шуклабҳуми — 183  
 Шухра — 171  
 Шуктибам — 203  
 Шуктимате — 203  
 Шуна — 203  
 Шўла — 101, 190, 447  
 Шўрасана [Шурасена] — 232, 233  
 Шўр денгиз — 207  
 Шўрпакарна — 233  
 Экавилочана — 234  
 Экапада — 233  
 Экачарана — 235  
 Экшу — 186  
 Экшуросода — 187  
 Эрон — 11, 88, 138, 477, 479, 486  
 Эроншаҳр — 58, 477, 484,  
 Эфесс — 482  
 Эшека — 233  
 Ювон — 20, 170, 174, 176, 183, 192, 210,  
 220, 225, 232, 234, 235, 245, 284,  
 288, 304, 366, 418, 420, 426, 479,  
 480, 481, 483, 485, 486, 488, 489  
 Юнонистон — 480  
 Яман — 212  
 Яманли Шизрай — 366  
 Ямоня — 365, 493  
 Урдабишав — 161  
 Урта денгиз — 236  
 Урта ер денгизи — 207  
 Урта орол — 198  
 Урта Осие — 11, 493  
 Қавс — 82, 267, 433, 434, 451, 463  
 Қандаҳор — 35, 164, 205, 480  
 Қарга юлдузлари — 359  
 Қизил денгиз — 490  
 Қимайр — 167  
 Қирота — 234  
 Қомрў — 161  
 Қора денгиз — 491  
 Қоф — 156, 197  
 Қрату — 293  
 Куёш — 110, 127, 137, 142, 146, 169, 170,  
 171, 189, 195, 196, 215, 218, 219,  
 221, 222, 223, 224, 246, 249, 252,  
 260, 261, 262, 263, 265, 267, 315,  
 316, 318, 319, 320, 321, 330, 340,  
 342, 344, 345, 346, 347, 348, 350,  
 352, 353, 354, 356, 357, 358, 359,  
 363, 364, 365, 366, 371, 376, 377,  
 378, 379, 383, 384, 386, 388, 419,  
 424, 430, 432, 433, 434, 437, 438,  
 440, 441, 445, 446, 448, 449, 450,  
 452, 456, 457, 460, 461, 463, 465,  
 471  
 Кулзум — 213  
 Кулзум кўрфази — 159, 490  
 Куроқ — 160  
 Қутб — 190, 191, 192, 194, 210, 211, 212,  
 214, 216, 218, 219, 220, 221, 223,  
 224  
 Қутб юлдузи — 344, 474  
 Фаана [Ғазнин] — 10, 11, 35, 100, 164, 244,  
 373, 480  
 Ғазнавийлар — 11, 480, 481  
 Ғорванд — 205

Ғубб — 166	238, 239, 240, 243, 244, 246, 247,
Ғўзак — 205	248, 250, 252, 254, 256, 257, 259,
Ғўр — 136, 159	262, 263, 264, 267, 270, 274, 276,
Ҳайдаробод — 7, 488, 489	280, 284, 285, 293, 294, 295,
Ҳамал — 174, 252, 268, 276, 314, 330, 339,	298, 300, 306, 307, 308, 309, 310,
342, 359, 360, 433, 434, 444, 453,	311, 313, 314, 318, 321, 324, 325,
462	328, 330, 331, 335, 336, 337, 345,
Ҳари — 200	346, 347, 350, 357, 358, 359, 360,
Ҳаста — 174, 231, 362, 365, 387	363, 364, 365, 374, 376, 377, 379,
Ҳақъа — 365	380, 384, 385, 399, 400, 401, 402,
Ҳейҳайя — 234	403, 404, 408, 409, 410, 411, 413,
Ҳели — 170	414, 417, 418, 419, 423, 425, 426,
Ҳемакўта [Хемакўтъя] — 196, 197, 234	429, 430, 433, 434, 435, 436, 440,
Ҳематола — 235	442, 444, 447, 448, 453, 456, 460,
Ҳимаваит — 100, 195, 196, 204, 206, 238, 426	463, 471, 478, 479, 480, 483, 484,
Ҳимагири — 197, 234	485, 486, 487, 488, 489, 490, 492,
Ҳимагу — 170	Ҳинд денгизи — 158
Ҳималай — 490	Ҳиндистон — 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 16, 18,
Ҳимарашми — 170	19, 20, 159, 163, 166, 203, 228, 475,
Ҳимомажакҳа — 169	477, 480, 481, 485, 486, 492 (Ҳинд-
Ҳинд — 16, 158, 159, 160, 162, 163, 165, 166,	га ҳам қараиғ)
167, 169, 170, 174, 176, 177, 181,	Ҳиранмая — 196
182, 185, 189, 190, 191, 194, 195,	Ҳулқар — 467
198, 203, 206, 207, 208, 210, 212,	Ҳут — 174, 190, 219, 268, 344, 433, 434, 453,
213, 214, 218, 220, 225, 226, 227,	462
229, 230, 231, 232, 235, 236, 237,	Ҳуқука — 233

## ҲИНДЧА ТЕРМИНЛАР ҚЎРСАТКИЧИ

- Абда — 384  
 Абдҳи — 144  
 Абҳастала — 183  
 Абҳижит — 258  
 Абҳра — 143  
 Авакта [Авякта] — 47, 482  
 Авама — 330, 333, 336, 337, 338  
 Авамосё [Авамоса] — 262, 431, 438  
 Авашоса — 257  
 Ага — 145  
 Агни — 144  
 Адитья — 146  
 Адомукҳа — 62  
 Адри — 145  
 Адҳа — 226  
 Адҳимоса — 30, 320, 321, 322, 324, 325, 326,  
     327, 328, 329, 330, 331, 332, 333,  
     334, 336, 337, 338, 339, 340, 342,  
     371, 423, 432, 435  
 Ажурдожа — 462  
 Ажута — 141, 490  
 Ажутам — 143  
 Азўнай — 140  
 Айшана — 226, 231, 235  
 Акаша — 143  
 Акшавҳине — 146, 302, 304,  
 Акшара — 139  
 Акши — 144  
 Ала — 183  
 Амрита — 260  
 Анала — 391  
 Анбара — 235  
 Анбаратола — 183  
 Анга — 145  
 Аягира — 390  
 Ангора — 391  
 Ангула — 135  
 Анде — 131, 132, 133.  
 Анде гаура — 131  
 Андҳре — 140  
 Аники — 304  
 Анка — 140  
 Антара — 145  
 Антарикшья — 466  
 Антуа — 141, 490  
 Антъяжа — 89  
 Ану — 255, 256  
 Ануватсара — 389  
 Аншака — 117, 120  
 Аншожа — 462  
 Аншу — 172, 183  
 Апрудҳариша — 280  
 Апсарас — 82, 196  
 Арбудья — 143  
 Арбута — 142  
 Аргана — 277, 323  
 Аргҳа — 368  
 Ардҳаногаре — 140  
 Аржака — 200  
 Арта [Ашта] — 145  
 Артҳа — 145  
 Асипатравона — 63  
 Астин — 438  
 Астҳонабла — 460  
 Асура [Осура] — 82, 196, 252  
 Аяин — 438  
 Ативоҳика — 59  
 Атиганда — 447  
 Атидҳрити — 146  
 Ат-Тотажа — 424  
 Атъяште — 146  
 Ауттами — 291  
 Ахерон — 66  
 Ашвамедҳа — 112, 307, 400  
 Ашваттҳа — 79, 398  
 Ашваюжа — 269, 302, 370, 422, 424, 431,  
     436  
 Ашмака [Ашамукҳа] — 207  
 Ашока — 427  
 Аштака — 429  
 Ашти — 147  
 Ашфи [Ашвин] — 144  
 Аяна — 275, 384  
 Аҳ — 323.

- Аҳанкара — 48, 482  
 Аҳаргана — 30, 320, 323, 324, 327, 336, 337, 339, 342, 343, 382, 430  
 Аҳаротра — 270  
 Бава — 437, 438, 439, 441  
 Бадҳатава — 90  
 Бакшота [Бакшўта] — 447  
 Бали — 463  
 Балнрожа — 429  
 Бандижабака — 467  
 Баннж — 438, 440  
 Барбара — 392  
 Бароҳим — 447  
 Бароҳиммапушра — 291  
 Бароҳима-хоротра — 252  
 Барш — 270  
 Барқду — 438  
 Барҳ — 270, 447  
 Барҳиятепота — 447  
 Баҳудхония — 390  
 Биакта [Вьякта] — 48, 482  
 Бибҳава — 390  
 Бидуд — 48  
 Бидёзара [Бидлодара] — 207, 366  
 Бийва — 390  
 Битра — 207  
 Биҳу — 432  
 Бия — 438  
 Биҳонишжати [Бханишят] — 200  
 Божу эгаси — 346  
 Болава — 438, 440  
 Бологра — 132  
 Бора — 169  
 Боста — 429  
 Бота — 233  
 Браҳман 31, 34, 35, 36, 46, 62, 73, 75, 84, 89, 90, 91, 102, 106, 107, 109, 112, 120, 128, 164, 191, 195, 207, 266, 274, 285, 286, 287, 298, 303, 313, 369, 370, 371, 378, 384, 393, 394, 395, 396, 397, 399, 401, 419, 410, 411, 414, 415, 416, 417, 420, 425, 427, 428, 429, 430, 431, 435, 417, 453, 485  
 Браҳмана — 411  
 Браҳманда — 29, 110, 176, 177, 179, 180, 188, 468  
 Браҳмарши — 196  
 Браҳмасоварни — 292  
 Браҳмаҳата — 415  
 Браҳмод — 382  
 Браҳмуттарон — 207  
 Брба — 262  
 Бритта — 121  
 Брихаспати-бора — 169  
 Бўдха — 48, 129, 135, 140, 312, 419, 482  
 Бўдха бора — 169  
 Булиндана — 207  
 Бўрлў — 163  
 Бҳавья — 292  
 Бҳадравалада — 172  
 Бҳайкишук — 140  
 Бҳара — 109, 135  
 Бҳарна — 374  
 Бҳешма панчатри — 425  
 Бҳова — 390  
 Бҳогабҳора — 326  
 Бҳогавата — 102  
 Бҳогаҳора — 434  
 Бҳодрапада — 174, 257, 269, 301, 302, 310, 370, 421, 424, 427, 428, 436  
 Бҳону — 146  
 Бҳоржа — 139  
 Бҳрамара — 366, 368, 369, 370, 494  
 Бҳукти [Бҳўти, Бҳўт] — 265, 352, 357, 359, 438  
 Бҳукте-антара — 438  
 Бҳукте-мадҳияма — 438  
 Бҳукте-сиҳута — 438  
 Бҳўми — 292  
 Бҳўла — 146  
 Бҳўри — 142  
 Бҳўта — 82, 83, 84, 145, 485  
 Вадавонмукҳа — 231, 442  
 Вадавонала — 233  
 Важра — 101, 441, 447  
 Важра-браҳмата — 415  
 Вайдҳрита — 445, 446, 447  
 Вайраҳма — 260  
 Вайшакҳа — 172, 173, 269, 302, 388, 422, 427, 429, 431, 436  
 Вайшонара — 144  
 Вайший — 448  
 Варга — 232  
 Варгаттама — 458  
 Варива — 447  
 Вариш — 447  
 Варна — 89, 479, 486  
 Варша — 235, 450, 455  
 Варшакола — 168, 268, 367  
 Васанта [Васанте] — 173, 268, 427, 450, 455  
 Васу — 145  
 Ваява — 226  
 Ваҳнижвола — 63  
 Вега — 260  
 Вёгҳота — 447  
 Веда — 29, 39, 40, 47, 62, 79, 91, 106, 109, 111, 121, 144, 262, 295, 298, 299  
 Веда — 359, 368, 369, 378, 379, 393, 395, 397, 399, 408, 427, 448, 479, 480, 483, 485, 487  
 Виварна — 207  
 Вивимша — 200  
 Вигҳатника — 254  
 Видёдҳара — 83, 485  
 Видҳатри — 188  
 Внёжа — 390  
 Виёкшоту — 447  
 Викари — 391  
 Викрама — 390  
 Викрета — 390  
 Виланби — 391  
 Вимшира — 451  
 Виноде — 256  
 Виродҳи — 390  
 Витала — 182

- Вишастн — 136  
 Веша — 390  
 Вишалакарани — 200  
 Вишва — 146, 259  
 Вишвавасу — 391  
 Вишкамбха — 447  
 Вешнупутра — 292  
 Вишюла — 182, 260  
 Вишосана — 62  
 Вишти — 438, 440, 441, 443  
 Вият — 143  
 Виятепота — 446, 447  
 Виҳора — 312  
 Вона — 145, 233  
 Вора — 266  
 Восара — 384  
 Воява — 235, 442  
 Воҳе — 438  
 Воҳини — 304  
 Вриддхи — 449  
 Втавжа — 172  
 Вухара — 374  
 Въякарана — 114, 488  
 Га — 117  
 Габҳастала — 183  
 Габҳастима — 182  
 Гагана — 143  
 Гагарна — 136  
 Гаж — 205  
 Гайҳат — 428  
 Гана — 303, 429  
 Ганда — 162, 163, 447  
 Ганданта [Гандонте] — 447  
 Гандҳа — 48, 407  
 Гандҳарва — 81, 82, 189, 196, 206  
 Гара — 438, 440  
 Гарбоҳадҳана — 410  
 Гард — 132  
 Гарнапрабарана — 207  
 Гауре [Гауди] — 140  
 Гауретритъя — 426  
 Гиёли — 443  
 Гномов — 262, 267  
 Го [Гов] — 145  
 Гоятре — 123  
 Гракҳа — 117  
 Граҳа — 117, 164, 448  
 Гришма — 269, 450, 455  
 Гувонаботрежа — 429  
 Гулма — 303  
 Гунакора — 326, 433  
 Гуптакола — 309, 310, 336, 336, 337  
 Гуру — 116, 118, 119, 121, 122,  
 Гуруна — 207  
 Гхате [Гхоре] — 254, 256, 257, 258, 262,  
 273, 275, 336, 338, 341, 433, 438,  
 441  
 Гўнолахд — 429  
 Гўҳания — 260  
 Гҳана — 117, 119, 121, 122  
 Гҳатика [Гихрия] — 220, 221, 224, 491  
 Гҳўра — 442  
 Дадҳи — 144  
 Дайтъя — 183, 188, 195, 196, 210, 214, 274,  
 376, 379, 398, 491  
 Лак [Лак] — 145  
 Лакша — 57, 111, 291  
 Лакшакола — 267  
 Лакшана — 226  
 Лакшанутра — 292  
 Лакишинояна — 268  
 Дамаръя — 260  
 Дамин — 200  
 Данда — 369  
 Дантину — 145  
 Дарбҳа — 394  
 Дасра — 144  
 Даста — 135  
 Дашан — 141, 490  
 Даҳана — 144  
 Даҳин — 438  
 Двина — 29, 186, 198, 403  
 Двисвахова — 456  
 Двопара — 106, 280, 281, 285, 298, 299, 308,  
 431, 487  
 Двопара-юга — 130  
 Деболе — 429  
 Дева — 82, 83, 85, 130, 143, 167, 196, 197,  
 199, 202, 210, 214, 219, 252, 268,  
 344, 347, 369, 371, 397, 398, 423,  
 426  
 Девагриҳа — 426, 429  
 Дева-ханбар — 167  
 Дева-хуза — 167  
 Девасене — 424  
 Девяка — 278  
 Деоттхене — 424  
 Дешонтара — 240, 242  
 Дибба-барҳ — 270  
 Диваса — 270  
 Дивохўротре — 251  
 Дивъя — 48, 277, 278, 280, 281, 307, 466  
 Дикшита — 90  
 Димас — 270  
 Дирваре [Дравизи] — 140  
 Диш — 144  
 Диҳипара — 207  
 Лома — 90  
 Донава — 183, 188, 197, 202, 214, 252  
 Донақ — 133  
 Дону — 183  
 Доруни — 443  
 Доҳарея — 260  
 Дрангшама — 132  
 Дреккона [Дрижон] — 459, 465  
 Дриштибала — 461  
 Дрона — 132, 134  
 Луве — 422  
 Лувоҳе — 438  
 Лўндубҳи — 391  
 Лурмати — 391  
 Луро — 320  
 Луртама — 278  
 Дҳанъя — 200  
 Дҳати — 172  
 Дҳрите — 146

\* 1381

- Дҳану [Дҳани] — 135, 456  
 Дҳармагупта — 292  
 Дҳармасоварни — 292  
 Дҳарта [Дҳарма] — 48, 111  
 Дҳатри [Дҳотре] — 188, 390  
 Дҳи — 145  
 Дҳола — 431  
 Дҳоране — 144  
 Дҳрити — 447  
 Дҳрула — 189, 447  
 Дҳрувагриҳа — 428  
 Еканакша — 421  
 Жаала — 144  
 Жава — 21, 131, 132, 390  
 Жазушиппаза [Чазушиппаза] — 438, 439  
 Жайношпета — 148  
 Жакша [Чакша] — 81, 82, 83, 196, 206  
 Жалана — 117, 118, 120, 121, 122  
 Жаландҳара — 164  
 Жалонная — 144  
 Жалуну — 116  
 Жама — 144  
 Жамдуд — 442  
 Жанаккола — 388  
 Жанбу — 392  
 Жано — 133  
 Жатра — 426  
 Жатто — 301  
 Жая [Жуван] — 390  
 Жаянте — 423  
 Жвалана — 144  
 Жвола — 443  
 Желадҳаране — 260  
 Жейшитҳа — 173, 257  
 Жешетҳо [Жийтра] — 360, 362, 363, 387  
 Жикитсу — 266  
 Жиншобала — 461  
 Жиянитҳа — 172  
 Жоко — 133  
 Жоса — 447  
 Жотака — 89  
 Жотакарман — 411  
 Жояба — 231  
 Жуга — 31, 230, 232, 266, 276, 280, 281, 282, 283, 284, 287, 298, 299, 306, 307, 308, 318, 319, 326, 327, 385, 388, 391, 431, 432, 435, 445, 447  
 Жўжана — 126, 136, 139, 178, 185, 186, 187, 188, 189, 192, 194, 195, 196, 197, 198, 201, 202, 206, 209, 215, 216, 217, 222, 223, 230, 237, 240, 241, 242, 243, 309, 345, 346, 347, 350, 351, 352, 353, 354, 355, 356  
 Жўка [Жўга] — Жугага қараи  
 Жҳана — 133  
 Идоватсара — 389  
 Илерм — 145  
 Индра — 268, 447  
 Индрия — 145  
 Индрияни — 49  
 Инду — 144  
 Ишвара — 146  
 Иштин — 90  
 Ишу — 145  
 Ишуна — 145  
 Йоҳе — 438  
 Кабиса — 262, 266, 336, 338, 423  
 Кавлава — 438, 440  
 Кавшака — 207  
 Кадамба — 214  
 Кадару — 391  
 Казра [Кхадра] — 370  
 Каклик — 157  
 Какроди — 267  
 Кал — 277  
 Кала — 131  
 Калажўкта — 391  
 Каласс — 135  
 Калванду [Калавринта] — 391  
 Кали — 116, 280, 287, 306, 439  
 Калидара — 207  
 Калижуга — 249, 282, 285, 295, 299, 308, 316, 324, 325, 327, 329, 342, 431  
 Каликола — 306, 309  
 Кало — 255, 256, 273  
 Калпа — 30, 58, 141, 197, 219, 220, 248, 253, 263, 264, 266, 271, 272, 273, 277, 278, 279, 281, 282, 290, 306, 308, 314, 315, 316, 317, 318, 321, 322, 323, 324, 325, 326, 327, 328, 330, 331, 333, 338, 341, 342, 345, 348, 350, 484  
 Калпа аргана — 277  
 Калпана — 277  
 Калпа оҳаргана — 277  
 Кама — 121  
 Камандалу — 101  
 Қаннара — 140  
 Қанната — 447  
 Капила — 201  
 Қарабҳа — 136  
 Қарапа — 31, 128, 266, 437, 439, 440, 441  
 Қарастуба — 206  
 Қаратака ва Даманака — 489  
 Қараша — 134  
 Қаринчану — 396  
 Қарман — 246  
 Қармендриёни — 49  
 Қарната — 140  
 Қарола — 260  
 Қарора — 428  
 Қартикка — 172, 173  
 Катт — 164  
 Каулава — 440  
 Қашона [Кхас] — 433  
 Кендра — 456  
 Кету-рупая — 466  
 Қикара — 207  
 Қилака — 391  
 Киннара — 82, 207  
 Кинпуре [Кинпуруша] — 197, 207, 401  
 Кинстугҳна — 438  
 Кирота — 207  
 Китора [Китҳора] — 103, 148  
 Кишку — 136  
 Кодбалҳр — 456, 496



- Колабала — 461  
 Коладанда — 447  
 Колажавана — 308  
 Коламбука — 464  
 Колоннака — 364  
 Қолороғри — 260, 443  
 Кому — 117, 121, 122  
 Қондин — 108  
 Қортикка — 260, 302, 310, 370, 387, 422,  
 424, 429, 431, 436  
 Қоти — 141, 142, 143, 187, 188, 197, 222,  
 237, 490  
 Қоти пазма — 142  
 Қоштқо — 255, 273  
 Қримши — 62  
 Қрита — 486  
 Қритажуга — 90, 100, 280, 281, 285, 286,  
 287, 297, 298, 299, 428, 431, 432, 487  
 Қрити — 146, 392  
 Қриттика — 117, 121, 260  
 Қричқра — 422  
 Қришина — 201  
 Қришинапақша — 270  
 Қрода — 260  
 Қродқи [Қрудқи] — 391  
 Қрола — 442  
 Қроша [Қроқ] — 135, 136, 215, 480  
 Қрўра-граҳа — 448  
 Қубатқ — 207  
 Қудлава — 132, 133, 134, 135  
 Қурара — 200  
 Қусума — 117, 121, 122  
 Қусумоқара — 268  
 Қўтр — 216  
 Қуттака — 127  
 Қўцапранаварана — 207  
 Қўшиқона — 207  
 Қҳарва — 143  
 Қшава [Қрава] — 391  
 Қшайрего — 431  
 Қшана — 255  
 Қшатрий [Қштарий] — 84, 89, 90, 91, 106,  
 195, 284, 290, 368, 370, 394, 397,  
 410, 411, 415, 420, 435, 448, 485  
 Қшона — 256  
 Қўла — 267  
 Қўрма-чакра — 231  
 Қўрти — 83  
 Қҳа — 143, 253, 263  
 Қҳанда — 127  
 Қҳаралатқа — 207  
 Қҳеилу — 145  
 Қҳоре — 134  
 Ла — 117  
 Лава — 255, 273  
 Лавкиақола — 311, 339  
 Лағҳу — 116, 117, 118, 119, 121, 122  
 Лақуна — 117, 118  
 Лакша — 141, 183, 189, 222, 490  
 Ликхъё — 132  
 Линга — 100, 110, 148, 373, 374  
 Ложана — 144  
 Лока — 61, 144, 183, 184, 188, 248, 344,  
 446, 484  
 Локалока — 310  
 Лока-Сатълока — 185  
 Лолобқакша — 62  
 Лоре — 140  
 Лота — 447  
 Мага — 34, 483  
 Мадба — 198  
 Маддумажа — 462  
 Мадхъя — 117, 120, 484  
 Маза [Мадҳуа] — 117, 120, 121, 122, 141,  
 490  
 Мазъедеша — 226  
 Макар — 367  
 Макара — 163, 174  
 Макаради — 267  
 Мала — 320  
 Маламоса — 320  
 Малворе — 140  
 Манас — 49  
 Манваншара — 60, 146, 190, 270, 272, 276,  
 278, 280, 282, 291, 290, 295, 297,  
 299, 306, 307, 308, 316, 325, 327,  
 384  
 Мангала — 145  
 Мангала бора — 169  
 Мангуниҳа — 474  
 Мандага — 201  
 Мандеҳа — 200  
 Манматқа — 390  
 Маю — 133, 135, 254  
 Ману — 146  
 Манушъёҳўротро — 251  
 Марени — 133  
 Матрон — 495  
 Матса — 110, 233  
 Маҳопазма — 141, 142, 490  
 Маччон — 207  
 Мақабҳарата — 479, 480, 483  
 Маҳедҳара — 145  
 Маҳобиҳута — 48, 246, 287, 482  
 Маҳолева — 146  
 Маҳожвола — 62  
 Маҳоқалпа — 253  
 Маҳонавама — 427  
 Маҳонги — 182  
 Маҳонадма — 196, 386  
 Маҳотала — 183  
 Маҳошанку — 142  
 Мдри — 131  
 Меру — 391  
 Мирдасанжбани — 200  
 Мисоди [Мишоди] — 267  
 Мличҳа [Млечҳа] — 34, 400, 479  
 Моголҳа [Магадҳон] — 201, 207  
 Могҳа [Магҳа] — 168, 174, 269, 301, 422,  
 425, 429, 431  
 Моё — 260  
 Мокша [Мўкша] — 67, 395  
 Мона — 30, 133, 135, 265, 266  
 Монаса — 201  
 Монсартагу — 430

- Моргана — 145  
 Моргаширша — 172, 173, 269, 301, 310, 422, 429, 436  
 Моркириу-кармора — 183  
 Моса — 146, 270  
 Мосавоса — 422  
 Мосардхан — 145  
 Мотро — 117  
 Мотхер — 103  
 Моудакам деҳи — 115  
 Моша — 131, 132, 133, 134, 446.  
 Моҳотан — 430  
 Моҳгатрижа — 429  
 Мригалончана — 373  
 Мриттала — 182  
 Мритусора — 260  
 Муни [Муна, Муну] — 84, 145, 190, 486  
 Мўла — 231, 427  
 Мулатрижуна — 453, 456, 460  
 Мўра — 451  
 Муҳўрта — 191, 223, 224, 255, 256, 257, 258, 275, 384, 446, 447, 473  
 Нав — 446  
 Нава — 145  
 Нава-қанда — 231  
 Навин — 438  
 Нага — 82, 145, 195, 438, 439, 485  
 Нагна — 103  
 Нафрита — 226, 231, 443  
 Найсаргика — 462  
 Найсаргикабала — 461  
 Найсаргҳа — 452  
 Накшатра — 345  
 Накшатра-мона — 265  
 Накҳа — 146  
 Налва — 135, 489  
 Панда — 145  
 Нандана — 390  
 Паракка — 187  
 Наржил — 138, 167, 375  
 Пастарниша — 442  
 Наҳарва — 345, 490  
 Нема — 450  
 Нетра — 144  
 Печастҳа — 456  
 Нивра — 117  
 Нидогҳа — 268  
 Нижутам — 142, 143  
 Наламукҳа — 207  
 Ним ашшака — 117  
 Нимеша — 255, 273  
 Ниракша — 210  
 Нитала — 182  
 Нишаба — 207  
 Нишоса — 257  
 Нияградҳа — 202  
 Ниярбуда — 141, 142, 490  
 Ниҳарва — 141  
 Нова — 456  
 Новаманда — 391  
 Нога — 210, 260, 385  
 Ногара — 140  
 Ноде — 256  
 Ноли — 396  
 Номакарман — 411  
 Норе — 255  
 Нрина — 146  
 Нўтҳа — 373  
 Овачарнише — 276  
 Овдол — 430  
 Огнива — 226, 231  
 Одн — 144  
 Одитъябора — 169  
 Одҳака — 132, 134  
 Одҳи — 322  
 Опта-пуропа-хора — 214  
 Опуқлима — 456  
 Орё — 119  
 Оржабҳада — Орябҳатага қаранг  
 Оржабҳара — 318  
 Оруна — 201  
 Орябҳата — 318  
 Отала — 182  
 Отваҳҳа — 262  
 Отмаиуруша — 246  
 Очаря — 127  
 Оша — 145  
 Ошарл — 268, 320  
 Ошважжа — 174  
 Ошодҳо — 302  
 Оҳаргана — 277  
 Оҳой — 427  
 Оҳоре — 427  
 Павана — 145  
 Павитра — 391  
 Павша — 173, 174, 269, 301, 422, 425, 429, 436  
 Палма [Пазма] — 99, 141, 142  
 Паза — 321  
 Пазамоса — 321  
 Пакша — 117, 120, 121, 122, 144, 270, 384, 447  
 Палоша — 394  
 Пана — 277  
 Панатера — 456  
 Пандавакала — 306, 308  
 Панте — 135  
 Панча мотори — 483  
 Панчалон — 207  
 Папчаҳе — 438  
 Папче — 438  
 Параманада — 307  
 Парамониҷастҳа — 456  
 Парамўҷастҳа — 456  
 Парапазма — 142  
 Парардҳа калпа — 253  
 Парашвада — 442  
 Парва — 31, 112, 381, 382, 385, 435, 488  
 Парвата — 117, 118, 120, 121, 145  
 Парвате — 422  
 Париватсара — 389  
 Паригҳа — 447  
 Паридхави — 391  
 Паровасу — 391  
 Парока — 422  
 Парор — 141

- Парордҳа — 141  
 Парорза — 490  
 Парояшчитту — 266  
 Пасчима — 226  
 Патола [Потола] — 183, 398  
 Патти — 304  
 Паттри — 145  
 Пелавант — 391  
 Писсала — 391  
 Пинда — 374  
 Пита — 201  
 Питара — 81, 82, 84, 185, 196, 252, 268, 391  
 Питомаҳа — 144  
 Питренахўротра — 250  
 Питрипакша — 427  
 Пишоча [Писоча] — 81, 82, 83, 196, 466, 485  
 Плава — 391  
 Плапанга — 391  
 Повака — 144  
 Пода — 131  
 Поли — 132  
 Поло — 132, 133, 134, 135  
 Пондава — 145  
 Понаграҳа — 171  
 Портҳива — 48, 390  
 Прабҳава — 390  
 Пражопате — 268, 389, 390  
 Пражуита — 141, 490  
 Пракрити — 48, 482  
 Прамада — 390  
 Прамодин — 391  
 Прамона — 265  
 Прамотҳи — 390  
 Прасама — 229  
 Прастҳа — 132, 133, 134, 135  
 Праҳара — 256  
 Прета — 82, 485  
 Прети — 447  
 Прижутам — 142  
 Пригано — 304  
 Пригҳивае — 189  
 Пришака — 207  
 Прона — 217, 254, 255, 256, 257, 296  
 Проюган — 142  
 Пунара бишўнара — 143  
 Пундрала — 469  
 Пуникала — 432, 435  
 Пураҳито — 394  
 Пурна — 207  
 Пуропа — 29, 30, 62, 83, 106, 109, 110, 185, 189, 194, 198, 208, 209, 210, 213, 217, 218, 221, 274, 377, 379, 386, 479, 483  
 Пурортаку — 430  
 Пуруша — 40, 46, 246, 248, 253, 263, 270, 384  
 Пуруш-хоротра — 253  
 Путҳе — 139  
 Пушандела — 148  
 Пушкала — 200  
 Пухой — 427  
 Пўнаттон — 430  
 Пўрва — 226, 370  
 Пурнима — 262, 429, 438  
 Пўҳавал — 429  
 Пўҳалгуна — 173, 174, 269, 302, 422, 430, 436  
 Равдра [Ровдра] — 260, 269, 391  
 Рави — 170  
 Равичандра — 144  
 Равчия — 292  
 Ража [Рой] — 84, 132, 299, 312  
 Ражакама — 447  
 Ражас — 48, 52, 107, 482  
 Рандҳра — 145  
 Райбҳья — 292  
 Райвата — 291  
 Рақтомала — 154, 490  
 Рақтоқша — 391  
 Раса — 48, 117, 145, 153, 171  
 Расотала — 182  
 Расояна — 75, 128, 153, 154, 155, 156, 485  
 Расх — 65  
 Рат — 304  
 Ратл — 133, 489  
 Раурава — 62  
 Рашми — 144  
 Раяс — 385  
 Рену — 132  
 Рикмоқшу — 391  
 Ригу — 268, 270, 384, 450  
 Рич — 108  
 Риши [Зоҳид] — 86, 93, 110, 111, 130, 192, 197, 292, 302, 368, 369, 373, 485, 497  
 Раванашара — 145  
 Родҳа — 62  
 Родҳине — 260  
 Рожарши — 84  
 Рокшаса [Рокша] — 81, 83, 183, 196, 207, 307, 391  
 Рома — 135  
 Ротре — 270  
 Руву — 132  
 Рудра — 387  
 Рудрапутра — 292  
 Рудҳира — 62  
 Рудҳирондҳа — 62  
 Рўдҳакрит — 391  
 Руна — 117, 144  
 Руна-панча — 427  
 Савбҳогья — 447  
 Самья — 391  
 Соврамона [Савра] — 265, 266, 320  
 Савроҳаргана — 224  
 Сагара — 34, 144  
 Сабдҳава — 140  
 Саккара — 183  
 Сама — 278  
 Самудра — 141, 144, 490  
 Санватсара — 309, 310, 311, 388, 389, 391  
 Сангҳа [Санкҳа] — 48, 386  
 Сангҳита — 129  
 Сандамшака — 63  
 Сандҳи [Синдх] — 30, 275, 278, 280, 281, 290, 307, 316, 325, 378, 395, 424, 456, 461, 473  
 Сандҳиёнша — 280, 281

- Сандҳи-удави — 274  
 Санкронте — 262, 432, 433, 434, 439, 440  
 Сашкупатҳона — 207  
 Санмуҳага — 207  
 Сарбажит — 390  
 Сарвадхори — 390  
 Сарпа — 387  
 Сат — 438  
 Сатен — 438  
 Саттва — 48, 52, 385, 482  
 Саттра — 260  
 Сатъя — 299, 451  
 Саумъя-граҳа — 448  
 Саҳасран — 141, 142, 490  
 Свҳаверанша [Саҳашраму] — 146  
 Спорачия — 291  
 Сворочиша — 291  
 Своямбхува — 291  
 Себи [Бисе] — 135, 136  
 Сеномуҳҳа — 304  
 Сиддхонта — 125, 126, 127  
 Сиддҳа — 84, 155, 189, 195, 447, 485  
 Сиддҳа-мотрико — 140  
 Сидҳортҳа — 391  
 Симантониважана — 411  
 Синдҳа — 392  
 Сита-кола — 268  
 Ситубандҳа — 237  
 Скапдҳа — 120  
 Снеҳа — 200  
 Сована — 250, 320  
 Сована-мона — 265  
 Сованоҳаргана — 324  
 Соварни — 291  
 Содҳия — 447  
 Содҳорау — 391  
 Сома — 109  
 Сома [Ой] — 373  
 Сома бора — 169  
 Сомапотҳ — 100  
 Самба пураётра — 430  
 Санта — 433  
 Сора — 97  
 Сонка — 145  
 Спарши — 48  
 Спатожа — 462  
 Стомаса — 291  
 Схирароши — 449  
 Субҳону — 390  
 Суварна [Суверна] — 131, 132, 133, 134  
 Сукарма — 447  
 Суната — 145  
 Сурену — 198  
 Сутола — 182  
 Сўржа — 146  
 Сутака — 266  
 Тайтшла — 438, 440  
 Талк [Толака] — 153  
 Тама — 299  
 Тамарон — 207  
 Тамас — 48, 52, 385, 482  
 Тамаса килка — 469  
 Тандуо — 163  
 Тантра — 127  
 Талана — 144  
 Талтакумбҳа — 62  
 Тарана [Тўрана] — 345, 390  
 Тару — 161  
 Татва — 50, 146  
 Титҳи — 146, 265, 266, 437, 442  
 Тилшока — 200  
 Тилъя — 251, 285  
 Тола — 131, 132, 136, 182  
 Томалипутон — 207  
 Тона — 162  
 Тора — 345  
 Торе — 139  
 Траян — 144  
 Траҳагаттата — 435  
 Трето [Тритожуга] — 200, 280, 281, 284, 285, 298, 299, 307, 308, 324, 431  
 Тригуна — 144  
 Трижакат — 144  
 Трикату — 144  
 Трикола — 144  
 Тришопшак — 459  
 Трия — 438  
 Триҳаркаша — 435  
 Трихаснака — 435  
 Тросания — 260  
 Троҳе — 438  
 Трути — 255, 256, 273  
 Тулоди — 268  
 Тула — 134, 175  
 Тўҳар — 155  
 Удоватсара — 389  
 Улавоншак — 459  
 Унарётра — 30  
 Унавоса — 421  
 Унари — 226  
 Ураган — 207  
 Урвара — 144  
 Уткрити — 146  
 Утомаса — 291  
 Утгара — 226, 370  
 Утгара-кўла — 267  
 Утгараяна — 267, 368, 419  
 Утгаршине — 278  
 Участҳа — 456  
 Ушнакола — 268  
 Уштракарна — 207  
 Хара — 390  
 Харва — 141, 490  
 Харшируша — 198  
 Харту — 145  
 Хемаламба — 391  
 Хеманта — 456  
 Хемантатра — 450  
 Хўтошана — 144  
 Чавдаҳе — 438  
 Чадур — 390  
 Чайтра — 168, 172, 269, 278, 302, 310, 330, 336, 388, 422, 424, 426, 432, 430  
 Чайтра-чашати — 426  
 Чакра — 98, 100, 101, 376  
 Чакшукҳа — 291

- Чакҳақа — 254  
 Чаму — 304  
 Чанда — 115  
 Чандолл — 90, 191, 260, 286, 400, 408  
 Чандра — 144, 320  
 Чандрабежа — 309  
 Чандра-мона — 265  
 Чандрояна — 421  
 Чандроҳаргана — 324  
 Чаророши — 456  
 Чатра — 456  
 Чатуржуга [Чатурюга] — 30, 249, 266, 277, 278, 279, 280, 281, 282, 285, 287, 290, 299, 306, 307, 308, 314, 316, 317, 318, 322, 323, 324, 325, 326, 327, 330, 332, 334, 341, 342, 350, 352, 384, 431, 432, 434  
 Чаут — 438  
 Чашака — 254, 255, 256, 338, 340, 433  
 Чидра — 145  
 Чибрабхону — 390  
 Чокшуша — 291  
 Чомара — 117  
 Чонтима — 260  
 Чомоҳа — 430  
 Шабада — 48  
 Шадаё [Шадажа] — 452, 462  
 Шазаъ — 141  
 Шазошети муҳа — 434  
 Шакакола — [Шака-кола] — 293, 294, 295, 309, 310, 324, 335, 336, 337, 338, 339, 388, 391, 433, 434 (Шақага ҳам қаранг)  
 Шакакрит — 391  
 Шакартам — 429  
 Шақвара — 190  
 Шакти — 101  
 Шакуни — 438, 439, 440  
 Шаме — 400  
 Шайшайшара бора — 169  
 Шанку [Шанху] — 136, 141, 142, 490  
 Шанқа — 98, 256  
 Шара — 145  
 Шарана — 162  
 Шарад — 268, 450, 456  
 Шарварн — 391  
 Шат — 145  
 Шатри — 451  
 Шашалокша — 373  
 Шаштиябда [Шаштиябҳада] — 31, 309, 398  
 Шашу — 144  
 Шақа — 308, 309, (Шакаколага қаранг)  
 Шета — 144  
 Шибу — 432  
 Шива — 447, 484, 485  
 Шиваротри — 430  
 Шидда — 331  
 Шитоншу — 144  
 Шиншира — 268, 450, 456  
 Шиншмора — 190, 192  
 Шиншъя — 108  
 Шлўка [Шлока] — 107, 112, 115, 122, 123, 124, 143, 191, 487  
 Шорада — 100  
 Шот — 424  
 Шримуха — 390  
 Шрована — 168, 172, 174, 231, 269, 341, 362, 370, 387, 422, 424, 427, 436  
 Шубҳа — 260, 447  
 Шубҳакрит — 391  
 Шудра — 89, 90, 91, 287, 288, 300, 308, 369, 370, 394, 406, 408, 410, 411, 415, 420, 435, 448  
 Шукла — 390  
 Шуклапакша — 270  
 Шукра — 447  
 Шукри бора — 169  
 Шулпи — 442  
 Шумини — 200  
 Шўбҳана — 447  
 Шўнъя — 144  
 Шўрпа — 133  
 Шўшини — 260  
 Экран — 110, 490  
 Эскулап — 481  
 Эшвара — 390  
 Ява — 39 (Жавага қаранг)  
 Яжнолавета — 393  
 Ум [Аум] — 71, 140  
 Уна — 320  
 Унаротра — 320, 323, 324, 325, 326, 327, 328, 329, 331, 332, 333, 334, 337, 338, 339, 340, 342, 432, 435  
 Упагана — 207  
 Қараступа — 134  
 Ҳав-ҳав — 305  
 Ҳансамарга — 207  
 Ҳарбола — 427  
 Ҳардала — 133  
 Ҳаршана — 447  
 Ҳастин — 117, 118, 121  
 Ҳаттҳа — 136  
 Ҳеманта — 268  
 Ҳиндоле-чайтра — 426  
 Ҳинду — 392  
 Ҳоди — 90  
 Ҳома — 108, 369, 395  
 Ҳора [Ҳўро] — 117, 170, 259, 260  
 Ҳўротҳапати — 259

## ЧЕТ ТИЛЛАРДАГИ ТЕРМИНЛАР КҮРСАТКИЧИ

- Айлис [Аил] — 65  
 Ал Жабҳа — 361  
 Анво — 359, 403  
 Анлогос — 285, 492  
 Ас Сакниот — 44, 481  
 Асқуф — 495  
 Асҳақ — 482  
 Баданука — 116  
 Баниоту латын [Этти Қароқчи] — 190  
 Барбат — 174  
 Барзаҳ — 64, 484  
 Баҳайманн — 443  
 Баҳр — 119  
 Баҳор — 326  
 Бери 166  
 Биката — 444  
 Билва — 442  
 Билвос — 47  
 Бҳатгаварён — 165  
 Бҳукти — 437, 440, 445, 446, 447  
 Вайша — 411, 412  
 Гушор — 326  
 Дивода-сояса — 462  
 Даймоҳи — 336, 337, 338  
 Демон — 66  
 Драбжонат — 459  
 «Ё» — 140  
 Ебҳом — 11  
 Зиж [Зир] — 126, 127, 128, 134, 136, 143,  
     146, 170, 241, 242, 243, 259, 278,  
     294, 310, 311, 314, 318, 326, 335,  
     336, 337, 338, 342, 354, 357, 359,  
     365, 376, 380, 382, 385, 435, 437,  
     445, 446, 447, 463  
 Зиндик — 208  
 Зоднак — 386  
 Зубдат ал масонл ва ал Ақонд — 477  
 Иброҳий — 19, 45, 95, 140, 481, 486  
 Иктиҳод — 180, 370, 395, 398, 400  
 Имперо — 163  
 Ишнат — 80  
 Ишо маканно лаҳу фил арзи — 77  
 Истиво — 241, 242, 243, 371  
 Истилоҳ — 170  
 Исфандармаза — 336  
 Исфаҳбад [Испаҳбад] — 714  
 Исқанқур — 190  
 Иттиҳод — 28, 75, 477  
 Иштиқоқ — 31  
 Канокибу собита — 491  
 Каймус [Химос] — 481  
 Какра — 93  
 Камасали — 116  
 Кардажот — 194, 216, 446  
 Каркидон — 163  
 Католикос — 713  
 Кафорат — 266, 393, 396, 414, 415, 423  
 Кентовр — 82  
 Китоб ал хосс ало тааллум ас синоат —  
     481  
 Китоб фи оро афозил ал-фалосифати га-  
     бна-ал-фаллак — 487  
 Китобу фи таҳқиқи мо лмл ҳинд мин маъ-  
     қулатин мақбулатин фил ақли ав  
     марзулатин — 7  
 Кинвар — 181  
 Қошиф — 329  
 Куллий — 321, 322, 323, 324, 327, 328, 319,  
     329, 331, 332, 333  
 Лаванг — 238  
 Мабдан — 75  
 Маволид — 199  
 Малакия — 460  
 Ман — 160  
 Манзум — 115  
 Мардуд — 371  
 Мабҳуд — 97, 180, 209, 394  
 Мақт — 95  
 Маҳдуд — 20  
 Мехржон — 13, 477  
 Минтақа — 210, 357  
 Мисвоқ — 421  
 Миҳок — 358  
 Мосик — 348, 349  
 Муаддил — 354, 355, 356, 446, 493  
 Муваккил — 246  
 Муважжа [Эгилма соат] — 170, 256, 385  
 Муваҳҳид — 80  
 Мужовир — 713  
 Муздавиж — 117

- Муламма — 168  
 Мунқалиб — 456, 459  
 Мусайяр — 352  
 Мустивий — 257, 259  
 Мустажоб — 275  
 Мусапозир — 459  
 Мутафаккал — 477  
 Мутаҳаррикот — 116  
 Муфассир — 243  
 Муътазила — 27, 477, 478  
 Муқаввам — 355  
 Муқарраб — 273  
 Муқл — 166  
 Муқобил — 215  
 Муҳиб — 422  
 Муҳоқ — 497  
 Наботот — 129  
 Наврӯз — 13, 307, 477  
 Навс [Наус, Навонс] — 418  
 Нақбо — 225  
 Нард — 149  
 Нафси куллий — 50, 78, 485  
 Нақд — 114, 115, 140, 142  
 Нембаҳра — 170, 259, 459  
 Нифос — 409, 411  
 Ноҳия — 231, 232, 233  
 Нуҳбаҳр — 459, 460, 462, 463  
 Обид — 76, 88  
 Обида — 38, 480  
 Оврат — 395  
 Озор — 320  
 Ордор-Сириус Ямония — 346  
 Осорул боқия — 477, 478  
 Параллак — 350  
 Порсо — 485  
 Рабб — 45, 209  
 Рабби — 169, 184  
 Раббулбайт — 45  
 Раббулмол — 45  
 Равоқ — 275  
 Рафълаш — 333, 462  
 Руҳ — 264, 303, 304  
 Сандҳи-астамана — 274  
 Санкатабрд — 237  
 Сактариша — 293  
 Сармоқ — 429  
 Сатр — 461  
 Силлабий [Силлабо] — 119, 488  
 Синдҳинд — 125, 365, 435, 492  
 Синдҳинд йили — 253  
 Сифатика — 116  
 Сифр ал Асрор — 484  
 Сифр аҳбор ал-Айём ал аввал — 482  
 Сифрид — 156, 157  
 Собита — 219, 220, 264, 317  
 Сопавия — 105  
 София — 254, 255, 264  
 Софий — 43  
 Снед-Муҳра — 256  
 Срамана [Шрамана] — 478  
 Сурёний — 19, 45, 482  
 Сусмор — 190  
 Суф [Суффа] — 42, 43, 480  
 Суффия — 12, 28, 42, 60, 63, 72, 76, 77, 79, 80, 480  
 Суф атгунос — 43  
 Сухха — 135  
 Суфи — 76, 287  
 Суфий — 80, 263, 481  
 Тавқ ал мадор — 241  
 Тадриж — 482  
 Тажассум — 487  
 Тажъалунаҳу қаротиса — 138  
 Тамаллук — 45  
 Танбул — 147, 408, 429  
 Таносух — 16, 29, 55, 56, 58, 60, 61, 65, 483  
 Таоллуҳ — 45  
 Тартарус — 66  
 Тасаввуф — 68, 485  
 Тафсир — 179, 214  
 Таъдил — 134, 314, 462, 463  
 Тақвим — 126, 127, 366  
 Тақмис — 483  
 Тақти — 488  
 Таҳқиқу мо лил ҳинд — 7  
 Тее — 44  
 Тейс — 44, 247  
 Тулу — 301, 441  
 Тулуий — 265, 277, 283, 320, 321, 322, 324, 325, 326, 328, 330, 332, 333, 336, 337, 338, 339, 342, 432, 435, 436, 441  
 Тумор — 138  
 Туз — 139  
 Улат — 71, 72  
 Умра — 96, 487  
 Уост — 224  
 Уқёнус — 158  
 Фамука — 116  
 Фард — 120  
 Фасиҳ — 173, 270  
 Фасҳ — 65  
 Фин лал-ал-ашё — 482  
 Филунё — 85  
 Фиқҳ — 111  
 Фиқҳшунос — 487  
 Фуфал — 147, 304, 408, 429  
 Хаворий — 53, 58, 484,  
 Хазар — 204  
 Хайзурон — 161  
 Хамр — 407  
 Харбет — 486  
 Харис [Харислик] — 70, 287, 288  
 Харрон — 104  
 Хафифат — 116  
 Хант матарян — 103  
 Халр — 370  
 Худ — 490  
 Хурасандли — 460  
 Чорвака — 488  
 Чехр [Заҳр] — 492  
 Шавала — 62  
 Шаван — 490

- Шаққа — 336  
 Шамания — 28, 34, 48, 82, 104, 129, 197,  
 249, 419, 478  
 Шамсий — 263, 265, 267, 322, 323, 324,  
 325, 326, 327, 328, 331, 332, 333, 335,  
 336, 338, 432, 435  
 Шанба [Шалбих] — 169  
 Шафатика — 116  
 Шовхат — 168  
 Шорих — 354  
 Эгир — 422  
 Эллин — 8  
 Элоҳим — 45, 481  
 Юханно илжили — 482  
 Ягона — 272  
 Яҳ — 41  
 Яҳва — 140  
 Уқлум — 85  
 Қамарий — 265, 268, 270, 321, 322, 323,  
 327, 332, 333, 335, 336, 337, 338,
- 435, 436, 437, 438, 441  
 Қарободин — 153  
 Қасаба — 164, 244  
 Қизил омила — 154  
 Қиртос — 138, 491  
 Қора Абнўнс — 167  
 Қудсият — 404  
 Қуқнус — 485  
 Ғайб — 68, 286  
 Ғалабия — 461  
 Ғизо — 65, 345  
 Ғилоф — 374  
 Ҳадес [Гадес] — 59, 66, 484  
 Ҳазза — 462  
 Ҳаззоф — 491  
 Ҳаюло — 84, 85, 87, 245, 251  
 Ҳермий — 484  
 Ҳижрат — 100  
 Ҳулул — 28, 478  
 Ҳўм — 197



## МУНДАРИЖА

Сўз боши . . . . .	7
Абу Райҳон Берунийнинг «Ҳиндистон» асари (А. Присов) . . . . .	7

### А. Расулев таржимаси:

[Муқаддима] . . . . .	25
1-боб. Ҳиндлар ҳақида айтмоқчи бўлган нарсаларимизни ҳикоя қилишдан олдин улар аҳволининг баёни . . . . .	
2-боб. Ҳиндларнинг пок тағри хусусидаги тушунчаларининг баёни . . . . .	38
3-боб. Ҳиндларнинг ақлий ва ҳиссий мавжуд нарсалар ҳақидаги тушунчалари . . . . .	42
4-боб. Фельнинг бўлишлик сабаби ва жоннинг моддага алоқаси ҳақида . . . . .	51
5-боб. Руҳларнинг аҳволи ва уларнинг оламда таносух йўли билан бир баъдан бошқа баданга кўчиб юришлари ҳақида . . . . .	55
6-боб. Маҳшэр, жаннатдан иборат мукофот ва дўзахдан иборат жазо ўринлари ҳақида . . . . .	61
7-боб. Дунёдан халос бўлишнинг кайфияти ва шунга олиб борадиган йўлнинг сифати ҳақида . . . . .	67
8-боб. Махлуқотнинг жинслари ва исмлари ҳақида . . . . .	81
9-боб. Ҳиндларнинг «турли ранглар» деб атайдиган табақалари ва улардан ҳам қўйи табақалар ҳақида . . . . .	88
10-боб. Ҳиндлардаги диний йўл-йўриқ ва қонуи-қоидалар манбаи, пайгамбарлар ва шариятлар ҳукмларининг бекор қилиниши ҳақида . . . . .	92
11-боб. Буг — санамларга ибодат қилишнинг бошланиши ва уларнинг тасвирланиши ҳақида . . . . .	96
12-боб. Ҳиндларнинг «Веда», «Пурона» каби диний китоблари ҳақида . . . . .	106
13-боб. Ҳиндларнинг грамматика ва шеър ҳақидаги китоблари баёни . . . . .	114
14-боб. Ҳиндларнинг бошқа илмларга оид китоблари ҳақида . . . . .	125
15-боб. Сўз орасида иплатишни осонлаштириш учун ҳиндларнинг машҳур ўлчовлари баёни . . . . .	131
16-боб. Ҳиндларнинг хатлари, ҳисоб ва бошқа нарсаларидан бир қанча маълумотлар ҳамда уларнинг қизиқ урф ва одатлари баёни . . . . .	138
17-боб. Ҳиндларнинг жаҳолат уфқида қанот йиғиб [ўша жаҳолат заминига] қўнган илмлари ҳақида . . . . .	152

18-боб. Ҳиндларнинг шаҳарлари, дарёлари, денгизларининг танитилиши; мамлакатлари ва чегаралари ўртасидаги айрим масофаларнинг билдирилиши ҳақида	138
19-боб. Иланеталар ва буржларнинг исмлари, Ой манзиллари ва шунга ўхшашлар ҳақида	160
20-боб. Брахманда ҳақида	176
21-боб. Диний назарияларга мувофиқ хабар ва эшитилган ривоятлар асосида ер ва осмон шакллари баёни	181
22-боб. Қутб ва унга оид хабарлар ҳақида	190
23-боб. Пуроналар авторлари ва бошқаларнинг тушунчасига кўра Меру тоғи баёни	193
24-боб. Пурона китоблари юзасидан еттита дивпа баёни	198
25-боб. Ҳинд дарёлари, уларнинг бошланадиган жойлари ва турли жамоалар устидан ўталган йўллари ҳақида	203
26-боб. Ҳинд астрономларининг фикрича, осмон ва ер шакллари	208
27-боб. Ҳинд астрономлари ва пурона эгаларининг бошланғич икки ҳаракат ҳақидаги фикрлари (Ғ. Жалолов таржимаси)	218
28-боб. Ҳинд асосий йўналишининг белгиланиши ҳақида (А. Расулев таржимаси)	225
29-боб. Ҳиндлар фикрича, Ернинг одамлар яшайдиган қисмининг чегараланиши (Ғ. Жалолов таржимаси)	229
30-боб. «Ер қуббаси» деб машҳур бўлган Ланка ҳақида (А. Расулев таржимаси)	237
31-боб. Биз «икки узунламалар айирмаси» деб атаган турли мамлакатлар оралиги ҳақида (Ғ. Жалолов таржимаси)	241
32-боб. Муддат, умуман вақт ва оламнинг яратилиши ва йўқ бўлиши ҳақида (А. Расулев таржимаси)	245

*Ғ. Жалолов таржимаси:*

33-боб. Куннинг бўлаклари — кундуз ва кеча ҳақида	250
34-боб. Куннинг кичик бўлақларга бўлиниши	254
35-боб. Ойлар ва йилларнинг турлари ҳақида	261
36-боб. Мона деб аталадиган тўрт хил миқдор ҳақида	265
37-боб. Ой ва йил бўлаклари ҳақида	267

*Ю. Ҳакимжонов таржимаси:*

38-боб. Бароҳим умрининг охиригача бўлган кунлар таркиби	270
39-боб. Бароҳим умридан ҳам ортиқ муддатлар ҳақида	272
40-боб. Сандҳи — икки вақт оралиги ҳақида	274
41-боб. Калпа ва чатуржуга таърифи ва бириги иккинчиси билан аниқлаш ҳақида	277
42-боб. Чатуржуганинг тўрт жугага бўлиниши ва улардаги ихтилоф ҳақида	280
43-боб. Тўрт жуга хоссалари ва тўртинчисининг охирида келадиган барча қутилган нарсалар ҳақида	284
44-боб. Манвантаралар ҳақида (Ғ. Жалолов таржимаси)	290
45-боб. Етти Қароқчи юлдузлари ҳақида (Ғ. Жалолов таржимаси)	293

*Ю. Ҳакимжонов таржимаси:*

46-боб. Норояна, унинг келадиган вақтлари ва номлари ҳақида	297
47-боб. Васудева ва Бҳарата урушлари баёни	300

48-боб. Акшавҳини миқдорининг шарҳи . . . . .	304
49-боб. Тарихлар ҳақида қисқача маълумот . . . . .	305

*Ғ. Жалолов таржимаси:*

50-боб. Ҳар бир калпа ва чатуржугада ёритгичларнинг даврлари . . . . .	314
51-боб. Ҳар турли кунларни — адҳимоса, унаротра ва аҳарганани — таърифлаш ҳақида . . . . .	320
52-боб. Аҳарганани умумий ҳисоблаш, яъни йиллар ва ойларни кунларга айлантириш ва бунинг акси — уларни йилларга айлантириш ҳақида . . . . .	321
53-боб. Берилган вақт учун йилларни жузъий амаллар билан [ойларга ва кунларга] таҳлил этиш . . . . .	335
54-боб. Планеталарнинг ўртача ўринларини ҳисоблаш . . . . .	341
55-боб. Ёритгичларнинг тартиби, уларнинг узоқлиги ва катталиги ҳақида . . . . .	344
56-боб. Ой манзиллари ҳақида . . . . .	353

*Ю. Ҳакимжонов таржимаси*

57-боб. Ёритгичларнинг Қуёш ёруғлиги ташқарисига чиқиб кўриниши ва ҳиндларнинг шу пайтда ўтказадиган қурбонлик ва расм-русмлари . . . . .	365
58-боб. Девғиз сувларининг кетма-кет кўтарилиши ва пасайиши . . . . .	374
59-боб. Қуёш ва Ой тутилишлари . . . . .	376
60-боб. Парва ҳақида ( <i>Ғ. Жалолов таржимаси</i> ) . . . . .	381

*Ю. Ҳакимжонов таржимаси:*

61-боб. Шарият ва астрологияга онд вақтнинг турли соҳиблари ва уларга тегишлилар ҳақида . . . . .	384
62-боб. Олтмиш [йиллик] санватсара ҳақида, уни шаштнябда ҳам деб аталади . . . . .	388
63-боб. Браҳманиннг умр бўйи бажариши зарур бўлган махсус ишлари ҳақида . . . . .	393
64-боб. Браҳмандан ўзгаларга умр бўйи бажариллиши лозим бўлган расм ва олатлар тўғрисида . . . . .	397
65-боб. Қурбонликлар ҳақида . . . . .	399
66-боб. Ҳаж қилиш ва муқаддас жойларни зёрат қилиш тўғрисида . . . . .	401
67-боб. Садақа ва касбдан ҳосил бўладиган маҳсулот тўғрисида . . . . .	406
68-боб. Ҳалол ва ҳаром ҳисобланган овқат ва ичимликлар ҳақида . . . . .	407
69-боб. Ҳиндларда никоҳ, ҳайз кўриш, бачадондаги бола ва нифос масаласи . . . . .	409
70-боб. Даъволар ҳақида . . . . .	412
71-боб. Жазолаш ва гуноҳларни ювиш — кафорот ҳақида . . . . .	414
72-боб. Мерослар ва ўликнинг мерослардаги ҳақи . . . . .	416
73-боб. Улганнинг ўз жасадига нисбатан ҳақи ва тирикларнинг ҳам ўз баданларига нисбатан ҳақлари . . . . .	418
74-боб. Рўза ва унинг турлари ҳақида . . . . .	421
75-боб. Рўза кунларини тайинлаш ҳақида . . . . .	423
76-боб. Байрамлар ва тантаналар ҳақида . . . . .	426
77-боб. Улуғ кунлар ва савоб олишга белгиланган бактли ва наҳсли кунлар ҳақида . . . . .	431
78-боб. Караналар ҳақида . . . . .	437
79-боб. Жугалар ҳақида. . . . .	444
80-боб. Ҳинд астрологиясининг бошланғич асослари ва ундаги усулларга бўлган ишорат ҳақида ( <i>А. Расулев ва Ғ. Жалолов таржимаси</i> ) . . . . .	448
Изоҳлар . . . . .	477
Қўрсаткичлар . . . . .	497

**Беруний Абу Райҳон.**

Танланган асарлар. (Арабчадан А. Расулев,  
Ю. Ҳакимжонов ва Ғ. Жалолов тарж. Масъул  
муҳаррир: Ғ. Жалолов ва А. Ирисов. Сўз боши ва  
изохлар А. Ирисовники). Т. 2. Т., «Фан»,  
1965.

(Ўзбекистон ССР Фанлар Акад. Абу Райҳон  
Беруний номидаги Шарқшунослик ин-ти).  
Т. 2. 1965. 538 бет.

Беруни Абу Рейхан. Избранные произведения.  
Т. 2.

9  
Б61

*На узбекском языке*

**Бируни**

**ИНДИЯ**

**Издательство «Наука» УэССР**

**Ташкент — 1965**

Редактор *Суръат Абдукаримов*  
Техредактор *Э. П. Горькова*  
Корректорлар: *Х. Саъдуллаева, Х. Зарилова ва Н. Раҳимова*

---

Р05409. Теришга берилди 4/ХII-64 й. Босишга руҳсат этилди 13/II-65 й. Фармати 84×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>—16,87 қогоз  
листи. Босма листи 55,93. Уч. нашриёт л. 35,8. Нашр. № 1276. Тиражи 2000. Баҳоси 2 с. 15 т.  
Муқоваси 30 т.

---

УэССР «Фан» нашриётининг босмахонаси. 2 Високовольт кўчаси 21. Заказ 1381.  
Нашриёт адреси: Гоголь кўчаси, 70